Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК

“TAMADDUN”
ТОШКЕНТ – 2021

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ТЎҚҚИЗИНЧИ ЖИЛД

*** *** ***

Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ

КЎНГИЛ ҲАЙРАТЛАРИ

Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ


Беҳзод Йўлдошев, Баҳром Абдуҳалимов, Абдулла Аъзамов, Бахтиёр Назаров,
Сирожиддин Саййид, Акмал Нур, Шуҳрат Сирожиддинов, Гулчеҳра Рихсиева,
Муҳаммаджон Имомназаров, Ваҳоб Раҳмонов, Муслиҳиддин Муҳиддинов,
Иброҳим Ҳаққул, Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов,
Султонмурод Олим, Шуҳрат Ризаев, Афтондил Эркинов, Нурбой Жабборов,
Каромат Муллахўжаева, Мирзо Кенжабек, Сайфиддин Сайфуллоҳ, Исажон Султон

ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов,
Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

МУСЛИҲИДДИН МУҲИДДИНОВ

КЎНГИЛ ҲАЙРАТЛАРИ



АСЛЛИК

Заҳматкаш адабиётшунос, илм-фан ва жамоат арбоби Муслиҳиддин Муҳиддинов табаррук 75 ёшга кирди. Муслиҳиддинхонни қарийб эллик йилдан бери танийман. Унинг қаламидан чиққан ҳар бир мақола ва рисола, ҳар бир илмий ва публицистик чиқишлари чуқур эҳтиром ва эътирофга сабаб бўлиб келмоқда. Шунинг учун, бундай қувончли кунларда замонамизнинг мунаввар сиймоларидан бири, донишманд ва жонкуяр олимимиз ҳақида дил изҳорларини билдириш айни муддао бўлади, деб ўйлайман.

Муслиҳиддин Муҳиддинов нақшбандийлик тариқати шариф силсиласининг олтин ҳалқаларидан бири ҳисобланган табаррук бир хонадонда дунёга келди. Сайид Аҳмад Васлийнинг "Назм ус-силсила"сида берилишича, Муслиҳиддинхоннинг бобоси Валихон эшон XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида ушбу тариқат пешвоси сифатида Мовароуннаҳр элига маънавий раҳнамолик қилган. У зотнинг вафотидан кейин нури нисбат фарзанди аржумандлари – Муҳиддинхонга етиб, 1930 йилгача муршидлик масъулияти бу кишининг зиммасида бўлади.

Ҳукумат коммунистлар қўлига ўтганидан сўнг асрлар давомида ислом динининг қуввати бўлган Бухородаги илм ва адаб аҳлининг бир қисми Мовароуннаҳрни тарк этишга мажбур бўлган эса, бошқа қисми яхши кунлар қайтиши умидида Ургутга кўчиб боради. Чорчинор мавзесида Муҳиддинхон эшон бошчилигида бунёд этилган "Мадрасайи чўбин" (Ёғочдан қурилган мадраса)да толиби илмлар Бухородан борган уламолар ҳузурида ислом маърифатига асосланган билимларни ўзлаштиришга давом этадилар. Натижада, "Бухородаги илм файзи Ургутга кўчди" деган нақл кундан-кунга ҳаётий ҳақиқатга айланиб боради. Бундан хавотирга тушган коммунистлар ҳукумати Муҳиддинхон эшон билан учрашиб, у кишини муридлар билан байъатни бекор қилишни сўрашади. Муҳиддинхон эшон худосизлар ҳукуматининг эл бошига келиши – Аллоҳ таолонинг синови эканлиги, бу балойи осмонийни исён ва итоатсизлик билан бартараф қилиб бўлмаслигини англаган ҳолда, икки мингдан ортиқ муридлари билан байъатни бекор қилиб, Афғонистон томонга ўтиб кетади. Кўп ўтмай, ҳаж амалини бажо келтириш ниятида Арабистонга сафар қилиб, Мадинайи мунавварада вафот этади.

Шўролар ҳукумати бу билан қаноатланмасдан, қаттол сиёсатини изчиллик билан давом эттирди. Муҳиддинхон эшоннинг фарзанди аржуманди Қутбиддинхон аввал Самарқанд, сўнгра Бухородаги нуфузли уламолар ҳузурида таълим олади. Умрини илму ирфонга бағишламоқчи бўлган бу зотни икки марта совет ҳукуматига қарши курашганга айблаб, ҳибсга олишади. Сталин вафотидан сўнг эълон қилинган "олтин амнистия" туфайли озодликка чиққан Қутбиддин эшонни дастлаб Тожикистон Фанлар академиясига, "Фарҳанги забони тожики" луғатини тузишга жалб этишади. Кейинроқ академик Ғафур Ғуломнинг саъй-ҳаракати билан Қутбиддинхон эшон Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтига ишга таклиф қилинади. Домла бу ерда Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғатини тузиш гуруҳининг асосий аъзосига айланди. Ўзим бир неча марта гувоҳ бўлганман: Навоий қўллаган мураккаб сўзларни ўқиш ва шарҳлашга қийналган мутахассислар Эшони Шайхга мурожаат қилиб, сўзнинг барча маъно қатламлари ва жилоси ҳақида атрофлича маълумот олардилар. Эшони Шайхнинг Сағбондаги ҳовлиси ҳамиша илм ва адаб аҳли билан гавжум, ирфоний суҳбатларнинг макони эди. Ғафур Ғулом, Эргаш Фозилов, Фузайл Махсум, Порсохон Шамсиев, Ғайбулла Саломов каби давр алломалари бу табаррук хонадоннинг арзанда меҳмонлари эди.

Муслиҳиддинхон ана шундай табаррук хонадонда, шундай азиз инсонларнинг суҳбатларида камолга етди. Ўша даврдаги бирор дорилфунунида таълим берилмайдиган тасаввуф ва ирфон, муттоз адабиётнинг ўқтомирлари, мусулмон Шарқининг маданиятининг ўзига хос бўлган қирралари ҳақида бўлиб ўтган суҳбатлар таъсирида улғайган Муслиҳиддинхон ҳам отаси каби миллатнинг нажоти – илм ва маърифатда деб билди. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) аспирантурасида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби Ғулом Каримов раҳбарлигида "Ўзбек классик адабиётида "Баҳром ва Дилором" ҳамда "Баҳром ва Гуландом" циклидаги достонлар ("Ўзбек классик адабиётида "Баҳром Гўр" сюжетининг эволюцияси") мавзусида номзодлик диссертациясини 1972 йилда муваффақиятли ҳимоя қилган М.Муҳиддинов умрини муттоз адабиётимиз тадқиқига бағишлади.

Баҳром Гўр ҳақидаги достон ва қиссалар форс-тожик, ўзбек, озарбайжон, курд, гуржи ва бошқа халқларнинг ёзма ва оғзаки адабиётида муқим ўрин эгаллаган. Бу сюжет Алишер Навоийнинг мислсиз "Хамса"сидаги тўртинчи достон –"Сабъаи сайёр" орқали ўзбек муттоз адабиётининг маънавий мулкига айланди. М.Муҳиддинов мазкур достонни форсий хамсанавис шоирлар – Низмоий Ганжавий ва Амир Хусрав Деҳлавийлар билан қиёсий таҳлил этароқ, туркигўй шоиримизнинг достонидаги ўзига хос ва бетакрор жиҳатларни шоён этиш орқали Навоийнинг ҳам сюжет яратиш бобида, ҳам бадиийлик борасида кўп янгилик ва кашфиётлар соҳиби эканини илмий жиҳатдан асослаб берди. Шунингдек, Баҳром Гўр тимсоли ўзбек адабиётида "Баҳром ва Гуландом" туркумидаги достонларда ривожлантирилгани, бу образ кейинчалик халқ оғзаки ижодига ҳам кўчганини манбалар асосида ёритиб беришга эришди. Шу тариқа, унинг тадқиқотлари туфайли муттоз адабиётшунослигимизда қиёсий-типологик таҳлил усули ривожланишнинг янги босқичига кўтарилди.

Муслиҳиддинхон Муҳиддинов таржима назарияси ва амалиёти, таржима тарихи бўйича ҳам қатор салмоқли тадқиқотларни амалга оширди. Бу йўналишдаги дастлабки тадқиқот намуналарини "Баҳромнома"ларнинг қиёсий таҳлили жараёнида кўришимиз мумкин. Жумладан, Муҳаммадризо Огаҳий қаламига мансуб бўлган, Низомий Ганжавийнинг "Ҳафт пайкар" достонининг насрий таржимаси ҳақида билдирган фикрлари XIX асрдаги адабий муҳит, омманинг китобхонликка бўлган қизиқиш доираси, Огаҳийнинг таржимонлик маҳорати, назмий асарнинг насрий таржима ва табдилида бадиийлик каби қатор масалаларга ойдинлик киритиб, бугунги кунгача ўз қимматини йўқотмаган илмий хулосаларни тақдим этди.

Муслиҳиддинхон зуллисонайнлик, аниқроқ айтганда, уч тил – араб, форс-тожик ва ўзбек тиллари ҳукм сурган гўзал маънавий муҳитда камол топди. Қиблагоҳидан ва кейинчалик устозлардан олган таълимлар баракатидан у мусулмон Шарқи тарихида бақамти шаклланиб, ривож топган адабиётлар ҳақида, адабий алоқалар тўғрисида ўз кузатув ва мушоҳадаларини баён этишга ҳаракат қилди. Айниқса, ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги адабий алоқалар, зуллисонайнлик ҳодисасининг ижобий кўринишлари, таржима санъати тарихи ва амалиёти ҳақида ҳам қатор тадқиқотларни амалга оширди. "Шоҳнома"нинг ўзбекча таржимаси, замонавий тожик адиблари асарларининг ўзбекона жаранги, Алишер Навоий асарларининг тожик тилига қилинган таржималар (С.Айний ва М.Аминзода) ҳақидаги илмий мақолалари таржимашунослик соҳасининг ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Истиқлол замонида Муслиҳиддин Муҳиддинов янги давр навоийшунослигининг илмий-методологик асосларини тубдан янгилашга ўз устозлари ва сафдошлари билан биргаликда камарбаста бўлди. Айниқса, унинг "Ҳайрат ул-аброр" достони ҳақида олиб борган монографик тадқиқоти алоҳида диққатга сазовор. Шўролар замонида Ҳазрат Навоийнинг фалсафий-ирфоний қарашларининг баённомаси бўлган "Ҳайрат ул аброр" достони энг кўп жабр кўрган

десак, муболаға қилмаган бўламиз. Устоз Айний "Хамса"нинг қисқартирилган нашрини тайёрлашда "Ҳайрат ул-аброр"нинг дастлабки бобларидан воз кечишлари, кейинги нашрларда ҳам бу нарса ёмон одатга айланганига фақат ва фақат давр мафкура сабаб бўлган, деб ҳисоблайман. Навоийшуносларимиз мазкур боблар асарни тўла идрок этишда очқич-калит вазифасини билсалар ҳам, қаттол сиёсат йўриғи ушбу ҳақиқатларни айтишга изн бермасди. Мустақиллик берган имкониятлардан самарали фойдаланган М.Муҳиддинов "Хамса"ларнинг илк достонларида комил инсон концепциясини қиёсий ўрганишга бел боғлади.

Маълумки, комил инсон ғояси – ислом таълимоти замирида камол топган тасаввуф тариқатининг бош ғояси ҳисобланади. Тасаввуф – гўзал ахлоқ тарғиби, тариқат йўлига киришдан мақсад – маънавий баркамол инсонни тарбиялаш бўлган. Бир лаҳза ҳам Худонинг ёдидан ғофил бўлмаслик, Яратган ва унинг яратиқларига муҳаббат руҳида яшаш, ҳамиша эзгу ният, савоб амал ва гўзал сўзлашни одат қилиш, илоҳий маърифатни касб этиш, ўзликни англаш ва алалоқибат Илоҳий ҳикматдан баҳраманд бўлиш каби барча давру замон учун илғор ҳисобланган ғояларнинг амалий ифодаси бўлган тасаввуф таълимоти Навоий ҳазратларини болалик чоғиданоқ ўзига мафтун этган. Шайх Фаридуддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" достони ҳамда шайх Қосим Анворнинг орифона ғазаллари туфайли қалбида ўрнашган ушбу мафтунлик мутафаккир шоиримизнинг бутун умри давомида қувватланиб, бу борада англаган ҳақиқатларининг қаймоғини "Ҳайрат ул-аброр" достонида шеърий йўсинда ифодалаган. Умуман олганда, адабиёт ўз моҳият эътибори ила, инсоншунослик, ўзликни англаш тажрибасидир. Ҳар бир ижодкор ўз дунёқараши, маслак ва эътиқоди, билим ва тафаккури доирасида одам ва олам, ҳаёт ва ўлим, бахт ва бахтсизлик, шакл ва моҳият ҳақида фикрларини баён этиб боради. Шу нуқтаи назардан қаралганда, Алишер Навоийнинг инсон ҳақидаги қарашларини ўрганишда "Ҳайрат ул-аброр" достони алоҳида аҳамият касб этади.

Муслиҳиддин Муҳиддинов "Ҳайрат ул-аброр" достонини тадқиқ этишда энг қийин ва айни пайтда энг тўғри йўлни танлади. У мазкур достонни Низомий Ганжавийнинг "Махзан ул-асрор", Амир Хусрав Деҳлавийнинг "Матлаъ ул-анвор" ҳамда Абдураҳмон Жомийнинг "Туҳфат ул–Аҳрор" достонлари билан қиёсий равишда ўрганиб, ҳар бир мутафаккир адибнинг фалсафий-ижодий дунёқарашининг моҳиятини очиб бериш орқали Алишер Навоийнинг маънавий сарчашмаларини аниқлаш, бу зотнинг жаҳон бадиий тафаккури хазинасига қўшган ҳиссасини белгилашга ҳаракат қилган. М.Муҳиддинов биринчилардан бўлиб, хамсанависликда инсон ҳақидаги қарашлар энг аввало Қуръони карим ва ҳадиси шарифдан озиқланганини аниқ мисоллар орқали исботлаб берди. Навоийнинг комил инсон ҳақидаги қарашлари тасаввуф таълимоти билан чамбарчас боғлиқлиги, унинг идеаллари ҳам энг аввало анбиё ва авлийлар эканини рад этиб бўлмас далиллар билан кўрсатилгани навоийшуносликнинг сохта ўзанларига барҳам бериш йўлидаги жиддий қадамлардан бўлди.

Ҳазрат Навоийнинг шундай байти бор:

Илм, Навоий, сенга мақсуд бил,
Эмдики илм ўлди, амал айлагил.

Муслиҳиддин Муҳиддинов илмига амал қиладиган заҳматкаш олимлардан. Узоқ йиллар Самарқанд давлат университетида маънавий ишлар бўйича биринчи проректор лавозимига ишлаб, ёш авлодни маънавий баркамол инсон этиб тарбиялашда Ҳазрат Навоий дарсхонасидан олган сабоқларини қўллади. Университет доирасида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирлар, замондош олим ва адибларимиз билан ташкиллаштирилган учрашувлар, илмий анжуманлар талабаларнинг маънавий дунёсини рангбаранг этиб, уларнинг қалбида некбинлик туйғусини мустаҳкамлади.Катта-ю кичикка тавозели ва самимий муносабат-

да бўлган бу шариф инсоннинг сўзлари ва амаллари ўз моҳият эътибори ила шогирдлар ва касбдошлари учун бир умрга татигулик сабоқ бўлди. Маънавий ишлар бўйича проректорлик – олий таълим тизимида энг масъул лавозимлардан бири. Лекин шу лавозимда энг муносиб раҳбар ким эди, деган савол туғилгудек бўлса, биринчилар қаторида Муслиҳиддин Муҳиддинов номи албатта тилга олинишига ишончим комил.

Муслиҳиддин Муҳиддинов – кўҳна ва навқирон Самарқанднинг асл фарзанди. Самарқанд ким учундир маҳобатли миноралари билан азиз бўлса, кимдир Самарқандни жаҳонгашта савдогарлар-ю, таърифи тилларга достон бўлган нонлари туфайли билади. Муслиҳиддинхон учун эса, Самарқанд – Афросиёб замонидан бери (балки ундан-да қадимийроқ бўлган даврлардан) бугунги кунгача илм-маърифат ва тамаддун бешиги, илм-фан ва ижод аҳлининг паноҳи сифатида азиз. Унинг қатъий ишончига кўра, Самарқанд – навоийшуносликнинг бешиги. Олимнинг аниқлашича, Алишер Навоийнинг ҳаётига оид маълумот берилган илк манба Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн" асари бўлса, ижоди ҳақида маълумот берувчи биринчи тазкира ҳам бошқа бир самарқандлик ижодкор – Давлатшоҳ Самарқандий қаламига мансуб. Мазкур гўзал анъананинг давомчиси, Самарқанддаги навоийшунослик силсиласининг олтин ҳалқаларидан бири – Муслиҳиддинхон Муҳиддинов ҳозир ҳам ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда. Қўлингиздаги китоб ҳам муаллифнинг узоқ йиллар давомида олиб борган изланишларининг маҳсули. "Кўнгил ҳайратлари" деб номланган ушбу монографияда олимнинг нуктадонлик ва жўшқин эҳтирос билан баён этган хулоса ва кузатувлари билан ошно бўлиш мумкин. Мен камоли қониқиш билан адабиётшунослигимиз хазинаси яна бир қимматли тадқиқот билан бойиганини қайд қилиб, қутлуғ ёшга етган Муслиҳиддинхон Муҳиддиновга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва ижодий баркамоллик тилаб қоламан.

Тўра МИРЗАЕВ,
академик

МУҚАДДИМА

Туркий тилдаги адабиёт жуда қадимий тарихга эга. Ўрхун-Энасой битикларидан тортиб бу тилда ёзма адабиёт ривожланиб келади. Туркий халқлар руҳияти, дили ва завқу таъбини ифодалаган ҳисобсиз оғзаки ижод намуналари, «Қутадғу билиг» (Юсуф Хос Ҳожиб), «Ҳибатул ҳақойиқ» (Аҳмад Югнакий), «Девони ҳикмат» (Аҳмад Яссавий), «Қисаси Рабғузий» (Носириддин Рабғузий), «Муҳаббатнома» (Хоразмий) каби обидалар Атоий, Саккокий, Лутфий шеърияти, Навоий ва Бобур, Машраб ва Огаҳийларнинг ўлмас адабий мероси бизнинг фахримиз, маънавий хазиналаримиздир. Ўзбек адабиётининг ўзига хос тараққиёт йўли, халқимизнинг тарихий тақдири, ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ жиҳатлари мавжуд. Шу билан бирга қайд этамизки, ўзбек адабиёти ўзининг кўп асрлик тараққиёти тарихида қўшни халқлар адабиёти билан зич алоқада бўлиб, ўзаро баҳрамандлик қонунияти асосида ривожланиб келди. Аслини олганда, туркий тилдаги адабиёт умуммусулмон адабиётининг бир қисми. Маълумки, мусулмон дунёсидаги илм-фан, маданият асосан уч тилда яратилган. Бунинг бири араб тили, иккинчиси форс тили ва учинчиси туркий тилдир. Араб тили диний адабиётлар, шариат қонунларига оид асарларда, шунингдек, тиб, фалсафа, риёзиёт ва бошқа фан соҳаларида кенг қўлланилган. Миллати араб бўлмаган кўп олимлар, илм-маърифат арбоблари ҳам араб тилида асарлар таълиф этишларига сабаб шу эди.

IX–X асрларга келиб форс тили араб тили билан рақобат қила бошлайди. Айниқса, шеъриятда бу тил шуҳрат қозониб, оламга машҳур бадиий обидаларнинг яратилишига сабаб бўлади. Тарихий-илмий, фалсафий асарларнинг кўп қисми ҳам форс тилида ёзилгандир. Туркий тилдаги адабиёт араб ва форс тилида яратилган адабиёт билан бақамти ривожланиб адабий анъаналар, жанрлар, ғоя ва образларда муштараклик касб этди. Мусулмон дунёсида қўлга киритилган маънавий тафаккур тараққиётига ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўзбек адабиёти тарихан, айниқса, форс-тожик адабиёти билан узвий алоқада инкишоф топди. Адабиётшунос олимларимизнинг тадқиқотларида ушбу жараённинг бир қанча жиҳатлари ўрганилди. Аммо бу соҳанинг умумназарий жиҳатлари, адабий-бадиий қонуниятлар ҳали етарли тадқиқ этилмаган.

Сирасини айтганда, бир-бирига ўхшаш ёки ғояси, образлари, усул-услуби яқин асарлар Шарқ адабиётида жуда кўп. Бундай муштарак фактларни қидириб топиш ва қайд этишнинг ўзи кифоя эмас. Асосий вазифа ана шу муштаракликлар заминида ётган ижтимоий-ахлоқий, адабий-эстетик ҳодисалар сабабияти, умумийликнинг илдизларини очиш ва типология қонуниятининг амал қилиши, шу қонуният ичида шаклланган адабий ҳодисаларнинг хусусияти, оригиналлик даражалари, таъсир ва индивидуал маҳорат масалаларини ечиш керак бўлади. Ана шунда жуда кўп баҳсли муаммолар ҳам ўз-ўзидан ҳал қилинади. Бу жиҳатдан етук адабиётшунослар Н. Комилов ва Р. Воҳидовнинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу икки олимнинг тадқиқотларида ўзбек-тожик адабий алоқалари тарихи қиёсий адабиётшунослик талаблари асосида қараб чиқилган, адабий ҳамкорликнинг хил ва шакллари, бу шакл орасидаги фарқ ва умумийликлар ёритилган. Профессор Н. Комилов «Хоразм таржима мактаби» мавзуида ёзган тадқиқотларида типология масалаларини бадиий таржимага боғлаб тушунтирса, профессор Р. Воҳидов XV–XVI асрлар ўзбек ва тожик шеъриятини изчил кўздан кечириб, зуллисонайнлик, татаббуъ, назира, таржима каби Шарқда кенг тарқалган ўзаро адабий таъсир шаклларини ўрганиб чиқди.

Албатта, ушбу масала бундан анча илгари адабиётшунослик илмида текшириш мавзуига айланган эди. Рус шарқшунослари Е. Э. Бертельс, В. В. Жирмунский, Н. И. Конрад, кей-

инчалик Х. Г. Корогли, Ғ. Саломов, Ғ. Алиев, И. Брагинский, Б. Л. Рифтин Ўрта ва Яқин Шарқ халклари адабиётидаги умумий жиҳатлар, анъанавий назаргўйлик хусусиятларини тадқиқ этишга киришиб, талай қимматли фикрларни баён этган эдилар. Айниқса, атоқли олим Е. Э. Бертельснинг «Искандар ҳақидаги роман ва унинг Шарқдаги версиялари», «Навоий ва Аттор» номли ишлари бу борада муҳим аҳамият касб этади. Чунки, бу ишларда назиргўйлик анъанаси Шарқ адабиёти талаблари нуқтаи назаридан холисона ўрганилиб баҳо берилган ва Навоийни форс адабиётининг таржимони дегувчи Ғарб олимларининг фикрлари бир ёқлама ва ноҳақ эканлиги исботлаб берилган эди. Назира эпигонлик ҳам, тақлид ҳам эмас, балки ўзига хос ижодий мусобақа, куч синаш воситаси бўлиб, истеъдодли шоирлар анъанага риоя қилиб, буюк салафларнинг асарларидан илҳомланган ҳолда, мавжуд асарга ҳам ғоя-маъно ва ҳам услуб-ифода, маҳорат жиҳатидан мос келадиган, аммо айни вақтда янгича жаранглайдиган, янги ижодкорнинг қалами кучини кўрсатиб, овозини ифодалайдиган янги асарни дунёга келтирган. Бу «пайравлик» маҳорати, анъана ичида ўзликни кўрсатиш маҳоратидир. «Назира» истилоҳи билан бирга «татаббуъ», «жавобия», «таврия» каби истилоҳлар ҳам қўлланиб келинган. «Назира» – араб тилида ўхшаш, монанд нусха, намуна маъноларида келади. Аммо бу сўзнинг тенг, баробар, баҳслашувчи ҳариф деган маънолари ҳам бор. «Беназир» – тенгсиз демак. Демак, назира – ўхшатма яратиш, намунали асарга баробар асар яратиш учун у билан баҳслашиш демак. «Татаббуъ» – издан бориш, издошлик ёки бировнинг таъбу дидига эргашишдир. Бу истилоҳ лирик асарга эргашилганда қўлланилган. Чунончи, Навоий «Девони Фоний»да «дар табъи Хожа» деганда Хожа Ҳофизнинг конкрет бирор ғазалига эргашилганини билдирган бўлса, «дар таври Хожа» деганда, умуман Ҳофиз руҳияти, услубида асар ёзганлигини англатган.

«Жавобия» – жавоб айтиш. Назаримизда, «Хамса» достонларига нисбатан шу истилоҳни қўллаш ўринли. Чунки шуҳратли асарларга жавоб айтиш Шарқда шоирлар орасида одат тусига кирган эди. Жавоб айтиш – курашга бел боғлаш. Фирдавсий ёки Низомий асаридан ҳайратланган китобхонни янгидан ҳайратлантириш ниятидир. Ана шу ниятга эришган шоир мусобақада ғалаба қозониб, салафи билан баробар обрў-эътиборга сазовор бўлган, буюклар силсиласидан жой олган. Ҳатто оригинал асар ёзиб эътиборга лойиқ бўлмаган бўлса-да, жавобияда шуҳрат қозонганлар кам эмас эди. Адабиёт тарихига оид тазкираларни кўздан кечирсак, бир қанча шоирлар улуғ салафларнинг асарларига назира ёзгани учун тилга олинганини кўрамиз. Айниқса, «Хамса»га эргашиш кўп бўлган. Бунинг сабаби Низомий достонларининг эл орасида жуда катта эътиборга эга бўлиб, юксак қадрланиши эди. Масалан, Амир Хусравнинг, биламизки, «Хамса»дан бошқа яна «Нуҳ сипеҳр», «Хизрхон ва Дувалроний», «Кирон ус-саъдайн» номли достонлари бор. Аммо китобхонлар бу оригинал достонлардан кўра, назира усулида ёзилган «Хамса»ни кўпроқ қадрлаганлар. Амир Хусравнинг номи Низомий Ганжавийга муваффақиятли жавоб айтган шоир сифатида эъзозланган.

Шундай қилиб, назира улуғ салафларнинг «панжасига панжа урмоқ» (Навоий), руҳланиб, илҳом олиб, ўз даври дардини, ғоялари ва қарашларини акс эттирган асар яратиш ҳисобланган. Бундай курашда ғалаба қозониш осон эмас эди, албатта. Дарвоқеъ, ҳазрат Навоийнинг ўзлари айтганларидек:

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасига панжа урмоқ...

Керак шер олдида ҳам шери жанги.
Агар шер ўлмаса, бори паланге[1].

Ҳа, шер билан курашишга тушиш учун шер бўлиш, ҳеч бўлмаса йулбарс қудратига эга бўлиш лозим. Амир Хусрав, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий Низомий билан курашга чиқиб, унга тенглаша олган ва янги «Хамса»лар бунёд этган улуғ «шер» шоирлар эдилар. Шу боис Низомий «Хамса»си билан ёнма-ён Хусрав Деҳлавий, Жомий ва Навоий «Хамса»лари ҳам сўз санъатининг нодир обидалари сифатида қадрланиб, ўқиб келинган. Бир-бирининг давоми ва бир-бирининг ривожи, айнан такрори эмас, ҳар бири бир улуғ маънавият олами. Алишер Навоий буни Жомийнинг «Туҳфат ул-аҳрор» достонига берган баҳосида ажойиб ташбеҳлар, қиёслар билан тушунтириб берган. Воқеан, назира ёки жавобия нима? Унинг вазифаси – мақсади, моҳияти қандай бўлиши керак, деган саволларга ҳазрат Навоий аниқ жавоб бериб келганлар. Алишер Навоий «Хамса» достонларида Низомий, Амир Хусрав ва Жомийга бағишланган бобларда ушбу масала устида тўхтаб ўтадики, шоирнинг фикрлари фақат салафлар эҳтиромн эмас, балки адабий-эстетик қарашлари, тутган мавқеини ҳам ифода этади.

«Ҳайрат ул-аброр» достонининг Абдураҳмон Жомийга бағишланган бобида хабар берилишича, Алишер Навоий устози ва пири муршиди Жомий уйида илму адаб аҳли йиғинида иштирок этади. Абдураҳмон Жомий суҳбат асносида «Хамса»чилик анъаналари, Низомий ва Амир Хусрав «Хамса» лари хусусида фикр билдириб, жавобия айтиш қоидалари, одоби ҳақида ҳам гапиради, бу ишнинг мушкуллигини таъкидлайди. Ўтирганлар Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавий «Хамса»ларининг ҳар бирига хос фазилат ва хусусият ҳақида суҳбатлашадилар, айниқса «Хамсатайн»нинг биринчи достонлари «Махзан ул-асрор» ва «Матлаъ ул-анвор»ни таърифлаб тилга оладилар. Бу фикр уй соҳиби Абдураҳмон Жомийга ҳам маъқул тушади.

Жомий тилидан:

Гавҳаре йўқ «Махзан ул-асрор» дек,
Ахтаре йўқ «Матлаъ ул-анвор»дек[2].

Яъни Низомий гавҳари бемисл бир гавҳар бўлса, Хусрав асари порлаб турган юлдуздек, Навоий Жомий тилидан (унга қўшилган ҳолда) яна шуни тасдиқлайдики, «Хамса» достонларининг қолган тўрттаси – Низомийнинг «Хусрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳафт пайкар», «Искандарнома» (икки қисмли) ҳамда Амир Хусравнинг «Ширин ва Хусрав», «Мажнун ва Лайли», «Оинаи Искандарий» ва «Ҳафт беҳишт» номли достонлари «мажоз» усулида ёзилган асарлардир. Яъни мазкур асарларда илоҳий ишқ, илоҳий ғоялар дунёвий воқеалар тасвири орқали ёритилган. Аммо биринчи достонларда бевосита илоҳий ҳақиқат ҳақида сўз боради.

Нукта сув янглиғ эритур тошни,
Топса ҳақиқат ўтидин чошни[3].

Алишер Навоий ҳикоясини давом эттириб, ёзади: бир – икки ой ўтгандан кейин ҳазрати Нуран «хизматини таманно» этиб, ҳузурларига борганимда, ҳали муқова қилиниб, китоб ҳолига келтирмаган «бир неча жузвларни» Ҳазрат илкида кўрдим. Ул зот енгил табассум қилиб, шул варақларни қўлимга тутқаздилар ва ўқиб чиқ, деб ишорат этдилар:

---

[1] Алишер Навоий. «Хамса». Танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 158-б.
[2] Алишер Навоий. «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи. П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 32-б.
[3] Алишер Навоий. «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи. П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 32-б.

Ким олибан боштин аёғиға боқ,
Қил назар авроқиға боштин-аёқ[4].

Навоий варақларни қўлга олиб, тез кўз югуртириб ўқиб чиқди.

Маълум бўлдики, Абдураҳмон Жомий икки ой олдинги ўтиришда юз берган суҳбатдан рўҳланиб, янги достон ёзиб тугатган экан. Янги асарга буюк муаллиф «Туҳфат ул-Аҳрор» (Ҳурлар туҳфаси) деб ном қўйган экан. Асар «Махзан ул-асрор» ва «Матлаъ ул-анвор» достонларига жавобия тарзида яратилган эди.

«Туҳфат ул-Аҳрор»ни катта қизиқиш билан ўқиб чиққан Навоийнинг шавқу завқи, илҳоми жўш ура бошлайди ва кўнглида туркий тилда шундай бир асар ёзиш истаги пайдо бўлади:

Чун ўқумоқ замзамаси бўлди бас,
Кўнглум аро дағдаға солди ҳавас,
Ким бу йўл ичраки алар солди гом,
Бир неча гом ўлса манга ҳам хиром.
Форси бўлди чу аларға адо,
Турки ила қилсам ани ибтидо.
Форси эл топти чу хурсандлиқ,
Турк доғи топса барумандлиқ[5].

Навоий «Ҳайрат ул-аброр»ни Жомийнинг «Туҳфат ул-Аҳрор» асари яратилгандан кейин ёзган. Жомийнинг муваффақиятли жавобияси ўзбек шоирини ҳам илҳомлантирган, шоирона ғайрати ва журъатини мустаҳкамлаган, ўз-ўзига ишончини орттирган.

«Ҳайрат ул-аброр» фақат «Махзан ул-асрор» ва «Матлаъ ул-анвор»га татаббуъ бўлиб қолмай, балки Жомий асарига ҳам жавоб эди, яъни назирага назира ёки Навоий асари тўртинчи муваффақиятли назира сифатида ўзидан олдинги иккита назира – Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомий асарларини ҳам руҳан ифодалаши керак эди. Бошқача айтганда, Амир Хусрав битта асарга, Жомий иккита асарга жавоб айтган бўлсалар, Навоий бир йўла учта асарга жавоб айтиши керак бўлган. Буни улуғ Навоий ўзи таъкидлаган, ҳар учала устоздан фотиҳа олиб ишга киришган:

Ботин ила қилмаса ул икки рад,
Зоҳир ила бу бири қилса мадад.
Йўлдаса бу йўлда Низомий йўлум,
Қўлдаса Хусрав била Жомий қўлум[6].

Уч сўз санъаткори – уч гигант шоир уни руҳлантирар, илҳомига илҳом қўшар эди ва ҳам салобати босар, масъулиятини тетиклантирар эди. Агар биз «Ҳайрат ул-аброр»ни мутолаа қиладиган бўлсак, бу уч буюк шоирнинг таъсири борлигини ва шу билан бирга ўзига хос тўртинчи бир улуғ шоир – Навоий қаламини ҳис этамиз. Шунинг учун «Ҳайрат ул-аброр»ни ўрганганда, уни Низомий ва Амир Хусрав достонлари билан ҳам, Жомий асари билан ҳам қиёслашга мажбурмиз.

“Ҳайрат ул-аброр»даги салафларга атаган бағишлов бобларда Навоий «Махзан ул-асрор», «Матлаъ ул-анвор» ва «Туҳфат ул-Аҳрор» ҳақида қиёсий баҳо бериб, уларнинг ўзаро фарқларини ҳам айтиб ўтади. Ва бу фикрлар замирида биз Навоийнинг назира хусусидаги қарашлари акс этганига ҳам гувоҳ бўламиз.

---

[4] Шу асар, 32-б.
[5] Шу асар, 32-б.
[6] Алишер Навоий. «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 32-б

Масалан, Навоий фикрича, «Туҳфат ул-Аҳрор», Низомий ва Амир Хусрав асарларидан қисқароқ, бироқ уларга қараганда фойдалироқ («муфид»):

Ул иккини топса бўлур мунда-ўқ,
Мунда туҳаф кўпки, ул иккида иўқ[7].

Демак, Абдураҳмон Жомий достонида «Махзан ул-асрор» достонининг ва «Матлаъ ул-анвор» достонининг умумий мазмуни, маънолари ўз ифодасини топган, аммо ҳажман қисқа бўлишига қарамай, «Туҳфат ул-аҳрор»нинг аввалги достонлардан фарқлантирувчи фазилатлари (туҳфалари) бор. Худди шу таърифда жавобия ҳодисасининг хусусияти аниқ белгилаб берилган, яъни салафлар руҳи, нафаси, маънолари, тарзи ифодасини сақлаб, яна ўз ғояси, ўз ифода тарзи, ўз қарашларини кўрсата билиш. Агар биз бу таърифни «Ҳайрат ул-аброр»га нисбатан қўлласак, Навоий достонида аввалги уч достоннинг мазмунини топса бўлади ва яна Навоийнинг ўзини замона руҳидан келиб чиқиб баён этган қарашлари, кузатишлари хулосасини, фалсафий фикрларини англаб, билиб оламиз. Асардаги тозалик, оригиналлик, албатта фақат унинг туркий тилда ёзилгани эмас. Гарчи, бу ҳам улуғ ҳиммат ва ўз халқи олдидаги буюк хизмати бўлса-да.

Юқорида келтирган мисолимизда Алишер Навоий Жомий достонини назарда тутиб:

Ким бу йўл ичраки алар солди гом,
Бир неча гом ўлса манга ҳам хиром[8]

– дейди. Гом – форс тилида қадамдир. Яъни Навоий дейди-ки, Жомий журъат қилиб, биринчи қадам қуйди – йўл очди, қани мен ҳам шу йўлдан юрсам, янги достон юзага келтирсам. Жомий бу ерда ҳам Навоийга йўл очиб, намуна – ибрат кўрсатган. Алишер Навоий Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавийнинг ижодини қиёслар экан, Амир Хусравга нисбатан қайта-қайта «пайрав» (издош) сўзини қўллайди. Аммо у шундай «пайрав» ки, салаф қомати қаршисида қомат тиклаб турган, унга муносиб асар яратган пайравдир. Шунинг учун сўз оламидаги, маснавий жанридаги шуҳрат иккисига баробардир:

Ул безабон «Махзани асрор»идин,
Бу ёрутуб «Матлаи анвор»идин.
Маснави услуби мусаллам анга,
Пайраву монанд бу бир ҳам анга[9].

«Пайраву – монанд» – ҳам эргашувчи ва ҳам ўхшаш, яъни иккала «Хамса» ўзаро ўхшаш ва ҳар бири айрича одам. Ажойиб эстетик диалектика! Навоийнинг Амир Хусрав ҳақида билдирган фикрлари кўп. «Хамса»нинг ҳар бир достони муқаддимасида, «Хазойин ул-маоний» девони дебочасида, «Маҳбуб ул-қулуб», «Насойим ул-муҳаббат» ва «Муҳокамат ул-луғатайн» асарларида Алишер Навоий Хусрав Деҳлавий даҳоси, шеъриятининг хусусиятлари ҳақида илиқ гапларни гапирган, ҳинд сеҳргари ғазалларига ёзган татаббуъларини «Дар таври Мир», «Дар табъи Мир», «Татаббуъи Мир» сарлавҳалари билан «Девони Фоний» китобига киритган.

Навоий Амир Хусрав ижодига баҳо берар экан, қуйидаги жиҳатларни кўрсатиб ўтади:

«Пайрав»даги, яъни жавобиядаги юксак маҳорат, чунки Низомийга кўп киши назира бағишлашга ўринган, лекин кўплар уддалай олмай, ном-нишонсиз кетдилар. («Кўп киши ҳам қилди татаббуъ ҳавас, Сарву гул ўтрусига келтурди хас».) Амир Хусрав эса бу майдонга от суриб ғолиб келди ва Низомий мартабасига яқинлашди:

---

[7] Шу асар, 32-б.
[8] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 32-б.
[9] Шу асар 30-б.

Ҳиндуи чобукк демаким, ройи Ҳинд,
Килки учи мамлакаторойи Ҳинд.

Назми саводи аро ҳар достон,
Ўйлаки, бир кишвари Ҳиндустон,
Ганжа шоҳи ганж фишон, пайрав ул,
Шаҳ бу сўз иқлими аро, Хусрав ул[10].

Яъни Низомий ҳам, Амир Хусрав ҳам сўз мамлакатининг подшоҳи, уларни бир-биридан кам ёки ортиқ деб баҳолаб бўлмайди. Низомий теран, Хусрав муъжизакор, Низомий бошловчи, Хусрав «монанд»лик камолини топган киши.

Амир Хусрав ашъори, дарҳақиқат, Шарқда ҳам жуда катта мавқени эгаллаган. Унинг ғазаллари Саъдий, Ҳофиз, Камол Хужандий, Жомий ғазаллари билан, достонлари Низомий ва Жомий достонлари билан баробар севимли бўлган. Эрон, Турон ва Хуросоннинг оддий кишиларидан тортиб подшо ва амирларига қадар Амир Хусрав муҳиби эдилар. XV аср Ҳирот адабий муҳитида ҳам Хусрав Деҳлавийни мутолаа қилиш, унинг асарларига эргашиб, назиралар ёзиш давом этган. Бойсунғур Мирзо, Ҳусайн Бойқаро, Хусрав Деҳлавий асарларини юксак қадрлаганлар. Амир Хусрав шеъриятда камолот ва муъжизакорликнинг намуналаридан бири эди.

Навоий Амир Хусравни мажоз усулида ижод қилиб, ишқи ҳақиқийни куйлаган шоир деб таърифлайди. Бу усулда унга тенг келадиган шоир йўқ. Сўзу гудоз, яъни ёниш ва ўртаниш ҳиндистонлик шоирда устун. Чунончи, у «Ҳайрат ул-аброр»да ёзади:

Ранж тоғин қозмоқ анинг пешаси,
Тоғи анинг назму тили тешаси[11].
Ишқ ўти оташгаҳи жони анинг.
Ғам тенгизи ашки равони анинг.
Шамъ киби базмфурузанда ул,
Базмфурузандаву сўзанда ул[12].

Шундай қилиб, Амир Хусрав шеъриятида ишқ ҳарорати, қалбни ҳаяжонга соладиган оташ бор.

Амир Хусрав ифода – тасвир устаси, тили сеҳрли ва жозибали. Унинг қалами кишини ҳайратга солади, гўё олам-олам дур сочаётгандай туюлади.

«Хамса» достонлари, жумладан, Амир Хусрав «Хамса»си билан «...туркий халқларнинг узоқ муддатли тарихий тараққиётида яратилган бадиий тафаккур ёдномаларининг тамал тоши» бўлиб ҳисобланган Алишер Навоий «Хамса»сини қиёслаб ўрганиш шарқшунос олимлар диққатини жалб этиб келган. Чунончи, Г. Алиев, С. Эркинов, Е. Бертельс, С. Нарзуллаева, С. Хидирназаров, А. Афсаҳзод, Ё. Исҳоқов, М. Имомназаров, Ж. Мирсаидов, А. Эркинов, Д. Юсупова ишларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Шуни ҳам қайд этамизки, «Хамса» достонларини алоҳида олиб қиёсий таҳлил қилиш билан бирга адабиётшунослик илмида умумий характердаги фикрлар ҳам билдирилгани маълум. Аммо алоҳида достонларини қиёслаш хийла самарали йўл деб ҳисоблаймиз, чунки бунда конкрет таҳлил орқали татаббуънинг хусусияти анъанавийлик ва оригиналлик муносабати ойдинлашади, умумий адабий жараён хусусиятлари аёнлашади.

---

[10] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев Тошкент, «ФАН», 1960 й., 30-б.
[11] Шу асар, 30-б.
[12] Шу асар, 30-б.

Биз шу мақсадда «Хамса»ларнинг биринчи достонларини қиёсий таҳлил мавзуи қилиб олдик. Шунда ҳам достонларнинг барча ғоявий-бадиий жиҳатлари назарда тутилмайди. Балки мақсадимиз «Ҳайрат ул-аброр», «Махзан ул-асрор», «Матлаъ ул-анвор» ва «Туҳфат ул-Аҳрор» достонларида комил инсон талқини ва тасвирида ҳар бир шоирга хос хусусий ва умумий, муштарак томонларини ёритиш, шу орқали улуғ мутафаккир адибларимизнинг исломий-тасаввуфий қарашлари, ахлоқий-маънавий фикрлари, ҳозирги кунимиз учун ҳам ардоқли бўлган ўлмас ғояларини китобхонларга етказишдир. Комил инсон асрлар давомида халқимизнинг, улуғ алломаларимизнинг, адабиётимизнинг идеали, армони бўлиб келган. Ҳозир ҳам шундай.

«ХАМСА»ЛАРНИНГ БИРИНЧИ ДОСТОНЛАРИДА КОМИЛ ИНСОН ТАЛҚИНИ

Инсон ҳамма замонларда ҳам адабиётнинг бош мавзуи бўлиб келган. «Адабиёт – инсоншунослик фани» экан, демак, бутун адабиёт тарихини инсон ҳақидаги фикрий-ғоявий қараш, инсонни тасвирлаш, инсон моҳиятини кашф эта бориш тарихи деб атаса бўлади. Чунки ҳар бир ёзувчи, ҳар бир шоир жамият ҳодисалари, ўзини қизиқтирган, тўлқинлантирган ғояларни қаламга олар экан, албатта, инсон сийрати ва сурати, ахлоқи, фаолияти, ният-орзуларига қадалиб ўтади. Инсоннинг ўзи нима, у қаердан келиб чиққан, ҳаётда ўзини қандай тутиши керак, инсоният жамияти, одамлар фикрининг бир-бирига муносабати нималар асосида қурилиши лозим? Бу саволлар фақат файласуфлар, сиёсатдонларнигина эмас, адибларни ҳам банд этган. Кўп асрлик Шарқ адабиётида инсон проблемаси доимий равишда баҳс-мунозарага сабаб бўлиб, турли қарашларни вужудга келтирган. Шарқнинг гуманист шоирлари диний хурофот ва феодал зулм-истибдоднинг кучайган даврларида ҳам инсонни улуғлаш, унинг ажиб фазилатларини васф этиш, номақбул, тубан ҳолатларини танқид қилишни канда этмаганлар.

Буни буюк шоирлар – Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ижодида, хусусан, уларнинг сўфиёна-фалсафий достонлари «Махзан ул-асрор», «Матлаъ ул-анвор», «Туҳфат ул-Аҳрор» ва «Ҳайрат ул-аброр»да кўрса бўлади.

Амир Хусрав ва Навоий достонлари гарчи Низомий таъсирида юзага келган бўлса-да, аммо уларда ҳар бир шоир яшаган замоннинг талаблари, муаллифнинг шахсий қарашлари, ўй-фикри акс этганини унутмаслигимиз лозим. Улар шунчаки, инсон ҳақида фикр юритиш, унинг фалсафий моҳиятини англаш учун интилган эмаслар. Буюк шоирларни, аввало яхши инсон фазилатлари нимадан иборат, қандай қилиб яхши одам бўлиши керак, деган масалалар қизиқтирган ва ҳар бири ўз кузатишларининг натижасини ифодалаган. Шунинг учун «Махзан ул-асрор», «Матлаъ ул-анвор», «Туҳфат ул-Аҳрор» ва «Ҳайрат ул-аброр» мазмун-мундарижасига, кўтарилган масалаларига кўра ўзаро яқин жиҳатларга ҳам, фарқли томонларга ҳам эга. Буни яхшироқ фаҳм этиш учун аввало мазкур достонларнинг қурилишини кўздан кечирамиз.

Хусрав Деҳлавийда умумий киришдан кейин учта муножот ва наът келади. Сўнгра шоир ўз пири Низомиддин авлиё, султон Алоуддин, яна бир ҳукмдор мадҳига ўтади. Сўнгра асарнинг тартиб ва таркиби хусусида гапиради-да, орқасидан учта хилват (учта фалсафий-тасаввуфий боблар)ни ёзади. Шундан кейин йигирмата мақолат келадики, ҳар бири биттадан ҳикоят билан якунланади. Асарнинг охирги боби «Гуфтори ихтимоми китоб» (Китоб тугалланган ҳақида сўз) деб номланган. Хусрав Деҳлавий асари, шундай қилиб, ҳаммаси бўлиб, 55 бобдан иборат. Алишер Навоий достони эса 63 боб ни ташкил этади, яъни Хусравникидан 8 боб ортиқ.

Бу ниманинг ҳисобига юз берган?

Мақолатлар ва уларнинг ҳикоялари сони иккала асарда ҳам баробар – 20 тадан. Бошқа бобларда эса фарқ бор. Масалан, Алишер Навоий умумий киришдан кейин яна бир ҳамд («Ул холиқ ҳамдиким, махлуқот тасвирига анинг қалами сунъи чеҳракушодурур...») бор. Бундан бошқа, муножот тўртта, наът эса бештадир, яъни 3 боб бу ерда зиёд. Алишер Навоий ўзининг танқидий-эстетик қарашларини ифодалаш учун сўз таърифига икки боб бағишлайди. У «ҳайрат»ларни бошлашдан олдин (Хусравда булар «хилват» деб номланган) кўнгил талқинига бир боб ажралган. Чунки Навоий оламдан, унинг жамоли, сиру асрори-

дан ҳайратланиш – бу кўнгил, яъни руҳ ишидир, инсон, аввало руҳдир, инсон камолоти ҳам руҳнинг камолотидир, деган ғояни илгари суради. Инсон севгиси, поклиги, вафоси, ақли, билими ва бошқа хислатлари билан улуғдир. Булар ҳақида «Матлаъ ул-анвор» муаллифи ҳам, «Ҳайрат ул-аброр» муаллифи ҳам муҳим прогрессив фикрларни олға сурганлар.

Энди Низомийнинг «Махзан ул-асрор» ва Жомийнинг «Туҳфат ул-Аҳрор» достонларини шу жиҳатдан қараб чиқайлик. «Махзан ул-асрор» 58 боб, «Туҳфат ул-Аҳрор» эса 61 бобдан иборат. Низомийнинг «муқаддима» боблари, яъни асарнинг биринчи кисми 18 бобни ўз ичига олади, Жомийнинг «муқаддимоти» 20 бобга чўзилган. Демак, Жомийда умумий ҳажм ихчам бўлгани билан боблар сони кўп. Бобларнинг миқдори жиҳатдан энг кўпи Навоий достони бўлиб чиқади. Жомийда уч «ҳайрат» ўрнида уч «суҳбат» берилган. Хожа Баҳовуддин «манқабати»дан ташқари Хожа Аҳрори Валийга бағишланган боб ҳам бор. Муножот Абдураҳмон Жомийда бешта, наътлар сони ҳам бештадир. Жомийда «Дар кашфи дил» боби борки, Навоийнинг «Кўнгил бобидаким...» деб бошланувчи боби билан мазмунан яқин. Демак, Навоий бу ўринда ўз пирига эргашиб ижод этган. Жомийда сўз ҳақида уч боб ажратилган («Дар фазилати мутлақи сухан...», «Дар фазилати каломи мавзун...» ва «Дар танбеҳи суханварон...»). Бу жиҳатдан Жомий Низомий ва Хусравни тўлдирган, чунки ганжалик шоир сўзга икки боб ажратган бўлса, Амир Хусрав сўз ҳақида биринчи қисмда эмас, балки иккинчи қисмда тўхтаб, учинчи «мақолат»ни шу мавзуга бағишлаган. Навоий сўзнинг қадри, сўз ва инсон ахлоқи, сўз ва инсонийлик моҳияти ҳақида ёзганда, учала устози фикрларини аккумуляция қилганини кўрамиз. Аммо диққат қилган одам бу ўринда ҳам Навоий Жомийга яқин позицияда туриб фикр юритаётганини ҳис этиши қийин эмас.

Абдураҳмон Жомийда эса «ўз султон»ига мадҳия-бағишлов йўқ. Бу жиҳатдан «Туҳфат ул-Аҳрор» достони, «Махзан ул-асрор», «Матлаъ ул-анвор» ва «Ҳайрат ул-аброр»дан фарқ қилади. Чунки, Низомий, Амир Хусрав ва Навоий ўз султонларига алоҳида таъзим ва ҳурмат-эҳтиромни билдириб, мадҳия бағишлаганлар. Аввалги икки шоирда бунга икки боб ажратилган. Достонларнинг тузилиши ҳақидаги қиёсни тўлдириш учун уларнинг бошланиш ва хотима бобларини кўриб ўтамиз.

Низомий достонининг бошланиши:

Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим,
Ҳаст калиди дари ганжи ҳаким[13].
Амир Хусрав достонининг биринчи байти:
Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим
Хутбаи қудс аст ба мулки қадим[14].
Абдураҳмон Жомий достонининг бошланиши:
Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим,
Ҳаст салойи сари хони карим[15].

Алишер Навоий достонининг биринчи байти:

Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим,
Риштаға чекти неча дурри ятим[16].

---

[13] *Низомий Ганжавий.* «Куллиёт дар панж жилд». 5-жилд, Душанбе. «Ирфон». 1984 й., 256-б.

[14] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул-анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова.

[15] *Абдураҳмон Жомий.* «Ҳафт авранг». тошбосма. Тошкент. 1913 йил

[16] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 15-б.

Улуғ шоирлар сўз ибтидосини «Бисмилло» билан бошлаб, илоҳиёт оламининг азал ва абадлиги, чексизлиги, ваҳдатга шак келтириш куфр эканлиги ҳақида ёзадилар. Орадаги фарқ ифода ва иборададир, аммо Жомий билан Навоий «Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим»-нинг ҳарфлари ҳам сеҳрли-тилсимли бўлиб, Парвардигор улуғлигига ишора этишини айтадилар. Достонларнинг хотима бобларида фарқ бор: «Махзан ул-асрор»нинг 20-мақолатида Низомий ўз замони воқеалари ва замондошлари ҳақида фикр юритади. Амир Хусравнинг «Матлаъ ул-анвор» 20-мақолатида ўз қизи ва барча қизларга насиҳат сўзлари келтирилади. Бу борада хийла ибратли ўгитлар баён этилган.

Абдураҳмон Жомий ҳам сўнгги мақолатни ўғли насиҳатига бағишлаган[17]. Алишер Навоий эса, охирги йигирманчи мақолатни Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуззамонга бағишлаб, шаҳзодани адолат ва инсофга чақиради, дунёнинг бевафолигини айтиб, тахту тож талашлар беҳудалигини айтади. Аммо Навоий шу билан асарни якунламасдан, яна бир боб илова қилиб, ўз ички кечинмалари, замонага, олам ўтмиши кечмишига муносабатини ифодалаган, фалсафий мулоҳазаларини тизиб ташлаган.

Энди асосий мавзуимиз – инсон талқини масаласига келганда айтиш керакки, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг одамнинг яратилиши, хилқати ва ахлоқий-ижтимоий вазифалари ҳақидаги қарашлари ислом ақидалари асосида шаклланган. Тўғри, инсон ҳақидаги фикр-тушунчалар дунёдаги барча халқларнинг оғзаки ва ёзма адабиётларида мавжуд. Шунингдек, башарият мутафаккирлари қадим-қадимдан одам ҳақида ўйга толиб, уни ўрганиб, муҳим хулосаларни баён этганлар. Қадимги Миср, Бобил, яҳудий, форс, юнон донишмандлари, файласуфлари инсон хилқатини ўрганиб чиқиб, ўз даврлари учун ҳам, кейинги авлодлар учун ҳам ибрат бўладиган гапларни баён этгани маълум. Умуман, инсонга бўлган қарашнинг ўз тарихи бор, чунки ҳар бир давр мафкураси инсон талқинида ўзгача йўл тутган. Инсон одоби, вазифалари ҳам замонлар ўтиши билан ўзгариб турган. Шунга ўхшаш ислом динининг ҳам инсон ҳақидаги ўз қарашлари бор. Бу қарашлар мусулмонларнинг муқаддас, илоҳий китоби бўлмиш Қуръони каримда ва ҳадиси шарифда ифодаланган. Шуни махсус таъкидламоқчимизки, ўрта асрлар Шарқ адабиётига Қуръоннинг таъсири шубҳасиз бор ҳақиқат[17]. Мусулмон Шарқи адабиётини шунинг учун ислом динидан холи ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Фақат соф исломий ёки сўфиёна адабиётгина эмас, умуман адабий-бадиий ҳаёт, эстетик қарашлар, тушунча-тасаввурлар, асотир ва тимсоллар ислом ғоялари таъсирида шаклланган эди. Ҳатто исломгача бўлган ёдгорликлар, асотирлар ҳам исломий руҳда қайта ишлаб чиқилган эди.

Шу боис форс-тожик ва ўзбек адабиётида инсон талқини устида фикр юритар эканмиз, даставвал Қуръонда инсонга берилган баҳо ва инсон таърифи ҳақидаги тушунчалар устида тўхташни лозим топдик.

«Алақ» сурасидан: «(Эй Муҳаммад, барча мавжудотни) яратган зот бўлмиш Парвадигорингиз номи билан (бошлаб) ўқинг. У инсонни лахта қондан яратган (зотдир). Ўқинг. Сизнинг Парвардигорингиз (инсониятга) қаламни (яъни ёзиш – хатни) ўргатган ўта карамли зотдир. У зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатди»[18]. «Инсон» сурасидан: «Дарҳақиқат, Биз инсонни имтиҳон қилгувчи бўлган ҳолимизда аралаш бўлган бир нутфадан яратдик. Бас, уни (Бизнинг оятларимизни тинглаши ва оламдаги Бизнинг борлигимизга далолат қилиб турган аломатларни кўриши учун) эшитгувчи, кўргувчи қилиб қўйдик.

---

[17] *Кароматов* Ҳ. «Қуръон ва ўзбек адабиёти», Тошкент. «ФАН». 1993 й

[18] Қуръони карим. Таржима ва изоҳлар. (Алоуддин Мансур таржимаси), «Чўлпон». Тошкент. 1992 й., (1–5-оятлар).

Дарҳақиқат, биз уни (инсонни) хоҳ у шукр қилувчи мусулмон бўлсин ва хоҳ кўрнамак-кофир бўлсин (тўғри) йўлга ҳидоят қилдик»[19].

«Қиёмат» сурасидан: «Инсон ўзини (Бу дунёда дину иймонга буюрилмасдан, охиратда эса қайта тирилиб, ҳисоб- китоб қилинмасдан) бекор ташлаб қўйилишини уйлармиди? Ахир у (бачадонга) тўкиладиган манийдан бир (ҳақир) нутфа эмасмиди? Сўнгра лахта қон бўлди. Бас, (Оллоҳ уни) яратиб, расо (инсон) қилди»[20].

«Ал-Азҳоб» сурасидан: «Албатта Биз бу омонатни (яъни шариати исломдаги тоат-ибодатларни) осмонларга, ерга ва тоғу тошларга кўндаланг қилган эдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди»[21].

«Ват-Тийн» сурасидан: «Дарҳақиқат, Биз инсонни энг гўзал шаклу шамойилда яратдик»[22].

«Ал-Исро» сурасидан: «Дарҳақиқат, Биз одам авлодини мукаррам қилиб яратдик ва қуруқлик ва денгизларнинг устида эгалик қиладиган қилдик ва покиза ризқ ва фазлу камол ато этдик»[23].

Бу оятлар шунга ишора этадиким, Парвардигор инсонни йўқдан бор қилди, Ҳазрати Одам Сафиюллоҳни лойдан яратиб, унга жон-руҳ ато этди ва фаришталарни унга сажда қилдирди, фақат иблис сажда қилишдан бот тортди. Одам авлоди шунинг учун ҳам улуғ ва мукаррамдир. Унинг хилқатида раҳмоний руҳ ва моддийлик, яъни чор унсур – ўт, сув, тупроқ ва ҳаво бирга мужассам бўлгандир. Парвардигор Одам Атодан кейинги авлодни нутфадан ва лахта қондан, яъни эркак ва аёл уруғидан ҳосил қилади, бир парча гўштини одамнинг шаклига келтириб, ақлу ҳуш, нутқ ва фаросат, билим, тажриба, қалбу ҳис бағишлади.

Инсон шунинг учун ҳамиша Парвардигорга шукр айтиб, унинг кўрсатган тўғри йўлидан бориб, шариат амалларини бажариши, тоат-ибодат билан имонини мустаҳкамлаши, яккаю ягона Тангрисининг қудратига, мавжудлигига, абадий ва азалий эканлигига ишониши, ўз бандалик бурчини адо этиши лозим. Бу мўъмин-мусулмон кишининг сифатларидир. Ислом назарида инсон камолоти ана шу комил инсон ҳам шариат аҳкомига риоя этувчи, Қуръони карим ҳамда суннат йўлидан юрадиган батавфиқ, тақводор, ҳалол ва инсофли одамдир.

Аммо тасаввуф аҳли назарида комил инсон шариат билан бирга тариқат ва ҳақиқатни ҳам эгаллаган бўлиши керак, яъни сўфийлар риёзиёт йўлида жон чекиб, тариқат мақомотларини босиб ўтмаган, дунё молу мулки, ўз нафси талаблари ва ҳатто вужуд ўзлигидан қутилмаган, илоҳий ишқ дарди билан ёниб, илоҳий асрор оламига етишмаган одамни комил дейиш мумкин эмас, дейди. Н. Комилов «Тимсоллар тимсоли» мақоласида тасаввуфга оид қадимий манбаларга суяниб, қайд қиладики, тасаввуф аҳли нашрида комил инсон «зоҳирий ва ботиний илмларни тўлиқ эгаллаган, кўнгил ойнаси мусаффо бўлган, ғайб асроридан хабар берувчи кишидир»[24]. Чунончи, Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида тасвирланган Суқрот ҳаким комил инсон тимсоли бўла олади. Чунки бу одам ўтмиш ва келажакдан огоҳ, Фарҳоднинг саргузашт тақдирини олдиндан ҳикоя қилиб беради, унинг ис-

---

[19] Қуръони карим. Таржима ва изоҳлар. (Алоуддин Мансур таржимаси), «Чўлпон». Тошкент. 1992 й., (2-3-оятлар).

[20] Ўша асар. (36–38-оятлар).

[21] Ўша асар. (72-оят).

[22] Ўша асар. (4-оят).

[23] Ўша асар. (17–18-оят).

[24] *Алишер Навоий.* Ғазаллар, шарҳлар. «Камалак», Тошкент. 1991 и., 101-б.

тиқоматгоҳи бўлган ғор нурафшон бир маскандир. Комил инсонда Хизр, Исонинг, Жаброилнинг, Макоил ва Азроилнинг хусусият ва сифатлари, қудрати жамланган дейишади. Бу – бир идеал. Инсон камолотининг олий намунаси. Буни шундан ҳам билса бўладики, Комил инсон тушунчаси билан идеал инсон (орзудаги инсон) тушунчаси орасидаги яқинлик бор. Идеал инсон хусусиятлари оғзаки ижод намуналари, қаҳрамонлик эпосларида гавдаланган. Романтик усулда ёзилган бадиий асарларда ҳам идеал инсон (қўрқмас, қаҳрамон, ғайри табиий қудрати бор) тасвирланади. Эрон адабиётшуноси Ҳусайн Размжў «Форс тилидаги эпик ва ирфоний (тасаввуфий) адабиётларда идеал ва комил инсон» номли китобида қизиқарли қиёслар билан бу икки тушунча орасидаги яқинликни исботлаб берган[25]. Худди шу боис шоирлар ижодида бу мавзу кенг ўрин олди. Комил инсон хусусиятлари билан анбиё ва авлиёларнинг хусусиятлари орасида ўхшашлик бор. Аммо тасаввуф аҳли бир овоздан комилликнинг олий намунаси – комил инсон тимсоли деб, ҳазрати Муҳаммад расулуллоҳни тилга оладилар. Агар ҳазрати Расулуллоҳ олий даражадаги комиллик намунаси бўлса, валийлар ундан кейин турувчилардир. Валийларнинг ҳам бир неча зиналардан иборат мартабалари бор, қутбдан аброргача даражалари маълум. Шундай қилиб, шайхи муршидлар, карамоатли пирлар, ориф ва солиҳлар, дарвеш-сўфийлар ҳам камолот йўлидаги мартабаларни эгаллаган кишилардир.

Инсон – бенуқсон эмас, айниқса, дунё ва шайтоний нафс унинг руҳига кишан, уни йўлдан оздириб туради. Шу боис камолот йўли бу нафсни маҳв этиб, фоний қилиб, маърифат эгаллашдир. Илоҳий маърифат кишида қанча кўп бўлса, у шунча ориф ва комилдир. Чунки Аллоҳ таоло инсон қалбини ўз маърифатининг хазинасига айлантирган:

Офаринишдин қилиб инсон ғараз,
Они айлаб халқ ичинда беиваз.
Кўнглин онинг махзани ирфон қилиб,
Ул тилисм ичра ўзни пинҳон қилиб,

Рамзни махфий ганж ўлуб бу турфа жисм,
Сунъидин ул ганж ҳифзига тилисм,
Ҳам тилисм ул махзан узра, ҳам амин,
Офарин сунъингга эй жон офарин[26].

Демак, Навоий фикрича, Тангри таоло дунёни инсон туфайли бино этган, чунки дунёни яратишдан мақсад Инсонни яратиш эди. Чунки инсон Аллоҳнинг ердаги халифаси, инсон қалбида илоҳий ирфон хазинаси тилисм қилинган. Инсон шу хазинага посбон. Агар киши ана шу тилсимотни очолса, ўзлигини англаса, у буюклик сари қадам қўяди. Шундай қилиб, комиллик – ўзлигини ва ўз раббини англашдан иборат. Бу ғоя Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонида ҳам ифодаланган чунончи, «Аввалги муножот» бобини ўқиймиз:

Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек боридин ғараз инсон эди.

[25] Доктор Ҳусайн Размжу. Инсони армоний ва комил дар адабиёти ҳамосий ва ирфонии форси. Теҳрон, 1348 ҳижр.

[26] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайерловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й.. 19-б.

Турфа каломингға дағи комил ул,
Сирри ниҳонингға дағи ҳомил ул,
Кўнглинга қилдинг чу яқин ганжи қисм,
Жисмини ул ганжга қилдинг тилисм[27].

Бу сатрлар «Лисон ут-тайр»дан олинган юқоридаги байтларда мазмунан яқин экани кўриниб турибди. Аммо «Ҳайрат ул-аброр»да бу талқин анча батафсил тушунтириб баён қилинган. Навоийнинг ёзишича, фақат инсон Аллоҳнинг илму ҳикматига ошно қилинган («Қилдинг ани орифи ул маърифат»), фақат одамга маърифат ганжи ишониб топширилган. Навоий юқорида келтирганимиз Қуръон оятларига ишора этиб, инсон зотининг улуғлигини бундай таъриф этади:

«Каррамно» – келди маноқиб анга,
«Аҳсани тақвим» – муносиб анга[28].

Бироқ инсон Аллоҳ илму маърифатининг хазинаси – божигина эмас, шу билан бирга илоҳий қудрат, илоҳий ҳусну жамол акс этган кўзгу ҳамдир. Зеро, Алишер Навоий дунёнинг ўзи Аллоҳ жамолининг кўзгусидир дейди. Тангри таоло яккаю ягона, азалий ва абадий борлиқ, жавҳари кондир. Аввало, ҳали оламлар бўлмаганда ҳам у бор эди:

Эй санга мабдаъда абаддек азал,
Зоти қадиминг абадий ламъязал.
Не бўлуб аввалда бидоят санга.
Не келиб охирда ниҳоят санга.
Аввал ўзинг, охиру мобайн ўзунг.
Барчаға холиқ, бориға айн ўзунг[29].

«Борига айн ўзунг» – барча мавжудотнинг айни манбаи унинг ўзи. Ҳали холиқиятдан ҳеч нарса йўқ эди, на Еру на кўк, на юлдуз, на қуёш, на нуру на зулмат бор эди. Аммо Парвардигор бор эди. «Мумкинот» – имконият олами, моддий дунё, биҳишт ва дўзах, гуноҳ ва савоб ҳам йўқ эди.

Бирлик эдию адади йўқ эди,
Бирдин ўзга аҳаде йўқ эди[30].

Илму ҳикмат ҳам тафсил шаклини олмаган эди. Бироқ Парвардигор ўз қудрати ва ҳусни томошо қилмоқчи бўлди, «беадад кўзгу» керак бўлди ва оламларни яратди:

Қилди мазоҳирда хаёли зуҳур.
Топқали ул ҳусн камоли зуҳур.
Жилваи ҳуснунгға чу йўқ эрди ҳад,
Кўзгу керак бўлди анга беадад[31].

---

[27] Ўша асар, 19-б.
[28] Ўша асар, 19-б.
[29] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 18-б.
[30] Ўша асар, 19-б.
[31] Ўша асар, 19-б.

Дунё – Аллоҳ қудрати камолини акс эттирувчи кўзгу экан, у дунёнинг катта-кичик ҳар бир ашёси, ҳодисаларида намоёндир. Ҳамма нарса – илоҳий «мазҳар», боғлар, чўл ва гулшан, ою қуёшнинг чиройи шундан.

Ушбу қараш тасаввуфда ваҳдат ул-вужуд фалсафаси номи билан машҳур. Бу фалсафага кўра, олам Илоҳ кўзгуси экан, ҳаракату фаолият кўзгудаги нур тажаллиси туфайлидир, тажаллийнинг охирги нуқтаси эса – одам руҳи. Одам руҳи шунинг учун аслига, яъни Парвардигор ҳузурига қараб интилади ва тариқатдаги мақомот орқали содир бўлади ёки ишқ билан қўлга киради. Шундай қилиб, ишқ – комил инсон сифатларидан биридир. Инсон ишқ орқали камол топади, маърифатга молик бўлади. Навоий инсоннинг камолоти учун ақл, билим, малака, тажрибани ҳам инкор этмаган. Ақл ва билим инсонга керак, аммо илоҳий ғайб асрори ишқ билан қўлга киради. Бу тасаввуф таълимотининг ирфоний дунёқарашидан келиб чиққан хулоса.

Ваҳдатул вужуд моҳиятини англаш ҳақиқатни, яъни илоҳий ваҳдат ва маърифатни идрок этиш, илмул яқин, айнул яқин, ҳаққул яқин нима эканини англашга кўмаклашади. Биз бу ўринда мазкур тасаввуфий истилоҳлар учун тўхталмоқчи эмасмиз. Бу истилоҳлар Е. Э. Бертельс асарларида, шунингдек, ўзбек олими Н. Комилов мақолаларида яхши тушунтирилган. Биз бу истилоҳларни эслаш учун шуни таъкидламоқчимизки, комил инсон тариқат, ҳақиқат ва шариатни эгаллаган зот бўлар экан, ҳақиқат нималигини билишимиз даркор. Ҳақиқат – сўфийлар назарида Тангри таоло зоти, биз унинг зотини сифатлари, яъни дунёдаги мазҳар орқали билиб оламиз. Шу сабабли «Ҳақ» деганда ҳам Парвардигор ва абадий ўзгармас борлиқ, жавҳар англашилади. Низомий, Амир Хусрав, Жомий ва Навоийлар ҳақиқат ва Ҳақни ана шундай тушунганлар. Шу боис достонлардаги Тангри зоту сифати таърифига бағишланган муножот ва ҳамдларни ўрганишнинг аҳамияти катта. Бу боблар асосларнинг асосидир, инсон ҳақидаги қарашлар пойдевори ҳам шу. Масалан, Навоийнинг оламнинг яратилиши ҳақидаги суфиёна ғоялари (ваҳдатул вужуд) Жомий достонида «Дар офариниши одам, ки оинаи ҷамолнамойи асмоу сифати офаринанда аст субҳаноҳу таоло (олам яратилиши ҳақидаким, яратувчи Ҳақ субҳаноҳу ва таоло номлари ва сифатларининг жамолнамойидир)» деган сарлавҳа остида биринчи «мақолат» сифатида келтирилган. Жомий бобни бундай бошлайди:

Шоҳиди хилватгаҳи ғайб аз нахуст
Буд паи ҷилва магар карда чуст.
Оинаи ғайбнамо пеш дошт,
Ҷилванамои ҳама бо хеш дошт.
Нозиру манзур ҳам Ӯ буду бас,
Ғайри Вай ин асра напаймуд кас.
Ҷумла яке буду дуӣ ҳеҷ на,
Даъвии манию туӣ ҳеҷ на[32].

(Ғайб хилватгоҳининг шоҳиди энг аввал нурланиш – жилваланиш тараддудига тушди. Ғайб ойнасини намойиш қила бошлади, ҳаммани ўз қудрати порлашининг ифодачисига айлантирди. Нозир – боқувчи, манзур боқишга лойиқ ҳам унинг ўзи эди. Ундан бошқа бу ниятни аён этмади. Барча бир эди, иккилик йўқ эди, манлик ва санлик даъвоси ҳам ҳеч йўқ эди).

[32] Абдураҳмон Жомий. «Ҳафт авранг», тошбосма. Тошкент. 1913 й.. 259-б.

Шундан кейин оламларнинг, фалакиёт ва унинг қабатлари, осмон буржлари, сайёралари, юлдузлар туркуми, кеча ва кундузнинг яратилиши ҳақида ёзади, сабза ва гул, боғу роғлар чиройи барчаси Аллоҳ нури туфайли эканини айтади. Тангри ишқни ато этди ва ишқ бутун оламни қамраб олди. Чунки ҳусн бор жойда азалдан ишқ ҳам бор бўлган.

Шундан кейин «Туҳфат ул-аҳрор»нинг иккинчи мақолати келадики, унинг мавзуи одамнинг яратилишидир: «Мақолати дуввум дар баёни офариниши одам, ки оинаи зот ва мазҳари жамияти асмову сифоти офаринанда аст, субҳонаҳу таоло» (Иккинчи мақолат одамнинг яратилиши баёнидаки, у зотнинг кўзгуси ва яратувчиси Ҳақ субҳонаҳу таоло исмларини ва сифатлари мажмуининг мазҳари – ифодачисидир).

Шундай қилиб инсон, Жомий таърифи бўйича Тангри таоло зотининг кўзгуси ва сифатлари жамининг акс эттирувчисидир. Кўринадики, бу таъриф Навоий таърифидан фалсафийроқ ва теранроқ, аммо моҳиятан ҳар икки тушунча ўзаро яқин. Жомий дейди:

Сохт дилаш махзани асрори хеш,
Кард рухаш матлаъи анвори хеш.
Ҳар чи аён дошт бар ў харҷ кард,
Ҳар чи ниҳон дошт дар ў дарҷ кард[33].

(Кўнглини ўзининг сирларининг хазинасига айлантирди, юзини ўз нурларининг порлайдиган жойи қилди. Барча аён нарсаларини унга сарфлади, бор яширин нарсаларини ҳам унга қўшди.)

Инсон, шундай қилиб, Ҳақ субҳонаҳу таоло қудрати ва қуввати, жамолу камолининг ифодачисига айланди. Шундай бўлгач, яъни Аллоҳ меҳру муҳаббатидан пайдо бўлган одамнинг шайтон йўлига кириб, гумроҳ бўлиши ёмондир. Жомий инсонга мурожаат қилиб, нафсдан, васвасалардан қутулишга, илоҳий сифатларга муносиб бўлишга чорлайди. Бу маънолар «Ҳайрат ул-аброр»да ҳам бор, аммо бу асарнинг бошқа бобларида баён этилган.

Энди «Махзан ул-асрор» ва «Матлаъ ул-анвор» достонларини шу нуқтаи назардан қараб чиқайлик. Низомий Ганжавий достонида ҳам биринчи мақолат «Дар офариниши одам» деб номланади. Аммо Низомийда «кўзгу», «сифат», «асмо» тушунчалари билан боғлиқ гаплар йўқ. Низомий одамнинг яратилишини суфиёна ваҳдати вужуд фалсафаси билан эмас, Қуръон мазмуни билан боғлаб тушунтиради[34].

Низомий инсон лойдан ва руҳдан яралган, шунинг учун унинг хилқатини икки асос безаб туради, дейди.

Он зи ду гаҳвора барангехта,
Мағзи ду гавҳар ба ҳам омехта[35].

(У икки бешикдан егилиб чиққан, икки гавҳар мағзини омухта этган.) Инсонда осмону фалаклар хислати, моддавийлик ва руҳонийлик жамланган. Бир дона буғдой донасини деб жаннатдан қувилган, «дона деб дом – тузоққа тушган». Бу маъни Жомийда ҳам мавжуд, аммо Низомий бу гуноҳ учун одамни айбламайди. Одам гарчи жаннатдан қувилган бўлса-да, «Олам унга сажда қилгани», мукаррамлиги сақланиб қолди. Аммо инсон дунё доми-

---

[33] Абдураҳмон Жомий. «Ҳафт авранг», тошбосма. Тошкент. 1913 й., 261-б.

[34] *Низомий Ганжавий.* «Куллиёт дар панж жилд», 5-жилд. Душанбе. «Ирфон». 1984 й., 307-б.

[35] Ўша асар. 31 I -б.

дан қутулишга ҳаракат қилиши лозим – бу унинг бурчи ва камолот йўли. Ўз-ўзига маҳлиё бўлишини ташлаб суратларга берилмай, Худога қайтиши афзал:

Зулм раҳо кун, ба вафо даргурез,
Халқ чӣ бошад? Ба Худо даргурез[36].

(Зулмни ташлаб, вафо йўлини тут, халқни нима қиласан, Аллоҳ томон қочгин.)

«Матлаъ ул-анвор» достонида ҳам биринчи мақолат одам ҳақидадир. Бироқ Амир Хусрав Низомий сингари одамнинг яратилиши хусусида эмас, балки инсон хилқатининг буюклиги, илоҳийлиги масаласи устида тўхтайди, одам ҳақида кўтаринки пафос билан сўз бошлайди:

Эй зи азал гавҳари пок омада,
Гавҳари ту зевари хок омада,
Чанбари нўҳ чарх басе бехт хок,
То ту бурун омадӣ, эй дурри пок.
Он халафе ту, ки зи рўзи нахуст
Кавн ба меҳмонии шаш рўзи туст,
Худ зи падар гарчи кунун омадӣ,
Бо падар аз ҷумла бурун омадӣ.
Дафтари маънӣ ту зи бар хондай,
Тахтаи асмо зи падар хондай,
Арсаи олам ба масофат турост,
Давлати одам ба хилофат турост[37].

(Эй азалдан гавҳари пок бўлган инсон, сенинг гавҳаринг тупроқ – Ернинг зийнати бўлди. Сендан пок дур юзага чиқиши учун фалакнинг тўққиз элаги қанча тупроқни элади. Сен шундай халифасанки, дунё биринчи кундан бошлаб сенинг олти кунлик меҳмонинг бўлди. Агарчи отадан энди дунёга келган булсанг-да, лекин отанг билан барчадан олдин дунёга келгансан. Маъно – Илоҳиёт дафтарини сен ўқиб олгансан, исмлар тахтаси – Лавҳи маҳфузни отангдан ўргангансан. Дунё майдони бугун кенгликлари билан сеникидир, Худонинг халифаси бўлганинг учун Одам Ато давлати ҳам сеникидир).

Амир Хусрав ҳам ваҳдати вужуд хусусида сўз очмайди, аммо Одамнинг зоти шарафли экани, азалдан гавҳари поклигини қайд этади. Одам – оламларнинг хулосаси, унинг шарафи яна шунинг учун ҳам баландки, гарчи унинг яратилиши Одам Ато билан боғлиқ бўлса-да, аммо инсон бундан илгари мавжуд эди, дейди ҳинд шоири, бунда у ҳазрати Муҳаммад нурининг ҳали дунё яратилмасдан аввал яратилганлиги ҳақидаги ривоятни назарда тутади (бу ҳақда яна тўхтаймиз).

Одам – коинот хўжайини, Аллоҳнинг халифаси, унинг қалбида ғайб асрори жойлашган.

Ҳабли варийди ту фиканда баланд.
Дар шарифи кўнгири Аллоҳ каманд.

---

[36] *Низомий Ганжавий.* «Куллиёт дар панж жилд», 5-жилд. Душанбе. «Ирфон». 1984 й., 307-б.

[37] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 83-б.

Нури ту ҳангомаи анжум шикаст,
Дасти ту тасбеҳи малоик гусаст[38].

(Бўйин томирларинг баландга шундай чўзилганки, яъни қаддинг шундай баланд кўтарилганки, Аллоҳ арши айвони кунгураси шарафига арқон ташлагансан. Сенинг нуринг юлдузлар салобатини барҳам этди. Қўлинг фаришталар тасбеҳини тортиб олди).

Инсон ҳам жону жаҳон ва ҳам барча олам ифодаси, жаҳонга сиғмайдиган нарса, яъни қамрову ҳудудсиз руҳи мутлақ ҳам инсоннинг ўзи. Икки дунёнинг шоҳи, Парвардигор ганжинасининг калиди:

Ганҷи худоро ту калид омадӣ,
На-з пайи бозича падид омадӣ.
Чарх, ки аз гавҳари эҳсон-т сохт,
Оинаи сурати Раҳмон-т сохт[39].

(Худо хазинасининг калиди сен, ҳам ўйинчоқ учун яратилгансан. Эҳсон гавҳаридин сени яратган чарх раҳмат суратининг оинаси қилиб тузди сени.) Демак, инсон – кўзгу тезиси Амир Хусравда ҳам бор, аммо барибир бу Жомий ва Навоий қўллаган маънода эмас.

Амир Хусравнинг ўзга шоирлардан асосий фарқи шундаки, айни шу бобнинг ўзида у инсоннинг риёзат орқали камолотга эришиши ҳақида фикр юритади. Инсонда зиддиятли асослар бор – у улуғ ва нуқсонли, хам «халифа» ва ҳам «қўғирчоқ». Шу сабаб у ўзини англаши, ўйинчоқлик ҳолатидан чиқиши керак, бунинг учун пишиши лозим. Хумдонда солинган ғиштдай:

В-ар ту ҳамон обу гиле дарсиришт,
Пухта шав аз мояи гулхан чу хишт[40].

(Сенда сув ва лойнинг қоришмаси бор, ғишт каби гулхан ҳароратида пишгин.) Бу йўл – сўфийлар йўли, тариқатнинг ранжли йўлидир. Шу йўл манзилга олиб боради, деб ёзади шоир.

Мартабае ҷӯ, ки бароӣ ба моҳ,
Кас нахӯрад шарбати борон зи чоҳ.
Баски маҳӣ ту раҳи боло гузид,
Аввал Зуннун шуд ва пас Боязид[41].

(Шундай бир мартабани излаким, ойга йўл олган киши ёмғир лаззатини қудуқда тотиши мумкин эмас. Баски, сенинг ойинг юқорига йўл олган экан, аввал Зуннун бўлдию, кейин Боязид.) Зуннун Мисрий ва Боязид Бистомий – тасаввуфнинг икки буюк шайхи, улар валиюллоҳ инсонлар бўлиб, комиллик даражасини эгаллаган эдилар. Демак, Амир Хусрав умуман инсон шарафи, хилқати ҳақида гапиришдан ташқари, инсон камолоти ҳақида ҳам фикрлар

---

[38] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 83-б.

[39] Ўша асар, 84-б.

[40] Амир Хусрав Деҳлавий. «Матлаъул анвор». Составление критичес кого текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 85-б.

[41] Ўша асар, 85-б.

баён этган ва йўлни тариқат йўли деб тақдим этган. Тариқат – камолот йўли. Мақолатда шундан кейин инсоний камчиликлар устида тўхталиб, улардан қутулиш борасида насиҳатлар қилинади. Бу ҳақда китобнинг кейинги бобларида муҳокама юритамиз.

Мавзуга қайтайлик. Алишер Навоий назарида инсон камолоти унинг иймон-эътиқоди мустаҳкамлиги, иймонга садоқати, ўз пайғамбари суннатини сўзсиз бажариши билан ҳам белгиланади. Умуман олганда, иймон-эътикод ва ислом аҳкомига муносабат «Ҳайрат ул-аброр»дан олдин яратилган достонларда ҳам бор. Масалан, «Махзан ул-асрор»да Муҳаммад пайғамбарнинг улуғворлиги, исломиятнинг шаъну шарафи хусусида наътларда сўз борса-да, бироқ махсус боб ажратилмаган ва исломнинг беш фарзи талқину таҳрир этилмаган. Аммо Хусрав Деҳлавий ўз достонида бунга махсус боб ажратади («Тўртинчи мақолат»), маълум бўладики, Амир Хусрав инсон камолоти, жумладан, сўфий кишининг маънавий тарбияси учун тариқат билан бирга шариатни ҳам муҳим деб ҳисоблаган. Воқеан, агар тасаввуф тарихига назар ташласак, шариат ва тариқат орасидаги масала устида анча баҳс-мунозара бўлганлигини кўрамиз. Чунки бир қисм шайхлар ошиқ сўфий учун шариатга риоя қилиш зарурати йўқ. Бу шариат зоҳирни кўрувчи одамларга мўлжалланган, тариқат аҳли – тариқат одобига риоя қилса кифоя деб чиққан бўлсалар, бошқа гуруҳ сўфийлар тасаввуфда шариат муҳим аҳамиятга эга, шариат – омма риоя қиладиган қоида-қонунлар мажмуи, шу боис у «хос» кишиларга ҳам тааллуқли деб чиқдилар. «Шариат – танадир, тариқат – жондур, ҳақиқат – руҳдир». Тана руҳ ва жонсиз булмаганидай, жон ҳам танасиз бўлмайди.

Амир Хусрав ана шу эътиқодга қаттиқ ишонар ва шариат аҳкомини бажаришни ҳамма учун зарурий ҳисобларди. Унинг пири Низомиддин Авлиё таълимоти ҳам шунга мувофиқ эди.

Амир Хусрав шариатнинг беш талаби – намоз, рўза, ҳаж, закот ва калимаи шаҳодатни зикр этишни «мусулмонликнинг беш асоси» деб айтади. Воқеан, Қуръон ва бошқа диний китобларда ҳам бу кўрсатма бор. Амир Хусрав ушбу беш асосни бирма-бир таърифлаб чиқди. Шаҳодат калимаси – иймоннинг нишонаси бўлса, намоз ва рўза Парвардигорга бандалик тоати ва садоқатини билдириш воситасидир. Ҳиндистонлик шоир ўз тангрисига ниёз билан тоат қилмаган одам Тангрининг гапини қайтариб, рад бўлган иблисга ўхшашдир, дейди. Ваҳший ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлар бўй чўзиб, ўз холиқига шукрона айтади, нега инсон тоатга ўтириб, ўз шукрини билдирмаслиги керак? Намоз – бу тавалло, покланиш, жумла мавжудотнинг эгасига қуллигин изҳор этишдир:

Шарм надорӣ, ки туро Ҳаййи пок,
Хонда ба меъроҷу ту хуфта ба хок.
Ҳарчи ба даҳр одамӣ асту парӣ,
Нест магар баҳри парастишгарӣ.
Эй ба батолат чу фурӯмоягон,
Чанд хӯрӣ неъмати Ҳақ ройгон.
Ваҳшу туюре, ки чарохор кард,
Сар ба гаҳе хӯрду нагунсор кард.
Қатраи обе нахӯрад мокиён,
То накунад рӯ ба сӯйи осмон.
Ҷисму ҷамоде, ки ба кӯю раҳанд.
Ҳам ба забоне "батаъалаллаҳ"анд[42].

[42] Амир Хусрав Деҳлавий. «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ах-

(Ҳақ таоло сени меърож – кўтарилишга чорлади, лекин сен тупроқда, уйқуда, уялмайсанми? Дунёда одамзод ва пари бор экан, Аллоҳга сиғинадилар... саҳрода кезувчи ваҳший ҳайвонлар, қушлар ўтлаш учун эгилади – сажда қилади.

Товуқ то осмонга қарамаса, бир қултум сув ичолмайди. Йўл ва кўчалардаги, тоғу даштлардаги жисм ва моддалар бари ўзига хос тил билан Аллоҳга зикр айтадилар. Хониш ва нағмалар, ўт-ўлан, сув ва шамол ҳаракати, шовуллаши, парию малаклар – ҳаммаси ибодат овозидир.)

Амир Хусрав намоз ўқиш қоидалари, таҳорат тартиби ва бошқалар ҳақида ҳам шоирона сайрлар билан таъсирчан қилиб қоидаларни баён этган. Таҳорат – покликдир, ташқи поклик ботиннинг поклигига сабаб бўлади. Махлуққа сажда қилиш ярамайди, аммо холиққа сажда қилиш шараф келтиради, охиратни обод қилади:

Нақши илоҳист ба лавҳи ҷабин,
Бар дари махлуқ манеҳ бар замин[43].

(Манглай илоҳий лавҳ нақши – суратидир, уни махлуқ бандаси эшигида остонага суртма.) Шу зайлда, шоир намоз ҳақидаги фикрлардан ҳам ижтимоий маъно топади. Худога сиғиниш бандага сиғинишдан халос этиши керак. Муҳими шундаки, Амир Хусрав ислом аҳкоми бўлган фарзи айн қарзлари ҳақида гапирганда, уларни умумий тарзда баён қилиб ўтирмасдан, балки инсон ахлоқи, ҳаёт талаблари билан боғлаб тушунтиради.

Абдураҳмон Жомийнинг «Туҳфат ул-Аҳрор» достонида учинчи мақолат шу мавзуга бағишланган. У бундай номланган: «Дар баёни ин, ки одамият одамӣ на ба сурат маватин аст, балки ба саодати ислому дин аст ва аввалан аркони он саодат иқрор аст ба калиматайни шаҳодат» (Одамнинг одамийлиги сурат кўриниши – шаклу шамойилда эмас, балки ислом ва дин саодатида экани ва бу саодатнинг биринчи устуни шаҳодатнинг икки калимасига иқрор бўлишда эканлиги тўғрисида). Демак, Жомий одамнинг моҳияти, инсонийлик сифатларининг асосини унинг исломга алоқадорлиги, имонли бўлишида деб билади. Зеро, улуғ тожик шоири биринчи мақолатда одамнинг яратилиши, иккинчи «мақолат»да инсоннинг яратилиши ва Одам Атонинг жаннатдан хориж бўлиши ҳақида сўзлаган эди. Энди навбатма-навбат одам хилқати ва маънавияти хусусида сўзлашни лозим топган. Бу ерда у Хусрав анъанасини давом эттирган. Жомий ёзади:

Одамийин, пушт бар айём кун,
Рўй ба меъмории ислом кун.
Пеши шариат раву ислом санӣ,
Мерасад аркон чу ҳарфаш ба панӣ.
Рукни нахустин, ки шаҳодат бувад,
Роҳи хилоф омада одат бувад.
Ҳаст ду раҳ – ҳар ду ба ҳам муттасил,
Гомзанон аз ин ду раҳ арбоби дил.
Он яке иқлими илоҳӣ кушой.
Ҷуз ба худоят раҳи ваҳдат намой,

мед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 127-128-б.

[43] Ўша асар, 131 -б.

В-он дигарат ганҷи футувват нишон,
Барда ба даҳлези нубувват кашон[44].

(Агар одамий бўлсанг, айёмга орқа ўгир, юзингни исломни обод қилишга бур. Шариат ҳузурига бориб, исломни ўрган, агар билсанг унинг рукнлари бештага етади. Биринчи рукн шаҳодат бўлиб, одатга хилоф – куфр йўлидан огоҳ этади. Икки йўл бор, иккаласи бир-бирига боғлиқ. Дин арбоблари бу ҳар икки йўлдан озиқланганлар. Булардан бири илоҳий иқлимни очгувчидир, у ваҳдат йўлини кўрсатади. Иккинчиси, сенга жавонмардлик хазинасини сочади, набийлик даҳлизига судраб етказади).

Бу ерда тилга олинган икки йўл – шариат ва тариқат йўллари бўлиб, Жомийнинг фикрича, ҳар икки йўл ўзаро вобаста ва инсонни олий мақсадга етказувчидир.

Абдураҳмон Жомий намоз, рўза, ҳаж, закотнинг ҳар бирига биттадан мақолат бағишлаган, шундай қилиб, «Туҳфат ул-Аҳрор»нинг беш боби шариат рукнлари аҳамиятини аён этишга бағишланган.

Алишер Навоий бу масалада оралиқ йўлни танлаган: унда шариат ва исломият масалалари икки боб – икки мақолатда баён этилади.

«Ҳайрат ул-аброр»нинг биринчи ва иккинчи мақолатлари шу мавзудадир. Биринчи мақолат иймон калимасининг шарҳидан иборат. Иймон калимаси «Оманту биллаҳи на малаикатиҳи ва кутубиҳи ва расулиҳи вал явмил ахири вал қадари хойриҳи ва шарриҳи, миналлоҳи таъоло вал баъси баъдал мавт»дирки, (Аллоҳнинг якка-ягоналигига, унинг фаришталарига ва китобларига, пайғамбарларига ва охират – қиёмат куннинг муқаррарлигига, яхшилик ва ёмонлик тақдирдан эканлигига, сўнгра ўлимдан кейин қайта тирилишга иймон келтираман), Навоий буни мақолатнинг насрий сарлавҳасида тўлиқ келтиради, сўнгра мана бу байтлар билан бобни бошлайди:

Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,
Балки нишони анга иймон эрур[45].

Демак, инсонийликнинг биринчи нишонаси иймонли бўлиш. Аллоҳ ваҳдатига, унинг қудрати билан юборилган нарсаларга ва пайғамбарларига сўзсиз ишонмоқдир. Иймон – инсонни ҳайвондан ажратувчи асосий сифат, чунки Навоий фикрича, гарчи нутқ, сўз инсонни ҳайвондан ажратувчи белгиси бўлса-да, агар кишида иймон бўлмаса, у инсон эмас, балки гапирувчи ҳайвондир:

Улки ҳаду расм қўяр мантиқий,
Токи бу ҳайвони била нотиқий.
Иккиси инсонга бўлуб ҳадди том,
Зумраи инсон аро айлар хиром,
Навъини нотиқ била ҳайвон қилур,
Нотиқу ҳайвонини инсон қилур,
Сен доғи инсон муни қилсанг гумон,
Балки, у ҳамон сен-сену ҳайвон ҳамон[46].

---

[44] *Абдураҳмон Жомий.* «Ҳафт авранг», тошбосма. Тошкент. 1913 й., 195-б.
[45] *Алишер Навоий.* «Хамса». танқидий матн. Нашрга тайерловчи П. Шамсиев. Тошкент. «ФАН», 1960 й., 50-б.
[46] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн, Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкснт, «ФАН». 1960 й., 50-б.

Агар ҳар бир тили бор, икки оёқлини инсон дейдиган бўлсак, «яхши-ёмон ичра тафовут» қоладими?

Бўлмади бас ноқису комилда фарқ,
Топмағай эл олиму жоҳилда фарқ...
Бас ани инсон атағил бериё,
Ким ишидур сабр ила шукру ҳаё[47].

Тоат-ибодат, сабр, шукр, ҳаё, ризолик – инсонийлик белгилари бўлиб, мўминликнинг асосий талаблари ҳисобланган. Навоий «бу уч», яъни сабр, шукр ва ҳаёни «набийи-ҳошимий» – Расулуллоҳ иймоннинг зарурати деб буюргандир, дейди. Кўринадики, улуғ шоир салафлар кетидан бориб, инсон зотини безайдиган эътиқод, иймон талабларини ахлоқий сифатларга қўшиб шарҳлаган. Дарҳақиқат, пайғамбаримиз ҳадисларида сабр, ҳаё, шукр иймондан экани таъкидланади. Чунончи, «Ал ҳаёу минал иймон» – «ҳаё иймондандур» деган ҳадиси шариф машҳурдир.

Бас они инсон демак ўлғай раво,
Ким иши имон била топқай наво[48].

Хулқу рафтори, иши – аъмоли иймонга мувофиқ бўлган эътиқодли одамгина инсон деган шарафли номга арзийди. Навоий иймонга ана шундай катта аҳамият берган. Шундан кейин улуғ шоир иймоннинг олий талаби – Аллоҳ ваҳдати, юборган китоблари, расуллари, яратган фаришталари, қиёмат кунига ва янги-янги ишларни тақдири азалдан эканига ишониш устида тўхтайди. Аммо характерлиси шуки, шоир бу рукнларни оддий омиёна мазмунда эмас, балки, сўфийлар нуқтаи назаридан тушунтиради. Илоҳга ошиқлик, илоҳга яқинлашишнинг асосий шарти ана шу иймон мустаҳкамлигидадир, – дейди у: иймон мустаҳкамлиги – асл мақсадга йўл бошловчи:

[47] Ўша асар, 50-б.
[48] Ўша асар, 50-б.

Мақсади аслийға хиром айлагай,
Қурб ҳаримини мақом айлагай[49].

Иймон калимасида келтирилган олти нарса барҳақдир. Ҳақ таоло – асосларнинг асоси, «айни вужуд», азалий ва абадий, яккаю ягона, ҳамиша уйғоқ, кўздан ниҳон, аммо ҳамма ерда аён. Бутун оламнинг эгаси у, барча қудрат Ундан. Навоий бу ўринда «муножот»ларда баён этган фалсафий-ирфоний фикрларини такрорлаган.

Шу тарзда бошқа мавжудликлар, Аллоҳ қудратига гувоҳ бўлган нарсалар устида тўхтаб, кейин Қуръон ҳақида гапиради. Шоир Қуръонни – мўъжиза, илоҳий китоб, «уммул кутуб» (китоблар онаси) деб таърифлайди. Унинг барча оятлари «барҳақ» деб ёзади:

Ҳақ сўзи, ҳар жузви варақ – то варақ,
Борча ҳақойиқ, балким борча Ҳақ.

Мисл анга маъдуму мушобиҳ адим,
Қойили андоққи қадим, ул қадим[50].

Қуръон барҳақ китоб экан**,** ҳазрати Расулуллоҳ ҳам пайғамбари барҳақ, «кўнгли ҳақ ирсолига росих» одам.

Алишер Навоий биринчи мақолатда иймон ва инсон масаласи устида фикр юритгандан кейин, иккинчи мақолатда ислом рукнлари – намоз, рўза, ҳаж, закот ҳақида сўз бошлайди. Бу ўринда Навоий ўз салафлари Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомий фикрларини давом этиради. Албатта, шариат ҳақидаги бу кўрсатмаларнинг барчаси Қуръон ва ҳадислардан олинган. Қуръонда Аллоҳ намозхон бандасига иноятлар этиши, рўзани канда қилмаган, молидан закот тўлаб турган, ҳаж сафарини бажо келтирган киши жаннатда мукофотлар олиши кўп марта таъкидланади. Аммо Навоийда ва унинг устозлари асарида жаннат ҳақида гапирилмайди. Бешта рукнни адо этиш – бандалик садоқати белгиси. Мана шу ғоя шоирларни кўпроқ қизиқтирган.

Навоий сатрлари бу бобда ҳам сўфиёна майллар изҳори билан қўшилгандир. Шаҳодат калимаси ҳақида ёзганда ҳам, намоз файзи ҳақида гапирганда ҳам буни эсдан чиқармаган. Масалан, намоз таҳорати ҳақида бундай ёзади:

Ул демаким, майл қилиб сувға сен,
Бир неча узв ул сув била ювгасен,
Буйла таҳоратни билур ҳар хасис,
Ўзга таҳорат доғи бордир нафис.
Буки сафо чашмасидин завқнок,
Айлагасен лавҳаи хотирни пок[51].

Фақат танани эмас, жонни – руҳни ҳам поклаш керак, яъни жону дил билан илоҳ йўлига киришмоқ лозим дейди Навоий:

Узлук уйин узга ҳаром айлабон,
Тенгри эви сори хиром айлабон

Бу, албатта сўфийлар таҳоратидир. Ёки рўзаниинг аҳамиятини таърифлаб келиб дейдики, чин мусулмон ҳаром жойга боришдан, ҳаром нарсани ейишдан, ёмон сўзни эшитиш ва гапиришдан парҳез қилиши керак. «Бормагаю кўрмагаю тутмагай, айтмагай, эшитмагаю ютмагай». Бунинг маъноси қуйидагича: тариқат аҳли ёмон жойга бормаслиги, ёмон нарса-

[49] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 50-б.
[50] Ўша асар, 51-б.
[51] Алишер Навоий. «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 55-б.

ни, номаҳрамни кўрмаслиги, ҳаромни қўлга олмаслиги, ёмон сўзни айтмаслиги, ёмон сўзни эшитмаслиги ва ҳаром таомни емаслиги лозим. Шайх Азизиддин Насафий ёзган эдилар: «Комил инсоннинг аъмоли эзгу, рафтори эзгу бўлади». Дарҳақиқат, инсон камолоти сақланиши парҳез орқали бўладиган нарса. Бу масала устида ҳали тўхтаймиз. Лекин бу ерда Навоий бу масалаларни ислом шартлари билан боғлаб изоҳлаётганини таъкидламоқчимиз.

Шоир уч хил рўзани ажратган: бири меъда рўзаси – овқат емасдан, сув ичмасдан кунни ўтказади, иккинчиси, ҳислар ва аъзолар рўзаси – аъзоларни сақлаш, учинчиси – кўнгил рўзаси, бу олий даражага кўтарилган одамлар рўзасидир:

Лекин учунчиси будурким, кўнгул,
Чунки эрур мавбути анвори кулл,
Поку равонбахш ҳавоси анинг,
Жилвагаҳи файз фазоси анинг
Махзани асрори илоҳий ҳам ул,
Ойинаи чеҳраи шоҳий ҳам ул,
Дафъ қилиб занги хаёлотни,
Асрамоқ ул навъ бу миръотни,
Ким анга жуз дўст зуҳур этмагай.
Балки, анинг ғайри хутур этмагай[52].

Ана шунақа рўзани тутганлар дарвеш сўфийлардир. Кўнгил илоҳиёт илми ва нурлари махзани экан (бу ҳақда (юқорида тўхтадик), уни ғайрдан – дунё ғуборларидан пок сақлаш керак. Бундай рўза тутганлар бир ой эмас, умр бўйи парҳезда бўлиб, риёзиёт чекадилар, хору зорликларга, маломатларга чидайдилар, сидқидилдан беғараз тоат билан шуғулланадилар. Навоий бобнинг сўнгида буни фанога олиб борувчи йўл дейди.

Кўринадики, шоирларнинг инсон ҳақидаги қарашлари тўлиқ ҳолда исломий ҳақиқатлар ва тасаввуфий тушунчаларга асосланган бўлиб, муайян тизимни ташкил этади. Бу қарашлар тизимини қисқача мана бундай тасниф этиш мумкин: Инсон – махлуқот хулосаси, гултожи.

Инсон Аллоҳнинг ердаги халифаси, унинг қалби Аллоҳ илму ирфонининг хазинаси.

Инсонда икки асос – тўрт унсурдан иборат моддийлик ва руҳдан иборат илоҳийлик мужассамдир.

Инсон ўзини англаб камолга эришиши керак. Бунинг учун у аввало комил мусулмон бўлмоғи, шариат талабларига риоя қилмоғи лозим.

Бу умумий ғоялар ҳар бир шоирда аниқ ҳолда турлича йўсинда ўз ифодасини топган. Низомийда моддийлик билан руҳонийлик орасидаги зиддиятни кўрсатишга эътибор қилинган бўлса, Хусравда инсоннинг улуғлиги таъкидланиб, шунга муносиб рафтор қилиш уқтирилган, Жомий ва Навоийда инсон ўз-ўзини таниш ва қалбдаги илоҳий хазинани кашф этишга даъват асосий ўринни эгаллаган. Жомий ва Навоийда ваҳдатул вужуд фалсафасининг таъсири бор. Бироқ улар буни шариат аркони билан қўшиб ифодалаганлар. Улар назарида комил инсон шариат ва тариқатни бирга қўша олган етук маърифатли кишидир.

[52] Ўша асар, 55-б.

ҲАЗРАТИ ПАЙҒАМБАР СИЙМОСИ ТАСВИРИ

Шарқ шоирлари асарлари аввал Тангри таоло мадҳу ҳамд билан бошланиб, сўнгра Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В.) га бағишланган наътлар келтирилади. Ўзбек адабиётшунослик фанида ҳамд ва наътларга эътибор берилмасдан келинди. Фақат достонларнинг қурилиши ва тузилиши ҳақида гапирганда ҳамд ва наътлар «анъанавий кириш қисмлар» сифатида қайд этиш билан чегараланган эди.

Бизнинг фикримизча, ҳамд ва наътлар хам достонларнинг ажралмас қисми бўлиб, муаллиф дунёқарашини ойдинлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Биз бу ўринда Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоий достонлари, яъни «Матлаъ ул-анвор» ва «Ҳайрат ул-аброр» достонларидаги Муҳаммад Мустафо таъриф-тавсифлари – наътларни чоғиштириб чиқишни лозим топдик. Зеро, Навоий ҳамд-наътлар ёзишда ҳам салафлар йўлини давом эттирган ва исломий ақидаларни баён этишда анъанадан фойдаланган. Наът ва ҳамдларни алоҳида жанр сифатида олиб қараш мумкин, аммо меърожномалар алоҳида кўринишга эга. Наътлар аксар достонлар бошида бир ёки бир неча бобни ташкил этиб келган. Ҳамд ва наътда қасида хусусияти бор, яъни таъриф-тавсифи, тил услуби кутаринки руҳ билан ёзилган. Лекин қасиданинг шакли қофияланиш тартиби бошқа (аа, ба, ва...) бундан ташқари қасида жанрининг объекти наът-ҳамдлардан фарқ қилади. Наът-ҳамдларда муаллифларнинг фалсафий мушоҳадалари ҳам ифодаланган.

Амир Хусравнинг «Матлаъ ул-анвор» достонида бир ҳамд (кириш), уч муножот ва уч наът мавжуд бўлса, Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонида «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим» шарҳидан кейин бир ҳамд, тўрт муножот ва бешта наът келтирилади. Шундай қилиб, наътлар сони Навоийда Амир Хусравга нисбатан иккита ортиқ. Аммо байтларнинг умумий миқдори ҳисобидан олиб қараганда, фарқ унча катта эмас. Амир Хусравнинг учта наъти 133 байтни ташкил этади. Навоийнинг бешта наъти 147 байтдан иборат, 14 байт ортиқ холос.

Бунинг сабаби шуки, Амир Хусрав наътларида пайғамбар ҳаётининг қисмлари, фаолияти даврлари алоҳида олиб баён этилмайди. Хусравда пайғамбар ишларининг конкрет жиҳати воқеа сифатида олиб тасвирлаш фақат Меърожга кўтарилиш воқеаси тасвирида кўринади. Аввалги ва учинчи наътлар бир-бирини тўлдирадиган бўлиб, ҳазрати расулуллоҳнинг сифатларини таърифловчи байтлардан ташкил топган.

Алишер Навоийда бўлса «Аввалги наът»да олам бошида нури муҳаммадиянинг мавжуд бўлгани, яъни Муҳаммад ҳақиқати барча мавжудотлардан бурун яратилгани ҳақида гап борса (бу ғоя Хусрав Деҳлавийда ҳам бор, бу ҳақида ҳали батафсил баён этамиз), иккинчи наътда Муҳаммад алайҳиссаломда нубувват – пайғамбарлик нишоналарининг юз бериши исломнинг жорий этила бошлаши, бутпараст кофирларга қарши кураши тасвирланади, учинчи наътда ислом дини ғалабаси, саводсиз одам бўлган Муҳаммад расулуллоҳнинг мўъжизалар кўрсатишлари, шариатнинг жорий этилиши, Ажаму Араб янги динга кириб, шараф топгани баён қилади. Тўртинчи наът исломнинг қудрати, Қуръон ва ҳадислар шуҳрати, Пайғамбар асҳоби, халифаларидан сўз очади, бешинчи наътда Меърож кечаси таърифи берилади. Амир Хусрав Меърож тасвирига кўп ўрин ажратган. «Матлаъ ул-анвор»да Меърож тасвирига бағишланган боб 70 байтдан иборат, қолган икки наът эса ҳаммаси бўлиб 66 байтдир.

Навоийда Меърож 53 байтдан иборат, яъни қолган наътлардан у қадар катта эмас. Лекин шуниси борки, ҳар икки шоирда ҳам Меърож ҳазрати пайғамбар мўъжизалари ва карома-

тининг энг чўққиси сифатида кўрсатилади. Аммо бу ҳақда кенгроқ тўхтаб ўтишдан олдин «нури муҳаммадия» тушунчаси устида тўхташ жоиз деб ўйлаймиз.

«Нури муҳаммадия» тушунчаси ислом уламолари ишларида тез-тез тилга олинади, айниқса тасаввуф таълимотида бу тушунча яхши ишланган. Тасаввуф аҳли фикрига кўра Тангри таоло оламларни яратишдан олдин Муҳаммад нурини яратган бўлиб, шу нур туфайли оламларни ва одамларни халқ этди. Бу нурни «Ҳақиқати муҳаммадия» ҳам деб юритадилар.

Амир Хусрав эътиқоди бўйича, Худованди карим барча мавжудот – осмону ер, тоғу водий, ою қуёш ва ҳоқазо, жонли ва жонсиз ашёларни Муҳаммад туфайли яратган. Муҳаммаднинг номида икки жаҳон (дунё ва охират) мужассам. Шоир ёзади:

Чарх, к-аз ин сон аҷаб оростанд,
Баҳри расули араб оростанд.
Аҳмади Мурсал, ки набишта қалам,
Ҳамд ба номи ваю ҳо-мим ҳам.
Нуҳ фалак аз номи Муҳаммад муқим,
Ҳар ду ҷаҳон дар ҳади номаш ду «мим».
Гуйи замин бурда ба чавгони худ,
Арсаи майдон-ш азал то абад.
Мавҷи нахустин-ш зи дарёи нур,
Шуста бисоти адабу рафта дур[53].

(Бундай ажойиб кўринишда яралган коинот араб миллатига мансуб Расул учун бунёд этилган. Қалам унинг номини «Аҳмади мурсал» – «Элчи Аҳмад» деб ёзди: унинг номига мақтовлар бўлсин. Тўққиз фалак – осмоннинг тўққиз қавати Муҳаммаднинг номи билан муҳим – мустаҳкам турибди, икки олам (дунё ва охират) номидаги икки «мим»да жойлашган. Ернинг коптокчасини ўз чавгони билан илиб олган (бунда ҳам чавгон ва «мим» ҳарфи қиёсланган), Муҳаммад фаолияти, мавжудлиги, майдонининг саҳни азалдан абадгача беҳудуддир. Нур дарёсидан биринчи тўлқинланиши адаб – анъаналар бисотини ювиб, ҳийла олдинга кетди).

Борлиқ шу Муҳаммадий ҳақиқат ичидадир, аммо биз уни сезмаймиз ҳам, бамисоли офтобнинг мавжудлигини зарра сезмагандай. Ақли кулл, яъни олам асосида ётадиган Ақл ҳам шу ҳақиқатдан одоб ўрганади. Пайғамбарнинг ҳар бир сўзи мусулмонликнинг аслидир ва раббоний номаларнинг шарҳидир. Уммул китоб – Тангри таолодан таълим ва хирад олгандир, унинг сўзлари Тангри сўзи, унинг амрлари Тангри амри ҳазрати Расулуллоҳ – умматларининг ғамхўри, Аллоҳ таоло Муҳаммад туфайли умматларнинг гуноҳини кечиради. Пайғамбар нурининг сояси умматлари учун «урваи вусқо» мустаҳкам тутқичдир. Қуръон ва ҳадислар «ҳабли матин» – мустаҳкам арқондир, бизни илоҳ амри билан боғлайдиган риштадир. Хуллас, Хусрав Деҳлавий учун Муҳаммад алайҳиссалом Худонинг бандалари ҳузурига юборган элчиси, ақлу фаросат, илму фазилатда бемисл комил бир инсон, унинг шарафи етти кўкка етади, барча мавжудот унинг туфайли нурли, мунаввар.

Аммо Амир Хусравда «нури муҳаммадия» тушунчаси ёркин акс этмаган, бу тушунча Алишер Навоийда анча ойдин ва шаклланган бир ҳолда мавжуд. «Ҳайрат ул-аброр»даги биринчи наътда қуйидаги байтлар бор:

---

[53] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М, 1975 г., 16-б.

Эй қилибон ламъаи нурунг зуҳур,
Андаки не соя бор эрди, на нур.
Нурунгга тоб икки жаҳондин бурун,
Ҳар не йўқ ондин бурун, ондин бурун[54].

Демак, Навоий фикрига кўра ҳали бирор мавжудот яралмагунча, соя ҳам, нур ҳам бўлмаган бир пайтда Муҳаммад нури зуҳур қилди, барча қадимийлардан ҳам бу нур қадимийроқдир. Бу фикр олам асосида Муҳаммад нури ётади, деган қарашга мувофиқдир. Навоий давом этиб ёзадики, жисмоний ва руҳий оламлар шу нурдан зиё топган, ҳали ҳазрати Одам Сафиюлуллоҳ яратилмаган эди. Одам Ато ҳам Муҳаммад нуридан бино қилинди. Шунинг учун, «Аввал ўғил, сўнгра ато» яратилди дейиш мумкин. Бошқача шарҳлаганда, ҳазрати Муҳаммад Одам Атога ҳам ато ва ҳам ўғилдир. Шу маънода Одам Ато фарзандлари – бани Одам Муҳаммадга фарзанд ҳисобланади.

Навоий Одам Ато ва ҳазрати Муҳаммад орасидаги қарин- дошликни улар номидаги ўхшаш жиҳатлар билан қиёслаб тушунтирмоқчи бўлади: Одам ва Муҳаммад сўзларининг ёзилиши шаклида «дол» ва «мим» ўхшаш, агар биз Муҳаммадни Аҳмад шаклида ёзсак, (Аҳмад ҳам Пайғамбар исми шарифи), унда учта ҳарф – алиф, дол, мим ўхшаш бўлиб чиқади. «Ўғулда уч ҳарф атодин нишон» деб ёзади Навоий. Бироқ «ҳе» ҳарфи ҳам ортиқча эмас. Шоир кўрсатишича, бу «ҳабиб» ва «муҳаббат» сўзларига ишорадир. Зеро, Расулуллоҳ Аллоҳнинг дўсти – Ҳабибуллоҳ лақабини олган ва Расули акрам дилида Тангрига муҳаббат беҳадду ҳисобдир.

Ҳар неки Ҳақ важҳи аро мубҳам ул,
Зоҳир этиб юзда ҳабиби ҳам ул. [55]

Демак, Муҳаммад пайғамбар сиймосида илоҳий важҳнинг қудрати ва жамоли акс этган, пайғамбар Аллоҳнинг кўзгуси, Пайғамбарнинг ишлари ҳам Аллоҳ амаллари, амрининг ҳаётга татбиқи.

Муҳаммад нури Одам вужудига кириб уни шарафлайди, одамдан хавога ўтди, унинг болаларига ҳам таралади. Шундай қилиб, барча инсонлар шу нурдан баҳраманд бўлдилар.

Алишер Навоий бу фикрларни «аввалги наът» деб номланган бобнинг насрий атамасида аниқ ва ихчам баён этади: «Ул ҳазратнинг нури қадимиятидаким, зот баҳрининг аввалги жумбушида ул дурри бебаҳо ламъаси хафо риштасин узди ва ул гавҳари якто ашиъаси ламъа кўргузди ва дурждин дуржга интиқол этди, то Сафиюллоҳдин Абдуллоҳга етти»[56]. Маъноси: «Ул ҳазрат нурининг қадимийлиги ҳақидаки, зот – тангри денгизи биринчи тўлқинда бир ягона гавҳар нури яширинлик ипини узди ва ул ягона гавҳар порлаб кўринди ва сандуқчасидан буржларга йўналди, токим Одам Атодан Абдуллоҳга етди». Яъни олам-дан аввал бу нур яратилиб, кейин оламларга ва Одамга сингиб кетди, токи Абдуллохга етди деганда Навоий ҳазрати пайғамбарнинг туғилишини назарда тутади. Чунки Муҳаммад пайғамбарнинг отасининг исми Абдуллоҳ эди, яъни Аллоҳнинг қули, шундай қилиб олам асосидаги нурдан то Муҳаммад бўлиб туғилгунча даврий бир замон кечади.

Шундан кейин Алишер Навоий ҳазрати Пайғамбарнинг гўдаклик айёми, қирқ йилгача ҳар хил юмушлар билан шуғулланишлари, чунончи, чўпонлик қилиши, тижорат билан банд бўлиши ва бошқалар ҳақида ёзади. Шоирнинг тасвирига кўра, пайғамбарлик ёш Муҳаммад сиймосида муҳайё эди, ўнинг ақли, зеҳни одамларни ҳайрон қолдирарди:

Сурат аро тифл, вале ақли кул,

---

[54] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент. «ФАН», 1960 й., 24-б.
[55] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шам- сиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 24-б.
[56] Ўша асар, 25-б.

Қавлунг аро ғайри яли лам-якул[57].

Пайғамбар бутпарастларга қарши жиҳод бошлаб, Аллоҳ ҳақиқатини Ерда ҳукмрон қилди. Куфр тоғини талқон этароқ имон боғини яшнатди. Муҳаммаднинг даъватлари элу халқлар орасида ғулғула солди, пайғамбарнинг мўъжизали каломи дилларни ёритди ва айни вақтда душманлар ҳам пайдо бўлдилар. Бироқ Макка мушриклари охирул амр имон келтиришга мажбур бўлдилар. Пайғамбар мўъжизаларидан бири бармоқ учи билан ойни икки қисмга бўлганидир:

Меҳр мутиъ амру мисоли била,
Шақ бўлубон бадр ҳилоли била[58].

Учинчи наътнинг насрий сарлавҳаси мана бундай: «Ул нубувват қуёши соясизлигининг пояси, балки қуёш бўлмоқ анинг сояси ва беш бармоғига қалам тутмай ақолими сабъани якқалама қилғони, балки жамъи милал авроқиға насх қалами чеккони»59, яъни: «Ул пайғамбарлик қуёшининг сояси йўқлиги моҳияти, балки қуёш унинг соясидир ва бармоқларига қалам олмай, етти иқлимни забт этгани, балки барча миллатларнинг китобу дилларига инкор хатини чекканлиги».

Бу бобда шоир Муҳаммад жорий этган барҳақ диннинг улуғворлиги, пайғамбаримизнинг улвий-раҳмоний нажоди ҳақида жўшиб тавсифли сатрлар тизади:

Зотинг эди жавҳари улвийнажод,
Тутмади ер сояси бирла савод.
Қайда савод этгали чеккай рақам,
Қолди чу маҳрум илигингдин қалам.
Бўлмади гар хома бошин ёрмоғинг,
Ёрди қамар хомасини бормоғинг.
Қўймади гар бу қаламинг бир нуқат,
Лек милал насхиға кўп чекти хат[60].

Ушбу байтларда Ҳазрати Муҳаммаднинг хат танимаганлиги, аммо шунга қарамай олам асрори илоҳий-илмий ҳикмат кони бўлганлиги ифодаланган. Муҳаммад алайҳиссалом хат танимасди, аммо ўнлаб халқлар унинг хати тобеълигига қўшилди. Ажамдан Арабгача, Машриқдан Мағрибгача ислом динини қабул қилдилар. Номаси қора бўлганлар ҳам бу хат тобеъига айланганда, шафоат топдилар. Лоту Манот каби бутпарастлар минг балоларга дучор бўлдилар.

Тўртинчи наътда «Ҳайрат ул-аброр» муаллифи Пайғамбар сифатларини мадҳ этишни давом эттириб, Пайғамбар мўъжизалари, ҳазрати расулуллоҳ фаолиятининг қизғин даврини қаламга олган:

Эй нафасинг мояи эъжоз ўлуб,
Руҳи қудус нутқунғга ҳамроз ўлуб.
Гоҳи такаллум санга мўъжиз калом,
Назми каломинг бори мўъжиз низом...
Сиҳҳати ҳукм ичра ҳадисинг саҳиҳ,
Арзи фасоҳатда каломинг фасиҳ[61].

Пайғамбарнинг энг улуғ мўъжизаси – бу каломи тариф, яъни Қуръони карим. Бу сатрларда шунга ишора бор. Муҳаммад Мустафо пайғамбарлар силсиласида сўз сеҳргари сифа-

---

[57] Ўша асар, 25-б.
[58] *А. Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 25-б.
[59] Ўша асар, 26-б.
[60] Ўша асар, 26-б.
[61] А. Навоий. «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 27-б.

тида шуҳрат қозонган. Ул жанобнинг нутқи, ваъзи, оятлари илоҳий ваҳийлик эди. Қуръон суралари Аллоҳнинг каломи бўлиб, Жабраил алайҳиссалом Ҳазрати Муҳаммадга етказиб турган, Ҳазрати Муҳаммад Мустафо буни ўз навбатида халққа етказган. Қуръонда исломий ақидалар, ваҳдат ва тавҳид ғоялари, мўмин-мусулмонлик рукнлари, фалсафа ва ҳикмат, ғайб асрори ифодаси бўлган тилсимли маънолар, шунингдек мўминларнинг кундалик ҳаётига лозим бўладиган курсатмалар бор. Одам фарзандига керак бўладиган барча ахлоқий-маънавий нарсаларни бу муқаддас китобдан топиш мумкин. Шунга ўхшаш беҳисоб ҳадислар ҳам инсон камолоти, унинг ҳаёт тарзини йўлга солувчи ўчмас чироқлардир.

Ҳазрат Навоий ушбу бобда ислом шариятининг беш рукни – намоз, рўза, закот, ҳаж ва калима келтириш шарофати ҳақида тўхтайди. Қайд этамизки, бу мавзу «Ҳайрат ул-аброр»да алоҳида бобда кенгроқ ёритилган. Бу ерда эса, шариатнинг аҳамияти ва Пайғамбаримизнинг бундаги улуғ хизмати тезислар шаклида ўртага ташланган. Пайғамбар шариатни жорий этиш билан инсоният маънавияти тарихида бурилиш ясади. Одамлар яхшини ёмондан, гуноҳни савобдан, ҳаромни ҳалолдан ажратадиган бўлдилар.

Алишер Навоий бу бобда пайғамбар ҳаётидаги оғир дамлар – душманлардан қочиб ғорда яшириниш, Абужаҳл бошлиқ мушриклар билан кураш, Пайғамбарга охиригача содиқ қолган Абубакр, Умар, Усмон, Али ҳақида ёзади:

Руҳ эди ул баҳри нубувват дури,
Тўрт рафиқи танининг унсури[62].

Навоийнинг наътлари мазмун жиҳатидан Амир Хусрав наътларига ҳамоҳанг. Амир Хусравнинг учинчи наътида ўқиймиз:

Эй суханат ганҷи худоро калид,
Гавҳари он ганҷ ту кардӣ падид,
Аз ту салое ба аласт омада,
Нест ба меҳмонии ҳаст омада...
Ғарраи моҳ аз хами абрўйи туст,
Турраи шом аз шикани мўйи туст.
Моҳ ба тавқи хидамат чун ҳилол,
Шом ба доғи ҳабашат чун Билол...[63]

(Эй сенинг сўзинг худо хазинасининг калиди, бу хазинанинг гавҳарини сен очдинг, Сендан абадиятга бир овоз етишди, йўқлик борликка меҳмон бўлиб қолди. Ойнинг ғурури сенинг қошинг эгилганидандир, шомнинг қора зулфи сенинг сочинг ҳалқасидандир. Ой хизматинг ҳалқасида ҳилол бўлиб эгилган, шом эса ҳолинг ҳажрида Билолдай хизматда).

Амир Хусрав, шундай қилиб, Пайғамбар таърифи мадҳига кўпроқ эътибор беради, унинг илоҳий сифатларига шоирона санъатларни қаторлаштириб чизиб чиқади:

Ҳар ки ба фитроки ту кард эътисом,
Карда ба меърож фалакро лагом.
Қулзуми раҳмат тӯ, эй бениёз,
К-аз ту намозӣ шуда ҳар бенамоз.
Ҳар кӣ тирози ту ба бозу ниҳод,
Нақди ду олам ба тарозу ниҳод[64].

---

[62] *А. Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 27-б.

[63] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 29-б.

[64] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ах-

(Кимки сенинг узангингга осилган бўлса, фалак зиналаридан ошиб қадамлади. Эй озод эр, раҳмат денгизи сенсан, чунки ҳар бир бенамоз сендан намозхон бўлди. Кимки сенинг этагингни қўлга киритган бўлса, икки олам нақди-савобини қўлга киритади). Шундан кейин Хусрав Пайғамбар руҳидан мадад сўрайди, қиёмат куни Парвардигор олдида шафеъ бўлиб, гуноҳларини авф этишни илтижо қилади:

Рўй ба мо кун, ки туйи пуштибон,
Ҳам били мо деҳ ба карам, ҳам забон.
Ин ҳама густоҳии мо бар гуноҳ.
З-он сабаб омад, ки тўйи узрхоҳ.
Такя чу бар мунъими худ кардаем,
Ғам нахўрем арчи ки бад кардаем[65].

(Бизга юзингни ўгир, чунки сен суянчиғимизсан, карам ила ҳам дил ва ҳам тил бергил бизга. Сен узримизни кечирувчи бўлганлигинг учун густоҳлик билан гуноҳ қиламиз. Ўз валинеъматимизга суянганмиз, шу боис гарчи гуноҳ иш қилган бўлсак-да, лекин ғам емаймиз).

Бу ерда икки жиҳатни таъкидламоқчимиз. Биринчидан, Амир Хусрав тарихий воқеалар, Пайғамбар ҳаётига оид конкрет тафсилотлар устида тўхталмаган, балки Ҳазрати расулуллоҳнинг умумий сифатлари, шаъну шарафини тавсиф этган. Навоий эса пайғамбар ҳаётига оид тарихий воқеалар, ривоятларни қўшиб тасвирлайди, Пайғамбарнинг фаолиятини исломнинг кириб келиши, ёйилиши ва мустаҳкамланиши билан боғлаб олиб боради. Иккинчи жиҳат шуки, Амир Хусравда Парвардигор сифатлари билан Пайғамбар сифатлари орасида қарийбки фарқ йўқ. Алишер Навоий достонида гарчи муҳаммадий ғояси батафсил ёритилган бўлса-да, лекин Пайғамбарнинг инсоний сифатлари (изтироби, кураши, шодлиги) билан қўшиб олиб борилади.

«Матлаъ ул-анвор» ва «Ҳайрат ул-аброр» достонларидаги меърожнома бобларини қиёсласак, бу маънолар яна аниқроқ кўзга ташланади. Қайд этамизки, Пайғамбар меърожи ҳақида шоирлар кўп ёзганлар, бу воқеа ўзининг хаёлот ва тасаввуротларига бойлиги, сўфиёна каромату таважжуҳ ва ишқу ошиқлик тушунчалари билан яқинлиги, балки, бунга сабаб бўлгандир. Меърож кечаси ҳақида қасида ва ғазаллар ҳам ёзилган. Афтидан, бу анъанавий мавзулардан ҳисобланиб, ҳар бир шоир бунда ҳам кучини синаб кўрган.

«Матлаъ ул-анвор»нинг меърожга бағишланган боби иккинчи наътга «Ҳайрат ул-аброр»да эса охирги – бешинчи наътга тўғри келган. Бунда ҳам Навоийнинг тарихий мунтазамлик ва Пайғамбар ҳаёти тартиби билан вобасталик сақланганини кўрамиз. Амир Хусрав наътининг сарлавҳаси бундай: «Наъти дуввум дар меърожи султони анбиёки, қалби Арш маснади ўст ва шараф таҳ ва болойи фалак фарши пойи ў, Аҳмадеки алифи балош додан то бар кунгураи исро рост боистод ва Муҳаммадеки доли охираш ханданд то бар сари дунёи дурий пой ниҳад»[66]. (Таржимаси: «Иккинчи наът анбиёлар султони меърожи ҳақидаким, Аршнинг қалби унинг тахтгоҳидир ва фалакнинг остию усти шарифи унинг оёғининг фаршидир, у шундай Аҳмадки, унга алифдай қомат берганлар, токи исро (осмон) кунгирасида тик турсин ва Муҳаммад деб атадилар, токи паст дунё бошига аёқ қўйган охирги пайғамбар бўлсин»).

мед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 31 -б.

[65] *Ўша асар*, 31-32-б.

[66] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Состааление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 20-21-б.

Алишер Навоийда бешинчи наът бундай бошланади: «Меърож кечаси таърифидаким, каримаи: «Субҳаналлази асро» анга мусаддақи дурур ва «биабдиҳи лайлан минал масжидил ҳароми илал масжидил Ақсо» анинг субутига икки гувоҳи содиқ»[67]. Маъноси: «Меърож кечаси таърифидаки, «Субҳаналлази асро»(кечки сафар шаън-шарафи) ояти карима уни тасдиқ этувчидир ва кечаси ҳарам масжидидан Ақсо масжидига келиб ибодат қилди» (хабари) унинг собитлигига икки содиқ гувоҳдир»). Шундан кейин ушбу насрий сарлавҳанинг шеърий шарҳи бошланади. Хусрав Деҳлавийнинг Меърож ҳақидаги боби бошланмаси бундай:

Ними шабе, к-ин маҳи гардун ғулом,
Кард ба давлат сўйи гардун хиром.
Валвала дар олами боло фитод,
Ғулғула дар гунбади воло фитод.
Нўҳ табақу ҳафт санам хостанд,
Ҳафту нўҳи хеш биёростанд.
Собиту сайёра дар ин интизор,
Монда зи беруну дарун беқарор[68].

(Фалак соҳиби бўлган ул ой ярим тунда осмон томонга от куйиб учганида, юқори оламда ғулғула-ғавғо кўтарилди, чарх гумбазлари чайқалди. Тўққиз қават осмон ва етти сайёра уни истадилар ва ҳар бири ўзига оро бериб кутди. Собиту сайёра бу интизорликда ичкаридан ва ташқаридан беқарор эдилар).

Алишер Навоий Меърожномаси эса мана бундай байтлар билан бошланган:

Бир кеча зулматқа қолиб коинот,
Меҳр ниҳон ўйлаки айнулҳаёт
Гарники ул чашма назардин қочиб,
Хизр кўк узра қатаротин сочиб.

Тун қилибон гардини анбарсиришт,
Бутратибон ерга насими биҳишт[69].

Маълум бўладики, бошланишдаёқ икки шоирда икки хил манзара тасвирига дуч келамиз. Яъни: Амир Хусрав Ҳазрати Пайғамбарнинг кўкка сафаридан фалак жисмлари коинотнинг шодланиши, интизорлик ҳолатини тасвирлайди. Жонлантириш (ташхис) санъати орқали ой, юлдузлар, сайёралар Аллоҳнинг Ҳабибини кўришга муяссар бўлмай қоламиз деб гўё ҳаракат бошлайдилар, улуғ меҳмонни кутаётган мезбонлардай тараддудга тушадилар. Жаннат хазина – дори, – деб ёзади Деҳлавий, – бетоқатликдан гоҳ ташқари чиқар, гоҳ ичкарига кирарди. Жаннат боғлари топ-тоза қилиб супурилган, супурги ҳам ҳурларнинг сочидан. Ҳурлар қора кўзларини йўлга тикмоқдалар, интиқликдан кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш. Шу зайлда, шоир жамики коинот ашёлари фаришта – малакларнинг, жаннатдаги жонли ва жонсиз нарсаларнинг интизорлик ҳолатини бир-бир тасвирлайди. Кейин Муҳаммад Пайғамбар миниб кўкка кўтарилган Бурокнинг тасвири келтирилади.

Улуғ ўзбек шоири наътида аввалambор Меърож тунининг ўзи тасвирланган ажойиб пейзаж манзараси яратилган: осойишта ва қоп-қора тун. Ҳаёт чашмаси – қуёш яширинган, ой

---

[67] *А.Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсисв. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 28-б.

[68] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Состаавление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 20-21-б.

[69] *А.Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрлончи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 и., 28-б.

эса ҳали чиқмаган, лекин тун қоронғи бўлишига қарамай сафоли, худди Хизр зулматдан обиҳаёт олиб сепаётгандай. Ҳаводан хушбўй ҳид анқийди, жаннат шабадаси эсиб турибди.

Навоийнинг мана бу ташбеҳ-тасвири ҳам ажойиб:

Ер кураси шакл ила мажмар бўлуб,
Кеча саводи анга анбар бўлуб.
Ўт киби ер мажмари остида меҳр,
Ёпиб этак мижмара узра сипеҳр.[70]

Яъни: ер курраси шаклан гўё учоққа ўхшаб қолган, кечанинг қоронғилиги бу ўчоққа сепиладиган анбар (анбар-оловга сепилиб, уйни хушбўй қиладиган доривор) кабидир. Қуёш ўчоқ остидаги оловга ўхшайди, осмон эса ўчоқ устига ёпилган этакка ўхшаб турибди. Шундан кейин Навоий пайғамбарнинг ваҳий олиб сафарга тайёргарлик қилаётгани, Аллоҳ васлига етишишдан ниҳоятда хушнудлиги айтилади. Жаброил Пайғамбар алайҳиссаломга осмоний от – Буроқни келтиргани тасвирланган. Навоий осмон жисмларининг интизорлигини баён этишдан олдин Пайғамбарнинг ўз ички кечинмалари – Тангри билан мулоқот муждасидан юраги беором, жони ичига сиғмай қувониши кўрсатилган:

Чунки набий муждаи жонон топиб,
Муждаи жонон чу топиб, жон топиб.
Пайки они қўлдабон отландуруб,
Рахшини келган сори – ўқ ёндуруб[71].

Кўп Меърожномаларда Муҳаммад алайҳиссалом кўкка сафар қилишдан олдин Ҳарам масжиди (Макка масжиди) ва Ақсо масжиди (Байтул муқаддасдаги масжид)ни зиёрат қилиб, намоз адо этгани баён қилинади. Амир Хусрави Деҳлавий ҳам шу йўлдан бориб, Пайғамбарнинг икки масжид сафарини тилга олиб ўтган (Биринчи ҳарам – масжиддан йўлга чиқди, Байтул ҳарам – Макка ёнидан учиб ўтди. Ул қудсий масжидни ортда қолдириб Муқаддас Ақсога ўз нурини тўкди).

Навоий бу воқеалар тасвирини четлаб ўтган. Унда Пайғамбар Ҳақ сари “жилвасоз” бўлиб йўлга чиққач, сайёраларнинг пешвоз чиқиши, ҳар бир сайёрада бир муддат тўхтаб ўтиши баён қилинган. Аввал Ой, кейин Зўҳра, кейин Баҳром сайёрасига ўтилади. Бирин – кетин Муштарий, Зуҳал, Ҳамал, Сарв, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадий, Далв, Ҳут буржларини саёҳат этади. Буларнинг ҳаммаси Ҳабибуллоҳ Қадамидан шарафманд бўлади. Сўнгра Арш ва Лавҳу Қалам сари Буроқни буради:

Фарши бўлиб Арш ила Лавҳу Қалам,
Қўймоқ учун рахши аларға қадам.[72]

Кейин Буроқни қолдириб, Ҳазрати Пайғамбар Рафрафга минадилар ва кўк пардаларини очиб, Парвардигор даргоҳига яқинлашадилар. Бу даргоҳ Ломакон даргоҳи, бу ерда вақт ва маъно тушунчалари амал қилинмайди:

Олти жиҳат қайдидин ихрож ўлуб,
Тўрт гуҳар тарки анга тож ўлуб.
Йўқлуғ аёғи била солиб қадам,
Андаки йўлу қадам ўлуб адам,
Ўзлугидин нақшу намудор йўқ,
Нақшу намудоридин осор йўқ.

---

[70] *А.Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрлончи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 и., 28-б.
[71] Ўша асар, 28-б
[72] *А.Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрлончи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960, 29-б.

Чун ўзини айлаб ўзидин халос,
Пардаи иззатда қилиб ўзни хос[73].

Шундай қилиб, Алишер Навоий, биринчидан, Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломнинг Ёр васлига етишиш шодлиги, бехудлигини кўрсатган бўлса, иккинчи томондан, то ўзидан кечмаса, Ёрга етишмайди, деган сўфиёна ғояни олдинга сурган. Чунки Пайғамбар макон ва замондан холи оламга дохил бўлар экан, чор унсур билан боғлиқ башарий сифатлардан ҳам халос бўлади, яъни фано бўлади – "баҳри иноятга" қўшилади. Бу ҳолат шоирда бағоят таъсирли тасвирланган. Шунча воқеалар, арвозу сайру саёҳат, илоҳиёт оламини кашф этиш бир лаҳзада кечади:

Борғанию келгани бир он ўлуб,
Ақл бу мансубада ҳайрон ўлуб[74].

Ҳазрати Пайғамбар бу илоҳий сафардан қайтиб, эл орасига шариатни яна кучлироқ ташвиқ қилдилар. Навоий хулосаси шу. Ўзбек шоири васл лаҳзаси ҳолатини кўрсатишга кўп эътибор берган. Камоли қониқиш билан қайд этамизки, Навоийдаги ушбу тасвирлар Хусрав Деҳлавий наътидаги тасвирларга мувофиқ келади. Зеро, Амир Хусравда ҳам Пайғамбар алайҳиссалом Кўк сайёралари ва буржларини бир-бир айланиб чиқадилар ва Арш курсини босиб ўтиб, Ломакон оламига етадилар. Бу олам тасвири қуйидагича:

Шуд ба маконе, ки маконе надошт,
В-аз худии хеш нишоне надошт.
Гум шуд аз эҳсон, ки зи ҳадд беш буд,
Гум шуданаш ёфтани хеш буд.

Тан шудаш аз ҳастии сурат барӣ,
Пок шудаш хона зи суратгарӣ,
Аз ҳама сӯ хост ҷиҳат хонахез,
Ҳар ҷиҳате кард ба сӯе гурез[75].

(Шундай бир маконга кирдики, унда макон йўқ эди. У ўзлигидан ҳам нишон кўрмади. Тангрининг беҳадду ҳисоб эҳсони ичра йўқолди, лекин бу йўқолиш ўз-ўзини топиш»дир. Танаси жисм суратидан холи бўлди, яъни гўё ўй қалбдан қутулди. Қайси томонга қараса, бу томон ундан қочарди, яъни «томон» ўлчови йўқ эди).

Амир Хусрав ана шундай тасаввуфий-фалсафий тасвир билан бобни якунлайди. Жаноби пайғамбар ёр васлига мушарраф бўлиб, қалби Парвардигор зиёси билан тўлишиб, Ерга қайтади ва яна умматларининг иши билан шуғулланади.

Ҳар икки шоирда ҳам жаноби пайғамбарнинг Парвардигор нурига ғарқ бўлиб, сингиб кетиш тасвири бор, аммо суҳбат берилмаган. Бошқа кўп «Меърожнома»ларда эса Парвардигор билан мулоқот, ғойибона суҳбат берилади. Пайғамбаримиз умматининг гуноҳини кечишни сўрайди.

Демак, Амир Хусрав учун ҳам, Навоий учун ҳам васлнинг ўзи ва бунда Муҳаммаднинг ҳолатини кўрсатиш муҳим деб ҳисобланган. Иккала шоирда Пайғамбар ғайритабиий қудратга эга, илоҳийлашган зот сифатида тасвирланади. Пайғамбар биринчидан фавқулодда одам, у оддий инсонларга ўхшамайди, иккинчидан, у – бир идеал, камолот идеали, «хайрул башар». Наътларда яхшилик ва улуғворлик, ҳақ йўли учун кураш ғояси акс этган.

---

[73] Ўша асар, 29-б
[74] Ўша асар, 29-б
[75] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критическою текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамона. Вступительная Г. Ю. Алиева. «Наука», М., 1975 г., 25–26-б.

Наътларнинг тили, услуби, поэтикаси ҳам ўзига хос. Биз қисман бунга йўл-йўлакай тўхтаб ўтдик. Лекин фикримизча, бунга кенгроқ тўхтаб ўтиш фойдадан холи эмас. Чунки наътларнинг ўз поэтикаси, услуби бор. Аввало, шуни айтиш лозимки, пайғамбар – комил инсон тимсоли, идеал бўлгани учун тасвир ҳам шунга мувофиқ романтик кўтаринки кайфият қўзғатувчидир. Хаёлот ва муболағали тасвир етакчилик қилади. Муаллифлар ҳамду наътда энг муносиб ва «нажиб» сифатларни қўллай Пайғамбарнинг улуғворлиги, бемисллигини тасвирлашга интиладилар. Романтик кўтаринки руҳ байтлар оҳангига ҳам таъсир этган.

Амир Хусрав Деҳлавий Муҳаммад Мустафо сиймосини тасвирлаганда «Аҳмади Мурсал», «хайрул башар», «тожул анбиё» унвонлари билан бир қаторда уни «дурри якто», «дурри ятим»,«жавҳари ислом» каби ибораларни қўллайди. Ҳазрати Муҳаммаднинг сўзлари энг қимматли нарсалар – лаъл, гавҳарга тенглаштирилади. У кишининг сўзларигина эмас, вужуди ҳам назокатли, файзли, вужудидан оламларга файз ёғилади деб ёзилади. Ҳазрати пайғамбар умматларига меҳрибон ва ғамхўр:

Пардакаши уммати шўридакор,
Зомани омурзиши омурзгор.
Бори жаҳон бар дили он нозанин,
Сийна чунон нозуку бораш чунин[76].

(Тўполончи умматнинг айбига парда тортувчи, кечирувчи Тангри олдида кечиришни сураб турувчи кафил. Жаҳоннинг юки – ташвиш ул азизнинг нозик дилига юклатилган – қалби шундай нозик, аммо юкнинг қанақалигини кўринг).

Унинг кокили, зулфидан атрофдагиларга нури илоҳий таралади, терлари гўё қуёш чашмасининг қатраларидай. Ушбу ташбеҳлар тасвир объектига муаллифнинг муҳаббатидан дарак бериб туради.

Дарҳақиқат, Амир Хусравнинг ҳам, Навоийнинг ҳам пайғамбарларга муҳаббатлари чексиз. Бу муҳаббат ҳар бир сайрда, ташбеҳ ва ифодада кўриниб турибди. Шоирлар иғроқ, ташхис, ташбеҳ ва китобат санъатларидан усталик билан фойдаланганлар.

Чунончи, Навоийда:

Инсу малак жонию жононаси.
Икки жаҳон гавҳари якдонаси.
Маҳд санга лавҳаи фирузаранг,
Ким ҳаракатдин анга бўлмай даранг.
Сен киби бу гулшан аро тоза вард,
Умрида кўрмай фалаки солхурд.
Сурат аро тифл, вале ақли кулл,
Қавлунг аро ғайри яли лам-яқул[77].

Бу парчани кўздан кечирсак, Шарқ адабиётида қўлланиб келинган бадиий санъатларнинг ажойиб намунасини кўримиз. Чунончи: «инсу малак жони ва жононаси» иборасида ҳам тавсиф бор ва ҳам ташбеҳ. Ажойиб шоирона тасвир бу: одамларнинггина эмас, фаришталарнинг ҳам жони. Жонинга эмас, жононаси – маҳбуби ҳам. Пайғамбар зоти шунчалик шариф ва мўътабар қилиб тасвирланади. «Лавҳаи фирузаранг» – осмоннинг сифати. Бунда ташбеҳи том санъати ишлатилган. Аммо бу «лавҳаи ферузаранг» (зангори лавҳа) – Пайғамбарнинг бешиги. Мана бу муболағали ва муносиб ташбеҳни қаранг. Чунки гап Муҳаммад

---

[76] *Амир Хусрав Деҳлавий.* Осори мунтахаб. Дар чаҳор жилд, I жилд. Душанбе. «Ирфон», 1971 й, 16-17-б.

[77] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрлончи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 25-б.

нури ҳақида бормоқда, бу нур учун бутун олам бешик вазифасини ўтаган. Пайғамбар бир тоза Гул. Ташбеҳ санъати яна ишга солинган. Аммо бу Гул фалак бағрида очилган. Ташбеҳ кенгайиб романтик тасвирни вужудга келтирган. Пайғамбарнинг туғилиши, гўдаклиги тасвирини қаламга олган Навоий шундай санъатларни тизиб ташлайди. Муҳаммаднинг сурати гўдак, аммо ҳақиқатда фалак бешигида у бир Ақли куллдир.

Алишер Навоий яна ҳар бир наътда ўзига хос ташбеҳлар қўллайди, чунки ташбеҳлар қаламга олинган мавзуга, вокеага муносиб бўлиши керак. Пайғамбарнинг туғилиши, чақалоқнинг ҳусну жамоли ва баркамоллиги, набийлик даври ҳақида ёзганда қуёшдай порлаш, мўъжизалар, карамотлар намойиши, Меърож ҳакида ёзганда тун тасвири, чақмоқ ва яшин каби образ – ифодаларга мурожаат қилиш бор.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Матлаъ ул-анвор» достонида ҳам, Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонида ҳам наътлар муҳим аҳамиятга эга. Наът – бу достонларнинг таркибий қисми бўлиб, муайян ғоявий эстетик вазифага эга. Уларда шоирларнинг исломга муносабати ёрқин акс этган. Амир Хусрав билан Навоий Ҳазрати Муҳаммадни инсоният тарихида янги, барҳақ динни жорий этган улуғ зот, карамотли ва шарофатли инсон сифатида қизғин муҳаббат билан тасвирлаганлар. Шу билан бирга ушбу бобларда шоирларнинг кайҳоний тушунчалар тасаввуроти, хаёлот олами ҳам ифодаланади. Айни вақтда конкрет тасвирда Амир Хусрав билан Навоий тасвирларида фарқ ҳам бор. Амир Хусрав агар умумий йўсинда фикр юритган бўлса, Навоий Пайғамбар сиймосини тарихий воқеалар ичида олиб гавдалантиради, тадрижий тус беради.

ДОСТОНЛАРДА КЎНГИЛ ТИМСОЛИ («хилват»дан «ҳайрат»гача)

Достонларнинг биринчи қисмида на бағишловларга кирадиган, на ҳамду наътларга кирадиган ўзига хос боблар тизмаси борки, бу ҳар бир шоир томонидан ҳар хил номланган ва тасаввуфий нуқтаи назаридан жуда муҳимдир. Низомий Ганжавийда бу боблар «Кеча таърифида ва кўнгилни таниш», «Биринчи хилват кўнгил парваришида», «Биринчи хилват самараси», «Иккинчи хилват тунги ишрат ҳақида», «Иккинчи хилват самараси» деб номланган.

Бу боблар ўз моҳиятига кўра достонлар моҳиягини белгилаб келади ва меърожномада бўлганидек кўтарилиш, сайр этиш ва тушиш воқеалари тасвирланади.

Амир Хусрав Деҳлавий «Биринчи хилват бандалик ҳақида», «Иккинчи хилват сабо ва сабоҳ сифатида», «Учинчи хилват дил каъбаси ҳарами зиёрати» деб номланган бўлса, Навоийда бу уч боб уч «Ҳайрат» тариқасида келтирилган Номланишда Амир Хусрав устози Низомийга эргашган, Навоий эса янги йўлдан борган. Учала шоирда ҳам бу бобларда гап кўнгил ҳақида, кўнгилнинг муъжизалари устида боради. Аммо бу тушунча учала шоирда бир хил тарзда талқин этилмайди, тасвир ва талқин усули ҳам турлича. Шунинг учун мазкур бобларни қиёсан таҳлил этамиз.

«Матлаъ ул-анвор»даги уч хилват ва «Ҳайрат ул-аброр»даги уч ҳайрат бу икки достон моҳиятини англашда катта аҳамиятга эга. Амир Хусрав қалбларга илоҳий нур бағишлаш ёхуд илоҳий нур манбаидан ваҳийлик ҳодисасини назарда тутиб (юқорида шоирлик – пайғамбарликнинг давоми, карамотдир, деган сўзларини эсланг) достоннинг номини “Нур-

ларнинг бошланиш жойи» («Нур чашмаси») деб қўйган. Алишер Навоий эса, тариқат йўлида камолот сари интилаётган кишининг ахлоқу авсофи, иймону эътиқодини назарда тутиб, асарга «Аброрлар ҳайрати» деб ном қўйган. Аброр – валийлик зинапоясида иккинчи босқични эгаллаган киши, соф одам. Ана шу илоҳиёт ошиғининг маърифат оламидан ҳайратланиши эътиборга олинган. Шунга кўра, биз «хилват» ва «ҳайрат» бобларини кўздан кечириб, шоирнинг асл муддаоси, дунёқараши моҳиятини англаш имконини топамиз, деб ўйлайман.

"Матлаъ ул-анвор"да биринчи хилват бандалик хусусида дедик. Бу нима дегани? Бандалик («тааббуд») – чин мусулмонликни англаш, Аллоҳнинг буюклигини, яратувчилигини тан олиш ва идрок этиш, бандалик ҳақиқати, бандалик шарафини билмоқ демакдир. Бобда соликнинг хилватда чекиниб, тафаккурга берилиши, ўз-ўзини англаши, тунни бедор ўтказиб, кўнгил билан суҳбатлашиши ҳақида гап боради. Амир Хусрав бундай байтлар билан бобни бошлайди:

Суфии гардун чу ба хилват нишаст,
Кард фалак субҳаи Парвин ба даст,
Турраи зулмат зи насими баҳор.
Мушкфишон шуд чу лаби рўзадор...
Чашмаи хур бурд зи ҳар хона тоб,
Тохтан овард ба ҳар дида хоб... [78]

(Осмон сўфиси хилватга ўтиргач, фалак юлдузлар тасбеҳини қўлга олди. Зулмат зулфи баҳор шабадасидан рўзадорнинг оғзидай мушк сочувчи бўлди. Офтоб чашмаси улардан нурини кўтарди ва уйқу лашкари кўзларга ҳужум қилади).

Шоир, шу тариқа қуёш ботиши ва ёқимли оқшомнинг бошланиши, кейин одамларнинг ором уйқусига кетиши, оламнинг бир сокин осойишталик оғушига ғарқ бўлишини чиройли ташбеҳлар билан тасвирлагач, давом эттириб ёзадики, шундай дилкаш кечада менинг кўзимга уйқу келмади, холи қолиб, хаёлотга берилдим, гўё тафаккурим, руҳим вужудимдан жудо бўлиб, юқори оламни сайр эта бошлади:

Ман ба чунун тийра шаби тобнок,
Рахт бурун бурдам аз айвони хок.
Ҷазбаи мақсуд инонам гирифт,
Валвалаи дил раги ҷонам гирифт.
Дил ки шуд аз сина ба покӣ бурун,
Бурд маро з-ин тани хокӣ бурун[79].

(Мен ана шундай нурли қоронғи кечада, тупроқ айвони, яъни ердан кўчимни олиб чиқдим. Мақсад жунуни ихтиёримни олди, Кўнгилнинг ғулғуласи жоним томирига туташди. Қалб кўксимдан чиқиб, мени бу тупроқ вужуддан ташқарига олиб чиқди).

Шундай қилиб, Амир Хусрав бу ўринда ўзи ҳақида сўз юритмоқда, яъни уни хилватнишин бўлиб, илоҳий оламни руҳан сайр этган киши сифатида кўринмоқда. Иккинчи диққатни тортадиган нарса – бу руҳнинг жисмдан ажралиб, самовий сайрга чиқишидир. Демак, сўфийнинг руҳи жисмини вақтинча тарк этиб, руҳоний олам билан сирлашиши мумкин экан. Аммо ҳали бу даражага эришиши керак. Учинчи диққатталаб ҳолат муаллифнинг руҳ

---

[78] Амир Хусрав Деҳлавий. «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступильная статья . Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 61-б.

[79] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Мнгеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 62-б.

ва кўнгил (қалб)ни маънодош нарсалар деб ҳисоблашидир, қалб ҳислар билан эмас, ақл билан ҳам эмас, балки илоҳий амр билан борлиқ.

Амир Хусравнинг қалби уни тупроқ макони Ердан ҳавога кўтарилиб парвоз эттиради, вужуддаги чор унсур зиддиятларидан халос эттиради. У роз хаймасига оёқ қўяди, яъни камолот сари кўтарилиб боради. Шундай бир даргоҳга муяссар бўладики, улуғлик шарафидан ҳаяжонга тушади:

Дидам аз он сон шарафи бартарӣ,
К-аз сарам афтод кулоҳи сарӣ[80].

(Шундай бир шараф улуғворлигини кўрдимки, бошимдан афзаллик кулоҳи тушиб кетди). Яъни бу улуғлик олдида оддий шаъну шараф, улуғлик ҳеч нарсага арзимайди. Хўш, Хусрав ўзи ким билан розлашди, кимнинг ҳузурида бўлди?

Маълум бўлишича, у Дил ҳузурига етишиб, у билан сирлашади. Дил унга дунёвий кишанлардан руҳни қутқариш, бандалик ибодатига астойдил берилиб, шайтон бўйнини синдиришга маслаҳат беради. Дил шоирга ғафлат уйқусига берилмасдан тунни бедор ўтказиш, Дил қиссасини айтиб, Дил розини англашни ўқтиради:

Об задам бар рухи софисифот,
Даст бишустам зи ҳама коинот.
Гаштам аз андешаи олам барӣ,
Рўй ниҳодам ба ниёишгарӣ[81].

(Соф сифатли юзга сув сепдим ва барча коинот ишларидан қўл ювдим. Олам фикрларидан холи бўлдим, илтижо – тана пора юз ўгирдим).

Кўнгил насиҳатини олган сўфий – Хусрав намозга ўтириб сидқидилдан саждага бош қўяди, бандалик шарофатидан руҳи фороғат ва шодлик касб этади. Қалби, қулоғи Худо сўзлари билан тўлади. Парвардигор билан бевосита руҳий мулоқот юз берди. Яъни шунда бедор сўфий Ёри билан висол нашидасини суради, қалб хилватида ҳол мартабасини эгаллайди.

Иккинчи «хилват»да бедор ошиқу ориф Хусрав Деҳлавийнинг тонгни кутиб олиши ва кундуз нашидасидан дили яйраганлиги, сўнгра сўфиёна само ҳолатига кириши, сархуш ва сармаст бўлиши тасвирланган. Характерли жиҳати шундаки, муаллиф бу бобда она юрти Ҳиндистон табиати, гўзалликлари, гул ва гулзорлар, нурафшон водийларни таъриф этади. Ҳаёт нафосатидан завқланган кўнгил масрурлиги тараннум этилади. Шоир ҳам ҳайрат, ҳам ишқ завқига кўмилишини баён этиб ёзади:

Ман ба чунин гулшани Минунишон,
Домани андеша ба ҳар сӯ кашон.
Бар сари ҳар сабза, ки пое задам.
Аз дили шӯрида навое задам[82].

(Мен бундай жаннат каби гулшанда юриб, тафаккурга ғарқ эдим. Ҳар бир майса – ўт устида қадам қўйганимда, ғалаёнли кўнглимдан нола – наво чиқарардим).

Ҳаётий оҳанглар – қушларнинг сайраши, сувларнинг ёқимли нағмаси шоир илҳомини қўзғатса, сўфий қалбини илоҳий қудрат ҳақидаги андишалар билан тўлдиради. Кўнгил бундан зиё топиб, янги-янги маъноларни кашф қила боради.

Иккинчи хилват «аввалги хилват»дан ҳажман икки ҳисса кўп – шоирнинг ҳиссиёти та-

---

[80] Ўша асар, 63-б.

[81] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», 1975 г., 64-б.

[82] Ўша асар, 70-б.

свирига кўп ўрин берилган. Иккинчи «хилват»:

В-ар натавон баст гирех бар нафас,
Маҳрами Хусрав дили хоҷа-сту бас[83].

(Нафсга тугун боғлаб бўлмайди, Хусрав Деҳлавийнинг маҳрами Хожанинг дилидир, бас) деган байт билан якунланади.

«Хожа» – пир. Демак, учинчи «хилват»да пир билан учрашув тавсиф этилади. Амир Хусрав тариқат пирини назарда тутган, чунки у бу «хилват»ларда солик кишининг адолатини тасвирлайди.

Учинчи «хилват»нинг насрий сарлавҳаси бундай: «Дар гирифтани эҳром ба ҳарами ҳурмати Каъбаи эҳтиром ва таъзими азимати аъзами шайхул ислом ба зикри хобе, ки он бедори жовидон дид ва мани хуфтаро аз он хоб бедорӣ бахшид, ки ба хоб натвон дид»[84]. Таржимаси: (Эҳтиром каъбаси ҳарами ҳурмати учун эҳром олиш ва шайхул ислом улуғворлиги таъзимида (сўз сурмак) ва ул туш ҳақидаким, ул ҳамиша бедор зот кўрмиш эрди ва мен уйқучини ул тушдан огоҳ этди, бундай тушни тушда кўрса булмас).

Демак, шоир ҳар қанча сўфиёна хаёлларга берилиб, оламни яратган Тангри қудратидан ҳаяжонланган, ишқ шаробидан бехуда бўлган булса-да, аммо пири муршидга эҳтиёж сезади, раҳнамонинг ҳидоятини истайди. Бу ерда қистириб ўтамизки, «хилват»ларда гарчи Амир Хусрав ўз ҳолати, руҳий-маънавий кечинмаларини ифодалаган бўлса-да, яъни ўзини ошиқ сўфий сифатида намоён этса ҳам, лекин буни унинг умуман тасаввуфнинг ошиқона йўналишдаги ақидаларига муносабати ва фикрлари деб қарамоқ лозим. Зеро, «хилват» – сўфийлар сирлашуви, қалб асрорининг зуҳур этиш усули, Ёр билан унс тутиш иштиёқи ва натижасидир.

Агар биринчи ва иккинчи «хилват»ларда сўфийнинг ялдо тунида ўтказган бедор тунидаги ҳолати руҳияси, туйган бахтиёрлик дамлари, кундузги нуроний лавҳалар шавқи тасвирланса, яъни ошиқнинг ўз «кашфлари» баён этилса, учинчи “хилват”да шу ҳолатларнинг шарҳи берилган. Учинчи «хилват» энди пир билан суҳбат «хилват»идир.

Ман, ки шунидам зи дил ин достон,
Рост шудам бар қадами ростон.
Гарм бурун ҷастам аз ин равзагоҳ,
Не хабарам аз сару не аз кулоҳ.
Пой ниҳодам ба раҳ ошуфтавор,
Кўҳи ғамам бар дилу ман беқарор[85].

(Мен дилдан бу ҳикоятни эшитгандан кейин, қадамни тўғри йўлга қўйиб, йўлга тушдим. Бу боғчалардан қизғин ташқари отилдим. Бошдан ҳам, бошдаги кулоҳдан ҳам бехабар эдим. Девоналарга йўлга кирдим, қалбимдаги ғам тоғига ўзим бетоқат эдим).

Дил айтган ҳикоя деганда Амир Хусрав иккинчи «хилват»даги насиҳатни назарда тутган. Ул насиҳатда кўнгил шоирга қараб: Фано майи мастлигида ёш болалардай ўзингдан кетма, сен тупроқ ўйнаётган гўдакларнинг завқу шавқидан юқори кўтарилгин, ўзингни бос, «бошингга сиёсат тиғини емагин», деб айтган эди.

Демак, фано мастлиги ҳали охирги комиллик эмас экан. Сўфий ҳар қанча завқу шавқ ичида қолса ҳам пир сўзи ва кўрсатмаси уни қиёмига етказа олади. Амир Хусравнинг пири,

---

[83] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 75-б.

[84] Ўша асар, 76-б.

[85] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 I., 76-б.

юқорида қайд этилганидай, Шайх Низомиддин Авлиё бўлган. Лекин у бу бобда пирнинг конкрет номини тилга олмайди, у умумий номда Хожа дейилган. «Хожа» – тасаввуфда пешқадам шайхларнинг эҳтиром юзасидан тилга олинадиган унвони. Муридлар пирларини «Хожа», «Султоним», «Шоҳим» деган унвонлар билан шарафлаганлар.

Хуллас, Хусрав кўнгил амрига қулоқ солиб, ҳаяжон ва қўрқув ичида пир ҳузурига боради. Ҳолатни пирга ҳикоя қилади. Пир унинг ҳолатига разм солиб, хурсанд бўлади, муриднинг саволларига жавоб қайтаради, чунки мурид ўз ҳолатини англаб беришни пирдан кутаётган эди. «Сен жим турсанг-да, аммо нега келганингни билиб турибман», дейди. «Сенга улуғ давлат муяссар бўлди, буни менга тушимда Парвардигор башорат берди», дейди.

Давлат аз он хоб, ки моро намуд,
Давлатат инак ба мадоро намуд[86].

(Бизнинг тушда аён бўлди сенинг давлатинг, шундай қилиб давлатинг сенга ёр бўлди).

Хусрав пирдан тушнинг воқеасини айтиб беришни сўрайди. Пир жавоб бериб дейди:

Биниши мо аз назари бериё,
Карда миси қалби туро кимиё.
Чун ту намудӣ хати худро рақам,
Мо рақами хеш бихонем ҳам[87].

(Бизнинг риёсиз назаримиздан сенинг мис қалбинг олтинга айланди. Сен ўзлигинг нақшини кўрсатдинг, энди биз ҳам ўз рақамимизни кўрсатамиз).

Маълум бўлишича, Хусрав хилват ўтирган кеча пирнинг ҳам руҳи тупроқдан яралган моддий вужудни тарк этиб, даргоҳга етади, пир жони ўзлигидан ташқари йўл олган эди, дейди. Бу тун гўё Расули худонинг меърожи эди, ҳар замон нур ёлқини қуйиларди, осмон пардалари очилиб борарди. Парвардигорнинг улуғворлиги, шарафи ичра беҳад нур кўрдим ва ёнимда сени ҳам кўрдим. Яъни:

Ман шуда аз нури муқаддас ба тоб,
Муқтабас аз ман ту чу маҳ з-офтоб[88].

(Мен муқаддас нурдан равшан, сен эса ой офтобдан акс олгандай мендан акс олиб ёришиб тўрардинг).

Сенга нузул этган ва қалбингни тўлқинлантирган нур ўша нурдир, деб айтади пир. Амир Хусрав бу хабардан боши осмонга етади, пирнинг қулини, оёқларини ўпади, умрим охиригача шу нурнинг нуридан бебаҳра бўлмайин ва охиратда ҳам бу нур бирга бўлсин деб дуо қилароқ бобни тугатади.

Шу тариқа, сўфийлик удуми, ошиқлик ва илоҳий файздан баҳрамандлик ғоялари, маънавий-маърифий камолот қалбининг талаби ва тозаланиб бориши асосида тушунтирилади. Шоир яна бир марта очиқ-ошкора сўфининг тараққиёт мартабасини пайғамбар меърожига ўхшатган. Камолот – Илоҳга қараб интилиш демак, шундай экан, инсоннинг ердаги ишлари фаолияти ва ахлоқий сифатлари ҳам шунга мувофиқ бўлиши лозим.

Алишер Навоийнинг учта «ҳайрат»ида эса кўнгил ҳақида гап боради, кўнгил бу ерда – бош қаҳрамон, асосий образ. Аммо Навоий «ҳайрат»ларини бошлашдан олдин кўнгил тушунчасининг нима эканлигини шарҳлашга бир боб ажратади. Бу боб «Кўнгил таърифи-

---

[86] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 78-б.

[87] *Муҳаммад Хузарий.* Нурул яқийн. Тошкент, «Чўлпон» - «Камалак», 1992 й., 79-б.

[88] Амир Хусрав Деҳлавий. «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г.Ю. Алиева, “Наука”, М., 1975 г., 80-б

даким, кўнгул тилагандек қилинмайдур ва анинг васфин соҳибдилликка мавсуф бўлғон кишидин ўзга киши билмайдурур. Кўнгулсиз роқим хомасин рақамкаш қилмоқ ва бу рақам савоби билан кўнгилни хуш қилмоқ»[89].

Бу мусажжаъ жумланинг маъносини ҳозирги тил билан равшанлантирадиган бўлсак, қуйидагилар келиб чиқади: Кўнгил таърифи ҳақида бир неча сўз, чунки кўнгилни тушуниш кўнгилдагидай эмас. Кўнгилнинг сифатларини кўнгил эгаси – соҳибдил даражасига кўтарилмаган киши билмайдир. Кўнгли шикаста ёзувчи сўзларини коғозга тушириш, яъни ўз фикрларини баён этиш ва бу билан дилхуш бўлиш.

Алишер Навоий таърифи бўйича, кўнгил – бу тепиб турган юрак эмас. Кўплар кўнгил деб шуни тушунади. Шоир кўкракда ҳаракат қилиб турган бир парча гўшт ҳайвонларда ҳам бор, деб ёзади. Кўнгил – инсонни инсон қиладиган асосий белги, илоҳий неъмат:

Кунгул эрур булбули бустони роз,
Қудс ҳаримида бўлуб жилвасоз.
Ройиҳаи жаннати аъло ҳам ул,
Партави мисбоҳи тажалло ҳам ул.
Солик ани «арши муалло» деди.
Сўфий ани «олами кубро» деди[90].

Демак, кўнгул юқоридан – Аршдан тушган неъмат. У руҳи қудсий, кўздан яширин, аммо жаҳонни ўзида жойлаган хазина. Илоҳиёт хазинасининг кони. Шу сабабли кўнгул – бир каъба, балки олам қибласи Иброҳим каъбасидан ҳам қадри баландроқ:

Каъба ки оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ, андоқки кўнгул каъбаси[91].

Каъба – халқлар сиғинадиган жой. Кўнгул эса холиқ нури жилва қиладиган жой. Ишқ ҳам кўнгулдан қўзғолади, соликни маст этадиган, ғайб асроридан хабар берадиган ҳам шу кўнгулдир.

Навоий назарида кимниким кўнгли қанчалик пок бўлса, у шунча олами кубродан бохабар, огоҳдир.

Шоир кўнгил таърифини бергандан кейин биринчи «ҳайрат»да кўнгилнинг қаерда пайдо бўлгани ва қайси оламни сайр қилгани ҳақида сўз юритади. Унинг эътиқодича, кўнгул адам – йўқлик зулмати ичидан вужуд ёруғлигига пайдо бўлиб чиққан. Яъни кўнгил илоҳий руҳсифату, Тангри таоло шарафидан яратилади ва малак олами – фаришталар олами, шунингдек, жаннат боғларини сайр этади. Ҳамма нарса ва малоикалар ҳам яратувчига тасбеҳ айтиб, ҳамду сано билан яшаётганини кўриб ҳайратланади:

Топмади сарриштани чун фикрати,
Ҳайрат уза қилди ғулув ҳайрати.
Ақл ишин яъс жунун айлади,
Васваса ҳушини забун айлади[92].

Аллоҳнинг қудратини англашдан ожиз қолади, саволлар устига савол пайдо бўлади. Иккинчи «ҳайрат»да кўнгул малак оламидан малакут оламига ўтиб сайрини давом эттиради. Малакут олами, Навоий баёнига кўра, фалак, унинг тўққиз қавати, собиту сайёра – хуллас, моддий оламдир. Кўнгил Тангри қудрати билан яратилган шул муаззам ва мукаммал олам-

---

[89] *А.Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 39-б.
[90] Ўша асар, 39-б.
[91] *А.Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев Тошкент, «ФАН», 1960 й., 39-б.
[92] Ўша асар, 42-б.

ни кузатиб ҳайрати яна ортади. Само йўлининг чексизлиги, Миррих, Кайҳон, Муштарий, Зуҳра, Зуҳал, Ой сайёраларини кезади. Ҳамма ерда Аллоҳ таоло қудратини кўради, ҳамма ашёлар бу оламда ҳам яратганга сомеъ бўлиб, ҳамду сано билан зикр айтаётган булади. Кўнгил Ерни ҳам сайр этади; шоир ҳар бир сайёранинг афсонавий тушунчаларига ўралган сифатларини ажойиб санъатлар билан тасвирлаб чиқади. Масалан, Зуҳра таърифида:

Анда ниҳон эрди парипайкаре,
Дуржи сипеҳр ичра самин гавҳаре.
Гавҳари сарчашмаи жондин ёруғ,
Ҳарне йўқ андин ёруғ, андин ёруғ[93].

Ёки Миррих – Марс:

Жумлаи оламга иши қаҳр ўлуб,
Аччиғидин боштин – оёқ заҳр ўлуб.
Тиғ солиб ҳар сори аччиғидин,
Дон демаким, заҳр томиб тиғидии.
Эл бошининг косасидин жом анга,
Май ерида қон бўлуб ошом анга[94].

Миррих – уруш, қон ва ғазовот сайёраси деб қаралади, шунинг учун унинг таърифида шоир шундай сўзларни қўллаган. Бунда Навоийнинг зулмкор шоҳлар, уруш ва жанжалларга салбий муносабат билдираётганини англаш ҳам қийин эмас.

Кўнгил буржларни (ўн икки бурж) айланиб чиқади ва ҳайрати кучаяди, чунки:

Барчасида зикру сужуд англади,
Маърифатуллоҳга шуҳуд англади.
Юзланиб ўз ҳолида ғайрат анга,
Бирга минг ўлди яна ҳайрат анга[95].

Кўнгил, шоирнинг тасвирлаб бериши бўйича, шу аҳволда учинчи олам – «бадан мулки» оламига қадам қўяди. Буни «Ҳайрат ул-аброр» достонининг учинчи «ҳайрати»да мушоҳада этамиз. Кўнгил – мусофир, сайру саёҳат қилувчи руҳ. Дастлабки икки оламни кезгандан кейин, кўнгил инсон вужудига келиб киради. Бу ерда ҳам у аввалги икки оламда кўрган ҳолатини кўради: инсон аъзолари Тангрига тоат-ибодат билан банддир.

Шоир инсон вужудини, ташқи ва ички аъзоларини бир-бир назм тили билан таърифлаб ўтади. Инсоннинг тупроқдан яралгани, сурати, тўрт унсур омухталигидан ҳосил бўлган табиати ва ҳоказолар хусусида гапиради. Инсон бадани турли иқлимлардан иборат. Инсон ақли, тафаккур ва хаёлот олами мунаққаш қасрлар тимсолида чиройли тасвир этилади. Бу баданнинг шоҳи, вазири, миршаби, фуқароси бор. Бешта ички ҳис ҳам, бешта ташқи ҳис ҳам ўз вазифасини мукаммал адо этадилар. Аъзоларнинг бари "Ҳазрати иззатқа ниёз айлабон, туҳфаларин восита соз айлабон», яъни дуо ва таом билан шукрона айтиб, бандалик шартини бажо келтирадилар.

Хожаки кўрди яна мундоқ жаҳон,
Заррада кавн, қатрада дарё ниҳон.
Фикр наҳангига яна қут ўлуб,
Лужжаи ҳайрат аро мабҳут ўлуб.
Фикрат ўти кўкка чекиб дудини,

---

[93] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайерловчи П. Шам- сиев. Тошкенг, «ФАН», 1960 й., 44-б.
[94] Ўша асар, 44-б.
[95] Ўша асар, 45-б.

Ҳайрати нобуд этибон будини[96].

Кўнгилни Навоий «Хожа» дейди эҳтиром билан. Хожа – эга демак. Хожа бундай шукроналик, илоҳий одамлар ягоналиги ва яхлитлигини тарк этиб, бехуд бўлади – фонийлик юз беради. Натижада кўнгил дунёни ва ғайб олами асрорини ҳам эгаллайди:

Фатҳ ўлуб мулк ила кишвар анга,
Балки жаҳон мулки мусаххар анга.
Мулк ўзию, тахт ўзию шоҳ ўзи,
Борча ўзи, барчадин огоҳ ўзи[97].

Кўнгил ўзлигини ва раббини танишда маърифатга эришади. Мана шу тасвирлардан сўнг Навоий Хожа Баҳовуддин Балогардон ҳақидаги бобни бошлайди, яъни кўнгил эгаси ҳақида ёзади. Бу мантиқан муносиб ва мувофиқ эди,

Бу ўринда шуни айтиш керакки, кўнгил ҳақида ёзиш Низомий ва Жомийда ҳам бор. «Махзан ул-асрор»да Низомий Ганжавий: «Дар тавсифи шаб ва шинохтани дил» (Тун таърифи ва кўнгилни таниш) деган бобни келтириб, бир кеча хилват қолиб, ўз-ўзи билан суҳбат қургани ва кўнгил нима эканини англаганини ёзади.

Роҳи ту дил донад, дилро шинос,

(Сенинг йўлингни кўнгил билади, кўнгилни танигил) деб ўзига хитоб қилади шоир. Низомийда кўнгил ҳис ва ҳирсга, ақлу нафсга зид қўйилади. Низомийда дил таърифи:

Чун маликул арш жаҳон офарид,
Мамлакати сурату жон офарид.
Дод ба тартиби адаб резише,
Сурату жонро ба ҳам омезише.
З-ин ду ҳамоғўш дил омад падид,
Он халафе, к-ў ба хилофат расид[98].

(Тангри таоло жаҳонни яратгач, жисм ва жон мамлакати – инсонни яратиб, муайян тартиб билан, қоида билан сурат ва жонни қўшиб тузди. Бу икки қўшилишдан дил вужудга келди, бу халифаликка етган халифа – ўринбосар эди.)

Демак, дил – инсон, яъни руҳ. Инсон тангрининг ердаги ўринбосари, шу боис дил ишқ – маърифат макони, у вужуд султони, Низомий Ганжавий бундан кейинги икки «хилват» ва «хилват самаралари» деб номланган бобларда кўнгил ҳақидаги фикр-қарашларини чуқурлаштирган: кўнгилни парвариш қилиш йўллари ва аҳамияти, хилватнинг роздонлиги ва сирлашиш учун муҳимлиги таъкидланади. Мулк ва дунёга муносабат, нафс ва ҳис масалалари ҳам тилга олиб ўтилади. Демак, кўнгилни алоҳида масала сифатида олиб қараш Низомийдан бошланган. Амир Хусрав бунга аниқ сўфиёна тус бериб, сўфийнинг хилватдаги ҳолатларини тасвирлайди. Алишер Навоий эса, кўнгилнинг моҳиятини тушунтириш ва унинг оламлар бўйлаб сайрига ва илоҳий қудратдан ҳайратланишига эътибор беради. Натижада, кўнгил – руҳ, кўнгил – инсон тушунчалари учала улуғ шоирда ҳам ҳар хил усулда исботлаб берилган. Низомий, Амир Хусрав ва Навоий кўнгилни бош инсоний фазилат, илоҳий маънолар хазинаси деб ҳисоблайдилар.

Алишер Навоийнинг улуғ устози ва пири Абдураҳмон Жомийнинг «Туҳфат ул-Аҳрор» достонида ҳам анъанага биноан, кўнгил ҳақида боблар бор. Чунончи, «Дар кашфи парда аз ҳақиқати дил ва дар баёни он, ки дил дар паҳлўи соҳибдилон дил шавад» (Кўнгил ҳақиқати

---

[96] А.Навоий. «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчн П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й.. 48-б.

[97] Ўша асар, 48-б.

[98] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайерловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 42-б.

юзидан пардани кўтариш ва кўнгил соҳибдиллар ёнида кўнгил бўлиши баёнида) деб номланган бобда кўнгилнинг нима экани тушунтирилади.

Жомий ёзади:

Дил агар ин мӯҳра бувад, к-аз гил аст,
Фахр бар ин мӯҳр зи ҳар мушкил аст.
Лофи хирадмандӣ аз ин мӯҳра чанд?
Хар ҳам аз ин муҳра бувад баҳраманд[99].

(Кўнгил агар ана шу лойдан ясалган муҳра – гувала бўлса, у кўнгил эмас, бундай муҳр билан эшакнинг юраги орасида фарқ топиш қийин. Шуни юрак – кўнгил деб чираниш шунчами, эшакда ҳам бу юрак – муҳра бор-ку).

Жомий шундан кейин учта пир суҳбатини келтиради: биринчи суҳбат – илмул яқин тўғрисида, иккинчи суҳбат – айнул яқин тўғрисида, учинчи суҳбат – ҳаққул-яқин тўғрисида. Ушбу суҳбатлар орқали муриднинг Тангрини таниши тезлашиб, илоҳиёт моҳиятини идрок эта боради.

Демак, Навоийнинг кўнгил моҳиятига бўлган қарашлари салафларига мувофиқ келади, жумладан, «Ҳайрат ул-аброр»нинг «Кўнгул таърифидаким...» боби «Туҳфат ул-Аҳрор» достонининг юқорида эслатганимиз «Дар кашфи парда аз ҳақиқати дил» боби билан мазмунан ўхшашдир. Навоий, бир-биридан қолишмайдиган уч буюк устозидан баҳраманд бўлиб, яна бу тафаккур майдонига янги фикру уйлар, фалсафий – орифона қарашлар билан от қўйган эди.

Яна шу нарса ҳам равшанлашдиким, Илоҳ – кўнгил – расул – пир – сўфий – шоир бир силсила, бир-бирига яқин. Буларнинг бари Комил инсон сифати ва қиёфасини, ботиний оламини белгилайди. Кўнгил – Илоҳ макони экан, Аллоҳнинг барча мўъжизалари шу ерда содир бўлади, шу тариқа кўнгил поклиги инсонни инсон қилади. Кўнгил қанча тозаланса, одам шунча Аллоҳга яқинлашади, дейди Алишер Навоий. Пайғамбар ва валийлар эса кўнгил поклигининг олий тимсолидир.

[99] Абдураҳман Жомий. «Ҳафт авранг», тошбосма. Тошкент. 1913 й. 259-б.

ВАЛИЙЛАР ВА СЎФИЙЛАР СИЙМОСИ

Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Матлаъ ул-анвор» достонида Пайғамбар наътидан сўнг Низомиддин Авлиёга бағишланган боб келади. Бу қуйидаги мантиққа асосланган: аввалан Холиқи олам ҳамди, оламлар эгасини идрок этиш, кейин коинот саркори Расули акрам сифатларини бажо келтириш, сўнгра ўз пири муршидига садоқатини изҳор этиш, яъни Худо – наби – вали – оддий одамлар.

Низомиддин Авлиё – тарихий шахс, шоирнинг ёши ва мартабаси улуғ замондоши шайх Низомиддин Авлиё Ҳиндистонда кенг тарқалган «чиштия» силсиласининг кўзга кўринган вакилларидан[100]. Хусрав бу вали инсонни жуда ҳурмат қилган ва қаттиқ севган. Шайх Низомиддин унинг учун пири муршид, руҳоний раҳбар ва ҳам азиз, сирдош ёр бўлиб ҳисобланган. Ўз навбатида, Шайх Низомиддин Авлиё ҳам Амир Хусравни ҳурмат қилиб, унинг истеъдодини, пок қалбини юксак қадрлаган, унга меҳр қўйган эди. Низомиддин Авлиё Амир Хусравга эҳтиромини билдириш учун деган экан: «Умид қиламанки, маҳшар куни шу туркбачча сўзларининг сийнаси билан мени афв этурлар»[101].

Амир Хусрав Шайх Низомиддинни «дарёи аброр» (поклик, валилик дарёси), саховат булути, ирфон илмнинг орифи деб мадҳ этади. Шундай одамга мурид бўлганидан фахрланади. Пирсиз мақсадга эришиб бўлмайди, деб таъкидлайди шоир. Айниқса, тариқат соҳасида раҳнамо зарур. Амир Хусрав эътироф этишича, ундаги сўфиёна – орифона маънолар хазинаси пири Низомиддин Авлиёдандир.

Инки маро ҳаст ба хотир дарун,
Нақди маоний зи ниҳоят бурун.

Не зи худ ин мулки абад ёфтам,
К-аз назари мунъими худ ёфтам[102].

(Менинг хотирамдаги беҳисоб маоний ғаниларини мен ўз-ўзимдан пайдо қилган эмасман, балки устозимдан неъмат эгасидан олганман) Шайх валиликда ном қозонган, султонлар ундан мадад сўрайдилар, ўзи эса икки оламни тарк этган тақводор киши. Худо бу зотга ғайб асрорини билиш қобилиятини ато этган. Аммо бу мартабага ҳазрати Пайғамбар орқасидан эргашиб, ислом шариатига изчил риоя қилиб эришгандир:

Роҳраве, к-ў ба тариқи сафо,
Рафта қадам бар қадами Мустафо.
Сийрати маймунаш ба динпарварӣ,
Нусхаи дебочаи пайғамбарӣ,
Чун дами илҳом зада коми ў,
Нойиби ваҳӣ омада илҳоми ў[103].

(У шундай йўловчики, сафо йўлидан қадам ба қадам Мустафо орқасидан борди. Пайғам-

---

[100] Чиштия мазҳабининг хусуснятлнри Низомиддин Авлиё ва Амир Хусрав орасидаги муносабатлар, проф. Ш. Шомухамедов ишларида яхши ёритилган. (Қаранг: Ш. Шомуҳаммедов. Одамийлик иншоси, Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984 йил, 102-111-б)

[101] *Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. ("Тазкиратуш-шуъаро"дан*) Тошкент. Ғ.Ғулом нашриёти, 1981 й., 87-б.

[102] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г.Ю. Алиева, "Наука", М., 1975 г., 33-б.

[103] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 34-б.

бар тарбиясини олган гўзалнинг бахтиёр сийрати пайғамбарлик дебочасининг нусхасига айлангандир. Унинг оғзи илҳомдан сўз очганда – илҳом билан сўз бошлаганда бу илҳом пайғамбарлик ваҳийсининг ўринбосари бўлиб юзага чиқади).

Демак, валилик, Амир Хусрав наздида, набиликнининг давоми, аниқроқ айтсак, валилар шерик, чунки валиларда ҳам ўзига хос ваҳий, яъни илҳом рўй бериб туради.

Низомиддин Авлиё осмон ишларидан хабардор, гоҳ малоикадан, гоҳ Аршдан сўз очади. Қўлини дуога очса осмондан нур ёғилади. Унинг дуоси ижобат бўладиган, карoматлари юз берадиган. Шоир ўз пири сиймосида Ҳақ маърифатини кўради:

Ҳар чи, ки ҳақ маърифати ин фан аст,
Ҷумлаи ҳақ маърифаташ равшан аст[104].

(Бу фаннинг – тасаввуф илмининг асосида қанча маърифат бўлса – Ҳақ маърифати бўлиб унда равшан кўринади).

Низомиддин Авлиё назарида ижтимоий-табақавий фарқлар муҳим эмас, у шоҳни ҳам, гадони ҳам бирдай қабул қилади. У кишилар руҳини қайта тирилтириб, абадиятни дохил этувчидир:

Дар назари ӯ зи гадову мулук,
Дур шуда беҷода ба сулуки сулук.
Бар дари ӯ ҳар ки иродат намуд,
Зиндаи ҷовид шуд, ар мурда буд.
Қуввати ӯ бурда зи мо фавтро,
Тофта дасти малакул мавтро[105].

(Унинг назарида шоҳу гадо орасида фарқ йўқ, шоҳ ҳам, гадо ҳам бирдай сулук мақомини босиб ўтиши керак. Унинг эшигида кимки иродат – муридлик истаб келса, бундай одам агар ўлган бўлса, абадий тирик бўлиб қолади. Унинг қуввати биздан ўликни узоқлаштиради, у Азроилнинг қўлини бурди). Демак, шайх шоҳга алоҳида, камбағалга алоҳида муомала қилмаган, мансаб – амалга қараб муносабатда бўлмаган. Иккинчидан, Низомиддин Авлиёда шоҳлар ва мулкдорларга салбий муносабат ҳам йўқ.

Низомиддин Авлиёнинг нафаси зўр бўлган, Амир Хусравнинг тасвирлашича, унинг муборак нафаси кофирни мусулмон қилади, бало-офатларни даф этган. У дили беморларга ҳозиқ табиб, гумроҳ кимсаларга йўлни ёритувчи чироқдай. У – озод, дунёдан, шоҳлик тожидан озод бир инсон, қалби поку мусаффо.

Амир Хусравнинг мана бу байтлари ҳам шу жиҳатдан муҳим:

Зи афсари шоҳон кулаҳи ӯ фараҳ,
Бар кулаҳаш «ҳо»-и ҳуваллоҳ» гираҳ,
Ӯ шаҳу аз мулк ба сомони хеш,
Дода валоят ба ғуломони хеш[106].

(Унинг кулоҳи шоҳлар тожидан холи, унинг кулоҳида «ҳуваллоҳ» «у – Аллоҳдир» сўзининг «ҳ» ҳарфи зийнатланган, яъни бош кийими «ҳуваллоҳ» сўзининг ҳ ҳарфига ўхшайди. У шоҳдир ва ўз тартиб-қоидалари салтанатини қулларга топшириб қўйибди).

Шоир улуғ эҳтиром билан ўзини Низомиддин Авлиёнинг ғуломи – қулиман деб тилга олади. Қуйидаги сатрлар мазмунига қараганда «Матлаъ ул-анвор» ёзилганда Шайх Низо-

---

[104] Ўша асар, 36-б.

[105] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука». М.. 1475 г., 36-б.

[106] Ўша асар, 37-б.

миддин Авлиё ҳали тирик бўлган:

Дор худоё, ба ризойи худаш,
Хос карам кун ба лиқойи худаш.
Чун диҳӣ аз нури муродаш нишон,
Партави он бар дили Хусрав фишон[107].

(Эй худо, уни ўз ризоинг била асра, унга муносиб – лойиқ хос ҳурмат карам кўргазгин. Мурод-мақсади нуридан нишона кўрсатсанг, унинг бир учқунини Хусрав калбига сол).

«Ҳайрат ул-Аброр» достонида ҳам авлиё зотга бағишланган боб бор. Биз ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд ҳақидаги бобни назарда тутаяпмиз. Лекин шуниси борки, бобларнинг жойлашиш тартибида фарқ мавжуд. Амир Хусравда, айтиб ўтилганидек, Пайғамбар наътларидан кейин Низомиддин Авлиё мадҳи келтирилган. Алишер Навоий эса Пайғамбарга бағишланган наътлардан кейин Низомий Ганжавий ва Амир Хусравга бир боб, Абдураҳмон Жомийга алоҳида бир боб ажратиб, уларнинг достоннависликдаги маҳорати таърифини беради, бу боблардан кейин сўз ҳақида икки боб келтириб, адабий-эстетик қарашларини баён этади. Яъни ҳамду наът орқасидан адабий анъанага муносабат келади. Ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд боби Ҳусайн Бойқаро бағишлови, кўнгил ҳақидаги боб ва уч «ҳайрат»дан сўнг келган. Бунинг боиси шуки, Навоий валиликни набилик билан бевосита боғлаган эмас, унинг назарида шайху авлиёлар набий пайғамбарнинг ноиби бўлолмайдилар. Шу қараш боиси бўлса керак, ўзбек шоири ҳамду наътдан кейин асарнинг ёзилиш сабаби, устоз-салафларига муносабатини изҳор этиб, кейин достоннинг асосий мавзуи бўлган тасаввуфга ўтган. «Ҳайрат»лар – бу тасаввуфий ғояларини ифодаловчи боблардир. Тасаввуфга мувофиқ ҳолда Баҳовуддин Нақшбандга бағишланган боб келтирилади.

Қайд этиш ўринлики, Низомиддин Авлиё биринчидан, Амир Хусравнинг бевосита қўл берган пири, иккинчидан замондоши, Баҳовуддин Нақшбанд эса, Навоий учун нақшбандия силсиласи асосчиси – руҳий мураббий, бевосита қўл берган пири эмас.

Навоийнинг бевосита қўл берган пири, биз биламизки, Абдураҳмон Жомийдир. Аммо Нақшбанд ва унинг таълимоти Навоий ижодида чуқур из қолдирган. Олимларимиз ўз тадқиқотларида буни исботладилар. Бу ерда чиштия ва нақшбандия силсилалари Низомиддин Авлиё ва Баҳовуддин Балогардон таълимоти ўртасидаги фарқларга тўхталмоқчи эмасмиз. Бизни қизиқтирган нарса – шоирларнинг авлиё инсонларга муносабатидир.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, «Ҳайрат ул- аброр»даги Хожа Баҳовуддинга бағишланган боб алоҳида аҳамиятга эга адабий факт деб қарашга арзийди. Чунки Алишер Навоийнинг бошқа асарларида ҳам Ҳазрати Нақшбанд ҳақида фикрлари бор, лекин бу бобда у силсила асосчиси ҳақида кенг тўхтаб, унинг мавқеи ва салоҳияти, қарашлари – маслагини баён этиб беришга муваффақ бўлади.

Навоий ҳазрати Баҳовуддиннинг улвий мартабаси, тариқатдаги хизматлари ҳақида ёзар экан, «нақш» сўзининг кўп маънолилигидан фойдаланиб, занжирли сўз уйини ҳосил қилади – ажойиб тасвир яратади. Маълум бўлишича, «нақш» сўзи бир нечта маънога эга экан. Биринчидан, Навоий «нақш» деганда дунёни, «наққош» деганда эса холиқи оламни кўзда тутади:

Хожаки, наққоши сипеҳри баланд,
Бўлғали ҳар сафҳасига нақшбанд,
Айлади авроқ мунаққаш басе,

[107] Амир Хусрав Деҳлавий. «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М.. 1975 г., 37-б.

Нақш рақам айлади дилкаш басе[108].

Шундай қилиб, дунё ашёлари, гўзал ҳаёт, фалаклар барчаси Аллоҳ, яъни Наққоши азалнинг нақши суратлари. Шу каби набилар ва валилар кўнглидаги лиммо-лим илм ҳам Аллоҳнинг нақшидир. Жумладан, Баҳовуддиндаги валилик қобилияти, илоҳий истеъдод тангри неъмати натижаси. Баҳовуддиннинг «нақшбанд»лиги илоҳий нақшбандликнинг инсон зотига зуҳур этиши. Баҳовуддин кўнгулларга илоҳий ишқ нақшини, фано ва фақрлар нақшини солади. Бу зотнинг қалбида дунё – ғайр нақши йўқ, унинг қалби шундай тозаки, унда фақат Аллоҳ суврати намоён. Зикр орқали кўнгилларни Аллоҳ исму сифатлари билан тўлдирган. Баҳовуддин илму дониш, каромату валиликда тенги йўқ бир зот:

Улки бу офоқ ичида тоқ эрур.
Тоқ неким, муршиди офоқ эрур.
Чархи нигун даргаҳида хокрўб,
Балки жабини била хошокрўб.
Юз қўрибон қуллуғиға шоҳлар,
Базмида бехуд ўлуб огоҳлар[109].

Албатта, бу шоирона баланд пардали тавсифлар. Лекин шундай бўлса ҳам, бу баланд руҳ Навоийнинг ҳазрати Баҳовуддинга эҳтиром – эътиқодини кўрсатади, ул зотнинг шарафи буюклигини таъкидлаш орқали тасаввуф ғояларининг, сўфийлар эътиқодининг буюклиги таъкидланади.

Баҳовуддиннинг суҳбатларида беиймон иймон топади, иймони сустларнинг иймони мустаҳкамланади, у балоларни қайтарувчи, руҳ оламини сайр этиб, муждалар келтирувчи, шайх асрорини кашф этувчи одам.

У шоҳларга эмас, шоҳлар унга қуллуқ қиладилар, лекин Баҳовуддин учун шоҳу гадо баробар:

Ҳақ сўзини элга қилурда адо,
Тенг кўрунуб олида шоҳу гадо [110].

Ўзигина эмас, халифа – шогирдлари ҳам олам элига раҳнамо. Нақшбанд тижорат билан шуғулланиб, сафарлар қилган бўлса ҳам, аммо «юкларида туҳфаи нақди фано». Боб охирида Алишер Навоий нақшбандия тариқатининг йирик намояндаларидан бири Хожа Убайдуллоҳ – Хожа Аҳрори Валий номини ҳам тилга олиб ўтади. Баҳовуддин Навоий назарида поклик ва руҳий-маънавий камолот тимсоли, эзгуликка ҳидоят этувчи раҳбар, ҳар қандай шароитда ҳақ сўзни айтувчи, шоҳлар ва султонлардан юқори турадиган, Тангри ва Пайғамбар ишини бандалар орасига жорий этадиган зот. Юртнинг ободлиги, осойишталигини шоир шундай валиларнинг шарофатидан деб билади. Нақшбанд ҳазратлари юртларнинг қўриқчиси, султонлар узра султон:

Мулки жаҳон мазраи деҳқони ул,
Балки жаҳон мулки нигаҳбони ул,
Йўққи мамоликка нигаҳбон ўлуб,
Барча салотин уза султон ўлуб[111].

Шуни айтиш керакки, Алишер Навоийнинг ҳазрати Жомийга бағишланган байтлари ҳам пирга бўлган меҳр-муҳаббатини ифода этади. Жомий Навоий учун ҳам пир ва ҳам истеъдод илҳомчиси – устози сухан. «Ҳайрат ул-аброр»даги Абдураҳмон Жомий ҳақидаги бобда шу икки жиҳат бирга ифодаланган. Масалан, қуйидаги сатрлар Жомийнинг буюк сўфий пири

---

[108] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 48-б.
[109] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 49-б.
[110] Ўша асар, 49-б.
[111] Ўша асар, 49-б.

муршидлигига ишорадир:

Қайси жаҳон, олами кубро дегил,
Қудрати Оллоҳу таоло дегил.
Хирқа анинг жисмида қаптон бўлуб,
Қаптони тан, жисми анинг жон бўлуб.
Хирқа била топмагани ихтисос,
Танни риё тунидин этмак халос.
Чунки таважжуҳда қуйи солса фарқ,
Сойири равшан равиш андоққи барқ[112].

Демак, Жомий гарчи шайхлар каби хирқа (махсус сўфиёна қуроқ тун) киймаса ҳам, лекин унда валиликнинг, сўфийликнинг барча белгилари муҳайё. Бу одамда Худонинг қудрати мужассам бўлган, у гўё олами кубро – илоҳий оламнинг ердаги ифодаси. Бошини таважжуҳ – тафаккурга эгса, ўн саккиз минг оламни сайр қилиб чиқди. Мана бу байтдаги маъно эса Жомий билан Баҳовуддин Нақшбанд орасидаги муносабат салоҳият ва мартабадагина эмас, балки ахлоқ ва равишда ҳам ўхшашлик борлигини кўрсатиб туради:

Файзи гадову шаҳ аро мунташир,
Хизматига шоҳу гадо муфтахир[113].

Яъни шоҳу гадо унга баробар бўлиб, хизматига келиш, нафасидан баҳра олишдан фахрланиб юрадилар. Жомий Навоий учун ҳаётдаги комил инсон эди.

Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Матлаъ ул-анвор» ва Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» асарларида сўфийларнинг ахлоқий сифатларини муҳокама этувчи боблар ҳам бор. Амир Хусравда бу боб асарнинг олтинчи мақолати бўлиб, «Дар шукри сўфиёна софи ҳуш ва шакар лаълнўшони азрақпўш ва гомгузории пешқадамони хутватин қад васл, ва гирифтори пой дар гил мондагони «тийнат калҳимор фил ваҳал» ва сарзаниши доғдорони фа тукаво бихо ҷибоҳ ва сарафрозии ҳукмдорони тарки масиваллоҳ»[114] (мусаффо ақлли ва шакарнўш этувчи кўк кийимли сўфийлар шукрида ва васлга интилувчи бардош қадамлар шиддати ва оёқ лойда, қолганлари гирифторлиги, яъни «лойда қолган эшак тийнат»дир ва дунёни тарк этувчиларнинг сарафрозлаш ҳақида) деган узундан узоқ сарлавҳа билан келтирилган. Сарлавҳадаёқ бобда икки тоифа сўфийлар ҳақида сўз бориши огоҳлантирилган.

Алишер Навоий достонида ҳам шундай усул қўлланилган. «Ҳайрат ул-аброр»да бу масала «тўртинчи мақолат»да баён этилади. «Мақолат»нинг сарлавҳаси шундай: Риёйи хирқапўшлар сулукидаким, ўз қошларида хирқаи талбисларига ҳақиқий либосдурур ва ҳақойиқу маорифлари авомга либосат. Ва ҳақиқий боданўшлар равишидаким, хирқаи вужудлари фано илги зўридин чок дурур ва Масиҳодек жонбахш нафаслари руҳи муқаддас каби пок ва маҳалли тавфлари соҳати афлок» [115].

Маълум бўлдики, Алишер Навоий ҳам фақат «риёи хирқпўшлар», яъни сўфийликдан обру-эътибор, шахсий манфаат кўзлайдиган шайхлар ҳақида эмас, балки чин сўфийлар ҳақида ҳам тўхтаб ўтган. Бошқача айтганда, икки хил ахлоқли сўфийларни қиёслаган. Аммо Навоий Амир Хусравдан фарқли уларoқ, аввал «риёйи» шайхларнинг салбий сифатларини танқид қилиб, кейин ҳақиқий сўфийлик хислатларини баён этади. Амир Хусрав бўлса, ав-

---

[112] Ўша асар, 31 -б.

[113] Ўша асар, 31-б.

[114] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критичес кого текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магсррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 152-б.

[115] *А.Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 63-б.

вал фониваш чин сўфийлар таърифини келтириб, кейин ёмон хулқ атворли шайхлар, сўфийлар мазамматига ўтади.

Профессор Нажмиддин Комилов таъкидлаганидек, совет адабиётшунослик удумига кўра, Навоийнинг танқидий қарашлари бир ёқлама талқин қилинди. Фақат танқидий руҳдаги байтлар ажратиб олиниб, шоирнинг ижобий фикрлари тасаввуф моҳиятини англатувчи ғоялари четлаб ўтилди. Натижада Навоий тасаввуфга, умуман шайхлар, сўфийларга қарши одам экан, деган хулоса пайдо бўлди. Аслида эса, улуғ шоир тасаввуфдан ўз шахсий манфаати йўлида фойдаланган шайхларни нафрат билан қоралаб, соф дил, солиҳ художўй кишининг намунали инсоний ахлоқини уларга қарама-қарши қўйган.

Ҳақиқий сўфий ҳазрат Навоий назарида, аввало дунё ва унинг молига эътибор қилмайдиган, аниқроғи молу мулкдан мустафо бўлган одамдир. У хирқасини обрў, манманлик учун киймайди, турлича товланиб, кишиларни алдамайди, аксинча хирқани ҳам, масжиду хонақони ҳам тарк этган илоҳ ошиғи бўлган кишидир. Яхши-ёмон, бору йўқ улар учун аҳамиятсиз бўлиб қолади. Икки дунё улар учун бир хасчалик кимматга эга эмас, чунки бундай ошиқ, пок дил сўфилар фақат Тангри ёди билан яшаб, ўзликларидан ҳам кечганлар. Уларнинг кўнглида Худодан бошқа ҳеч нарса йўқ, кўнгиллари – Худо жамоли акс эттан кўзгу мисолидир.

Масалан, шоир бундай ёзади:
Ким қилибон икки жаҳон таркини,
Икки жаҳон демаки, жон таркини...
Елга бериб дафтари солусни,
Ўтға солиб хирқаи номусни.
Масжиду майхона анга боқмайин,
Дайр била каъба сори боқмайин.
Силкибон эл яхши-ёмониға енг,
Англаб улус йўқию борини тенг.
Жону жаҳонни кўрибон хокча,
Кавну макон нақдини хошокча[116].

Улар учун ҳақиқий борлиқ тангри таоло олами, тангрининг ўзи, абадий нури. Қолган нарсалар эса, фоний – ўткинчи. Улар ўз қалбларида илоҳ жамолини мушоҳада этадилар, кўнгуллари шунча мусаффоки, алам ашёларида ҳам илоҳ қудратини кўрадилар.

Эй кўнгул, ул элга жаҳонлар фидо,
Дема жаҳонлар, деки жонлар фидо[117].

Амир Хусрав тасвирида ҳам сўфий олий илоҳий сифатларга эга кароматли, вали бир инсондир:

Эй қадам андар раҳи мардон зада,
Ҳафт дари гунбади гардон зада.
Бар наравӣ як қадам аз ҷойи хеш,
То наниҳӣ бар сари худ пойи хеш.
Хок шав аз бори лағад чун гиёҳ.
Бу ки расий бар фалаки кибриё[118].

---

[116] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 65-б.
[117] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 65-б.
[118] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 152-б.

(Эй эранлар йўлига қадам қўйган киши, сен айланувчи фалакнинг етти эшигини қоқяпсан, аммо агар ўзингнинг бошингга қадам қўймасанг, бир қадам ҳам бу йўлда олға силжий олмайсан. Тепки юқидан гиёҳдай тупроққа айланиб эзил, шоядки, улуғлик фалакига етсанг).

Шундай қилиб, Навоий тўғридан-тўғри сўфийликнинг олий хислатини баён этиб, сўфий қандай одам бўлиши керак, деган саволга жавоб қайтарган бўлса, Амир Хусрав сўфийлик шартлари, одоби ҳақида фикр юритади. Ҳинд шоири назарида, сўфийлик йўлига кирган одам биринчи галда ўз манманлиги, инсоният ва нафсоний ҳирсу ҳийлаларини енгиши, тупроқсифат хоксору камтарин бўлиши лозим. Улуғлик – хоксорлик орқали қўлга кирадиган хазина.

Сўфий мартабада Жаброилга тенг, Хизр – унинг йўлбошчиси, у – ориф, у – вали, у – мўъжизакор.

Хусрав Деҳлавий сўфийлик сийрати хусусида гапирар экан, муҳим масалалардан бири – тақво ва майхўрлик устида кенг тўхталган (Навоий бу масалани бошқа муносабат билан кўтарган). Амир Хусравнинг ёзишича, илоҳий майдан масту сархуш, «пашминапўш орифлар» бор, улар албатта қуруқ зоҳиддан кўра афзал. Лекин майхурликка ружуъ қўйган ориф ҳам ориф саналмайди. Зоҳидлар тақвода ўзларини ягона ҳисоблаб, даражаларини осмон – фалак қадар ҳисоблайдилар. Аммо улар янглишадилар, чунки Тангри таоло олдида валиларнинг мартабаси улуғдир:

Нури ҷаҳон аз қадами авлиёст,
Ҷони назар дар ҷасади тўтиёст.

Марди ба пашмина дарун кам мадон,
К-ўст ҷаҳоне таҳи мўе ниҳон[119].

(Жаҳоннинг нури авлиёлар қадамидадур, назар жони тўтиёнинг жасадидадир. Тун кийим ичида турган эрни кам ҳисоблама, чунки у тун остида яширинган жаҳондир*).*

Кўринишда одамлар бир хил: қадду қомат, кўзу қош, қўл-оёқ. Аммо зоҳиран ўхшаш бўлган нарсаларнинг ва жами инсонларнинг моҳияти бир даражада эмас. Макка – дунёдаги шаҳарларга ўхшаш бир шаҳар, лекин олам аҳлининг қибласи. Улуғ инсонларни таниш учун уларнинг ташқи кўринишига эмас, суҳбатига, сўзига, амалига эътибор бериш керак. Сўфийлар гарчи чумолидай бўлиб кўринсалар-да, аммо Сулаймон мартабасидаги фаришта табиатли одамлардирлар:

Ин ҳама мардон, ки малойик паранд,
Мўр намояду Сулаймон фаранд[120].

(Бу эранларнинг барчаси фаришта қанотли кишилардирлар, чумоли бўлиб кўринадилар, аммо тахту бахтлари Сулаймонникидайдир).

Маълум бўладики, сўфийлик мартабаси ва таърифида ҳар икки шоирнинг қарашлари ўхшаш. Сўфий Амир Хусравда ҳам, Навоийда ҳам вали, карамоатли инсон, фавқулодда хислатларга эга эзгу қалбли киши. Сўфийлар таърифида келтирилган сифат ва таърифлар Хусрав Деҳлавий асаридаги Низомиддин Авлиё ва Алишер Навоий асаридаги Баҳовуддин Нақшбандга бағишланган боблардаги тасвир – таърифлар, фикру мулоҳазалардан деярли

---

[119] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критической текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 154-155-б.

[120] Ўша асар, 155-б.

фарқ қилмайди.

Бу тушунарли, зеро Шайх Низомиддин Авлиё билан Хожа Баҳовуддин Нақшбанд улуғ мартабага эришган комил инсон эдилар, сўфий эдилар. Сўфийликнинг олий камолоти ана шу раҳнамо шайхлар мартабасига эришиш ҳисобланган. Демак, сўфийлик – софлик, зоҳирий ва ботин билимлар соҳиби бўлган орифлик ғайб сиридан бохабарлик ҳамда илоҳий муҳаббат ишқида ёниш экан.

Бироқ шуниси борки, Низомиддин Авлиё ва Баҳовуддин Нақшбанд ҳақидаги бобларда сўфийлик муҳокама қилинган, сохта ва фирибгар шайхлар танқид остига олинмаган. «Матлаъ ул-анвор»да сўфийга хос бўлмаган бир неча нолойиқ сифатлар тилга олиниб, улар қаттиқ танқид қилинади. Биринчи сифат, юқорида қайд этганимиздай хоксорлик. Бу – сўфийликнинг муҳим белгиси. Солик ўзидан башарий сифатларни тарк этмаса, мақсадга эришолмайди. Мурид шайх танлаганда ҳам, аввало ана шу жиҳатларга эътибор қилиши лозим, чунки шайх ўзи камтарлик ва хоксорлик намунаси бўлмаса, мурид унга эргаша олмайди. Амир Хусрав таъкидлаб ёзади:

Қибла макун пири хароботро,
То ба харобӣ набарад зотро[121].

(Агар зоти хароб бўлишга мойил бўлмаса, харобот пири бўлса ҳам унга сиғинма.)

Харобот – зоҳирий маънода ибодатхона, ботиний маънода – комил инсон ҳузури, пир ҳузури, пири харобот – комил инсон, шайхи ориф. Демак, шайхнинг ўзи камтару камсухан, вазмин, аммо бағоят латиф табиатли, ўта ҳалол ва закий одам бўлмоғи лозим экан. Шундай хислатга эга бўлмаган шайхга муридлар эргашмайди, унинг шайхлигига ҳам ишониб бўлмайди. Ғурур, кеккайиш – бадбахтлик, бутпарастларнинг иши, дейди Хусрав Деҳлавий. Чунки мўминлик – итоат ва таслим, кофирлик – исён ва бўйсунмаслик. Шоир бу фикрни ёрқинроқ ифодалаш мақсадида мана бундай қиёсларни келтирган:

Дар пайи он пир чи пўйи бафарқ,
К-ў бади худ нек намояд ба зарқ.
Марди сияҳнома ба нақши ғурур,
Тирагии хеш нигорад ба нур.
Барҳамани бут, ки кунад шарҳи бед,
Тахта сиёҳаш буваду хат сапед.
Бода ва тасбеҳ ба як лаб хатост
Маҷлису меъроҷ ба як шаб хатост[122].

(Ҳийла-найранг билан ўз ёмонлигини яхши қилиб кўрсатувчи шайх изидан бош уриб нега борасан. Ғурур суратли қора номали киши ўзининг қоронғилиги – зулматини нур қилиб кўрсатмоқчи бўлади. Тол шарҳи – расмини чизаман дегувчи браҳманнинг тахтаси қора, аммо хати оқ. Бир лабда ҳам шароб ва ҳам зикр хато бўлганидай, бир кечада ҳам ишрат мажлиси қуриш ва ҳам меърожга чиқиш хатодир).

Шундай қилиб, иккинчи ёмон хислат – бу мунофиқлик, иккиюзламачилик. Мусулмонман деб кофир ишини қилиш, зоҳиран сўфий бўлиб кўриниб, амалда тариқатга зид ишлар билан шуғулланиш, гуноҳ билан, ғараз билан булғанган тоат-ибодат бўлмайди.

Учинчи нохуш қилиқ – сўфийларнинг шаробхўрлигидир. Агар сўфий шароб ичиб, жазавага берилса, кашфу кароматлар қилса, унга ишониш мумкин эмас:

---

[121] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 155-б.

[122] Ўша асар, 156-б.

Сўфийи майхора, ки гўяд зи ҳол,
Гар ҳама кашф аст, мадон ҷуз хаёл.
Аксу хаёле, ки намояд зи май,
Ҳаст басе зишту табаҳтар зи вай,
Сурати пок аз майи рахшон махоҳ,
Сидқ дар оинаи шайтон махоҳ[123].

(Майхўр сўфий агар ҳол ҳақида гапирса, агар айтгани буткул кашф бўлса ҳам, уни хаёлдан бошқа нарса деб ўйлама. Майдан куринган хаёлу тасаввурлар майнинг ўзидан ҳам хунук ва ҳаромроқдир. Равшан майдан ҳам яхши сурат кутма, шайтон кўзгусида садоқат излама).

Майхўрлик сўфийни одамгарчиликдан чиқаради, деб айтади ҳинд шоири.

Тўртинчи ёмон хислат – тамагирлик. Сўфийда зоҳидларнинг тамагирлиги бўлмаслиги лозим. Сўфий олтин, кумушни, мол-дунёни писанд қилмасин. Агар сўфий қўлига олтин-кумуш тушиб қолса ҳам бундан тезда қутулиши шарт, яъни саховат билан бошқа муҳтожларга ҳадя этсин.

Яна бир ёмон хислат – риёкорлик. Сўфийман деб одамларни алдаб, найрангбозлик, риёкор шайхнинг мақсади илоҳ жамоли эмас, у динини дунёга сотган киши. Амир Хусрав дейди:

Оҳ аз ин тоифаи зарқсоз,
Остине кўтаҳу дасте дароз.
Пашми сияҳшон на зи огаҳиест,
Доми сиёҳ аз пайи даҳ моҳиест.
Зишт бувад сўфию майли зараш
Мўй наҳу кўҳи гарон барсараш...
Даъвии фақру амали зар мудом,
Фақр гар инаст, тиҷорат кадом?[124]

(Риёкор тоифадан дод, енглари қисқа, аммо қўллари узун, қора рангли жун кийимлари огоҳлик – сўфийлик нишонаси эмас, балки балиқларни тўтишга тузоқдир. Сўфийнинг олтинга майли ҳам, ўзи ҳам ёмон, бошида тук йўқ, лекин катта тоғ бошга, яъни дунё тоғининг тамини кутарган... Фақрликни даъво қилади, бироқ амалда бойлик кетидан қувади, агар фақр шунақа бўлса, тижорат – савдогарлик деб нимага айтилади).

[123] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 157-б.

[124] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 159-б.

Бундай риёкорлардан кўра, қиморбоз ринд афзал, дейди Амир Хусрав, чунки ринд «покбоз» кишидир. Олтин ошиғи – илоҳий даргоҳ ошиғи бўлолмайди, дунё ғамидан қутулган сўфий сўфийдир, дунё ғамига ўралган сўфийликдан чиқади. Олтин – жавоҳирни севувчи шайхлар бутпараст браҳманга ўхшайдилар:

Ин ҳама шайхони хазоинпараст,
Барҳаманонанд – бути зар ба даст[125].

(Хазинапараст бу шайхларнинг барчаси қўлида олтин бут кўтариб турган браҳмандирлар...)

Хуллас, Амир Хусрав дунёпарастлик билан сўфийликни қарама-қарши қўйиб, тасаввуфнинг таркидунёчилик ғоясини маъқуллайди. Бу ғоя умуман мол-дунёга ҳирс туйғусини сўндириб, қаноатга чорлашга олиб келар, одамларни чин сўфийлар ҳаёт тарзи, эътиқодига ҳурмат билан қарашга ундар эди. Дунё шундай оғир бир юкки, у баландга парвоз қилгувчи руҳ қушининг оёғидан тортади, қанотини қайириб ҳалок этади. Сўфий эса бунга йўл қўймаслиги керак.

Айни шу ғоя «Ҳайрат ул-аброр»нинг тўртинчи мақолатида ҳам ифодаланган. Аммо Навоий бу маъноларни бошқача тарзу ифода билан беради. Ўзбек шоирида риёни фош қилиш ғазаби шиддатлироқ танқид – заҳарханда кучли ҳажв даражасига кўтарилган. Алишер Навоий риёкор шайхнинг ҳақиқатдан ҳам ҳажвий тимсолини ҳосил қилган, ҳийлагар маккор одамнинг ташқи қиёфаси ва ички дунёсини ҳажвий йўсинда тасвирлаб беради, китобхоннинг нафратини қўзғатадиган иборалар қўллайди.

Тўртинчи мақолат бир юз беш байт маснавийдан иборат бўлса, шунинг етмиш байти риёкор шайхлар ҳажвига бағишланган бўлиб, ўттиз беш байти чин сўфийлар таърифига бағишланган. Бу миқдорий нисбат ҳам Алишер Навоий салбий хислатларни нафй этишга алоҳида эътибор берганлигини кўрсатади, зотан, салбийликни очиш орқали ижобийликни қадрлаш, тасдиқлаш мумкин. Навоий шундай йўл тутган. Бемаза, бемаъни шайхлар қиёфасини чизиш орқали, биринчидан, ўз замонасининг ўшандай риёкор кишиларига қарши ўт очган, иккинчидан, ўзининг ҳақиқий сўфийлик мазҳаби ва мартабаси борасидаги тушунчаларини баён этган. Тўртинчи «мақолат» қуйидагича бошланади:

Эй бўлубон санъат ила хирқапўш,
Шому саҳар зикр ила солиб хурўш.
Хирқа уза баҳяки ҳар ён чекиб,
Зўҳду риё вуслаларидин тикиб[126].

Навоий «риёйи шайх» образини яратар экан, уч жиҳатга диққат қилади: биринчиси шуки, шайх оммани алдайдиган даражада «санъат билан ташқи қиёфани сўфинамо қилиб олган. Тўни сўфийларникидай ола-була, қуроқ парчалардан тикилган, қўлида ҳамиша тасбиҳ, худонинг номи тилида, «шому саҳар» зикрдан бўшамайди. Ҳаракатлари, сўзи ҳам шайхлар каби виқорли, тарикат одоб-қоидаларига мос. Ҳатто бирор бир оҳангни (пай овозини, масалан) эшитганда, бирдан жазаваси тутиб рақси самоъга берилади. Албатта, бундай одамни кўрган киши: ҳа, улуғ карамотли шайх, авлиёи замон дейиши муқаррар.

Иккинчиси шуки, «риёйи шайх»нинг суҳбатдош муридлари ҳам ўзига ўхшаган. Ёлғон, ҳийла, макр уларнинг «санъати» – ҳунарига айланган. Ўз шайхларини «Хизр, пайғамбар» деб овоза тарқатганлар, шайхларнинг бемаъни, ботил хаёлларини «воқеа» атоқли муршидлар, пайғамбар алайҳиссаломни тушда кўриш каромати) деб тарқатадилар, Хуллас, риё

[125] Ўша асар, 160-б.

[126] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 63-б.

мафкураси тегирмони туну кун айланишда.

Учинчи жиҳат шуки, бу худнамолик зоҳирий расм-русум аъмоли, шайхлик «кароматлари» тагида мол-дунё тўплаш мақсади ётади, яъни мансабдор кишилар назарига тўшиб, улардан қимматбаҳо тўҳфалар, ҳадялар олишдир. Навоий ёзади:

Борчаға мақсуд буким аҳли жоҳ,
Кўрсалар ул шайх ила бу хонақоҳ,
Шайхни сажжодаи иршод уза,
Хайлни ҳам зикр ила аврод уза...
Борчаларин аҳли яқин соғиниб,
Ҳол ила ул важдани чин соғиниб.
Зоҳир этиб шайх қошида ниёз,
Фоқаларифа бўлубон чорасоз.
То билиб охир ани султони мулк,
Хайли дағо бирла нигаҳбони мулк.
Арзи ниёз айлабон ўлған мурид,
Пояларин ҳар нафас этгай мазид.
Ҳадя, туҳаф тортқаю мол ҳам,
Мустағалу кенту суюрғол ҳам[127].

Шунақа, «риёйи» шайхнинг муддаоси дунё тўплаш, дунё аҳли диққатини жалб этиш, шайхлар, султонлардан ҳадя олиш эди. Қисқаси, тариқатни ўз нафсига хизмат қилдириш бўлган. Ваҳоланки, сўфий то нафсини, тамани тарк этмаса, у илоҳиёт ишқига муяссар бўлолмайди. Амир Хусравдан келтирилган мисолларимизда бу маъно чуқур ифодаланган. Буни Навоий ҳам шу мақолат охирида тасвирлаганини кўрдик. Демак, тасаввуфда, сўфийликда бош масала дунё бойлигига муносабат, дунё бойлигига меҳр қўйган одам салбий хислатларга маҳлиё бўлаверади, у ҳар қандай муқаддас ғояни ҳам ўз нопок ниятига хизмат қилдириши мумкин. Навоий тасвирлаган шайхда шайтоний хислатлар мужассам, чунки унинг ихтиёри шайтон қўлида, шайтоний нафс ихтиёрида. Риёкорлик, ҳийлагарлик ҳам, макр-ёлғонни қурол қилиб олиш, ўзини турли кўйга солиш ҳам ҳаммаси нафс талабини бажаришдир. У ўзлигидан кеча олгани йўқ, нафсоний ҳирсу ҳаво уни қабиҳ ишлар қилишига, мунофиқликка даъват этиб турибди.

Амир Хусрав бу ғояни қиёслаш орқали таъсирли қилиб баён этиш йўлидан борган бўлса, Алишер Навоий риёкор кимса қиёфасини яратиш орқали ифодаламоқчи бўлган. Навоий тасвирига кўра, «риёйи» шайхнинг тасбиҳи – ҳийла-найранг тузоғи, хирқаси – наҳс фалакининг сурати, эски салласининг ҳар бир ўрамида бир фириб, ҳассаси – «ҳийла уйига сутун, тасбиҳиниг ипи зуннор риштаси», тиш тозалагич мисвоки – оғзининг суви билан нопок бўлган. Хуллас, мана шу зайлда ўқувчи нафратини қўзғатувчи сифатлаш, қарши қўйиш ва ўхшатиш – ташбиҳлардан моҳирона фойдаланилган:

Турфа соқолин осибон кулгудек,
Эгри ёғоч узра чиқиб учгудек,
Учкўча ҳам йўқ ишида тўғрилик,
Ул тутуб ўғри, бу қилиб ўғрилик.
Учку тилаб хайлиға баргу наво.
Гар гала минг бўлса, булуб пешво[128].

Ушбу байтлар орқали ҳийлагар шайхнинг масхарали қиёфасини эчки ўйини орқали

[127] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн, Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев.Тошкент, «ФАН», 1960, 64-б.
[128] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга таёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960, 63-б.

яратиб беради: шайхнинг соқоли тамошо кўрсатадиган эчки соқолига ўхшатилган. Шоир шайхнинг ўзи ҳам эгри таёқ ўстида сакраб ўйин кўрсатаётган эчкидай дейди. Аммо шайх эчкидан баттар, чунки «ўйинчи эчки ўғрини тутса, шайх ўзи ўғрилик қилади. Эчки қўй подасига сарварлик қилганидай, шайх ҳам ўз ҳайлига раҳбарлик қилади. Аммо у шайх ўз муридларини тўппа-тўғри дўзах қаърига олиб боради. Шунга ўхшаш шайхнинг суҳбати, самоъ мажлислари ҳам риёдан иборатлиги бир жирканиш билан очиб берилган ва хулосада бундай ҳукм чиқарилган:

Субҳоналлоҳ, бу не нафси лаим,
Нафсни қўйғил, не азоби алим,
Рўзи учун мунча фусунсозлиқ,
Мансаб учун мунча дағобозлиқ.
Бу эл эрур борча ямондин-ямон,
Кимки йўқ, андин ямон, андин ямон[129].

Бу мавзу илмий адабиётларда анча батафсил ўрганилган. Бизнинг мақсадимиз, биринчидан, Навоийнинг риёйи шайхлар билан ҳақиқий, комил сўфийлар – аҳлуллоҳни қиёслагани, сўфийлик сифатларини қандай баҳолаганини аниқлаш бўлса, иккинчи томондан, Навоий ва Амир Хусравнинг бу масалага муносабатини билиб олиш эди. Маълум бўлдики, Навоий сохта ва ҳақиқий сўфийларни қиёслашда салафи Хусрав Деҳлавий йўлидан борган. Сўфийликни ниқоб қилиб олиш, тариқат амалиётини шайтоний нафс майлларига хизмат қилдириш ҳар икки шоирда ҳам қораланади, бу нуқсон энг хавфли ахлоқий камчилик деб қаралади. Навоий ҳам, Хусрав ҳам думё ва унинг давлатига салбий муносабатдадирлар. Аммо бу ғоя Амир Хусравда ёрқинроқ ифодаланган. Амир Хусрав дунёни тарк этмай покланиш, ишқ йўлида жонбозлик қилиш мумкин эмас, деган фикрда. Алишер Навоий бўлса, масалага инсон ахлоқи мавқеидан ёндашади. Инсон ахлоқи қанча покиза бўлса, у шунча илоҳиётга яқинлашиб боради, камолот касб этади. Шу сабаб Навоий риёкор шайхнинг ҳажвий қиёфасини қуюқ рангларда нафратли қилиб чизган, масхара усулидан, жонли ташбиҳ – тимсоллардан унумли фойдаланган. Бадиийлик, бадиий бўёқдорлик Алишер Навоийда устун. Шоир ғазабли оҳангда рад этган сифатлар наинки тариқат шайхлари, балки жамики касб эгалари учун номуносибдир. Умуман, инсонни ростлик, тўғрилик сифатлари улуғлайди. Бунинг акси бўлган сифатлар одам зотини ерга ўриб, тубанлаштиради. Афсуски, ҳаётда ҳамма вақт ҳам шундай эмас, фириб-найранг тантана қилган дамлар ҳам кам эмас. Аммо эзгулик, тўғрилик, барибир инсоннинг фазилати, илоҳийлигини акс эттиради ва охир-оқибатда ғолиб келади.

Бу ўринда шуни қайд этишни лозим топдикки, шайх – сўфий образи Низомий Ганжавийнинг «Махзан ул-асрор» асарида йўқ. Албатта, Низомий асари тасаввуф ғояларидан холи эмас. Унда дунё ва ўнинг бойлиги, дунё ва инсон умри, дин ва иймон-эътиқод масалалари ўстида шоирона фикрлар баён этилган. Чунончи, «Махзан ул-асрор» асарининг тўққизинчи мақолати «Дунё ишларининг тарки хусусида», ўн биринчи мақолати «Дунёнинг бефойдалиги», ўн иккинчи мақолати «Тупроқ манзилини видоъ этиш», ўн учинчи мақолати «Дунёни мазаммат этиш» деб номланган бўлиб, дунё ва унинг молу мулки машғулотларига салбий муносабат ифодаланган. Ўн еттинчи мақолатида сиғиниш ва руҳий тараққиёт ҳақида гап боради ҳамда «Пир ва муршид» ҳикояти келтирилади.

Бироқ шунга қарамай, Низомийда тасаввуф ғоялари асосий ўринни эгалламайди, шун-

[129] Ўша асар, 64-б.

га биноан шайхлар, сўфийлар образи ҳам яратилган эмас. Ҳолбуки, Низомий даврида тасаввуф ривожланиб катта мавқени эгаллаган эди. Амир Хусрав ўзи пирга мурид тушгани ва чиштия сулукининг аъзоси бўлганлиги учун сўфийлар ахлоқи унга яқин эди. Шу боис ҳинд шоирида тасаввуфий ғоялар кучлироқ ифодаланган. Умуман, яхлит олганда, «Матлаъ ул-анвор» сўфиёна асар, унда тариқат ғоялари, мақомотлар, сўфийлик одоби асосий ўринни эгаллайди. Бу фикрни 1975 йилда «Матлаъ ул-анвор» достонининг Тоҳир Аҳмад ўғли Маҳеррамов тайёрлаган танқидий матнига сўз боши ёзган шарқшунос олим Г. Ю. Алиев алоҳида таъкидлаб айтган эди[130].

Гап Низомий Ганжавий асари ўстида борар экан, унинг ҳамд-наътлари ҳақида ҳам маълумот бериш фойдали деб ўйлаймиз. Зеро, Амир Хусрав ҳақида гапирганда, Низомийни буткул четлаб ўтиб бўлмайди, чунки фалсафий-ахлоқий достон ёзиш Абдулмажид Саноийдан бошланган бўлса-да, бироқ хамсачилик анъанасини Низомий асослаган. Биз, албатта кенг қиёсий таҳлил қилишга киришмоқчи эмасмиз. Лекин тасаввур ҳосил қилиш учун «Махзан ул-асрор»нинг қурилиши, биринчи қисми бўлган ҳамду наът ва муножотларини қисқача кўздан кечириш фойдали деб ҳисоблаймиз. «Махзан ул-асрор» (Сирлар хазинаси) асарида иккита муножот, олтита наът (биттаси меърожнома боби), султонга бағишланган икки боб, сўз таърифида икки боб, достонни ёзишнинг сабаби «кўнгилни таниш» боби, иккита «хилват» ва иккита «хилватнинг самараси» боблари мавжуд бўлиб, шоир ана шу боблардан кейин 20 та «мақолат» ва 26 та ҳикоятни ёзишга киришади. Достон жами 2264 байтдан иборат. Шундан юқорида санаб ўтганимиз ўн саккизта «кириш» боб (ёки «муқаддима боблар») 827 байтни ташкил этади, яъни достоннинг учдан бир қисмидан ортиқроғи «кириш боблар» бўлиб чиқади.

Шунга асосланиб, биз адабиётшуносликда таомил бўлиб қолган «кириш боблар» деган атамадан воз кечишни такалиф этамиз. Асарнинг учдан бир қисмини ташкил этувчи ўн саккиз боб «муқаддима» бўлиши мумкин эмас. Бу ибора ўрнига мазкур бобларни достоннинг биринчи қисми – дунёқараш қисми деб номлашни тавсия этамиз. Зеро, айнан шу бобларда муаллифнинг дунёга ва одамга муносабати, фалсафий тушунчалари, диний эътиқоду иймони аёнлашади. Муаллифнинг исломий аҳком асосидаги уй-фикрлари, муҳаббати, дил изҳори ифодаланган бўлади. Бу қисм бобларини бирлаштирувчи хусусият – васф, таъриф ва ўзини изҳор этиш. Бунда кенг муҳокама, объектга танқидий муносабат деярли учрамайди.

Иккинчи қисм одатда мақолатлар ва уларни тасдиқловчи кичик ҳажмли ҳикоятлардан тузилган. Мақолатлар биринчи қисмида ифодаланган ғояларнинг бадиий тафсил – талқинидир, бунда муаллиф объект ўстида муҳокама юритади, танқидий қарашларини баён этади.

Амир Хусравнинг «Матлаъ ул-анвор» достонида биринчи қисм боблари Низомийнинг «Махзан ул-асрор» асарига нисбатан камроқ – ўн тўрт бобдан иборат. Байтлар нисбати ҳам шунга мувофиқ.

Амир Хусравда бобларнинг номланиши қисқача мана бундай: кириш (биринчи ҳамд), биринчи, иккинчи, учинчи муножот, биринчи наът, иккинчи наът (меърожнома), учинчи наът, Низомиддин Авлиё мадҳи, Султон Алоуддин дуоси, яна Султон таърифи, достон таркиби ҳақида, биринчи хилват, иккинчи хилват, учинчи хилват. Шундан кейин мақолатлар

---

[130] Амир Хусрав Деҳлавий. «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова, Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г.

келади. Қани кўрайликчи, достоннинг таркиб ва тартибига оид бобида муаллиф нима дер экан?

Мояи ман з-ин қалами номӣ аст,
Моя на, касбест, ки илҳомӣ аст.
Моя, ки андеша дар ӯ гум бувад
Кай ҳади таълиму тааллум бувад?
В-он чӣ зи илҳом барояд зи ҷайб,
Айби касе кун, ки бар ӯ кард айб[131].

(Менинг моҳиятим шу шуҳратли қаламдандир, бу моҳият эмас, балки илҳомий касбдир. Бу шундай моҳиятки, ақл уни тушунтиролмай, йўқолиб қолади. Бунга таълим ва ўрганиш – ўргатиш билан эришиб бўлмайди. Қўйиндан илҳом орқали чиқадиган нарса – илоҳийдир, буни айблаган одамнинг ўзи айблидир). Яъни улуғ шоир туғма, жибиллий истеъдодидан фахрланиб ёзади, шеъриятда янги равия яратганлиги ҳақида гапиради. Ушбу бобда достон қурилиши «тартиб-таркиб» ҳақида ҳеч нарса йўқ. Шоир ўз устози Низомий Ганжавийга муносабат билдириб, ғоявий йўналишда тутган фарқли тариқини изҳор этган. Амир Хусрав Низомий руҳидан илҳом олганлиги, устозининг нафаси бир нур бўлиб димоғига кирганини айтади:

Он равише буд зи андеша дур,
Атса даромад ба димоғам зи нур.
Нур, ки аз Хоҷа Низомам расид,
Кор аз он рӯ ба низомам расид[132].

(Бу шундай бир ҳол эдики, ақлга сиғмасди, шу ҳолатда димоғимга нур кириб акса юз берди. Бу нур шайх Низомийники эди, шундан кейин ишларим равон кетди.) Шу сабабли «Матлаъ ул-анвор» «Махзан ул-асрор» достонини янгидан нурлантиради, янги равия – оҳангда куйлаб беради:

Ёфта ойини иборат навӣ,
Лафзияш ороста чун маънавӣ[133].

(Иборасозлик, ифодалар янгиланди, лафзи маъносидай безанди). Шоир «Мен айтган сўзлар Тангри хазинасининг очилишидир», деб ёзади. «Қаламим худо ганжининг хуми кабидур, худо хазинаси ичра йўқолганман, ғарқман». Шоир ўзини ғайб асрорининг ошкор этувчиси деб эълон қилади. Гап мана шундай давом этиб, асосий муддао баён этилади, яъни:

Шарҳу тариқат ба баён оварам,
Ганҷи ҳақиқат ба миён оварам.
Боз намоям, ки ҳидоят куҷост,
Ибраи ин ҳар се валоят куҷост[134]

(Шариат ва тариқатни баён айлайин, ҳақиқат жавҳарини юзага чиқарайин, ҳидоят нима эканлигини айтайин, шариат, тариқат ва ҳақиқат орасидаги валиликнинг узвийлигини тушунтирайин). Менинг достоним, тариқат аҳлининг йўл кўрсатувчиси деб қайд этади, Амир Хусрав. Шундай қилиб ҳинд шоирининг мақсади сўфиёна мазмун – мундарижали асар яра-

---

[131] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975, 55-б.

[132] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975, 51-б.

[133] Ўша асар, 53-б.

[134] Ўша асар, 58-б.

тиш бўлган. Шунинг учун у сўзни «пайғамбарлик» нусхасининг дебочаси деб баҳолайди, демак шоирлик ҳам набийлик муъжизакорлигига яқин иш, яъни агар «мўъжиза бўлмаса-да кароматдир», каромат – валийлар, сўфийлар насибаси. Шоирлик ва сўфийлик, Амир Хусрав назарида ўзаро уйқаш ҳодиса.

Амир Хусравда биринчи қисм Низомийникига қараганда кам, лекин ганжалик шоир тафаккурининг қаймоғи «Матлаъ ул-анвор»да мужассам.

Алишер Навоийда биринчи қисм бобларининг сони йигирма битта – Низомийдан ҳам, Амир Хусравдан ҳам кўпроқ. Бу нима ҳисобига ортган? Алишер Навоий, сўз таърифига иккита боб ажратади. Низомий Хусравга алоҳида, Жомийга алоҳида боб бағишлайди. Натижада биринчи қисм ҳажми ортган. Биз Навоийнинг Амир Хусравга муносабатини махсус жойда ўрганганимиз учун бу ўринда мазкур масала устида тўхталмоқчи эмасмиз. Фақат шуни қайд қилмоқчимизки, «Ҳайрат ул-аброр»да Низомий сўзининг нури ҳам, Хусрав сеҳри ҳам, Жомийнинг орифлик нафаси ҳам из қолдирган ва боз устига, улуғ ўзбек шоирининг ўз қарашлари, буюк истеъдоди намоён этилган. «Ҳайрат ул-аброр» – сўфиёна мазмунли асар. Бу жиҳатдан у «Матлаъ ул-анвор» ва «Туҳфат ул-Аҳрор» (Жомий) достонларига яқин. Лекин Абдураҳмон Жомий асарида тасаввуф назарияси мақолатларда кенг ўрин олган. Навоийда бўлса, тасаввуф истилоҳлари, назарий масалалари эмас, балки бу таълимот ғоялари ва ундан ҳосил бўлган шоирона олам ҳукмрон. Ўзбек шоирини кўнгил ва қалб кўп қизиқтиради, кишилар ахлоқи диққатини тортади.

Тасаввур ҳосил бўлсин учун Жомийнинг «Туҳфат ул-Аҳрор» достони биринчи қисми мундарижасини баён этамиз: Кириш («Бисмиллоҳ» талқини), ҳамди фотиҳа, аввалги муножот, иккинчи муножот, учинчи муножот, тўртинчи муножот, биринчи наът, иккинчи наът, учинчи наът, тўринчи наът, бешинчи наът, Баҳовуддин Нақшбанд манқабати, Хожа Аҳрор Вали дуоси, сўз фазилати, назмий сўз – шеър хусусида ноқобил шоирлар танбеҳи, кўнгил кашфи, биринчи суҳбат, иккинчи суҳбат, учинчи суҳбат.

Жомий «мақолатлар» ичида ҳам сўфиёна таълимот масалаларига кенг тўхтаб ўтади. Саккизинчи мақолат узлатга, тўққизинчи мақолат хомушлик, ўнинчи мақолат сеҳр каромати, шабзиндадорлик, ўн биринчи мақолат «сўфийлар аҳволи сифати» баёнига бағишланган.

Меърожномалар бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Шу каби наъту ҳамдлар, муножотлар мазмуни ҳам. Шуниси кўзга ташланиб турадики, достоннинг биринчи қисмида муаллифлар ўзларини «эркин»роқ ҳис этганлар, яъни нечта муножот ёки наът ёзиш муаллифнинг ихтиёрида бўлган. Бошқа бағишловлар ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Аммо достонларнинг иккинчи қисмига келганда, мақолатларнинг миқдори қатъий бир хил экани маълум бўлади – ҳамма достонларда йигирмата «мақолат» – шайхнинг муридлари ҳузуридаги йигирмата нутқи – ваъзи (суҳбати). Бироқ мақолатларнинг мазмунида фарқланиш бор, ҳар бир шоир ўзи маъқул ва муносиб деб ўйлаган мавзуда қалам суриши мумкин. Гарчи бунда ҳам иймон, ислом, одамнинг яралиши сингари аввалдан берилган мавзулар бор бўлса-да.

Бу қиёс шуни кўрсатадики, комил инсон ҳақидаги ғоялар асрдан-асрга, шоирдан-шоирга ўтиб, тўлишиб, теранлашиб борган, бу бир идеал, образ сифатида адабиётдан мустаҳкам ўрин олган. Руҳоний шайхлар, номдор сўфийлар комиллик тимсоли деб қаралган, уларнинг ахлоқи элга намуна қилиб кўрсатилган. Салафлар изидан борган Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр»да ўзи эътиқод қўйган шайхлар, валилар сиймосини чизиб, инсоний баркамоллик иймон ва эътиқод ғояларини тарғиб этди.

Гап сўфий ахлоқи ҳақида кетар экан, Низомий, Амир Хусрав, Навоийларнинг достонла-

рида келтирилган кичик-кичик ҳикоятлар ўстида ҳам тўхтаб утиш жоиз. Қайд этиш лозимки, бу ҳикоячаларнинг аксари сўфиёна мазмундадир, асосий қаҳрамонлар номлари ҳам машҳур тарихий шахслар ҳисобланади. Ушбу ҳикоятларнинг айримлари олимлар томонидан тадқиқ этилган бўлса-да, лекин тасаввуф нуқтаи назаридан олиб қаралган эмас.

Низомий Ганжавийнинг «Махзан ул-асрор» (Сирлар хазинаси) достонининг иккинчи қисми йигирмата мақолат дан ташкил топган бўлиб, ҳар бир мақолатдан кейин битта кичик ҳикоят келтирилган. Ҳикоят мазмунан мақолатда айтилган фикрларни тимсол орқали қувватлаб, бадиий иллюстратив материал бўлиб хизмат қилади.

Мазкур анъана Хусрав Деҳлавийнинг «Матлаъ ул-анвор» ва Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонида давом эттирилган. Ҳикояларнинг тартиби достонда мавжуд бўлиши анъанавий бўлса-да аммо ҳикоянинг ўзи оригинал бўлиши мумкин. Муаллиф қандай ҳикояни танлаб олса, ихтиёр ўзида, фақат бу ҳикоя «мақолат»га мазмун жиҳатдан мос келиши керак. Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоий шу талабларга риоя қилганлар. Энди «Матлаъ ул-анвор» ва «Ҳайрат ул- аброр»даги ҳикояларни кўздан кечирамиз. Бизни даставвал орифона мазмунли ҳикоятлар, яъни сўфийлар ҳаётидан олинган ва тасаввуф ғоялари акс этган ҳикоятлар қизиқтиради. Ҳикоятлар одатда қисқа сюжетли бўлиб, тафсилотлардан холи бўлган.

Ҳар икки достондаги орифона ҳикоятларни икки қисмга ажратамиз: бири – машҳур тарихий шахслар (сўфий шайхлари, уламолар) номи билан боғлиқ ҳикоятлар. Иккинчиси – умуман тасаввуф ғоясини акс этган рамзий ҳикоят ёки масаллар.

«Матлаъ ул-анвор»да масалан, Мусо алайҳиссалом, Исо алайҳиссалом, Али каримуллоҳ, Адҳам, Шиблий ҳаётига боғлаб келтирилган ҳикоялар бор. Бундан ташқари, браҳман ва ҳожи, узлатга чекинган сўфий, соҳибназар пир, тақводор аёл ҳақида ҳикоячалар борки, бўларни иккинчи қисм ҳикояларига киритамиз.

Энди «Ҳайрат ул-аброр» асарига разм солайлик. Навоий ҳам Боязид Бистомий, Иброҳим Адҳам, Абдуллоҳ Ансорий, Шайх Ироқий, Имом Фахриддини Розий, Хожа Муҳаммад Порсо, Абдуллоҳ Муборак номи билан боғлаб ҳикоятлар келтиради. «Ҳайрат ул-аброр»даги икки вафоли ёр, ринди Бани Исроил, чинлик гўзал ва унинг ошиғи ҳақидаги ҳикоятларни иккинчи қисм ҳикоятларга киритамиз. Навоийда Нуширавон, Ҳотами Той, Баҳром Гўр ҳаётидан олинган ҳикоятлар ҳам мавжуд. ҳикоятларнинг умумий хусусияти шуки, улардан ҳар бирида бир сўфиёна ғоя ихчам, эсда қоларли даражада ифодали қилиб тасвир этилади. Масалан, Амир Хусравнинг учинчи мақолатидан кейин келтирилган Иброҳим Адҳам ҳикоятини олайлик. Аввало қайд этамизки, мазкур «мақолат»да сўз ҳақида сўз боради. Амир Хусрав сўз қудрати, назокати, қадри ҳақида фикр юритган. Унингча сўз борлиқнинг асоси, барча жисмлар сўз қолипи, аммо инсон сўз учун энг муносиб қолип.

Сўз нозик ва қимматли, уни беҳуда сарфламаслик керак, сўзни англаш учун нозик қалб лозимдир:

Лек бибояд дили борикӯй,
К-ӯ ба сухан фарқ кунад мӯ ба мӯй[135].

(Аммо ниҳоят нозикфаҳм дил керак, токи сўзда қилни қирқ ёргандай энг нозик маъноларни англаб етсин). Кўп гапирувчи – беҳуда гапларни айтувчидир. Ҳикоятда айтилишича, бир йўловчи Иброҳим Адҳамдан: «Эй ҳол майдонига мардонавор от қўйган зот, фалак гўё

[135] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975, 113-б.

оёғинг остидадир, бу мартабани қандай эгалладинг», деб сўрайди.

Адҳам жавоб беради: «Тилимни ою йиллар беҳуда сўз айтишдан сақладим, оғиз қуттисини фақат фойдали сўз учун очдим». Адҳам сўзини давом эттириб, дейдики, беҳуда гапларни валақлаб юриш беҳаёлик нишонаси, сабаб билан зарурат гапни гапириш анбиёлар сифатидир.

Адҳам Балхда подшо бўлиб, кейин тахту тожини ва оиласини ташлаб дарвеш бўлган Иброҳимнинг отаси, Иброҳим ҳақида ривоят ва нақллар кўп. Адҳам ҳақида ҳам қисса ва нақллар халқ орасига тарқалган. Ривоят борки, Адҳам камбағал бир кафшдўз бўлиб, маликани севиб қолади, унинг ишқида дардга чалиниб бемажол ҳолга тўшади. Иттифоқо, малика юрак тутқаноғи билан вафот этади, уни қабрга қўядилар. Адҳам кечаси лаҳим қазиб, ер остидан қабр ичига кириб боради ва малика хали тирик эканлигини сезиб уни ташқарига олиб чиқади ва ҳушига келтиради. Малика Адҳамга турмушга чиқади, улардан Иброҳим дунёга келади.

Амир Хусрав келтирган ушбу ҳикояда гарчи Адҳамнинг образи батафсил кўрсатилган бўлса-да, лекин уни характерининг бир жиҳати, яъни камгаплиги, маъноли, керакли гапигина айтиши аён бўлади. Бундай ҳикоятлардан мақсад воқеанавислик эмас. Балки ибратли сабоқ бўладиган гап айтишдир. Амир Хусрав бу ўринда шу мақсадга эришган.

Сўфийлар эътиқоди билан боғлик бўлган бешинчи ва олтинчи мақолатлар ҳикоятларини назардан ўтказамиз. Бешинчи мақолат ҳикояти тақводор обид ҳақида, бўлиб мазкур бобда тақво хусусида муҳокама юритилган. Амир Хусрав тақвони хўш кўрган шоирлардан, у қаноатпешалик зуҳд ва парҳезни талаб қилади, майхўрлик, ҳаром-ҳариш билан қорин тўйдиришни қоралайди. Ҳикоятда келтириладики, бир зоҳид «жаҳон ғавғосидан» чекиниб, бир гўшада тақвову тоат билан умр ўтказар эди. Бир кун тонг маҳалда Хизр унинг ҳузурига ташриф буюради. У обидга қараб деди: Менга маълум бўлишича, сен қанча йил тоату ибодат қилдинг, лекин худо бу тоатларингни қабул қилмади. Аммо мўйсафид обид бу гаплардан хафа бўлмайди, аксинча гулдай очилиб дейди:

Гар на пазирад з-ман ҳеч кас,
Он-к нигоҳ, мекунад-онам на бас.
Ман амали хеш кунам бандавор,
Он чи худоист бад-онам чи кор[136].

(Агар менинг тоатимни ҳеч ким писанд қилмаса, менга қараган кишининг ўзи бас эмасми. Худо – эгамнинг ўзи билади – унинг иши билан менинг нима ишим бор?)

Ҳикоя якунида шоир ўзига мурожаат қилиб дейди:
Хусрав, агар дин талабӣ кор кун,
Тоати яздон куну бисёр кун[137].

(Хусрав, агар дин тиласанг иш билан шуғулланган, худонинг тоатини қилгин, кўп тоат қилгин).

Олтинчи мақолат ҳикояти қўйидагича: Шиблий уйдан чиққанда, эшикда бир дарвешни кўради. Дарвешдан нима саволинг бор, деб сўраганда, у: менга тарки дунё моҳиятини тушунтиргин деб айтади. Бунда Абубакр Шиблий ҳеч нарса демасдан қайтиб уйига кириб ҳамёнидаги эрталаб биров ҳадя этган бир олтин тангани олиб чиқиб, бир камбағалга беради ва сўнгра дарвешнинг олдига келиб, ҳалиги саволига жавоб қайтаради. Дарвеш шайхнинг бу ҳаракатидан таажжубланиб, нега уйингга кириб кетдинг, нега бирдан саволимга жавоб

[136] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева. «Наука», М., 1975, 151-б.

[137] Ўша асар, 151-б.

қайтармадинг деб сўраганда, Шиблий: Сен менга тарки дунё ҳақида савол берганингда уйимдаги ҳамёнда ҳадя қилинган бир танга олтин пул бор эди. Дарҳол шу эсимга тушди, қайтиб уйга кириб шу пулни ҳамёнимдан олиб бир камбағалга бердим ва сенинг олдингга қайтиб келдим. Зеро, уйида олтин тангаси бўлган одам тарки дунё ҳақида гапиришга ҳақли эмас, деб ўйладим. Бу ҳикоят сўфийлик ахлоқи ва моҳияти ҳақидаги мақолатдан сўнг келтирилган. Воқеан, сўфийликнинг бош талаби – тарки дунё, бойликка нафратдир.

Энди «Ҳайрат ул-аброр» ҳикоятларига кўз ташлаймиз. Олайлик «риёий шайхлар» ҳақидаги тўртинчи мақолат ҳикоятини. Ҳикоят «Муқарраби бори Хожа Абдуллоҳ Ансорий сўзиким, ниҳояти сулукдин соҳиб хабар эрди ва ўз сулуки ниҳоятидин хабар берди». Ҳикоят ҳиротлик машҳур сўфий (XI аср) Абдуллоҳи Ансорий ҳақидадир. Навоий бу зотни Илоҳ васлига яқинлашган («Муқарраби Бори») авлиё билади ва қаттиқ ҳурмат қилади. Абдуллоҳ Ансорий «пири Ҳирот» лақаби билан ном қозонган эди, тасаввуф тариқатида у кишининг алоҳида ўрни бор. У тариқат одоби ва мақоматнинг 100 та босқичини ишлаб чиққан бўлиб, тасаввуфнинг қарийб барча саволларига жавоб ёзгандир.

Ҳикоятда Навоий келтирадики, Абдуллоҳ Ансорий жаннат умидида ёки дўзахдан қўрқиб, тама юзасидан мол-мансаб учун эмас, балки «Тангрининг амрига итоат» юзидан тоат қилар эди. У қўрқишдан эмас, муҳаббатдан художўйлик қиларди. Тама умидида сўфийлик қилиш чин сўфийлик эмас, Ансорий дейди:

Менки ишим бўлди парастиш мудом,
Бийму умид иккиси бўлмуш ҳаром.
Бандалиқ амрига чу маъмурмен,
Тун-кун ишим бу эса маъзурмен[138].

Қалбим амри билан Тангри амринг бажараман, «радду қабули била ишим йўқ», дейди у.

Кўринадики, ушбу ҳикоя мазмунан Амир Хусравнинг бешинчи ҳикоятига ўхшаш, ҳар иккисида ҳам беғараз, сидқидилдан художўйлик қилиш тарғиб этилган. Бу ғоя риёга, тамага қарши ғоядир. Чунки Навоий мазкур тўртинчи мақолатда риё ва манфаатпарастлик, мунофиқликни танқид қилган эди.

«Ҳайрат ул-аброр»нинг иккинчи ҳикоятида Иброҳим Адҳамнинг Каъбага сафари ва Маккада Каъбанинг ўз жойида йўқлиги нақл қилинади. Иброҳим Балхда тожу тахтни ташлаб, мулку ҳашамдан кечиб дарвеш бўлгач, саҳроларни пиёда кезиб, кеча-кундуз намозни канда қилмай Каъба зиёрати учун Маккага йўл олади. Аммо Маккага борса, Каъба ўз жойида кўринмайди. Шунда у ҳайрон бўлиб турганида, Ҳақдан нидо келадиким, «Эй, пири роҳ бодия қатъига дурур бир ажуз (кампир), шавқу муҳаббат юкидин қадди кўз (букри)», Ул кампир заифу нотавон бўлгандан кейин Каъба унинг тавофига борди. Иброҳим қараса, Робиа келарди, аммо у Каъба билан бирга эди. Иброҳимнинг ҳайрон бўлиб берган саволига Робиа Адвия дейди:

Бўлди ишинг арзи намоз айламак,
Шева манга арзи ниёз айламак.

Санга самар берди намозу риё,
Бизга бу бар берди ниёзу фано[139].

Шоир бу ҳикоятда намоз ва ниёз тушунчаларини қиёслайди. Иброҳим Адҳам намоз, яъни ибодатга берилади, буни худога хизматнинг йўли деб билади. Робиа Адвия эса ниёзманд,

[138] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960, 66-б.
[139] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960, 15-б.

яъни ошиқ, у ёниб-ўртаниб Худони севади, Парвардигор ишқида на ўзини билади, на оламни, на намозни, на ибодатни. Навоий ана шундай ошиқона садоқатни зоҳирий тоат-ибодатдан устун қўйган.

Бу ҳикоят иккинчи мақолат шарҳи учун келтирилган. Иккинчи мақолатда ислом хусусида сўз боради. Демак, Алишер Навоий ислом моҳиятини ҳам сўфиёна руҳда идрок этади. Шунга ўхшаш ҳар бир ҳикоят тасаввуфнинг бирор масаласини бадиий талқин этишга бағишланган бўлиб, асарнинг умумий мазмунига сингдирилган.

Боязид Бистомий, Шайх Ироқий, Муҳаммад Порсо ҳикоятлари ҳам шундай характерга эга. Аммо Ҳотами Той, қаноатли жуванмард, Айюб ва ўғри ҳикоятларини тасаввуфга алоқаси йўқ деб бўлмайди. Уларда сўфий ахлоқи умумбашарий ахлоқ, нуктаи назаридан олиб қаралади. Ҳикоятлар достонларнинг бадиий-тасвирий қийматини оширишда хизмат қилган. Шайхлар, аллома зотлар эътиқоди ва принципларини кўрсатиш баробарида, кичик лавҳада уларнинг характерли хусусияти очилган. Уларнинг ҳаммасига хос хислат образларни бирлаштирувчи жиҳат ҳам бор. Тангри таолога садоқат, ўз эътиқоди йўлида, поклик, иймон йўлида жон фидо қилишга тайёр туриш, ибрат-намуна кўрсатиш, Боязид, Иброҳим, Шиблий каби тарихий шахслар ҳаётининг ўзи афсонага айланган, улар тимсол даражасига кўтарилган – валилик, комиллик тимсоли бўлиб қолганлар. Ҳикоятлар ана шу тимсол сиймосидаги чизгилар ҳисобланиши мумкин. Шу боис атоқли олим А. Ҳайитметовнинг «Ҳайрат ул-аброр»даги ҳикоятлар билан Навоий моҳир ҳикоянавис сифатида ҳам майдонга чиқди» деган фикрларига қўшилмоқ керак.

Шундай қилиб, кўриниб турадики, «Хамса»ларнинг биринчи достонларида Илоҳга ошиқлик, садоқат, поклик, риёзат, қаноат сингари сўфий ғоялари конкрет тарихий шахслар ҳақидаги тасвирлар воситасида талқин ва таркиб этилади. Бунда қўйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

Низомийда ҳали сўфийлар адабий асар қаҳрамонига айланмаган, Низомий умумфалсафий таълимотлар ва диний-исломий ғоялар чўққисидан тасаввуфга ёндашади, Амир Хусрав, Жомий ва Навоийга асосий «намунали» қаҳрамон бу, сўфий шайхлари.

Ҳикоятлар турли манбалардан олинган. Масалан, Навоийнинг Робиа Адвия ҳақидаги ҳикояти «Насойим ул-муҳаббат»да бор.

Ҳикоятлар мақолатдаги ғояни тасдиқлайди, мисол тариқасида исботлашга хизмат қилса ҳам, аммо шунга қарамай, таъкидловчи ғоявий якун келтирилади.

Алишер Навоий ҳикоятлари қисқа-қисқа шаклда бўлиб, асосий воқеани баён этишга эътибор қилинган. Бироқ шу қисқа сюжет ичида ҳам шоир қаҳрамонининг хат-ҳаракати, асосий хислат ва каромати, ҳозир жавоблигини кўрсата олган.

Хикоятлар муҳим тимсол сифатида муайян ижобий ғояни ёйиш, ибрат бўлишга хизмат қилган.

ИНСОН ТАЛҚИНИДА АНЪАНАВИЙЛИК ВА ИЖОДИЙ ЎЗИГА ХОСЛИК

ИНСОН АХЛОҚИ ТАСВИРИ

Инсоннинг ахлоқий фазилатлари ҳамиша Шарқ шоирларнинг диққат марказида бўлиб келган[140]. Адабиёт сўзининг «адаб» сўзидан пайдо бўлгани ҳам буни кўрсатиб турибди. Мусулмон Шарқида етишган қайси бир шоир ижодини олиб кўрманг, унда панд-насиҳат оҳангидаги асарларга дуч келамиз. Қадимги адибларимиз адабиётни тарбия воситаси деб қарашган. Хоҳ соф лирик асарлар бўлсин, хоҳ воқеа-ҳодисалар, афсона-саргузаштлардан иборат эпик асарлар бўлсин, уларда мавъиза, яъни ўгит-насиҳатлар характеридаги қисмлар бўлган. Алишер Навоий «Бадоеъ ул-бидоя» девонига ёзган сўзбошида бундай дейди: «... бу девонда ҳамду наът ва мавъизадан бошқа ҳар шўрангез ғазалдинким, истимоъи моҳвашларга мужиби саркашлик ва ғамкашларга боиси мушаввашлиғ бўлғай, бирор-иккирор насиҳаторо ва мавъизатосо байт иртикоб қилиндиким, аларнинг ламъайи рухсори иффат бурқаъидин кўп ташқари ломеъ бўлмагай, то буларнинг вужуди хирмани ул барқ иҳроқидин билкулл зое бўлмағай, йўқким бу ғазаллар ғазолалари жилвагарлик соз, балки пардадорлик оғоз қилсалар, бу байтларнинг насиҳатсоз воизлари ва мавъизапардоз носиҳлари монеъ бўлғайлар» [141].

Алишер Навоий фикрини тушунтирадиган бўлсак, мазмуни шуки, одатда ғазал ошиқона мавзуга бағишланган булади, ошиқлик дардининг пўртаналари китобхонни ҳаяжонга солади. Лекин унинг ёнида битта-иккита насиҳатомуз байтлар келтирилса, ўқувчи ишқ тўлқинлари билан бирга муҳим тарбиявий ҳикматлар, насиҳатлардан ҳам баҳраманд бўлади. Шунинг учун дейди у, мен девонимда ҳамд-наътлардаги насиҳатли фикрлардан ташқари, ошиқона ғазалларимга ҳам насиҳат маъноли байтлар киритдим.

Бу ерда яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, ахлоқий мавзудаги адабиёт ўзи алоҳида бир йўналишдир. Буни шарқликлар «панднома» деб юритганлар. «Қобуснома» (Кайковус), «Қутадғу билиг» (Юсуф Хос Ҳожиб), «Ҳибат ул-ҳақойиқ» (Аҳмад Югнакий), «Гулистон», «Бўстон» (Шайх Саъдий), «Маҳбуб ул-қулуб» (Алишер Навоий), «Баҳористон» (Абдураҳмон Жомий), «Ахлоқи Муҳсиний», «Анвори Суҳайлий» (Кошифий) шундай типдаги асарлардир. Шунга ўхшаш «Хамса»ларнинг биринчи достонлари ҳам «панднома»ларга мазмунан яқиндир. Бироқ бу асарларда ахлоқий фалсафий-тафаккурий муҳокамалар заминида баён этилади. Достонларнинг тузилиши ҳам ўзига хос. Шунинг учун бўлса керак, илмий адабиётда бу достонлар фалсафий-ахлоқий асарлар деб юритилади. Бизнингча, бу достонларни «сўфиёна-фалсафий асарлар» деб номлаш маъқулроқ, чунки улардаги фалсафий қарашлар, асосан, сўфиёна дунёқарашни ифодалаб келган. Яна бир фикрни айтиш зарур. Гап шундаки, «ахлоқий асар», «ахлоқий ғоя» деганда, одатда, кўпроқ уқтириш, ўгит оҳангидаги асарларни назарда тутамиз. Назаримда бу масалага тор қарашдир. Бутун адабиёт ахлоқий тарбия воситасидир, бу ният баъзан уқтириш, баъзан лирик ҳиссиётларни тасвирлаш, баъзан публицистик кўтаринки, эҳтиросли шеърият, баъзан тамсил-тимсоллар қиёфасини кўтариш орқали амалга оширилган. «Махзан ул-асрор», «Матлаъ ул-анвор», «Туҳфат ул-Аҳрор» ва

---

[140] Бу ўринда биз адабий анъана ва ижодий ўзига хослик устида махсус тўхтаб утишни лозим топмадик, чунки бу масала адабиёт назариясига оид ишларда яхши ўрганилган. Навоийшунос олимларимиз ҳам буни кўп бор тилга олиб ўтганлар.

[141] *Алишер Навоий.* Мукаммал асарлар тўплами, 20 томлик, I том. «Бадойиъ ул-бидоя» Тошкент. «ФАН» 1991. 21-б.

«Ҳайрат ул-аброр» достонларида бу восита – усулларининг кўпидан фойдаланилган. Лекин ҳар бирида бу хусусият ўзгача йўлда давом этган. Инсон ахлоқи ҳақидаги улуғ шоирларнинг қарашлари уларнинг умумий фалсафий-сўфиёна фикрларидан ҳосил бўлган. Низомий, Хусрав Деҳлавий, Жомий ва Навоий инсон ахлоқига ўрта аср кишиси нуқтаи назаридан, ўзларигача жамланган илму ҳикмат асосида, сўфиёна маънолар талаби билан муносабатда бўлганлар.

Шоирлар юқорида айтганимиздай, инсонни барча махлуқотларнинг афзали, шарифи деб таърифлаб, шуни ҳам уқтирадиларки, одам ўзига муносиб яхши ишлар билан шуғулланиши, ўз номини ёмон, тубан хулқ-атвор билан бўлмаслиғи керак. Ҳасад-ҳирс, пасткашлик каби хислатлардан ҳазар этмоқ лозим, дейди Амир Хусрав. Шоир замонасининг воқеаларини кузатган, одамларни ўрганган ва шу хулосага келганки, қалби бўш, маънавий нолойиқ одамлар кўпроқ амал мансабига интиладилар. Аммо бу уларнинг пастлигини яшира олмайди:

Паст нагардад ба таманно баланд,
Гарчи ба ангушт кунад по баланд[142].

(Паст орзу билан улуғ одамга айланиш даргумон, ҳарчанд бўйини баланд қилиб кўрсатиш учун бармоқларига таяниб чўзилса ҳам).

Одамнинг мартабаси унинг ақли, шахсий қобилият ҳиммати – ҳамиятига, иродасига қараб кўтарилиши керак. Ўз насли, ота-бобосининг обрўси, қариндош-уруғ орқасидан манманлик қилиш ғирт аҳмоқлиқ дейди.

Одамӣ аст аз пайи коре бузург,
Гар накунад ин-ст ҳиморе бузург[143].

(Одам ўз ишлари билан улуғдир. Агар буни қилмаса – катта эшакдир).

Бундай инсонсеварлик ғоялари билан суғорилган, инсонни севиш, шарафлашни тарғиб этувчи сатрлар «Ҳайрат ул-аброр»да ҳам кўп топилади. Чунончи:

Конию ҳайвони агар худ набот,
Ҳар бири бир гавҳари олий сифот,
Борчасини гарчи латиф айладинг,
Борчадин инсонни шариф айладинг[144].

Улуғ ўзбек шоири инсонга биринчи навбатда ҳаётдаги фаолияти, кирду корига қараб баҳо берган. Инсон жамиятга наф келтириш, фойдали ишлар билан қадрли, фазилатли. Бошқаларига зиён етказадиган, жамият тинчлиги, осойишталигини бузадиган сийрати суратига тўғри келмайдиган кимсалар чин инсон эмас. «У жамиятнинг ҳар бир аъзосидан шоҳми, гадоми – Инсон номига «муносиб» бўлишликни талаб қилади», деб ёзади истеъдодли олим А. Абдуғафуров Навоий ҳақида. Навоий буни турли табақага мансуб шахсларнинг типик хусусиятларини ўзаро зид қўйиб очиб кўрсатган (одил ва золим шоҳ, тўғри йўл кўрсатувчи ва риёкор шайх, олим ва жоҳил, вафоли ҳамда вафосиз одам ва ҳоказо).

---

[142] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975, 89-б.

[143] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975, 89-б.

[144] А.*Навоий.* «Хамса». Танқидий матн. Нашрга тайерловчи. П. Шамсиев. Тошкент. «ФАН». 1960, 21-б.

Яхшиликнинг, одамийликнинг мезони – бу халқ манфаати учун ишлаш, халқ ғам-ташвиши билан яшашдир:

Одамий эрсанг, демагил одами
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами[145].

Шундай қизғин эҳтирос ва ўткир ҳикматона оҳангда айтилган гаплар «Маҳбуб ул-қулуб»да ҳам анча.

Навоий шундай ўзгалар ғамида юрадиган, ҳиммати баланд, ҳожатбарор, адолатпаноҳ, инсонларни шарафлайди. Маълумки, инсон аллақандай мавҳум тушунча эмас. Инсон ўз касбу кори, жамиятда эгаллаган мавқеи билан конкрет шахсдир. Агар ўрта асрларда яшаган кишиларни назарда тутсак, бу деҳқонлар, ҳунармандлар, олимлар, ижодкорлар, амирлар, шоҳлар, савдогарлар ва ҳоказодан иборат. Навоий бу тоифаларнинг ҳаммасини «Маҳбуб ул-қулуб» асарида бирма-бир таърифлаган, аммо ҳар бир гуруҳнинг ҳам яхши-ёмони борлигини кўрсатган. Ана шу тариқа зид қуйиб тасвирлаш «Ҳайрат ул-аброр»да ҳам бор. Улуғ шоир шунинг учун адолатли ва золим шоҳ, ростқавл ва риёкор шайх, карамли (саховатли) ва хасис одам, одобли ва беадаб киши, олим ва жоҳиллар хусусида ёзади, уларнинг инсоният жамияти учун фойда ёки зарарини кўрсатиб ўтади. Масалан, ўн биринчи мақолатда илмнинг фазилати ва нодонликнинг касофати ҳақида сўз боради. Аммо шоир бобни тўғридан-тўғри:

Даҳр иши то халқ ила бўлмиш ситез,
Хордур олиму жоҳил азиз[146].

деган байт билан бошлайди. Чунки замона зулмни севади, разил, жоҳилларга мартаба, мансаб поғонасига кўтарилиш насиб этади, «билик аҳли»га эса ранжу азоб:

Феъли ёмон топса рафиъ айлабон,
Ҳукмиға оламни мутиъ айлабон[147].

Ёмон одам бошқаларни ўзига мутеъ этса, яхшилар, оқил, донолар хор бўлади, лаълдек қимматли, кўнгли пок одамлар «кўҳи боло остида ғамнок» яшайдилар. Навоий хулқи рафтори даррандалик бўлган нокаслар шоҳ саройида иззат-ҳурматда яшайдилар, дейди. Шоир илм олишнинг машаққатли азобларини тасвирлайди. Қашшоқ, оч-яланғоч муллаваччалар аянчли аҳволда мадрасаларда куну тун таҳсил кўриб, илм ўрганадилар, мақсадга эришиш учун барча нарсадан, ҳатто ҳаёт неъматларидан ҳам воз кечадилар:

Ғурбат аро ҳоли ёмондин ёмон,
Ҳар не йўқ андин ёмон, андин ёмон[148].

Лекин афсусланадиган ва ажабланадиган жойи шуки, деб куюнади Навоий, «бир жоҳили котилваш», «сўзи ҳам ўзи ҳам нохуш» дину диёнати йўқ, жоҳил одамлар мол-мулк эгаси, мансабу мартабали. Яна ажабланарлиси шуки, бу разил, нодон одамлар хизматида нечта олиму донишманд юради, мулозимлик қилади. Навоий бундай олимларни ёмон кўрган. Шоир агар ҳар қанча муҳтож бўлсанг ҳам паст, жоҳил кишининг хизматида бўлма, бошингни кўтариб озод юргин, дейди:

---

[145] *Ўша асар*, 104-б.
[146] Ўша асар, 94-б.
[147] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкснт, «ФАН», 1960, 94-б.
[148] Ўша асар, 95-б.

Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзини-ю халқини гумроҳ этар[149].

Илм-амал, мансаб воситаси эмас, балки халққа хизмат қилиш қуролидир. Олим дунё молига меҳр қўймаслиги керак:

Солмаса кўз жифаи дунё сари,
Боқмаса туз дунйии фони сари.
Они шараф гавҳарининг кони бил,
*Гавҳару кон, ҳарне десанг, они бил*150.

Шу тариқа кўрамизки, Алишер Навоий инсоннинг муҳим фазилатларидан бири сифатида билимдонликни кўрсатади. Бу ерда муҳими шуки, улуғ шоир конкрет суратда ўз даврининг воқеаларидан келиб чиқиб, нотавон, камбағал болалари учун илму урфон эгаллашнинг ниҳоятда қийин экани, энг ёмони шу азоб билан билимдон бўлганлар хору нодон, разиллар эса роҳатда яшашни бир дард, алам билан тасвирлаган. Шоирнинг муносабати, жамиятнинг нотекислиги, адолат йўқлигини очиқ-ойдин ёзиши Навоий инсонпарварлигининг қудратини оширган, унинг ғоялари ҳаётийроқ, таъсирлироқ бўлиб чиқишини таъмин этган.

Илм ҳақидаги боб Хусрав Деҳлавийда ҳам бор. «Матлаъ ул-анвор»нинг иккинчи мақолати шу мавзуга бағишланган Хусрав ҳам илмни улуғлаб, жаҳолатни танқид қилади. Унингча, илм бу қоронғу кечада йўл кўрсатувчи чироқдир. Чироғи бўлмаган одам қудуққа тушиб кетади. Илм билан кучли бўлган одам зарру гавҳарга эътибор қилмайди, ҳам илм ва ҳам бойлиги бор одам камдир. Олим ўз илми билан ҳам ёки жоҳил шоҳу султон бўлса ҳам, дунёни эгалласа ҳам авомдир, пастдир:

Гарчи кашад гов ҷуволи гуҳар.
Бор зиёдат шавадаш, не ҳунар[151].

(Ҳўкизга гавҳар қопи ортилган билан юки ортади, лекин ҳунари ортмайди).

Хусрав ўзини билимдон кўрсатишга ўринган нодон кишилар, ясан-тусан қилиб юрадиган одамлардан кулади. Хусрав Деҳлавий олим билан жоҳилни турли кўринишларда солиштириб, ҳақиқий илм эгасининг фазилатларини бир-бир санаб чиқади. Илмда ҳийла, манманлик, ялқовлик, мақтанчоқлик зиён келтиради. Илм оламан деган одам майпарастлик, ишқбозликдан воз кечиши керак:

Илм чунон хон, ки зи паси зиндагӣ,
Хоби ту бошад шарафи бандагӣ[152].

(Илмни шу қадар ўргангинки, ўлганингдан сўнг, сенинг уйқунг одамийлик шарафи бўлсин). Олим одамнинг аъмоли ҳам ўзига ярашадиган, хулқи покиза бўлиши керак.

«Матлаъ ул-анвор»нинг учинчи мақолати сўз фазилати таърифига бағишланган. Хусрав Деҳлавий анъанага мувофиқ сўзнинг инсон камолоти учун аҳамиятини махсус таъкидлаб ўтади. Унинг назарида инсонни ҳайвондан ажратиб турган сифатлардан бири – бу унинг нутқи, тили. Аммо шоир сўзнинг кенг маънода олиб қараган: сўз – алоқа воситаси бўлмиш тил, сўз – дунёни англаш воситаси, ақлнинг иродаси, сўз – маънавий-бадиий етуклик, фаросат, заковат белгиси. Инсоннинг тили мўъжизалар яратишга қодир, у барча бунёдкорликлар, ижод ва истеъдоднинг калити.

---

[149] Ўша асар, 97-б.

[150] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкснт, «ФАН», 1960, 97-б.

[151] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука». М.,1975, 98-б.

[152] Ўша асар, 103-б.

Ақл, билим сўз орқали ўз қудратини намоён қилади. Ақл ва сўз бир-бири билан опа-сингил, ўз навбатида иккаласи жонга кўкалдош:

Ин хираду нутқ, ки з-они туанд,
Ҳар ду ду ҳамшираи ҷони туанд[153].

(Бу ақл ва нутққим, сенинг мулкингдирлар. Иккаласи жонингнинг сингилларидир).

Ақл – инсоннинг буюк қудрати, хазинаси, аммо бу хазинанинг калити тил, нутқидир. Хусрав Деҳлавий сўзни илоҳий неъмат, мутлақ руҳнинг файзи деб таъриф этади. Сўз кишининг дилига ғулғула солади, бардамлик бағишлайди, ҳаётга муҳаббатни оширади. Ишқ розининг изҳори, кўнгилдаги яширин сирлар, буюк ҳикматлар ҳам сўз воситасида дунё юзини кўриб, ажиб савдолар қўзғата олади. Бас, сўз инсон безаги, камолоти нишонаси экан, бошқа ҳамма нарсадан уни азиз ва мукаррам тутиш керак. Бадиий сўзнинг қадрини кўтариш лозим. Сўз ҳар қандай қимматбаҳо ганждан ҳам қимматлидир, деб таъкидлайди Амир Хусрав Деҳлавий:

Чанд зи поси дирам афтӣ ба ранҷ,
Поси сухан дор, ки онаст ганҷ.
Аблаҳӣ ар сурфаи зар мекунӣ,
Сурфаи гуфтор кун ар мекунӣ.
Гарчи туро риштаи гавҳар басест,
Гар ба маҳал сарф нагардад, хасест.
Мард, ки ӯ таҷрибаи кор кард,
Харҷи ҳама чиз баҳинҷор кард[154].

(Дирам – олтин кетидан қувиб, бунча азоб чекасан. Сўзни йиғ, сўзни эҳтиёт қил, чунки ганж шудир. Зардан ҳамён тўлдирсанг – аблаҳсан, ҳамён тўлдирмоқчи бўлсанг, сўздан ҳамён қил. Ўзингга бор шода гавҳар етарли бўлса ҳам, агар уни ўз вақтида сарфламасанг, хас билан баробардир. Тажрибали эрлар, ҳамма нарсанинг харажатини меъёри билан қиладилар).

Шундай қилиб, шоир худди хазинани эҳтиётлаб сарфлаш қандай фойдали бўлса, сўзни ўз ўрнида эҳтиёт қилиб қўллаш, бўлар-бўлмасга вайсамасликни маслаҳат беради. Шоир беҳуда гапириш кишининг обрўсини тўкади, бебурд қилиб қўяди, дейди. Шунинг учун сўзни ҳам маънодор қилиб сўзлашга интилиш яхши. Маъноли, нозиксўзли эса тушунадиган, қадрига етадиган фаҳмли, идрокли одамлар тушуниб завқланадилар. Бундай суҳбатларнинг тарбиявий аҳамияти катта. Хусрав Деҳлавий рост сўзлаш, сўз билан ишнинг (амалнинг) мувофиқ келишини таъкидлаб, ёлғончиликни қаттиқ танқид қилади.

Лаъл, ки он рост кунанд аз дурўғ,
Қадр надорад, ки надорад фурўғ[155].

(Агар лаъл ҳам ёлғондан ясалган бўлса, яъни сунъий сохта бўлса қадрланмайди, чунки ясама лаълнинг товланиши ҳам йўқ).

Ёлғончининг ишида барака бўлмайди, халқни алдаш билан ёмон йўлга бошлайди. Хуллас, ёлғончи жамият учун зарарли одам. Қизиғи шундаки, Хусрав Деҳлавий ўзи шоир бўл-

---

[153] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева. «Наука», М., 1975. 112-б.

[154] Ўша асар, 113-б.

[155] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррнмова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975, 115-б.

гани ҳолда шоирларни ҳам ёлғончилар қаторига қўшган.

Қавли се кас нест ба даҳр устувор,
Шоиру қуръазану ахтаршумор.[156]

(Дунёда уч кишининг сўзига эътимод йўқ, шоир фолбин ва мунажжим).

Афтидан Хусрав Деҳлавий маддоҳлик билан кун кўрадиган золим хонларни адолатпаноҳ деб мақтаб мукофот оладиган қасидагўй шоирларни назарда тутади. Чунки улар ҳақиқатдан ҳам йўқ сифатларни қаторлаштириб, баландпарвоз ташбеҳлар билан шоҳу вазирларни тавсиф-таъриф этиб эвазига мукофотлар оладилар. Шу аснода Амир Хусрав адабиётини аслзодалар эрмагига айлантирган, унинг обрў-эътиборини тўккан тамагир шоирларга нисбатан салбий муносабат билдиради. Шу каби у фолбинлар ва мунажжимларни ҳам ортиқча одамлар, фирибгар кишилар сифатида тилга олиб ўтган.

Улуғ шоир ваъдабозлик, соф-муболаға қилиб, бирни мингга йўйиб юрадиган кимсалар, сўзида турмайдиган вафосизларни танқид қилган. Тилнинг инсон учун тенгсиз неъмат, қурол эканлиги, унинг воситасида инсон не-не улуғ ишларни амалга ошириши мумкинлигини қайд этиб, шоир бу қуролдан эҳтиёт қилиб фойдаланмаса, зарар келтиришини ҳам кўрсатади. Амир Хусрав ҳар нарсани айтавериш, одамлар кўнглини оғритадиган гаплар гапириб юриш хунук одат, дейди. Тил фақат эзгу ишлар учун хизмат қилиши керак. Одам яхши сўзни эшитиб, яхши, латиф сўз айтиб, кишилар қалбини хурсанд қиладиган бўлиши керак.

Не ҳама гуфтор аз инсон хуш аст,
Ҳар чи писандида бувад – он хуш аст[157].

(Инсоннинг ҳамма айтадигани ҳам хуш эмас, одамларга маъқул бўлгани хушдир).

Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» асарида ҳам сўз ҳақида алоҳида боблар бор. Боблар деганимизнинг маъноси шуки, Навоий ўн тўрт ва ўн бешинчи бобларини сўз таърифига бағишлагандан ташқари, унинчи мақолатда (ростлик таърифидаким, вужуд уйи бу туз устун била барпой) ҳам ростлик ва ёлғончилик хусусида фикр баён этиб, «Шер ва Дуррож» ҳикоясини келтириш орқали ёлғоннинг кулфатини кўрсатиб беради. Ўзбек шоири ўн тўртинчи бобда сўзнинг аҳамияти, инсонни улуғлаш хусусиятини баён этади:

Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,
Руҳ доғи тан аро сўздин ҳалок.
Тиргузуб ўлганни каломи фасиҳ,
Ўзига жонбахш лақаб деб Масиҳ.
Боис ўлуб шаҳ сўзи бедодға,
Туҳмат ўлуб ўртада жаллодға[158].

Шоир сўзнинг икки хил хусусияти ҳам яхшилик ва ҳам ёмонликка хизмат қилишни таъкидлаган. Сўз ўликни турғизиши ҳам, тирик одамни ўлдириши ҳам мумкин. Шоирнинг бир оғиз сўзи зулмни авж олдира олади ёки адолатни барқарор этади.

Навоий бадиий сўз устида тўхтаган:
Дафтари назмида чу шерозадур,
Гул варақи гулшан аро тозадур.
Узди чу шерозасини дафтари.
Ел учурур ҳар варақин бир сари.

---

[156] Ўша асар, 14-б.

[157] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975, 122-б.

[158] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқиднй матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев.Тошкент, «ФАН», 1960, 33-б.

Назм анга гулшанда очилмоғлиги,
Наср қаро ерга сочилмоғлиғи[159].

Бунда қадимгиларнинг эстетик қараши, яъни шеърий асарни прозадан устун қўйишлари ўз ифодасини топган. Навоий сўзда маънонинг аҳамиятини таъкидлаган. Шунингдек, сўзнинг ҳусни, чиройли шаклда бўлиши ҳам муҳим деб билади. Навоий лофчи, бемаза, бетаъсир кишиларнинг сўзини тинглашдан кўра одам ўзини пичоқ билан тилка-пора қилса афзалроқдир, деб ёзади. Навоий шу каби қофиябоз шоирлар, тутуруқсиз сатрларни тизиб шеър деб ўқиб юрувчи табъи паст кишиларни ҳам ёмон кўради. Бу ерда у устози Амир Хусрав қарашларига қўшилади. Шеърнинг асосида ҳақиқат ётиши, кишиларни тўғри йўлга ҳидоят этувчи рост сўзлар бўлишини талаб қилади.

«Матлаъ ул-анвор»нинг навбатдаги мақолати тақво ва унинг фазилатига бағишланган. Унда шаҳвоний нафсни тийиш, қаноат ҳақида гап боради, шаробхўрликнинг хунук оқибатлари қораланади. Боб қўйидаги боблар билан бошланади:

Эй шуда бозичаи дасти ҳаво,
Карда равое ба раҳи нораво,
Ҷаҳду вубол-инчи паришонияст,
Тарки худо-инчи мусулмонияст[160].

(Ҳою ҳавас қўлида ўйинчоқ бўлиб, нораво, нодуруст йўлга кирган одам, гуноҳ қилишга жаҳд қиласан – бу қандай паришонлик, худони танимайсан – бу қанақа мусулмонлик).

Хусрав Деҳлавий ана шу огоҳлантириш билан сўзни бошлаб, ҳаром нарсалардан парҳез қилмайдиган, тақвосиз, бетавфиқ одамларнинг хусусиятини бир-бир баён этиб, уларни бу ёмон йўлдан қайтаришга даъват этади. Табибга мурожаат этишдан олдин одам ўзини ўзи даволаши, яъни ўзини ўзи эҳтиёт қилиб, ифлос, ношоиста қиликлардан ҳазар қилиши даркор. Кишиларнинг қадри семизлиги, қанча овқат ейиши билан эмас, балки ақлу фаросати, амалий-фойдали ишлари билан ўлчанади. Шу сабабли тақво, яъни қаноат қилиш, тийилишнинг фойдаси катта. Қаноат, тақво кишини ёмон йўлга киришдан сақлайди, иродасини мустаҳкамлайди.

Лавс чу пур шуд ба ҳалокат кашад,
Об чу пур гашт ба хокат кашад[161].

(Ифлослик, палидлик кўпайса, ҳалокатга олиб боради, агар сўв тошса сени тупроққа олиб боради, яъни гўрга тиқади).

Ифлослик нафснинг ёмонлиги, тан роҳатига ўчликдан ҳосил бўлади. У бора-бора жонни азоблаб, мажруҳ этади, руҳ сўниб, танни идора қилолмайдиган бўлиб қолади. Нопокликнинг белгилари сифатида ҳиндустонлик шоир шаробхўрлик билан фоҳишабозликни кўрсатган. Буларнинг иккаласи ҳам инсон умрини завол этадиган, инсон шарафини булғайдиган иллатлардир, деб таърифлайди:

---

[159] Ўша асар, 34-б.

[160] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 139-б.

[161] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М.. 1975 г., 140-б.

Чист шароб? – оби шарр омехта,
Нақди кабоби намакаш рехта.
Хурдани май ҳар бадиерост сар,
В-онки бадаш мехўрад, он худ батар[162].

(Шароб нима? – Ёмонлик қўшилган сув, тузи тўкилиб кетган, бемаза қабоб. Май ичиш ҳар қандай ёмонликнинг боши – бошланишидир, ёмон нарсани истеъмол этган эса ёмондан-ёмон).

Хусрав Деҳлавий маст одамларнинг ифлос уст-боши, сассиқ бадани, ярамас қилиқларини нафрат билан тилга олиб, ўқувчининг нафратини қўзғатишга интилган. Маст ҳаммага масхара, эътибор-обрўйи йўқ одам. Маст кишининг тавозесига ишониш қийин, чунки бу тавозеъ бода ундириш учун бўлган хушомаддир.

Майпараст одамни шоир девга ўхшатади, чунки дев инсоннинг аксидир, инсон ўзига лойиқ кўрмаган нарсани дев қилади. Дев ёвузлик, бузғунчилик ва фалокат келтирувчи куч, май ҳам шундай. Маст одамда субут, собитқадамлик бўлмайди: «Мастию собитқадамий кай бувад?» (Мастлик билан собитқадамлик ўзаро мувофиқ эмас). Хусрав Деҳлавийнинг уқтиришича май билан зино қилиш, яъни фоҳишабозлик бир бирини чақирадиган нарсалар, яъни майпарастлик бўлган жойда фоҳишабозлик ҳам бўлади:

Шурбу зино тира кунад ройро,
Шоҳиду май суст кунад пойро.
Шишаи май, к-ўст ба ҳамли фасод,
Чист, к-аз он «умми хабоис» назод[163].

(Ичиш ва зино қилиш ақлу ҳушни хиралаштиради, ўйнаш билан май оёқни ҳолсизлантиради. Фасод юки билан ҳомиладор бўлган май шишаси «умми хабоис», яъни «фалокатлар онаси» туғмай бошқа нима қиларди.) Бу икки ишга ружуъ қўйган одамнинг ўзи ҳам фалокат ва ифлосликлар уясига айланиб қолади, иши чаппасига кетади, одамлар ундан ҳазар қила бошлайдилар. Айниқса, ёшлар бундай майпарастларга ўч бўладилар, лекин ўзларининг ботқоққа ботиб қолганларини сезмайдилар. Фаҳш билан шуғулланган одам ўзининг ёшлик қуввати жамланган ноёб гавҳарларини беҳуда сарфлаб, бора-бора ожиз-нотавон бўлиб қолишини билармикин, яъни:

Қатра, ки аз пушти дурушти ту рехт,
Гавҳаре аз мўҳраи пушти ту рехт.
Гавҳари силки ту чу рафт аз миён,
Мўҳраи махмал шуд аз ресмон[164].

(Сенинг қаттиқ орқангдан томган қатралар – орқа суягинг ичидан сизиб чиққан гавҳарлардир. Белингдан тоза тизилган гавҳарнинг кетгандан сўнг юмшоқ бахмал белбоғининг ипи қолади, холос).

Шаҳватдан лоф урган одам мард эмас, мардлик ўз нафсини тия билиш, нафсини бошқара олишдир. Кўринадики Хусрав Деҳлавий маишатпарастликни, майхўрлик ва фоҳишабозликни инсоннинг салбий хислатлари қаторига қўшибгина қолмай, балки инсон зотига нолойиқ деб ҳисобланган. Бу фикрлар шоир яшаган XIV аср ҳаёти учун ҳам, ундан кейин ҳам, ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотган эмас. Хусрав Деҳлавий бундай одамларни кўп кўрган,

---

[162] Ўша асар, 142-б.

[163] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М.,1975 г., 143-б.

[164] Ўша асар, 143-б.

хусусан, юқори табақа вакиллари орасида майхўрлик, бузуқлик авжида эди. Шоирнинг аччиқ танқиди, ҳажвининг тиғи шуларга қарши қаратилган эди:

Зард нахоҳӣ зи зино рӯйро,
Парда фикан чашми зиноҷӯйро...
Расми сагонаст ба ҳар сӯ нигоҳ,
Шер сарафканда хиромад ба роҳ[165].

(Зино қилишдан юзинг сарғаймасин, обрўйим кетмасин десанг, зинога ўч кўзга парда тут. Ҳар томонга қараш итларнинг одатидир, бошини қуйи солиб шер ўз йулида кетаверади).

Аммо улуғ шоир алам билан шуни ёзадики, девсифат ичида шайтон уя қўрган, нияти фаҳму фалокат бўлган одамлар эътиборда, амал-мансаб эгаси:

Ин чи замон аст, ки дар ҳар тараф,
Ҳаст ба фисқ аҳли ҷаҳонро шараф.
Ҳар нафасе кори гунаҳ пештар,
Хории дин бошад аз ин бештар[166].

(Бу қанақа замонки, ҳар тарафда аҳли дунё фисқу фасод билан шараф топмоқда. Ҳар нафасда гуноҳ ишлар кўпаймоқда, бундан дину диёнат баттар хор бўлмоқда).

Баъзан эса бундай одамларни, яъни номигагина тақводор кишиларни вали деб улуғлаш ҳоллари ҳам бўлган. Деҳлавий ёмонлик, паст ишлар билан шуғулланиш айб бўлмай қолди, ёмонликнинг чироғи ёниқ, бошқача айтганда, уларнинг чироғи ифлосланган ёғ билан ёниб турибди деб ҳасрат чекади:

Вой, на як бор ки сад бор вой,
З-ин ҳама габрони мусулмоннамой[167].

(Бир эмас, юз бор вой, ўзларини мусулмон санаган габркофирлар дастидан дод).

Хусрав Деҳлавий мусулмонлик деб, яхши хислатларни мужассам этиш, ёмон йўлга қадам қўймасликни тушунган. Шу сабабли у ёмон хислатларнинг барини дину иймондан чиқиш деб таърифламоқчи бўлади. Унингча, худопарастлик билан, комил мусулмон бўлиш билан яхши ахлоқли бўлиш айни бир ишдир. Бунинг учун гуманист шоирни айблашга ҳаққимиз йўқ. Зероки, биринчидан, у ўз даврининг одами эди ва яхшилик, ззгу сифатларини диннинг поклигини сақлаш билан боғлаб тушунтиради, иккинчидан, шоирнинг нияти тўғри. У ўз фикрини нимага суяниб, қайси йўсинда ифодаламасин, асосий ғояси инсонда инсоний хислатларни кўриш, инсонни ҳимоя қилишдир. Шу муносабат билан Хусрав Деҳлавий риёкор дин арбобларининг кирдикорини фош этган. Хилватда зино қилиш, шаробхўрлик ва бошқа қабиҳ ишларни қилиб юрган, лекин хаққа ўзини пок мусулмон қилиб кўрсагадиган иккиюзламачи, мунофиқ муллолар, шайх ва зоҳидларни ҳажв этган. Шоирнинг бу қарашлари кейинчалик ҳам бошқа шоирлар томонидан давом этирилди. Жумладан, улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонида бу мавзулар янги замонга мослаб, бошқа обуранг билан ишланган. Навоий бу мавзуларнинг ҳар бирига бир боб мақолат ажратади. Чунончи, бадмаст майпарастларга бир боб, олифта зинобозларга бир боб, риёкор шайхлар мазамматига бир боб бағишлаган. Масалан, шоирнинг май ва майхўрлик ҳақидаги фикрла-

---

[165] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критичес кого текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975г, 144-б.

[166] Ўша асар, 146-б.

[167] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975, 146-б.

рини кўздан кечириб чиқайлик.

Бу ўринда шуни айтиш керакки, Навоийнинг салафлари Низомий, Хусрав Деҳлавий, Саъдий, Ҳофиз ижодларида ҳам май ва майхўрлик ҳақида гап кетсада, лекин уларда бу нарса муҳокама мавзусига айланмаган ва қаттиқ қораланмаган. Алишер Навоий эса Баҳром Гўр образи орқали майпараст шоҳнинг фожиасини кўрсатиб, Ҳусайн Бойқарони ундан сабоқ олишга чақирган. Бунинг сабаби шуки, майхўрлик, айшу ишратга берилиш XV асрда Ҳиротда кенг авж олади, фақат султон саройидагина эмас, бошқа жойларда ҳам ҳоким-амалдорлар, сипоҳийлар, ҳатто дин арбоблари шайху қозилар бўш вақтларини базми жамшидлар уюштириб, майхўрлик қилиш билан ўтказганлар. Чоғир ичиш бора-бора аҳолининг қуйи табақалари ҳаётига ҳам кириб келган, хонақоҳ, мадрасаларда тунни бедор ўтказган мастларнинг шовқин-сурони, бебошликлари кўнгилсиз воқеаларга олиб келган. Бу улуғ гуманист Алишер Навоийни ташвишга солмасдан қолмасди, шунинг учун ўз асарларида бу бемазза одатга қарши чиқиб, бадмастликнинг хунук оқибатларини кўрсатиш билан фалокатниг олдини олмоқчи бўлади.

Майхўрликка ҳирс қўйиш ёшларнинг ҳаётини заҳарлагани, истеъдодини барбод этганини Навоий «Мажолис ун-нафоис»да шоирлардан Саййид Қуроза, Саййид Қутб Лакаданг ва Мавлоно Ҳайдар котиб мисолида бир ачиниш билан қайд қилади. Шоир Мавлоно Ҳайдарни «чоғир андоқ мағлуб қилур эрдиким, ихтиёри ҳеч бир ишда йўқ эрди», деб ёзади. Саййид Қуроза билан Қутб Лакаданг Самарқанддан Ҳиротга илм таҳсили учун борган ёшлар бўлиб, Навоий уларни ўз тарбиясига олади, мадрасага жойлаб маош тайинлайди. Бироқ бу иккиси илм ўрганиш, шоирлик маҳоратини ошириш ўрнига чоғир ичиш билан шуғулланадилар, қиморбозлик, фаҳш, йўлтусарлик каби бадахлоқ қилиқларга қўшилиб, бошқа қабиҳ ишларни ҳам қиладилар. Навоий буларни тергаб турган бўлса-да, лекин таъсир қилмаган. Саййид Қуроза охири Ҳиротда туролмай, Самарқандга келади ва Самарқанд «ҳамройлари бирла заду хурд қилиб, ғолиб бўлмаса, дағи мағлуб ҳам бўлмай», авбошларга қўшилади. Қутб Лакаданг эса мастлик чоғида катта бир гуноҳ ишга қўл ургани сабабли ўлим жазосига ҳукм қилинади. Алишер Навоий аралашиб, қатл ҳукмини зиндон жазосига алмаштиради. Бироқ бу «нокасгина» миннатдорчилик билдириб, тавба-тазарруъ қилиш ва туз йўлга кириб одам бўлишни уйламасдан яна зиндондан қочиб Самарқандга кетади. Саййид Қуроза тўдасига қўшилиб, аввалги палид ишларини давом эттиради. Маълум буладики, Навоий сабру тоқатли мураббий сифатида охиригача кўриниб турган, турли тадбир-чора қўллаб кўрган. Аммо бу ёшлар табиатида ёвуз, ҳайвоний ҳирслар буткул ғалаба қозониб, инсоний руҳларини мағлуб этганини кўргач, афсусланиб қўя қолган.

Навоий назарида майга ружуъ қилиш жаҳолат ва нодонликнинг нишонаси, инсоний фазилатлардан маҳрум, ўз қадру қимматини билмаган одамгина бу йўлга кириши мумкин. Одатда, манман, кибру ҳаво димоғини шиширган нодон кишилар кўпроқ шаробга ўч бўладилар. Уларнинг табиати май кўпигига қиёс этгулик: кўпик бир кўтарилиб, дарров йўқолгани каби сархуш кишининг ҳовлиқишлари, шердил бўлиб хезланиши бир дам хуруж қилиб, кейин сўниб қолади. Мастлик пайтида одамдаги ҳайвоний кучлар бош кўтаради, киши ўзини идора қилолмай, ношаръий қилиқлар кўрсатади. Шунинг учун Алишер Навоий майни барча ярамасликларнинг онаси – «уммул хабоис» эканлигини баён этган.

“Жами ёмонлик андин мутаваллид бўлур” деб ёзади у Ҳусаин Бойқарога йўллаган мактубларидан бирида. Майхўр шоҳ раият аҳволидан бехабар қолади, адолатни унутади. Султон нафақат бу одатни тарк этиши, балки бошқаларга ҳам буни ман этмоғи лозим. Шоир «Маҳбуб ул-қулуб»да танбеҳ юзасидан дейди: «Май ичмак наҳй (ман қилинган) эрур Тан-

гри қавли била, ҳар ҳол била анинг тарки авло... Ямонроқ ичгувчи анга мағлуброқ ҳар неча ямонлиғи зоҳир бўлса, анинг қошида маҳбуброқ. Бадмастқа дамодам ичмоғидин не баҳриким, одамийлик қатлиға ичар қадаҳ-қадаҳ заҳар. Ҳар оқшом усруклардин хориж тарона – телба итлар улошқонидин нишона»[168].

Демак, майпарастлик одамийликни ўлдириш, ўз-ўзини заҳарлаш билан баробар. Майнинг ҳар қатраси инсон баданидаги ҳаёт шарбатини сиқиб чиқарувчи «моддаи фасод»- дир, ҳар журъаси «селоби балоға» тенг деб ўқтиради Навоий. Шундай бўлгандан кейин беҳад ранжу кулфат келтирадиган тириклик душмани бу касофатдан қутулиш афзал эмасмикин, ичиб, маст бўлиб юришдан нима фойда, нима ҳузур? «Ани ичмак – жигар конини ичмақдир ва мундин кечмак – бир жигаргўшадин кечмакдир. Ул бирин ютмоқдин заҳр ютма, бу бирин сочмоқдин наслинг тухмин қурутма»[169]. Қанчалик башоратли гаплар. Майхўрлик кони зиён эканини, у саломатликнинг кушандаси, ҳаёт қотили бўлиш билан бирга, наслга ҳам таъсир этади, бора-бора бутун бир халқ миллатнинг уруғини қуритиши мумкинлигини буюк шоир ўша пайтлардаёқ ҳис этиб, одамларни огоҳлантирган, ўз нуфузидан фойдаланиб бу ижтимоий фалокатга қарши бош кўтарган, бонг урган. Бу фикрлар, бу оташин эҳтиросли сўзлар бизнинг давримизга ҳамоҳанг, ҳамдард бўлиб жаранглаётганини кўриб турибсиз. Навоийнинг улуғворлиги, унинг асарларида кўтарилган гуманистик ғояларнинг ўлмаслиги ва абадийлигига яна бир гувоҳ бу. Зотан, классик адабиётимизнинг буюклиги ҳам шундаки, улар ўз даври кишиларини энг кўп қизиқтирган ўз замони учун актуал, муҳим ҳисобланган проблемаларни қаламга олганлар, халқнинг безовта виждони, жонкуяр, фидойи кишиси сифатида ёниб ижод қилганлар ва худди шу хусусият уларни ҳар бир давр, ҳар бир авлодга севимли қилиб қўяди, мақбул ва маъқул бўлиб, курашларига ҳамроҳлик қилади.

«Маҳбуб ул-қулуб»да Навоий заҳарханда сўзлар билан бадмастликнинг «таърифини» келтириб, ўзининг салбий фикрларини баён этган бўлса, «Ҳайрат ул-аброр»да унинг умумлашма ҳажвий образни яратган. Афтидан, шоир майхонага айланган хонақоҳлар, кўча-кўйларда ичиб ғавғо кўтариб юрган сохта «ринд»ларни, олифта сатанглару сўфий қаландарларни тез-тез учратиб турган. Достоннинг «Жаҳл майининг дурдкашлари шаънидаким, салоҳ (яхшилик хирқалари масъият (гуноҳ) илкидан чок эрур ва май жаҳлиинг сархушлари бобидаким, ҳар бири майхона эшигида масту бебок юрур...»[170] деб бошланувчи ўн бешинчи мақолатини ўқир эканмиз, улуғ адибнинг кузатувчанлигини, воқеанинг майда деталларгача аниқ, реал тасвирлаб, майзада бир нотавон, ожиз ва жирканч қиёфани гавдалантирганини кўриб, қойил қоламиз. Маст одам мажлисдан кўчага чиққанда, итлар уни қуршаб олиб, базм қурадилар, ёш болалар эса унга тош отиб, эрмак қиладилар. Маст эса буларнинг ҳаммасидан бехабар, девонага ўхшаб ҳуши ўзида эмас, Оёғида тик туролмайди. Салла-дастори чувалган, боши, башараси тамға, дарахтларга урилиб, ёрилгандан қон оқиб туради. Балчиққа йиқилиб, ағанаб олиб, кўлмакдаги ҳаром сувни оби кавсар деб ичади, қусуғидан соқол-мўйлови булғанган, кийимлари ифлос, иркит.

Гаҳ йиқилиб, гаҳ қўпуб ул ҳар нафас,
Маст солиб ҳар сори қўл ҳар нафас.
Май қилибон беҳуда ҳолин анинг,

---

[168] *Алишер Навоий.* Асарлар. 15 томлик, 13-том, Тошкент. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966, 67–68-б.

[169] *Алишер Навоий.* Асарлар. 15 томлик, 13-том, Тошкент. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966, 79-б.

[170] *А.Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960, 111-б.

Қай қилиб олуда сақолин анинг...
Қай сақолин ҳар неча нопок этиб,
Ит яламоқ бирла яна пок этиб[171].

Шу аҳволда ҳам, агар мабодо бир зум ўзига келса, яна май сўрайди, деб ёзади шоир. Чунки у ўзининг инсоний қиёфасини йўқотгани, тубанлашиб, одам жирканадиган ҳайвонлар қиёфасига кириб қолганига иқрор эмас. Бунинг устига, тун ўғриси, роҳзанлар ёнидаги ҳамёни, қимматбаҳо нарсаларини шилиб кетадилар, кийимларини эса ўликдан кафанни ажратиб олгандай, асос, яъни тартиб қўриқловчи миршаб ечинтириб олиб кетади... Маст одам бўлса, совуқдан дийдираб, уйини қидириб, аммо боши айлангандан уйини ҳам тополмасдан сарсон-саргардон тонггача кўча кезиб чиқади.

Дема хумор, они дегил юз бало,
Жамъ ўлубу они қилиб мубтало [172]

Бироқ ачинарлиси шуки, дея давом этади Навоий, бундай кишилар шунчалик билан изза бўлмайдилар. Тағин ўзларининг шарманда аҳволларини риндлик, йигитлик айёмининг шўхлиги, қаллошлик (олифта чапанилик) деб оқламоқчи бўладилар. Лекин бу ғирт бемаънилик, димоққа қўнган жаҳолатнинг хуружи, холос. Ахир, йигитликни кўрсатиш, жавонмардлик балчиққа ағнаб ётиб, одамларга кулги бўлиш эмас-ку, – дея хитоб қилади шоир киноя аралаш. Аксинча, бу йигитлик шаънини бўлғаш, ҳаё-номусни буткул йўқотиб, ўзни қабоҳат қучоғига оғишдир. Хўйи бадга гирифтор бўлган одам мана шунақа ҳар хил баҳоналар қилади, танбеҳ-насиҳатлар ҳам кор қилмайди. Навоий бундай бетамиз шахсларни ҳар қанча калтак еса-да, қозон атрофида ўралашиб юриб, қорин тўйғизадиган беор итларга ўхшатиб, ёзади:

Итки қозон ошиға тегурди тил,
Юз қаролиқ биладурур юз қизил[173].

Яъни: қозон ошидан еган итнинг қорин тўқлиги, юзининг яшнаб туриши (айни вақтда калтакдан қонаши ҳам) юз қаролиғи беномуслигининг натижасидир (айни вақта қозон қуясига сурканиб башарасининг қора бўлиши ҳам). Шундан сўнг шоир яна иккита ўхшатиш қилиб, майпараст одамнинг феъл-хўйини равшанроқ очишга муваффақ бўлган. Бириси шуки, майпараст одам ўлдираверіб, қон тўкишга одатланиб қолган жаллод мисолидир, у ўз ўғлини қатл этса ҳам хурсанд булаверади. Дарҳақиқат, бутун фикру хаёли бир қултум шароб топиб ичишга қаратилган киши қотиллик қилиши, мудҳиш жиноятларга қўл уриши ҳеч гапмас. Бундан ташқари, мастликнинг ўзи қотиллик билан баробардирки, Навоий буни очиқ айтганини юқорида кўрдик. Иккинчиси – майпараст мурдор ва ахлат ҳидидан табъи хуш бўладиган «амборкаш» эшак кабидир. Бўлмаса ҳаётнинг шунча нозу неъматлари, ширин шарбатлари тўрганида бадбўй, аччиқ бир нарсага ружуъ қўярмиди? Кўриниб турибдики, бадмаст одамларга нисбатан шоирнинг нафрати чексиз, бундай тубан ахлоқни кишилардан ҳазар қилганини сезиш қийин эмас. Аммо шунча ғазабу нафрат замирида гуманист инсоннинг ачинишини ҳам ҳис этамиз. Бунга қаноат ҳосил қилиш учун ўн бешинчи мақолатни охиригача ўқиб чиқиш кифоя.

Алишер Навоий шаробхўрлик касалининг ҳалокатли оқибатларини умумлаштириб, шуни таъкидлайдики, май фақат ичувчи одамнинг вужудини емириб, унинг инсоний борлигини барбод этадиган нарса бўлмай, балки оила, қолаверса, бутун жамият асосларини емирадиган даҳшатли селдир, унинг туғёнидан на шоҳ қасри ва на гадонинг кулбаси омон

---

[171] *Ўша асар*, 111-б.
[172] Ўша асар, 112-б.
[173] *А.Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 и., 112-б.

қолади. Бу офат келтирадиган селгина эмас, дўзах ўтидан ҳам кучли, «етти кўкни ёндирувчи» оловдир. Қизиғи шундаки, Навоий майпараст одамнинг тавбасига ишониш ҳам қийин деб уқтиради – улар бир неча бор ичмасликка қасам ичиб, яна ичаверадилар. Зеро, май иродани сусайтириб, ўзига тобе этган бўлади. Лекин барибир улуғ мутафаккир инсон ҳақида қайғургани, инсонни ҳалокатли ҳирслардан қутқариб, камол топтиришга интилгани учун майзада кишилардан батамом умидини узмайди. Уларда ўз-ўзидан нафратланиш ҳиссини уйғотиш, қалбидаги инсоний туйғуларни жонлантириш, ҳақ йўлида ҳидоят этиш билан бу касалликдан халос этиш мумкин деб ҳисоблайди.

Келтирганимиз май ва майпарастлар ҳақида (қайд этамизки, майхўрликнинг касофати Низомий ва Жомий достонларида алоҳида мавзу бўлган эмас, уларда бу ҳақда деярли гапирилмайди, бу Амир Хусрав ва Навоий ижодида долзарб касб этган мавзудир) билдирилган фикрлар Алишер Навоий ахлоқий қарашларининг бир жиҳатинигина белгилайди, холос. Улуғ шоир мунофиқ, ёлғончи, такаббур ва порахўрларни ҳам шундай қизғинлик билан муросасиз танқид этгани, уларни жамиятнинг зарарли унсури сифатида кўрсатганини биламиз, лекин шуниси борки, у ушбу иллатларнинг ҳар бири устида алоҳида тўхтаб, ёрқин мисоллар воситасида ахлоқий тубанликни очиб берса-да, аммо бу ношоиста хислатлар бир-бири билан жуда боғланиб кетгани, бир ёмон ишни қилган одам иккинчисидан ҳам қайтмаслигини таъкидлаган. Масалан, риёкор шайх айни вақтда ишратпараст, ҳасадчи ва майхўр киши. Шу каби шаҳар қозиси ришва (пора) олишни майхўрлик ва фоҳишабозлик билан «қўшиб» давом эттиради. Ёки «Ҳайрат ул-аброр»нинг ўн олтинчи мақолатида ясан-тусан қилиб юрадиган олифта эркаклар ҳақида гап боради. Бироқ шоирнинг тасвиридан маълум бўлдики, бу тоифанинг ҳам асосий машғулоти бода ичиш, нажас ва нопок ишлар билан шуғулланиб юришдир. Бода уларнинг димоғини шунчалик қизитганки, ақлу идрокларини йўқотиб, «зоғи нажасхўрдек» бир-бирини чўқиш, бир-бирини ёмонлаш ва беҳуда, бемаъни «суҳбатлар» билан вақт ўтказишдан бошқани билмайдилар. Уларнинг такаббурлиги, мақтанчоқлиги одамларнинг жонига теккан. Алишер Навоийда танқидий руҳ, камчилик ва нуқсонларни нафратли оҳангда, реал тасвирлар орқали қабартириб кўрсатиш устун, бу уни барча хамсанавислардан ажратиб туради.

Шундай қилиб улуғ шоир наздида ахлоқий нуқсонларнинг ҳаммаси бирдай зарарли ва улар бири иккинчисини етаклаб, одамни нафси палид домига тортади, ёмонлик ёмонликни тўлдиради. Ваҳоланки, инсон зоти шарифдир ва бу хислатларнинг бирортаси ҳам унинг юксак номига муносиб эмас. Инсон нафсининг ёвуз қутқуларини енгиб, ички жасорати билан ўз-ўзини емириши ва маънавий камолот сари интилиб, умрини эзгу-хайр ишларига сарфлаши керак.

Маълумки, «нафс» истилоҳи тасаввуфда асосий ўрин эгаллайди. Нажмиддин Комилов «Тасаввуф аҳли барча фалокатлар, ёмонликларининг бош сабабчиси, инсонни бузадиган асосий нуқс сифатида нафсни кўрсатадилар ва нафсга қарши уруш эълон қилганлар», – деб ёзади. Дарҳақиқат шундай. Улуғ шайхлардан бирига тасаввуф нима, деб савол берганларида «Тасаввуф – шайтоний нафсни енгмоқ» деб жавоб берган экан. Шундай бўлгандан кейин, турган гапки, тасаввуфни ўз ижодларининг бош ғоясига айлантиргани учун хамсанавис шоирлар бу нафсга нисбатан салбий муносабатда бўладилар. Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр»да инсоннинг салбий хислатлари – майпарастлик, манманлик, золимлик ҳақида ёзар экан, булар нафс белгилари эканини унутмайди. Буларнинг ҳаммаси камолот йўлидаги ғовлардир. Бу ҳақда қаноат бобида тўхталганда яна бир фикр юритамиз, аммо бу ўринда шуни айтмоқчимизки, Навоий назарида нафс – инсоннинг энг қаттол душмани, нафсини

енгган одам мардлар – сўфийлар сафига кира олади.

У дейди:

Булуб нафсингга тобеъ, банд этарсен тушса душманни,
Санга йўқ нафсдек душман, йила олсанг ани қил банд.

Хуллас, ҳар икки шоирнинг инсон хислатлари ҳақидаги қарашларида умумийлик борлиги маълум бўлади. Навоий Хусрав Деҳлавийнинг гуманистик ғояларини давом эттирган.

Айни пайтда ўзбек шоирининг қарашларида конкретлик, замонадан келиб чиқиб фикр юритиш, илм аҳли аҳволига ачиниш хос. У инсонни кўпроқ ижтимоий категория сифатида олиб қараган ва шу асосда фикр юритган.

Амир Хусрав ҳам, Алишер Навоий ҳам инсонни тарбиялаш масаласига кўп эътибор берганлар. Маънавий-ахлоқий етук инсон, улар назарида, доно, карам-саховатли, ҳалим-одобли, хушсухан, мард, вафоли бўлиши керак. Бу хислатларнинг ҳар бири ҳақида «Ҳайрат ул-аброр» ва «Матлаъ ул-анвор»да алоҳида бобларда фикр юритилган, ихчам, аммо мароқли ҳикоялар орқали яхши фазилатларнинг шарафи кўрсатиб берилган. Мазкур қарашлар ичида айниқса илм олишга даъват, ақл ва заковатни улуғлаш бўртиб кўзга ташланади.

Хусрав Деҳлавий илмли – донишманд бўлишни комил инсоннинг энг биринчи шарти деб ҳисоблаган. «Матлаъ ул-анвор»нинг иккинчи мақолати илм ва жаҳл қиёсига бағишланган. Шоир илмни ҳаёт чироғи, инсонни ҳайвондан ажратадиган асосий сифат деб кўрсатади. Илм орқали одам дунёни ва ўзини танийди, мустақил фикрлай бошлайди, касбу кор эгаси бўлади, ҳунар ўрганади, яхши-ёмонни ажратади. Илм шахсий бойлик орттириш, жоҳ – мансаб воситасига айланмаслиги керак. Билимдан мақтаниш, худбинлик, манманлик ҳам илм сифатига кирмайди, бу жоҳил ишидир. Жоҳил ўзидан ҳам, оламдан ҳам бехабар бўлади.

Тингла эй аҳл лофини урган,
Жаҳл йўлида беибо юрган.
Бехабар эл йўли-ю фандан сен,
Дашт аро йўлни йўқотган сен[174].

(Васфий таржимаси)

Ҳақиқий олим камтар, либоси юпун бўлса ҳам, аммо ички олами бутун, гўзал киши бўлади:

Гар юпун бўлса олиму доно,
Хор бўлмас ҳақиқий ул олим.
Жаҳл эли шоҳ бўлса ҳам, аммо
Пастлигича қолур бироқ золим[175].

(Васфий таржимаси)

Шундай бўлгандан кейин илм ақлнинг зар-зевар учун, бойлик учун жоҳилга хизмат қилиши, лаганбардорлик, тамагирлик билан шуғулланиши номуносиб, ношоистадир. Ундай олим эл назаридан тушади, илмини ҳам хор қилади.

Ўлган отангни сен сотиб юрма,
Ит эмассан, суяк ғажиб юрма.
Тож қўй бошга илмдан бешак,
Гавҳар афзалму ё чирик сўнгак.
Илм инсон дилин айлар шод,

---

[174] Амир Хусрав Деҳлавий. Асарлар. Тошкент. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972 й. 107-108-б.

[175] Ўша асар, 107-108-б.

Жаҳлнинг бандидан қилур озод... [176]

(Васфий таржимаси)

Илму фан ривожига эътибор кам бўлган, фитна-фасод олган, нодон, нотавон шахслар ҳар хил мансабларни эгалаб, ўзларини ҳакиму доно қилиб кўрсатиб, кеккайиб юрган, ўша замонларда бу аччиқ танқиднинг ижтимоий аҳамияти катта эди. Хусрав Деҳлавий илмни амалий ишларга сарфлай билган, ёшларга тарбия бериб, маърифат таратган олимлар ишини юқори баҳолаган. Илмли киши ўз билимини ҳақ йўлига сарфлаши, ҳақиқатни ҳар ерда ҳимоя қилиши лозим. У шу ўринда қозиларни мисол келтиради. Қози – замонининг ҳар томонлама билимли одами бўлиши билан бирга ҳақиқат ва адолатнинг ҳимоячиси бўлиши ҳам шарт. Амир Хусрав ҳаттоки шоҳлар зулмга йўл қўйганида, адолат чизиғидан ташқари чиққанида қози уларни инсофга чақиришга улар устидан ҳукм чиқаришга ҳаққи бор, деб уқдираверади. Қолаверса, шоир ноинсоф қозиларни қўйидагича қоралаган:

Шоҳ вайсашларини ирфон дер,
Шоҳ куфрини амри имон дер.
Шоҳ ҳар қанча юрса элни эзиб,
Қози фатво берар: раводур деб.
Шоҳ қилса гар қабиҳ гуноҳ,
Қози айтар: раво эрур эй шоҳ.

(Ш. Шомуҳамедов таржимаси)

Шу тариқа, улуғ гуманист шоир ҳуқуқ посбонлари ҳар қандай мансабдан юқори туриши, виждон ва инсоф олдида ҳамма баробар эканлигини таъкидлаган.

Алишер Навоийнинг илм ва олимлар ҳақидаги қарашлари устози Хусрав фикрларига ҳамоҳанг. Масалан, у илм олишнинг қийинчилиги, олимларнинг вазифаси, бурчи ҳақида батафсил ёзар экан, шундай дейди:

Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзинию халқини гумроҳ этар[177] .

Шуниси характерлики, Навоий ўз даврида илм аҳлининг хорлиги, бенаво аҳволда кун кўришини очиқ ёзган. Уни шоир мадраса муллаваччалари мисолида тасвирлайди. Лекин дейди у, илм олиш қийинчилигидан қўрққан одам олим бўлолмайди, бу йўлда машаққат чекканга дониш хазинасининг эшиклари очилади.

Хусравда ҳам, Навоийда ҳам инсоннинг яна кўп сифатлари таърифланган, чунончи нафсу ҳаводан воз кечиш, қаноатнинг фазилати, камтарлик, хуштавозе бўлиш, омонатга хиёнат қилмаслик, диёнат-инсоф юзасидан иш кўриш каби ажиб инсоний хислатлар хусусида ўткир фикрлар баён этилган. Яхши одам шу хусусиятларни эгаллаш, ўзининг турмуш қонуниятига айлантириш билан бирга, дўстликнинг қадрига етиши, пок муҳаббатга молик бўлмоғи ҳам лозим.

Дўстлик, вафодорлик ғоят муқаддас саналадиган инсоний сифат. Хусрав тўғридан тўғри таъкидлайди:

Яхшиликнинг биринчи шарти шул,
Дўстга доим самимий бўл.

(Ш. Шомуҳамедов таржимаси)

---

[176] Ўша асар, 108-109-б.

[177] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН». 1960 й., 97-б.

Дунёнинг гўзаллиги, ширинлиги дўст билан, яхши, пок ниятли одамларнинг бир-бирига интилиши, дўстлашуви эса табиий ҳолдир. Ёлғон тил учида бўладиган «дўстлар»дан тезда қутулган афзал.

Тил учи еру ошнодан қоч,
Дилни доғловчи бедаводан қоч.

(Ш. Шомуҳамедов таржимаси)

Бетайин одам энг хавфли душмандан ҳам хавфли, у фақат манфаат юзасидан ўзини яқин тутиб, иши битгандан кейин бир пулга сотади.

Дўстлик манзили эмас тилда,
Дўстликнинг маконидир дилда.
Кулфатингда кимки бўлмас ёр,
Бўлмағай дўст у сенга зинҳор.
Яхшиларга ўзунгни ёр этгил,
Жонкуярларга жон нисор этгил.

(Ш. Шомуҳамедов таржимаси)

Хусрав Деҳлавийнинг бу қарашлари унинг достонларида ажойиб инсоний образларда ифодалаб берилган. Шунингдек, ғазал, қитъа, рубоий каби лирик шеърларида ҳам инсоний фазилатларни берилиб тараннум этган, ёмон хулқ-атворни, ўша давр наздида номақбул ҳисобланган ишларни қоралаб, ўқувчининг нафратини қўзғатиш, одамийлик субутларини жорий этишга интилган. Ҳамма ҳам шаклу шамойил ила кўриниш ила одам, қолаверса, ўзини Ҳаввони авлоди деб билади, лекин – деб фикрини давом эттиради шоир,— амалда кишилар бир-биридан фарқ қилади, биров мард, биров номард, биров оқил, биров жоҳил, биров дўст, ёр учун жонини фидо қилади, биров ҳасад-кўролмаслик ўтида қовурилиб, ҳаммани шу оловда ёндиргиси келади. Шу сабабли жамиятда яхши одамларни эъзозлаш, уларнинг ақли, билими, иродасини жамият учун фойдали ишларга сарфлаш жуда муҳим. Яхшилар қадрланган жойда яхшилик кўпаяди, ёмонларнинг фаолияти камайиб, халқи эркин нафас ола бошлайди, ҳалол меҳнат орқасидан кун кўрадиган одамларнинг орзулари ушала бошлайди. Бу эса илм-маданиятнинг, маънавий оламнинг гуллашига заминдир.

Шундай қилиб, икки буюк шоирнинг инсон хилқати, ахлоқи ва бурчи ҳақидаги қарашларида муштараклик бор, уларнинг фикрлари бир-бирини тўлдиради. Навоий устозларининг ўлмас гуманизмини изчил ривожлантирган, инсон шарафи, одамийлик хислатларини ҳимоя қилиб чиққан. Хусрав Деҳлавий билан Алишер Навоий ғояларининг асрлар давомида яшаб келаётган бугунги кунимизда ҳам бизга сабоқ бўлаётгани, айниқса кишини хурсанд қилади.

ИНСОН ВА ИЖТИМОИЙ МУҲИТ

Инсоннинг ахлоқий сифатлари, бир-бирига муносабати ижтимоий ҳаётда очилади. Яхшилик ва ёмонлик деган тушунчалар, сахийлик, карам, адолат, инсоф сингари қадриятлар, шунингдек, жамиятга муносабат, ҳукмронлик, ҳокимлар ва тобелар орасидаги муносабатлар ҳам ижтимоий характерга эга категориялардир. Бу категориялар кўп асрлардан бери буюк шарқ шоирларининг фикрини банд этган. Мазкур масалалар шоирларнинг шоҳ-султонларга, тож-тахтга муносабатларида аниқроқ кўзга кўриниб қолади. Чунки шоҳ – ижтимоий шахс, унинг сифати ёки нуқси, камчилиги бутун жамиятга таъсир этади. Ижтимоий адолат, мулк, саховат ва бошқа кўп масалалар шу боис шоҳлар ҳақидаги асарларда ёритилган.

«Хамса» достонларининг энг жозиб зарварақларини адолат ҳақидаги сатрлар ташкил этади. Адолат – Шарқ шоирлари қизғин ва астойдил куйлаб келган мавзу. Шарқ гуманизмининг жони ва қони. Халқпарвар шоирлар мамлакат ободонлиги, эл-улус тўқлиги, осойишта-тинч ҳаётини, маиший-маърифий тараққиётини кўп ҳолларда адолатли шоҳ фаолиятига боғлаб тушунтирганлар. «Авесто» қўшиқларидан бошлаб Фирдавсий «Шоҳнома»сию Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарларигача ва ундан кейин ҳам адолат ғояси ва адолатли подшо образини намуна қилиб кўрсатиш адабиётда узлуксиз давом этиб келган. Жамшид, Искандар, Нўширавон, Баҳром Гўр каби одил шоҳлар, Бузургмеҳр, Осаф каби доно, тадбиркор вазирлар халқнинг орзу-армонлари тажассуми сифатидаги шаклланган тимсоллар бўлиб, оғиздан-оғизга, асардан-асарга ўтиб, турли ривоят, ҳикояларнинг яратилишига асос бўлганлар. Аммо шуниси ҳам аниқки, ҳар бир шоир ўз даврининг талабидан келиб чиқиб масалага ёндашади, ўз кузатишлари, эътиқоди, ижтимоий қарашлари тақозосига кўра фикр-мулоҳаза баён этади, адолат ва одил ҳукмдор масаласини ҳал қилмоқчи бўлади. Шу сабаб, гарчи Низомий, Амир Хусрав, Жомий ва Навоий қарашларида ўхшаш жиҳатлар бор бўлса-да, лекин уларнинг позициялари орасида фарқ ҳам мавжуд.

Масалан, агар «Махзан ул-асрор», «Матлаъ ул-анвор» ва “Ҳайрат ул-аброр» достонларини олиб кўрадиган бўлсак, шунга амин бўламизки, ҳар учала асарнинг муаллифи ҳам («Махзан ул-асрор» билан «Ҳайрат ул-аброр»нинг ёзилиши даври орасида тўрт аср вақт ётади), золим подшоларни мазаммат этиб, яъни золимликни қоралаб, адолатли шоҳларни улуғлаганлар, учаласида ҳам золим шоҳларни Худо қадри ва дўзах азобидан курқитиш бор. Бошқача айтганда, адолатли шоҳ – жаннатий; золим, ситамкор шоҳ эса – дўзахий, ёмон одам. Бироқ бу мазмун ҳар бир шоирда ҳар хил талқин билан, турли усул ва оҳангда тасвирланган.

Низомий Ганжавийнинг «Махзан ул-асрор» («Сирлар хазинаси») достонида шоҳга насиҳат қилиш икки боб – иккинчи ва тўртинчи мақолатни қамраб олган. Боблар бир-бирининг давоми, лекин бир-бирини такрорламайди. Иккинчи мақолатда шоҳларни огоҳлантириш, шоҳликнинг вазифаларини тушунтириш, одил подшонинг вазифаси, бурчи нимадан иборат эканлигини баён этиш бор. Низомий фикрича, подшо – Худонинг севган бандаси, унга кўп нарса, жумладан, мамлакатдаги одамлар тақдири ишониб топширилган. Шу сабабли шоҳ гарчи бахтидан комрон, улуғворлиги, аълолигини билса-да, лекин:

Бо ҳама чун хоки замин паст бош,
В-аз ҳама чун бод тиҳидаст бош[178].

[178] *Низомий Ганжавий.* «Куллиёт дар панж жилд». 5-жилд, Душанбе, «Ирфон» 1984 й., 313-б.

(Шунча билан ер тупроғидай ўзингни паст бил, ҳам шунчаликка қарамай, шамол каби қўлинг бўш бўлсин).

Низомий гапни ана шу бош масаладан бошлаб, подшо жаҳон мулки устидан аждаҳо эмас, посбон эканини қайд этади. Давлат шоҳга омонатга берилган, омонатни хиёнат қилиш эса гуноҳи азим:

Кори ту парвардани дин кардаанд,
Додгарон кор чунин кардаанд[179].

(Сенинг ишинг – вазифанг дину диёнатни мустаҳкам этиш, ривожлантириш, чунки одил шоҳлар шундай йўл тутганлар.)

Ҳар бир ишнинг оқибати бор – зулм қилсанг, бир кун жазо тортасан; инсоф этсанг – раҳмат, мукофот оласан, эл сени олқишлайди. Шунинг учун беандиша, калтабин бўлма, халқнинг роҳатини тила, озорни қўй, – деб хитоб қилади Низомий подшога қараб. Шоҳлик шавкатидан маст бўлиш, ўзни унутиш – тадбир кемасини ғарқ этишга олиб келади. Етимларнинг молини тортиб олсанг, заифлар уйини хароб этсанг – қиёмат куни нима деб жавоб берасан? Жаҳонбозлик ситам билан амалга ошмайди, инсофгина шоҳлик пойдеворидир. Низомий бу фикрларини боб охирида шундай байт билан якунлаган:

Мамлакат аз адл шавад пойдор,
Кори ту аз адли ту гирад қарор[180].

(Мамлакатнинг пойдорлиги, мустаҳкамлиги – адлдан, сенинг ишинг адлингдан барқарорлик топади.)

Тўртинчи мақолатда бўлса, Низомий шоҳ ва фуқаро орасидаги масалага қайтиб, чуқурроқ фикрларни баён этади. Шунда насиҳат бир қадар танқидий оҳангга эга, золим, хотинмижоз, номард ҳукмдорларга нисбатан қаттиқ танбеҳтар айтилган. Шамшир ва мардоналик камарини май шишаси ва чиройли кийимларга алмаштирган, соч-соқолига зеб берган подшоларга қарата Низомий дейди:

Оинаву шона гирифта ба даст,
Чун зани раъно шуда гесупараст...
Эй, ҳунар аз мардии ту шармсор,
Аз ҳунари бевазане шарм дор.
Чанд кунӣ даъвии мардафканӣ,
Кам зану кам зан, ки кам аз як занӣ[181].

(Қўлда кўзгу билан тароқ олиб, ясан-тусанга берилган аёлларга ўхшаб, сочингга маҳлиёсан: Эй, сенинг эркаклигингдан ҳунар шарманда, ахир бева хотиннинг мардлигидан, ҳунаридан уялгин. Қачонгача мардлик даъвосини қиласан, лофни кам қил, камтар бўл, чунки битта хотиндан ҳам камсан.)

Шоҳнинг энг яхши сифати, Низомий фикрича, адолат ўрнатишдир, чунки зулмкорлик, бировлар қонини ноҳақ тўкиш шоҳнинг обрўйини ҳам тўкади. Адолат – шоҳликнинг биринчи шарти, ожизларга зулм қилган одам уларнинг оҳ тиғларига дучор бўлиши муқаррар. Бундай дадил сўзлар, золим шоҳларни халқи қаҳру ғазаби билан қўрқитгани ўша давр учун ғоят буюк прогрессив аҳамият касб этган. Улуғ шоирнинг фуқаро томонидан туриб фикр юритаётгани аниқ сезилиб тўрибди. Халқпарварлик, феодализм замонида яшаб, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш мана шундай фикрларни келтириб чиқарарди, албатта. Шун-

---

[179] Ўша асар, 314-б.
[180] Ўша асар, 315-б.
[181] *Низомий Ганжавий.* «Куллиёт дар панж жилд». 5-жилд, Душанбе.Ирфон» 1984 й., 323-б.

дай қилиб, Низомий шоҳ халқнинг ғамини ейиши керак, фуқаро билан бирга бўлиб, ожиз, муҳтожларга озор бермаслиги лозим, деб насиҳатлар қилади. Баъзан бу насиҳат кескинроқ оҳангда ифодаланиб, золимларнинг мутлақ илоҳий жазога мустаҳиқ бўлишларини эсларига солиш билан бирга уларни огоҳлантириш кўзга ташланади.

Хусрав Деҳлавий шоҳ ва салтанат ҳақидаги фикрларини ўн учинчи мақолатда баён этган. «Матлаъ ул-анвор» («Нурларнинг чиқиш жойи»)нинг бу мақолати "Шоҳларни паноҳсиз кишиларга раият қилиш ва адолат истовчиларга ёрдам қўлини чузишга насиҳат этиш..." деб номланади. Муаллиф салтанат тахтига ўтирган ҳукмдорларни қарамли, сахий бўлиш, фуқарони ранжитмасликка чақиради. Хусрав Деҳлавийнинг кўп фикрлари Низомий қарашлари билан ҳамоҳанг.

Лекин Низомийдаги ихчамлик Хусравда йўқ, у ҳар галгидек қиёс мисолларни қаторлаштиришни яхши кўради. Ҳиндистонлик шоир сиёсатни, адолат ва ситамкорликни бошданоқ дин ва диёнат масалалари билан боғлаб шарҳлайди: унингча, ситамкорлик – дин йўлидан чекинишдир. Шоҳ ўз ишлари учун ҳисоб бериши керак, ҳамма вақт буни эсга олиб тожу тахт ҳукмини яхшиликка йўналтириши даркор. Ожизлар, заифларга жафо қилинса, улар оҳининг ўқи албатта золим киши кўксини топиб, пора қилгуси:

Тири заифон, ки кушод аз камон,
Бигзарид аз нўҳ сипеҳри осмон[182].

(Заиф кишиларнинг камондан отган ўқи, яъни оҳи осмоннинг тўққиз қаватини ҳам тешиб ўтади). Бу фикрларни Низомийда кўрган эдик. Хусрав Деҳлавий шоҳларни ўйин-кулги, сайру томошалар билан банд бўлиб, раият аҳволини унутиши, фақат амиру вазирларга ишониб қўйишини ҳам маъқулламаган. «Агар ҳамма султонлар томошага кетса, камбағалнинг мол, хирмонини қароқчи, ўғрилар талаб кетади», дейди шоир ва шодлик масъулиятини алоҳида таъкидлайди. Шоҳ худди оиланинг доно, тадбиркор отаси ёки болаларига меҳрибон онадай бўлиши керак. Онанинг боласига меҳри унинг кўкракларига сут йиққанидан, шоҳнинг адолати юрт фаровонлигига сабаб бўлади. Яъни шоҳ ўз халқига меҳрибон, халқнинг душманларига душман, раиятнинг ҳамиятли ҳимоячисидир. Шоҳ шунақа сифатларга эга бўлса, раият уни қўллайди, бирлашиб душманларни яксон этади. Хусрав Деҳлавийнинг идеал подшоси шунақа ватанпарвар, халқпарвар ва адолатли одам. Албатта, бу шоир орзуси, шу билан бирга, халқ орзуси. Лекин бу орқали биз улуғ шоирлар гуманизмининг ҳаётийлиги ўлмас, абадийлигини билиб оламиз.

Шоҳларнинг золимлиги, зулми нимада кўринади? Хусрав Деҳлавий фикрича, ҳаммага бирдай сиёсат қилиш, яъни гуноҳкор ва бегуноҳни фарқига бормай, суриштирмай, аниқлатмасдан жазолайвериш; ғофиллик, баднафс амирлар-вазирларни, вилоят ҳокимларини койимаслик, айёр, қаллоб одамлар, манфаатпараст амалдорларни тийиб тўрмасдан, жазоламасдан қўйиш, талончилик, зўравонликка йўл очиш зулму ситамнинг авж олганидан нишонадир. Шоҳнинг ўзи аввало ахлоқан намуна булмоғи лозим. Агар шомдан тонггача май ичса, маишатга берилса, мулк ўзгаларнинг нодуруст фармонидан «рахна бўлади», мазлумларнинг уйи харобазорга айланади. Хуллас, Хусрав Деҳлавий шоҳларга ғофил, бепарво бўлмасдан, ўзлари раият бошида туриб, халқ дарди, аҳволидан ҳар доим хабардор бўлиш, қўл остидаги аъёнлар, хизматкор-амалдорларнинг ишини тафтиш этиб туришни маслаҳат беради. Тахтда ўтирган шоҳдан атрофидаги аъёнлари ҳайиқиши даркор, шоҳ шер

[182] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева. «Наука», М., 1975 г., 242-б.

терисидаги тулкига ўхшамаслиги лозим. Шоҳ одил бўлса, батамкин, зукко бўлса вазирлар ҳам билиб ишини қилади. Агар вазир халқ молига кўз олайтирса, унинг итоатидагилар буткул қароқчига айланиб қоладилар, деб огоҳлантиради кўпни кўрган халқсевар шоир.

Хоҷа, ки доман ба кифоят кашад,
Пироҳан аз пири вилоят кашад[183].

(Вазир агар тама-порага этагини очса, вилоят кексалари эгнидаги кўйлакни ечиб оладиган бўлади).

Хусрав Деҳлавий халқ манфаатига зид фармонларни тузадиган девонхона ходимлари – котиблар, муншийларни ҳам нафрат билан қоралаган. Улар золим шоҳларнинг дастёри, зулмга шерик кимсалардирлар.

Яна бир характерли жойи шундаки, ҳиндистонлик шоир золим кишиларни тарбият билан адолатпарвар қилишга ишонмайди, «Насиҳат билан ёмонларнинг зулми тугатилганми, ахир ханжар воситасида сояни ердан йўқ қилиб бўлмайди-ку», – деб афсус чекади. Золимлик хилқатга қўшилган хислат – мушукнинг чумчуққа ўчлиги, бўрининг даррандалиги, итнинг ювиндихўрлиги кабидир. Эшак ўлса – итга байрам, чўлоқнинг рақсга тўшиши шолнинг рашкини келтиради. Қисқаси, тузалмас, зиддиятли, турфа ҳодисаларга тўла дунё. Аммо шоҳ ўзгача бўлгани маъқул. У мана шу зиддиятларни ўрганиб, шунга мувофиқ иш юритса, иши авжли бўлади. Хусрав Деҳлавий шоҳ бошлиқ давлатдорларни карамли, сахий бўлишга чорлаган:

Эй ки ниҳӣ ганҷ ба ҳар гўшае,
Ёд кун аз фоқаи бетўшае.
Нонхўриши бедармон чист-об,
Машъалаи бевазанон моҳтоб.
Мир ҳама гандуми деҳқон хўрад,
Барзгар аз қурси ҷавин нон хўрад.
Меҳри замин ту зи даври сипеҳр.
Дар ҳама яксон нагирад чашми меҳр.
Гар падарат гашт ҷаҳонӣ азиз,
Кўш, к-аз он беш ба ганҷи ту низ...
Тоҷваронро карами хосу ом,
Аз пайи некаст, на аз баҳри ном[184].

(Эй, ҳар бурчакда хазина йиғиб, яширган шоҳ, егулиги йўқ муҳтожларни ҳам эсга ол. Бечора камбағалнинг нонни ивитиб ейдигани – сув, бева хотинларнинг чироғи – осмондаги ой. Амирлар ҳамма вақт деҳқоннинг буғдойини ейдилар, деҳқоннинг ўзи эса қотган арпа нонини ейди. Чархнинг гардишидан ернинг қуёши сенсан, шундай бўлгач, қуёшга ўхшаб ҳаммага бир кўз билан қарагин. Агар отанг саховатда дунёда ном қозониб, азиз бўлган бўлса, сен ҳам ҳаракат қил, чунки сенинг бойлигинг ундан кўпроқ. Тож кийганларнинг хосу ом – ҳамма халққа карам саховати ном чиқариш учун эмас, балки яхшилик қилиш учундир.)

Хусрав Деҳлавий феодал ҳаётнинг, ундаги табақавий тафовут даҳшатини қанчалик аниқ ва тўғри чизганини қаранг: амирлар, бойлар деҳқоннинг бор-йўқ ҳосилини тортиб оладилар, йил бўйи оғир меҳнат қилиб, буғдой етиштирган деҳқон эса арпа нон парчасига зор. Образларга эътибор беринг: беванинг машъали – осмондаги ой. Чунки унинг наинки қор-

---

[183] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критическою текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М.. 1975 г., 244-б).

[184] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». «Наука», М, 1975 г., 249-250-б.

нини тўйғазишга нони, балки ўйини ёритишга чироғи ҳам йўқ. Қоронғи турмушнинг қоронғи манзараси. Бунда шоирнинг бенаволарга раҳм-шафқат билдиргани, ачиниши яққол сезилади, лекин шунга қарамай, Амир Хусрав золим шоҳларни кескин танқид остига олган эмас, у насиҳат – ўгит бериш билан чегараланган, адолатнинг заруриятини исботлашга ўринган. Шоҳга қараб: «Бировга жабр қилсанг: ўзингга ҳам жабр қиласан, ўйлаб кўр, мазлумлар ҳам сенга ўхшаган одам, уларнинг жароҳати сенинг жароҳатинг каби оғрийди, қийнайди. Яъни: «Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса кейин бировга ур».

Гар ту шавӣ ранҷа зи осеби хор,
Чашму дили ғайр ба ҷавпин махор.
Ҳар чӣ ту бар хеш надорӣ раво,
Бар дигаре дард набошад даво.
Дар гунаҳи ғайр карам пешгир,
Дар маҳали теғ сар аз хеш гир[185].

(Агар сен тикан азобидан озор чексанг, бегонанинг кўнгли ва кўзини найза билан тимдалама. Сен ўзингга раво кўрмаган нарса бошқаларнинг дардига даво бўлмайди. Ўзгалар гуноҳини кечишда карамли бўл, тиғ билан кесиладиган бошни қутқаришга урин.)

«Туҳфат ул-Аҳрор»да шоҳлар ҳақидаги фикр-мулоҳаза ўн учинчи мақолатда келтирилган. Бошиданоқ шуни таъкидлаймизки, Жомийнинг бу боби аввалидан охиргача танқидий руҳда ёзилган, яъни гап мутлақ золим шоҳ устида боради. Шоир зулмда «намуна» бўлган золим подшо образини яратган ва шундай шоҳларга нисбатан ғазаб ва нафратини тўкиб солган мақолат шундай бошланади:

Эй ба сарат афсари фармондиҳӣ,
Афсарат аз гавҳари эҳсон тиҳӣ.
Зевари сад афсар аз он гавҳар аст,
Холӣ аз мояи дарди сар аст.
Гирди миёни ту мурассаъ камар,
Мўҳраву мор омада бо якдигар[186].

(Эй бошингга фармонраволик тожи кийган шоҳ, тожида эҳсон-адолат гавҳари йўқ. Бошдаги тожнинг безаги ўша гавҳардандир, ундан холи бўлса, тож оғриқ келтирувчидир.

Белингни олтин камар безади, бу гўё илон билан муҳра бир-бирига қўшилгандай бўлди.)

Демак, шоҳ – илон, аждарҳо. Жомий бу фикрни бошқа тафсил ва шоҳлар ҳаётидан олинган ашёвий далиллар билан исботлаб бораверади. Золим шоҳнинг ҳар нафаси фуқаро ҳаётига оғир кулфат келтирувчи тўфондай, тожи халқ қонидан қизарган, қасри халқ моли билан безатилган:

Зулми туро бех чу маҳкам бувад,
Зулми ту зулми ҳама олам бувад[187].

(Сенинг зулминг илдизи мустаҳкамланса, бу зулм бутун оламни зулмат ичида қолдиради.)

Даҳшатли хулоса – шоҳ зулми кучайиб кетса, бутун мамлакатни қамраб олади ва нобуд этади. Дарҳақиқат, мамлакатнинг биринчи шахси золим бўлса, унинг атрофдагилари буни ўн чандон ошириб ҳаётга татбиқ этадилар. Жомий буни ҳаммаёқни ёндириб кул қилув-

---

[185] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 250-б.

[186] *Абдураҳмон Жомӣ.* «Ҳафт авранг», тошбосма. Тошкент, 1913 й., 266-б.

[187] Абдураҳмон Жомий. «Ҳафт авранг», тошбосма. Тошкент, 1913 й., 267-б.

чи оловга ўхшатади. Золим подшо обод шаҳарларни вайрон этади, боғ-роғларни қуритади, чунки золим киши талончидир:

Шаҳре аз ошўби ту ғорат шавад,
То-т яке хона иморат шавад.
Кош кунӣ тарки иморатгарӣ,
То накашад кор ба ғоратгарӣ.
Боғе аз осеби ту гардад талаф,
То-т дарояд таҳи себе ба каф...
Мевавву мурғ-сари хонад муқим.
Аз ҳарами бевавву боғи ятим[188].

(Сенинг битта иморатинг битиши учун бир шаҳар хароб бўлади. Кошки шунақа иморат кўришни бас қилсанг. Битта олма сенинг қўлингга кириши учун бир боғ яксон бўлади... Дастурхонингдаги товуқ гўшти ва мевалар беваларнинг ўйидан ва етимларнинг боғидан олиб келинган.)

Шу зайлда Жомий золим шоҳларнинг талончилик сиёсати ва улар қўли остидаги бечора раият аҳволини тасвирлар экан, шоҳларни ҳушёр тортиш, зулмдан қайтиб, адолат расмини қабул қилишни маслаҳат беради: зулминг қачонгача, бир кун жазосини оласан дейди:

Зулм ниҳад боми сароби ғурур,
Адл диҳад ҷоми шароби сурур[189].

(Зулм ғурур – манманлик сароби тузоғига туширади, адл хурсандлик шароби жомини тутқазади).

Абдураҳмон Жомий шоҳлар билан баробар мамлакат ижтимоий ҳаётида муҳим рол ўйнайдиган вазирлар ҳақида ҳам тўхтаб, алоҳида боб ажратган (ўн тўртинчи мақолат), Бунда улуғ шоир вазирларнинг ўзига эмас, балки улар қўли остида ишлайдиган мунший-котиблар фаолияти хусусида кўпроқ тўхтайди. Чунки шоҳ-амирлар ва вазирлар фармонини етказишда бу тоифанинг роли катта эди. Девон аҳли ростгўй ва диёнатли бўлиши керак, қаламни ҳийла-фитнага, ғайри шаръий ишларга сарф қилмаслиги керак дейди Жомий:

Чанд ба дафтар рақами носавоб,
Ёд кун аз дафтари явмулҳисоб.
Ту ба се ангушт шуда хомазан,
Халқ даҳ ангушт шуда хомазан.
Он ки ту хонеш сарири қалам,
Аз рақамат басти нафири қалам,
Хат, ки варақ тар кунад аз дасти ту,
Хок ба сар бар кунад аз дасти ту[190].

(Дафтарга бунча носавоб-ноҳақ рақамларни чекасан, қиёмат кунининг ҳисоб-китобини ёдингда тут. Сен уч бармоғинг билан қалам сурасан, аммо сенинг бедодлигингдан халқнинг ўн панжаси оғзидадир. Сен қалам тахти деб айтганинг нафратли нарсадир. Сенинг қўлингдан қоғозга тушган хатлар ҳам дод деб бошингга тупроқ сочади.)

Мана шу зайлда, шоҳ зулмига шерик девонхона ходимлари ҳам шоир томонидан кучли танқид қилинган. Вазирлар котиблар орқали, турлича ҳужжатлар ясаб, ноҳақ равишда камбағаллар, етимларнинг мол-мулкини тортиб олиб ўзлаштирадилар. Бундай вазирлар

---

[188] Ўша асар, 267-268-б.
[189] *Абдураҳмон Жомий.* «Ҳафт авранг», тошбосма. Тошкент, 1913 й., 268-б.
[190] Ўша асар. 207-б.

шоҳларни ҳам доғда қолдирадилар, халқни шоҳга қарши қўзғашга сабаб бўладилар:

Шаҳ зи ту бадному раият хароб,
Мулк зи ғавғойи ту дар изтироб[191].

(Сенинг туфайли шоҳ бадном ва раият хароб, мамлакат сенинг ғавғойингдан нотинч ва қайғуда.)

Бу «сифатлар» одамнинг ўзигина эмас, бошқаларни ҳам одамгарчиликдан чиқаради. Жомий назарида жамиятда шоҳдан тортиб барча амалдор ва мансабдорлар олий даражадаги намунали хислатлар соҳиби бўлиши, чин маънодаги одам бўлиши даркор.

Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонида Низомий ва Хусрав Деҳлавий баён этган фикрлар бор, яъни шоҳни охират азоби билан қўрқитиш, шоҳнинг чўпон, раиятнинг гала эканлигини айтиш, шоҳни адолатли, раҳмдил бўлишга даъват этиш Навоий томонидан давом эттирилган. Аммо унда зулмни қоралаш кескин ва ғазабли, золимликнинг сабабларини очиб кўрсатиш, унинг оқибатини санаш ҳам хийла батафсил, изчилроқ. Бунда у кўпроқ Жомийга эргашади. Алишер Навоий фақат шоҳларга насиҳат этишни мақсад қилмаган, афтидан, чунки «Ҳайрат ул-аброр»нинг мазкур масалага бағишланган учинчи мақолати умумий шоҳ ва шоҳлик, адолат ва зулм муаммолари устида танқидий мулоҳаза юритиш тарзида ёзилган бўлиб, бобнинг атамаси ҳам шунга мувофиқдир: «Салотин бобидаким, «Инналлоҳа яъмуру бил-адли вал-эҳсон» амри била ҳақ субҳонаҳу ва таоло хусравлиқ хўдин аларнинг хилофати бошига қўйдиким, адолатлари «айн»нинг чашмаи зулоли мулк бўстонин сероб қилгай, то бу бўстондин амният ва фароғат гуллари очилғай ва алар зулм боғида май ичиб гул сочарлар, балки майдин ҳар дам ўзгача гул очарлар»[192]. Бу жумланинг ҳозирги тилга «таржимаси» қуйидагича: «Султонлар ҳақидаким, «чиндан ҳам маъмурлик адлу эҳсон биладур» амри билан Оллоҳ таоло подшолик юкин уларнинг халифалик (меросий ҳукмфармонлик) бошига шунинг учун қўйдики, уларнинг адолати булоғи мамлакат боғини яшнатсин, токи бу чаманда омонлик ва хотиржамлик гуллари очилса, лекин улар зулм боғида май ичиб ҳар томонга гул сочадилар, балки мастликдан ҳам ҳар нохуш қилиқлар қиладилар».

Келтирилган байтлар ана шу маънонинг шеърий тафсиридир. Шоҳнинг рутбаси баланд, тожининг шавкати фалак авжига етади, ҳамма унга ҳавас билан қарайди, даврон унинг қадрини шундай баланд этган экан, лекин у бу олий маснаднинг талаблари ҳам борлигини эсда тутиши лозим. Одамлар тақдири, юрт тақдири шоҳга қарам қилиб қўйилган:

Халқни олингда қилиб нотавон,
Барчасига айлади ҳукмунг равон.

Хизматинга элни забун айлади,
Қадларин олингда нигун айлади[193].

Бу фикрни Низомийда кўрган эдик, аммо Низомий мана шундай кўтаринки таърифдан кейин, эй шоҳ, лекин сен ҳам тупроқдансан ва халқ олдида жавобгарсан, буни унутма деган бўлса, Навоий бу фикрни мана бу тарзда ривожлантиради:

Бил буниким, сен доғи бир бандасен,
Кўпрагидин ожизу афгандасен.

---

[191] Ўша асар. 208-б.
[192] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга таиёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 58-б.
[193] Ўша асар, 1960 й., 58-б.

Эрмас алар туфроғу сен нури пок,
Хилқат аларғау сенга тийра хок,
Барча жавориҳ била аъзода тенг,
Сурати навъию ҳаюлода тенг[194].

Ўзларини Худонинг сояси, пайғамбарлар меросхўри, оддий «қора» халқдан устун деб ҳисоблаб, қолган одамларни оёқ учи билан кўрсатган шоҳу шаҳзодалар ҳукми қонун бўлган бир замонда улуғ Навоий шундай фикрни баён этади. Бу фақат шоҳларга эмас, барча «аслзодаларга» тегишли гап эди. Гуманист шоир бу тоифани нафақат «оддий одамлар» билан тенг деб ҳисоблайди, балки улардан кўп жиҳатдан паст, ожиз деб ҳисоблайди. Зотан, бу ҳақиқат: ахир бирор подшо, бирор «аслзода» дон сепиб, омбор тўлдирадими ёки кетмон ясаб деҳқон ишини енгиллаштирадиган ҳунарни эгаллайдими? Йўқ. Улар жамият бойлигини кўпайтиришга заррача ҳисса қўшмайдилар, қўшишга интилмайдилар ҳам. Лекин шоҳ керак эди. Буни Навоий биларди, шу билан бирга шоҳга унинг «ожизлиги», қолган халқ билан баробар бир оддий инсон эканини эслатиб туриш зарурлигини ҳам биларди. Оддий фуқарони Навоий ҳунар ва камолда, меҳнатсеварлик, адлу инсоф, одоб, хушхулқлик, тақво, ибодатда ҳам шоҳлардан баланд қўяди.

Шоҳлик – вазифа, сен уни ҳалол бажаришинг, ҳақни ноҳақдан ажратиб, адолат қилишинг шарт – Навоийнинг талаби шу подшолардан. Подшо учун адолатли бўлишдан, раиятпарварликдан кўра ортиқроқ фазилат йўқ. Ўзбек шоири ўз салафларига қўшилиб, агар шоҳ фуқаро ғамини еса фуқаро ҳам подшо атрофида жипслашади, оғир дамда ёрдам беради, деган ғояни баён этади.

Қўйни шубон асрамаса ою йил,
Оч бўрилар туъмасидур бори бил.
Боқмаса деҳқон чаманин туну кун,
Нахли тарин англа қўрғон ўтин.
Бўрини дағи галадин дур қил,
Сув берибон боғни маъмур қил[195].

Подшонинг вазифаси ана шундай белгиланган, бу ўз ичига ўша замоннинг адолат ҳақидаги тушунчасини ҳам олади. Аммо афсуски, деб давом эттиради мушоҳадасини Навоий, ҳамма шоҳлар бу ақидага риоя қилмайдилар, унинг ўрнига зулму бедодни жорий этадилар, элни хонавайрон, кўнгилларини эса озурда, зада қиладилар.

Учинчи «мақолат»нинг ярмидан кўпроғи ана шу «қавидаст золим»ларни қаҳру ғазаб билан мазаммат этишга бағишланган. Навоий сатирасини ўрганган олим А. Абдуғафуров буни қаҳрли, ғазабкор сатира деб атайди. Чунки сатира, ҳажвиётга хос кулги, масхаралаш бўлмаса-да, бироқ муаллифнинг эҳтиросли муносабати, объектни яксон этишга мўлжалланган ўткир сўзлари ўзига хос фош этувчилик қудратини касб этолган. Навоий мазаммат этган шоҳларинг асосий камчилиги – бодахўрлик, маишатпарастлик. Бу касофат кишини мазаллат чоҳига тортади, шоҳ бутунлай ўзидан ва мамлакат аҳволидан хабарсиз қолади, хазина совурилиб, элнинг молини талаш, яғмо этиш бошланади:

Чунки фараҳ базмиға азм айладинг,
Айшу тараб азмиға базм айладинг.
Қасрки, базм анда муҳайё бўлуб,

---

[194] Ўша асар, 59-б.

[195] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 59-б.

Зийнати фирдавси муалло бўлуб.
Пардалари риштаси эл жонидин,
Лаълию шингарфи улус қонидин,

Шамсаси эл моли била зарнигор,
Эл дуру лаъли била гавҳар нигор.
Хиштини масжид базубон келтуруб,
Тошини эл марқадидин еткуруб[196].

Бу машҳур мисраларни дарсликларда ва бошқа бир қанча тадқиқотларда ўқиганмиз. Улуғ Алишернинг салафларидан ўзиб кетиши, шоҳларга «қаттиқ гап» айтишда беҳамтолигини ҳам шу мисол тасдиқлайди. На Низомийда, на Амир Хусравда шоҳларнинг бойлиги, шавкати бунчалик ошкора ва дадил очиб ташланган эмас. Ахир шоҳлар бутун қўли остидаги ер-сув, от-улов, хазина-дафиналарни ўзлариники, ўз мулклари ҳисоблашар, халқ ҳам улар назарида шоҳларнинг қўли, бандаси бўлиб келган. Лекин Навоий шоҳларнинг ўзини «банда» дейди ва карру фикринг, шон-шавкатинг тиланчилик, ўғриликдан иборат деган ҳукм чиқаради. Шоҳ – ўғри. Шоҳ – бузғунчи, талончи, сарой талаш ва эзиш, қон ва кўз ёшидан тикланган, шунинг учун у жаннатдай кўринса-да, лекин ғамхона, аждарҳо уясидир, бузуқлик, фаҳш маконидир.

Алишер Навоий золим шоҳнинг базми жамшидини батафсил тасвирлайди. Бу ажабланарли эмас. Зеро, унинг ўзи бундай туну кун чўзилган базму маишатларни, сурункали майхўрликлар, беҳуда сарфланган маблағларни кўп кўрган эди. Мастларнинг тўполони, арбадаси шаҳар аҳлига тинчлик бермаган. Улар кечаси билан ичиб, итдай чўзилиб ётадилар, тонгда ҳушлари жойига тушгач, яна бош оғриғига ича бошлайдилар ва яна кун бўйи ичкиликбозликни давом эттирадилар. «Нафс итининг илгида забун» кўриниши қоплону ўзлари кўча итидан баттар туда диёнатни ҳам, одамийликни ҳам унутиб, шарманда-шармисор бўлганлар. Албатта, бу ерда қайд этганимиздай Ҳусайн Бойқаро саройи, султоннинг ўзи ва атрофидаги кишилари зимдан назарда тутилган. Гарчи султон номи тилга олинмаса-да, «умумий гап» қилинган бўлса-да, бироқ гапнинг адреси аниқ эди. Шоир қўллаган ташбиҳлар, ўхшатишлар унинг нафратини, ғазабини аниқ ифодалаб, бўрттириб кўрсатади. Мастлар ҳар томонга «оромжўй» бўлиб, ўзларига жуфт излаб, алаҳсиган ит каби ғингшийдилар. «Ул хайли шум»нинг қилиқлари ҳаддан ташқари бачкана, ҳайвонийдир.

Навоий шоҳ кўзи олдида мана шу жирканч манзарани чизиб, огоҳ бўлишга, ҳушёр тортишга даъват этади, чунки:

Ҳақ сени адл этгали султон этиб,
Зулм ила сен халқни вайрон этиб[197].

– юрсанг, умринг зое, мамлакатинг хароб бўлади, деб куюниб ёзади улуғ шоир.

[196] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга таёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 60-б.
[197] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 61-б.

Зулмни тарк айлаву дод айлагил,
Марг кунидин дағи ёд айлагил.
Зулмунг эрур кундузу фисқинг кеча,
Зулм ила фисқинг неча, бўлғай неча?[198]

Навоий золимнинг тавба қилиб, одил бўлишига ишонади. У «Рой ила зулматни мунир айламак» (равшан қилиш) шоҳнинг қўлидан келади, дейди. Бунинг учун ёмон одатларни тарк этиш, ёмон одамларни суҳбатдан узоқлаштириш лозим. Бу хулосалар Амир Хусрав ва Жомийда ҳам борлигини кўриб чиқдик. Шоҳга унинг атрофидагилари таъсири катта, буни Навоий яхши тушунарди. Ҳусайн Бойқаронинг майпарастлигига фақат унинг ўзининг маишатга ўчлиги эмас, балки сарой аҳлининг нопоклиги, султоннинг шу одатидан фойдаланишга ният қилишлари ҳам сабабчи эди.

Гап Ҳусайн Бойқаро ҳақида борар экан, бу масалада Навоийнинг тутган йўли ниҳоятда нозик бўлганини унутмаслик керак, шекилли. Чунки Ҳусайн Бойқаро – Навоийнинг ҳам дўсти ва ҳам ҳомийси, кўп масалаларда ҳамфикри Навоийнинг ижоди доимий равишда султон диққат-эътиборида бўлган. Шоир қаламидан чиққан ҳар бир йирик асар аввал султон Ҳусайнга тақдим этилган. Навоий асарларини жамлаш, кўчиртириш, асраш-авайлашга шахсан султоннинг ўзи жонбозлик қилади. Буни Навоий девонлари сўз бошида мамнунлик билан қайд этади. Атоқли олим Иззат Султон таъкидлаганларидек, «Ҳусайн Бойқаро учун Навоий ва унинг буюк асари, Жомий асарлари билан бир қаторда, даврнинг безаги ва улар давр подшоҳининг фахри эди».

Тўғри, Ҳусайннинг майхўрлиги Навоийга ёқмаган, унинг ўғиллари билан жанжаллашиб юриши, саройдаги нотинч муҳит ҳам шоир қалбини зирқиратиб, безовта этган. Лекин шуларга қарамай Навоий Ҳусайн Бойқарони салбий подшоҳ типи, золим киши деб тилга олмайди. Аксинча, Ҳусайн Бойқарода ўз орзуларининг кўп жиҳатларини топади. Ҳусайн Бойқаро – мард ва ринд, «шоҳу дарвеш» табиатли одам, унинг сахийлиги, илму одобга мойиллиги, кўнглида туркий шеъриятни яратиш иштиёқи борлиги Навоийни рағбатлантирган. Шунинг учун «Ҳайрат ул-аброр»даги золим шоҳ таърифини Ҳусайн Бойқарога нисбат бериб, татбиқ қилолмаймиз. Бундан ташқари достонда Ҳусайн Бойқарога бағишланган махсус боб борки, унда Навоий султоннинг олижаноб хислатларини бир-бир кўрсатиб берган.

Навоий тасвирига кўра, Ҳусайн Бойқаро «Салотин хайлининг сарафрози ва хавоқин мулкининг ганжпардози», яъни султонларнинг энг афзали ва хонлар мулкини ганжи ҳикмат билан безаган киши. Анъанавий мадҳия баробарида Навоий султоннинг реал, бор шахсий сифатларини тилга олиб ўтади. Аввало шуки, султон Ҳусайн урушларда қаҳрамонликлар кўрсатган моҳир жангчи ва лашкарбоши, мард инсон:

Разм куни бўлса темур ичра ғарқ,
Жавшани заркор қадам то ба фарқ.
Рост хазон барглари сув аро,
Ёки адув чеҳраси кўзгу аро.

Тиғи темур панжа аро чун тутуб,
Тиғи ҳамоно бу темурдин бутуб...
Чун тушубон найза адув фарқиға,
Ўхшабон ул лаҳза бало барқиға[199].

---

[198] Ўша асар, 61-б.

[199] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 37-б.

Неча марталаб, сон жиҳатдан кўп душманга ҳамла қилиб, тирқиратиб қочирган, оти Рахш каби тезкор, тиғи яшиндай зарбали. Иккинчидан, Ҳусайн Бойқаро саховати билан ажратиб турган.

Боди хазондек дирами зар сочиб,
Абри баҳорий киби гавҳар сочиб[200].

Ҳусайн Бойқаро салтанати даврида Ҳирот илм, маърифат марказига айланди, улуғ асарлар яратилди. Бу тарихий ҳақиқатни инкор этиш мумкин эмас. Ҳусайн Бойқаронинг адолат посбони эканлигини кўрсатиш учун Алишер Навоий учинчи мақолат яъни «Салотин бобидаким» деб бошланувчи юқорида кўрган бобимиздан кейин бир ҳикоят келтирилади. Унда тасвирланишича, Ҳусайн Бойқаро Хоразм ва Қипчоқ даштларида «қозоқилик» қилиб юрганида, кўп душманларни қирган эди. Подшолик тахтини эгаллагандан кейин:

Адл эшигин элга кушод айлади,
Тахт уза ўлтурдию дод айлади.
Тузди бузуқларни иморат била,
Зулмни дафъ этти адолат била[201].

Бундан фойдаланган мазлумлар инсоф истаб султон ҳузурига кела бошлайдилар. Бир куни сайрга чиққан пайтда бир кампир султон йўлини тутиб, эй шариат қўриқчиси бўлган шоҳ, сенинг менга жабринг ўтган, истайманки, шариат қозиси олдида жавоб берсанг, дейди. Султон кўнади ва иккаласи «қозийи ислом ҳузурига азм» қиладилар. Кампир даъво қилиб дейдики, султон Ҳусайн Бойқаро «қозоқилик» вақтида яккаю ягона жигаргўшам – боламни ўлдирган эди, шунинг хунини талаб қиламан. Қози кампирга иккита кишини гувоҳликка олиб келишни сўрайди, кампир султонни таниган ва воқеадан хабардор иккита таниқли одамларни гувоҳликка келтириб, фикрини ўтказади. Султон гуноҳига иқрор бўлади. Шариат қозиси бунда ё хун тўлови ёки жонга жон ҳукм чиқаради.

Шаҳ деди: «Шаръ этса бу янглиғ адо,
Шаръи наби ҳукмига жоним фидо»[202].

Султон бўйнини боғлаб кампирнинг қўлига тиғ тутқазади ва юзта ҳамён тўла олтинни ҳам кўйиб: агар болангнинг хунини истасанг – мана бошим, агар товон тиласанг – мана олтин, дейди. Шунда кампир (зол) султоннинг одиллигини кўриб, кўнгли эриб кетади, тиғни улоқтириб ташлайди.

Гар йигитим қилди фидо жон санга,
Мен қари жони доғи қурбон санга[203].

– дея султон оёғига йиқилиб, узр сўрайди. Бу ҳикоят орқали Навоий султон Ҳусайнни золим подшоларга қарама-қарши қўйгани, уларни султон Ҳусайн Бойқародек одил шоҳлардан ибрат олиши лозимлиги аниқ кўриниб турибди. Ҳикоятда қози ҳақидаги фикрлар ҳам ғоят муҳим, чунки шоир шариатнинг адолат посбони экани, қози ҳам султон Ҳусайн тахт эгаси бўлишига қарамай, шариатдан бир қадам чекинмаганини кўрсатади. Хулоса шуки, Алишер Навоийда салбий хусусиятли шоҳларнинг золимлигини кўрсатиш, танқид қилиш баробарида адолатли шоҳлар образини яратган, масалага икки томондан ёндашиб фикр юритган. Иккинчи хулоса шуки, Навоий подшога оддий одам сифатида қараб, унинг маънавий қамолоти ҳақида гапиради, шоҳнинг маънавияти етук бўлса, унда дунёга муносабат

---

[200] Ўша асар, 38-б.
[201] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 62-б.
[202] Ўша асар, 62-б.
[203] Ўша асар, 62-б.

яхшиликка қараб ўзгаради.

Золим шоҳни адолатли подшо билан қиёслаш Амир Хусравда ҳам бор. Ҳинд шоири буни ўз султони Алоуддовла мисолида таърифлаб беради. Султон Алоуддовла Хилжий Амир Хусрав тасвирига кўра адолатли подшоҳ:

Доғ ниҳӣ носияи саркашон,
Теғзани тораки лашкаркашон,
Кораш аз андешаи мардон бурун,
Ҷудаш аз андозаи хоҳиш фузун...
Маъдалаташ қоҳири хунхорагон,
Марҳаматаш марҳами бечорагон.
Лашкарию шаҳре аз ӯ пурмурод
Лашкарӣ аз давлату шаҳре зи дод...
Мояи уммеди сарафгандагон,
Сояи яздон ба сари бандагон[204].

(Тўполончи, ҳукмдан бош тортувчиларни жазоловчи, лашкар тортганда лашкарнинг энг моҳир қиличбози, лашкарбошилар бошини учирувчи. Иши одамлар фикрига сиғмайди, саховати истагандан ҳам ортиқроқ адолати қонхўрликнинг ғазабини кесувчи, марҳамати бечораларнинг марҳамати, ҳам лашкар аҳли ва ҳам шаҳар аҳли ундан рози, қўшин берган давлатидан, шаҳарлик эса – адолатидан. Бу подшо боши эгиклар умидининг асоси, бандалар бошида яздоннинг соясидир.)

Дарҳақиқат, тарихий маълумотларга қараганда, Алоуддин Хилжий нисбатан адолатпарвар ва маърифатли подшо бўлган, иймони мустаҳкам киши ҳисобланиб, шайхлар, сўфийлар билан кўп суҳбат қўрган. Хусрав Деҳлавийнинг ихлосманди сифатида унга ҳомийлик қилган.

Хусрав Деҳлавий таърифларида анъанавий иборалар билан бирга адолат ҳақидаги тушунчаларни ҳам англаб оламиз. Яхши, адолатли шоҳ қандай бўлиши керак? Бу саволга Амир Хусрав мадҳия бандлари орқали жавоб беради: биринчидан, шоҳ мамлакатнинг бутунлиги, марказий ҳукуматга сўзсиз итоат бўлишини таъминлаши лозим. Пароканда жойда адолат, ободончилик бўлмайди. Иккинчидан, подшо ёмондан қўриши лозим. Яъни подшонинг вазифаси аҳолини ёмондан: ўғри-каззоблар, золим амирлардан ҳимоя қилиши, учинчидан, у бечораларга ёрдам бериши керак. Тўртинчидан, подшодан лашкар аҳли, шаҳар ҳунармандлари, савдогарлар рози бўлсин. Шунда осойишталик ва тараққиёт бўлади.

Амир Хусрав Алоуддин султонни таъриф этиб қолмай, унга талай насиҳатлар ҳам қилади. Иккинчи бағишловда шоир ўз фикрларини яна ҳам конкретроқ мисолларда давом эттирган, давлатни бошқариш, карам ва саховат, қўшинга раҳбарлик ва қўшин аҳлига ғамхўрлик, хазина тўплаш йўллари хусусида маслаҳатлар берган. Хусрав фикрича, ақлли, донишманд кишилар шоҳ саройида қанча кўп бўлса, шунча яхши.

«Туҳфатул Аҳрор»да шоҳ-султонларга мадҳия боби йўқ. Тўртала адиб асарларининг қиёсидан шу келиб чиқадики, улар адолатга катта аҳамият берганлар, иккинчидан, подшо қандай маънавий қиёфа эгаси бўлиши лозимлиги бир кодекс сифатида бирма-бир баён қилинган. Навоий ва Амир Хусравда подшо зулмини қандай оқибатларга олиб келишини кўрсатиш баҳонасида феодал жамиятни таҳлил этиш, сарой муҳитининг иллатларини фош

[204] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 39-б.

қилиш бор. Айниқса, ўзбек шоири бунга кенг тўхталган ва манзара-лавҳалар чизиш орқали золим подшонинг жамият учун келтирган зарари, халққа етказган жабри ёритилган.

Буларнинг ҳаммаси шоҳ ва инсон проблемаси, шоҳ ва раият проблемасини янгича ҳал қилишга олиб келди. Амир Хусрав ва Навоий золим шоҳ образи билан бирга одил шоҳ тимсолини ҳам яратиб, ўз султонларини бунга мисол қилиб кўрсатганлар.

Инсон – муайян муҳит маҳсули. Унинг қарашлари ҳам тарихий муҳитдан ташқарида эмас. Навоий ва унинг салафларининг шоҳга бўлган қарашлари уларнинг ҳар бири яшаган давр тафаккури, муаммоларини акс эттиради. Шоҳга оддий халқ – бир ғайри оддий инсон, улуғ назаркарда шахс сифатида қараган. Хусрав Деҳлавий буни «Худонинг эл бошига юборган соясидир» деб таъриф беради. Лекин Навоий бундай фикрдан узоқ. У подшога оддий инсон деб қарайди, аммо кўпчиликнинг тақдирига, юрт тақдирига жавобгар бўлиши керак.

Шу тариқа, Алишер Навоийнинг одил шоҳ ва адолат ҳақидаги қарашлари Низомий ва Хусрав Деҳлавий қарашларининг бевосита ривожи, ўткирлашуви, замонага қараб актуаллашувини кўрсатади. Иккинчидан, бу қарашларнинг умумий мазмуни бизни шоҳ ва адолат ҳақидаги фикрлар ҳам келиб-келиб одамийлик, инсон сийратига тақалмоқда, деган хулосага олиб келади. Салтанат муаммоси умумгуманистик фикрлар, ғояларнинг ичига олиб ҳал қилинган.

ҲАЁТ ВА ИНСОН КАМОЛОТИ УЧУН КУРАШ

Сўз фазилати

Шарқ шоирлари ижодида тилга эътибор, тилнинг инсон ҳаётидаги ўрни, хизмати, инсонни шарафлаши ва инсон ўз асосий алоқа қуроли тилдан қандай мақсадларда фойдаланиши хусусида фикрлар анча. «Сўз» деганда шоирлар инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган нутқни, тафаккурни, ўзаро алоқа воситаси – тилни, бадиий адабиёт ва умуман ёзма ва оғзаки ижодни, тилнинг киши хулқ-атвори, одобига таъсири, тарбиявий аҳамиятини назарда тутганлар. Шунинг учун бўлса керак, инсон ихтиёридаги ижодий неъмат тил қадриятига юксак баҳо берилган, ундан ўз ўрнида тўғри ва фойдали ишлар учун фойдаланиш ҳақида панд ва насиҳатлар асосига қурилган мушоҳадалар юритилган.

Алҳол бу масала бизнинг тадқиқ доирамизга киради. Хусусан «Матлаъ ул-анвор» ва «Ҳайрат ул-аброр» муаллифлари тил ҳақида сўз юритганда, қайси жиҳатларга эътибор берганликлари, нималарни қоралаб, қандай хислатларни улуғлаганликлари қизиқаради.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Навоий ва Хусрав Деҳлавийнинг тил, сўз ҳақида баён этган фикрлари бошқа тадқиқотчиларнинг ҳам диққатини тортган. Аммо бу масала, биринчидан, бутун Шарқ адабиёти анъаналари контекстида олиб ўрганилган эмас, иккинчидан «Хамса» достонларнинг умумий мазмуни, моҳиятига боғлаб талқин этилмаган. Жумладан, икки улкан шоир Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоийнинг тил, тил одоби, бадиий адабиёт борасидаги қарашлари чоғиштириб чиқилмаган, уларнинг қарашлари орасидаги фарқлар очилмаган.

Шунинг учун биз бу адибларнинг мазкур масалага оид мулоҳазалари акс этган шеърий байтларини таҳлил қилиб, китобимиздаги алоҳида боб сифатида ўрганиб чиқишни лозим топдик. Аввало, Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоий қарашларидаги муштаракликка эътиборингизни қаратмоқчимиз. Ҳар икки шоир ҳам Сўз – биринчи қудрат турткисини, олам-

нинг яратилишига нидо – асос бўлган, деган фалсафий тушунчага эътиқод қиладилар. Гўё Мутлақ илоҳ моддий оламни яратиш мақсадида «кун», «факона» – «ярал», «бўл», деб хитоб этган ва дунё яралган экан. Яъни сўз бирламчи (азалдан), амал иккиламчи, деган тушунча ҳам шундай келиб чиққан. Мутлақ Илоҳ оламни яратгандан кейин Сўзни инсонга бағишлади. Хусрав Деҳлавийнинг фикрича, олам ҳам, одам ҳам сўз учун қолип – илоҳ руҳ манзилгоҳи.

Инсоннинг тириклиги, жони, ҳаёти сўз туфайли, зеро Одамийдан ўзга сўзловчи тирик вужуд йўқ. Ҳайвонлар ҳам тирик, юради, аммо нутқ нуқтаи назаридан улар ҳам тирик эмас.

Пас чу чунин аст, сухан жони мост,
В-он ки бад-у зинда бувад, з-они мост[205].

(Шундай бўлгач, сўз бизнинг жонимиздир ва нимаики бизни тирилтирса, у бизникидир).

Алишер Навоийнинг фикрича ҳам: «Сўз гавҳарнинг шарафи» баландлигига сабаб унинг бутун олам қудрати тарафидан тўҳфа этилганидир. У «тўрт садаф гавҳарнинг дуржи» – яъни тўрт унсур (сув, ҳаво, ўт, тупроқдан ҳосил бўлган инсон зотиниг бош хусусиятини белгилайди, инсон нутқи билан инсон, нутқ уни барчадан афзал этади. Сўз, нутқ – руҳ, қолип ичидаги жон, ҳаёт, ҳаракат демак, тил фақат алоқа қуроли, инсонни мумтоз этган неъматгина эмас, балки инсон учун азоб-изтироблар келтирадиган нарса ҳам, зеро тил – киши бошига кўп фалокатлар келтиради, «руҳни ҳалок этади». Навоийнинг масалага қанчалик чуқур қараганини ҳис этиш қийин эмас. Ўзбек шоири фикрини давом эттириб ёзадиким, сўзнинг кучи бениҳоя улуғ, «каломи фасеҳ (гўзал сўз) ўлганни тирилтириши ҳам мумкин. Шоҳнинг бир оғиз сўзи, дейди Навоий, «бедод» – зулмга сабаб бўлади, аммо ўртада жаллод бадном бўлади. Сўз масъулияти қанчалик баланд эканини, одамлар тақдири, кишиларнинг ҳаёти бир сўз билан ҳал этилиши – ё бахтга муяссар, ё абадул-абад бадбахт бўлишини, сўз одамларини жонфидоликка, улуғ мақсадлар сари курашга сафарбар этишини қайд этган. Навоий айни вақтда сўзнинг эстетик таъсир кучини кўрсатишни унутмаган. Шоир қизиқ мисол келтиради: «Ғунча оғизлик санами нўшлаб» гўзални курсанг, унинг хуш сурати, зебо қадду қомати кишини лол қолдирса-да, зоҳиран унинг чиройли суратдан унинг фарқи йўқ. Лекин агар шу чирой, ҳуснга яраша малоҳатли, жонситон нутқи ҳам бўлса, у:

Солғуси жинси бани одамға ўт,
Не бани одам, бари оламға ўт.
Ҳар дам этиб элни ҳалок ўртагай,
Балки башар хайлини пок ўртагай[206].

Мана шу ерда Навоий бадиий адабиёт, яъни «фасоҳатли сўз»нинг сўзу гудозидан ҳикоя бошлаб, шеърнинг, шоир сўзининг қудратини усталик билан қайд этади. Бунда ҳам нозик йўл топган: боя ўзи таъриф этган ўша гўзал сўзга чечанлиги билан олам аҳлини масту сархуш эта олади, аммо у Навоий ғазалини ўқиса-чи. Унда:

Ким анга алфоз ўлуб оташ фишон,
Берса улус кўнглиға мунгдин нишон.
Базмда ул лаҳза алолони кўр,
Кўйи харобот аро ғавғони кўр.
Кўрки нечукдур яқо чок айламак,

---

[205] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 112-б.

[206] *А.Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 34-б.

Ўзни фиғон бирла ҳалок айламак[207].

Шоир умуман бадиий сўзнинг таъсир кучини, жумладан, ўз шеърларининг нақадар баланд қадрланиши, одамлар кўнгилига ғулғула солиб, ҳаяжон қўзғашини фахр билан тасвирлаган. Шу ерда Навоий бадиий сўзни иккига ажратади: наср ва назм. Анъанага мувофиқ назм(шеър)ни насрдан устун қўяди. Чунки наср – сочма, назм эса тартибга туширилган сўз, шунга кўра унинг таъсири ҳам ўзгача. Бу ақида Низомийда ҳам бор. Навоий бу ерда Низомий фикрини қувватлаган. Хусрав Деҳлавийда сўзни бадиий ижод намунаси сифатида олиб қараш йўқ. Шу боис насру назм хусусидаги мулоҳазалар йўқ. Хусрав Деҳлавий тилнинг инсоният жамиятидаги ўрни, ахлоқ-одоб билан боғлиқ жиҳатларига кўпроқ эътибор беради. Тил кишиларни бир-бирига боғлайди ва тил одамларни бир-биридан ажратади, одамлар орасидаги фарқ ҳам тилда акс этади: «Одамийнинг тақвоси ва иккиюзламалиги ундан, ҳам одамлар билан эшаклар орасидаги фарқ ундан». Шоир шунга аминки, тилни сақлаш, тилга эҳтиёт бўлиб юриш кишига ҳаётда кўп фойда келтиради. Тил – хазинадан ҳам афзал, хазинани эҳтиёт қилиш шарт эмас, тилни эҳтиёт қилиш керак, дейди. Одам нутқини ривожлантириши, тарбиялаши, одобли бўлиши, суҳбатда ширингуфторлик билан маҳбубу маъқул бўлиши керак. Сўз – олтиндан қиммат:

Нархи сухан кард нашояд ба мол,
З-он ки сухан ҷон буваду зар сафол[208].

(Сўзнинг нархини мол билан ўлчаш ярашмайди, чунки сўз жондир, олтин эса – сафол). Сўзни ҳам маънодон, нуқтадон одамга айтса дуруст, ҳар кимса ҳам яхши сўзнинг қадрига етмайди, фаҳмига етиб, ундан лаззат топмайди. Нозик кўнгилли, сўздаги маъноларни қилни қирқ ёргандай фарқлайдиган одамнинг суҳбати ҳузур-ҳаловат бағишлайди. Суҳбатда ҳар нарсани айтавериш одобдан эмас, ундан кўра жим ўтириш афзал. Ёмон сўз ёмон қўшиқ каби ёқимсиз, ёмон қўшиқнинг ёмон куйи эса жонингни арралагандай азоб беради.

Алдов, ёлғон каби ёмон ниятларга сўзни сарфлаш гуноҳ. Ҳолбуки, бу одамлар орасида анча кенг тарқалган. Сўздан фириб, найранг учун фойдаланадилар ва рост қавл кишиларни йўлдан урадилар. Хусрав Деҳлавий бундай ёмон сўз билан кун кўрувчилар тоифасидан, айниқса уч гуруҳни ажратиб кўрсатади. Булар: маддоҳ шоирлар, мунажжимлар ва фолбинлар («қуръазан»). Буларнинг ишида баракат йўқ, чунки касблари ёлғонга асосланган.

Бу шоирнинг катта журъати эди, негаки мадҳиячи шоирлар, қуръачилар ва мунажжимлар шоҳлар саройида катта обрўга эга эдилар, нодон, авом халқ ҳам уларга ишонарди. Шоирлар золим шоҳларни одил деб мақтаб, уларни арзимас ишларини кўкларга кўтариб мақтаб, эл назарида бўяб кўрсатар, қабиҳликларини яширардилар. Бундай адабиёт сўз санъатининг ўзига ҳам зиён етказарди, ҳам зерикарли қасидалар, сўзбозлик авж олар эди. Деҳлавий, Жомий, Навоий каби даҳо адиблар ҳеч қачон бу йўлга кирмаганлар ва маддоҳ адибларнинг ишларини қаттиқ қоралаганлар. Масалан, Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида устозлари – Аттор, Румий, Ҳофиз, Жомий, Хусрав ҳақида, уларнинг баланд қадрли шеърияти ҳақида тўхтаб, кейин «адно табақаси» (паст табақа) шоирларни тилга олиб ўтади. Уларнинг «не шоирона таркиблари аҳсан ва не ошиқона сўзу дардлари шуълаафкан, баъзисидан агар гоҳе бирор яхши байт воқеъ булур, аммо ўн онча ямон даъво зоҳир бўлурким, у ҳам зоеъ бўлур» деб ёзади. Навоий бундай «шоирталаб» сўзи ёлғон ўзи кибру ҳаволи кишилардан безор бўлганини «Ҳайрат ул-

[207] Ўша асар, 34-б.

[208] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 113-б.

аброр» достонида ҳам сўз маъносига бағишланган бобда қайд этган. Турфа буким, деб нолийди улуғ шоир, улар менинг ўзимнинг шеъримни рангу рўйини ўзгартириб, тўғрироғи, уни бузиб, яна олдимга олиб келадилар, «шеър»нинг ҳолига йиғлагинг келади:

Зоҳир этиб йиғлагудек ҳол анга,
Кийдурубон эски қаро шол анга.
Турфа буким шеър қўюб отиши,
Еткурбон кўкка мубоҳотини[209].

Бундай ўғри «тақлидчилар», «билдирмасдан» ўзиники қилиб олиш Хусрав Деҳлавий замонида ҳам, Навоий замонида ҳам кўп бўлган. Улар ҳозир ҳам бор. Ҳозир ҳам талантли шоирларнинг ғоя ва иборалари, образларини ўзлаштирувчи ва Навоий айтганидай, уялмай эълон қилдирувчи, тағин таҳсин кутадиган шоирнамолар ҳам йўқ дейсизми? «Англамайин сўзда туюқ баҳрини, қайси туюқ, балки қўшуқ баҳрини», «лафзи бемаза, таркиби суст» шоирлар шеър қадрини тушириб келдилар.

Алишер Навоий ёлғончи шоирлар каби мунажжимларга нисбатан ҳам салбий муносабат билдирган. «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг «Аҳли нужум зикрида» деб номланувчи йигирма бешинчи фаслида шундай сўзларни ўқиймиз: «Мунажжимки, савобит ва сайёр назоратидан ҳукм сурар, раммолдекдурки, нуқталари ҳисоби била лоф урар», Яъни «юлдузлар ва сайёраларга назар солиб, ҳукм чиқарадиган мунажжим тош соққаларга қараб фол очадиган фолбин кабидир». Уларнинг бутун асбоби ҳийла-найранг асбоби, бутун хатти-ҳаракати бефойда ва бесамарадир. Одамларни ёлғон сўзлар, афсоналар билан алдайдиган, кўзбўямачи бу шахсларни қўйидаги ғоят оригинал киноя-ташбиҳ орқали фош этиб ташлаган: «Ўз илгида бир анор бўлса билмаски, неча донаси бор ва ул дона аччиғмидур ё зумухтваш, ё чучукмудурур...»210 бироқ «фалаки мудаввар» ҳақида сиру асрор айтишга бел боғлайдилар. Шунинг учун уларнинг «сўзи рост эмас», деб хулосалайди Навоий. Кўриб турибмизки, икки буюк шоирнинг ростлик ва ёлғончилик хусусида билдирган фикрларида ўхшашлик кўп. Шу ҳам маълум бўладики, тил ҳақидаги масаланинг мазмуни чуқур экан, у кўп ижтимоий масалаларни адабий-танқидий қарашларни ҳам қамраб олар экан.

Бироқ Амир Хусравнинг тил ҳақидаги сўзи шу билан тугамайди. У ростқавллик, ростгўйликнинг аҳамиятини анча батафсил тушунтириб, мисоллар орқали исботлашга ҳаракат қилади. Шоир қўлида ростлик калити бўлган бахт эшиги – ҳаммавақт очиқ дейди.

Сар чу сўйи ростӣ овард мард,
Боди ҳаводис кулаҳаш кач накард.
Ҳар ки ба тан рост аломат бувад,
Қолаби тавқеъ саломат бувад.
Сидқ чуз аз ростии дил нахост,
Тир шуд аз колбади рост рост[211].

---

[209] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 36-б.

[210] ***А.Навоий.*** Асарлар. 15 томлик, 13-том, Тошкент. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966, 26-б.

[211] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г, Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 116-б.

(Ростлик томон бошини бурган кишининг бош кийимини ҳодисалар шамоли олиб кетолмайди: тани-жисми ростликка хизмат қилган, ростлик аломати бўлган одамнинг вужуд қолипи саломат бўлади: садоқат кўнгилнинг ростлигидан бошқани истамайди – тўғри қолипдан чиққан ўқ тўғридир, тўғри учиб боради).

Ростлик, ростқавл тилнинг фазилатидан ростлик йўлида фойдаланиш демак, ростгўй одам ёлғончиларни ёмон кўради, ёлғон ахир одамлар орасини бузадиган, одамларни бир-бирига душман қиладиган паст хислат: Амир Хусрав ёлғончилик ғийбатни, жанжални, фисқу фасод, туҳмат-адоватни келтириб чиқаради, деб таъкидлайди. Шоир шундан кейин насиҳат қилиб айтадики, агар тилини ростлик йўлида, туз мақсадга сарфлолмасанг, яхшиси жим юр, лақма, беандиша бўлма. Тил одамни оламга танитади, машҳур қилади, шу билан бир қаторда, тил расвойи жаҳон қилиши, обрўсизлантириши ҳам мумкин. Айниқса, иккиюзламачи, икки хил гап қиладиган, олдингда мақтаб, орқангдан лой чаплайдиган риёкорлардан қўрқ, деб огоҳлантиради Хусрав Деҳлавий. Аммо шу ҳам борки, икки хил сўзлайдиган ёлғончилар охир-оқибат пушаймон бўладилар. Бу ёмон одат уларнинг бошини ейди. Икки хил гапириш пичоқни пичоқ билан қайраш ёки илонни арқон билан алдашдай гап, бир кун пичоқ бошингни олиши ёки илон алдаганингни билиб қолиб, заҳар сочиб ўлдириши мумкин.

Ақлли одам кўп гапирмайди, тилни эҳтиёт қилади:

Пистаи пурмағз нагўяд сухун,
Гарчи даҳонаст зи сар то ба бун[212].

(Мағзи бутун писта бошдан оёқ оғиз бўлса ҳам индамай туради.) Оғзи бўш, эзма одам ғофил киши, у жиддий муҳокама юритолмайди, ўзининг эзмалиги билан бошқаларга ҳам зарар келтиради. Сергап одамлар кўча-кўйда ғавғо кўтариб, бақириб-қичқириб, аҳоли тинчлигини бузадилар, бу одамийлик фазилатига зид, одамийликни хароб этадиган тубан одам:

Одамӣ аз арбада бечора гашт,
К-аз шағаби раъд замин пора гашт.
Он ки кунад гўш кар овойи ў,
Ноиби каҷной бувад нойи ў.
Хар чу кунад бонг ба ҳамсоягӣ,
Мағзи сар афтад ба тиҳимоягӣ[213].

(Одамзод жанжал, ғавғодан бечора бўлади, чунки момақалдироқнинг ғавғосидан ер парчаланади, овози қулоқни кар қиладиган одамларнинг томоғи эгри карнайга ноибдир).

Шу тариқа, Амир Хусрав тил ҳақида фикр юритиб, инсон одоби, ўзаро муомала, кишининг жамиятдаги ўрин, ўзини тутиши каби ахлоқий масалалар атрофида муҳим пандовуз фикрларни баён этган. Бу фикрлар ҳеч қачон эскирмайди, ҳар доим яхшиликка чорловчи ҳикмат бўлиб жаранглаб туради.

Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонидаги тили бағишланган бобларда асосан, сўзнинг фалсафий-ижтимоий моҳияти, функциялари ва бадиий адабиёт сифатидаги жозибаси, сўз санъатининг буюк таъсири, тарбиявий-маънавий аҳамияти кўрсатилган. Аммо ўзбек шоири бошқа жойда – ўнинчи мақолатда ростгўйлик фазилати ва ёлғон гапиришнинг зарари ҳақида алоҳида тўхтаган. Навоий ростлик, ростқавлликка жуда катта аҳа-

---

[212] Ўша асар, 118-б.

[213] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 119-б.

мият берган. Буни одамийлик, инсонийликнинг муҳим белгиси сифатида олиб қараган. У «Вужуд уйи ана шу туз (рост) сутун била барпост» мазкур уйнинг чироғи, баракати ростлик, дейди. Улуғ шоир бошдан охиргача ростлик билан эгриликни қиёслаб боради, ростлик одамни қандай улуғлаши ва эгрилик, ёлғончилик қандай тубанликларни келтириб чиқаришини қатор мисоллар воситасида исботлашга интилади. Шуни ҳам сезиш мумкинки, агар Амир Хусрав ростликни кўпроқ тил билан боғлаб, росқавллик билан вобаста тарзда изоҳлаган бўлса, Алишер Навоий буни кишининг хулқи, тийнати билан боғлаб тушунтиради, одамнинг табиатидан келиб чиқадиган хислатлар сифатида олиб қарайди. Масалан, у ростлик ва эгриликни мана бундай қиёслаган:

Ростдур улким назари тўғридур,
Ким илиги эгридур – ул ўғридур.
Бўлса илик эгрилик ичра самар,
Эл ани кесмакда туз этгай магар.
Кўзки эрур эгри анинг хилқати,
Бирни икки кўрмак эрур санъати[214].

Яъни: назари тўғри бўлган одам ростқавл, рострав бўлади, қўли эгри бўлган киши – ўғридир. Қўл агар эгриликка одатланса, эл уни кесиб, тузата оладими (ёки эл уни кесиб туз сепади). Агар кўзнинг тузилиши эгри бўлса, биттани иккита қилиб кўрсатади – одамни алдайди. Ёлғончилик шоҳларни, вазирларни йўлдан уриб, уруш-қирғинлар, нодуруст ҳукмлар, адолатсизлик, зулм-золимликка сабаб бўлади. Рост йўлдан юрган шоҳ – адолатли шоҳ, ростнавис котиб – ҳақиқат ҳимоячиси, ростгўй одам – ҳақиқат жарчиси. Алишер Навоий ана шу тариқа ростликни шарафлаган. Улуғ шоир шуни ҳам кузатганки, ростгўй одамнинг ҳаёти енгил эмас, ҳар хил тўсиқларга дуч келади, унга туҳмат қиладилар. Фалакнинг ўзи ҳам ростгўй одамни ёқтирмайди, чунки фалакнинг ўзи кажрафтор – эгрипарвар.

Ул кишиким, тузлук эрур шон анга,
Душман эрур гардиши даврон анга.
Хомаки тузлукка эрур раҳнамун,
Кесилибон боши бўлур сарнагун[215].

Шунақа, бир тарафдан «рости расти», яъни ростлик – қутулмоқлик, камолот, иккинчи томондан, пок виждонлик ҳақиқатгўй одамларнинг оғир саргузаштларни бошидан кечириши, қийинчилик кўриши. Навоий бу зиддиятни илғаб, ростликни ҳақиқатпарастлик, чин сўзлилик, виждон аа садоқат каби тушунчалар билан боғлар экан, жамиятдаги абадий кураш – яхши, адолатхоҳ одамлар билан найрангбоз, қаллоб, ёлғончи шахслар орасидаги курашни ифодалаб берган ва ўзи ўша ростлик тантанаси учун курашувчилар тарафида туриб, фикр изҳор этган.

Алишер Навоийнинг таъкидига кўра кизб (ёлғон), фирибгарлик билан ном қозонган одамнинг чин сўзига ҳам одамлар ишонмайдилар («чин деса ҳам халқ ишонмас анга»). Бунинг исботи учун боб охирига ёлғончи дуррож (қаровул) ва шер ҳикоятини келтиради. Ўрмонда бир баҳайбат шер бор эди, болаларини жуда яхши кўрар, улар билан ўйнаб юрарди. Болаларини тишида олиб юрарди. Ўша ўрмонда бир қаровул ҳам яшар, шер боласини тишлаб у жойдан бу жойга ўтганда пир этиб учар, шер эса ҳадиксираб тишини боласининг баданига ботирарди ва боласи ҳалок бўларди. Бу ғам шерни эзарди. Бундан қутулиш учун шер дуррож билан дўстлашишга аҳд қилади. Шер дуррожга: менинг сенга ҳеч бир қасдим йўқ, менга дўст

---

[214] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев Тошкент, «ФАН», 1960 й., 90-б.
[215] *А.Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрлоичи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й. 91-б.

бўлсанг, сени душманлардан халос этиб, ҳимоямга оламан, дегач, дуррож ҳам рози бўлади. Лекин дуррож шерни ёлғон нағмалар, сўзлар билан алдар эди. Шер унинг ёлғонларига кўникиб қолган эди. Бир кун дуррож овчининг тузоғига илиниб, ҳарчанд ёрдамга чақирса ҳам, шер ҳар галгидек алдаяпти деб, пинагини бўзмайди. Натижада дуррож ҳалок бўлади.

Бу ҳикоя орқали шоир ёлғончилик, козибликнинг охири ҳалокатли эканини кўрсатган. «Инсоннинг ҳамма гуфтори ҳам хуш эмас, қадрланадиган сўз хушдир» дея бобни якунлаган. Амир Хусрав ҳам охирида бир ҳикоят келтиради. Унда авлиёлардан бири Иброҳим ибн Адҳам йўлда кетаётганда бир йўловчи ундан: бу улуғ мартабани, билим-маърифатни қандай эгалладинг, деб сўрайди. Шунда Иброҳим:

Гуфт: аз он рӯ, ки забон солу моҳ,
Доштам аз беҳудагӯйи нигоҳ.
Дурҷи даҳонро нагшодам зи банд,
Ҷуз ба ҳадисе, ки бувад судманд...
Гуфтани бефоида тарки ҳаёст,
Қавли муваҷҷаҳ сифати анбиёст[216].

(Дейди: тилимни ою йиллар беҳуда, бемаъни сўзлар айтишдан сақладим. Оғиз сандиқчасини фойдали сўздан бошқасига очмадим. Фойдасиз сўз айтиш ҳаётга зиддир, асосли, мақбул сўз айтиш пайғамбарлар сифатидир).

Шу тариқа: Амир Хусрав аксар сўзнинг ҳаётдаги амалий аҳамиятини, ростгўйликнинг нафи ва ёлғончиликнинг, сергаплик, беҳудагўйликнинг зарарини таъкидлашга эътиборни қаратса, Алишер Навоий тил масаласига чуқурроқ ёндашиб, рост ва ёлғоннинг социал моҳиятини очишга, одамлар ҳаёти, жамиятга таъсирини тушунтиришга диққат берганлиги маълум бўлади.

Шундай қилиб, тил, сўз ҳақидаги фикрлар Амир Хусрав ва Алишер Навоийда бир-бирига тўғри келади. Аммо Навоийда эҳтирос кучлироқ, танқид руҳи ўткир. Бундан ташқари сўз бобида Навоий туркий тилнинг имкониятлари хусусида гапириб, ўзи журъат билан бу тилда катта асар бошлаганини ҳам ғурур билан баён этганки, бу ҳам унинг асарининг ўзига хослигини белгилайди. Навоийнинг қарашларида Низомий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий қарашларининг таъсири борлиги аниқ. Низомийда ҳам, Жомийда ҳам тил ҳақида, сўзнинг инсон зотини улуғловчи фазилатлари хусусида фикрларда Амир Хусрав билан Алишер Навоийнинг илм ҳақидаги, ақл-заковат ва тил ҳақидаги фикрлари моҳиятан Низомий Ганжавийда мавжуд. «Махзан ул-асрор» да «Гуфтор дар фазилати сухан» (Сўз фазилати ҳақида сўз) ва «Бартарии сухани манзум аз мансур» (Назмнинг насрдан баландлиги ҳақида) деган иккита боб бор. Биринчи бобда умуман сўзнинг илоҳий моҳияти инсон учун аҳамияти ҳақида гапирилади. Низомий ёзади:

Ҷунбиши аввал, ки қалам баргирифт,
Ҳарфи нахустин зи сухан даргирифт.
Пардаи хилват чу барандохтанд,
Ҷилваи аввал ба сухан сохтанд[217].

(Қаламни йўлга солган биринчи ҳаракат бу интилишни аввалambор Сўздан олди. Биринчи парда кўтарилганда илк жилоланган нарса Сўз эди).

---

[216] ***Амир Хусрав Деҳлавий.*** «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука». М., 1975, 124-б.

[217] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука». М., 1975 г., 283-284-б.

Қиёс учун «Матлаъ ул-анвор»нинг Сўз ҳақидаги бобининг бошланишини келтирамиз (Амир Хусравда сўз таърифи бир бобда келтирилади):

Ҳар чӣ дар ин чархи кўҳан сохтанд,
Қолабе аз баҳри сухан сохтанд.
Лек наяфтод ба рўйи замӣ,
Қолаби ин сикка беҳ аз одамӣ[218].

(Бу эски дунёда нимаики яратилган бўлса, бу сўз учун яратилган қолипдир. Аммо ер юзида одамдан бўлак сўзга мувофиқ қолип яратилмайди).

Энди Абдураҳмон Жомий асарини олиб қараймиз: (Жомийда Низомийга эргашилган ҳолда сўз мавзуига икки боб бағишланиб, яна бир боб шеърият ва шоирлик масаласига ҳам ажратилган):

Пештарин нафҳаи боғи сухун,
Ҳаст насими чаманоройи «кун».
Субҳидам он нафҳа чу бархостаст,
Хушку тари ин чаман оростаст[219].

(Сўз боғининг биринчи хушбўйлиги «кун»нинг чаманларини безовчи насимидир. Бу хушбўй ҳид тонгдан кўтралиб, ушбу чаманнинг ҳўлу қуруғни безади).

Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонида Сўзга икки боб ажратилган, аммо Сўз ҳақидаги бобларни мақолатларга киритмайди, балки асарнинг биринчи қисмига киритади. Низомий ва Жомийда ҳам шундай, лекин Амир Хусравда у учинчи мақолатларида келтирилган. Навоий сўз ҳақида бундай сўз бошлаган: «Сўз таърифидаким, башар вужуди сипеҳрининг кавокиби жаҳонтоби ва инсон зоти маъданининг жавоҳири серобидурур ва саъд кавкабларининг бир-бири бирла қирони яхши асар қўргузуридин ва самим жавҳарларининг бир-бирига иқтирони дилпазир кўринуридин, назм таркибин наср тартибига таржиҳ қилмоқ» 220.

Алишер Навоий ўз одатига кўра бу ерда ҳам бобнинг насрий сарлавҳасида асосий «тезис»ларни қаторлаштириб кетади, яъни мақсад: 1) сўзнинг инсон моҳиятини белгилаши; 2) сўз инсоннинг ахлоқий сифатларини кўрсатиб туриши; 3) шеърий асарнинг насрдан афзаллиги ҳақида гапиришдир. Боб шундай бошланади:

Сўз гуҳариға эрур анча шараф,
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.
Тўрт садаф гавҳарининг дуржи ул,
Етти фалак ахтарининг буржи ул[221].

Биз тўртала асардаги сўзга бағишланган бобларнинг бошланма байтларини келтирдик. Маълум бўлдики, Низомий, Хусрав Деҳлавий, Жомий ва Навоий Сўзнинг фалсафий моҳиятига катта аҳамият бериб, аввал гапни шундан бошлаганлар. Зеро, ўрта аср донишмандлари фикрига кўра, шунингдек, ислом ақидасига биноан ҳам олам бошида Сўз туради, яъни аввал Сўз бўлган, сўнг борлиқ вужудга келган. Шу боис инсоннинг асосий сифати ҳам сўз – нутқдир. Инсон аввало сўзда яхши ёки ёмонлигини изҳор этади.

Низомий Ганжавий кўпроқ Сўзнинг илоҳийлиги, осмоний шарафини таъкидлашга, унинг юксак қадрини очиб беришга интилган. Амир Хусрав бу ғояни инсон шарафи ва қадри, фа-

---

[218] Ҳ *Абдураҳмон Жомий.* «Ҳафт авранг», тошбосма. Тошкент, 1913 й.. 266-б.
[219] Ўша асар. 267-б.
[220] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев.Тошкент, «ФАН». 1960, 33-б.
[221] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайерловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960, 33-б.

зилати ва нуқсонларига боғлаб шарҳлайди. Жомийда ҳар икки жиҳат баробарида яна бадиий сўз фазилати устида тўхташ бор. Ҳазрат Навоий бўлса, юқорида қараб чиқилганидай Сўзнинг қадри, муқаддаслиги, бадиий сўзнинг вазифаси, насру назм миқёсидан ташқари Сўзда шакл ва маъно мутаносиблигини қаламга олади ва ҳам тасаввуфий-ахлоқий ва ҳам бадиий-эстетик жиҳатдан муҳим ҳикматли фикрларни баён этади.

«Ҳайрат ул-аброр»нинг ҳамма бобларида бўлганидай бу бобда ҳам буюк Навоий ахлоқий томонга кўп эътибор берган. Эсингизда бўлса, аввалги бобда Навоий инсон хилқати ҳақида гапириб, нутқ инсонни ҳайвондан ажратувчи белги, аммо гапирувчи ҳар бир кишини инсон дея олмаймиз, инсонликнинг бош белгиси имондир, деган улуғ бир фикрни баён этганини қайд қилгандик. Навоий Сўз ҳақидаги бобларда ҳам шу позицияси изчил давом эттирган: Сўзни фақат яхшиликка, яхши ишларга сарфлаш зарур, сўз ёвуз ниятда ишлатилса, фалокат келтиради ва бундай одам мусулмон эмас. Фитна, туҳмат, иғво, ёлғон – бу нуқсонларнинг бари Сўз орқали содир бўлади. Одамлар сўздан фойдаланиб, юз хил найрангни ишлатадилар: Сўз кишини ўлдиради ва тирилтиради, сўз мулкни обод этади ва вайрон қилади, Сўз улуғ ишларни бунёд этилди ва хунук воқеаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Навоий бунинг қатор мисолларини чоғиштириб берган, чунончи:

Фитна қилиб ваъдаю пайғом ила,
Ақлни маст айласа дашном ила.
Кўргузубон лоба малоҳат уза,
Лобаси туз сепса жароҳат уза.
Ким экин ул шуълаға ёқилғучи,
Ё бу жароҳатга даво қилгучи[222].

Хуллас, сўз, нутқ инсонни ҳайвондан ажратувчи белги экан, сўзни қадрлаш, тилга эътибор қилиш лозимлигини уқтириш Шарқнинг кўп шоирларида бор. Кўринадики, ҳар бир адиб бунда анъанавий хулосаларни янги ифода-ибора билан такрорлаш баробарида ўзи ҳаётда кўрган, кузатган воқеа-ҳодисалардан чиқарган хулосаларни ҳам сингдирган. Зеро, насиҳат, фойдали гап айтиш, одамийлик хислатларини ҳимоя қилиш ҳам шоирнинг бурчи ҳисобланган. Айниқса, Низомий, Навоий, Хусрав Деҳлавий каби мутафаккир адибларда бу интилиш аниқ сезилиб туради.

Умуман олганда сўз – одамнинг шарафи, сўз – фазилат, сўз – ахлоқий камолот воситаси. Шунинг учун уни шу йўлда сарфлаш лозим. Буюк шоирларнинг хулосаси – ана шу.

Муҳаббат – покловчи куч!

Ишқ ва ошиқлик Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навой ижодида кенг ўрин олган мавзулардан. Зотан, бу мавзу барча сўфий шоирлар, чунончи, Фаридиддин Аттор, Мавлоно Румий, Саъдий Шерозий, Хожа Ҳофиз Шерозий, Мавлоно Лутфий, Абдураҳмон Жомий ижодида ҳам асосий ўринни эгаллайди. Бунга ажабланиш керак эмас. Чунки Шарқ шеърияти яхлит олганда ишқ ва ошиқликни кўйлаган шеъриятдир. Унс ва яқинлик, инсоннинг инсонга муҳаббати, яъни икки киши орасидаги меҳр шарқ шоирлари ишқ концепциясининг ўзагини ташкил этса-да, ишқ моҳияти – ошиқликнинг маъно ва мазмуни фақат шу концепция орқалигина изоҳланмайди. Шоирлар ёр ишқи билан бирга, ҳаётга муҳаббатни, борлиқ, коинот билан ягоналик, руҳий-маънавий муштаракликларни ҳам ишқ тушунчаси ёрдамида талқин этадилар. Ёру биродарликни, яхши инсонга меҳр қўйишни, яхшилик, эзгуликка эътиқодни ҳам ишқ мазмунига сингдириб юборадилар.

---

[222] Алишер Навоий. «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев Тошкент, «ФАН». 1960, 33–34-б.

Таҳлил қилинаётган достонларда ишқ ҳам илоҳий ва ҳам дунёвий маънога эга. Буни Алишер Навоий «ишқи ҳақиқат» на «ишқи мажозий» деган истилоҳлар билан атаган. Илоҳий ишқ – бевосита Аллоҳга бўлган муҳаббат, мажозий ишқ эса – дунё гўзаллигига муҳаббат. Алишер Навоийнинг таърифига кўра, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румийга ўхшаган шоирлар «ишқи ҳақиқий» кўйчиси бўлса, Шайх Саъдий, Хўжа Ҳофиз, Амир Хусравни ишқи мажозий билан ишқи ҳақиқийни «махлут» қилган, яъни қўшган шоирлар сифатида тилга олади. Ўзини ҳам ана шу кейингилар қаторига қўшади.

Навоийнинг ушбу таснифи илмий-тадқиқот ишларида неча бор тилга олинган. Мисол учун М.Имомназаровнинг "Ҳақиқат ва мажоз»[223], Н.Комиловнинг «Тасаввуф ва бадиий ижод»[224], «Ишқ оташининг самандари»[225], «Севганимизнинг севгани ҳам севимлидир»[226], «Тавҳид асрори»[227] номли мақолалари, И. Ҳаққуловнинг «Тасаввуф ва шеърият»[228], С. Олимнинг «Ишқ, ошиқ, маъшуқ»[229] номли китобларида тасаввуф ва муҳаббат масалалари ёритилган, шеъриятдаги илоҳий ишқ моҳиятини очишга ҳаракат қилинган. Лекин кўп тадқиқотларда мажозий ишқу соф дунёвий муҳаббат мазмунида талқин этилиб, Навоий, Хусрав, Жомий асарларида тасаввуф йўқ, улар дунё гўзалини, реал инсон муҳаббатини тасвирлаган деган фикр баён этилади. Кейинги тадқиқотлар бундай қараш хато эканини тасдиқлади.

«Мажозий ишқ» тушунчасини соф дунёвий муҳаббат тарзида тушунмаслигимиз керак экан. Чунки, биринчидан, улуғ шоирлар дунёни гарчи махлуқот олами, фоний ўткинчилик деб англаган бўлсалар-да, аммо дунё Аллоҳнинг ижоди, унда Аллоҳ сифатлари зуҳур этган. Лайли ва Ширинда Аллоҳ жамолининг қудрати акс этгани учун Мажнун билан Фарҳод уларга ошиқи беқарор. Шоирлар мажоз (мажоз дегани ҳақиқатга тескари тушунча, образ, тасаввур демак) орқали ҳақиқатга боришни кўзлаганлар. Навоий таърифига биноан, мажозий ишқ босқичини босиб ўтиш илоҳ ошиқ учун зарур, чунки ишқ одам тийнатини ёндириб, дунё ғуборларидан поклаб боради. Шоир «Фарҳод ва Ширин» достонида ёзади:

Бу ўзлукдин қутулмоқ чора созди.
Нима йўқ ўйлаким ишқи мажозий.
Ангаким қолди ғам шомиға жовид,
Бурун субҳ ўлди, толеъ сўнгра хуршед.
Мажозий ишқ бўлди субҳи анвар,
Ҳақиқий ишқ анга хуршеди ховар[230].

Яъни сўфий ошиқ фоний бўлиб Илоҳ васлига етишиш, ўзлигидан қутулиши учун мажозий ишқ билан оғриган бўлиши керак. Ишқи мажозий худди тонг каби. Тонгдан кейин қуёш чиққандай, мажоздан кейин ҳақиқий ишқ пайдо бўлади.

Низомий достонида ишқ-муҳаббатга алоҳида боб ёки мақолат бағишланган эмас, лекин «Дар тавсифи шаб ва шинохтани дил» деган бобда Кўнгил хосияти, Кўнгилни таниш ҳақида сўз борадики, Кўнгил бу ишқ маскани, ишқсиз юрак – юрак эмаслиги маълум, Низомий ин-

---

[223] «Шарқ юлдузи» журнали, 1988, 1990, 1991, 4-сон.
[224] «Ёшлик» журнали, 1991, 8-сон.
[225] «Шарқ юлдузи», Б. Эралиев билан бирга , 1991, 11-сон.
[226] «Ёшлик», 1993, 9-сон.
[227] «Сирли олам» журнали, 1993, 9—10-сонлар.
[228] *И. Ҳаққулов.* «Тасаввуф ва шеърият». Тошкент, F. Ғулом номидаги нашриёт, 1991
[229] *С. Олимов.* «Ишқ, ошиқ, маъшуқ». Тошкент, «Фан» нашриёти, 1992.
[230] *А.Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрлоичи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 219-б.

соннинг энг нозик туйғулари, маҳрами розга айтилган муқаддас хислатларни Кўнгил билан боғлаб талқин этган ва бу кейинги шоирларда ҳам шундай давом этган. Бундан ташқари, хамсанавис шоирларда ишқнинг моҳиятини назарий жиҳатдан тушунтириб бериш, ишқ ва ошиқлик нима, деган саволга жавоб қайтариш, мазкур масала бўйича тушунча-қарашларини баён этиш ҳам бор. Масалан, Хусрав Деҳлавийнинг «Матлаъ ул-анвор» достонидаги саккизинчи мақолат ишқ таърифига бағишланган. Шоирнинг эътиқодига кўра, «ишқ руҳоний кишиларнинг сифатидир» ва шунинг учун унинг "пояси" – асоси жуда баланд бўлмоғи лозим. Шоир ишқни фисқ ва шаҳвоний ҳирсга қарши қўйиб одамнинг чинакам одамийлигидан нишона деб билган. Одам «танаси лойдан яратилгандан кейин» дейди Хусрав Деҳлавий, хоннинг уйини кўнгилга топширадилар.

Одамӣ он аст, ки дар вай дилест,
В-ар на алафхонаи обу гилест[231].

(Кўнгил – юраги бор одам – одамийдир. Бўлмаса у деворлари лойдан ясалган оғилхонадир).

Шоир давом этиб ёзадики, «кўнгил», «дил», «юрак» деганда ичига қон тўлган бир парча гўштни тушунманглар, агар шундай тушунадиган бўлсаларингиз, эшак энг катта соҳибдил бўлиб чиқади. Дил – бу ишқ орзу-интилиш, вафо-сидқ демак. Барча ҳайвонлар жон билан тирик, аммо инсон юрак билан тирик, юрак амри билан яшаган одамнинг умри чинакам умрдир. Кўнгил – бир чироқ ёниқ машъала.

Зиндагӣ дил чи бувад? – сӯзу доғ,
Мурда бувад ҳар ки насӯзад чароғ[232].

(Кўнгилнинг тириклиги нима? – ёниш ва ёнишдан қолган асорат олами. Кимниким уйида чироқ ёнмаса у ўлгандир).

Дардли дил билан яшаган одам ўзини тириклар қаторида ҳисоблаши мумкин. Ҳақиқий дард эса ишқдир, дардли бўлиш ошиқ бўлиш демак. Хусрав Деҳлавий буни ўзига хос усул – турли қиёслар келтириш билан ўқувчи зеҳнига сингдириш пайида бўлган. Чунончи, сув билан лойда шавқ йўқ, улар қолип, холос, хумни оғзигача май билан тўлдирсалар ҳам маст бўлмайди, кабоб сихи кабобнинг бийронидан бехабар, шиша гулоб ҳидини сезмагай ва ҳоқазо. Совуқ, бетаъсир сертакаллуф одамда ёниш-ўртаниш бўлмайди. Шунинг учун ишқ ҳам бундай одамлар қалбига кирмайди, ишқ-муҳаббат ёниқ дилларни макон этади:

Ишқ забони зи ҳар афсурда пурс,
Сӯзиши он аз дили озурда пурс.
Завқи намак гарчи забонро хуш аст,
Чун ба ҷароҳат фиканӣ – оташ аст[233].

(Ишқ дилини афсурда – ғамли, паришон одамдан сўра, унинг ўрташини озурда кўнгилдан сура. Тузнинг таъми – завқи тилга ёқса-да, лекин ярага қўйсанг оловдай қўйдиради).

---

[231] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Состанление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975, 178-б.

[232] Ўша асар, 179-б.

[233] Ўша асар, 179-б.

Шундай қилиб, Хусрав Деҳлавий ишқни юракдаги оташ, шўъла деб таърифлаган. Олов юқорига интилгани каби ишқи бор одамнинг руҳи ҳам баландпарвоз бўлади, чин поклик оламига юз тутади. Бироқ бу йўл жуда оғир ва машаққатли йўл, не-не азобларни бардош, сабот билан енгган, тубан ҳислар ҳужумга дош беролган мард инсонгина ошиқ бўлиши мумкин. Ошиқлик ҳавас, кўнгил овунчоғи эмас.

Зинда на онест, ки ҷоне дар ӯст,
Ӯст, ки аз ишқ нишоне дар ӯст.
Ҷон, ки на ишқаш бувад он бозияст,
Ишқ на бозист, ки ҷонбозияст.
Чанд бари ишқ ба бозӣ басар,
Ишқ дигар бошаду бозӣ дигар,
Мард, ки дар ишқ зи ҷон фард нест,
Гар сафи кофир шиканад, мард нест[234].

(Жони бор ҳар киши тирик саналмас, Ишқдан нишонаси бор одамгина тирикдир. Ишқи йўқ жон ўйинчоқдир, ишқ эса ўйин эмас, балки жонбозликдир. Эй, ишқни қачонгача ўйин ҳисоблаб юрасан, ишқ бошқаю ўйин бошқалигини англа. Ишқ йўлида жонидан кечмаган одам кофирлар лашкарини енгса ҳам мард эмас). Яхши, чиройли юзни севиш одамзодга хос хислатдир. Чиройли қомат, чиройли чеҳра, баркамол жамол кўнгилни яйратади ва ҳам беҳад азобу уқубатларга гирифтор этади. Чунки севги билан муяссар бўладиган бахт эмас, ҳаёт шундай қурилганки, висолдан кўра ҳижрон, ҳузурланишдан кўра азобланиш, сурурдан кўра хору зорлик кўпроқ. Аммо ошиқ учун ҳижрон азоби – роҳат, ёр истиғноси – умид, қийналиш – висолга ягона йўл. Шам ҳам ёруғлик таратиб парвонани ўзига жалб этади, ҳам куйдиради, яхшиларнинг руҳи кўнгил тузоғи, аммо яхшиларнинг бевафолиги жоннинг изтиробига сабабчи. Хусрав Деҳлавий шу маънода қўйидаги байтларни келтиради:

Рӯйи накӯ роҳати наззорагист.
Бар дили ошиқ ғаму оворагист.
Он ки ту бинӣ рухи зебойи шамъ,
Сӯзиши парвона шуду зеби ҷамъ.
Сурати шоҳид аҷали маънавист,
Хатти мусалсал рақами ҷодувист,
Кас зи рухи хуб вафое надид,
Кист ки он диду ҷафое надид[235].

(Чиройли юзга қаралганда (у сенга) роҳат бағишлайди, аммо ошиқлилига ғаму ташвиш келтиради. Шамнинг зебо жамолини кўр, парвонани куйдириб, мажлиснинг безаги бўлди. Маъшуқанинг сурати маънавиятнинг ажалидир, унинг чиройли туслари (хати) сеҳри жоду рақамидир. Чиройли юзлилардан ҳеч ким вафо кўрмади, чиройли юзни кўриб, жафо кўрмаган борми?)

Демак, шоирнинг уқтиришича, инсонни севиш, гўзал чеҳрага назар солиши, ҳусну жамолидан баҳра олиши табиий ҳолдир (Кўнгил гўзал юзни истаганда, кўз ноилож юзни томоша қилади). Жамики гўзаллик олами, жумладан, инсон ҳусни ҳам кўнгил завқини қўзғатади, дил торларини чертиб, сайратиб юборади. Аммо инсондаги бу туйғу беғараз, пок ният

---

[234] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева. «Наука». М., 1975, 181-б.

[235] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975, 182-б.

асосига қурилган, ҳусни ҳавасдан тоза интилишнинг натижаси бўлсагина чинакам муҳаббат мартабасида қадрланиши мумкин. Шу маънода Хусрав Деҳлавий нопок нигоҳ билан, ҳирс билан маҳбубага қарашни қоралайди. Шаҳвоний ҳирс ишққа бегона, инсон фазилати, шаънини ерга ўрадиган пасг тийнат кишиларнинг хислатидир:

Дидани хубон-ст ба шаҳват вубол,
Қанд чу май гашт, набошад ҳалол[236].

(Гўзаллар юзига шаҳват ҳирс билан боқиш гуноҳ, қанд шаробга айлангандан кейин ҳаром бўлади.)

Амир Хусрав гўзал инсон жамолидан баҳра олиш боғнинг таровати, саҳронинг лоласи, тонгнинг ҳуснини томоша қилиб, лаззат олишдай маънавий-руҳий эҳтиёжга айланишини талаб килади, дейди. Кўзи пок одам «санамлар рухсорига боқишини ман этиш хатодир», деб ёзади у. Аммо назари, қалби пок бўлмаган кишининг кўзи оқиб тушса эди, чунки бундай «кўзнинг сурамаси тупроқдир, холос».

Амир Хусравнинг бу фикрлари ўз даври учун катта журъат эди. Ўрта аср тузуми шароитида шундай ғояларни олдинга суриш, инсоний ҳисни поклик ва маънавий юксалиш билан боғлаб талқин этиш, гўзалликдан баҳрамандликни тарғиб этиш даврга нисбатан прогрессив ҳаракат эди. Албатта, Хусрав ва бошқа шарқ шоирлари бундай ишқни илоҳийлаштиришгача бориб етганлар. Лекин шунга қарамай, барибир бу ғояларнинг аҳамияти камаймайди. Абдураҳмон Жомийда ҳам ишқ махсус бобда олиб қоралган. Шоир ўзича ҳикматона гаплар билан бу тушунчанинг моҳиятини очиб беришдан ташқари, эсда қоладиган ифодалар ва тамсиллар келтириб, ишқнинг улуғ хислатларини васф этган:

Равнақи айёми ҷавонист ишқ,
Мояи коми дуҷаҳонист ишқ.
Майли таҳаррук ба фалак ишқ дод,
Завқи таҷарруд ба малик ишқ дод.
Чун гули ҷон бўйи таашшуқ гирифт,
Бо гили тан ранги тааллуқ гирифт.
Робитаи ҷону тани мо аз ўст,
Мурдани мо, зистани мо аз ўст[237].

(Ёшлик айёмининг равнақи ишқдир, икки жаҳон бахт-муродининг сабаби ишқдир. Фалакка ҳаракат қилиш майлини ишқ берди, покланиш завқини фариштага ишқ берди. Жон руҳи ошиқлик ҳидини олгач, тана лойи билан алоқадорлик расмини қабул қилди. Бизнинг жисмимиз ва жонимиз орасидаги алоқа ундан, ўлишимиз, тирилишимиз ҳам ундан.)

Демак, Жомий ишқни илоҳий беинтиҳо қудрат деб олади, оламни ҳаракатга келтирувчи куч деб қарайди. Ишқ бизни юқори оламга ҳам, пастки – моддий оламга ҳам боғлаб туради. Амир Хусравнинг маъшуқага ҳирсу ҳавас билан эмас, пок назар билан боқиш ишқнинг асоси ва биринчи шартидир, деган фикри Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида бундай ўз акс садосини топган, бир қадар такомилига етган. «Ул (яъни ишқ— М. М.) пок кўзни пок назар билан пок юзга солмоқдур ва пок кўнгул ул пок юз ошубидан қўзғалмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидан баҳра олмоқ»[238]

Навоий бундай ишқни хос кишиларга насиб этиладиган туйғу деб тушунтиради ва ишқни уч қисмга ажратади: биринчиси – авом ишқи, иккинчиси – “хавос ишқидурким, ҳавос ул

---

[236] Ўша асар, 183-б.

[237] *Абдураҳмон Жомий.* «Ҳафт авранг», тошбосма. Тошкент, 1913 й., 279-280 -б.

[238] *А.Навоий.* Асарлар. 15 томлик, 13-том, Тошкент. F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966, 42-б.

ишқда мансубдурлар, учинчиси – ҳақиқат бодасидан маст риндлар» ишқи. Қизиғи шундаки, Алишер Навоий устози Хусрав Деҳлавийнинг ўзини ҳам «покбоз ва шавқу ниёз аҳлининг назмтирози» сифатида таърифлаб, иккинчи тоифа ишққа иқтидо этган кишилар зумрасига киритади. Сабаби, деб тушунтиради ўзбек шоири, Хусрав Деҳлавий ўз асарларида «пок нафас ва гуфтори пок, маонийлик ашъори ишқ аҳли орасида ғавғо ва важҳу ҳол анжумани фазосида алоло (ғулғула, овоза) солибдур». Маълум бўладики, Навоий «ҳинд сеҳргари»нинг ўзига хос услуби, дунёқараши, эстетик кредоси ва муҳаббат кониепциясини чуқур англаган ва унинг қарашларига хайрхоҳлик билдирган: кўнгилнинг поклиги, пок ният билан, пок туйғу асосида маҳбубни севиш Навоий ғазалларида кўп марта таъкидлангани ва бу ғоянинг кенг ташвиқ этилиши шундан, албатта. Чунки Навоий муҳаббатни «покбозлик» дейиш билан бу ажиб инсоний ҳисни инсон ахлоқига боғлаб изоҳлайди. Яъни у демоқчи, инсон қанчалик етук, қалби пок, ахлоқий соф бўлса унинг кўнглида ишқ шунча кўп ўрин олади, шунча завқ-шавқи тўлиб-тошган бўлади. Навоий назарида Хусрав Деҳлавий фақат пок ишқни кўйлаган шоиргина эмас, балки ўзи ҳам «покбоз» ошиқдир, бошқаларга намунадир. Шу каби, Шайх Ироқий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомийларни ҳам Навоий чин ошиқлар қаторида васф этади. Модомики, шундай экан, улуғ Навоийнинг ўзини ҳам ана шундай «покбозлар» сафига қўшишга ҳақимиз бор. Зеро, Алишер Навоийнинг бутун ҳаёти ва ижоди шунга далолат этади.

Алишер Навоийнинг «ишқнома»си «Ҳайрат ул-аброр» достонида ҳам алоҳида боб бўлиб кирган. Боб «Ишқ ўти таърифидаким, шўъласи бало саҳросининг лолалари ва ахтари балокаш кўнгул парчаларидур ва бу меҳнат қаро шоми анинг тутуни ва бу шомнинг мухтариқ кавкаблари анинг учқунидурур. Ва ҳусн анвориким, шунча ўтқа боис, анинг барқидин бир лажъа ва мунча ҳароратқа мужиб, анинг қуёшидин бир ашиъаддурур»[239]. Биз атайлаб боб сарлавҳасини тўлиқ келтирдик. Чунки сарлавҳаларда Алишер Навоий одатан бобда зикр этиладиган воқеалар ва фикрларни ихчам ҳолда баён этади. Боб сарлавҳасининг мазмунидан шоирнинг нимага диққат қилаётгани, нима ҳақда тўхтаб ўтишини бемалол англаш мумкин. Агар биз келтирилган сарлавҳаларга эътибор берсак, Навоий «ишқ» сўзи билан вобаста ҳолда «ўт», «шўъла», «бало», «балокаш кўнгул», «меҳнат қаро шоми», «ҳусн», «ҳусн анвори» каби сўз ва иборалар қўллаганини кўрамиз. Дарҳақиқат, ишқ азобсиз, ўт-аланга-сиз кечмайди, у кўнгилнинг балоларга гирифтор этади, яъни аниқроқ қилиб айтсак, ошиқ изтиробу қийноқлар билан ёр висолига етиши мумкин. Навоийнинг ёзишича, ишқ азалдан инсон боласининг хилқатида мавжуддир. У «руҳ майи» бирла жисмга кириб келади ва уни маст этади. Руҳ оламининг гўзаллиги, ҳусни «гумондин фузун» – беҳад зиёд. Инсон жисмига таралган ишқ оҳанрабоси шу беҳудуд гўзаллик оламидан тушган нурдир. Инсон булбул гулга ошиқ бўлиб сайраганидай, шу шўъладан маст, бетоқат бўлиб, ўзини йўқотиб, мажнун каби ошуфтадир. Инсон – дунё гўзаллигининг ошуфтаси, дунё, ҳаёт уни сеҳрлайди. Бу сеҳр гўзал аёл ёки чиройли ёр қиёфасида кўриниши ҳам мумкин.

Ишқ чу туғёни камол айлади,
Ошиқ ўзин шефта ҳол айлади.
Ҳусн доғи жилва қилиб дилписанд,
Зулфга топширди балодин каманд.
Тушти жаҳон мулкиға ғавғои ишқ,

[239] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев.Тошкент, «ФАН», 1960 й., 84-б.

Бўлди замон аҳлиға яғмойи ишқ[240].

Шундай қилиб, ишқ бутун борлиқни қамраб олган «жаҳон мулки», яъни жонсиз жисмлару жонзотлар, ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз ашёлар, еру осмон жисмлари шоир назарида ишқ қонуни билан яшайди. Кўринадики, Навоий ишқни Хусрав Деҳлавийдан кўра чуқурроқ ва фалсафийроқ талқин этади.

Алишер Навоий яна шуни ҳам алоҳида қайд этадики, ишқ шоҳу гадога баробар: «Иноди олинда тенг ҳам шоҳ ҳам гадо; бедоди қошинда бир ҳам фосиқ, ҳам порсо». Лекин ишқ кўпроқ гадоларга насиб этади, чунки подшолар, амирлар давлат, мол-дунё ишқига гирифтор. Мол-дунё жой олган кўнгилдан ёр муҳаббати, соф ишқ жой олиши қийин. Навоий буни Баҳром Гўр образида ажойиб саргузаштлар орқали тасвир этганини биламиз. Шу каби «Фарҳод ва Ширин»даги Хусрав образи ҳам шу ғояни тасдиқлашга хизмат этади.

Энди яна «Ҳайрат ул-аброр» достонига қайтайлик. Навоий бу достонида ишқнинг жаҳоний қудратини таъриф этиб келиб, ислом ақидаларига нисбатан хийла баланд мақомдаги фикрларини баён қилишга журъат этади. Унинг назарида буюк ишқ олдида Маккаю Каъба, Қуръону шариат, жаннату дўзах бир чақага арзимайди. Ишқ олови буларнинг барчасини ёндириб, яксон этиши, масжидни калисога, тасбеҳни зуннорга, исломни куфрга айлантириши ҳеч гап эмас. Мана бу тасаввуфий байтларга диққат қилинг:

Май ўти бут юзидин урғоч алам,
Куйдуруб ул шўълада мусҳафни ҳам.
Андаки мусҳаф варақин кўйдуруб,
Раҳлни ўт ёқмоқ учун синдуруб.
Дайрға масжидни ҳақир айлабон,
Куфрга иймонни асир айлабон.

Хирқаи тақвини қилиб итга жул,
Руқъалари ҳар сори жул узра гул.
Куфр саводиға чу очиб китоб,
Борча самадни санам айлаб хитоб.
Масжид аро бодайи исён суниб,
Гўшаи меҳроб аро кўп ўртаниб...[241]

Мазкур байтларнинг мазмунини келтирамиз: маъшуқ юзидан май олови аланга олиб ёнгандан кейин, у ўз шўъласида Қуръонни ёндиради. Қуръоннинг варақларини кўйдиргандан кейин китоб остита қўйиладиган лавҳ ёғочини ҳам синдириб ёқади. Ишқ масжидни черков олдида арзимас қилади, имонни кофирликка асир этади. У тақво тўнини итга тўқим этиши мумкин, шунда ямоқлар тўқим узра ёйилган гулларга ўхшаб қолади. Кофирлик таълими учун китоб очиб, барча «самад» (Худонинг абадий, мангулигини англатувчи сифат)ни «санам» (гўзал маҳбуба сурати, ёр, маъшуқа) деб хитоб этадиган қилади.

Навоийнинг бу байтларда катта журъат, тафаккур жасоратигина эмас, балки эҳтирос ҳам бор. Яъни зимдан шоирнинг айрим диний русум, ақоид – тасаввуротларга тамасхур – заҳарханда билан қараши, уларни инкор этишини ҳис этамиз. Уша шароитда, шариат ҳукми ҳаммага раво деб ҳисобланган бир шароитда шундай фикрларни баён этиш, инсоний ҳис-туйғу, пок интилишларни, ҳатто муқаддас китоб – Қуръондан ҳам баланд қўйиб

[240] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент. «ФАН», 1960 й.. 85-б.
[241] Алишер Навоий. «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 85-б.

таърифлаш нақадар чегарасиз руҳий эркинлик доҳиёна дил ва тийнат эркинлигини талаб этардики, бу фақат Навоийдагина ўз инъикосини топди. Хусрав Деҳлавийнинг «Матлаъ ул-анвор» асарида Навоийдагидек «даҳриёна» мисралар йўқ. Балки, бу Низомийда бордир? Қани кўрайлик-чи. Низомий «Хамса»сининг биринчи достони «Махзан ул-асрор»да ишқ мавзуига махсус боб бағишланган эмас. Фақат унинг «Хусрав на Ширин» достонида «Сухане чанд дар ишқ» (Ишқ бобида бир неча сўз) деган боб келтирилган бўлиб, унда муҳаббатнинг умумжаҳоний қудрати ҳақида гап кетса-да, аммо ислом ва шариатнинг айрим русумларига қарши эркин байтлар йўқ. Демак, бу ўринда Навоий ҳар иккала устозидан ҳам ўзиб кетган. Ишқнинг фалсафий моҳиятини теранроқ, очиб берган, уни ижтимоий иллатлар, диний ақидалар ва одамларни бўғиб, фикрни, ҳисни мажруҳ, карахт этган хурофотга қарши кураш қуролига айлантирган.

Бироқ улуғ ўзбек шоири Ишқнинг фақат шу фазилатини айтиш билан чегараланган эмас. «Ҳайратул аброр»да ишқ ҳақидаги бобда ижтимоий-ахлоқий масалалар ҳам кун тартибига қуйилган. Бошқача айтадиган бўлсак, ҳазрат Навоий муҳаббатнинг тарбиявий ролига ҳам юқори баҳо бериб, инсон камолоти учун қанчалик зарур эканини таъкид лаб куйган. Бу ажабланарлими? Йўқ, Навоийгача бўлган Шарқ адиблари, файласуфлари ҳам муҳаббатни ахлоқий сифатлар билан боғлаганлар. Ибн Сино, Абулмажид Саноий, Фаридиддин Аттор ашъорларида муҳаббатинг тарбиявий аҳамияти ҳақида сўз боради. Хусрав Деҳлавийда ҳам, кўриб ўтганимиздай, ишқ бошқа инсоний фазилатлар билан олиб қаралади. Алишер Навоий шунга аминки, кўнглида ишқ ўти аланга олган одам ёмонликка юрмайди ва ўзгаларга ҳам ёмонликни раво кўрмайди. Зеро, ишқ – саховат чашмаси. У кўнгилда ёқилган чироқ, кўнгилни ёритиб, илм-маърифатга макон этади. Ишқ, аввало, инсонни гўзалликка ошно этади, гўзаллик сирру асрорини кашф этишга ундайди, дидини, фаросатини, зеҳни ва қобилиятини оширади, ошиқ киши зукко, тезфаҳм бўлиб қолади. Бунга ҳусн сабабчи. Воқеан, ҳусн бўлмаганда ишқнинг ўзи ҳам нишона бермас эди:

Ишқ аён қилмоқ эрур ҳусн иши...[242]

Ишқ тош кўнгилларни эритиши, зоҳидни бутпараст қилиши, жоҳилни раҳмдил шахсга айлантириши мумкин. Чунки ишқ-муҳаббат ақлнинг иши эмас, аксинча, бу туйғу ақлдан устунлик қилади, уни маҳв этади. Ошиқларнинг девонасифат, мажнун бўлиб қолиши шундан, чунки мажнунлик – содиқлик, вафодорлик демак. Сидқу садоқат, вафо бўлмаган жойда ишқу ошиклик ҳам бўлмағай.

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.
Ишқсиз ул танки, анинг жони йўқ,
Ҳуснни нетсун кишиким, они йўқ[243].

Хуллас, инсон муҳаббат билан инсон, ишқ билан тирик – Навоийнинг эътиқоди шу. Бу улуғ фазилатнинг биринчи белгиси эса вафодир. Вафо ишқнинг биринчи шарти, «ёрлиқ шеваси»нинг қоидасигина эмас, пойдевори ҳамдир. Шунинг учун бўлса керак «Ҳайрат ул-аброр»да ишқ бобидан олдин вафо боби келади («Саккизинчи мақолат»). Албатта, вафо тушунчаси ишқ тушунчасига нисбатан бирмунча торроқ. Вафо, агар таъбир жоиз бўлса анчайин «амалий, дунёвий» тушунча, унда кайҳоний мазмунни кўрмаймиз. Лекин шунга қарамай бу икки тушунчанинг бир-бирига алоқадорлиги аниқ. Чунки вафо аввало муҳа-

[242] *Алишер Навоий.* «Хамса», танкидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев.Тошкент, «ФАН». 1960 й., 86-б.
[243] Ўша асар, 85-б.

ббатда кўринади, синалади. Чин муҳаббат, одамлар ўртасидаги дўстлик эмас, вафосиз ёр ҳам ёр эмас. Навоий гапни мана шу оддий ҳақиқатдан, одамлар ўртасидаги муносабатни белгиловчи вафонинг аҳамиятини таъкидлашдан бошлаб, то ёлғизликнинг даҳшатларини тасвирлашгача бориб етади. «Навоий «вафо»ни, ... ишқни кенг маънода тушунади, бу тушунчаларни икки жинс ўртасидаги муносабатларгагина боғлаб қўймайди», деб ёзади таниқли навоийшунос А.Ҳайитметов. Шоирнинг куйиниб ёзишига қараганда, инсон зоти ёлғиз яшолмайди, ёрсиз, дўст меҳрибон кишиси бўлмаган одамнинг аҳволи ачинарли,оғир:

Ёрсиз эл оҳи ғамандуд эрур,
Ёнса йиғоч ёлғуз, иши дуд эрур.
Тоқ киши айши ўйин бил нигун,
Уйга қачон ҳомил ўлур бир сутун?
Синса уқоб эгни уза бир қанот,
Тез учар, лек анга бардам ҳаёт[244].

Бир киши ёлғиз дарахтдай бесамардир, чақмоқ тошни ҳам бошқа тошга урилганда ўт чиқаради, бургутнинг бир қаноти синса, қулаб тушади, битта ўтиндан олов ясаб бўлмайди. Ана шу қатор мисолларни келтириб, мутафаккир шоир ҳаётининг абадий қонуниятларидан бири жуфт бўлиб, жамият бўлиб яшашнинг фазилатини олқишлайди ва бундай жуфтликда бир-бирига вафодорлик садоқат асос эканини ҳикмат тили билан таъсирчан формада баён этади. Унинг таъкидлашича, вафо дунёнинг энг ноёб гавҳари («Сурса отин аҳли сафо жавҳари, оҳ чекиб деки, вафо гавҳари»), инсон умрини безайдиган, уни улуғвор этадиган хислат. Вафо, карам – беғараз, холис бўлиши керак. Қуёш мавжудотга доимо нур сочар экан, ҳеч қачон тама учун, мукофот учун, манфаат юзасидан қилмайди бу ишни. Шунинг учун вафоли, карамли одам эвазига жафо кўрганда ҳам бу йўлдан қайтмаслиги керак – «дарахт қанча кўп ҳосил боғласа, шунча унга тош отадилар, шам уйнинг ичи ва ташқарисини ёритади, аммо уй эгаси ҳар замон унинг бошини кесиб туради». Меҳрга – номеҳрибонлик билан, жафо билан жавоб бериш чархи даврон шеваларидир. Чунки дунё шундай қурилган. Лекин яхши инсонлар бундан ибрат олиб, бу «кажрафтор»ликка тақлид қилмай вафога вафо билан жавоб қайтаришга интиладилар.

Алишер Навоий шу бобда дунёнинг бевафолиги ва бебақолиги ҳақида сўз юритиб келиб, гапни ўз замони воқеаларига буриб юборади, замона одамларининг бир-бирини қадрламасликлари, орада меҳр-оқибат сўниб бораётганидан шикоят қилади: Масалан, у ёзади:

Кимки вафо узра бориб бош анга,
Сарзаниш–ўқму эди подош анга?
Ё бу замин аҳлига бу бўлди баҳр,
Нўш олибон қўймоқ эл оғзига заҳр.
Кимга биров тутса гули тоза рўй,
Гулшани ризвонча анга рангу бўй.

Буки эваз, бермагай ул жуз тикан,
Бир демагил, балки дегил юз тикан[245].

[244] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев.Тошкент, «ФАН», 1960 й., 81-б.
[245] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев.Тошкент, «ФАН», 1960 й., 81-б.

Яъни: кимки вафо йўлига бошини қўйса, бошини садоқат билан тикса, унинг мукофоти маломат, таъна санчиқлари (ўқлари) бўларми? Ёки бизнинг замон кишиларига бу одатми – фойда кўриб, кейин эл оғзига заҳр қўйиш. Биров тоза бир гул тутса ва бу гул агар жаннат гулидай хушбўй бўлса-да, лекин фақат тикан олади, бир эмас, минг тикан насибаси бўлади.

Одамлар, мана шунақа, аммо бундан ҳам кўра ёлғизлик жафоси оғирроқ.

Бир киши андоқ кишиким бир киши[246], –

дейди шоир, унинг ҳамдарди, меҳрибони бўлмаса ҳоли нима кечади? Агар майиб-мажруҳ бўлиб қолса, кексайса ёхуд бирор дардга чалинса-чи? Бундай одамлар, Навоий уқдиришича, кўпинча ўзлари ўзларига жабр қиладилар, чунки бировга яхшилик қўлини чўзмаганлар, одамлардан қочиб, меҳр ошкор этмаганлар. Уларга теккан мукофот эса – ёлғизлик.

Ёрки, ойини вафо йўқ анга,
Шамъ кибидурки, зиё йўқ анга[247].

Шунинг учун меҳрибон, вафодор ёри бўлган гадо ёрсиз шоҳдан бахтиёрроқдир. «Бебаҳо гавҳар» бўлган ёрнинг ўзи гавҳардай ноёб. Навоий яна замона аҳли, одамларнинг вафосизлиги хусусидаги фикрига қайтиб, вафоли ёрнинг кам топилишини, агар шундай вафодор ёр топилса, жонимни унга фидо қилардим, деб ўксинади.

Шу зайлда, ишқ-муҳаббат, унинг ажралмас сифати вафо-садоқат ҳақида фикр юритиб, шоир дунё, одамлар, жамият, инсоний бахт, инсоний бурч ҳақида ҳам муҳим рояларни баён этади. Бу эса улуғ Навоий мушоҳадаларининг кенглиги, кузатишларининг, нигоҳининг реал ҳаёт воқеаларига йўналтирилганидан келиб чиққан.

Хусрав Деҳлавий ҳам «Матлаъ ул-анвор» достонининг тўққизинчи мақолатида бу масалага эътибор қаратган. Боб «Ҳамжиҳат ўртоқларнинг мувофиқлиги ва ҳамкорлиги...» деб номланади, ёрлик дўст-биродарликнинг талаб ва низомлари хусусида сўз боради.

З-он ҳама к-одоби накукорист,
Пояи аввал адаб ёриест[248].

(Яхшилик эзгуликнинг расму русуми, одоби ичида биринчи асос ёрлик қоидаси, одобидир), деб бошлайди сўзни Хусрав Деҳлавий. Дўстлик ва ёрлик дўстга садоқат билдириш инсон фазилати бўлиши керак. Шоир дўстликнинг аҳамияти, инсон ҳаёти учун заруриятини таъкидлайди ва одамларни бир-бирига ҳамкору ҳамроз бўлишга, бир-бирини қўллаб-қувватлашга чақиради. ҳамжиҳатлик одамларни бир мақсад йўлида бирлаштиради, ишларига барака-қут бағишлайди, деб уқдиради ҳинд шоири. Дўстлар шундай вафодор бўлиши керакки, бодом ичидаги ялакат мағзидай умрбод бир-биридан ажралмасинлар, юзаки, сохта дўстлар ҳам кўп. «Дўсти жоний» эмас, «дўсти комий» улар. Одамнинг юзида дўстлик кўрсатиб, орқасидан адоват пичоғини кайраб юрадиганлар бор.

То туӣ, аз рўйи ту бошанд шод,
Чун ту шудӣ беш наёранд ёд[249].

(Сен ҳузурларида борсан, юзингдан шод бўлиб юрадилар, сен кетгандан кейин қайтиб ёдга олмайдилар.) Дўст киши ҳозиру ғойибда, ҳамма жойда дўстини эслаб, уни эъзозлаб юради. Аммо қани шундай содиқ дўстлар, ёри вафодорлар? Ҳамдамлар, ўртоқ – ҳарифлар

---

[246] *Ўша асар*, 81-б.

[247] *Ўша асар*, 81-б.

[248] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 189-б.

[249] Ӯша асар, 191-б.

кўп, чинакам ёри азиз кам:

Машриқу мағриб ҳама пурҳамдам аст,
Лекин аз он гуна, ки бояд кам аст...
Ҳарки саломе кунадат ёр нест,
Ҳар садаферо дури шаҳвор нест.
Чун натавон ёфт дар ин рўзгор,
Ёрки онро битавон гуфт ёр[250].

(Машриқ ва мағрибда ҳамманинг ҳамдами бор, аммо биз ўйлаган ҳақиқий дўст кам... Салом берган ҳар одам ёр бўлолмайди, ҳар садаф ичида ҳам шоҳ тожини безайдиган дур бўлмайди).

Ёр энг оғир пайтда синалади, у шодликда ҳам, ғамгин кунларда ҳам бирдай туриб бериши лозим. Ғамингга шерик бўлмаган, оғирни енгил этолмаган дўстнинг ўзи катта ғам, ташвиш келтиради. Бундай ёрнинг баҳридан ўтиш авло:

Дилки ба пайванд накўшад, бидўз,
Ёрки дилсўз набошад, бисўз[251].

(Пайвандланишга интилмаган юракни тикиб ташла, яъни ажратиб ол, дилсўз – ёрига ачинмаган, ёнмаган ёрни ёндир.)

Дўстликнинг сифатлари, вафо, беғараз ёрдам, ҳар қандай шароитда бирдай туриш бўлса, ноаҳилликнинг белгилари такаббурлик, пастлик ҳасад, ҳирс, манманлик каби салбий хислатлардир. Бу хислатларга эга одамлар ўзаро ҳам бир-бирига шафқат кўрсата олмайдилар, фақат узларини уйлайдилар. Дўстлик – ёрлик эса ўзликдан воз кечиш, мардлик олижаноблик қилиш билан кўзга ташланиб туради. Хусрав Деҳлавий мол-мулк тўплашга берилган, «олтин-кумуш селига ғарқ бўлган» одамдан ҳам рафоқат, дўстлик кутманг, деб огоҳлантиради. Чунки олтин-кумуш ҳирси одамнинг ўзини ҳам, унга қўшилган кишини ҳам ҳалок этади. Нақадар башоратли сўзлар. Бу башоратнинг тўғрилиги, ҳаётийлиги ҳатто бизнинг замонда ҳам исботланмоқда. Характерлиси шуки, Деҳлавий одамларнинг бир қанчасини ўз кўзим билан кўрдим, бу хас каби нокаслар баъзан бошлари осмонга етти, давлат қутуртирди, менга бир қур боқмадилар, лекин мен ҳам бу «сифла»га эътибор қилмадим, деб ёзади. Шунинг учун чинакам инсоний фазилатга эга, «аҳли вафо»ларнинг этагини тут, деб боб охирида ўз ўқувчиларига мурожаат қилиб насиҳат қилади шоир. Хусрав Деҳлавий вафо ва дўстликни ахлоқий сифатлар билан қўшиб таърифлар экан, уни яхши одамнинг хислати, яхшилик белгиси деб қараган. Шу нуқтада ҳар икки буюк шоирнинг қарашлари туташади, ҳамовозлик пайдо бўлади. Аммо Навоийда «вафо» тушунчасининг мазмуни кенгроқ, у кайҳоний ишқ тушунчаси билан боғланиб кетган, фалсафий маъно касб этган. Хусрав Деҳлавийда эса бу ҳол кўзга чалинмайди. Ҳиндистонлик шоир кўпроқ одоб-ахлоқ доирасида фикр юритишни маъқул кўрган. Аммо ҳар икки шоирда ҳам ишқ-вафо, садоқат инсон ва унинг камолоти йўлидаги сифатлар қаторида улуғлангани, инсонпарварлик ғояси тарғиб этилгани маълум бўлиб турибди.

---

[250] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г.. 191-б.

[251] Ўша асар, 194-б.

ОДАМИЙЛИК ТАЪРИФИ ВА НООДАМИЙЛИК МАЗАММАТИ

Низомий Ганжавий одамнинг ахлоқий сифатлари ҳақида сўз юритиб келиб, еттинчи мақолатда инсондаги ёлғончилик, риё, ёвузлик, кўп ухлаш, кўп гапириш, озор етказиш каби нуқсонларни қайд этиб, бир неча насиҳатлар қилади ва сўзнинг таъсирини ошириш учун одамни ҳайвон билан қиёслайди. Лекин бу одамни ерга уриш эмас. Аксинча, одамнинг ҳайвондан баландлигини таъкидлаб, уни одамга лойиқ иш тутишга чорлаш учун шундай қилади. Масалан, у дейди:

Риштаи ҷон бар ҷигарат бастаанд,
Гавҳари тан бар камарат бастаанд.
Ҷонвароне, ки ғуломи туанд,
Мурғи алахкори доми туанд,
Чун ту ҳумои, шарафи кор бош,
Кам хўру кам гўю камозор бош[252].

(Жигарингга жон риштасини улашган, пушти камарингда тан гавҳарини жойлаганлар. Сенинг қулинг бўлган жонворлар сенинг тузоғингдадирлар. Сенки ҳумодирсан, иш билан шарафингни ошир, кам егин, кам дегин ва камозор булгин.)

Жониворлар ҳам меҳнат билан машғул, шундай бўлгач одам ғафлатда ётса ярашадими? Риёзат билан маънавий камолот касб этишни Низомий инсоннинг асосий вазифаси ҳисоблайди:

Қадри дилу пояи ҷон ёфтан,
Ҷуз ба риёзат натавон ёфтан[253].

(Дилнинг қадрини ва жоннинг мартабасини фақат риёзат билан топа оласан.)

Низомий Ганжавийда «Одобнома» бўладиган алоҳида ўгитлар йўқ, умумфалсафий мушоҳадага кўпроқ эътибор берган. Амир Хусравда эса, конкретлик устун, одамларнинг юриш-туриши, муомала одоби, хулқи-атвори ҳинд шоири диққат марказида турган. Навоий ҳам бунга эътибор қилган.

Бахт ва бахтиёрлик Амир Хусрав ижодида ҳам, Алишер Навоийда ҳам махсус масала қилиб қўйилган эмас. Аммо шунга қарамай уларнинг асарларида «саодат», «саодатмандлик», «ком», «комронлиғ» каби тушунчаларни учратиш мумкин. Буюк шоирларни бахтини унинг молу дунёси, бойлиги, маишат билан улчамаганлар. Бу аниқ. Ҳеч қаерда, масалан, шоҳ ёки вазирни бахтиёр киши деб таърифлаш йўқ. Аксинча, уларнинг назарида қаноатли гадо шоҳдан бахтиёрроқ. Бироқ бахт ва бахтиёрлик бир неча белги, хислатларини жамловчи тушунча сифатида таърифланади. Қаноат, карам, саховат, вафо, адолат каби сифатлар ана шундай белгилардир. Қисқаси, хушхулқ, хуштавозе, бошқаларга озор бермайдиган, қўлидан келганча ўзгалар ҳожатини чиқарадиган, дўстга, ерга содиқ одам – комрон одам. Биз бу хислатлар ҳақида аввалги бобларда гапирдик. Бироқ Хусрав Деҳлавий ва Навоийда саодатманд бўлишнинг яна бир шарти ҳақида гап боради. Бу – одоб. «Одоб» тушунчасининг доираси кенг. Амир Хусрав дўстлик ерга вафо, садоқатни ҳам одоб шартларидан ҳисоблаган.

З-он ҳама к-одоби накўкорист,
Пояи аввали адаб ёрист[254].

(Яхшилик одоби ичида ҳаммадан ҳам ёрлиқ дўстлик одоби биринчи ўринда туради.) Бу

---

[252] *Низомий Ганжавий.* «Куллиёт дар панж жилд». 5-жилд, Душанбе. «Ирфон.» 1984 й., 336-б.

[253] *Низомий Ганжавий.* «Куллиёт дар панж жилд». 5-жилд, Душанбе. «Ирфон» 1984 й., 337-б.

[254] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 189-б.

ўринда бизнинг диққатимизни тортадиган нарса шуки, яхшилик эзгу ишларга камарбасталик одоб дейилган. Бунга эса кўп нарса киради. Амир Хусрав сўҳбат одобига ҳам кўп эътибор берган. Ким билан яқинлашиш керақ кўнгил сирини кимга айтиш керак? Шоир бу масалада тўғри йўл кўрсатувчи тажрибали донишманд ҳаким ўрнида иш кўриб, ёмон ниятли одамлардан узоқ юришни маслаҳат беради. Одам ўз сирини ҳар учрагана айтмаслиги лозим, деб таъкидлайди у.

Суҳбати он кас, ки ба сидқу сафост,
Домани ў гир к-аз аҳли вафост[255].

(Садоқатли, сафоли одам билан суҳбат қур, вафо аҳлидан бўлган кишининг этагини ушла.) Амир Хусрав манманлик такаббурликни қоралайди, буни инсондаги номақбул одат деб ҳисоблайди. Бировга салом берсангу, аммо у алик олмасдан ўтиб кетса, ундай одамдан одамгарчилик чиқиши гумон: «Саломингга жавоб бермаган одамдан тош яхши, чунки тошни савоб йўлида ишлатиш мумкин», деб ёзади у. Қўпол, маданиятсиз одамни шоир девга ўхшатади. Ўз бойлиги, шавкати билан керилиб юрганлар эса ўткинчи шамол мисол – «шамол мияни тўлдирган булса, ундан умид йўқ», – уни хамсуҳбат қилиб бўлмайди – Амир Хусравнинг панди шунақа. Яна ажойиби шуки, улуғ шоир «Матлаъ ул-анвор» достонининг тўққизинчи мақолатида «боди такаббур» бошини тўлдирган кимсаларнинг кўпини кўрдим, улар вайсаб-вайсаб утиб кетдилар, дея конкрет ҳаётий фактни мисол тариқасида келтиради:

Кўрии ман к-аз фалак омад ба пеш,
Чанд хазон дидам дар чашми хеш.
К-он ҳама буданд ба паҳлуйи ман,
Резахўри ман, чу саги кўйи ман...
Ман ҳам аз он ҷо, ки диёри манаст,
Майл ба ҳар сифла на кори ман аст.
Он, ки алайкум нагўяд тамом,
Беҳ, ки саломаш накунам, вассалом.
Кўҳ ки сангасту сухан кам кунад,
Гар ту саломаш куни, ў ҳам кунад[256]

(Кўплари бир вақтлар ёнимда юрган, хонадонимда пойлоқчи ит каби неъматимдан баҳраманд бўлган кишилар эдилар. Ман ҳам ўз даражамга кўра ҳар бир паст одамга эътибор қилишни ўзимга эп кўрмайман. Саломимга алик олмайдиган одамга салом бермайман, вассалом. Тоғ ҳам гарчи гапирмасада, унга салом берсангиз жавоб қайтаради – акс садо беради.) Бу байтлардан шу нарса маълум бўладики, Амир Хусрав кейинчалик амалга кўтарилиб сийрати ўзгарган хизматкорлари ҳақида сўзламоқда. Улар обрў-эътибор қозонгач, шоир саломига алик олишни лозим билмай, унга беписанд қарайдиган бўлганлар. Буларнинг ҳаммаси, аслида, насаби паст одамлар, дейди шоир фикрини якунлаб. Умуман, Амир Хусрав қарашларида тарбия масаласида зиддият бор, бир томондан, у яхши хулқ-одобни, яхшиликни тарғиб этади, яхши хислатларни эгаллашга даъват қилади; иккинчи тарафдан, агар зоти, сийрати асил бўлмаса, одам тарбия билан яхши одам бўлиши қийин, деган фикрни баён этади. Бу эса тарбиянинг ролини камайтирар, ҳамма нарса наслу насабга боғлиқ, деган ақиданинг асосини мустаҳкамларди.

---

[255] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составнление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 199-б.

[256] Ўша асар, 198-б.

Ҳар ки насаб шуд зи халаф равшанаш,
Давлату бахтест, ки зод аз танаш.
Як халаф ар дар насабе сар кашад.
Бар сари сад ҳеч кас афсар кашад...
Зода, ки у соҳиби пешоний аст,
Дар ҳама жо иззаташ арзони аст[257].

(Кимники насаби мерос қолган бўлса, бу унинг ўз вужудидан туғилган давлат ва бахтдир. Насаби асл одам меросхўр бўлса, юзта нокасга ҳам тож кийгизиши мумкин. Дунёга келган одам пешонали бўлса, ҳамма ерда иззат қилишади.) Шунга қарамай, ҳиндистонлик шоирнинг ўгит-ҳикматлари қимматли ва ибратли эканини қайд этмоқчимиз. Жумладан, Амир Хусрав сергаплиқ эзма бўлишни ёқдирмаган. ҳар ерда лақиллаб юрган одамдан айтиб юриш учун берилмаган, одамнинг батамкини, вазмин-салобатлиси яхши. Мулоҳаза – андишали кишилар ҳурматли одамлардир. Ундан кейин тағин Амир Хусрав бировга қилган яхшилигинг, туҳфангни овоза қилиб юрма, деб насиҳат қилади Кўча-куйда овозни баланд қуйиб юриш, жанжал – арбада кўтариш, ёмон сўзлар билан бегуноҳ кишиларнинг дилини оғритиш одобсизлик қўполликдир. Қўпол киши эса дилозор бўлиб, жамиятнинг нафратини қўзғаб юради.

Сифлаки донге ба фақир оварад,
Шаш жиҳат аз вай ба нафир оварад.
Эй-ки ба сад арбада бонге зани,
Шаш нотавон бахт, чи донге зани[258].

(Паст одам камбағалга бир танга берса, уни миннат қилиб, ҳамма ёққа фарёд кўтаради. Эй, ҳамма ёққа қичқириб, бонг ураётган, бир танга сарфлаб, олти танга ютмоқчимисан?)

Яхши одам, Амир Хусравнинг фикрича, ўз қариндошу руғларини ҳам хафа қилмайди. Ота-она, қариндошлар рози булса, киши ўз хаётидан рози бўлиши мумкин. Давлат орттириб, ҳаром пулини келтириб ота-она юзига отадиганлар мард эмас, мардлик ота-онани эъзозлаш, сингиллар ҳолидан хабар олиш, уларга ҳимоя-ҳамият кўрсатишдир.

Гар ту шуди аз ҳама хешон бузург,
Дар рамаи хеш шубон шав, на гург.
Пояи ҳар хеш зи ҳад беш неҳ,
Миннати бар хеш на бар хеш неҳ.
Сийми падар бар рухи модар мазан,
Бўса ба пояш зану бар сар мазан...[259]

(Агар сен қариндошларинг орасида улуғ мартабага эришган бўлсанг, ўз қавминг, уруғингнинг чўпони – посбони бўл, бўриси бўлма. Хар бир қариндошнинг иззатини жойига қўй, қариндошга миннат қилма, ўзингга миннатли бўл. Отадан қолган пулни онанинг юзига отма, онанинг оёғини уп, лекин бошига урма).

Хусрав Деҳлавий хулосада она сенга биҳишт ато этган булса, аммо сен унга дўзах яратсанг, оқибат сенинг ҳам насибанг дўзах бўлади, дейди. Умуман, бу ерда кези келганда шуни қайд этмоқчимизки, Хусравнинг аёлларга муносабатида айрича илиқлиқ, туганмас бир муҳаб-

---

[257] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 202-б.

Ҳ *Амир Хусрив Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю Алиева, «Наука», М., 1975 г., 206 б.

[259] Ўша асар 206-б.

бат бор. Буни шундан ҳам билса бўладики, «Дувалроний ва Хизрхон» номли ишқий-романтик достонига ўз онасининг вафоти муносабати билан катта бир ҳаяжонли марсия ёзиб илова қилган. «Матлаъ ул-анвор»нинг охирги мақолатларидан бирини эса севикли қизи Мастура насиҳатига бағишланган. У аёлларни хонадоннинг чароғи, наслу насаб пойдевори, қалб рўшнолиги деб таъриф этади. Онасига бағишланган марсияда шоирнинг меҳр-муҳаббати нечоғли чексиз эканини кўрамиз.

Қуйидаги факт ҳам шоирнинг онаизорини бир умр эъзозлаб, севиб юрганидан дарак беради: 1285 йили Хусрав ўттиз икки яшарлигида Султон Муҳаммад Қирон қўшинлари билан мўғулларга қарши жангда иштирок эгади. Муҳаммад Крон жангда ҳалок бўлади ва Хусравни мўғуллар асир олиб, Балхга олиб кетадилар. Бироқ қандайдир сабаб билан, у муғуллар чангалидан озод бўлиб, ҳиндистонга хайдади. Шу муносабат билан у ёзади: «У бало қонуни амал қилган кунлари кофирларнинг[260] арқони менинг ҳам бўйнимни қиса бошлади, умрим ипини Тангрим узун қилгани учун қутулдим.... ва қуббатул ислом (Патёли) томошасига бордим ва жаннатий онамнинг қадамларига хокисор бўлиб йиқилдим. Унинг ҳам кўзлари менга тушган заҳоти бир ҳолат юз берди ва шафқатдан сут ариқларини оқизди. Шоир жўшиб, Пайғамбар ҳадисини шеърга солди:

Биҳишт зери қадамҳои модар аст мудом,
Ду жўйи шир аз ў бин равон нишони биҳишт[261].

(Мазмуни: Жаннат оналар қадамининг остидадир доим, унинг икки сут ариғини кўр – жаннат нишонаси). Патёлидаги Мўминнур қалъасида Ганг суви канорида азиз онам дийдорини ва бошқа азизларнинг дийдорини кўриш билан хушнуд бўлиб, ширин дамларни ўтказдим».

Хусрав Деҳлавий онасини ана шундай қадрлаган ва севган. Мастурага бағишлаган бобларда хам шу меҳр балқиб кўзга ташланади. Шоир қизига «Эй сенинг вужудинг кўнглимнинг кўзи ва чироғи, кўнглим боғининг энг азиз меваси», деб мурожаат қилади. Ёзилишича, Хусрав Деҳлавийнинг ўғиллари ҳам бўлган, уларнинг ҳам юлдузи порлоқ дейди шоир, аммо «менинг кўзимда сен каби яхши эмаслар». Ота учун ўғил ҳам, қиз ҳам ширин. Шундай экан, нега ўғилни қиздан баланд тутиш керак. Қиз бўлмаса, она бўлмайди, она бўлмаса – ҳаёт бўлмайди. «Ўғилни ҳам қиз яратганку», дейди у. Улуғ шоир ширин қизига бахт тилайди. «Сенинг келажагинг номингдай гўзал булар, буни кўнглим сезиб турибди». Бироқ шу бахтни қўлга киритиш учун пок ва покиза одам бўлиб етишишга даъват этади ҳамда ўша даврнинг хотин-қизлар ахлоқи олдига қўйган талабларини санаб чиқади. Дуру садафнинг талаблари кўп. Сен оқила, ҳаёли, хушсухан бўлишинг лозим. Оиланинг тинч бўлиши кўп ҳолларда хотин фаросати, зукколигига боғлиқ. Агар хотин сайру томоша билан кун ўтказишни одат қилса, уйидан файз кетади. Хотин ўз иффатини, номусини сақлаши лозим. Шу каби эрининг топганига қаноат қилиши, озни кўп ўрнида тутиши даркор. Амир Хусрав яна орасталик, камтаринлик хусусида қизига насиҳатлар қилган.

Яқин кишиларга муносабат масаласига «Матлаъ ул-анвор» достонининг ўн биринчи мақолатида ҳам фикр баён этилган. Бунда оила аъзолари, хотинга, болаларга меҳрибон бўлиш, лутф қилишга даъват этади.

Лутф ба жоест, ки дуре бувад,

---

[260] Муғуллар ҳали исломни қабул этмаган эдилар. (*М. М.)*

[261] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г.. 208-б.

Бар зану фарзанд зарурe бувад[262].

(Бошқаларга лутф кўргизиш яхши, аммо ўз хотинига ва фарзандига бу зарурийдир.) Эр киши ўз болаларига намуна бўлсагина, болалари ҳам яхшилик йўлидан тарбияланадилар. Ёмон бўлсанг – фарзандларинг ҳам ёмонликни ўрганади.

Чун ту бадй, гар зи ту зояд батар,
Хуни жигаргўша ба туҳмат махўр.
Гар бачаи худ бихўрад гурзамор,
Бачаи ў низ шавад баччахор...
Хун, ки ба тан чашмаи ҳайвони мост,
Гашт чу фосид, халали жони мост[263].

(Агар сен ёмон бўлсанг – сендан ёмон бола туғилади. Жигаргўшангнинг қони айниганини бошқалардан кўрма. Заҳарли илон ўз боласини ер экан, унинг боласи ҳам боласини ейдиган бўлади, танамиздаги қон оби ҳайвон – тириклик сувидир, лекин у фосид бўлса, айниқса, жонимизга халал беради).

Амир Хусрав болани ёшлигидан тарбиялаш, одоб ўргатишни маслаҳат беради. «Катта бўлгандан кейин койиш ортиқча», дейди у. Отасининг сўзига қулоқ солмаган ўғил бошқа ўгитлар сўзига ҳам эътибор қилмайди. Фарзанд азиз. Айиқлар, илонлар, қарғалар ҳам насл учун курашади, боласини яхши кўради: «Фарзанд қул каби кўримсиз бўлсада, лекин ота-онасининг кўзига тўтиёдир». Фарзанднинг азизлиги шу даражадаки, мабодо у ота-онасини қийнаб «икки кўзини қонга тўлдирса» ҳам, бироқ уни уйдан хайдаб чиқариб бўлмайди. Лекин шунга қарамай болага ёшлигидан одоб ўргатиш, таълим бериш, тарбиялаш зарур. Амир Хусрав Деҳлавийнинг бу ўгитлари «Бола азиз, аммо одоби ундан ҳам азиз» деган ўзбек халқ мақоли маъносига ҳамоҳангдир. Шу ерда яна оналарнинг бола туғиш ва парваришлашдаги чекадиган азобу уқубатлари ҳақида тўхталиб, буни фарзанд умр бўйи эслаши керак деб таъкид этади. Туғиш, туғилиш билан олам обод, дунё шундай қурилган, шундай бўлмаганда, ҳаёт тугаган бўларди, деб теран фикрларга берилади Хусрав Деҳлавий. Шундай экан, одамдан одам пайдо бўлгани яхши, одамдан ҳайвон, дарранда, инсоният душмани бўладиган ёвуз кимсалар пайдо бўлса бу даҳшат. Фарзанд тарбиясидаги ота-она ибрати, муҳитининг таъсирига ҳам шоир катта эътибор берган. Шуниси диққатни жалб этадики, тарбияда наслу насабга алоҳида урғу берган Амир Хусрав, жамият, муҳит ролини ва меҳнатга меҳр қўйишнинг аҳамиятини ҳам назардан соқит қилмаган. (Иш меҳнатнинг қудратини кўрсатиб, юз, юз минг кишини тўйдирадиган киши одамийдир. Бошқалар ғамини камайтиришга сабаб бўладиган кишини мард дея оламиз.) Шу каби шоир кексайган ота-оналар, уларнинг фарзандларга қарам бўлиб қолиши, бахтсиз кексалик сабаблари тўғрисида фикр суради. Дарбадар ота-оналарни кўрган шоир ачиниб ёзади:

---

[262] Амир Хусрав Деҳлавий. «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева. «Наука», М., 1975 г., 216-б.

[263] Ўша асар, 209-б.

Дах писар аз як падар осуда гашт,
Як падар аз дах писар афтад ба дашт[264].

(Ўнта ўғил бир отанинг қарамоғида осуда яшайди, лекин битта ота ўнта ўғил даргоҳига сиғмай, чўлга чиқиб кетади)

Амир Хусравнинг «Матлаъ ул-анвор» асарида жавонмардлик қоидалари, меҳмондорлик, ҳиммат, мардлик каби юксак инсоний хислатлар ҳақида сўз боради. Беғараз ёрдам, ожизларга ҳамдард бўлиш, моддий мадад етказишни шоир биринчи даражали инсоний бурч ҳисоблаган.

Дасти жавонмард бувад ганжбор,
Дасти нигун ҳеч нагирад қарор[265].

(Жавонмард – сахий одамнинг қўлидан ганж ёғилиб туради, тиланиб турган қул қалтирашдан тўхтамайди). Меҳмонни очиқ чеҳра, иссиқ нигоҳ билан қарши олиб, иззат икром, кўрсатмоқ лозим. Бахил, хасис одамлар эшигини биров қоқмайди, бахил якка дарахтдай саҳрода кўкариб, якка ҳолда сувсизликдан қуриб кетади, сахий эса мевали дарахтдай – ҳамма вақт ҳосилидан эл баҳра олади. Сахийлик – бу фақат пул сочиш эмас. Саховат – аввало қалб ҳарорати, бошқаларни бахтиёр кўриш истаги. Сахий қалбли одам боғ кўкартиради, ер ҳайдаб, омборларни ғаллага тўлдиради, эл-юртни обод, фаровон қилиш, одамларнинг ҳожатини чиқариш учун интилади.

Вой бар он мардию ном оварий,
К-аз ту ба пире нарасад ёварий[266].

(Агар бирор бошқа одамга ёрдаминг тегмаса, ундай мардликка юз ҳайф).

Амир Хусрав ғафлат – кўп ухлаш, дили кўрликни ҳам ёқдирмаган. Бу ҳақда «Матлаъ ул-анвор»да мисол кўп. Шунингдек бу достонда музийлар, яъни одамларга озор берувчиларнинг ёмон одатларини танқидига ҳам алоҳида бир боб ажратилган (ўн бешинчи мақолат).

Эй зи жафо карда дили халқ реш,
Пешаи озор гирифта ба пеш.
Не ба жафо бори беҳий бастаанд,
Муштзанон мушти тиҳи бастаанд.
Ҳар ки ба роҳ баҳри касе чоҳ кард,
Аз пайи худ зераи замин роҳ кард[267].

Эй жафо билан одамлар кўнглини яра қилган одам, озор беришни ўзингга одат қилиб олибсан. Яхшиликни фақат жафо билан амалга ошириш мумкин эмас – мушт билан олишувчилар яланғоч муштларни боғлайдилар. Кимки йўл устида бировга чоҳ қазиса, ўзи учун ер остида йўл қазийди.) Маколат» мана шунақа байтлар билан бошланган. Муаллифнинг эътиқодига кўра, золим, жафокор одамларнинг умри узоқ бўлмайди. Одамзод учун ҳаё, илм каби шафқат, меҳр ва пушаймонлик ҳам фазилат. Пушаймонлик ўз айбини англаш ва уни такрорламасликка ҳаракат килишдир. Жафокорлик ғазаб, гина, ҳасад каби номақбул ахлоқий белгилардан туғилади. Диққат қиладиган жойи шундаки, ҳинд шоири соддалик,

---

[264] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 211-б.

[265] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г.. 219-б.

[266] Ўша асар, 235-б.

[267] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М,, 1975 г., 267—268-б.

ҳалим, раҳмдил бўлишни инсоннинг яхши хислати деб қайд этар экан, бундай кишиларда жафо, жабр қилиш одат бўлмайди, деб қатъий ишонади.

Бо дили некон набувад хашм ёр,
Ҳеч гаҳе гарм набошад хиёр.
Соддадил ар гарм барорад нафас,
Дар таҳи он нармию лутф асту бас[268].

(Яхши ниятли қалбларга ғазаб ёр бўлмайди – бодрингнинг мижози ҳеч қачон иссиқ бўлмаган. Соддадилнинг иссиқ нафаси ичида мулойимлик ва лутф бор, холос).

Шоир беҳуда ғазабкорлик аччиқланиб қичқириш – бақиришни одамзод боласига яраш-майдиган нарса ҳисоблаган. Ёмон хулқ-одатлардан яна бири, Амир Хусрав фикрича, маломатдир. Одамларнинг номини булғаш, маломатга қолдириш гуноҳ. «Маломат охири надомат (пушаймонлик) келтиради», деб огоҳлантиради у.

Аммо шуниси ҳам борки, яхши-ёмонни фарқлашни ўргатаётган донишманд адиб одамларнинг ишларига аралашмасликка, яхшини – яхши, ёмонни – ёмон деб аташдан ўзини сақлашга маслаҳат беради. Бу албатта, дуруст маслаҳат эмас, бу – бетарафлик аралашмаслик фикри ўқувчини бефарқ бўлишга, оқибатда эса ўзининг тинчини ўйлаб, ижтимоий ҳаётга аралашмасликка олиб келади.

Беҳ ки бади холқ нагўий басе.
То бади ту низ нагўяд касе.
Бин баду неки ҳамаву дам мазан,
Ҳеҷ касеро ба жаҳон кам мазан[269].

(Яхшиси, одамларнинг ёмонлигини айтма, токим сенинг ёмон қилиғингни ҳам биров айтмасин. Ҳамманинг ёмону яхшисини кўргину, аммо индама, жаҳонда ҳеч кимни камситма).

Сен менга тегма, мен сен га тегмайман. Бу таълим, албатта бизга эриш туюлади. Аммо улуғ гуманист шоирнинг ҳозирги одамларга маъқул тушадиган ҳикматли байтлари анча. Айниқса, камтаринлик, хоксорлик юзасидан айтилган пурмазмун байтлари ёқимли жаранглайди. Ҳаётда одам ўзини шундай тутиши керакки, барча ундан рози бўлсин, бировни қийнаш эвазига иш битириш, атайлаб жабр қилиш хато. Ҳатто, қўлларни ҳам, деб таъкидлайди Амир Хусрав, «андоза билан», инсоф доирасида ишлатиш керак. Хуллас, ўз замонасининг шоири ва мутафаккири изҳор этган қарашлари билан танишар эканмиз, баъзи шу каби зиддиятли карашлар ичида ёрқин инсонпарварлик ғоялари ҳам қўл остидаги чўғ каби яширин турганлигининг гувоҳи бўламиз.

Хусрав Деҳлавийнинг XIII аср охирида Ҳиндистонда баён этган ахлоқий-таълимий қарашлари XV аср Ҳирот муҳитида ҳам эскирмаган эди. Алишер Навоий ўз устозининг адаб ҳақидаги кўп фикрларини ривожлантириб, ўзининг янги, ўз замонасига зарур бўлган қарашлари билан қўшган. «Ҳайрат ул-аброр»да олтинчи мақолат адаб мавзусига бағишлангандир. Сарлавҳадаёқ Навоий нима хусусида гап боришини қайд этиб ўтган; чунончи: «Адаб дабъидаким, кичикларга мўжиби саодатмандлиғ ва улуғларга боиси сарбаландлиғ дурур ва тавозуъ васфидаким, «дол»дек қаддини ҳам қилған қадамин давлат фарқига қўяр ва ҳаё зиёсидаким, ҳар киши кирса раҳмат ёғинлари бирла сероб бўлур».[270]

Мазмуни: «Адаб расми ҳақидаки, кичикларнинг бахтиёрлиги сабаб ва катталарнинг бо-

---

[268] Ўша асар, 268-б.

[269] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 270—271-б.

[270] *А.Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев.Тошкент, «ФАН», 1960 й., 72-б.

шининг баланд бўлишига боисдир. Тавозеъ таърифидаким, қаддини «дол» ҳарфидай эгиб юрган одамнинг қадамининг давлат бошига чиқаради ва ҳаё нури ҳақидаким, ҳар ким бу нурга чўмилса, раҳмат ёмғири билан сероб бўлади». Демак Навоий адабни саодатмандлик – бахтиёрлик калити, энг кўп қадрланадиган инсоний фазилат деб ҳисоблаган ва ҳаё билан хуштавозеъликни одобнинг асосий шартларидан деб билган. Шуниси борки, Навоий бу хислатларни «талаб уйида нишаст айлаган», яъни маърифатга талабгор одамлар учун зарур деб ҳисоблайди. Бу хил одамлар ўзини гард-ғубордай арзимас деб, кибр – манманликнинг «кўзини кўр этиб» юрган, риёзатлар чеккан, нафсу ҳаво, ҳирсу тама ўтини ўчирган, «реву ри± хирманини куйдирган», яъни кўнгилда қинғир фикрлар, алдамчилик, ёлғон-фириб ўйи бўлмаган, сидқу садоқатда собит кишилардирлар. Шоирнинг ёзишича, ана шу фазилатни ўзида шакллантирган одамнинг одоби ҳам гўзал бўлиши керак. Одоб эса тавозеъдан бошланади. Хуштавозеъ одам камол топади, қадрланади. Навоий:

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёву адаб[271], –

деб ёзади. Бунинг маъноси шуки, одамни мансаб ва наслу насаб эмас, балки ҳаё ва адаб улуғлайди, эл кўзига шарафли қилиб кўрсатади.

Бўлмас адабсиз кишилар аржманд,
Паст этар ул хайлни чархи баланд[272].

Яъни беадаб кишилар азиз, бахтиёр бўлмайди, адабсизларни баланд осмон ахир пастга уради. Қизиққи, адабсизликнинг биринчи белгиси сифатида ўзбек шоири кулги, ҳазил-мазахни кўрсатган. Навоий кишининг устидан кулиш энг катта беҳаёлик дейди. Унинг наздида кулги аралашган танқид-ҳажвиёт, кулгили томошалар, тақлидчиларнинг ишлари, ҳайвонларни ўйнатиб, одамларга дилхушлик келтирувчиларнинг иши ҳам мақбул эмас. Масхара – инсон шаънини ерга уради, деб уйлаган шоир. Алишер Навоий бу масалани бадиий талқин этишда Қуръон ва ҳадиси кўрсатмаларига назарий манба сифатида суянган ва шулар асосидаги мазкур масалаларга муносабат билдирган. Бироқ шу нарса муҳимки, халқ санъати ва адабиёти Навоий учун батамом бегона бўлмаган, аммо у буларни «жиддий санъат» деб қарамайди. Навоийнинг қиссахонларга салбий муносбати ҳам балки шундадир («Маҳбубул қулуб»да). Кулги беҳаёлик, уятсизлик белгиси деб қаралган:

Қаҳқаҳаким, ҳазл анинг ёридур,
Қурбақа савти била рафторидур[273].

Кулгининг тарбиявий аҳамиятига етарли баҳо берилмаганидан шоир халқ театри вакилларига нисбатан салбий муносабатни сездириб қўйган. Аммо Навоий ёзган сатрлардан шу нарса аниқ бўладики, ўша замонада кўча – майдонларда томоша кўрсатувчи талантли масхарабозлар, ҳажвчилар кўп бўлган ва уларни халқ севиб томоша қилган.

Навоийнинг ўз даври тартиботларига тарафдорлиги, «низом»парастлигини яна шу ҳам тасдиқлайдики, у одамлардан адаб талаб қилганда, ўзи яшаб турган жамиятнинг иерархияси – мартаба – жоҳга тақсимланишга катъий риоя этади. Масалан, унинг ёзишича бек қулга тавозеъ кўрсатиши, гадога эгилиб салом бериши ножоиз. «Ҳар кишининг тавриға лойиқ» ва «сурати ҳолига мувофиқ» муомала – одоб қоидаси бўлиши лозим. Хизматкор ўз хўжасига, аъёнлар султонга, фуқаро аъёнлар, боёнларга тавозеъда бўлсин, кексалар ёшларга эмас, ёшлар кексаларга одоб сақлаб туриши талаб қилинган. Ёш болага жойдан туриб

---

[271] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 71-б.
[272] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 71-б.
[273] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев.Тошкент, «ФАН», 1960 й., 73-б.

салом бериш адабдан эмас. Шундай қилинса, бола бора-бора керилиб, такаббур бўлиб етишади. Навоий ҳар бир одам мартабаси, даражасига қараб иш кўрсин, мана шу тартибларни ота болаларга ҳам ўргатиши даркор деб насиҳат қилади.

Боланинг тарбиясига унинг гўдаклигидан эътибор берилса дуруст. Аввал шуки, фарзандига ҳар ким яхши бир исм топиб қўйсин, кейин яхши муаллим-ўқитувчи танласин. Ўқитувчи қаттиққўл бўлса яна яхши – калтак зарбидан ит, айиқ ҳам доно бўлади. Оила бошлиғининг муҳим вазифаларидан бири – болалари билан бирга хотинига ҳам меҳрибон бўлиши уни азиз муҳтарам тутиши лозим:

Завжаким ул бўлса аниси ҳарам,
Шаръ тариқи била тут муҳтарам.
Нафқа била нафсни тутма дариғ,
Жонингга ифрот ила ҳам урма тиғ.
Айламагил ҳулласини ранг-ранг,
Кийса дағи ҳужрада тутсун даранг[274].

Лекин хотиннинг ҳар ерга бориши, бозор-кўйга ўрганши, ясан-тусанга берилиши, Навоий фикрича, яхшилик аломати эмас. Эрнинг ҳамиятли, ғайратли бўлиши хотинга ҳам маъқул, хотинлар ижобий маънода рашк қиладиган эрларни яхши кўрадилар, деб уқтиради шоир.

Инсон олдида турган фарзи айн вазифаларидан яна бири ота-она ҳақини адо этиш – уларнинг хизматини қилиб, розилигини олишдир. Бу ҳақда Навоий қўйидаги оташин сатрларни битган:

Бири эрур макрумати волидайн,
Билки, мунунг қилмоғидур фарзи айн.
Бу икининг хизматини бир бил,
Ҳар неча ифрот эса, тақсир бил.
Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ато бошиға.
Тун кунунгға ойлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш[275].
Икки жаҳонингға тиларсен фазо,
Ҳосил эт ушбу икисидин ризо.

Мазкур байтларнинг насрий мазмунини ҳам келтирамиз: «Бириси шуки, ота-онанинг ҳурматини жойига қўйиш керак. Шуни билки, буни қилишни фарз айн – зарурий вазифадир. Иккаласининг хизматини бирдай бажар, ҳар қанча азоби ошиб кетса ҳам, бош устига деб қабул эт. Ота қошида бошингни фидо қил, онанинг бошига жисму жонни фидо қил. Икки дунёнг обод бўлишини хоҳласанг – бу икковини рози қил. Уларнинг бирини ой, иккинчисини қуёш англаб, туну кунингни ёрит».

Шундан кейин ота-онанинг насиҳати фарзанд учун қонун экани, фарзанд ота-она олдида бурчдорлиги хусусида яна бир қанча байтлар келтиради. Бу фикрлар Амир Хусравни фикрларига ҳамоҳанг, аммо Навоий байтларида эҳтирос баландроқ. Навоий ота-онадан кейин қариндош-уруғ, ака-ука ва «силаи раҳм» – опа-сингилларга яхши муносабат борасида ҳам тўхтаб утган. Умуман, инсон ўз яқинларига раҳмдил бўлиши лозим. ўз яқинларига раҳмдил

[274] *А.Навоий.* «Хамса». танқидий матн. Нашрга гайёрловчи П. Шамсиев.Тошкент, «ФАН», 1960 й., 73-б.
[275] *А.Навоий.* «Хамса». танқидий матн. Нашрга гайёрловчи П. Шамсиев.Тошкент, «ФАН», 1960 й., 73-б.

бўлмаган одам бошқа бегоналарга ҳам раҳм-шафқатли бўлмайди – Навоийнинг тушунчаси шунақа. Улуғларга хизмат, кичикларга шафқат. Шарқ кишилари учун асосий ахлоқ низомига айланган мазкур қоидани Алишер Навоий ҳам такрорлаб, аҳамиятини яхшилаб тушунтирган: бировни таҳқирлаш, беҳурмат қилиш ёмон, лекин номуносиб ҳурмат билдириш, ортиқча тавозеъ кўрсатиш ҳам керак эмас. Ўртача расмий муомала одоби, маҳалла-кўйда суҳбат, гап-гаштакларда ўтириш одоби ҳам Навоий эсидан чиқмаган. Ҳаммага яхшилик тилаб, яхши хулқ билан яшаш файзли ҳаётга замин, деб хулосалайди шоир.

Навоий сарой одоби, шоҳлар, султонлар хизматидаги расм-русум ва қоида-қонунлар ҳақида ҳам фикр билдирган. Бу ерда муҳим ижтимоий қарашлар ҳам қистириб келтирилган. Мабодо тақдир сени шоҳ хизматига мушарраф этса, деб давом эттирган донишманд адибимиз, у ердаги бойлик – безакларнинг кўплиги, ноз-неъматнинг бисёрлигига маҳлиё бўлма, чунки ҳузури азобга, нўши нешга айланиши мумкин:

Марҳами зимнида эрур решлар,
Нўши ичинда тикилур нешлар.
Гул кўрунур ёнида юз хори бор
Бор эса бир айш, минг озори бор.
Телбага ўт шакли гулистон эрур,
Тушса халоси қачон имкон эрур[276].

Шунинг учун шоҳ ҳузурида киши ўзини ҳаммавақт нотинч безовта ҳис этади. Шоҳ ҳузурида киши эркин, яйраб яшаши мумкин эмас. Кўринган дабдабада, нақшу нигор тагида зулм ва ситам қатлу қамоқ азоби ётади. Бу ғоят катта журъат билан баён этилган фикрдир. Шоҳ хизматининг «айшидан меҳнати ортиқ», шунинг учун шоҳ саройига яхшиси яқинлашмасдан ундан узоқроқ турган маъқул дейиш амалда шоҳ ва саройга, тахту тожга очиқчасига нафрат изҳор этиш эди. Лекин агар шоҳ хизматини қилиш бўйнингга тушса, деб насиҳат қилади мутафаккир адиб, тўрт нарсага қараб иш тутгил: биринчидан ниятни рост қилиб, топшириқни бажар, шоҳ душманини душманинг деб бил, иккинчиси – хизмат мавридини билиб, ишни бажариб яна ҳеч нарса қилмагандай тур, учинчиси – «яхши-ёмон дема сўз, эл яхшию ёмонига солма кўз», тўртинчиси – агар ранжу алам кўрсанг ҳам, «шарти адаб сақлаб», ёмон-яхшига кўнгин. Навоий кузатишига кўра, мана шу шартларни бажариб юрган хизматкорлар шоҳлар саройида узоқ яшай олган «давлат ахтари ёруғлик» сочиб, хурсанд бўлган. Яъни ўз мартабасини билиб, шоҳнинг индамас содиқ қулига айлана билган. Хизматкор қулликни унута бошласа – хиёнат қилган деб топилиб, боши кесиларди. Навоий бунақаларни кўп кўрган. Умуман, бу «насиҳатлар» фақат феодал шоҳлар, султонлар хизматида эмас, балки ҳар қандай юқори лавозимдаги шахс хизматидаги одамнинг ёзилмаган қонунидир. Бундай одамларнинг табиати, хулқи ва рафтори ҳам шу хизматларига яраша бўлиб, улар умрларининг охиригача одамлардай очилиб-ёзилиб яшолмайдилар, элга қўшилолмайдилар ҳам.

Алишер Навоий боб охирида пирга қўл берган дарвешлар ахлоқ-одобини ҳам баён этиб ўтади. «Фақр уйига» қадам қўйган одамнинг бутун инон-ихтиёри пир қўлига топширилган, шунинг учун у пир нима деса, шунга кўниб, азобларга индамай, тавозеъ билан итоат қилиши шарт:

Етса ғаму ғусса юки тоғдек

[276] А.Навоий. «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев.Тошкент, «ФАН», 1960 й., 74-б.

Бўлмоқ анинг остида туфроғдек[277].

Навоий ҳаё, хоксорлик, итоаткорлик – дарвиш одобини белгилайдиган хислатлар, дейди.

Алишер Навоийнинг адаб хусусидаги фикрлари «Маҳбуб ул-қулуб»да яна ҳам соддароқ ифодаланган. «Маҳбуб ул-қулуб»нинг иккинчи қисмига кирадиган олтинчи боби «Тавозуъ ва адаб зикрида» деб номланган. Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонида ифодаланган фикрлари бу ерда ривожлантирилган. Агар «Ҳайрат ул-аброр»да шеър тили билан, ҳикматнома байтлар қанотида адаб қоидалари баён этилган бўлса, «Маҳбуб ул-қулуб»да афористик насрий жумлалар орқали ўз насиҳатларини тақдим этган. Навоийнинг ўзаро қофияли насрий гаплари халқ мақолидай маъноли ва эсда қоладиган. Масалан, у баодоб одамнинг эъзозланиши, элга манзурлигини таърифлаб дейди: «Тавозуъ халқни киши муҳаббатига шефта қилур ва улусни фоил мавaддатига фирефта қилур. Дустлуғ гулшанида назорат гуллари очар ва ул гулшандин унсу улфат базмида турлук гуллар сочар»[278]. (Маъноси: тавозеъ, мулойимлик одамларни муҳаббатга сазовор этади ва халқни фаолият эгаси – ўша тавозеъкор киши муҳаббатига гирифтор этади. Тавозеъ дўстлик гулшанида назарларни хушнуд этувчи гулларни ва ҳам шу гулшан яқинлик, улфат гулларини бошга сочади.)

Навоий, шундай қилиб, одобли, хуштавозеъ одамлар кўпчиликнинг ҳурматига сазовордирлар, улардан яхши дўст, бамаъни улфатлар чиқди, деб ишонтиради. Одобли одамлар душманларни ҳам ром қила олиши мумкин, душман кўнглига ҳам йўл топа олади. Тавозеъли кишининг такрор муомалалари уятсиз, ҳаёсиз мутакаббирларни ҳам инсофга келтириб, яхши йўлга қайтариши мумкин. Хуштавозеъ кишилар бировга бир дирам бермай, хурсанд қила оладилар, уларнинг ширин тили дилга қувват, нозик ҳаракати руҳга мадад. «Адаб кичик ёшлиғларни улуғлар дуосига сазовор этар ва ул дуо баракати била умрдин бархурдор (баҳраманд)»[279]. Одобли бола киши кўзига улуғсифат кўринади, меҳру муҳаббатингиз ортади. Бундай ёшларга беҳуда, ёмон кўз билан қарашдан одамлар ўзларини сақлайдилар. Одоб муҳаббатнинг пайдо бўлиши ва тараққий топишида аҳамияти катта, – дейди шоир. Чунки муҳаббат – ўзаро ҳурмат асосида вужудга келади. Барча ошиқ-маъшуқларнинг қиссаси бўнга мисол. Лайли ва Мажнун орасидаги, Вомиқ билан Ўзро орасидаги, Фарҳод ва Ширин орасидаги муҳаббатни олиб кўринг, уларнинг назокатли муомаласи, мулоқотлардаги хуштавозеълик юз чандон ишқни кучайтирмадими? Шоирнинг бу мисоллардан шуни англаб оламизки, одобни, тавозеъни кенг маънода тушунган, уни инсон зотининг ҳаёт тарзи, хулқ-рафторига асос қилиб кўрсатган. Навоий хуштавозеъликка қарама-қарши қилиб манманлик, қўрслик ва такаббурликни тилга олади. Унинг назарида бундай одатлари бор кишилар яхши кишилар эмас. Шоир шуни ҳам зукколик билан қайд этадики, одобу тавозеъ – кишининг ўзини ерга уриши эмас, балки ўзгаларни ҳурмат қилиши, одамийлик равишини пухта эгаллаганини билдиради. Камтарлик, хоксорликни мутелик, лаганбардорлик деб юрганлар адашади. Аксинча, хоксор одамларда ички инсоний ғурур, ўз қадрига ва ўзгалар қадрига етиш ҳисси устун ривожлангандир. Хоксорлик кўп ўқиш, кўп билиш ва ҳикмат – донишга эҳтиром белгиси:

Ақлу ҳикмат ишдур буйла маошу ойин,

---

[277] *А.Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев.Тошкент, «ФАН», 1960 й., 74-б.

[278] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев.Тошкент, «ФАН», 1960 й., 74-б.

[279] Ўша асар, 39-б.

Қайда топгай муни ҳар нафспарасту худбин[280].

Манманлик эса нодонлик ва худпарастликдан келиб чиқади. («Худписанд-нохирадманд... Мутакаббир-малъун, худпараст-бутпараст».)

Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»да худпараст мутакаббирларга танбеҳ берар экан, уларнинг тоифалари, қилиқлари ва психологиясини ҳам очиб кўрсатишга ҳаракат қилади. Худписандларни Навоий умумлаштириб, икки гуруҳга бўлган. Биринчи гуруҳга у ўзининг номақбул аҳволига кўнган, аммо ундан қутулолмаган кишиларни киритган. Бундай кишилар «ўзининг аҳволи ва аъмоли» элга ёқмаса ҳам ўзларига «маҳбубу марғуб кўринган» ва улар шу билан қаноатланадилар. Аммо шундайлар ҳам борки, бу одамлар «жамии ҳолоти ва нохуш хаёлоти»ни писанда ва шоиста ҳисоблаб, ўзларини энг азиз ва муҳтарам кишилар қаторида кўрсатиш ва бемаза қиликдарини манзур, маъқул фазилат деб жар солишини канда қилмайдилар, бошқаларини шунга кўндирмоқчи бўладилар. Навоий буларни иккинчи гуруҳга киритиб, энг хавфли ва жамиятни бузувчи нохуш кишилар деб баҳо беради. Улар, дейди шоир ғазабланиб, бири ўзини хуснда Юсуфи Канъоний, иккинчиси мусиқа ҳунарида Юсуф Андижоний қилиб кўрсатишга интилади: лақма суҳбатларини жон озиғи, бемаза ашъорини Салмоннинг қасидасидан баланд деб мақтаниб юради. Жаҳолат шунча, фаросат шу қадар. «Ҳақнинг ҳеч амрига бўйин қўймагай ва шаётиннинг барча буйруғини бажо келтурурдин тўймағай». Худпараст, беҳаё одамдан ҳар нарсанн кутиш мумкин, чунки уларнинг кўпи ношаръий, ифлос ишлар билан шуғулланиб, бадном бўлдилар. Бироқ афсуски, шунда ҳам ақлу ҳуши жойига тушмайди, такаббур, кибр отидан ерга қўнмайди булар. Алишер Навоий бундайларнинг кўпини ўз кўзи билан кўрганини, аксар қисмига насиҳатлар қилгани, аммо фойда бермагани, охир-оқибатда улар насиҳат қилувчи азизларни ҳам ҳақорат этиб, дилини ранжитганини ёзган. Бу мурдорлар кирган уй ҳаром, бу «нохуш меҳмонлар» ҳозир бўлган базмхона азахонага айланади, дейди шоир. Уларга гапирган одам балога қолади. Мана улуғ инсонсевар адиб инсон шаънига номуносиб қилиқли кишилар ҳақида алам билан нималар ёзганини эшитинг: «Бу худписанди бадкирдор ва бу лаванди мурдор бу падид мажлисда ким, зиндон андин яхшироқ ва бу нажас маҳаллидаким, мустароҳ[281] андин ариғроқдур[282], агар **илайидин** кекирса ва кейинидин ўзига ел секирса, ўз қошида маҳбублиғи ул мартабада ва ўз афъолининг хублиги ўз олдида ул масобадаким[283], тамаи буким, базмидаги ҳозирлар ҳам уни дилписанд дегайлар, ҳам ройиҳасин димоқға судманд. Бу абойиҳни (қабоҳатни) киши анга айта олмагай ва айта олгоннинг сўзига қулоқ солмағай ва эшитса ҳам, мусаллим тутмағай[284] ва номулойим ишини ўз «шариф зотига» ёвутмагай. Носиҳ[285] га изо ва қасд этгай ва бу насиҳатдин анга кўп мазаллат еткай. Бу навъ кишики, анча мундоғ бўлғай кирдор. ҳоло бу даврда мавжуд ва ҳозир бор»[286].

Ғазаб ва нафратнинг шиддатини қаранг. Одам ҳайвоний белгилар, ношоиста, номаъқул қилиқлари билан мақтанса, буни фазилат деб керилса, яна бошқалар уни мақтаб турса. Ахир бу нозиктаъб, қалби рубоб торидай нозик шоирнинг ғазабини келтирмайдими?

---

[280] *А.Навоий.* Асарлар. 15 томлик 13-том, Тошкент. F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966, 40-б.

[281] Хожатхона.

[282] Тозароқдур.

[283] Мартаба, даражадаким.

[284] Иқрор бўлмайди

[285] Насиҳатчига.

[286] *Алишер Навоий.* Асарлар. 15 томлик, 13-том, Тошкент. F. Ғулом номидаги Адабиёт иа санъат нашриёти, 1966. 47-б.

Алишер Навоий ифлос табиатли, ҳайвонсифат кишининг нафратли портретини памфлет қилиб чизиб беришдан ташқари, шундай мансабдорларга ҳайбаракаллачилик қиладиган ялоқхўрларнинг устидан ҳам ғазаб ўтини сочган. Энг муҳими шуки, шоир бундай кишилар «бу даврда мавжуд ва ҳозир бор» деб таъкидлайди ва ўз сўзларининг беҳуда эмаслигини, уларнинг аниқ прототиплари борлигини баён этган. Улуғ адиб бу одамлар ичида амалдорлар, номи чиққан кишилар, «баъзи азизлар» ҳам бор, деб махсус таъкидлайди. Хуллас, инсон нафосати, баланд табиати билан ҳам инсон. Қоринни ҳар хил таомлар билан тўйдириб, ҳайвондай кекириб юриш, ағанаш: ювинмасдан, сассиқ ҳид босиш, кишининг табъини хира қиладиган қилиқлар кўрсатиш – булар одам боласига муносиб эмас, бундан ҳазар қилиш керак. Одамсевар, нозикмижоз Навоийнинг талаби шунақа. Биз Хондамир, Восифий ва бошқа замондошларнинг асарларидан биламизки, Навоий табиати ғоят нозик, поклик, хушхулқлик ва ўта назокатли кишиларни яхши кўрган, лутф-карам, сўз маънолари билан завқланишга мойил бўлган, ўзи ҳам жуда нозикмижоз одам сифатида ном қозонган. Шу сабабли у «Маҳбуб ул-қулуб»даги «танбеҳ»ларида ҳаё, ҳилм, карам каби сифатларига алоҳида урғу бериб таърифлади. «Карам ва мурувват ота ва онадурлар, вафо ва ҳаё – икки ҳамзод фарзанд», деб ёзади у. Вафо ва ҳаёни эгизак деган шоир буни асослаб «вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ» деб яна ўткирлаштиради. Демак бу тушунчалар бир-бирига жуда вобаста. Чунки маърифатли, комил инсонлар ҳаёли ва вафодор кишилардирлар. Вафосизнинг жабри қанча бўлса, ҳаёсизнинг шаллақилиги, бетгачопарлиги, беандишалиги ҳам шунча озор келтиради, шоир буни ўзи бошидан ўтказган: «Замон аҳли бевофолиғидин кўксумга туганлар ва даврон хайли беҳаёлиғидин бағримда тиканлар... ҳар қайсига рақам урай десам Айюб сабри онча вафо этмас ва қалам сурай десам, Нуҳ умрида тамомға етмас»[287]. Шоир алам билан ёзади:

Ё марҳамат ул хайли ситамкораға бергил,
Ё сабру тааммул мени бечораға бергил[288].

Шу каби ҳилм, яъни ҳалимлик ҳам Навоийнинг назарида кишининг мақбул сифатидир. «Ҳилмни ҳаводис дарёсида кишилик кемасининг лангари деса бўлур ва инсоният мезони тошиға нисбат қилса бўлур». Демак ахлоқий камолот учун мулойим, ҳалим бўлиш ҳам зарур. Аммо афсуски, дейди Навоий, замон бундай одамларга муносиб эмас. Ҳалим одамлар хору саргардон: «Елдек ҳар эшикдин кирарға орлари йўқ, ўтдек оташдонлиғдин ўзга шиорлари йуқ». Ҳалимларнинг «камчилиги» шуки, улар ростгўй, ҳақталаб бўладилар, қаерга борсалар ҳақ гапни айтадилар, бу эса аксар одамларга ёқмайди: «Ҳақгўй кушининг тамкин била зикр айтувчи қошида қарлугочнинг бемалол янгшамоғи малолат келтирур». «Аммо ел агар кўкка етсун – сабукбордур ва бемиқдор ва тоғ агар туфроққа ботсунки, соҳиб виқордур, ҳилм шиор»[289]. Шундай бўлгач, бари бир ҳақгўй, батамкин одамнинг қадри баланддир.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, Амир Хусрав ҳам, Алишер Навоий ҳам одоб-хулқ масаласига, кишининг ахлоқий сифатларига катта эътибор берганлар. Ҳар икки шоир ҳам яхши хислатлар, одамийлик сифатларини улуғлаганлар, аммо бу нарса, бизнинг назаримизда, Алишер Навоийда Хусрав Деҳлавийга қараганда ҳаётийроқ, реалроқ асосга қурилган ҳолда намоён бўлган. Навоий аниқ мисол келтиришни кўрган-кечирганларига қараб гапиришни хуш кўради. Хисусан, яхши одоб, яхши хулқ – саодат калити. Етук олим А. Аб-

---

[287] *А.Навоий.* Асарлар. 15 томлик 13-том, Тошкент. F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёт», 1966, 53-б .

[288] *Ўша асар*, 53-б .

[289] *Ўша асар*, 54-б.

дуғафуров таъкидлаганидек, Алишер Навоий «барча иллат ва нуқсонлардан холис бўлган, маънавий-ахлоқий етук хулқ-одобда баркамол инсон»[290]ни улуғларди, шундай инсонларни ҳаётда кўпроқ кўргиси келарди.

Қаноат бобидаким... »

Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоий қаноатни инсоннинг муҳим ижобий хислати ҳисоблаб, бу ҳақда кўп қимматли фикрларни айтиб ўтганлар. Инсон ўзини тийиши, тақводор, ҳалол бўлиши керак. Қаноатга чақиришнинг социал сабаблари бор эди. Султон ва унинг атрофидаги аъёнлар, амирлар, бойлар, руҳонийлар бойлик мол-мулк учун талашиб-тортишиб, қабиҳ ишларга қўл урар дилар, талончилик, зулму ситам, ҳаромхўрлик ҳам ўз нафсини тия билмаслик оқибати деб қаралган. Агар ҳамма одам фақат ўз яшашига лозим бўладиган нарса билан қаноатланса, қолганини бошқа муҳтожларга бўлиб берса, тенглик биродарлик қарор топади, деб ўйлаган гуманист шоирлар. Қаноат зарурий ахлоқий категория сифатида тарғиб этилиб, у ҳалоллик, тақвою, карам, саховат тушунчалари билан бирга олиб қаралган.

Амир Хусрав «Матлаъ ул-анвор» асарида қаноатни сабр, тақво, ҳиммат тушунчалари билан биргаликда талқин этади

Сабр чу ганжаст ба ганжи хароб,
Рав, ки туйи мунъими комил нисоб.
Мард тавонгар ба сабурий бувад.
Лек на сабре, ки зарурий бувад[291].

(Сабр харобадаги ганж – бойликдир. Сен шу неъматнинг ҳақиқий эгасисан. Инсон сабр билан кучлидир, аммо бу сабр зарурий, сохта бўлмаслиги керак).

Сохта сабр-қаноатли кўринишга интилган одам ташқаридан қараганда осойишта кўринсада, аммо ич-ичидан олтинга ўчлиги билиниб туради – илоннинг, ахир, оёғи кўринмайди-ку, у терисининг ичида. Зар-олтин одамга бахт келтирмайди, аслида у бир безак холос. Нафс йўлига тушган одам шамолдек беқарор ва беҳаловат бўлади, ҳар қандай ифлос кўчага ҳам кириб кетаверади. Кишини ҳаромдан сақлайдиган сабру қаноат:

Баҳри ҳароме чи дави ҳийланок.
Бори агар так зани аз баҳри пок.

Пок наёбад тани осудаҳол,
Ранҷкашонрост мусаллам ҳалол,
Тийратар он хона, ки ганҷаш фузун,
Поктар он луқма, ки ранҷаш фузун[292].

(Хийла қутқу билан ҳаром учун мунча югурасан, ҳалол учун ҳам бир марта югурсанг-чи. Аммо осуда, хотиржам яшайман деган одам пок бўлолмайди, ҳалоллик ранги – азоб чеккан-лар насибасидир. Уйда ганж қанча кўп бўлса, у шунча қоронғу – дилгир бўлади, луқма – нон қанча кўп ранж билан қўлга киритилган бўлса – у шунча ҳалолдир).

Бу мардона, жасоратли фикрлар ўша замон учун бағоят аҳамиятли эди, балки бизнинг замона учун ҳам бу аҳамиятини долзарб сақлаб келмоқда. Икки жиҳатга диққатни қаратиш ўринли: биринчиси шуки, шоир «зар толиблари»нинг мол-мулкини ҳаром деб эълон

---

[290] *А. Абдуғафуров.* Алишер Навоий ижодида сатира. Тошкент, «ФАН», 1972. 77-б.

[291] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю Алиева, «Наука», М. 1975 г., 165-б.

[292] Ўша асар, 166-б.

қилиш билан шоҳлар, султон-амирлар, хулласи калом ҳамма аслзода синфнинг ҳаётини ҳаромхўрликдан иборат деб эълон қалган. Зеро уларнинг барчаси ҳам олтинга сажда қиладиган, олтин қудратига таяниб, халқни талайдиган кишилар эдилар. Олтинсиз на шоҳнинг тахти, на вазирнинг кўшки барқарор. Бутун жангу жадаллар, юриш – жаҳонгирликлар олтин учун, ганж-хазина учун эди. Амир Хусрав буни нозик бир тарзда олтин – ганжнинг касофатини айтиш билан зукко ўқувчилар фаҳмига етказа олган.

Иккинчиси шуки, шоир ганж – бойлик эгаларини бахтсиз кишилар деб атайди, бойлик қанча кўп йиғилса, у шунча зулмат – бадбахтлик келтиради. Демак шоҳлар ҳам, унинг гумашта ҳамтовоқлари ҳам туну кун маишат билан кун кўрсаларда, бироқ бахтли одамлар эмаслар. Ва учинчиси – ганж топишдан кўра сабр-қаноат қилиб ҳалол яшаш мушкул, деган фикр олдинга сурилади. Ҳалол яшаш, ҳалол, пок бўлиб юриш қийин. Бу энг катта қаҳрамонлик, мардлик. Виждонсиз, имонсиз одам ҳеч бир қийинчиликсиз яшайверади, лекин пок яшайман, деган одамнинг йўлида минг хил ғовлар пайдо бўлади. Чунки пок яшашга ният этиш, аввало, ўзини дунё неъматларидан чегаралаш, оз нарсага кўникиш демак.

Зар тўплайман, бойлик йиғаман, деган одам ё зулм – ёвузлик билан, қатл-ситам билан бошқалар мулкини ғорат қилади, ё зўравонларга сиғиниб, тубанлашиб, ялиниб-ёлвориб, тама – тиланчилик билан қулдай хўрланиб яшайди:

Хоҷа, ки донад равиши зиндагӣ.
Бар дари дунон накунад бандагӣ.
Дорад аз он сон ҷав худро азиз,
К-аш набувад гандуми султон бачиз...
Ноне агар ҳаст муяссар зи ҷав,
Аз пайи лавзинаи дунон мадав.[293]

(Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тортган киши пастларнинг эшигида қуллик қилмайди. Ўзининг қадрини билган одам султон буғдойи бежиз эмаслигини англайди. Арпа нонинг бор бўлса, пастларнинг ҳалвоси орқасидан югуриб юрма).

Яъни инсоннинг қадр-қиммати, шарафи мол билан, қанча кўп олтин-зар тўплагани билан белгиланмайди, дейди Хусрав Деҳлавий. Тама одамни пастга уради, қадрини кеткизади. Бутун олам, унинг неъматлари, гўзаллиги, еру осмон, дов-дарахт, ою қуёш инсон хизматида, инсон учун муҳайё этилган бўлсаю, инсон яна нафси бадлик қилиб, ўзининг қадрини кеткизса, бу ахир бемаънилик-ку, дея ачинади улуғ шоир. Дунё, унинг бойликлари ўткинчи, инсон бу бойликларни бир восита, яшаш воситаси деб билмоғи, инсоний шаъну шарафни оширишга хизмат қилдирмоғи даркор, наинки ўзи шу мол- мулкнинг, арзимас ашёларнинг қулига айланса.

Албатта, қаноатга даъват этиш, кишиларни курашдан четлатиш; мулкдорларнинг молига тажовуз қилмаслик, «бергани билан шукр қилиш», тақдирга тан беришга ундаш ҳам эди. Яъни бир томондан, бойлик, олтин-кумушга нафрат, иккинчи томондан сарватдорлар «насибаси»га шерик бўлишдан тийиниш... Ўтмиш мутафаккирлари ижодидаги зиддиятли элементлардан бири бу, албатта. Шундай бўлишга қарамай, Хусрав Деҳлавийнинг қаноат ҳақидаги қарашлари замирида одамийликни ҳимоя этиш сезилади. Бу эса биз учун муҳим. У Саъдийга ҳамовоз бўлиб, баднафс кишини ҳайвон билан тенглаштиради. У тўғридан-тўғри «Меъданинг тўлиши билан ғамдан фориғ бўладиган киши одам эмас, жонвор – ҳайвондир»,

---

[293] *Амир Хусрав Дехлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г.. 167-168-б.

дейди. Одам маънавий эҳтиёжлари, дард-ғами билан одам. Нафс ҳирси бир оташ, у оламни ёндириши мумкин.

Мўр, ки ҳирсаш бувад аз ҳад бурун,
Зинда равад зери замин сарнагун...
Он, ки дилаш кўр шуд аз ҳирси мол,
Фарқ надонад зи ҳарому ҳалол.
Гоҳи хуриш дар даҳани мокиён,
Дона ҳамон асту палиди ҳамон[294].

(Ҳирси ҳаддан ошган одам тириклигида ер остига кириб кетган чумолига ўхшаган бўлади... Мол ҳирсида кўнгли кир бўлиб қолган одам ҳарому ҳалолнинг фарқига бормайди, зеро товуқ оч қолганда буғдой донаси билан ахлатдаги ифлосликларни ҳам қўшиб еяверади.)

Амир Хусрав баднафслик – ҳирсни ана шундай ғазабкор оҳангда қоралаган. Бундай ҳирс одамни истаган кўчага етаклайди, истаган номақбул ишни қилишга, ҳар қандай тубан одам қошида сажда қилишга мажбур этиши мумкин.

Қаноат қилган одам эса бировга қарам бўлмасдан, ўз эркини, қадр-қимматини нафс тузоғига туширмай яшай олади. Султон бойлигига ҳавас – султонга банда бўлиш, султон шавкатини писанд қилмаслик – ақл-ҳушни ишлатиб, ҳалол меҳнат билан пок яшаш, ўзига-ўзи султон бўлиш. Мана шу ғоя Хусрав Деҳлавий томонидан турли тарафдан талқин ва тарғиб этилади.

Шоир шоҳ шаробидан осойишталик сувини афзал билади, ҳалол камбағални ҳаромхўр мулкдордан устун қўяди ва камбағаллик билан поклик ҳамиша опа-сингил деган фикрни олға суради. Шу асосда Хусрав Деҳлавий тақводорлик зоҳидликни ҳам оқлаб чиқади. Тақводор кишилар, диёнатли, виждонли одамлар, уларнинг узлатга чекиниши ана шу ҳаромхўр сарватдорлар, халқ молига куз олайтирган кимсаларга исёни, норозилиги, дейди у.

Қаноат ҳақидаги еттинчи мақолатдан сунг келтирилган ҳикоятда ҳам шоир ўз қарашларини қувватловчи далиллар топади, қаноат тақвода ҳам сидқу ростлик булиши, риё аралашмаслигини талаб этади.

Амир Хусрав хасислик очкўзликни ҳам ёмон хислатлар қаторига қўшиб, бунга қарама-қарши сахий одамлар одатини шарафлаган. Мол-мулкни тўплаб, бировга бермасанг, ўлганингдан кейин душманингга қолади, чунки уни гўрга олиб кетолмайсан. Дунё ҳаммадан қолган. Бу ерда у Низомийнинг «Сулаймон мулкини истама, қани у, мулк турибди, лекин Сулаймон йўқ», деган фикрларини давом эттиради.

Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонида ҳам қаноат фазилатига бир боб бағишланган (еттинчи мақолат). Ўзбек шоирининг назарида қаноатли кишининг мартабаси шунчалик баландки, у Тангри олдида энг азиз ва мўътабардир. Навоий қаноат – жаннат сари элтувчи қанот, дея сўз бошлайди. Қаноат кишини қудратли ва бардам қилиб тарбиялайди, руҳингиз тетик қалбингиз бутун бўлади. Қаноат қилган гадо – подшо, тамагир шоҳ эса – гадо.

[294] *Амир Хусрав Деҳлавий.* «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 257-б.

Шоҳ ул эмаским, бошига қуйди тож,
Шоҳ ани билким, йўқ анга эҳтиёж...
Шоҳ бошининг шарафи тож эмас,
Англа ани шоҳки, муҳтож эмас...
Ким ки қаноатдин эрур ҳужжати,
Яхши-ёмонға йўқ анинг ҳожати...[295]

Нега Навоий қаноат ҳақидаги бобда гапни шоҳдан бошлаган? Чунки қаноат шоҳдан бошланса бошқаларга ибрат бўлади, шоҳнинг баднафслиги, молпарастлиги салтанатни тиканзорга айлантириб, фуқарони оғир аҳволга солади. Шу боис мутафаккир шоир шоҳларни ҳам қаноатга чорлаб, саховат, карамни уларнинг асосий фазилати сифатида кўрсатган. Қаноатли шоҳ – тақводор дарвешдай ўз нафсининг ҳокими бўлиши мумкин. Шоҳ шоҳ эмас, балки қаноат мулкини эгаллаган одам ҳақиқий шоҳдир:

Топса қаноат сори ҳар кимса йўл,
Шоҳ бу тақдир ила ул бўлғай, ул[296].

Бу фикр Шарқ адабиётида узоқ асрлардан бери давом этиб келади. Навоийнинг қаноатли одамни подшолардан юқори қўйиши ҳам шоҳдан покдил дарвешнинг рутбаси баланд, деган илғор гуманистик ақидага бориб тақалади. Бу ҳақда Н. Комиловнинг «Шоҳу дарвеш ҳикмати» мақоласида чуқур мулоҳазалар билдирилган[3]. Навоий «Ҳайрат ул-аброр»да қаноатли дарвешнинг шоҳдан устунлигини яна шу далил билан исботлайдики, шоҳлар тама, зебу зийнат, олтин-кумушга ўч, шунинг учун улар безовта ҳаёт кечирадилар; қаноат аҳли эса кўнгли тинч, осойишта. Шоир олтин-кумушнинг инсон ҳаёти учун бевосита ҳеч бир аҳамияти йўқлигини таъкидлайди. «Ташнаки, ул сув била истар фараҳ, қайда кирар кўнглига олтин қадаҳ», яъни сув ичиб чанқоғини бостиришни хоҳлаган одамга олтиндан ясалган қадаҳнинг нима ҳожати бор, дейди Навоий. Ошга сабзи-шолғом ўрнига безак учун олтин-кумуш солиб бўлмайдики, дастурхонга нон ўрнига зумуррад, нухат ўрнига зару гавҳар қўйиб кишилар қорнини тўйдириш мумкин эмас. Хуллас, Навоий фикрича, қимматбаҳо жавоҳиротлар ортиқча безак, холос Бу фикр Шайх Саъдий ва Хусрав Деҳлавийда мавжудлигини кўрдик. Навоийнинг улардан фарқи шундаки, у олтин-кумушни батамом инкор этмайди. Олтин-кумуш тўплаш одат экан, уни эзгу – хайр ишларга сарфлаш, саховат билан муҳтожларга тарқатиш лозим, дейди ўзбек шоири масалага конкрет ёндашиб. Масалан, у шу муносабат билан ёзали:

Кимки эрур махзани Қорун анинг,
Мулки Жаму тожи Фаридун анинг.
Базл дебон ганж эшигин очмаса,
Фойдасиз дурру гуҳар сочмаса.
Фойдасиз қилмаса зоҳир карам,
Бермаса бир базлага юз минг дирам.
Очга емак берса, яланғочга тўн.
Юз тилаганларга мингу бирга ўн[297].

Демак шоҳнинг қаноати саховатига эш бўлмоғи даркор. Аммо ҳар ким ҳам бундай саховатга бардош беролмайди ва бундай саховатга умид боғлаб кун ўтказишнинг ўзи нодуруст. Навоий ушбу мақолатда сарф қаноати – сахийлик меъёри ҳақида хам тўхтаб ўтади. Чунки саховат чин кўнгилдан, табиатдан келиб чиқадиган иш бўлиши лозим. Дабдаба, кўз-кўз,

---

[295] *Алишер Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев.Тошкент, «ФАН», 1960 й., 76-б.
[296] *Н. Комилов.* Шоҳ ва дарвеш ҳикмати. «Ёшлик», 1988 й., 2-сон.
[297] *А.Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 77-б.

манманлик учун сахий бўлиш саховатга кирмайди. Дабдаба учун мол сарф этувчилар беҳуда талафотга йўл қўядилар, подшоларга тақлид қилиб, сахий бўлишни орзу этиб, қарзга ботадилар. Кейин қарзни ҳам тўлай олмасдан шарманда бўладилар.

Мунчаву юз мунча етибон алам,
Лек анга бўлуб яна юз мунча ҳам.
Тарки қаноат ани айлаб жало,
Келтурубон бошиға юз минг бало[298].

Қаноатдан юз ўгирган, «тарки қаноатни тарк этган» («жало» – тарк этиш демак) одам ҳаётда кўп қийинчиликларни бошидан ўтказишини Навоий кузатиб-кўриб, шундай хулосалар чиқарган эди. Унинг фикрича, фақат ўз нафсини тийиш, тамагир бўлмаслик қаноат эмас, балки бор нарсани ҳуда-беҳудага сарфламасдан юриш ҳам қаноатга киради. Қаноат, шундай қилиб, меъёрида яшаш, ҳалоллик ва тўғриликдир.

Қаноатли одам ўз меҳнати орқасида топган бир бурда нонини шоҳ инъомидан устун қўяди. Демак қаноат – энг олий ҳиммат. Буни Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонида келтирилган Ҳотам ва ўтинчи чол ҳикоясида тасвирлаб кўрсатади. Ҳотам – афсонавий сахий, унинг қўли очиқлиги турли асарларда муболаға билан ҳикоя қилинади. Лекин Навоий саҳродан ўтин йиғиб келиб, уни сотиб, пулига тирикчилик қиладиган чолни Ҳотамдан устун қўяди, чунки чол Ҳотам эшигига бориб, унинг туҳфаларига, садақа ош-нонига боқмайди, аксинча, ўз меҳнати билан яшашни афзал билади. Маълум бўладики, Хусрав Дехлавий байтларидан ифодаланган фикр Навоийда «саховат боби»даги ҳикояда ифодаланган.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Навоийнинг насиҳатлари қанчалик кучли ижтимоий мазмунга эга экани маълум бўлади. Қаноатга даъват – ҳалолликка даъват этиш, меҳнатга даъват этиш, инсонлар жамиятида инсон бўлиб яшашни талаб этиш эди. Шу сабабли бу сўзларнинг ҳозир ҳам аҳамияти катта. Зеро, бизнинг замонда ҳам, афсуски, нафси бузуқ кимсалар кўп. Улар ҳалол, тўғри яшашни касб этган одамлар ҳаётини ҳам заҳарламоқдалар – бадном этмоқдалар.

Навоийнинг фикрича, қаноат эркин инсоний ҳуқуқни, иззат-икромни сақлашнинг тўғри йўлидир, шоҳ ҳам, гадо ҳам қаноатни тарк этган одамлар, аксинча, қонеъ одам – шоҳлик ташвишидан ҳам, гадолик азобидан ҳам қутулади: «Улким, қаноатга муътод бўлди (ўрганди) – шоҳу гадо тараддудидан озод бўлди»[299]. Ғоят улуғ фикр, шоҳ ҳам тиланчи гадо деган маъно бор бу фикр тагида. Чунки шоҳ ҳам баднафс одам, баднафс бўлганда ҳам баднафсларнинг энг каттаси. Навоий ана шунақа умумлашма хулосалар билан Хусрав Деҳлавийдан қийла олдинга ўзиб кетган. Қаноатнинг душмани бор: бири – тама, иккинчиси – ҳирс. Хар иккаласи ҳам инсон руҳининг ашаддий емирувчилари, золим жаллодлар. Иккаласи бирлашиб одамни разолат ва лаиму лаинлик ботғоғига тортади. Ҳирсли одамда ор-номус ҳам сўнган бўлади:

Ҳар кимки қаноат тарафи нисбати бор,
Барча эл аро тавозеъу иззати бор.
Улким тамаъу ҳирс ила улфати бор —
Яхши-ямон ичра зиллату накбати бор[300].

Хусрав Дехлавий қаноатнинг биринчи шарти сифатида сабрни кўрсатган эди. «Ҳайрат ул-аброр» достонида сабр хусусида гапирилмайди, аммо «Маҳбуб ул-қулуб»да алоҳида боб

[298] *А.Навоий.* «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 77-б.
[299] *А.Навоий.* Асарлар. 15 томлик. 13-том, Тошкент. F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966. 36-б.
[300] *А.Навоий.* Асарлар. 15 томлик. 13-том, Тошкент. F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966, 37-б.

ажратилиб, сабрнинг қаноат билан боғлиқлиги, қаноатли одам сабрли бўлиши зикр этилади. «Сабр аччиғдур» деб сўз бошлайди Навоий. Бу – халқ ибораси. Дарҳақиқат, сабру чидам оғирликларни енгиш, қийинчиликларга бардош бериш демак. Навоий «сабр косасининг таги олтин» деган ибора мазмунидан келиб чиқиб, сабрли инсонларнинг мақсадга муяссар бўлганлари, сабрсизларнинг орада – йўлда ҳалок бўлишлари мумкинлигини айтади. Боб охирида Навоий бир қизиқ ҳикоятни келтиради: бир нотавон кишининг кўнглига бир соҳибжамолнинг ишқи тушиб, уни изтиробга сола бошлайди. Бечора ошиқни туҳмат билан зиндонга ташлайдилар. Айбингга иқрор бўл, деб не-не азобларни унинг бошига солмайдилар. Оқибат, бир куни миршаблар бечорани зиндондан қўл-оёғини боғлаб олиб чиқадилар ва ерга ётқизиб, «Бир қучоқ йиғоч анинг аъзосига ушоттилар». Аъзойи бадани шилинди, атрофга лахта-лахта қон сачраб, «лолазор» пайдо бўлгандай бўлди. Аммо «мазлум мутлақо дам урмайди», иқрор бўлмайди. Таёқ билан саваловчилар чарчаб қолиб, чалажон ошиқни бир ёқ чиқариб ташлаб кетадилар. Калтакловчи «жафопешалар» кетгандан кейин «жафокаш» ошиқ оғзидан бир парчаланиб кетган дирам (чақа пул) чиқаради. Атрофдагилар бу аҳволни кўриб ҳайрон бўладилар ва сабабини сурайдилар. Мазлумнинг жавобидан маълум бўлдики, уни калтаклаб жазо бераётганларида у кўнгил берган одам бир гўшада бу воқеага гувоҳ бўлиб турган ва буни бечора ошиқ сезган экан. Жабрловчилар уни азоблаётганда, у дирамни оғзига солиб, ҳар бир калтак зарбидан жони оғриганда ўша тангага тишини босиб оларкан, тишни-тишга қаттиқ босишдан танга парча-парча бўлар экан. Буни маҳбуб кўриб турар экан. Шу боис у душманлар ёрини чалажон қилиб ташлаб кетгандан кейин унинг қошига келиб меҳрибонлик кўргузади, яраларига малҳам қўйиб тузатади.

Бу азоблар эвазига сабру чидами туфайли ул одам муродига эришди.

Кимки бир шиддат аро сабру таҳаммул айлади,
Бахт анинг нешини нўшу хорини гул айлайди[301],–

дейди ҳикоят сўнгида Навоий. Шу тариқа қаноат, сабр, инсон иродасини чиниқтириб, бардошли, сабот-матонат эгаси қилиш мумкин. Қаноатнинг қудрати, шарофати «Ҳайрат ул-аброр» достонидаги «Қонеъ жувонмард ила томеъ жаҳонгард» ҳикояси тасвирида ҳам яхши ифодалаб берилган.

Ривоят қилинишича, форс вилоятидан икки ўртоқ Чин мулки сари йўлга чиқдилар. Уларнинг бири Тангри қисматига қаноат қиладиган, иккинчиси эса қисматига норози тамагир одам эди. Йўлда кетаётиб улар бир тошни кўрдиларки, унинг устига «кимки заҳмат чекиб, бу тошни ағдарса, унинг нариги бетида шу водийда хазина саланадиган вайронанинг жойини билдирувчи битикка дуч келади» деган ёзувни ўқийдилар. Тошда яна «Ҳар киши бу ранждан ўлса йироқ, сабру қаноат баридан яхшироқ», деган сўзлар ҳам ёзилган экан. Қаноатли одам «қаноат – менинг ганжим» деб йўлида давом этади. Тамагир киши бўлса, ҳирсу ҳаваси қўзғаб, тошнинг тагини кавлашга тушиб кетади. Қаноатли одам йўл танобини тортиб, тонгсаҳарда биринчи бўлиб шаҳар дарвозасидан кириб борса, уни тутиб олиб, уни шоҳ қилиб кўтарадилар. Чунки шоҳ ўлиб меросхўри йўқ эди ва уша мамлакат удумига кўра, бундай ҳолда марҳумнинг вафотидан кейин биринчи саҳарда шаҳарга биринчи бўлиб кирган одамнинг шоҳ бўлиши муқаррар эди.

Тамагир одам эрса, не машаққатлар билан тошнинг тагини кавлаб, уни бу ёнига ағдарганда, қўйидаги ёзувни учрйди: «Хомтамаъ даҳрда ранжур эрур», яъни тамагир одам бу

[301] *А.Навоий.* Асарлар. 15 томлик 13-том, Тошкент. F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966, 39-б.

дунёда фақат ранжу азоб билан яшайди.

Алишер Навоийнинг Амир Хусравдан фарқланадиган яна бир жиҳати шундаки, у қаноатни фонийлик – таркидунё қилиш билан ҳам боғлайди. Чунки унинг назарида энг ҳимматли, қаноатли одам – «ойини фано» кўзлаган одам:

Эй хуш ул ойини фано кўзлаган,
Мулки қаноатда саро кўзлаган[302].

Бундай одам агар кўнглида боғ томошаси булса, осмон-фалак гулшанига боқади, бу кўҳна дунёнинг бебақо ишларини мушоҳада этади, дунё ҳаммадан ҳам қолишини англаб етади.

Кўрса жаҳонни бир овуч хокча,
Туби ила Сидрани хошокча.
Бермаса кўк қасрига вайронини,
Токи фалакка йиқуқ айвонини.
Пора юрак қони бўлуб қут анга,
Балки фараҳ касбиға ёқут анга...[303]

Яъни: «Дунёни бир ҳовуч тупроқ деб билса, жаннатнинг афсонавий дарахтлари – Туби ва Сидрасини хас деб ҳисобласа, қадрсиз билса, ўз вайрона кулбасини кўк қасридан, йиқилаётган айвонини фалак тоқу равоқидан афзал ҳисобласа, унинг емиши бир парча юрагининг қони бўлса, балки бу юрак парчасини шодлик боиси – ёқут ўрнида кўрса».

Шундай қилиб, ўзбек шоири бу ўринда Низомий Ганжавий қарашларини ривожлантириб, Низомий билан Хусрав Деҳлавий ғояларини қўшади. Чунки Низомийда қаноат ана шундай кенг фалсафий аспектда олиб қаралади. Қаноат, фақр, дарвеш тушунчалари шу сабабли Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» асарида бир-бирининг ўрнини босадиган тушунчаларга айланиб қолган. Қаноатли одам бу дунёда ҳам азиз, тамагир эса хору залил – Навоийнинг асосий хулосаси шу. Мутафаккир адибнинг ахлоқий қарашларидаги ижобий жиҳат – инсонпарварлик ғоялари ҳам бир бобда шу тариқа янги мантиқий далил, асос билан баён этилади.

---

[302] *Алишер Навоий.* «Хамса», танкидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент. «ФАН», 1960 й., 77-б

[303] Ўша асар, 78-б

ХУЛОСА

Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий «Хамса»лари Шарқ мумтоз адабиётининг нодир намуналари сифатида асрлар давомида халқимиз томонидан севиб ўқилмоқда. Қайд этиш керакки, ўзбек халқи ичидан чиққан зиёлилар форс тилини она тиллари каби билганлар ва форсий шеъриятнинг энг яхши намуналарини мутолаа қилиб, ундаги ўлмас ғояларни эл орасида тарғиб этиб келганлар. Яна шуниси ҳам диққатлики, Низомий, Амир Хусрав, Жомий ёки Навоий асарлари бир-бирига қарама-қарши қўйилган эмас, балки ҳар бири ўз ўрнида тақдирланган ва уларнинг ўз ўқувчилари, талабгорлари бўлган. Биров Низомий Ганжавий «Хамса»сини, бошқаси Амир Хусрав достонларини, яна биров Жомий ва Навоий асарларини кўпроқ севган. Масалан, XV асрнинг биринчи ярмида Ҳиротда Амир Хусрав асарлари шуҳрат топади. Умуман, Амир Хусрав асарлари Низомийга қараганда услубан енгиллиги билан оммавийроқ бўлган. Низомий табъу диди юксак китобхонлар учун бўлса, Амир Хусрав кенг оммага ёқар, шу боис ҳинд шоирининг Навоий тили билан айтганда, «сўзу гудоз»ли, ишқ ўртанишларига жавоб берувчи ғазаллари, сўз санъатининг ўзгача рангу оҳангда янгратган достонлари, ажиб саргузаштларни ҳикоя этувчи мавжли достонлари ўрта асрлар китобхонлари дилини тўлқинлантирарди.

Фақат Алишер Навоий эмас, Ҳирот адабий муҳитининг бошқа намояндалари учун ҳам Низомийдан кейин Хусрав Дехлавий сўз санъати, гўзал шеърият соҳиби сифатида намуна ва ибрат эди. Зотан, Амир Хусрав Шарқда буюк шеърият мактабини яратган, янги тавру равия оча олган шоирдир. Алишер Навоий форсий ва туркий адабиёт руҳида тарбияланиб, бу икки тил имкониятлари, нафосатини баравар намойиш этди, икки тилдаги адабиёт ютуқларини ўз ижодида синтезлаштирди. Алишер Навоий лирикада Хожа Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Шайх Камол Хужандий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ғазалиётидан руҳланган, улардаги санъат ва бадиий гўзалликни янги руҳда ривожлантирган бўлса, достончиликда Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий ва ўз пири муршиди Абдураҳмон Жомий анъаналарини давом эттирди. Навоий «Хамса» достонларининг бағишлов бобларида салафларига бўлган эҳтиром ва муносабатини баён этиб келган, айни вақтда ўз ниятлари, навбунёдкорлик сари қўйган қадамлари ва танқидий қарашларини ҳам яширмасдан айтиб келган. Бу ҳақда бу ерда тўхталмоқчи эмасмиз. Чунки ушбу фикр навоийшуносликда бот-бот қайтарилган ва тадқиқотларда очиб берилган. Бизнинг олдимизга қўйган мақсадимиз «Хамса»ларнинг биринчи достони – «Махзан ул-асрор», «Матлаъ ул-анвор», «Тўҳфатул аҳрор» ва «Ҳайрат ул-аброр» достонларини инсон консепсияси талқин нуқтаи назаридан қараб чиқиш эди. Бу масала ўз-ўзидан, биринчидан, қиёсий методга мурожаат қилишни, иккинчидан, тасаввуф таълимотига мурожаат қилиб, комил инсон масъаласи билан боғлаб текшириш олиб боришни талаб қиларди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши шарофати билан ўтмиш меросга муносабат ўзгарди. Совет ҳокимияти йилларида яратилган илмий ишларда гарчи дин ва тасаввуф адабиёт тарихига чуқур таъсир этганини билсак-да, аммо қайсарлик билан буни ошкор этмасдик динни факат салбий рол ўйнаган ҳодиса, тасаввуфни эса шоирлар учун шунчаки замонасозлик учун қилинган расмий бир илинж деб баҳолардик натижада Навоий ва бошқа кўп шоирларимизнинг асарлари бир ёқлама тадқиқ қилиниб келинди. «Хамса» достонларини янги кўз билан текширган олимларимиз уларда диний-сўфиёна ғоялар асосий ўринни эгаллашини аникладилар. Айниқса, биринчи достонларда бу ёркин кўзга ташланади. Чунки биринчи достонлар Низомий, Амир Хусрав, Жомий ва Алишер Навоийларнинг бош

мақсадлари, фалсафий қарашлари, ғояларини акс эттиради ва кейинги достонларга асос берувчи дастур ролини ўйнайди.

Албатта, биз тўртала достонни ҳам батафсил ипидан игнасигача қиёслаб, текшириб чиқдик деёлмаймиз. Бу ғоя катта бир тадқиқот иши. Мақсадимиз, Амир Хусрав билан Навоий ижодини таққослаб, уларнинг инсон шахсига, камолотига муносабати, инсон ахлоқи ҳақидаги тушунчаларини ёритиш эди. Аммо Амир Хусрав ҳам, Навоий ҳам татаббуъчи шоир бўлганлари ва улар ўз салафлари йўлидан бориб, анъанани ижодий давом эттиришга бел боғлаганлари учун қисман бўлса-да, Низомий ва Жомий достонларига ҳам мурожаат қилдик ва қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин деган фикрга келдик:

«Хамса» биринчи достонларнинг композицион тузилиши «ташқи» кўриниши қиёсланганда, бобларнинг сонини эътиборга олганда, ҳажм жиҳатидан Алишер Навоий достони энг катта бўлиб чиқади: «Махзан ул-асрор» – 58 боб, «Матлаъ ул-анвор» – 55 боб, «Туҳфат ул-Аҳрор» – 61 бобдан иборат. Ҳар тўртала достонда ҳам мақолатлар ва улар кетидан келадиган ҳикоятлар миқдори бир хил: 20та мақолат ва 20та ҳикоят. Фарқ асосан шу пайтгача «муқаддима» боблар деб келинган қисмдадир. Низомий «муқаддима»лари 18 бобни, Амир Хусравники 15 бобни, Жомийники 21 бобни, Навоийники 23 бобни ташкил этади. Демак достонларнинг учдан бир қисми «муқаддима» боблар бўлиб чиқади. Биз ушбу достонларни «асосий қисм» ва «муқаддима» деган қисмларга бўлишни номақбул ҳодиса, дастлабки бобларга эътиборсизлик назари билан қараш оқибати деб ҳисоблаб, достонларни яхлит асар деб қараш ва аввалги боблардаги фикр-ғоялар кейинги бобларда изчил давом этганини таъкидламоқчимиз. Масалан, Навоийнинг ахлоқий қарашлари, адолат, саховат, қаноат, муҳаббат ва ҳоказо категориялар хусусида ёзганларини тавҳид ҳақидаги, борлиқни англаш ҳақидаги, имон ва ислом ҳақидаги қарашлардан ажратиб тасаввур қилиш мумкин эмас.

Алишер Навоий достонида бобларнинг кўпайишига сабаб унинг ҳар бир салафига муносабат билдириши, сўз ҳақида икки махсус боб ажратганидир. Навоий достонида Низомий, Амир Хусрав ва Жомий достонларининг бир қанча хусусиятлари ва ғоялари акс этган, айни вақтда бу янги фалсафий- тафаккурий олам, замона дардига жавоб бўлиб тушадиган бадиий асар. Ўзбек шоири салафларнинг асарларидаги айрим бобларнинг ўрнини алмаштириб, айрим бобларни икки боб қилиб, айрим масалаларни актуаллаштириб, ўткирлаштириб тасвир этади. Янги ҳикоятлар, тамсиллар келтиради.

2. «Матлаъ ул-анвор», «Махзан ул-асрор», «Туҳфат ул-Аҳрор» ва «Ҳайрат ул-аброр» достонларининг марказий мавзуи – инсондир. Инсон хилқати, вазифалари, камолоти, ахлоқий сифатлари шоирларнинг диққат марказида турган. Умуман бу достонларни инсоннома дейиш ҳам мумкин. Аммо шуни ҳам аниқладикки, Амир Хусравда ва Алишер Навоий ижодида, шунингдек уларнинг салафлари ижодида ҳам инсон ҳақидаги тушунчалар исломий ақидалар негизида шаклланган дир. Шу боис биз Қуръони карим ва ҳадиси шарифда инсон ҳақида билдирилган фикрлар билан Хусрав Деҳлавий ва Навоий қарашлари мувофиқ келишини кўрдик. Биринчидан, Қуръондаги оятлар баъзан мазмунан достонларда қайтарилади ва инсон мукаррам зот эканлиги, унинг вужуди тупроқдан бўлса-да, аммо руҳи илоҳий эканлиги баён этилади. Навоий исломий ақидаларга қатъий амал қилгани ҳолда инсонни таърифлар экан, унинг имонли бўлиши, шариат талабларига қатъий риоя қилиши лозимлиги, ўзини англаши, ўз раббини англаши зарурлиги ҳақида ёзади. Бу ғоялар ўзбек шоирининг устозлари томонидан ҳам баён этилган.

3. Шарқнинг улуғ шоирлари инсон камолоти ҳақида асрлар давомида куйлаб келганлар. Ал-Бухтурий, Абу Аъло ал-Маарий, Абу Нувос, Рўдакий, Фирдавсий, Мутанаббий,

Умар Хайём, Низомий, Саъдий, Румий, Амир Хусрав, Ҳофиз, Камол Хўжандий, Жомий, Навоий, Машраб, Бедил ва бошқа шоирлар инсон улуғворлигини, нуқсонлари, руҳияти, дарди ва кечинмалар ҳақида ажойиб ёниқ лирик асарлар ва жаҳоншумул достонлар яратдилар. Инсон турли тарафдан олиб тасвирланади. Аммо тасаввуф таълимотининг шаклланиши билан инсонга бўлган қарашларда янги давр бошланди. Илгариги умумбашарий ғоялар янги мазмун касб этди. Айниқса, тасаввуфнинг комил инсон ҳақидаги қарашлари шоирлар қалбидан чуқур жой олиб, инсонни англаш ва тараққий эттириш йўллари, инсон ахлоқини поклаш масаласи тасвир мавзуи бўлиб қолди.

Ушбу китобимизда комил инсон тушунчаси тадқиқ этилиб, унинг «Хамса» достонларидаги талқинини ёритишга ҳаракат қилдик. Хусрав ҳам, Навоий ҳам инсонни икки асос – модда ва руҳдан иборат деб, инсоннинг қалбини Аллоҳ илми, қудрати ва нурининг махзани деб қараганлар. Инсон ана шу махзанни кашф этиши, руҳини камол топтириб, покланиб, фонийликка етиб, илоҳий оламга етишиши керак. Комил инсон – илоҳий илмларни эгаллаган, қалби нурли, ҳар нарсадан огоҳ одам. Аммо бу йўл бағоят мушкулликлар билан, Илоҳ сари покланиб бориш, дунё алоқаларидан воз кечиш билан амалга ошади. Шу маънода Амир Хусрав ва Алишер Навоийнинг комил инсон ҳақидаги қарашлари пайғамбар алайҳиссалом ва шайхлар, сўфийлар ҳақидаги қарашлари билан ҳамоҳанг экани маълум бўлди.

Ишда Амир Хусрав, Жомий ва Навоийларнинг сўфий шахсига муносабатлари, тасаввуф ҳақидаги ақидалари ёритилган. Навоийда бу «риёий» шайхлар бобида кенг талқин этилган. Шоир «риёий» шайхларни кескин танқид этиш баробарида ҳақиқий сўфий қандай булишини ҳам кўрсатиб беради. Бу қарашлар салафлар фикрининг давомидир. «Ҳайрат ул-аброр» достонидаги уч «ҳайрат» боби ва «Матлаъ ул-анвор»даги учта «хилват» боблари муҳим ўринни эгаллайди. Амир Хусрав «хилват»ларида ўзининг пирга талпиниши, чуқур сўфиёна тафаккур ва мароқиба орқали бир илоҳий маънолар оламини кашф этиши, пири комил қабулига эришиб, насиба олиши тасвирланади. Навоий «ҳайрат»ларида эса, кўнгилнинг сайру саёҳати тасвирланган. Кўнгил йўқликдан пайдо бўлади, олам Аллоҳга саждада эканини кўриб ҳайратга тушади, одам вужуди ҳам Худо ёди билан тирик. Шуни кўрган кўнгил ўз рабби томон интилади ва бундан ҳузурланади. Бу бобда Навоийнинг соф сўфиёна фикрлари баён этилади, кўнгилнинг моҳияти очилади.

4. Комил инсон тасаввуфнинг ҳам, адабиётнинг ҳам идеали эди, шоирларнинг кўп гуманистик ғоялари шу тушунча воситасидан бадиий суратланган. Аммо комил инсон бутунлай мавҳум тушунча ҳам бўлмаган. Улуғ шоирларимиз ҳазрати Пайғамбарни, кейин валиюллоҳ зотларини комил инсон намуналари ҳисоблаб, уларнинг сиймоларини зўр муҳаббат билан тасвирлаганлар. Амир Хусрав ва Навоий наътларида Муҳаммад алайҳиссалом таърифи, улуғворлиги, нури Муҳаммадиянинг олам бошида мавжудлиги, Пайгамбар меърожи бир сўфиёна эътиқод билан тасвир этилган. Бундан ташқари, Амир Хусравда Низомиддин Авлиё, Навоий ва Жомийда ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд билан Хожа Аҳрори Валий образлари лирик-тавсифий тусда гавдалантирилади. Иккала шоирда ҳам валий зотларини Пайғамбарнинг давомчилари, карамоатли инсонлар сифатида олиб қараш мавжуд. Аммо Навоийда бу очиқ айтилмайди. Хусрав эса бу фикрни алоҳида таъкидлайди. Амир Хусрав учун Низомиддин Авлиё – пири муршид, тариқат раҳнамоси, чунки Амир Хусрав бу шайхнинг қўлида тариқат одобидан таълим олган, унинг карамоатларини бевосита кўзатган ва бу карамоатлардан руҳланган. Ҳинд шоири буни етарли қониқиш билан қайд этади. Лекин Навоий учун Баҳовуддин Нақшбанд бевосита пир эмас, балки ғойибона руҳий-маънавий раҳнамо, силсила бошидир. Навоийнинг бевосита пири Абдураҳмон Жомий. Ҳазрати Жомий Али-

шер Навоийга нафақат тариқатда пир, балки ижодда ҳам устоз эди. Шунинг учун «Ҳайрат ул-аброр»да Баҳовуддин Нақшбанд билан Жомийга бағишланган боблар таърифланганда, орада ўхшаш баҳа ва таърифлар борлиги аниқланади. Жомий ҳам Нақшбанд маънолари ва ўз заковати, бузургворлигини намойиш этиб, Навоий учун руҳоний мададкор бўлган эди. Демак, Низомиддин Авлиё, Баҳовуддин Нақшбанд баробарида Абдураҳмон Жомий ҳам Навоий учун комилликнинг конкрет тимсоли ҳисобланган.

Бундан ташқари, «Матлаъ ул-анвор» достонида Мусо, Исо, Иброҳим Адҳам, Абубакр Шиблий; «Ҳайрат ул-аброр»да Иброҳим Адҳам, Робияи Адвия, Абдуллоҳ Ансорий, Шайх Ироқий, Боязид Бастомий, Имом Фахриддин Розий, Хожа Муҳаммад Порсо ҳақида ҳикоятлар келтирилган бўлиб, уларда ўзига хос қисқа-қисқа лавҳалар орқали шайхларнинг хислат ва одоби, карамотлари ёритилган. Бу ҳикоятлар ҳам сўфийлар ахлоқи, тасаввуф ғояларини англашга кўмаклашади. Сўфийлар ахлоқи – комил инсон ахлоқидир. Бу камтаринлик, хоксорлик, ниёзмандлик, сабру чидам соҳиби бўлиш, хуштавозеълик, сахийлик, раҳмдиллик ва ҳоказолардир. Чин сўфийлар риё ва ёлғон, бадмастлик ва манманлик, тама ва ҳирсни ёқтирмаганлар. Бу хислат тасаввуфда пастлик ва ҳайвонийлик белгилари деб қаралган ва шунинг учун Амир Хусрав, Жомий ва Навоий асарларида ҳам шундай номуносиб белгилар қаттиқ танқид қилинади. Хусрав Деҳлавий, айниқса, бадмастлик ёлғонни мазаммат этади. Навоий эса риёкорлик ва ҳирсу нафс домига гирифтор одамларни нафратли сатрларда танқид остига олган.

5. Тадқиқотимизнинг иккинчи қисми бобларида Алишер Навоийнинг анъанага муносабати ва ижодий янгиликларини инсон талқини мисолида кўрсатишга ҳаракат қилинди. Бунда инсон ахлоқига муносабат бош мезон бўлиши мумкин деб ўйлаймиз. Ахлоқ ҳақида сўфийлар сиймоси муносабати билан гапирган эдик. Эндиги бобларда эса фақат сўфийлар ахлоқи эмас, балки умуман инсонларнинг инсоний сифатлари, ижтимоий муҳитдаги ўрни, хулқ-атвори хусусида тўхталганмиз.

«Хамса»ларнинг биринчи достонлари сўфиёна фалсафий асарлардир. Яъни сўфий ахлоқи тасвиридан шоирлар умуминсоний ахлоқ тавсифига ўтадилар ва гуманистик фикрларни баён этадилар. Амир Хусравда ҳам, Навоийда ҳам одамларни кузатиш, ўрганиш ва сўнгра ҳукм чиқариш хислати бор. Хусрав Деҳлавий пастлик, жоҳиллик, нодонликни, худбинликни танқид қилиб, саховат ва ҳиммат, фидоийликни улуғлайди. Навоийда бу қарашлар хийла конкретроқ. У турли табақа вакилларини тасвирлаб, уларга хос индивидуал нуқсонларни тилга олади. Ўзбек шоири ёмон ахлоқнинг ижтимоий зарарли ҳодиса эканига алоҳида урғу беради. Навоий билимдонлик билан қаноат ва вафо каби хислатларни ёрқинроқ қилиб улуғлаган. Унинг назарида инсоннинг асосий шарафловчи хислати мардлик ва саховат, қаноат ва муҳаббатдир. Қаноат, муҳаббат ва саховат хислатлари бир-бирини тўлдирадиган хислатлар сифатида таърифланган. Аслини олганда, бу хислатлар сўфийларга ҳам хос, аммо сўфийларнинг жавонмардлик рутбасига мансублари кўпроқ бундай хислатларни қадрлар эдилар. Алишер Навоий бу сатрларни ўз замонида анча таъсирга эга бўлган жавонмардлик, яъни футувватчилар ҳаракати руҳида ёзган.

Амир Хусрав ҳам, Навоий ҳам адолатни инсоннинг гавҳари деб биладилар. Адолат инсоф, ҳақпарастлик, ростгўйлик билан вобаста тушунтирилади. Шу мавқедан золим подшолар танқид қилинади. Подшоларга, шоҳликка бўлган қараш ҳам бу шоирларда тасаввуфий концепциялар нуқтаи назаридан ёритилган. Ҳинд шоирида бўлганидай, ўзбек шоирида хам олифтагарчилик ортиқча ясан-тусан қораланган. Амир Хусрав тил нафосати, чиройли нутқ, ақлу заковат, сўздан фойдалана билишни ҳам инсон фазилати деб қарайди. Ақл, улуғ

ҳинд шоири наздида Аллоҳнинг неъмати бўлиб, у Сўз билан бирга туғилган. Аммо ақлни ёмон ишларга сарфламаслик керак. Навоий эса ақл ва билимни Сўз билан боғлаб талқин этади. Сўз инсонни ҳайвондан ажратувчи белгигина эмас, балки бутун одамийлик хислатлари ҳам кишининг сўзга муносабатида аёнлашади.

Навоий «Ҳайрат ул-аброр»да жуда кўп инсоний сифатлар, умумбашарий яхши хислатларни тилга олиб ўтади. Унда бутун бир одамийлик концепцияси шаклланганки, бу концепция негизида диний-тасаввуфий ғоялар ётади. Мазкур китобимизда ахлоқий қарашлар таҳлилига кенг ўрин берилди ва гуманистик ғояларнинг даврлар оша кучайиб, бойиб бориши, замонавий руҳ касб этиши аниқланди.

6. Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоий сўз проблемаси атрофида сўз юритиб, адабиёт ҳақида, сўз санъати, сўз қадри ҳақида ҳам бир қанча муҳим фикрларни олға сурганлар. Шунга боғлиқ ҳолда шоирлар ахлоқи, шоирлик рутбаси, камолоти масалалари хусусида фикр билдирганлар. Бу масалада икки буюк шоирнинг қарашлари мос келади: сўзнинг қадрини ерга урмаслик керак. Маддоҳлик – адабиётнинг кушандаси. Чунки тасаввуф шоирлари ҳеч қачон маддоҳликка берилган эмаслар, шоҳларни бекордан бекорга мақташни эп кўрмаганлар. Шоҳга насиҳат қилиш ва уни адолатга чақириш мумкин, лекин қасидахонлик билан зулмни адолат деб айтиш гуноҳ деб қаралган.

7. «Хамса»ларнинг биринчи достонларида ишқ ва муҳаббат мавзуи нозик ва ардоқли мавзу сифатида олиниб, қизғин ва пуртантанали ҳислар орқали фикрлар изҳор қилинади. Муҳаббат инсоннинг доимий йўлдоши, инсонни шарафловчи хислат. Аммо Низомий, Амир Хусрав ва Навоий муҳаббатни хийла чуқур англаганлар. Улар назарида муҳаббат камолот йўлидир. Яъни соликнинг ўз Ёри – Худо томон интилиши, шу йўлда чеккан изтироблари, покланиши муҳаббат деб қаралган. Одам ишқ билан тирик. Агар ишқ илоҳимазмунда бўлса, яна ҳам қадрлидир: чунки «мажозий ишқ» – ўткинчи ишқдир. Навоий наздида мажозий ишқда инсон танаси изтироблар оташида тобланади ва руҳ покланиб, илоҳий муҳаббатга эришилади. Шоирлар илоҳий ишқнинг фазилатлари, ошиқ-маъшуқлик одоби ва талаблари, дунё муҳаббати билан илоҳий муҳаббат орасидаги яқинлик ва фарқлар ҳақида тўхтаганлар. Амир Хусрав билан Алишер Навоийнинг бу масаладаги карашлари мос келади. Лекин шунда ҳам, барибир, Навоийнинг муҳаббат масаласига ўз қарашлари борлигини кўрсатган. Бу фарқли қарашлар, биринчидан, муҳаббатни уч-тўрт босқичга бўлиб талқин этишда («Маҳбуб ул-қулуб»), иккинчидан, ишқнинг эзгулик ва хайр тушунчалари билан зич вобаста эканини, инсонни маънавий баркамол этиш воситаси бўлиб хизмат қилиши лозимлиги таъкидида кўзга ташланади. Илоҳий ва мажозий ишқ орасидаги яқинлик ва фарқларни Навоий аниқроқ ёритган.

8. «Матлаъ ул-анвор»да ҳам, «Ҳайрат ул-аброр» да ҳам шоирлар ўзларига яқин кишиларига бағишлаб, боблар ажратганлар. Амир Хусрав ўз онасига алоҳида боб бағишлаган ва ота-она қарзи, онаизорининг ҳурмати ғоят дардли қилиб тасвирлаган. Шу каби Навоийда ҳам асар сўнгида ўз аҳволи, ёру дўстлари, Ҳиротга муҳаббати тасвирланган. Амир Хусрав қизига аталган боб муносабати билан тарбия муносабатига оид хийла қимматли фикрларни билдирган. Навоий эр-хотинлик ахлоқи, покиза сийрат аёллар шарафи ҳақида яхши сатрлар битиб, вафоли ёрга жонни фидо этишга даъват этади. Ўзбек шоири ҳам ота-она ҳаққини адо этиш зарурати, ҳадисларда акс этганидай, онани рози қилишнинг қанчалик муҳимлигини таъкидлаб ўтади. Шунингдек опа-сингил, ака-укаларга раҳмдил бўлиш – «силаи раҳм» масаласига ҳам тўхтаб ўтади.

9. Шундай қилиб, одам ҳақидаги фикрлар умумфалсафий, тасаввуфий баландликдан то оддий турмуш воқеаларига боғлиқ даражагача қаралган. Инсон – Худонинг бандаси, Худо кўрсатган йўлдан юрган, худо йўлида камолот касб этган киши ҳаёти мазмунли-маъноли ўтади ва чин инсон ҳисобланади, у жамиятга фойда келтиради, инсоний фазилатлардан маҳрумлик ёки нуқсонли бўлиш эса, аксинча, Худо йўлидан четланиш, ўз-ўзини англамаслик бу ўткинчи дунёга банд бўлиб қолиб, комилликдан маҳрум бўлиш деб қаралган. Албатта, бу фикрлар умумий тарзда Амир Хусравда, Жомий ва Навоийда ўхшаш бўлгани билан, конкрет тасвирда бир-бирининг такрори эмас. Шоирлар ҳар бири ушбу ўлмас ғояларни ўз тиллари билан, ўз материаллари асосида куйлаганлар ва тафсирда ўз йўлларидан борганлар. Бу масала китобда таҳлиллар орқали исботланди. Комил инсон ғояси талқини, биринчидан, ўрта аср гуманистларининг илғор қарашларини ифодаласа, иккинчидан, ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотмаган муаммоларга уланиб кетади ва долзарблик касб этади. Низомий, Амир Хусрав, Жомий ва Навоийларнинг улуғворлиги замонлар шоири эканлиги ана шунда. Зеро, «адабий ҳаёт жараёни унда пайдо бўлган янгиликлар, шунингдек илғор анъаналарнинг ривожланиб бориши билан белгиланади»[304].

10. Шоирлар яратган асарларнинг замонавийлиги, ғоялар, фикрлар, бадиий-ҳиссий талқинлар долзарблиги, айниқса инсоннинг ахлоқига бўлган қарашларда, инсонни ижтимоий муҳит билан боғлаб тасвирлашда аниқроқ сезилади. Низомий ҳам, Амир Хусрав, Жомий ва Навоий ҳам ўз даврларининг фарзандлари эдилар. Уларнинг ҳар бири ўз замонаси дардини ифодалаган. Агар кузатишларимизни бир тизимга солсак, гуманизмнинг Низомийдан Навоийга қадар, яъни тўрт аср давомидаги тараққиётини кўрамиз. Тўрт аср давомида инсонга бўлган қарашларнинг давомийлиги ва ўзгариб бориши жараёни намоён бўлмоқда.

Жомий ва Навоий ижодига келиб бу қарашлар жамланиб, тўлишиб, кучайиб борган. «Ҳайрат ул-аброр» достонида зулм ва адолатсизликни танқид қилиш нафаси баланд, ғазаб эҳтиросли ифодаланган. Навоийда биз аниқ тасвирлар, аниқ сатирик қиёфаларни кўрамиз. Ўзбек шоири сўфиёна эзгу-идеал ғоялар чўққисидан замон иллатлари, инсоний нуқсонларни бирма-бир фош этади, ёмоннинг ёмонлигини бўрттириб тасвирлайди, одамийлик хислатлари ғалабаси учун курашади.

Шу зайлда Алишер Навоийнинг инсон ҳақидаги қарашлари унинг салафларга ижоди билан қиёсланиб, улуғ шоир «Хамса»сининг муҳим бир жиҳати анъана ва навбунёдкорлик масаласи ичида муайянлашди, деб ўйлаймиз.

[304] *С. Эркинов.* «Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин достони» ва уни қиёсий ўрганишнинг баъзи масалалари». Докторлик диссертацияси, Тошкент, 1974 йил, 273-б.

ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА «БАҲРОМ ВА ДИЛОРОМ» ВА «БАҲРОМ ВА ГУЛАНДОМ» ТУРКУМИДАГИ ДОСТОНЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

I. Шарқ адабиётида Навоийгача Баҳром Гўр тимсоли

Баҳром Гўр тўғрисидаги дастлабки ёзма маълумотлар эрон шоҳлари тарихини ҳикоя қилувчи «Худойнамак», «Сиярул мулукул ажам», «Тарихи русул ва мулук» каби тарихий китобларда келтирилган. Уларда Яздигурднинг ўғли Варахранг (521-538), унинг тахт учун курашлари, подшолик даври, амалга оширган ишлари ва инқирозга учраши баён қилинади.

Бу китобларда биз Баҳромни кўпроқ тарихий шахс – сосонийлар сулоласининг ҳукмдорларидан бири сифатида кўрамиз. 18 йил шоҳлик қилган бу шахс ўзга ҳукмронлардан унчалик фарқ қилмаган бўлса ҳам, бироқ тарихий асарларда Баҳром отаси Яздигурдга зид қўйиб таърифланади. У подшо бўлгандан кейин отасининг зулми билан издан чиққан давлатни тартибга келтиради, мамлакатни адолат ва тадбиркорлик билан идора қилади. Баҳромнинг ишратпарастлиги, овга ўчлиги ва фожиали ўлими тарихий китобларда ҳам келтирилган. Шубҳасиз, бу китоблардаги баёнлар тарихий воқеаларни ўзида унчалик ҳаққоний акс эттирмайди.

Баҳром Гўр ҳақидаги ҳикоя бадиий адабиётга Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари орқали кирган. Буюк Фирдавсий Эрон шоҳлари тарихини назмга тизар экан, ўз олдига фақат тарихни оддий баён қилиш, бўлиб ўтган воқеаларни қайд қилишни вазифа қилиб қўйган эмас эди. Улуғ шоир, энг аввало, бадиий асар яратишни ният қилиб олган ва шу мақсадда тарихий воқеалар билан бирга кўпдан-кўп «воқеаномалар», афсона–ривоятлардан, халқ оғзаки ижодидан, асрлар давомида халқ тасаввурида шаклланган мифлар, хаёлий тимсоллардан ҳам фойдаланган. Шу аснода у ривоят ва афсоналарни тарихга кўчиради, эрон шоҳлари ва лашкарбошилари тимсолида халқ идеалини мужассамлантириб, бадиий характерлар яратади. Бу борада шоир ўзининг бепоён тахайюли, дунёқараши, бадиий тасаввурини ҳам ишга солади ва ўз идеалларига мос келувчи тимсоллар галереясини яратади. Чунончи Баҳром Гўр «Шоҳнома»даги шу усулда яратилган тимсоллардан биридир. У тарихий Варахран эмас, балки Фирдавсий тасаввуридаги адолатли шоҳ. Унинг характерида унгача қўлланиб келинган қаҳрамонлик хислати, ватанпарварлик, баҳодирлик, мардлик мавжуд. У ҳам фаррга (наслга) эга шоҳ, ҳам енгилмас қувватга эга паҳлавон, тадбирли лашкарбоши. Фирдавсий Баҳром тимсолидаги Эрон ва унга қўшни қадимий халқлар мифологиясида Баҳром – чақмоқ худоси хусусиятларини ҳам акс эттирган. Бу нарса Баҳромга берилган Гўр лақабида ҳам ўз ифодасини топган. Академик И.Орбелининг фикрига қараганда[305] «Гўр» лақаби қадимги Вавилон, Эрон ва Кавказ халқлари мифологиясида мавжуд бўлган «Гург» (бўри) лақабидан келиб чиққан. Бу афсоналарда кўрсатилишича, Баҳром танаси одам, боши бўри (гург) шаклида тасвирланган ва у ўзининг шижоати, баҳодирлиги билан ёвуз кучларни енгиб борган. Ҳозир ҳам курд халқ афсоналарида Баҳром «Гург» лақаби билан тилга олинади. Олим «Гўр» сўзи «Гург» сўзининг тарихий ўзгаришидан пайдо бўлган деб таъкидлайди. Аммо шуни таъкидлаш керакки, «Шоҳнома»да тасвирланишича, Баҳром Гўр (қулон) овига ўч бўлгани учун шундай лақабни олган. Бу нарса Фирдавсий томонидан асосланган ҳам: шоҳ умрининг кўпчилик қисмини қулон овлаш билан ўтказади («Гўр» сўзи Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Навоийда яна бошқа рамзий маъноларда ҳам ишлатилган.

[305] И. Орбели. Бахрам Гур и Азаде. Санкт-Петербург, 1935.

Бу ҳақда ўрни келганда тўхтаб ўтамиз). Фирдавсий Баҳромнинг ишратпараст, овга ўчлик, ғазабкорлик, қайтмаслик каби шахсий хусусиятларини ҳам очиб беради. Шоир Баҳром Гўр достонида асар қаҳрамонининг туғилиши, тарбияси, тахтга ўтиришидан бошлаб, шоҳлик даври ва инқирозига қадар тасвирлайди. Баҳром Нўъмоншоҳ қўлида Яманда ўсиб вояга етади. Қаҳрамонликлар кўрсатади, овга меҳр қўяди. Отаси ўлгандан кейин салтанат учун курашиб тахтга ўтиради. Шундан кейин бир неча тадбирларни амалга оширади. Баҳром ҳар вақт овга чиққанда бирор қишлоқ ёки ўтовга тушиб меҳмон бўлади, турли табақа кишилари ҳаёти билан танишади, бу борада адолат ва золимлик, бахиллик ва сахийлик, муомала-муносабат, бошчилик қилиш тўғрисида ҳикоятлар эшитади ёки шундай мазмундаги ҳодисаларга ўзи гувоҳ бўлади. Ҳиндистонга шоҳ элчиси ниқоби остида боради ва шоҳ қизига уйланади, Ҳиндистонни ўзига қарам этади. Чин ҳоқони бостириб келгач, Озарбайжонга чекиниб, сараланган баҳодирлар билан хоқон лашкарига тўсатдан ҳужум қилади ва уни тор-мор этади. Хирожни бекор қилиб фаровонликни вужудга келтиради. Достон охирида Баҳромнинг тахтдан воз кечиши, ибодатга берилиши ва ўз саройида тўсатдан вафот этиши қизиқарли тасвирланган.

«Шоҳнома» ўзидан кейин эрон достончилик тараққиётига катта таъсир кўрсатади. Кўп ижодкорлар томонидан «Шоҳнома»даги сюжетлар асосида янги талқиндаги бир қанча шеърий ва насрий асарлар вужудга келди.

Чунончи, Низомийнинг «Ҳафт пайкар» достони ҳам «Шоҳнома»даги Баҳром Гўр сюжети асосида яратилган. Низомий Ганжавий бу сюжетнинг фақат умумий жараёнини олган (шунда ҳам бир неча жойи ўзгартирилган). Низомий Фирдавсий жон кўйдириб тасвирлаган эрон қаҳрамонлиги, шоҳлик дабдабалари, ов ва айшу ишрат тасвирини эътиборга олмаган. У бу ҳикояни севги ҳақидаги асарга айлантиришга интилган.

Шунинг учун у гарчи Фирдавсийдаги бир қанча лавҳалар (Баҳромнинг Ямандаги тарбияси, қаҳрамонликлари, тож учун кураши, овга чиқишлари, хоқондан чекиниб, қайтиб босиб келиб тор-мор этиши каби)ни сақлаган бўлса ҳам, лекин асосий диққатни Баҳромнинг севги кечинмаларини тасвирлашга қаратади. Бунда шоирнинг Озода ва Баҳром ҳақидаги лавҳаси ўзига тортади. Озода лавҳасини эса Фирдавсий оддий бир воқеадай тасвир этган ва уларга ҳиссиёт, дардли муносабат билдирмаган эди. Фирдавсийнинг тасвирича, Баҳромнинг Озода исмли бир канизаги бўлиб, уни жуда севар ва овга бирга олиб чиқарди. Кунларнинг бирида улар бир туяда овга чиққанда, қаршиларидан бир жуфт кийик чиқиб қолади. Баҳром мерганлик маҳоратини кўрсатиш учун Озодага кийикларни қандай тарзда отай, сен қандай хоҳласанг, шундай отаман деб мақтанади. Озода: кийикларни камон ўқи билан аввал эркагини урғочисига ва урғочисини эркакка айлантир, кейин бошини оёғига чатиб ташла деб айтади. Баҳром бу хоҳишни бекаму кўст бажаради ва Озодадан таҳсин кутади. Бироқ Озода ҳеч қандай таҳсин айтмайди, у кийикларга раҳми келиб, Баҳромни бераҳмликда айблайди. Бу гап Баҳромнинг ғазабини қўзғатади ва у Озодани ерга улоқтириб, туя оёқлари билан янчтириб ташлайди. Бу ҳикоя «Шоҳнома»даги Баҳром Гўр достонидан кичик бир лавҳани ташкил этади. Фирдавсий Озодага куйинмайди. Баҳромни бу раҳмсизлиги учун қораламайди ҳам. Бунинг учун у фақат Баҳром қаҳрининг чексизлиги, ўз шаънини ҳимоя қилишда ҳеч қандай нарсадан қайтмаслигини кўрсатмоқчи бўлган. Шунинг учун Баҳром Озодага қараб: агар ўқим хато кетганда етти пуштимга доғ бўлиб тушарди, дейди. Шоирни канизакнинг фожиали ўлими эмас, балки бош қаҳрамон – Баҳром маҳоратини намойиш этиш қизиқтирган, унинг бу маҳоратини камситмоқчи бўлган киши шафқатсиз равишда жазоланган. Баҳром шундан сўнг Озодани хаёлидан чиқаради ва бу воқеани унутиб юборади.

Низомий «Шоҳнома»даги бу кичик лавҳани «Ҳафт пайкар»нинг асосий ҳикояларидан бирига айлантиради, канизак (Фитна) тимсолини пухта ишланган тўлақонли тимсоллар қаторига кўтаради. Унда келтирилишича, канизак Баҳромнинг мерганлик маҳоратини узоқ давом этган машқ натижаси деб атайди. Ғазабланган Баҳром уни ўлдирмоқчи бўлади, лекин аъёнлари аёл кишини ўлдириш Баҳромдай шоҳ шаънига муносиб эмаслигини айтадилар, шунда у канизакни лашкарбошиларидан бирига бериб, қатл этишга буюради. Сарҳанг қизга раҳми келиб ўлдирмайди ва ўзининг қишлоқдаги болохонали қасрига олиб боради. Канизак Сарҳанг қасрида яшаб бир бузоқни туғилишидан бошлаб, то катта ҳўкиз бўлгунига қадар ҳар куни 60 зинали нарвондан кўтариб туширадиган бўлади. Сўнг қимматбаҳо зирагини Сарҳангга бериб, уни сотиб, пулига подшони зиёфатга чақиришни илтимос қилади. Зиёфатда Баҳром қасрни ва унинг 60 зинали болохонасини мақтайди. Сарҳанг бу зиналардан бир қиз ҳўкиз кўтариб чиқиб тушади, дейди. Баҳром қизиқади. Шунда канизак ўз ҳунарини кўрсатади. Баҳром буни машқ натижаси деб айтганда, канизак унинг қилмишини киноялиқилиб эслатади. Шунда шоҳ канизакни таниб, Сарҳангдан хурсанд бўлиб, аёлни ўзи билан олиб кетади. Шу билан бу ҳикоя тугайди.

Низомий Фирдавсийдаги Баҳром саёҳатлари билан боғлиқ бўлган майда-майда ҳикоятларни ташлаб, улар ўрнига еттита янги катта-катта ҳикоялар киритади. Бу ҳикоятларни Баҳром қиссасига боғлаш учун у етти қаср қурдириш лавҳасини келтиради. Қаср қуриш Баҳромни давлат ишларига жалб қилиш мотивига асосланган. Овга берилиб кетган Баҳром ҳафталаб пойтахтга қайтмайди, мамлакат аҳволидан хабарсиз қолади. Бундан хавфсираган сарой аъёнлари уни саройда овутиб туриш учун етти хил рангда етти қаср қурдириб, унга етти иқлим подшосининг қизини келтирадилар ва Баҳром ҳафтасига бир кундан бир қасрда ишрат қилиб, қизлардан қисса эшитади. Бу қиссалар сюжет жиҳатидан мустақил бўлиб, фақат мавзу жиҳатидан ўзаро яқиндир. Шу жиҳатдан улар Баҳром ҳикоясига ҳам туташади.

«Ҳафт пайкар»да етти ҳикоятдан кейин Баҳром яна айшга берилади. Мамлакатда харобалик юз беради, бўшаб қолган хазинани тўлдириш учун янги хирож жорий қилинади. Бундан фойдаланган вазир халқни яна эзади. Аҳвол яна танглашади. Баҳром овга чиқиб чўпон билан учрашади ва унинг бевафо итни жазолашини кўриб, ўзича хулоса чиқаради. Келиб вазири Ростравшанни зиндонга солади, ноҳақ жабрланганларни озод қилиб, улардан бир нечасини сўроқлайди. Ҳақиқий аҳволни билиб, халқ ҳаётини яхшилашга эришади. Буни эшитган Чин хоқони ҳам Баҳромдан узр сўраб, Эронга бостириб кириш ниятидан қайтади. Чунки хоин вазир уни алдаган эди. Шундан сўнг Баҳром айшу ишратни бас қилади, қасрларни ибодатхонага айлантиради. Аммо овдан воз кечмайди ва навбатдаги ов кунларининг бирида бир кийик кетидан қувиб бориб, бир ғорга кириб кетади ва бедарак йўқолади. Шуни ҳам айтиш керакки, Низомийда қаср қуриш икки марта амалга оширилади. Биринчи марта Яманда Нўъмон фармони билан Симнор томонидан қурилади. Ундаги хоналардан бирида етти хил манзара ва етти гўзал сурати чизилган бўлади. Баҳром бу суратларни кўриб ошиқ бўлган эди. Бу Баҳромга келгуси саргузаштларига ишора бўлган.

Кўринадики, Низомий Фирдавсийдаги достон сюжетининг бир қисмини (Баҳром тарбияси, тожни қўлга киритиш, подшолиги, овга чиқишларидан баъзи бирлари, Чин хоқони билан жанг) олиб уни янги лавҳалар, деталлар билан қайта ишлаб, янги талқинлар билан асослайди ва унга янги шахслар қўшади (Нўъмоннинг сарой қуриши, Симнорнинг ўлими, етти манзара, Фитна (канизак) ҳикояси, Чин хоқонининг иккинчи ҳужуми, хоин вазир, чўпон ҳикояси, қасрлар қуриш, уларни ибодатхонага айлантириш, жабрланганларни сўроқ қилиш ва бошқалар). Фирдавсийда асосий эътибор Баҳромнинг қаҳрамонлиги, мерганликдаги маҳо-

рати, дала-даштдаги саргузаштлари тасвирига қаратилган бўлса, Низомийда Баҳромнинг саройга яқинлашишлари, унинг подшо сифатидаги фаолиятини кўрсатиш, сарой фитналарини тасвирлаш, шу йўл билан подшолик масаласи, давлатни идора этиш, адолат ва зулм, подшо ва раият масаласи олдинга чиқади. Натижада Фирдавсийдаги қаҳрамонликни куйлаш мотивини сусайтиради ва ошиқлик, шоҳлик тўғрисидаги тасвирларни кучайтиради.

Низомий «Хамса»сига муваффақиятли жавоб айтган Амир Хусрав Деҳлавий «Ҳафт пайкар» тариқасида «Ҳашт беҳишт» достонини ижод этган. Бу асарнинг Низомийдан фарқи унинг атамасидан бошланиши лозим. Хусравнинг мақсади етти ҳикоятни ўз ичига олган ягона фабулали асар яратиш бўлмай, балки саккизта бир-биридан мустақил қизиқарли сюжетли турли ҳикоятлар ижод қилиш бўлган. Шунинг учун у Баҳром Гўр ҳикоясидаги Низомийда бўлган бош қисмни (Нўъмоншоҳ қўлида тарбияланиши, қаср қуриш, етти манзара, қаҳрамонликни) қисқартиради, хоин вазир, чўпон, сарой воқеасини олиб ташлайди. Асосий эътиборни Баҳром ва Дилором (Фитна (канизак) ўрнига) ҳикоясига қаратиб, уни бошқа ички ҳикоялар қатори қизиқарли қилиб қайта ишлайди. Хусравда бу ҳикоянинг экспозицияси ва тугуни (овга чиқиш, кийикни маҳорат билан овлаш, Дилоромни сеҳргар дейиш, Баҳром ғазаби ва чўлга улоқтириш) сақланган, аммо кейинги воқеалар бошқача: Дилором чўлга улоқтирилади (ўлдириш ҳақидаги ҳукм, қон тўкиш йўқ); қизнинг чўл кезиб бир деҳқонни (узлатга чекинган) топиши, мусиқа ўрганиши, оҳуларни сеҳрлаши, Баҳромга қайтиши. Канизакнинг фаоллиги, ишқ учун кураши бўрттирилган. Шундай қилиб, бу ҳикоят қолган ҳикоятлар қатори саккизинчи ҳикоя бўлиб қўшилган. Аввалги етти ҳикоят ҳам бирор зарурий талқин билан асосланмаган, сюжетга қўшилмаган, қаср қуриш талқини Баҳром учун кураш талқини билан асосланмаган. Шу сабабли қолипловчи ҳикоя иккинчи даражага тушиб қолган ва асосий эътибор етти ҳикоят тасвирига қаратилган. Ҳикоятлар ҳинд халқ оғзаки ижодидан олинган бўлиб, улар турли мавзулардан баҳс этади. Хусрав Баҳромнинг ошиқ асоратидаги сифатини кучайтирмоқчи бўлади, бироқ у Навоий айтганидек, асосан Баҳромга мадҳиялар ўқиш, унинг ишларини маъқуллаш билан чекланган ва тимсолнинг зиддиятли мазмуни, психологик кечинмалари ҳақида сўз юритмайди.

Баҳром Гўр ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлган эпизодик ҳикоялар халқ орасига кенг тарқалди ва у бир қанча тарихий, насрий бадиий асарлар, ҳикоят тўпламларидан жой олди. Шундай ҳикоятларни биз Муҳаммад Авфийнинг «Жомеъ ул ҳикоёт», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон» асарларида ҳам учратамиз.

XV асрда Жомий ва Навоийдан бошқа яна бир қанча хамсанавис шоирлар бўлганки, улар жумладан, Баҳром Гўр ҳикояси асосида ҳам достонлар яратганлар. Чунончи Абдулло Ҳотифий «Ҳафт манзар» номли асар ижод этган.[306] Бундай шоирларнинг «Хамса»лари муваффақият қозонмаганлиги учун бундай асарлар ҳақида батафсил фикр билдириш қийин.

2. Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони

Баҳром тимсоли Навоийнинг қайта-қайта эсга оладиган севган тимсолларидан бири бўлган. Навоий ғазалларида Баҳром ва Дилором эслатиб ўтилар экан, ҳар дафъа уларнинг турли хусусиятларини (муайян ғазалнинг мавзуи ва асосий ғоясидан келиб чиқиб) айтиб ўтади ва бу билан ўз фикрларини кучайтиради, асослайди. Чунончи:

[306] Қаранг: Е.Э.Бертельс «Навоий». М.-Л., 1948. 194-бет.

Чун чиқар Баҳроми қотил кўзларинг андешаси,
Хаста жонимники қотил ханжари озор этар.

Ёки:

Эй насими субҳ, аҳволим Дилоромимға айт,
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимға айт.

Бироқ булар шоирни қаноатлантира олмайди. Унинг эзгу нияти Баҳром ҳақида йирик достон яратиш эди. Бу улуғ ватанпарвар шоирнинг «Хамса» яратиш каби буюк орзусидан бир зарра эди, холос. Бинобарин, «Хамса» ўрта аср форс-тожик адабиёти эришган энг баланд чўққи бўлиб, у Шарқ шоирлари истеъдодининг синов тоши деб қабул қилинган эди.

Битта фалсафий-дидактик ва тўртта ишқий-қаҳрамонлик характеридаги достонларни ўз ичига олган «Хамса» айни пайтда, эпик асарнинг энг яхши намунаси деб ҳисобланган. Шоирлар ўз даврларининг қизиқарли чуқур ғоялари, долзарб фикрларини шу достонлар орқали ифодаланганлар.

Лирикада форс-тожик адабиёти эришган чўққини забт этган Навоийнинг асосий мақсади – «Хамса»ни яратиб, «турк элини» бу ажойиб дурдоналар билан баҳраманд этиш бўлган. Навоий ҳар бир достонни бошлар экан, ўзининг ана шу бутун туркигўй халқларни «Хамса» сингари назм жавҳарларига эга қилиш ниятида эканини яширмайди ва бу олижаноб вазифанинг ўз зиммасига тушганлигидан фахрланади. Бу қутлуғ орзу, ўз халқига хизмат қилиш ғояси унга қанот бағишлаган, илҳом қўшган, қалб денгизини тўлқинлантириб, жавоҳирлар конини ошкор этган. Навоий ёзади:

Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасонани ҳикоят.
Ким шуҳрати чун жаҳонға тўлғай,
Турк элига доғи баҳра бўлғай.
Невчунки букун жаҳонда атрок
Кўптур хуш табъу соф идрок.[307]

Бу «Лайли ва Мажнун»дан, «Сабъаи сайёр»да бу фикр яна ривожлантирилган:

Ки неким килк савти солди садо,
Форсий лафз бирла топди адо.
Форсий билган айлади идрок,
Лек маҳрум қолдилар атрок,
Сен чун назмингни турктоз эттинг,
Форсий тилдин эҳтироз эттинг.
Ҳолиё чун замонда султонлар,
Кўпраги келди тахмисахонлар,
Даҳр аро шаҳ чу турк воқеъдур,
Эл аро турк лафзи шойеъдур.
Чун бу маънини айладинг малҳуз
Турк улус доғи бўлдилар маҳзуз.[308]

Демак, турк эли кўпчиликни ташкил этиш билан бирга улар орасида илму адабга қизиқадиган соҳиби истеъдод кишилар, хуштаъб, «соф идрок»лар ҳам кўплаб етишмоқда, давлат соҳиблари, мамлакатни бошқариш ҳам шу элдан чиққан кишилар қўлида, турк тили

[307] Алишер Навоий. «Хамса». Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. Тошкент, «Фан». 1960, 454-бет.
[308] Алишер Навоий. «Хамса». Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. Тошкент, «Фан». 1960. 608-бет.

ривожланиб, мавқеи тобора ортиб бормоқда эди. Шундай экан, бу тилда илм ва маданият дурдоналарини яратиш, уни узил-кесил энг обрўли тиллар даражасига кўтариш, халқни ўз тили бойликларидан, гўзалликларидан баҳраманд қилиш лозим, дейди шоир ва ўзининг асарлари бу беқиёс даражадаги улуғ вазифани тўла бажара олишига лойиқ деб ишонч билдиради.

Баҳром ҳақидаги ҳикоятдан Навоий «Ҳайрат ул-аброр»ни ёзишда ҳам фойдаланган, мақолатлардан бирида Ҳирот таърифидан сўнг ҳикоят келтирилиб, унда Баҳромнинг майпарастликка берилиб, мамлакатдан хабарсиз қолганлиги, амалдорлари зулм-истибдодни кучайтирганлиги, Баҳром бир вайрона қишлоққа бориб қолиб, аҳволдан воқиф бўлиши ва ишратни ташлаб, адл ўрнатганлиги баён қилинади. Ҳикоя Ҳусайн Бойқарога боғланади ва киноя билан шоҳ огоҳлантирилади. «Лайли ва Мажнун»да ҳам Навоий Ҳусайн Бойқаро мадҳини келтирар экан, уни Баҳромга, унинг шаъну шавкатини Баҳром саройидаги дабдабаларга ўхшатади. Шундай қилиб, шоир султон Ҳусайн билан Баҳром орасидаги ўхшашликни фақат «Сабъаи сайёр»да эмас, балки ундан олдин ёзилган асарларида ҳам келтириб, «Сабъаи сайёр»даги асосий ғояни, асарнинг долзарблиги, бевосита зарурлигини олдиндан тайёрлаб борган.

«Сабъаи сайёр» ҳижрий 889 йилнинг жумадуссоний ойида (1483–84-йиллар) ёзиб тугатилган. Шоирнинг ўзи достон байтларининг сонини 5000 деб кўрсатади. Асар 37 бобга бўлинади. Булардан 14 боби кириш ва муқаддима боблар бўлиб, қолгани достон воқеасини баён этади.

«Сабъаи сайёр» «Хамса»нинг тўртинчи достонидир. У «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби муродига етолмаган севишганлар ҳақида куйловчи достонлардан кейин келтирилган ва ўз хусусиятлари билан бу достонларга яқин туради, уларнинг давоми бўлиб ҳисобланади. Чунки «Фарҳод ва Ширин» ҳам, «Лайли ва Мажнун» ҳам ишқий асардир, иккаласида ҳам соф севги қаршиликка учраб, яксон қилинади, севишганлар васл нашидасини тота олмай дунёдан бевақт кўз юмадилар, замон зиддиятлари, ёвуз кучлар уларни янчиб ташлайди, хотима фожиа билан, кўз ёши билан якунланади. Бир қарашда «Сабъаи сайёр»да севишганлар узоқ айриликдан сўнг висолга эришгандай туюлади. Дарҳақиқат шундай, Баҳром Дилоромни топади, улар қовушадилар. Лекин уларнинг бахти узоққа чўзилмайди: Баҳромнинг севгилиси Дилоромни лашкар-аъёнлари билан ер ютади – хотима яна фожиавий. Бунинг сабаби шуки, шоир ўз замонида охири фожиа билан тугамаган бахтиёрликни кўра олмаган.

«Сабъаи сайёр»нинг ишқий саргузаштларга бойлиги ҳам уни «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»га яқинлаштиради. Бироқ бунда фарқ шуки, бу достон сюжети анча мураккаб ва мазмунан ранг-барангдир.

«Хамса» ёзиш, бу борада куч синашиш, мусобақа қилиш анъанага айланган бўлиб, Низомийдан кейин бу мавзуда бир қанча шоирлар қалам тебратган эдилар. Маълумки, Навоий ҳам бу ишга қўл уришдан олдин ўзидан аввал яратилган «Хамса»лар ҳақида фикр юритиши, салафларига муносабат билдириши лозим эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Навоий «Хамса»сидан бошқа бирор бир асарида «Сабъаи сайёр»да бўлгани каби устозларига нисбатан кескин танқид билдирмаган: уларнинг камчилигини рўй-рост кўрсатмаган. «Сабъаи сайёр» Низомий ва Хусрав асарларидан энг кўп фарқланадиган, энг кўп ўзгаришларга учраган асар ҳисобланади.

«Сабъаи сайёр» Низомий Ганжавийнинг «Ҳафт пайкар» ва Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт беҳишт» асарларига жавоб тариқасида ёзилган. Низомий ва Хусрав асарларининг умумий

нуқталари ва фарқлари юқорида айтилди. Уларнинг «Сабъаи сайёр»дан фарқи, айниқса, сюжетидаги фарқи ҳақида Навоий асарининг таҳлили давомида батафсил айтмоқчимиз. Ҳозир эса Навоий кўрсатиб ўтган фарқлар, унинг назарида камчилик бўлиб кўринган ҳоллар ҳақида тўхталамиз.

Шоир ҳамду наът каби анъанавий бобларни ёзгандан кейин сўз таърифига ўтиб, наср ва назмни солиштиради, назмни насрдан устун деб билади ва адабий жанрларни санаб ўтиб маснавийнинг афзаллигини айтар экан, ўтган шоирларнинг бу борадаги ютуқларини таъкидлайди ва Низомий, Хусрав мадҳларига ўтади. Шоир Низомий ижоди билан Хусрав ижодини бир-бирига солиштиради ва Низомийнинг устунлигини кўрсатади:

Не бино солса бурноғи меъмор,
Ул қилиб зеру зийнатин заркор,
Ул очиб юз гули риёзи Эрам,
Гуллар узра бу ёғдуруб шабнам,
Келтуруб ул нигори рў тоза,
Анга суртуб бу вусмаву ғоза.
Йўқки, ҳар сарвнозким ул экиб,
Яна бир зодсарв ҳам бу чекиб.
Ул не гулру[ки жилвагар айлаб,
Яна бирни бу пардадар айлаб,
Муни кўрган киши ҳамон соғиниб,
Иккисин балки тавъамон соғиниб.[309]

Бу билан Навоий салафларини адабиёт майдонидаги ўрни, услуби хизматлари, асарлари аҳамиятини кўрсатиб беради. Сўнгра эҳтиёткорлик билан шу бобдаёқ ўз муносабатини умумий равишда билдиради:

Сўзни айлаб алар сўзиға адил,
Балки тағйир этиб, бериб табдил.
Табъи бебоки ноҳаросондин,
Тортиб андоқ сипаҳ Хуросондин.[310]

Буюк шоир бу ўринда устозлар маҳоратига тан бериш, улардан ўрганиш, ўшалар эришган ютуқни қўлга киритишга ҳаракат қилиш, уларга эргашиш; улар фойдаланган мавзуни олиб, ўзгартириб, янгилаб, янги асар яратиш; ҳадиксирамай, қўрқмай шу улуғлар билан беллашиш, агар Низомий Ганжадан, Хусрав Ҳиндистондан дунёни сўз билан забт этган бўлсалар, мен Хуросондан чиқиб оламни забт этаман, дейди. Шундан сўнг у ўзини чумолига ўхшатиб, салафларини шерга ўхшатади ва баъзан чумоли шерга яқинлашиб ўзини шер ҳисоблашини таъкидлаб ўтади.

Алишер Навоий ўз фикрларини навбатдаги бобда чуқурлаштиради ва ўз режаларини аниқ баён этади. Бунинг учун яна ҳам қизиқроқ усул қўллаб туш эпизодини киритади ва тушга кирган донишманд тилидан мулоҳазаларини баён этади. Бу билан у ўз даъволарини асослашга, далиллашга интилган. Бироқ шоир андишасизлик, манманлик қилмасдан, ўта мулоҳазакорлик, эҳтиёт билан сўз юритади:

[309] Ўша асар, 470-бет.
[310] Ўша асар, 471-бет.

Табъ ҳам гарчи асру роғиб эди,
Лек кўп эҳтиёт вожиб эди.[311]

Шоирнинг табъи қудратли, у устозлари билан беллашишга қобилияти борлигини ўзи сезиб турса ҳам, лекин эҳтиёт билан иш тутади. Чунки Навоий фикрича, Низомий ва Хусрав устод эдилар, шунинг учун уларга эҳтиёт лозим эмас эди; шогирдга эса эҳтиёт лозим. Устодлар эҳтиётсизлик билан дур сочганда, у текис тушмасдан бир томонга кам, бир томонга кўп бўлди – мувозанат сақланмади. Шогирд – эҳтиёткорлик билан дурларни текис сочади. Дурни тартибсиз сочган, деганда Навоий Низомий ва Хусрав асарларидаги сюжет ва композициянинг, воқеаларнинг бир нуқтага қовушмаганлигини назарда тутади. Уларда санъатлар кўп, лекин у бир тизимга солинмаган:

Ул иков устоди моҳир эди,
Ким маҳорат аларда зоҳир эди.
Чун тузиб бу бисот ўтмишлар,
Қилмайин эҳтиёт ўтмишлар.
Мен де олманки саҳвлар тушмиш,
Бехабар тушмиш ул агар тушмиш.[312]

Улар асаридаги саҳвлар атайлаб, онгли қилинган эмас, балки эҳтиётсизликдан беихтиёр пайдо бўлган. Навоий шогирд сифатида эҳтиёт бўлиб, бу хатоларни такрорламайди. Навоий фикрича, Низомий ва Хусрав достонлари («Ҳафт пайкар» ва «Ҳашт биҳишт») даги ана шундай «эҳтиётсизлик» билан йўл қўйилган камчилик қейидагилар:

Биринчи,

Бири буким, йўқ, анда мояи дард,
Қилдилар ишқ сўзидин ани фард.
Ким биров меҳрдин бари бўлғай,
Боқма, гар меҳри ховарий бўлғай!
Бўлса тарих аларға гар матлуб,
Анда сўз боғламоқ эмасдур хўб.

Сўз ясардин чу топти пироя,
Ишқдин хушдур анда сармоя.
Ким кўнгулга ўти асар қилғай,
Жонга кейдирмаги хабар қилғай,
Йўқса ёлғон демакдаким безадур,
Чун узоқ чекти, асру бемазадур.[313]

Аслида, бу сўзларни Навоийнинг Низомий ва Хусрав асарларидан топган нуқсонлари деб эмас, балки Навоийнинг эстетик қарашлари, адабиёт ва унинг аҳамияти борасидаги фикрлари деб қабул қилиш маъқулроқ. Негаки, улуғ ўзбек шоирининг ўз қарашлари мавжуд бўлиб, у ана шу асосий масалаларда салафлари билан келиша олмайди. Бу билан у ўз ижодининг принципиал фарқини кўрсатиб ўтган. Навоий наздида бадиий асар, энг аввало, ўқувчини қизиқтирадиган, унга завқ берадиган, юрагини тўлқинлантирадиган бўлиши лозим. Тарихий воқеаларни пала-партиш қайд қилиш эса, у ҳар қанча чиройли сўзлар билан, ташбеҳ-истиоралар билан берилган бўлмасин, ўқувчини қаноатлантирмайди. Бадиий асар

[311] Ўша асар, 476-бет.
[312] Ўша асар, 476-бет.
[313] Ўша асар, 476-бет.

ишқ асосига қурилиши лозим, ишқни куйловчи, дардли, ўтли асар китобхонга озиқ беради, кўнглига таъсир этади. Афсона, ёлғонларни ёзиш эзмаликка олиб келади, ўқувчи унинг ростлигига ишонмайди. Боз устига, Навоийнинг таъкидлашича, Низомий ва Хусравда ана шундай «ишқ моясидан» холи воқеалар ҳаддан зиёд кўп келтирилган, асар чўзиб юборилган. Бундан яна шундай хулоса чиқадики, улуғ шоир ишқ моясига асосланган асар деганда, яхлит сюжетга эга бўлган, воқеалари тадрижий ва изчил ривожланадиган бадиий пишиқ асарни назарда тутади. Бундай асар эса ишқ мавзуси асосида яратилади, дейди Навоий.

Иккинчи,

Яна бир буки анда баъзи иш,
Зоҳиран номуносабат тушмиш.

Ана шу палапартишлик оқибатида уларда воқеа ва эпизодларнинг кўпи номуносиб тушган, тасвирларнинг баъзиси ақлга, мантиққа тўғри келмайди. Навоий бунинг мисоли тариқасида Баҳром шуҳрати учун етти қаср қуриши, етти иқлим подшолари қизлари билан айш суриши, бода ичиб маст бўлиб, қизлардан қисса эшитиши эпизодларини келтиради. Фақат маишат учун шоҳона қасрлар қуришни мадҳ этиш, уни ҳимоя қилиш жоиз эмас. Бунинг устига у ғирт маст бўлиб, шоҳ қизларидан эртак эшитади. Шоҳ қизлари қиссахон бўладими? Ғафлатда қолган маст одамга афсона нима керак, у бусиз ҳам ухлаб қолади-ку! Шоҳ қизлари нозик, ширинсўз, эркалаш, суйиш учун яратилган, уларни ҳукм этиш, уларни таҳқирлаш мумкин эмас. Фараз қилдик – шундай ҳодисалар юз берган бўлса ҳам, уни бадиий асарга киритиш ва назмга тизиб халққа тақдим этиш ақлга хилофдир.

Бадиий асарнинг воқеалари бир-биридан мантиқий келиб чиқадиган, ҳаётга, турмушга мос келадиган, китобхонни ишонтириши лозим. Бу улуғ ўзбек шоирининг бадиий асарга қараши, унга қўйган талабидир. Бу билан Алишер Навоий, бир томондан, адабиётда ҳаққонийликни ёқлаб чиққани ва ўзи шунга амал қилганини кўрсатади, иккинчи томондан, у юқоридаги фикрини давом эттириб, бадиий асар сюжети ва композициясидаги яхлитлик, изчиллик ва мантиқийликни яна бир бор талаб қилиб чиқади. Бир-бирига алоқаси кам бўлган, ҳаққоний бўлмаган воқеаларни тасвирлаш фақат асар ғоясигагина эмас, балки унинг бадиий қийматига ҳам путур етказади.

Учинчи,

Бўйла нодон учун ёзиб авсоф,
Анга қилғайлар ўзларин вассоф.[314]

Низомий ва Хусрав достонларида ўз хусусиятлари билан бошқаларга ибрат бўлувчи Баҳромни эмас, балки нодон ва ишратпараст шоҳ тимсолини яратганлар.

Мадҳини беҳисоб ёзғайлар,
Балки мавзун китоб ёзғайлар.
Ҳар бир ул назмида кўриб кўп ранж,
Қилғай ўз «Панж ганж»идин бир ганж,

Оллоҳ, Оллоҳ, не ганж бўлғай бу.
Сарбасар элга ранж бўлғай бу.[315]

Улар шу тарзда Баҳромни таъриф этиб, ёмон хусусиятларини маъқуллаганлар. Бундай

[314] Ўша асар, 477-бет
[315] Ўша асар, 477-бет

асар халққа фойда эмас, ранж келтиради. Адабиётнинг вазифаси кишиларни тарбиялаш, эзгулик, яхшиликни улуғлашдан иборат. Бас, шундай экан, ахлоқсиз шоҳларни мадҳ этмасдан, уларни танқид қилиш, адолатга-инсофга чақириш лозим, одил шоҳларни уларга қарши қўйиб улуғлаш керак.

Шундай қилиб, Алишер Навоийнинг ўзидан илгари яшаган хамсанависларга билдирган фикрларини уч нуқтада алоҳида-алоҳида қилиб кўрсатгани ва уни далиллар билан исботлаганини кўрдик. Бу камчиликларнинг бири мавзу хусусидадир. Низомий ва Хусрав достонларида ягона ишқ мавзуси йўқ. Улар тарихий воқеаларни яхлит мавзу асосида қайта ишламасдан, балки шундайича қайд қилишга берилганлар, ишқ-муҳаббат масаласини иккинчи даражага тушириб қўйганлар; иккинчи камчилик биринчисидан келиб чиқади: модомики, ягона бош мавзу танланмаган, тарихий воқеалар палапартиш келтирилган экан, асар ўзаро узвий боғланмайди, унда номуносиб ва мантиқсиз эпизодлар пайдо бўлади. Айтиш жоизки, муаллифлар ғояларини илгари суриш учун сюжетга воқеаларни зўракилик билан киритадилар-ки, бу асар эпизодларининг ҳаётий, ишонарли бўлиб чиқишига путур етказган. Бу Низомий ва Хусрав достонларига тегишли бўлган сюжет, композиция ва воқеалар тасвири, уларни жойлаштирилиши соҳасидаги нуқсонга тегишли. Учинчи камчилик бу достонлардаги бош қаҳрамон Баҳром тимсолига оиддир. Низомий ва Хусравда бош қаҳрамон беқарор шахс, салбий хусусиятлари устун туради, муаллифлар унинг бу хислатларини қоралаш, уни тарбиялашни мақсад қилиб қўймасдан, балки унга хайрихоҳ бўладилар, васф – тасвир этадилар. Шоирнинг кўрсатган нуқсонларидан чиқарган хулосалари унинг ўзи учун дастур бўлиб ҳисобланган, у иложи борича ана шу нуқсонлардан қочиш ва фойдали, таъсирли асар яратишга ҳаракат қилган. Буни унинг мана бу сўзларидан билиб олса ҳам бўлади:

Ким латофатдин элга жон берғай,
Тан аро руҳдин нишон берғай,
Ақл оғзига келтуруб кулгу,
Кўзига руҳнинг солиб уйқу,
Ҳар бири зоти юз ғаройиб ила,
Жилва қилгай ўкуш ажойиб ила...
Сен бу даъвида хуррам ўлғайсан,
Нуқта дерда мусаллам ўлғайсан![316]

Навоийнинг бу мулоҳазаларининг қанчалик тўғрилигини уч улуғ шоир достонларини бир-бирига солиштирганда яна кўриб чиқамиз. Бироқ ҳозирданоқ шуни қайд қилиш керакки, Навоий кўрсатган камчиликларнинг аксарияти Амир Хусравга тегишлидир. Чунки Низомийда Баҳром достон охирига бориб, адолат учун курашадиган, айшу ишратни тарк этган, тадбирли подшога айланади; шундай қилиб, Навоий ўз қарашларини бир-бир баён этиб, ўз асарининг ижодий тамойилларини кўрсатар экан, боб охирида сўзини якунлаб дейди:

Йўқ эрди ҳеч чорабу тадбир,
Ким бирор ерда бўлмағай тағйир.[317]

Бу деган гап «Сабъаи сайёр» фақат айрим эпизодлар, воқеа, тимсоллари билангина эмас, балки тубдан «Ҳафт пайкар» ва «Ҳашт биҳишт»дан фарқланувчи янги асардир.

«Сабъаи сайёр»нинг «Ҳафт пайкар»,

[316] Ўша асар, 475-бет.
[317] Ўша асар, 477-бет.

«Ҳашт беҳишт» достонларидан фарқи

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» асари ишқ ғояси асосига қурилган янгича асардир. Унда шоирнинг илғор ғоялари (одил шоҳ, шоҳлик ва ишқ, дўстлик, ростлик, содиқлик, сахийлик, инсонпарварлик, мардлик каби) ифода этилган. Воқеалар, лавҳалар ажиб илиқлик, юксак маҳорат билан тасвирланади, ҳар бир байт яхлит бадиий санъат намунасидай китобхон қалбидан жой олади.

Достонни бошидан охиригача ўқиб чиққач, Навоийнинг муқаддимада ўз олдига қўйган вазифалари, даъволарини нечоғлик усталик билан амалга оширганлиги, унинг асари салафлари достонларидан нақадар фарқ қилишини яққол сезасан киши. Унда фақат асосий ғоялар, тимсолларнинг ишланиш, характерланиш моҳиятигина эмас, балки достоннинг схематик қурилиши – композиция ва сюжети ҳам янгича жило топган, шоир ҳақли равишда қайд этганидек, икки буюк қаср орасида янги шаклдаги зебо қаср бунёд бўлган.

Бу ҳақда таниқли олим С.Ҳасанов ҳам мулоҳаза юритиб, жумладан, шундай дейди: «Алишер Навоий достонидаги воқеа ва ҳодисалар ўзининг ҳаётийлиги билан ҳам фарқ қилади. Шоир асарида турли афсонавий ва ғайритабиий воқеаларга кам ўрин берилган. Навоийда Низомийнинг «Ҳафт пайкар»достонида мавжуд бўлган мунажжимларнинг башоратлари каби лавҳалар ҳам йўқ.

Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» достонида Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт беҳишт» асарига хос бўлган сеҳрли воқеа ва ҳодисаларни ҳам иложи борича кам ишлатган»[318]

Биз бу ўринда «Сабъаи сайёр»нинг сюжет қурилишига асосий эътиборини қаратсак ҳам, бироқ асарнинг бошқа афзалликларини ҳам йўл-йўлакай қайд этамиз. Бундан ташқари, сюжетдаги ўзига хосликни таҳлил этиш ўз-ўзидан шундай бўлишини тақозо этади. Асар сюжетининг ўзига хослигини текшириш, унинг бошқа барча унсурлар билан алоқасини аниқлаш, аҳамиятини кўрсатиш уни фақат умумий равишда изоҳлаб бериш билан юзага чиқмайди. Шунинг учун уни батафсил шарҳлаш, очиб бериш мақсадида биз аввало достон сюжетини қисмма-қисм ўрганиб бориш, сўнгра умумлаштиришни лозим деб топдик.

Экспозиция. «Ҳафт пайкар»да Баҳром ҳақидаги воқеа, унинг туғилиши ва Яман шоҳи Нуъмон ихтиёрига тарбиялаш учун топширилиши билан боғланади. Нуъмон ва унинг ўғли Мунзир Яздигурднинг ўғли Баҳром тарбияси учун барча шароитни вужудга келтирадилар.

Низомий Баҳромнинг мактабда ўқиши, овга қизиқиши, ваҳший ҳайвонларни ов қилишдаги мардликлари, мерганлик маҳорати, Хаварнақ қасрининг қурилиши, унда Баҳромнинг етти манзарани кўриши, Яздигурднинг ўлими ва Баҳромнинг икки шер орасидан тожини олиб тахтга ўтириши каби воқеаларни тасвирлаб келиб, сўнгра Баҳромнинг саройдаги фаолияти ва севги саргузаштларини баён қилишга киришади.

Бунда шоир асосий эътиборни Баҳром тарбиясига қаратиб унинг характер хусусиятлари (ботирлик, қаҳрамонлик, мерганлик, маҳорати, ғазабкорлик, иродалилик ва қайтмаслик) шаклланишини кўрсатган.

Амир Хусрав Деҳлавий Низомийдаги бу эпизодларни қисқартириб «Ҳашт биҳишт»ни тўғридан-тўғри Баҳромнинг тахтга ўтиришидан бошлайди ва унинг Дилором билан овга чиқиш воқеасини тасвирлашга ўтади. Шундай қилиб, агар Низомий Фирдавсийга эргашиб, Баҳром характерининг шаклланиш эпизодларини кўрсатишга ва бўлаётган воқеани олдиндан рамзий ишоралар билан (ҳафт манзардаги суратлар ва Баҳромнинг уларга ишқи тушиши) билдиришга, шундай қилиб воқеаларга кучсиз бўлса-да, қандайдир тугун ясашга

[318] С.Ҳасанов, кўрсатилган асар, 189-б

интилган бўлса, Хусравда Баҳром характери шаклланган сифатда майдонга чиқади ва асар унинг Дилоромга муносабати билан бошланади.

Алишер Навоий воқеаларни қисқартириш ва ихчамлаш борасида Хусравга эргашади. У Баҳромнинг тарбияси билан боғлиқ воқеаларни, унинг тахт учун кураши ва отасининг акси ўлароқ адолат ўрнатиши воқеаларининг барчасини жуда қисқа тарзда қайд қилиб ўтиб, асар воқеаларини Баҳромнинг овга чиқиши ва мусофир Монийни учратиб Дилором хабарини эшитиши ва унга ошиқ бўлишидан бошлайди. Баҳром овга чиқиб саҳрода базм қуради ва май ичиб атрофни кузатади. Кўзига илдам бораётган бир йўловчи тушади. Уни келтириб меҳмон қилади ва унинг саргузаштини сўрайди. Моний ўз суҳбатдоши Баҳром эканлигини билгач, унга Дилором таърифини айтади ва суратини кўрсатади. Баҳром ошиқу беқарор бўлади. Дарҳол одам юбориб бир йиллик хирож эвазига Чин мамлакатининг савдогаридан Дилоромни сотиб олиб келтиради. Шоир ўзининг асосий мақсади – ишққа асосланган асар яратиш мақсадини асарнинг бошидан бошлаб амалга оширишга киришади. Достонни Баҳромнинг ишққа гирифтор бўлишидан бошлайди. Достоннинг бошланишида яна икки ҳолни таъкидлаш керак: 1) экспозицияда китобхонга таништирилган Дилором, Моний, Ҳожи тимсоллари асар охиригача воқеаларда иштирок этадилар ва Баҳром билан бирга ҳаракат қиладилар; 2) воқеанинг бошланишидаги йўловчи (мусофир, сайёр) – сабабчи Моний жаҳонгашта санъаткор (наққош). Воқеанинг ечими ҳам санъаткор мусофир билан боғлиқ (созанда Кофур Дилоромдан хабар беради). Булар асар воқеалари мазмунини, унинг ўзига хос характерининг бундан кейинги моҳияти, хусусиятини белгилаш учун заминдир.

Худди шу бошланиш эпизодида Навоий Баҳромни ҳали ошиқ бўлишдан олдинги ҳолатини тасвирлаб, унинг овга ўчлиги, ишратпарастлиги, худо уни шунинг учун етти иқлим шоҳи қилганини айтиб ўтади. Ишққа банд бўлгач, у шоҳликдан узоқлаша боради, туну кун Дилором билан вақт ўтказади. Амалдорлар халқни талайди, зулм авж олади. Баҳром ҳам шоҳлик, ҳам ошиқлик қилишни ўйлайди, шунда унинг кўнглида маҳбубадан воз кечиш, шоҳликка бурилиш фикри кучая боради, лекин қандай қилиб? Булар ҳали воқеа тугуни эмас, балки экспозициянинг ривожланиб боришидир: Баҳром қалбидаги иккиланиш, унинг шоҳликка юз ўгиришига интилиши гўё асосий тугунни – Дилоромни жабрлаб чўлга улоқтириш воқеасига замин ҳозирлаган.

Тугун. Бир томондан, мамлакати эгасиз қолиб хароблашаётган, зулм авж олиб халқ талаНаётганилиги учун қийналаётган, бошқа томондан икки ўт орасида азоб чекиб юрган кунларининг бирида, навбатдаги овда Баҳром бир кийикни учратиб, уни қандай отай, деб ўзи билан юрган Дилоромдан сўрайди. Дилором: аввал тушовла, сўнгра бўғизла дейди. Баҳром мерганлик маҳоратини намойиш этиб, бу истакни бекаму кўст адо этади. Аммо бунинг эвазига маъшуқасидан таҳсин эшитмайди. Дилором буни кўп йиллик машқ натижаси деб қўя қолади. Баҳромнинг жаҳли чиққанини кўргач, хато қилганини англаб, мана мен ҳам машқ орқали чанг чалишда моҳирман-ку, деб ўз фикрини оқламоқчи бўлади. Баҳромнинг ғазаби ортади ва Дилоромни ўлдиришга буюради. Бироқ аёл кишининг қонини тиғ билан тўкиш муносиб иш эмас деб, сочлари билан қўл-оёғини боғлаб, саҳрога улоқтиради. Баҳром яна май ичиб маст бўлиб қолади. Эрталаб ўзига келгач, Дилоромни сўроқлайди. Бўлган воқеани айтадилар. У пушаймон бўлади, афсус чекади. Шунда у саҳрога бориб Дилоромни ахтариб топишга чоғланади, лекин шоҳлик ғурури, тахт номуси йўл бермайди. Шоҳлик ошиқлик устидан вақтинча ғалаба қилади. Лекин бу узоққа чўзилмайди. Баҳром кўнглида Дилором ишқининг оташи алангаланади, у фироқ ғамида ўзидан кетади, ишқ дарди билан ётиб қолади. Уни даволаш чораларини излайдилар. Шу тариқа ов эпизоди достон воқеаларининг

ривожи учун тугун бўлиб хизмат қилади. Шоҳлик билан муҳаббат орасида жанг давом этади.

Низомийда ҳам бу эпизод достоннинг энг қизиқарли ўринларидан бирини ташкил этади. Бироқ унда бу бутун достон учун тугун ролини ўтамайди, балки Фитна (канизак) билан Баҳром ҳикояси учунгина тугун бўлиб хизмат қилади. Бунинг сабаби шундаки, Фитна билан боғлиқ воқеалар «Ҳафт пайкар»да бутун воқеаларни ўз ичига олмай, балки Баҳром саргузаштларининг бир қисмини ташкил қилади, холос. Шунинг учун унда Баҳром Фитнани қанчалик тасодифан йўқотса, шунчалик тасодифан топади. Фитна овдаги густохлигидан кейин ўлимга ҳукм этилгач, Баҳром уни қайта эсга олмайди. Бунда воқеа характери Фирдавсийдагича қолади. Баҳромнинг ғазаби асоссизлигини кўрсатиш мақсадида, севги учун Баҳром эмас, Фитна курашади (бузоқни олтмиш зинадан кўтариб чиқиб машқ қилиш ва Баҳромга ҳунарини кўрсатиб, ўз сўзини тасдиқлаш). Натижада канизак билан боғлиқ воқеалар достоннинг кейинги воқеалар ривожига, унинг умумий сюжетига алоқадор бўлмай қолган.

Хусрав Деҳлавий бу эпизодни анча моҳирлик билан тасвирлайди, ўтли мисралар тўқийди. Лекин унда ҳам ов эпизоди ўзидан кейинги воқеалар учун тугун бўлмаган, кейинги эпизод ундан келиб чиқмаган. Демак, ов билан боғлиқ воқеалар Навоийда сюжетнинг асосий, зарурий белгисига айлантирилган. Бу ҳалқа олиб ташланса сюжет занжири чил-чил бўлади, чунки бўлажак воқеалар шундан келтириб чиқарилган, шунга бевосита боғланган. Агар Низомийда ов лавҳаси асар ўртасида воқеъ бўлиб, Фитна саргузашти учун тугун бўлган бўлса, ва у яна асар ўртасида ечилиб у билан боғлиқ ҳикоя асардаги четдан тиқиштирилган қисмдай бўлиб қолган бўлса, Навоийда у асарнинг бошидан воқеъ бўлиб, асар охирида ечилади ва асар жисмининг таркибий аъзосини эмас, балки асосий, бошқа воқеани ўзида олиб юрувчи тана, ўқ вазифасини ўтайди.

Воқеалар ривожи. Баҳромнинг фироқдаги изтироби кун сайин ортиб боради. Ғаму андуҳда қийналиб, Дилоромни ахтариб саҳрога йўл олади, тополмайди, фиғон кўтариб, аламли сўзлар айтади, нидо чекади, Баҳром – ошиқ ғалаба қилади, у Мажнунга айланади, кишилар уни телба деб гумон қиладилар.

Тахт ила мулк ёдидан кетти,
Ваҳшдек дашт аро мақом этти.[319]

Навоий Баҳромдаги руҳий қийналиш, ҳижрон изтиробини бобма-боб кучлироқ, дардлироқ тасвирлаб боради. Шоҳни бир илож қилиб пойтахтга келтирадилар. У бир алоҳида хонага кириб, ўзини уриб, фарёд қилади, кийимларини йиртади, ўзидан кетиб, яна ҳушига келгач нола тортади, шердай тани мўрдай ожиз бўлади.

Бундай тасвир орқали шоир, биринчидан, Баҳром тимсолининг ички моҳияти – унинг ошиқлигини кенг тасвирлашга, психологик кечинмаларини бериш орқали характер пухталигини таъминлашга ва асосий ғояни ифодалашга мақсадни қаратган бўлса, иккинчидан, бу билан навбатдаги воқеалар – қасрлар қуриш ва етти мусофир қиссасини баён этишга асос ҳозирлайди. Яъни Баҳром дарди оша боргач, сарой аҳли унинг бу ҳолига шифо тилайдилар. Ҳакимлар чора қидира-қидира, унинг бирдан-бир иложи ранг-баранг қасрлар қуриб, унда гўзал қизлар билан вақт ўтказиш ва ҳикоят эшитиш деб маслаҳат берадилар. Тез орада еттита қаср бино бўлади. Моний уни етти хил рангда безайди. Қасрнинг сони, ранглари, ҳафта, кунлари, тартиби (шанбадан жумагача) Низомий асарида бўлгани каби

[319] Ўша асар. 498-б.

сақланган. Баҳром ҳафтанинг ҳар бир кунини қаср рангига монанд либос кийиб, шундай рангда либос кийган малика билан ўтказади. Малика кунни Баҳром билан ўтказгач, шом пайтида бошқа уйга ёки парда орқасига кириб кетади. Қизлар Баҳромга фақат май сузиб берадилар. Баҳром ҳам у қизлар билан ўтирганда Дилоромни ёдидан чиқармайди. Шоҳ кундузни қизлар билан ўтказгач, кечаси ухлаб ором олиш учун мусофирлардан қисса эшитади. Қиссаларни охиригача тинглаб, ўз таассуротини билдиради ва уйқуга кетади.

Қаср қуриш эпизоди Низомийда ҳам, Амир Хусравда ҳам, Навоийда ҳам деярли бир хил бўлса-да, бироқ бу воқеани асослаш, қаср қуриш сабабини келтириш учала шоирда ҳам ҳар хил келтирилган. Бу нарса ҳар бир достоннинг ўзига хос хусусиятлари, муаллифлар мақсадидан келиб чиққан. Ҳар учала шоир ҳам етти рақамига қаср қуриш ва у орқали етти ҳикоят келтиришга алоҳида эътибор бериб, уни асарнинг асосий, ҳаттоки асосий бош қисми деб ҳисобланганлар. Буни улар ёзган достонларнинг номланишидан ҳам англаса бўлади: «Ҳафт пайкар» (Етти гўзал), «Ҳашт беҳишт» (Саккиз жаннат), «Сабъаи сайёр» (Етти кезувчи). Бироқ ана шу ҳикоялар келтиришни асосий қолипловчи қисм билан боғлаш турлича.

«Ҳафт пайкар»даги етти қаср Баҳромни шаҳарга қайтариш, давлат ишларига жалб этиш учун қурилади. Чунки тасвирланишича, Баҳром овга, саҳро ҳаётига берилиб кетиб, давлат ишларидан четлашади, бу эса давлатни эгасиз ҳолга олиб келган, бебошликни вужудга келтирган, ташқи хавф юзага келган эди. Баҳром етти қасрнинг ҳар бирида бир кун турли кийиниб, шоҳ қизлари билан ишрат қилади ва маст бўлиб, қизлардан қисса эшитади.

Хусравда қаср қуриш мотиви Низомийга нисбатан анча сусайтирилган. Унда Баҳромни давлат ишига жалб этиш ёки ишратдан четлатиш учун эмас, балки тўғридан-тўғри унинг ишратига янада қулай шароит яратиш учун етти қаср қурилади. Ҳикоятларни қизлар айтадилар. Баҳром маст ҳолда уларни эшитади ва сўнгида улар билан айш қилади. Шундай қилиб, Низомийда ҳам, Хусравда ҳам қасрлар қуриш эпизоди асосий сюжетга узвий боғланмаган. «Ҳафт пайкар»да у Баҳром саргузаштларининг бир кўриниши сифатида, «Ҳашт биҳишт»да эса етти қиссани келтиришга далил, баҳона сифатида тасвирланган. Бу иккала шоирда ҳам воқеаларнинг мантиқий ривожи қаср қуриш ва ҳикоялар келтиришни зарурий равишда тақозо этмайди (Низомийда гарчи бу маълум даражада асосланган бўлса ҳам), уларда Баҳром ҳикояси, жумладан, етти қаср ҳам етти ҳикоят айтиш учун келтирилган бўлиб чиққан. Шу сабабли қасрлар қуриш ва қиссалар айтиш Баҳромга унчалик таъсир этмайди, у бу воқеаларни кундалик саргузашт сифатида бошидан ўтказади. Низомий ва Хусрав ҳикоя ичида ҳикоя айтиш, турли сюжетли ҳикоялар ёзишда ўз маҳоратларини кўрсатиш учун Баҳром воқеаларини келтирадилар.

Алишер Навоийда бунинг аксини кўрамиз. Юқорида кўриб ўтганимиздек, унда қасрлар қуриш воқеаларнинг мантиқий ривожидан келтириб чиқарилган, сюжетнинг бевосита давомий тараққиёти сифатида тасвирланган. Бу эпизод асосий қолипловчи сюжетнинг узвий бўлаги бўлиб, у Баҳром аҳволини яхшилаш, унинг дардига шифо, чора сифатида асосланган. Бу мантиққа тўғри келади. Руҳий азоб чекаётган кишини ёпиқ иморат, ундаги гўзаллик, турли воқеаларга бой қиссалар анча овутиши, маълум даражада руҳини енгиллатиши мумкин. Натижада қаср қуриш ҳикоялар келтириш учун эмас, балки Баҳромни даволаш учун бўлиб чиқади, қиссалар ҳам шунга хизмат қилади, яъни бутун воқеалар асосий сюжетга бўйсундирилади.

Кульминация ва ечим. Қасрларда вақт ўтказиб, қизиқ-қизиқ ҳикоялар эшитган Баҳромнинг аҳволи бир оз тағйир топган, руҳи енгиллашган бўлса ҳам, лекин унинг Дилором фироқидаги дарди бирор соат ҳам кўнглидан кўтарилган эмас, фироқ ўти борган сари зўра-

яди, гўё қалб изтиробининг чеки йўқдай кўринади. Ишқ дардига маъшуқадан ўзга даво йўқ. Бу ғоя асар воқеаларининг ана шу ўринларида бўртиб юзага чиққан. Баҳром чиройли, рангоранг қасрларда гўзал маликалар билан кун ўтказса ҳам қалби доим безовта бўлиб туради, ўзини ярим ҳушёр, ярим мастдай ҳис этади, бетоқатликдан ҳикоя тинглайди. Шундай қилиб, унинг дарди, ҳажрдаги изтироби пасайиш ўрнига кучайиб, чўққисига кўтарила боради, ишқ уни батамом забт этади, борлиғини қамрайди. Ана шундай аҳволда Баҳром охирги еттинчи – оқ қасрда ҳикоя эшитаётганда ёри Дилором дарагини эшитиб қолади. Хоразмлик созанда Кофур сўзлаган ҳикоя асосий сюжетнинг бевосита давоми бўлиб, у қуйидагича баён этилган. Маълум бўлишича, чўлга улоқтирилган Дилоромни ўзининг хожаси тасодифан карвон билан шу ердан ўтиб бораётганда чала ўлик ҳолда топиб олади ва парвариш этиб, ўзи билан бирга Хоразмга олиб кетади. Дилором ўзига келгач, Баҳром олдига қайтишга, ундан узр сўрашга чоғланади. Бу қизнинг муҳаббати кучлилигини, ёрига садоқати зўрлигини кўрсатади. Бу ҳикоят унда охиригача давом этади. Дилоромнинг хоҳиши хожаси томонидан рад этилади. У дейди:

Шаҳки, бир сўз учун тўкар қонинг,
Яна қилмоқ недур фидо жонинг?
Шоҳ бир шуълаи фурўзондур,
Ҳар кишига етишса сўзондур.
Ўт аро ихтиёр ила сурмак,
Баҳра бермас, бағайри куйдурмак.
Шоҳким бўйла тангдил бўлмиш,
Ғазаби ўти муштаил бўлмиш.
Қочмоқ андин савоб эрур бу дам,
Неча андин йироқ – офат кам.[320]

Шундан сўнг қиз Хожа билан бирга кетишга рози бўлади. Хоразмда Дилоромнинг ҳусни ва санъаткорлик овозаси шуҳрат топади. Хоразм шоҳи уни ўзи сотиб олиб саройга келтиришга уринади, лекин Хожа ҳам, Дилором ҳам кўнмайди. Лекин у зўрлик билан қизни саройга олиб боради. Дилором чанг чалиб саройдаги ҳамма одамларни сеҳрлаб ухлатиб қочиб кетади. Бундай ҳол бир неча марта такрорлангач, Хоразм шоҳи Дилоромдан воз кечишга мажбур бўлади. Дилоромнинг санъаткорлигини эшитган шаҳар эли маҳаллий санъаткорларга эътибор бермай қўядилар. Натижада уларнинг бозори касод бўлади. Моҳир созандалардан бири Кофур бошқа илож тополмай, охири эрлигини йўқотиб, Ҳожа ҳузурига келади ва ўзини Дилоромга шогирдликка қабул этишни сўрайди. Бунга мушарраф бўлгандан сўнг у кўп вақтни Дилором олдида ўтказади ва аста-секин қиз ишончини қозона бошлайди. Кофур Дилоромнинг пинҳоний нолаларини эшитиб, унинг сабабини айтишини илтимос қилади. Дилором унга саргузаштни эшитгандан сўнг шаҳардан чиқиб кетиш шартини қўяди. Кофур рози бўлади. Қиз ўз бошидан ўтганларни ҳикоя қилиб беради. Маълум бўлишича, у Баҳромни ҳеч ёдидан чиқармасдан, ишқида изтироб чекар экан, фироқида ўтли нолалар қилиб сеҳрли куйлар чалар экан ҳамда ўзини ўлган ҳисоблаб, оқ кийиб юрар экан. Кофур Хоразмдан чиқиб кетади ва еттинчи мусофир сифатида Баҳромнинг оқ қасрига олиб келинади. У оқ рангли қасрни кўриб Дилором ҳикояси эсига тушиб, уни сўзлаб беради.

Дилоромнинг хабарини эшитган Баҳром энди васл иштиёқида безовталанади. Туни би-

[320] Ўша асар, 596-бет.

лан тўлғаниб чиққач, тонг отиши билан ўзи Хоразмга отланмоқчи бўлади, бироқ аркони давлати бунга йўл бермайдилар: биринчидан, йўл узоқ, шоҳнинг соғлиғига путур етади, иккинчидан, бу иш унинг салтанати шаънига муносиб эмас. Баҳром ноилож қолиб Хожага, Дилоромга ва Хоразм шоҳига мактуб йўллайди. Дилоромга битган мактубида гарчи ўз қилмиши учун узрхоҳлик қилмаса-да, бироқ ўзининг муҳаббати, ҳажрдаги азоблари тўғрисида куйиб сўзлайди, қайтиб келишини зорланиб илтимос қилади. Дилором карвони келиб етишига бир кунлик йўл қолганда ҳажр азобида ўртанган Баҳром охири чидай олмай элдан яширин равишда кечаси ёри истиқболига чиқади. Висол дамлари бошланади.

Ишқнинг шоҳлик устидан батамом ғалаба қилиши:

Ёр аёғига бўлди андоқ паст,
Ки қуёш кўргай офтобпараст.
Қора тупроққа тушди зилли илоҳ,
Сояға тушти меҳр ҳам ногоҳ.
Шоҳ бехуд ер узра, моҳ доғи,
Моҳ келмай ўзига, шоҳ доғи.[321]

«Ҳафт пайкар»даги Баҳром ва Фитна (канизак) ҳикоясида Баҳром Фитнани эмас, Фитна Баҳромни топишга, унга етишишга ошиқади ва бунга эришади.

Бунда ҳикоя асарнинг асосий воқеаси бўлмагани учун у Баҳром саргузаштларининг бир қисми сифатида орада содир бўлиб ниҳояга етади; Баҳром учун у навбатдаги воқеалар сифатида юз беради ва у буни лоқайд бошдан кечиради. Баҳром Фитнани оддий канизак сифатида бирга олиб юрган (гарчи уни яхши кўрса ҳам), уни йўқотганда қайғурмайди, топганда ҳам унинг қалбдан қовушиши сезилмайди. Чунки Низомийда Баҳром Фитнани бутун вужуди билан севувчи ошиқ эмас, у муҳаббат дарди билан ёнмайди. У етти иқлим шоҳи, шавкатли подшо. Қизларни ишрат қилиш воситаси деб билади, ов, май каби овуниш чораси сифатида қарайди. Шундай қилиб, канизак ҳикояси Низомий асарида гарчи бош тимсол Баҳром билан боғланган бўлса ҳам, лекин у асосий сюжетни белгиловчи, уни бошқарувчи, қолган воқеаларни ўз ичига олувчи, асарни бошлаб якунловчи воқеа эмас, аксинча, асосий сюжет ичида содир бўлувчи кичик бир эпизод ҳикоядир.

Амир Хусравда Дилором чўлга улоқтирилгандан кейин (бунда қизнинг қўл-оёғи боғланмайди) ўзи излаб-излаб бир вайронага бориб қолади ва унда художўй бир деҳқонни учратиб, бошидан кечирганларини сўзлаб беради. Донишманд бу одам қизга чолғучилик ҳунарини ўргатади. Дилором барбат чалишда шунчалик моҳир бўладики, куй билан саҳро кийикларини ром қилиб, ўлдириб-тирилтиради. (Навоийда у ҳайвонларни эмас, балки инсонларни шундай сеҳрлайди. Бунда ҳам Навоийнинг воқеаларни мантиқий, ҳаққоний асослашга интилиши, бундаги маҳорати намоён бўлган – санъат ҳайвонга эмас, инсонга таъсир этади!) Бу овозани эшитган Баҳром уни ўз кўзи билан кўриш учун деҳқон қишлоғига боради. Дилором ҳунарини намойиш этади. Баҳром бу машқ натижаси, деганда у ов воқеасини киноя билан эслатади. Шоҳ канизакни топиб, ўзи билан бирга олиб кетади. Оқибатда кўриниб турибдики, «Ҳашт биҳишт»да ҳам шоҳ ва канизак ҳикояси қолипловчи сюжет эмас, балки етти ҳикоят қаторига қўшиладиган саккизинчи новелладир. Қаср қуриш ва канизаклардан қисса эшитиш воқеалари, ички ҳикоялар Низомийда ҳам, Хусравда ҳам Баҳром канизакни топиб олгандан кейин келтирилади. «Ҳашт биҳишт»даги Баҳромнинг канизакка муносабати деярли фарқ қилмайди. Бунда ҳам у воқеаларни оддий кўн-

[321] Ўша асар, 600-бет.

гилочар воқеа сифатида бошдан кечиради. Бу икки асардаги умумий хусусиятлардан яна бири шуки, уларда жабрланган канизак (Фитна, Дилором) Баҳромга нисбатан анча фаол. Улар Баҳром васлига муяссар бўлиш учун ҳаракат қиладилар ва санъаткорликда мўъжиза кўрсатиб (Баҳром мерганликда мўъжиза кўрсатгандай) уни мот қиладилар ҳамда шу билан бирга гўё шоҳнинг ғазаби асоссизлиги, ўзларининг ҳақ эканликларини далиллайдилар. Бироқ шундай бўлишига қарамай, бу қизларни ҳақиқий ошиқ деб бўлмайди. Улар фироқ аламида ўртанмайдилар, ёр иштиёқида қийналиб юрмайдилар. Уларнинг интилишлари ёрга етишиш учун эмас, балки гўё Баҳромдан ўч олиш, уни мулзам қилиш ва қобилиятларини кўрсатиш учундай туюлади.

Навоийнинг мақсади, ўзи қайд этганидек, «ишқ мояси»га асосланган достон яратиш эди. Бунинг учун у Баҳромни ҳақиқий ошиқ сифатида дардли, куюнувчи, курашувчи ошиқ қиёфасида, Дилоромни истиғноли, барча хусусиятлари билан (ҳусну жамол, аҳлоқ-одоб, санъаткорлик, ширин сўзлик) дилрабо маҳбуба сифатида тасвирлаши бу вазифани амалга ошириш учун эса худди «Лайли ва Мажнун»да бўлганидай, ишқий саргузашт мазмунга эга романтик сюжет ва шунга мувофиқ воқеалар занжирини ёритиш керак эди. Шу билан бирга, «Хамса» хусусиятларидан ҳам четлашмаслик, салафлар анъанасини сақлаш лозим. Бу анъана асарда қолипловчи ҳикоя ҳамда бир-биридан мустақил етти ҳикоя мавжудлигини тақозо этарди. Навоий буни бир қадар сақлайди, тўғриси уни ўзининг равиясига бўйсундиради. Бунинг учун у Баҳром Гўр воқеалари орасидаги Фирдавсийдан Низомийга ва ундан Хусравгача турли аспектда тасвирланиб, ҳажм жиҳатдан кенгайтирилиб, мазмун жиҳатдан ҳар хил ишланиб келинган, лекин ниҳоясига етказилмаган шоҳ ва канизак ҳикоясини олиб, уни достоннинг бош қолипловчи ҳикоясига айлантиради, уни кенгайтириб янгича мазмун бериб, қайта ишлайди ва ундаги сюжетни ривожлантириб, тўғриси, ҳақиқий бадиий, мукаммал сюжетга, тўлақонли, қизиқарли, изчил ривожланувчи сюжет чизиғини ҳосил қилиб, қолган ҳикояларни унинг ичига киритади, вобаста қилади. Бунинг учун шоир зўр маҳорат билан эпик асар яратиш соҳасидаги истеъдодини ишга солиб, «Минг бир кеча», «Калина ва Димна» каби Шарқда шуҳрат топган асарларга хос «Ҳикоя ичида ҳикоя» усулидан фойдаланиб, қолипловчи ҳикоянинг ниҳоясини асарнинг ечими сифатида охирга келтириб, бутун асар воқеаларини ипга улайди ва шу билан якунлайди. Бунинг учун Навоий энг муносиб усул сифатида ички ҳикояларнинг бирини – энг сўнггисини бош қолипловчи ҳикоянинг давоми сифатида келтиради. Бу ҳол икки вазифани амалга оширишга ёрдам берган: 1) асосий сюжетни асар охиригача бир чизиқда давом эттириш, асарни яхлит, ягона сюжет асосида яратиш; 2) ички ҳикоятларни бош сюжетга боғлаш, узвий қисмга айлантириш. Булар достонни яхлит, қизиқарли, зиддиятли, драматик ривожланувчи ҳаракатга эга асарга айлантириш билан бирга, айни пайтда, унинг композициясини ҳам тартибга келтирган, уни мунтазамликка, кетма-кетликка айлантирган. Композицион мураккаблик «Сабъаи сайёр»да сюжет ривожи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, асарнинг бадиий қийматига катта таъсир кўрсатган. Яна еттинчи ҳикоянинг қолипловчи ҳикоя давоми сифатида тасвирланиши асардаги асосий тимсолларнинг тўлақонлилигини таъминлашга ҳам ёрдам берган ва уларни Баҳром билан бирга асар охиригача қатнашувчи, ўсувчи, ривожланувчи тимсолларга айлантириш каби муайян тимсоллар тизимини вужудга келтирган. Чунончи, Хожа, Моний, Дилором тимсоллари ана шундай. Улар индивидуал характерга эга шахслар сифатида асар охиригача ҳаракат қиладилар, воқеаларда бевосита иштирок этадилар.

Дилором фақат маъшуқа эмас, у ҳам Баҳром каби ишқ ўтида қалби ўртанган ошиқ, шу

билан бирга вафодор, содиқ ва иродали ошиқ. Ундаги олижаноб хусусиятлар асарда жуда муҳаббат билан куйланган.

Еттинчи ҳикоят асосий сюжетнинг давоми қилиб олиниши ва асарнинг ягона ишқий можаролар сюжетига асосланиши Баҳром тимсолини тубдан ўзгартириб юборган. У энди фақат кайфу сафо қилувчи, ўз шавкати билан керилувчи, ғазабкор, шиддаткор киши эмас. Гарчи Навоийда ҳам унинг шоҳлиги, овга, майга ўчлиги, ғазаби сақланган бўлса-да, бироқ унинг бу хусусиятларини тасвирлаш асарнинг марказий мавзуси эмас. «Сабъаи сайёр»да асосий эътибор шоҳ Баҳромнинг ошиқлигини тасвирлаш, Баҳром – ошиқ сифатида куйлашга қаратилган. Бунда шоир ўз қаҳрамонининг ички қиёфаси, руҳий кечинмалари, иккиланишлари, психологик ҳолати, қувонч ва изтиробларини тасвирлашга кенг ўрин ажратади, уни характер сифатида гавдалантиришга эришади. Баҳром тимсоли сюжет ривожи билан ривожланиб боради – олдиндан шоҳ Баҳром ва Баҳром – ошиқ аста-секин чин маъноси билан Баҳром – ошиққа айлана боради.

Сюжет хотимаси. «Шоҳнома»да Баҳром шунинг учун ҳам Гўр лақабини олганки, у гўр (қулон) овига ўч бўлади, буни жуда севади. Низомий Баҳромнинг бу лақабига яна бир баҳо беради. У қулон овига ўч бўлиши билан бирга, умрининг охирида гўр (ғор)га кириб бедарак йўқолади. Унинг гўрга кириб йўқолиши ҳам гўр овига ўчлиги билан боғланган. Чунки у гўр кетидан қувиб-қувиб ғорга кириб кетади ва қайтиб чиқмайди. Бу эпизод «Ҳафт пайкар»да Баҳром ҳақидаги ҳикояни фожиали тарзда якунлашга хизмат қилган ва у достоннинг эл орасида шуҳрат топишида катта ўрин тутган. Шоиринг ғояси: етти иқлимга шоҳ бўлган, ҳеч бир лашкар унинг шиддатли ҳужумига бардош беролмаган, даҳшатли афсонавий кучга эга, ҳайвонларни енга олган чексиз қувватга, иродага эга одам, шавкатли, ғазабкор шоҳни ҳам охир-оқибатда ер ютди. Демак, шундай экан, шавкат ва куч-қувватга, мулкка суяниб керилмаслик, айшу ишрат, беҳуда эрмакларга берилмаслик, аксинча халқ ва юрт ғами билан яшаб, фойдали, эзгу ишлар қилиб қолдириш керак. Натижада гўрга кириб йўқолиш лавҳаси Низомийда Баҳром Гўр ҳикоясининг давоми, унинг саргузаштларининг якуни сифатида, хулосавий қисми сифатида тасвирланган.

Бу эпизод «Ҳашт биҳишт»да ҳам шундай такрорланган ва у Баҳром ҳақидаги ҳикоянинг анъанавий қисмига айланиб қолган. Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» асарида бу эпизодни тасвирлаб келтиради. Аммо у бутун достонни ўзгартирганидек, бу эпизодни ҳам бошқача талқин этади.

«Сабъаи сайёр»да Баҳром ғорга кириб йўқолмайди, кийик кетидан ҳам қувмайди, балки ов пайтида бутун лашкари ва аъёнлари, канизаклари ва маъшуқаси Дилором билан ботқоқликка ботиб кетади. Тасвирланишича, Баҳром кўп сонли овчилар ва бошқа кишилар билан далага чиқиб, бир ўтлоқда ов уюштиради. Улар ҳайвонларни ўртага олиб, раҳмсиз равишда қира бошлайдилар, қон дарёдай оқади ва ерга синга бошлайди, шу пайт қаттиқ ёмғир ёғади ва ботқоқлик устида пайдо бўлган ўтлоқ ер юмшай бошлаб, охири устидаги оғирликни кўтара олмай, ўпирилиб кетади ва бутун одамлар от-уловлари билан ер қаърига кириб кетадилар. Навоий нега бундай тасвирни афзал кўрган, у «Ҳафт пайкар» ва «Ҳашт биҳишт»дан нимаси билан фарқланади? Энг аввало, Навоий, бошқа барча воқеаларда амалга оширганидай, бунда ҳам воқеанинг ҳаққонийлигига, ақлга, мантиққа мос келишига эътибор берган. Ҳайвон кетидан қувиб тубсиз ғорга киришдан кўра, ботқоқликка ботиб ўлиш ақлга мувофиқ ва ҳаётий бўлиб, китобхон ишончини қозонади. Иккинчидан, у Баҳромнинг ҳайвонларга зулмини анча бўрттириб тасвирлайди, уларнинг қони тутганлигини кучайтириб баён этади. Учинчидан, у биргина Баҳромни эмас, балки бутун сарой аҳлини ўлимга

йўллайди ва бу билан Баҳром салтанатининг батамом ҳалокатга учраганлигини кўрсатади. «Сабъаи сайёр»да ҳам Баҳромнинг бу фожиали ўлими сабаби Низомийда бўлгани каби унинг айшу ишрат ва овни тарк этмаганлигида деб изоҳланган. «Ҳафт пайкар»да подшоҳ Баҳром учун, адолатли Баҳром учун кураш олиб борилади, бунинг учун бир қанча тадбирлар амалга оширилади. Юзага келган бир неча хавфли ҳолатлар Баҳромни ишратпарастликни тарк этиб, ўзига келишига, давлат ишларини қўлга олиб, адолатли иш юритишга мажбур этади – у адолатли шоҳ бўлади. Бироқ шоҳ ўзининг овга ўчлигидан воз кеча олмайди ва бу одат охир-оқибатда уни гўрга олиб боради. «Сабъаи сайёр»да эса бу мотив бошқачароқ, яъни асарнинг бош ғояси тақозоси билан изоҳланган. Баҳром ов касофати билан Дилоромни йўқотган эди. Дилором дардида у бутун борлиқни унутади, куч-қуввати ва шон-шавкатини барҳам беради. Сарой аҳли уни ўзига келтириш, шоҳлик шавкатини қайта тиклаш учун курашади. Бу ерда Баҳром ов ва май асири эмас, балки ишқ мубталоси. Ҳакимлар чора топиб Баҳромни бир оз ўзига келтирадилар. Дилором топилгандан сўнг у шифо топиб, давлат ишлари билан шуғилланиши керак эди. Лекин бундай бўлмайди. Баҳром яна илгаригидай ов қилиш ва май ичишни, ёри билан ишратни давом эттиради. Унинг фироқ дардига шифо топилган бўлса ҳам, лекин ишратпарастлик касалига даво топилмайди, бу одат уни ҳалокатга олиб боради. Шундай қилиб, охирги лавҳа Баҳром характери хусусиятидан келтириб чиқарилган. Шунинг учун Дилором топилгандан кейин асосий сюжет охирига етиб, зиддият ечилган бўлса ҳам лекин ошиқ–маъшуқаларнинг бахтли дамлари узоққа чўзилмайди, улар фожиа билан кўз юмадилар. Охирги эпизод асосий сюжетнинг бевосита давоми эмас, лекин у бош қаҳрамон характерининг моҳиятидан келиб чиққан ва шунинг учун асарга хотима бўлиб хизмат қилади.

«Сабъаи сайёр»нинг ички ҳикоялари ва уларнинг қолипловчи сюжетга алоқаси

Лутф бу назм аро бағоятдур,
Ғараз аммо ети ҳикоятдур.
Чунки қойил ети мусофир эди,
Ки алар сайр ишига моҳир эди.
Бўлди чу бу рақам иши тайёр,
Қўйдим отини «Сабъаи сайёр».[322]

Алишер Навоий ўз достонининг сўнгги бобида ана шу байтларни келтиради. Шоир «ғараз етти ҳикоя» дейиш билан: асосий эътиборни ички ҳикоятларга қаратдим, Баҳром ҳикояси шунчаки бир восита, иккинчи даражали бир воқеа демоқчи эмас. Асло. Аксинча, у Баҳром ҳикоясига асосий эътиборни қаратгани учун ҳам уни қолипловчи сюжетга айлантириб, пухта ишлаб ниҳоясига етказиб, достоннинг бутун воқеаларини унга боғлаб тасвирлайди. Навоийнинг бу фикридан қуйидаги маъноларни уқиш мумкин. Биринчидан, у ўзининг асосий ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қарашларини, илғор ғоялари, идеалларини ана шу ички ҳикояларда акс эттирган. Баҳром ҳикоясида шоир асосий эътиборни ишқ ва ошиқлик масаласига қаратди. Иккинчидан, гарчи Баҳром ҳикояси ҳам Навоий талқинида янги, оригинал ҳикояга айланган бўлса-да, лекин бари бир унинг асосий анъанавий сюжети эди. Ички ҳикоятларда эса у анъанадан батамом озод бўлиб, бутунлай янги асарлар ижод қилиш ҳуқуқига эга эди. Анъанага кўра Низомий Фирдавсий ҳикояларини ташлаб, ўзи янги етти ҳикоя киритган, Хусрав ҳам янги ҳикоялар ижод этган эди. Ҳар бир ижодкор бунда ўзининг эпик асар яратиш маҳоратини бемалол намоён этиши мумкин эди. Худди

[322] Ўша асар, 614-бет.

шу сабабга кўра, «Хамса» ижодкорлари тўртинчи достонни унинг бош қаҳрамони Баҳром Гўр номи билан атамасдан, ундаги етти ҳикояга ишора тариқасида номлаганлар (Фирдавсийда достон «Баҳром Гўр» номи билан аталган). Бироқ бош ҳикоя билан ички ҳикоялар орасидаги нисбат, мутаносиблик ҳар бир шоирда ҳар хил. Низомий достонида Баҳром саргузашти воқеалари ўзининг бошқарувчилик аҳамиятини сақлаган ва асарнинг асосий қисмини ташкил этади. Хусрав Деҳлавийда эса Баҳром билан боғлиқ воқеалар қисқартирилиш билан бир қаторда у ички ҳикоятлардан узилиб қолиб, иккинчи даражага тушиб қолади. Алишер Навоий ҳам Хусрав каби Баҳром воқеаларининг катта қисмини қисқартирди, лекин у танлаб олган ҳикоясини шундай туздики, натижада у ўзининг биринчилик – бошқарувчилик ролини йўқотмади.

Алишер Навоий қолипловчи сюжетни ўзгартириб, ундаги воқеаларнинг мазмунини бошқача қилгандан кейин, юқорида айтиб ўтганимиздай, ички ҳикоятларнинг асосий сюжетга боғланиш нуқтасини ҳам ўзгача тасвирлайди. «Ҳафт пайкар»да ички ҳикоятлар Баҳромнинг салбий хусусиятлари, яъни маишатпарастлик, бепарволик хислатларини йўқотиш учун эмас, балки бу хусусиятларнинг давом этиши учун хизмат қилади. Ҳикоятлар мазмуни шунга хизмат қилган. Мақсад Баҳромни тарбиялаш эмас, балки уни пойтахтда, саройда тартиб ўрнатиш, модомики у маишатга ўч экан, бунинг учун уни саҳродан келтириб шаҳарда шу одатини давом эттириши учун шароит яратиш керак. Қаср, ундаги гўзаллар ва улар айтган қиссалар бу мақсадни амалга оширишга хизмат қилиши лозим эди.

Алишер Навоий асарида ички ҳикоятлар Баҳромнинг ҳижрондаги азобини енгиллаштириш билан бирга, турли томондан унга панд сифатида ҳам таъсир кўрсатган. Бундан ташқари ички ҳикоятлар Баҳромнинг асосий қайғуси – севгилиси Дилоромни топиш учун ҳам бир восита бўлган. Ички ҳикоятлардан еттинчисининг Дилоромга бағишланиши бунга мисолдир. Низомий ва Хусрав ўз асаридаги ана шу хусусиятдан келиб чиқиб, қиссаларни шоҳ қизлар тилидан келтирганлар. Чунки «Ҳафт пайкар»да ҳам, «Ҳашт биҳишт»да ҳам маликалар Баҳромнинг маишати учун келтирилганлиги тасвирланади.

«Сабъаи сайёр»да ҳам Баҳром ўз қасрларида маликалар билан май ичади. Бироқ бунда у дилхушлик, кайф-сафо қилиш учун эмас, балки Дилором фироқи ғамини бир оз унутиш учун шундай қилади. Қизлар унда Баҳромнинг маишат манбаи эмас, балки унинг маҳбубалари, улар гўзал ва нозик бўлиб, маълум даражада мустақилликка, қадр-қимматга эга. Қизлар шом бўлгач, бошқа хонага кириб кетадилар ва Баҳромни мусофир қиссахон билан ёлғиз қолдирадилар. Бу уччала шоир асарининг номлари ҳам худди ана шу жойда изоҳланади. Низомийда 7 рақами рамзий мазмунга эга бўлиб, у қадимги шарқликлар тасаввурига асосланган.

Хусрав асосий эътиборни саккизта ҳикоятга қаратиб, уларни жаннат боғларидай чиройли, мароқли деб билади ва достонни «Ҳашт беҳишт» деб номлайди. Навоий маликаларни қиссахонликдан халос этиш ва шу билан асарнинг мантиқий бутунлигини, ҳаққонийлигини ошириш учун етти мусофир тимсолини киритади. Дарҳақиқат, турли ҳикояларни, қизиқ-қизиқ саргузаштларни жаҳонгашта, кўпни кўрган одамлар кўпроқ биладилар. Бу билан у достоннинг рамзий мазмунини ҳам тўлдиради: Баҳром сайёра (кезувчи), демак, унинг атрофини ҳам сайёралар ўраб олиши керак. Мусофирлар ўзлари жаҳонгашта бўлишлари билан бирга улар сўзлаган ҳикояларнинг иштирокчилари ҳам жаҳонгашта кишилардир. Ҳар бир мусофир ўз ҳикояси бош қаҳрамонининг қариндоши ёки яқин кишисидир. Бу билан у ҳикоянинг гўё бўлиб ўтганлиги, ҳаққонийлигини таъкидлаш билан бирга мусофирни ҳам воқеалар иштирокчиси қилиб келтиради. Натижада асарнинг асосий иштирокчилари

етти сайёра бўлгани учун шоир уни «Сабъаи сайёр» («Етти кезувчи») деб атаган.

«Сабъаи сайёр»нинг Низомий ва Хусрав асарларидан яна бир фарқи шуки, унда ички ҳикоятлар Баҳром эрмаги учун эмас, балки унинг тарбияси учун, ундаги ижобий хислатларни ривожлантириш учун хизмат қилади. Бунинг учун Навоий бу ҳикоятларида ўз даври учун аҳамиятли бўлган бир қанча муҳим долзарб масалаларни кўтариб чиқади ва уларни ижобий тимсолларда гавдалантириб Баҳромга қарши қўяди. Бу ерда шуни айтиш керакки, Алишер Навоий «Сабъаи сайёр»да тўғридан-тўғри Баҳромни Ҳусайн Бойқарога ўхшатади ва султонга мурожаат қилиб, Баҳромни аҳволидан ўрнак олишга, унинг хатоларини такрорламасликка чақиради. Асарнинг ички ҳикояларида тасвирланган ижобий ҳолатли кишилар ўз қилмишлари билан Баҳромга ибрат бўлиш билан бирга Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғилларига ҳам ибратдир. Бу билан Навоий Ҳусайн Бойқаро ва темурийларга ёмон хислатлардан қутилиш йўл-йўриғини кўрсатмоқчи бўлган.

Ички ҳикоятлардан еттинчиси бевосита бош сюжетнинг давоми бўлгани учун уни ички ҳикоят сифатида талқин этмаса ҳам бўлади. У шартли равишда ички ҳикоятлар қаторига қўшилади. Бу ҳикоят бир қанча хусусиятлари билан қолган олти ҳикоятдан фарқ қилади ҳам. Олтита ҳикоятнинг ўзаро яқин умумий хусусиятлари шуки, уларнинг ҳаммасида ҳам адолатпарварлик ғояси биринчи ўринга қўйиб тасвирланган. Шоҳ адлининг шарофати билан мамлакат обод, халқ тўқ ва фаровон бўларди, илм-ҳунар равнақ топиши мумкин эди:

Подшоҳи дурур ажаб одил,
Адли олам эли аро шомил.
Зулм торини сифат узмиш,
Адл созини ул сифат тузмиш.
Ким анинг давлатидин аҳли замон,
Топмамишлар бағайри амну амон.
Мулк аро чунки бўлди амният,
Юзланур мулк элига жамъият.
Андин ўқдур ҳунар ҳисоби ҳам,
Фазл ила дониш иқтисоби ҳам.[323]

Иккинчи хусусият. Бу ҳикоятларда (Заргар ҳикоясидан ташқари) бош мавзу муҳаббатдир. Бироқ уларнинг ҳар бирида муҳаббат турлича талқин этилади, унинг турли қирралари тасвир этилади. Чунончи, биринчи ҳикоятда (Фаррух ва унинг Ахий хотинига ишқи ҳикояси) муҳаббат, ҳалоллик, сахийлик, одамгарчилик, жавонмардлик билан қўшиб тасвирланса, учинчи ҳикоятда (Саъд ва унинг Шаҳрисабз маликасига муҳаббати) муҳаббат йўлидаги қийинчиликлар, мардлик, иродалилик ва жасорат билан ёр васлига етиш ғояси тараннум этилади, тўртинчи ҳикоятда (Жайпур қизининг Масъудга муҳаббати) ва бешинчи ҳикоятда (Меҳр ва Суҳайл севгиси) муҳаббатнинг кучи, унинг халоскорлик қуввати, ўлмаслиги тасвирланади. Муҳаббат севгувчиларнигина эмас, балки бошқа одамларни ҳам бало-офатдан холи этади. Чин муҳаббатли одам бошқа ижобий хислатларга ҳам эга бўлади. Олтинчи ҳикоятда (Муқбилнинг Ховаршоҳ қизига муҳаббати) ёр висолига етиш учун қаноатли, ҳалол, ростгўй бўлиш лозимлиги кўрсатилган. Ҳикоятларнинг бир қисмида йигитлар фаоллиги кўрсатилса, иккинчи бир қисмида қизлар фаол ҳаракат қиладилар, уларнинг қатъийлиги, иродаси кучли пафос билан куйланган. Ошиқлар ёр васлига етиш учун бир қанча тўсиқларни енгадилар, қийинчиликлар, азоб-уқубатга бардош берадилар. Улар

[323] Ўша асар, 552-бет.

васл умидида яшаб, бахтли кун учун жидду-жаҳд қиладилар. Иккинчидан ҳикоятлардаги ошиқлар маъшуқа жабри-жафосига кўникиш билан бирга дунёнинг бошқа лаззатларидан, мол-дунёдан воз кечиб, ишқ йўлида фидокорлик кўрсатадилар. Бундай мазмун маъшуқага жафо қилган, ҳам шоҳлик, ҳам ошиқлик қилишга интилган Баҳром учун танбеҳ бўлса, иккинчидан Дилоромнинг топилишига ишора эди. У Баҳром кўнглига умид чироғини ёқиб, уни васл кунига ишонтиради.

Шоми ҳижронга қолмағай жовид,
Қайда субҳи висол тутқай умид...[324]

Ҳикоятларнинг яна бир бош ғояси – бу сахийликдир. Сахийликни Навоий инсоннинг энг яхши хислати сифатида анча муболаға билан кенг тасвирланган.

Ички ҳикоятларнинг воқеалари шоҳ ва шаҳзодалар саргузашти саналгани боис уларда сарой фитналари, ўзаро урушлар, жанжал ва низолар ҳам тасвирланган ва бу жамиятдаги салбий ҳолатлар қаттиқ қораланади. Чунончи, тўртинчи ҳикоятдаги Жайпурнинг амалдан маҳрум бўлишини сезгач, ўрнига тайинланажак одам гуноҳсиз Масъудни қийноққа солиб зиндонга ташлаши ва ўлди деб эълон қилиши бунга мисолдир.

Ҳикоятларда яна бахт масаласи асосий мавзулардан бири сифатида изоҳ этилган бўлиб, унда адолат, сахийлик, ростлик билан йўлдош эканлиги кўрсатилган. Саъд, Масъуд, Муқбил, Фаррух (ҳаммаси – бахтиёр, бахт дегани) номларининг бош қаҳрамонларга қўйилиши ҳам буни тасдиқлайди. Бу кишилар ўз умрларида эзгу ишлар билан шуғулланганлари учун бахтга эришадилар.

Ички олти ҳикоятнинг ҳар бири алоҳида сюжетга эга, улар тугал сюжетли, мустақил асарлардир. Низомий ҳикоятларида ғайритабиий кучлар иштирок этиб, афсонавий, лирик руҳ ҳукмрон бўлса, Хусрав ҳикояларида юмор, топқирлик, хушчақчақлик, енгил руҳдаги мазмун асос бўлиб, сюжет шунга мос тўқилган, Навоий ҳикоятларида эса жиддий инсоний муносабатлар акс эттирилган, кишиларни қизиқтирувчи муҳим ижтимоий масалалар асос қилиб олинган. Навоийда ҳам ҳикоялар саргузаштларга бой, ҳаққоний тасвирдан кенг фойдаланилган, шунингдек, ҳаққоний мазмун билан суғорилган, ҳаётий воқеалар билан боғланган.

«Сабъаи сайёр»даги ички ҳикоятларда воқеалар кетма-кет ривожланиб боради, динамик ривож характерларнинг ички моҳиятини очишга, асосий ғояни бўрттиришга хизмат қилади. Сюжет ривожи китобхонни ўзига эргаштиради, уни тўлқинлантириб, ҳаяжонлантириб боради. Ҳикоятларнинг аксарияти кучли зиддият асосида тузилган. Ижобий кучлар жамиятнинг ёзув кучларига, сунъий тўсиқларга, ёмон ҳислатли кишиларга қарши кураш олиб борадилар. Бунда ортиқча саҳналар, эпизодлар, чўзилиб кетган тасвирлар, зериктирувчи лавҳалар учрамайди. Чунончи, Меҳр ва Суҳайл ҳикоясини олиб кўрайлик. Бунда тасвирланишича, бир ярим оролда Жобир деган киши яшаб, у ўз кишилари билан денгиздан ўтувчи одамларни талаш билан кун кечирар экан. Денгизнинг бўйидаги мамлакат подшоси Навдарнинг Меҳр отлиғ қизи бўлиб, у денгиз сайрига чиқади ва тўфонга учраб Жобирга асир тушади. Денгизнинг яна бир соҳилидаги подшо Нуъмоннинг Суҳайл отлиғ ўғли Меҳр олдига бориш учун йўлга чиқади ва у ҳам Жобирга асир тушади. Навдар Жобирга қарши бирга жанг қилиш учун ёрдам сўраб Нуъмонга мактуб ёзади. Нуъмон рози бўлади. Бир вақтда бири денгиздан, бири қуруқликдан Жобирга қарши лашкар тортадилар. Лекин денгиздаги лашкар тўфонга дучор бўлиб ҳалок бўлади, шоҳ асир тушади. Навдар ов билан андармон

[324] Ўша асар, 552-бет.

бўлиб банди этилади. Боғда сайр қилиб юрган Меҳр зиндондаги йигитни Суҳайлга юбориш мақсадида қутқаради, уни Суҳайл эканлигини билиб, парвариш этади. Суҳайл кучга тўлгач, Жобир билан олишиб уни енгади ва қолганларни озод этиб, икки мамлакатга шоҳ бўлади. Бунда воқеаларнинг бошланиши, ривожи ва улар содир бўладиган шароитга диққат қилайлик. Навоий ҳикояни катта денгиз, ярим орол, унда қароқчи Жобирнинг яшаши, унинг қилмишларини тасвирлашдан бошлайди. Сўнгра денгиз ёқасидаги мамлакатларнинг мавжудлиги ҳақида сўз очади. Ҳикояни бундай бошлаш (қулай экспозиция) билан шоир ўқувчини бўлажак воқеаларнинг саҳнасига тайёрлаган: денгиз, орол, қароқчи ва унинг ёвуз нияти. Шундан сўнг иккинчи эпизодда бош қаҳрамонлардан бири асирга тушса, ундан кейин эса худди шундай шароитда иккинчи бош қаҳрамон ҳам асирга тушади, лекин улар бир-бирининг ҳолидан бехабар. Нима қилиш керак, қаҳрамонларни қандай қутқариш мумкин? Табиий, уларнинг оталари бу ишга бел боғлайдилар, лекин яна ёвуз куч ғалаба қилади – воқеа ривожланиб, таранглашиб боради, сюжет тезлик билан кульминацияга кўтарилади. Энди қандай бўларкин? – деб ўйлайди китобхон, наҳотки қароқчи Жобир батамом тантана қилса, наҳотки, севишганлар муродига етмаса? Шоир яна кутилмаган йўл топади. Жобир Меҳрга кўнгил қўйган. Шунинг учун уни боғда эркин сайр этишига монеълик қилмайди. Бутун воқеалардан хабарсиз Меҳр бегона одам деб Суҳайлни қутқаради. Суҳайлнинг паҳлавонлиги, ботирлиги эса денгиздаги олишувда маълум бўлган эди. Жобир уни ҳийла билан енгган эди. Сюжетнинг энг қизиқарли ва ҳаяжонли ўрни шу. Энди ўқувчи Жобирнинг забун бўлишига ишонч ҳосил қилади. Навоий Суҳайл билан Жобирнинг иккинчи олишувига унча кенг ўрин бермасдан, Суҳайлнинг зафарини баён қилиб, шундан сўнг озгина миқдордаги байтда зиндондагиларнинг озод этилиши ва Суҳайлнинг подшо бўлиб кўтарилишини айтиб ўтади. Сабаб шуки, шоир Суҳайлнинг зиндондан қутқарилиши ҳикоянинг ечими эканлигини яхши билган. Бундан кейинги воқеаларни чўзиб ўтириш ўқувчини зериктиради. Бу ҳикоянинг сюжети ана шундай ихчам, қониқарли бўлганидай, унинг композицияси ҳам содда ва мукаммал тузилган. Ундаги ҳар бир эпизодни бир саҳна ёки кўриниш деса бўлади. Бу саҳналарда содир бўлган ҳикоятларга, чунончи, мана бундай сарлавҳалар қўйиб чиқиш ҳам мумкин: 1. «Денгиздаги орол ва қароқчи Жобир». 2. «Меҳрнинг саёҳати ва асирга тушиши». 3. «Суҳайлнинг асирга олиниши». 4. «Навдар билан Нуъмоннинг аҳди». 5. «Нуъмон кемаларининг ҳалокати». 6. «Навдарнинг хатоси ва бандга тушиши». 7. «Нажот».

Достондаги қолган ҳикоятлар ҳам ана шундай пухта композиция ва қизиқарли, динамик сюжетга эга. Буларнинг ҳаммаси улуғ шоирнинг беқиёс санъаткорлигидан, эпик асар яратиш соҳасидаги маҳоратидан дарак беради.

«Сабъаи сайёр»даги ички ҳикоятлардан фақат еттинчи ҳикоят бевосита қолипловчи ҳикояга қўшилган. Буни Навоийнинг катта маҳорати ва достоннинг афзаллиги сифатида кўпгина адабиётшунослар таъкидлаб ўтганлар. Аслини олганда бу ҳикоя қолипловчи ҳикояга қўшилган эмас, балки у бош сюжетнинг бевосита давоми (буни биз бундан олдин ҳам қайд қилган эдик). Навоий уни ички ҳикоятлар қаторига қўшиб орада кўприк қурган: у ҳам бош ҳикоя, ҳам ички ҳикоя. У ички ҳикоялар қаторини бош ҳикояга, бош ҳикояни ички ҳикоялар композициясига улайди. Бошқа ички ҳикояларда мавжуд бўлган хусусиятларни ўзида акс эттириб муҳаббатга асосланган саргузашт, сайёҳнинг иштироки ва унинг тилидан айттириш (бош қаҳрамоннинг шоҳ эканлиги ва бошқалар) умумий типдаги алоқадорликни намоён этади ва шу асосда фақат ўзини эмас, балки қолган олти ҳикояни ҳам Баҳром саргузаштларига яқинлаштиради. Будан ташқари, ички ҳикоятларнинг бутун сюжети бўлмаса ҳам, бироқ айрим эпизодлари Баҳром билан содир бўлган воқеаларни эслатиб тура-

ди. Чунончи, юқорида келтирганимиз Меҳр ва Суҳайл ҳикоясида Навдаршоҳнинг Жобирга асир тушиш сабабини олиб кўрайлик. Навдар ўз қўшини билан қуруқликдан Жобирга қарши бораётиб, оролга киргач, чиройли манзараларни кўриб мафтун бўлади ва олдида муҳим иш борлигини унутиб қўяди. Бунинг устига бир кийик кетидан қувиб, қўшиндан ажралади ва Жобирнинг пистирмада қўйган одамлари уни банди қилиб олиб кетадилар. Эгасиз қолган қўшин тарқалиб кетади. Бу тўғридан-тўғри Баҳром қилиқларининг такрори бўлиб, Навоий бу ҳолни аёвсиз танқид остига олган. Баҳром ҳам бепарволиги, овга ўчлиги оқибатида давлат ва лашкар аҳволидан хабарсиз эди, у ҳам ов касофати билан Дилоромдан ажралади, ишқ бандига тушади.

Ёки тўртинчи кун ҳикоятидаги Масъуд саргузашти билан боғлиқ бўлган эпизодда майнинг инсонни мағлуб этиши, кишини ғафлатга солишини, маст киши ана шундай чорасиз эканлигини кўрсатиш билан Баҳромнинг майпарастлигини қоралайди. Мастликнинг хавфли оқибатлари бошқа ҳикоятларда ҳам келтирилган. Чунончи, Саъд маст бўлиб қасрига боради, занги уни боғлаб қамаб қўяди.

Ички ҳикоятлар сюжетларининг ихчамлиги, қизиқарлилиги ва бошқа бадиий хусусиятлари билан билан ҳам бош сюжетга яқин туради.

Хуллас, «Сабъаи сайёр»нинг ҳикоялари бир-биридан мустақил сюжетли, изчил асар бўлиши билан бирга улар бир қанча хусусиятлари билан ўзаро алоқада бўлиб, бир-бирини тўлдиради ва достоннинг ягона, яхлит асар эканлигини таъминлайди.

* * *

Гарчи мақсадимиз асосан, Баҳром Гўр тўғрисидаги асарлар сюжетининг таҳлили, уларнинг шу жиҳатдан ҳар бир шоир ижодида янгича ишланиши, тараққий эттирилишини ўрганиш бўлса-да, бироқ бу достонларнинг ғоявий мазмуни, бадиий-эстетик қиймати тўғрисида ҳам бир оз тўхталиб ўтиш, уларни шу томондан ҳам баҳолаш, ҳар бирига хос хусусиятни, ҳар бир ижодкор илгари сурган фикрларни баён этиш аҳамиятдан ҳоли эмас. Бунда биз кўпроқ «Сабъаи сайёр»га эътибор берамиз. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бадиий асарнинг ғоявий мазмунини унинг бадиий шаклидан ажратиб бўлмайди, бундай ажратиш фақат шартли равишда, уни жузъий қисмларга бўлиб ўрганиш учун амалга оширилади (илмий кузатишда қулайлик бўлиши учун). Шу боис, модомики, сюжет ишланишида ўзгариш бор экан, шоирларнинг ҳар бири уни ўз мақсади, эстетик қарашлари, идеали асосида тузиб чиққан экан, демак, бу сюжет ижодкор ғоясини, у яшаган замон талабларини акс эттириши шарт. Бу ҳол ҳозиргина қиёслаб ўрганганимиз «Шоҳнома», «Ҳафт пайкар», «Ҳашт беҳишт» ва «Сабъаи сайёр» асарлари сюжетининг тадқиқидан ҳам яққол кўриниб турибди: хоҳ Фирдавсий бўлсин, хоҳ Низомий ёки Навоий – уларнинг ҳар бири ҳикоялар сюжетини ўзгартирар экан, уни муайян мақсадга йўналтирган, муайян ғояларни ифодалаш, тасдиқлаш учун хизмат қилдирган. Бу фақат сюжет чизиғининг умумий кўриниши, асосий фабуласидагина эмас, балки унинг ҳар бир ҳалқаси, ҳар бир унсурида ўз аксини топган.

Фирдавсий қаҳрамонлик, афсонавий куч-қудратни ифодалаш, Эрон шоҳлари тахтининг шижоатли қўриқловчиси, меросхўри тимсолини яратишни ният қилгани учун «Шоҳнома»нинг «Баҳром Гўр» қиссаси воқеаларини нуқул ов ва мерганлик этюдлари билан тўлдиради. Баҳромнинг ўқ отишдаги маҳорати, ваҳший кучлар, душманларни қиришдаги паҳлавонлиги, тадбиркорлигини таъкидлайди, унинг бу йўлда қилган гуноҳларини ҳам кечиради, улуғлаб кўкларга кўтаради. Душманнинг тахтни эгаллаш сабабини Баҳромнинг парвосизлигидан эмас, балки сарой аҳлининг хоинлигидан топади.

Низомий Фирдавсий охирги режага суриб қўйган Баҳромнинг ғайриинсоний паҳлавонлигига хос одатларининг бир кўриниши сифатида қайд қилиб ўтган севги мавзуини анча кенгайтириб, асарнинг асосий мавзуига айлантиради ва Фирдавсийдан фарқли ўлароқ ов ва мерганлик, дала-дашт кезиб турли ҳайвонлар билан олишишга бағишланган ҳикоятларни камайтириб (Нуъмон саройидаги воқеалар тасвири бундан мустасно), асосий эътиборни Баҳромнинг аниқ сифатидаги қиёфаси, ҳукмдорликдаги хатти-ҳаракатларини кўрсатишга қаратади. Овга оид хусусиятлар ана шу бош мавзуга бўйсундирилган. Улуғ шоир қандайдир афсонавий қудратга эга шоҳни эмас, балки аниқ бир ҳукмдор тимсолини яратиш, ўз даврини қизиқтирган масалалар – подшо ва сарой, подшо ва халқ, подшо шахси ва давлатни бошқариши, адолат ва осойишталик, халқ ва ватан дахлсизлиги каби ижтимоий масалаларни тасвирлаб, бу борадаги ўз қарашларини ифода этади. Унингча, шоҳ ҳар қанча оқил ва тадбиркор, шахсий шижоатли бўлмасин, лекин у халқ дардини билмаса, давлат ишлари, юртни бошқариш билан жиддий шуғулланмаса, золимларни жазолаб, адолатни ҳимоя қилмаса – унинг салтанати узоққа чўзилмайди, у ҳукмронлик қилишга лойиқ эмас. Ишқбозлик, айшу ишратнинг ҳаддан ошиши, ғафлатда қолиш – мамлакатни хароб, элнинг хонавайрон бўлишига олиб келади. «Ҳафт пайкар»да келтирилган етти қаср, етти маҳбус ҳикоялари, чўпон ва ит ҳикояси, Чин хоқонининг бостириб келиш эпизодлари – буларнинг барчаси ана шу ғояни илгари суришга хизмат қилган.

Хусрав Деҳлавий Низомийдаги бу ғояни анча ўзгартирган, шоҳга нисбатан айтилган кескин фикрларни юмшатган, гўё Баҳромни ҳимоя қилаётгандай, унинг салбий хислатларини ёқлагандай майдонга чиқади. Бу эса Низомийга нисбатан бир қадам орқага чекиниш эди. (Албатта бу нарса Хусрав Деҳлавийнинг сиёсий-ижтимоий қарашлари, эстетик тамойилларидан келиб чиқади). Бироқ шуни ҳам қайд қилиш керакки, ишқ-муҳаббат мотивлари, бу борадаги саргузаштлар тасвири Хусравда Низомийга нисбатан кучлироқ чиққан.

Алишер Навоий ҳам «Хамса»нинг тўртинчи достони «Сабъаи сайёр»ни ёзишга киришар экан, ана шу ишқ-муҳаббат мотивини янада кучайтиришни, уни асосий мавзу қилиб олишни ният қилиб олади. Бу борада Низомийдан ҳам, Хусравдан ҳам олға кетади: асар сюжетининг мазмунини, воқеаларнинг тараққий эттирувчи, ҳаракатлантирувчи, бир-бирига боғлаб, ягона, яхлит ҳолга келтирувчи фикр, ғоя, маънони ҳам шу ишқ можароларидан иборат қилиб қўяди. Бу ҳол асарнинг бошидан охиригача давом этувчи асосий қолипловчи ҳикоядагина эмас, балки қолган олти ҳикояда ҳам ўз таъсирини қолдирган.

Хўш, Навоийнинг ишқни асосий мавзу қилиб олишдан мақсади нима? Асарни бошқа ғоялардан холи этишми? Ишқни у «Фарҳод ва Ширин», хусусан «Лайли ва Мажнун»да етарли тасвир этган эди-ку? Ёки шу йўл билан ўз асарининг оригинал чиқишини таъминламоқчи бўлганми?

Аввало, шуни айтиш керакки, ишқ–муҳаббат мавзуси Навоийнинг ҳар бир достонида алоҳида томони билан кўзга ташланади, унинг муайян бир маъноси бадиий ҳал этилади.

Иккинчидан, Алишер Навоий ишқни достоннинг асосий мавзуси қилиб олиш билан уни ижтимоий ғоялардан холи қилган эмас. Мутлақо! «Сабъаи сайёр»да шоҳлик ва юртнинг дахлсизлиги, адолат ва халқпарварлик, зулмга қарши кураш, адолатли ҳамда жоҳил ва нодон подшоларнинг роли каби даврнинг муҳим долзарб масалалари дадиллик билан ўртага ташланган ва ижобий ҳал қилинган. Бунда илгариги шоирлардан фарқли равишда Навоий бу масалаларни бошқачароқ ҳал этади. Унда бу ғоялар асосий мавзу ишқ-муҳаббат ғояси билан боғлаб олиб борилган, бу икки масала зич алоқадор қилиб тасвирланган, буни бош ҳикояда ҳам, ички ҳикояларда ҳам кўрамиз. Яна шуни айтиш керакки, ижтимоий мотив-

лар Навоий достонининг ички ҳикоятларида кучли, улар Баҳром тимсоли орқали бевосита ифодалаб бўлмаган ижтимоий ғояларни акс эттириб, бош тимсолни тўлдирган ва буларнинг ҳаммаси асар сўнгига бош тимсол таъсири орқали замонга уланган. Навоий Ҳусайн Бойқаро ва Бадиуззамонни махсус тилга олиб, уларни ўрнак олишга, ўзларидаги Баҳромда учрайдиган ёмон хислатлардан воз кечишга чақиради.

Учинчидан (асосийси), Навоийнинг «Сабъаи сайёр»да ишқни асосий мавзу қилиб олишидан мақсад, воқеаларни бир мавзу атрофида, бир марказга тўплаш, асар сюжетига яхлитлик, мунтазамлик бахш этиш, уни мукаммал шаклга эга бадиий асарга айлантириш эди. Бу усул унга бир томондан асосий сюжетга алоқаси бўлмаган, зўракилик билан тиқиштирилган ҳикоятлар (ов, мерганликка бағишланган)дан қутулишга, ихчам, содда ва қизиқарли сюжетни яратишга имкон берган бўлса, иккинчи томондан асар тимсолларини чуқурроқ ишлаб чиқишга, улар характерининг индивидуал томонлари, ички кечинмаларини ёритишга, демакки, илғор ғояларнинг янада жонли ва таъсирли ифодаланишига имкон туғдирган. Асарнинг бош қаҳрамони Баҳром Навоий қаламида томоман янгича талқинга эга бўлган. Биз уни кишилар тақдирига тамоман бефарқ қарайдиган, худбин, мағрур шоҳ сифатида эмас, балки ўзгариб борувчи, қалбида соф муҳаббат алангаланган, қийналувчи ошиқ сифатида, ишқ ва шоҳлик орасида иккиланадиган, бунисини тутса, буниси қўлидан чиқиб кетадиган одам сифатида кўрамиз.

Баҳром «Сабъаи сайёр»да асар бошида худбин шахс сифатида кўринса, охирига келиб мулойим ва тамоман маъшуқасига асир бўлиб қолган киши бўлиб акс этади.

Канизак тимсоли ҳам достондан-достонга кўчиб, мазмунан ўзгариб, чуқурлашиб борган. Низомийдаги Фитна билан Навоийдаги Дилоромни бир-бири билан тенглаштириб бўлмайди. Фитна – оддий маъшуқа. У Баҳромни севади, лекин унда Дилоромдагидай оташин муҳаббат йўқ. Навоий Дилороми – зўр санъаткор, нозик қалбли, ишқи зўр, садоқати мустаҳкам қиз. Навоийда бу тимсол ҳар томонлама ишланган. Унинг қийналиши, изтиробларини, синовлардан ўтиши ҳароратли мисраларда тараннум этилади.

Навоий бу тимсол талқини орқали ишқ ва шоҳлик масаласини кўтариб чиқади. У шоҳлик билан ошиқлик бирга яшай олмайди, ё ошиқ бўлмоқ керак, ё шоҳлик қилиш керак, деган ғояни илгари суради. Бу ғоя ҳам Навоийнинг ўз даври билан боғланган. Ишқбозлик йўлига кириб кетиб давлат ишларини барбод берган темурийлар анчагина эди. Достонда Баҳромдаги ишратпарастлик, худбинлик, мағрурлик, майпарастлик танқид қилинади. Шоҳ шу хислатлари учун жазоланади, шу хислатлар охир-оқибатда уни ер остига тортиб кетади. Алишер Навоий, шундай қилиб, «Сабъаи сайёр»нинг кириш қисмида баён қилган дастурини тўла амалга оширади:

Достоннинг асоси ишқ мавзуидан иборат.

Унинг сюжети, воқеалари мунтазамликка, мантиқий мутаносибликка, занжирий тадрижга эга.

Баҳром ишратпараст, майҳур, маъшуқабоз, худбин шоҳ эмас, у собит ва содиқ ошиқ, ундаги ижобий хислатлар таърифланади, салбий хусусиятлар қораланади.

Бундан ташқари, буюк Алишер Навоий «Сабъаи сайёр»нинг бошқа тимсоллари орқали ҳам адолатпарварлик, инсонпарварлик ғояларини, сахийлик, софлик ва ростгўйлик, чин севги ва садоқат, билим ва ҳунар, ватанпарварлик ва баҳодирлик каби ва бошқа жуда кўп эзгу ғояларни тараннум этган. Унинг бу достони «Хамса»даги энг серқирра, кўп тимсолли, ранг-баранг воқеалар, мазмунларга бой асар ҳисобланади. Унинг ҳар бир ҳикояси яхлит бир достон. Бир ҳикоянинг ўзида бир қанча фикрларни илгари суради, бир нечта тимсол-

ларни яратади.

«Сабъаи сайёр» фақат сюжет ва композицион жиҳатдангина эмас, балки шеърий санъатларнинг ишлатилиши, тилининг беқиёс даражада ширадорлиги билан ҳам «Хамса»нинг қолган достонларидан қолишмайди. Унда мумтоз бадиий санъатларнинг ҳамма турларидан мисол топиш мумкин. Ундаги энг асосий хусусиятлардан бири шуки, Навоий Баҳром кечинмаларини кўтаринки руҳ билан, батафсил тасвирлайди, бош қаҳрамоннинг ички дунёсини кенг очиб беради. Шу сингари Дилором ва ички ҳикоятлардаги гўзалларнинг тасвири, улардаги нозик ҳаракатлар, латиф хислатлар ниҳоят жозиба билан чизиб берилган. Бу жиҳатдан Навоий достонида биз Низомий асаридаги салмоқдор ва қудратли тилни ҳам, Хусравга хос ширин, латофатли тилни ҳам бемалол ҳис қиламиз десак, хато бўлмайди.

Шундай қилиб, Баҳром Гўр ҳақидаги сюжет Фирдавсийдан тортиб Низомий ва Хусрав Деҳлавий орқали Навоийгача тараққий этиб келди. Сюжет тадрижий такомилида давр ўтиши билан боғлиқ тузилиш, воқеалар ривожи ўзгарди, шу билан бирга, сюжет ғоялар, сиёсий-ижтимоий, қарашлар такомилини ўзида акс эттирди. Бу эса ҳар бир ижодкорнинг ўз давр талаби билан юзага келган, унинг эстетик қарашларини тақозо этган тамойиллардан келиб чиқишини билдиради.

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» асари улуғ «Хамса»нинг таркибий қисми сифатида ундаги қолган тўрт достон қаторида, бир томондан ўзбек достончилигига, ўзбек эпик адабиётига қўшилган катта ҳисса, юксаклик сифатидаги шоҳ асарларидан бири бўлса, иккинчи томондан, Шарқ адабиётидаги достончиликни тараққий эттиришда ҳам муҳим босқич бўлиб, уни янги поғонага кўтарган асар ҳисобланади.

«Сабъаи сайёр» Навоийдан кейин ўзбек адабиётида Баҳром Гўр ҳақида яна бир қанча асарлар яратилишига туртки бўлди, уларга бевосита ижобий таъсир кўрсатди. Бунга Ғарибий, Сайқалий ва бошқа шоирларнинг асарларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

3. Ғарибийнинг «Шоҳ Баҳром ва Дилором» достони

Ғарибий тахаллуси билан форс-тожик, ўзбек, туркман адабиётлари тарихида бир қанча шоирлар ижод этганлар. Уларни биз Навоий даврида ҳам, Навоийдан кейинги асрларда ҳам учратамиз. Бироқ биз сўз юритаётган Ғарибийнинг асл номи, таржимаи ҳоли, лирик мероси ҳақида ҳозирча бирор бир ишончли маълумот йўқ.

У бизга «Ғариблар ҳикоёти» номли Қашғарда тузилган достонлар тўпламининг муаллифларидан бири сифатида маълум. Бу китобнинг бир қўлёзма нусхаси Россия ФА Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлимининг қўлёзмалар фондида С 165 рақами остида сақланмоқда. Тўплам чиройли настаълиқ хати билан кўчирилган. Котибнинг номи ва кўчирилган йили кўрсатилмаган.

«Ғариблар ҳикоёти» тўпламидан Навоий «Хамса»сидаги уч достон: «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр»дан ташқари яна «Вомиқ ва Узро», «Юсуф ва Зулайхо» каби бир неча ишқий романтик қиссалар ҳам жой олган.

ЗШарқшунос олим К.Залеман тўпламдаги ҳамма достонларни Ғарибийга мансуб деб кўрсатса,[325] А.М.Мугинов унинг фикрини рад этиб, бу асарлар Низорий деган шоирга тегишли деб такидлайди.[326] А.М.Мугинов фикрини адабиётшунос Р.Қодирий ҳам қувватлаган.[327] Бироқ бу фикрларнинг ҳар иккаласи ҳам бир ёқламадир. «Ғариблар ҳикояти»даги асарларни батафсил ўқиб чиққан одам шу нарсанинг гувоҳи бўладики, уларнинг муаллифи бир шоир эмас. Достонларда Низорийнинг ҳам, Ғарибийнинг ҳам номлари бор. Булардан бошқа яна бир учинчи шоир Зиёий улар билан ижодий ҳамкорлик қилган. Бу шоирлар ғоявий ҳаммаслак, яқин дўст ва катта мақсад йўлида бирга ижод қилган кишилар бўлганлар.

Абдураҳим Низорий (1770-1849) XIX аср уйғур адабиётининг йирик намояндасидир. Ундан катта ҳажмдаги лирик асарлар тўплами, девон ва бир неча номдаги достонлар етиб келган. Низорий Навоий ижодига буюк ҳурмат ва қизиқиш билан қараб, уни уйғур халқи (Шарқий Туркистон) орасида тарқатишда бебаҳо ҳисса қўшганлардан ҳисобланади. Шоирнинг ўзи Навоийни устоз деб билиб, ўз асарларида унга эргашган, ижодидан таъсирланган. Унинг Навоий ғазалларига битган кўпдан-кўп муҳаммаслари бунинг далилидир.

Ғарибий Низорийнинг кичик замондошими ёки ёш жиҳатдан ундан каттами, бу ҳақда маълумот йўқлиги боис, буни аниқ айта олмаймиз. Фақат шу маълумки, шоир Ғарибий ўз шеърлари билан Шарқий Туркистонда шуҳрат қозонган ва у Низорий каби уйғур мумтоз шоирлари билан ҳамкорлик қилган. У ҳам Навоийга эргашган ва унинг ўлмас асарларини тарғиб этишда муносиб улуш қўшган.

«Ғариблар ҳикоёти» китобидаги Ғарибий қаламига мансуб асарларидан бири «Шоҳ Баҳром ва Дилором» достонидир. Асарнинг кириш ва хотима қисмларида Ғарибий муаллифлиги тўғрисида бирор гап бўлмасада, лекин асарнинг ўзида, айрим бобларнинг якунловчи байтларидаги лирик чекинишларда у ўз тахаллусини келтирган. Чунончи:

Ғарибий, жаҳон ичра йўқтур нишот,
Бу водий аро айлагил эҳтиёт.[328]

Ёки:

Ғарибий, фано даштиға қил хиром,
Жаҳон шуғлидин қолмағил нотамом.[329]

Ёхуд:

Ғарибий, қўпуб йўлға тайёр бўл,
Агар мумкин ўлса сабзавор ўл![330]

Бу тахаллусли байтлар Навоий ўз тахаллусига келтирган байтлар ўрнида келтирилган. Шоҳ Баҳром ва Дилором» достони:

Сўзиким бу янглиғ чекибдур рақам,
На навъ ўттиларким мулуки Ажам.[331]

байти билан бошланиб, дарҳол Баҳромнинг етти иқлим шоҳи эканлиги, ов ва майни се-

---

[325] А.М.Мугинов, Описание уйгурских рукописей института народов Азии, изд. Вос. лит-ри. М.,1962, 107–108-бб.

[326] Ўша асар, 108-109-бетлар.

[327] Р. Қодирий, Ўзбек-уйғур адабиёти алоқаларига доир, «Шарқ юлдузи» журнали 1966 йил, 1-сон, 160–161-бб.

[328] Россия ФА Шарқшунослик институти Санкт-Петурбург бўлимининг қўлёзмалар фонди, инв. С. 165, 3-4-бетлар.

[329] Ўша қўлёзма, 20-21-бетлар.

[330] Ўша қўлёзма, 31-бет.

[331] Ўша қўлёзма, 1-бет.

виши, ўз аъёнлари билан навбатдаги овга чиқиб, Монийни учратганлиги ва Дилором хабарини топгани лавҳаси тасвирига ўтилади ва:

Кўнгилдин хаёлингни қилма йироқ,
Яна қилма анда аҳли фироқ.
Чу ишқ ўтида ўртагил жисмни,
Фано айлагил хасталик исмни.

деган байтлар билан тугалланади. Асарнинг ёзилиш санаси кўрсатилмаган.

Ғарибий достонининг ғоявий мазмуни, сюжет хоссаси ҳақида гапиришдан олдин унинг ўзига хос умумий хусусиятлари, «Сабъаи сайёр» билан алоқаси тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз.

«Шоҳ Баҳром ва Дилором» достонини синчиклаб ўқиб чиқар эканмиз, у ўзининг сюжет ривожи, воқеалар тизмаси, композицион қурилиши, тимсоллар тизими, характерлар хусусияти, ички ҳикоятлар, уларда ифодаланган ғоя, фикрлар, саргузаштлар, тасвирлар билан, ҳаттоки айрим шеърий санъатларгача Навоий «Хамса»сидаги «Сабъаи сайёр» асарига жуда яқинлигини кўрамиз. Воқеаларнинг кетма-кетлиги, мотивировкаси, тимсоллар талқини, олға сурилган асосий ғоялар ҳам деярли айнан сақланган.

«Шоҳ Баҳром ва Дилором» билан «Сабъаи сайёр» орасидаги фарқ шундаки, Ғарибий достони анча қисқа, ундаги воқеалар сиқиқ ва тафсилотсиз баён этилган. Навоий фойдаланган хафиф баҳри (фоилотун, мафоийлун, фаълон – V– – / V– – – / – –) ўрнига Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги мутақориб (фаувлун, фаувлун, фаувлун, фаул V – – / V – – / V– – / V –) баҳри қўлланилган.

Хўш, шундай экан, Навоий асаридаги воқеаларни такрорлаш, уларни қайта тасвирлашдан Ғарибийнинг мақсади нима бўлган, бу билан шоир нимани кўзлайди? Ғарибийнинг мақсади Навоий достонини бошқача тарзда, яъни ихчамроқ ҳамда соддароқ тилда янгидан куйлаш, шу йўл билан уни кенгроқ тарғиб этиш, оммалаштириш, улуғ шоир ғояларини халқ орасига чуқурроқ ёйишдан иборат бўлган. Бунинг учун у ўзига маъқул вазн танлаган, нисбатан янги иборалар, санъатлар қўллаган ва шу аснода ўз истеъдодини синовдан ўтказган, шу ният билан Ғарибий «Сабъаи сайёр»даги муқаддима ва хотима бобларини (ҳамднаъд, бағишлов, якунлар) тамоман чиқариб ташлашдан ташқари, асосий ва ички ҳикоялар сюжетини ҳам нуқул воқеаларини давом эттириш, қисқа-қисқа баён этишга интилиб, байтлар сонини тенг яримга қисқартирган. У воқеаларни тез айтиб ўтишга (тасвирлашга эмас) ва ибратли хулосалар чиқаришга эътибор берган. Қисқартирилган байтлар яхлит эпизодларни ташлаш ҳисобига бўлмай, балки, «Сабъаи сайёр»даги кенг тафсилотли тасвирлар, тимсоллар руҳий ҳолати, ички дунёсини ифодаловчи байтлар, табиат манзаралари ва бошқа эпизодларни тасвирловчи байтлар ҳисобигадир. Умуман, у тасвирни камайтирган. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, Ғарибий айрим ўринларда у ёки бу тимсолни кенгроқ характерлаш керак бўлиб қолганда, айрим эпизодларнинг тўлиқ ва баркамол тасвири керак бўлиб қолганда китобхонга буни Навоий китобидан ўқи, деб «Хамса»га ишора қилади. Масалан, у Дилором жамолини тасвирлашга бағишланган ўринда лўнда қилиб шундай дейди:

Анинг васфини қилмадим ман гадо,
Навоий китобида қилмиш адо.[332]

Ёки:

Бу сўзнинг давомини қилсанг ҳавас,
Очиб кўр, Навоий китобида бас.[333]

Ёхуд Меҳр ҳуснининг таърифида келтиради:

Агар кўрмоқ истар эсанг зулфу ҳол,
Навоий китобини илгингга ол![334]

Бу билан Ғарибий уч нарсани таъкидламоқчи бўлган: 1) Навоийга бўлган шогирдлик эҳтиромини изҳор этган, улуғ ўзбек шоирининг салоҳиятини қайд этган; 2) Навоий асаридаги воқеаларни, ҳикояларни қайта тасвирлашга киришган бўлса ҳам, лекин асари «Сабъаи сайёр» асаридан устун бўлмаслигини, буни даъво қилмаётганлигини, аксинча, зарурий ўринларда тасвир этиш қобилияти етмаганда Навоийдан мадад сўраётганлиги, унинг сеҳрли ижодига суянаётганлиги, Навоийнинг етук тасвирлари турганда унинг ўрнини боса олмаслиги, у даражага кўтарила олмаслиги айтилган; 3) ўзи яратаётган асар Навоий достонига жуда яқинлиги, унинг бошқача ишланган варианти эканлиги, буни яратишдан мақсад «Сабъаи сайёр»ни қисқартириб, соддароқ қилишдан иборатлиги кўрсатилган. Бундан ташқари бу байтлар китобхонни Навоий ижодига банд этиш, ўқиётган достоннинг Навоий асари репродукцияси эканлигини огоҳлантириш вазифасини ҳам ўтаган.

Шундай қилиб, келтирилган далиллардан маълум бўладики, Ғарибийнинг «Шоҳ Баҳром ва Дилором» асари тўла маънодаги мустақил асар сирасига кирмайди. Шу билан бирга бу достонни анъана доирасида ёзилган назира (жавобия) ёки «Сабъаи сайёр»га тақлидан ёзилган асар ҳам дейиш ўринли эмас. Буни адабиёт тарихидаги алоҳида ҳодиса деса бўлади. Чунки агар Ғарибий асари жавобия тарзида ёзилганида эди, унда мумтоз назирагўйлик анъанасига биноан «Хамса»даги Навоий сюжети ва тимсолларни янги талқинлар, тасвирлар билан бойитиш, янги ғоялар билан суғориш, мустақилликка интилиб, тенг куч, аммо янги тарзда куйланган, янгича зийнат топган асар бўлиши лозим эди. (Агар муваффақиятсиз назира бўлса ҳам, унда шоирнинг янгиликка интилиши сезилиши зарур). Ҳолбуки, Ғарибий достони бундай характерга эга эмас. Унда Навоий куйлаган асосий мазмун бутун тўлалиги, тимсоллар талқини ўзгартирилмаган. Шоирнинг ўзи ҳам жавоб айтишга бел боғлаганлиги, Навоий билан мусобақалашаётганлиги тўғрисида ҳеч нарса демайди. У буни хаёлига ҳам келтирмаган.

Ғарибий асарига тақлидчилик маҳсули деб баҳо бериш ҳам ярамайди. Шоир истеъдодининг баландлиги унинг ижодидан яққол акс этиб турибди. Унда тақлидчилик асорати кўринмайди. Агар у тақлидчилик қилганида Навоий номини бу мазмунда (юқорида келтиргандай) тилга олмас, ўзича, янги асар ёзганлигини даъво қилиб, унинг асари Навоий достонининг нусхасига айланарди. Агар борди-ю тақлидчилик деб атаганда ҳам, буни тақлидчиликнинг алоҳида тури деб, ижобий, фойдали тақлидчилик деб билмоқ даркор. Чунки шоирнинг Навоий соясида туриб, унинг ижодини ўғирлаб (агар шундай дейиш ўринли бўлса) ном қозониш нияти йўқ. Унинг нияти камтарлик билан Навоий асарини, юқорида қайд қилингандай ихчамлаб, соддалаштириб, ўз тили ва услуби билан янгидан яратиш ва унинг уйғур халқи орасида ёйилишини осонлаштириш бўлган. Агар бу иш ўзбек тилидан бошқа

[332] Ўша қўлёзма, 8-9-бетлар.
[333] Ўша қўлёзма, 23-24-бетлар.
[334] Ўша қўлёзма, 26-бет.

тилда бажарилганда эди биз Ғарибий достонини эркин таржиманинг бир тури деб баҳолаган бўлардик (биз ўзбек тилидан ўзбек тилига дедик. Чунки шоир гарчи Қашғарда яшаб, асарини уйғур халқи учун ёзган бўлса ҳам, достоннинг тили юз фоиз ўзбекчадир. Унда бармоқ билан санарли даражада айрим сўзларгина Шарқий Туркистон шевасига мослаб ёзилган). «Сабъаи сайёр»ни бундай ихчамлаб қайта яратишни шоир атайлаб ҳавас учун ёки ўзини кўрсатиш учун қилмаган, буни XIX асарнинг адабий диди талаб этар эди. Худди ана шу ўқувчига мослаштириш мақсадида бу иш амалга оширилган. Қашғарда агар «Хамса» ихчамлаштирилган бўлса, Марказий Осиёда у насрлаштирилди (ҳатто Низомийнинг форсча достонлари ҳам ўзбекча таржима қилинганда насрий йўл маъқул топилган). Бу ҳам янги ўқувчининг талабини қондириш учун қилинган ҳаракат ҳисобланади.

Ғарибий қисқартиришлари «Сабъаи сайёр»нинг умумий руҳига ва асосий мазмунига, сюжети тарҳига зарар етказмаган бўлса ҳам, аммо асар воқеалари тасвири ва характерларининг гавдаланишига бирмунча салбий таъсир кўрсатган. Бундан ташқари, баъзи ўринларда, гарчи иккинчи даражали бўлса-да (муҳимлари ҳам бор), содир бўлган ўзгаришлар ҳам борки, улар воқеалар асосланиши, мантиқий ривожи, тасвирлар деталига ўзгача из қолдириб, Навоий кўзлаган мақсадга мос келмайди. Қуйида ана шу ўзгаришлар тўғрисида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

Даставвал қисқартиришлар ҳақида. Буни достоннинг бошланиш қисми (биринчи боб) дан бошлаймиз. Алишер Навоий Баҳромнинг овга чиқиб базм қурганлиги ва бода ичиб сархуш бўлганлигини тасвирлар экан, худди шу ерда Баҳромнинг хаёлидаги гапларни, фикрларини (ички монолог) тасвирлаб ёзади:

Чун тааммул қилиб бу жоҳу жалол,
Кўнглига ҳар дам ўткариб бу хаёл.
“Ким бу шукронағаки қилди илоҳ,
Мени бу навъ олам аҳлиға шоҳ.
Элни шод айламак керакдурмен,
Адлу дод айламак керакдурмен...”[335]

Бу байтларни ўқиган китобхон Баҳромнинг фақат шавкатли, мулки катта, овга ўч, майпараст, ишратчи шоҳ эмас, балки адолат билан юртни идора этувчи, халқни шод этишни ният қилган ҳукмдор эканлигини ҳам англайди. Бу орқали Навоий ўз асаридаги бош қаҳрамон характерининг асосий хусусиятлари билан бошданоқ ўқувчини ошно этишни мақсад қилган. Чунки асарнинг бундан кейинги воқеалари тасвирида ана шу хусусиятлар орасидаги кураш ва уларнинг бир-бирига зидлиги тасвирлаб берилади. Ғарибий достонида эса Баҳромнинг улуғ подшолиги, етти иқлимга ҳукми раволиги ва май, мусиқа, овга ўчлиги, овга чиқиб базм қуриши, моҳир мерганлиги қисқача баён қилинади (Навоий шу эпизод тасвирига 40 дан ошиқ байт бағишлагани ҳолда Ғарибий уни 14 байтда айтиб ўтади), бироқ унинг одиллиги ҳақида сўз очмайди. Натижада тимсолнинг муҳим бир хусусияти китобхон назаридан четда қолганлиги маълум бўлади. Бундан ташқари, Навоий худди шу тасвирнинг ўзида Баҳромнинг келгуси ҳаракатига ишора қилади. Буни улуғ шоир шоҳнинг ов қилиб ҳисобсиз бегуноҳ жониворларнинг қонини тўкаётганлигини айтиш билан кўрсатади, шу байтларида Баҳромнинг бу салбий хусусиятига антипатия билан қарашини ифодалайди ва ўқувчини ўзи билан эргаштириб, унинг қалбида ачиниш, ғазаб ҳиссиётини қўзғатади. Қисқартириш Ғарибий асаридан бу сифатни ҳам маҳрум этган. Ўқувчига тўла аён бўл-

[335] Алишер Навоий. «Хамса», нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев, Тошкент, «Фан», 1960. 486-бет.

син учун «Шоҳ Баҳром ва Дилором» асаридан ўша парчани келтирамиз:

Сўзеким бу янглиғ чекибтур рақам,
На навъ ўттиларким мулуки Ажам,
Чу Баҳром шоҳдин қилиб ибтидо,
Саҳойиф изига алар интиҳо.
Ҳашам ичра андоғки гардуннамо,
Солиб дурри давлат бошиға само.
Анго разми Чин шаҳри мунқод ўлуб,
Дағи адли бирла жаҳон шод ўлуб.
Бўлуб етти иқлим анинг бандаси,
Улуғ тожварлар сарафкандаси.
Ато қилди Тангри бу навъ тахту тож,
Бериб шоҳу хайли хирож ила бож.
Қўйуб жонға миннат ҳама шоҳлар,
Анинг хизматин олийдаргоҳлар.
Бўлуб айшу ишрат била шоҳ мудом,
Муғанний суруди анга ерда ком.
На ерда муғанний эрур хушнафас,
Ани шул замон келтирур эрди бас.
Ҳамиша қилур эрди сайёдлик,
Ўтиб умр ичра бу муътодлик.
Ўтуб сайд сори отар бўлса ўқ,
Тикиб жонварға йироқу ёвуқ.
На ер бўлса беша аро хуш ҳаво,
Тушуб анда айлаб муғанни наво.
Кунеким, бу янглиғ шикор айлабон,
Кийик беша узра гузор айлабон.
Тикиб боргоҳни тузуб эрди базм,
Ичиб бода айлаб ўйун бирла базм[336].

Достоннинг бошқа ерларида ҳам шундай «четлаб ўтиш» ҳоллари бор. Чунончи, еттинчи ҳикоятда тасвирланишича, Дилором ўз хожаси қўлига тушиб, ажалдан омон топгач, яна Баҳром олдига боришга ва ундан узр сўрашга қарор қилади. Бироқ Хожа унинг бу қарорини қатъийлик билан рад этади ва Дилоромга жавобан дейди:

“Ким хатодур бу раъйким қилдинг,
Хирадингдин магарки айрилдинг?
Ёва десен! Ўзунгдаму йўқ сен?
Ёки хони ҳаётдин тўқ сен?
Шаҳки бир сўз учун тўкар қонинг,
Яна қилмоқ недур фидо жонинг?
Шоҳ бир шўълаи фурузондур,
Ҳар кишига етишса сўзондур.
Ўт аро ихтиёр ила сурмак,

[336] Россия Ф.А. Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлимининг қўлёзмалар фонди, инв. С165, І-а варақ.

Баҳра бермас, бағайри куйдурмак.
Шоҳким бўйла тангдил бўлмиш,
Ғазаби ўти муштаил бўлмиш.
Қочмоқ андин савоб эрур бу дам
Неча андин йироқ – офат кам!..”[337]

«Шоҳ Баҳром ва Дилором»да ўқиймиз:
Ғазабдин санго бўлса шоҳ тангдил,
Санго тиғ сурса бўлурман хижил.
На деб шоҳ қашиға олиб борғаман.
Сани олибон жойима ёнғаман.[338]

Навоий байтларидаги умумлашма ғоя – барча шахсларга хос худбинлик, андишасизлик, ғазабкорликни қоралаш, уларни кескин, қатъий танқид қилиш ғояси Ғарибийда йўқ. Навоий бундай шоҳлардан узоқроқ яшаш авло эканлигини, улар одамзод, муҳаббат учун офати жонлигини очиқ-ойдин баён этади. Ғарибий бу фикрни олиб ташлаган, шоҳларга муносабатни юмшатиш ва Дилоромнинг Баҳром олдига боришдан воз кечишини Хожанинг раҳмдиллиги билан боғлаган.

Қисқартирилишга берилган Ғарибий достоннинг айрим бобларини бутунлай ташлаб ҳам кетган. Чунончи, «Сабъаи сайёр»да Баҳром Дилоромни Хитойдин олиб келгандан кейин айшу ишратни кучайтириб, давлат ва мулкни тамоман эсдан чиқарганлиги, доимо Дилором билан бўлиб, кунлари ову май билан ўтиши, бу ҳолда хавотирда қолган шоҳ кишилари уни огоҳлантирганлиги ва у икки ўт орасида қолиб, нима қиларини билмай қийналиб юриши, гоҳи ишқдан воз кечишга азм қилиши тасвирланади. Буюк шоир бунга махсус боб ажратган ва уни достонининг муҳим қисми деб билиб, воқеани батафсил баён қилган. (Бунинг қанчалик зарурлигини юқорида кўрдик).

«Шоҳ Баҳром ва Дилором»да бу боб йўқ. Бобдаги айрим фикрлар (Баҳромнинг доим Дилором билан бўлиб мулку халқни ёдидан чиқарганлиги) бошқа бобда айтилган бўлса ҳам, лекин шоҳнинг руҳий зиддияти акс этмаган ва кейинги воқеа тасодифан юз бергандай бўлиб чиққан. Бу ҳол достон сюжетининг ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатиб, унинг «Сабъаи сайёр»даги Баҳром қалби зиддиятлари, кечинмаларини акс эттирувчи бошқа ўринлари ҳам Ғарибий асарида юқоридаги каби ифодаланмай қолган. Бундан ташқари, «Сабъаи сайёр»да Баҳромнинг дарди ишқ дарди бўлгани учун у то Дилором топилмагунча батамом тузалмаганлиги айтилади. Қаср қуриш, шоҳ қизлари билан вақт ўтказиш ва қисса айтиб уни овутиш, ҳижрон дардини енгиллаштириш воситаси эканлиги қайд қилинади. Баҳромнинг хатти-ҳаракатларида ҳам шу ҳол сезилиб туради. Ғарибийда эса Баҳром еттинчи ҳикояга қадар батамом тузалади (ҳолбуки шоирнинг ўзи достоннинг Баҳромга даво топиш учун олиб борилаётган тадбирлар эпизодида ҳижрон дардининг давоси васл деб таъкидланган эди). Унда тасвирланишига қараганда, Баҳром дуо, дори-дармонлар билан анча ўзига келади ва қасрларни қуришни томоша қилиб бориб, қурилиш охирлаганда кучга киради ва ҳокимлар унинг батамом тузалиши учун шоҳ қизларини келтириб, никоҳ қилиб бериш керак дея маслаҳат берадилар. Шунинг учун бўлса керак, Навоийда агар Баҳром маликалар билан айш қилаётганда ҳам кўнгли жойига тушмай, Дилоромни ёдида тутиб турганлиги,

[337] Алишер Навоий, «Хамса». Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев, Фан. Тошкент, 1960й. 596-бет.

[338] Россия ФА Шарқшунослик институти, Санкт-Петербург бўлимининг қўлёзмалар фонди, инв. С165, 28-бет

ишқ хасталиги тасвирланса, Ғарибийда биз қасрлардаги ўтиришлар, қиссахонлик эпизодларида бирор марта Дилором номини учратмаймиз, Баҳромнинг у ҳақда ўйлаётганлигини сезмаймиз.

Мана шу чекинишлар, тўғриси Навоий асарига нисбатан Ғарибий асарининг бўшлиги фақат Баҳром тимсолининг ишланиши, тўлақонлилиги ва ғоявий етуклиги учун зарар келтириб қолмай, балки сюжет ривожи учун ҳам сезиларли нуқсон бўлиб қолган.

Юзаки қараганда «Шоҳ Баҳром ва Дилором» достонининг сюжети «Сабъаи сайёр» сюжетига мувофиқ келади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Чунки унда бор асосий эпизодлар (Монийнинг Дилоромдан хабар бериши, Дилоромнинг Чин мамлакатидан келтирилиши, унинг ов пайтидаги «беодоблиги» учун чўлга улоқтирилиши, Баҳромнинг қийналиши, қасрлар қуриш, қасрдаги ишрат ва қиссахонлик, Дилоромнинг топилиш хабари, уни келтириш, висол, овга чиқиб ва ботқоқликка ботиб йўқ бўлиш эпизодлари) бунда ҳам бор. Эпизодлар Навоий асаридагидек тартибда, келтирилган воқеалар ўшандай бошланиб, ўшандай тугайди. Бироқ бу умумий схематик жиҳатдан бўлган мувофиқликдир. Ғарибий асари сюжетининг аниқ ривожи, воқеаларнинг деталланиши, бир-бирига уланиши, изчиллиги, асосланиши бўйича анчагина ўринларда Навоийдан орқада қолганлигини кўриш мумкин. Буларни Баҳром билан боғлиқ эпизодлар тасвирида ҳам, бошқа ўринларда ҳам учрайди. Баҳромнинг ички руҳий зиддиятлари унинг саргузаштлари таъсирида воқеъ бўладиган ҳодиса бўлиб, у достон сюжетига бевосита алоқадордир. Негаки достондаги асосий зиддият ҳам худди шу Баҳромнинг руҳий зиддиятидир. Воқелар ривожи, сюжетнинг кульминациясини таъминловчи нуқта бўлган. Баҳромнинг қасрдаги аҳволи ўзгартирилиши билан мазмунан ўзгарган ва изчиллик, мантиқийлик йўқолиб, Дилоромнинг топилиши яна тасодифга, ортиқча нарсага айланиб қолган. Ҳолбуки, Дилоромнинг топилиши (ечим) Баҳромнинг тобора оғирлашаётган дардига (ривож ва кульминация) бирдан-бир чорадир.

Сюжет ривожига бевосита тааллуқли бўлган яна бир мисолни келтирамиз. Навоий «Сабъаи сайёр»сидаги Дилором ғазабга учраган ов эпизодини тасвирлаганда буни аввалги ов лавҳасидай батафсил тасвирлаб ўтирмайди, яъни дала-тоғ манзаралари, ов манзараси каби нарсалар тасвирига тўхталмасдан, тўғридан-тўғри Баҳромнинг хижил кўнгил билан Дилоромни олиб овга чиққанидан бошлайди. Бунда шу деталга эътибор бериш керакки, Навоий ов манзарасини кенг тасвирлашни лозим топмасликдан ташқари (бунга эҳтиёж йўқ эди), кийикни учратганда Баҳром билан Дилором бирор-бир майсазорда ўтириб маишат қилаётган бўлмай, балки от (ёки туя) устида юриб ов қилаётган бўладилар. «Шоҳ Баҳром ва Дилором»да эса:

Агар қилса ногоҳ шаҳаншоҳ шикор,
Дебон дилрабони менинг бирла бор.
«Чу Баҳрома бўлди саёҳат шиор,
Чиқиб маҳваши бирла қилди шикор.
Кезиб тоғу даштu биёбонни,
Олиб чиқди ҳамроҳ хушилҳонини.
Юрур эрди андоғки суръат била,
Басо лашкару аҳли журъат била
Бор эрди бу беша аро хуш ҳаво,
Маконеки гўё гулистоннамо.
Бу манзил аро тикдилар боргоҳ,
Мажолис қуруб ул пари бирла шоҳ.

Иковлон қилиб айшу ишратни тай,
Шаҳаншоҳга дилбар тутар эрди май.

Бўлуб маст май зўридин подшоҳ,
Навозишлар айлаб турар эрди моҳ.
Баногоҳ ғизола борур эрди тез,
Ки суръатда борди сабодек ситез.
Ўқ отмоққа шоҳ анча қодир эди,
Муродича ўқ онча зоҳир эди[339].

Шундан кейин Баҳромнинг мурожаати, Дилоромнинг талаби ва ундан кейинги воқеалар келтирилган.

Кўриниб турибдики, Ғарибий Навоий асарини қисқартиришдан ташқари, унинг баъзи ўринларида ана шундай қўшимчалар ҳам киритган. Бунда Баҳромни бемалол айш қилаётган, фикри-зикри ёри билан банд, хурсанд ва бахтиёр ҳолда кўрамиз. Ғарибий достони учун бу эпизод ортиқча эмас. Лекин Навоий учун бу ортиқча бўлар эди. Чунки Навоий асарида Баҳром икки ўт орасида изтироб чекаётган одам бўлгани учун бундай хуррамлик базми унинг кўнглига сиғмайди. Навоийда Баҳром овчилик одатини тарк этолмагани учун овга чиққанлиги кўрсатилади. Ғарибий асарида Баҳром бошданоқ ички зиддиятлардан холи одам сифатида тасвирланганини кўрдик. Шундай экан, у давлат эгасиз қолиб, мамлакат хароб бўлаётган бўлса ҳам унчалик парво қилмайди, ёр ва ишқдан воз кечиш хаёлига ҳам келмайди. Оқибатда у келтирилган байтларда тасвирланганидай ишрат базмини давом эттираверади. Демак, воқеалар характери мақсади қаҳрамон характерини белгилагандай, айни пайтда характер мақсади ҳам воқеалар характерини белгилайди, сюжет ривожини ўзига бўйсундиради. Ёки мана бу эпизодни олиб кўрайлик.

«Сабъаи сайёр»даги воқеалар ривожининг энг баланд пардаси Баҳром билан Дилоромнинг чашма бўйидаги тунги учрашуви, уларга узоқ ҳижрондан сўнг келган висол дақиқасидир. Алишер Навоий бу нуқтани олдиндан тайёрлаб боради. (Баҳром Дилором хабарини эшитиб, уни кўриш иштиёқи билан аъёнларига билдирмасдан кечаси йўлга чиқади). Буни шоир ошиқнинг ҳижронга ортиқ чидай олмаслигидан, дийдор кўришга ошиқаётганлигидан деб изоҳлайди.

«Шоҳ Баҳром ва Дилором» асарида Баҳромнинг изтироблари ифодаланмайди, унинг Дилоромга хати ҳам «ҳижрондан қутқар» мазмунида оддийгина битилган. Баҳром Хоразмга ўзи боришга жазм қилмайди, унинг ёр истиқболига кечаси чиқиши эса:

Чу Баҳром ҳажр ичра топди омон,
Чиқиб кечада маҳваши оллиға,
Борур йиғламоқ бирла ўз ҳолиға...[340] –

дея қуруққина изоҳлаган.

Воқеалар талқинидаги ўзгаришлар фақат қолипловчи ҳикоятда бўлмай, балки ички ҳикоятлар сюжетида ҳам учраб туради. Мисол тариқасида иккинчи ҳикоятдаги шундай ўзгаришларга учраган ўринларни кўздан кечирамиз. Бу ҳикоятлар Навоий «Сабъаи сайёр»сидаги бошқа ҳикоятлардан ҳам мавзу, ҳам тимсоллари билан тамоман фарқ қилувчи алоҳида хусусиятга эга воқеаларни тасвирлайди. Бунда бошқа ички ҳикоятларда бўлга-

[339] Ўша қўлёзма, 3-варақ
[340] Ўша қўлёзма, 29-»а» варақ.

нидай муҳаббат саргузаштини кўрмаймиз. Бу ерда шоир сарой хизматкорларининг қаллоблиги, талон-тарож билан шуғулланиши жуда силлиқ қилиб ечиб ташланган. Аммо у буни воқеаларга бетараф киши сифатида тасвирлаб кўрсатади. Иккинчи томондан воқеа шундай тасвирланганки, унинг бош қаҳрамони гарчи қаллоблик билан шуғулланса ҳам у китобхон нафратига сазовор бўлмайди. Аксинча, унинг уддабуронлиги, ишчанлиги, иродалилиги кишини ҳайратда қолдиради. Келтирилишича, бир шоҳнинг саройида Зайд деган моҳир заргар бўлиб, у саройда катта обрўга эга бўлган ва ҳунармандлиги билан ном қозонган экан. Бир кунда у шоҳнинг розилигини олиб унга ўзи юрар олтин тахт ясаб беради. Тахт шундай ясалган бўладики, шоҳ яқинлашиши билан зиналар пастга тушиб тайёр бўлади, чиқиши билан яна кўтарилади. Шоҳ тахт устида ўтириб уни турли томонга ўгириши, юргизиши мумкин, унинг икки чеккасида иккита тўти бўлиб, улар ҳар хил ширин сўзларни айтиб тураркан.

Аммо Зайд шоҳни алдаб тахтни кумушдан қилган, унинг устинигина олтин билан қоплаган эди. Олтинни эса ўзи олиб кетган. Буни Зайднинг шериклари англайди-да, шоҳга тўғридан-тўғри айтишга қўрқиб, тўтига «тахт қоплама» деган сўзни ўргатадилар ва саройдаги тахт қўриқчисига пул бериб, икки тўтини алмаштирадилар. Шу йўсинда сир ошкор бўлиб, Зайд зиндонга солинади. Зайд зиндондан қочиб чиқиб кофирлар мамлакатига боради ва у ерда бир черковга қатнаб ўзини ниҳоят художўй қилиб кўрсатиш билан бутпарастлар эътиборини қозонади. Улар Зайдни бутхона попи қилиб кўтарадилар. У кундузи диндорлар билан бўлса, кечаси икки ҳамюрти ёрдамида олтиндан ясалган бутларни ўғирлаб кумуш бутларга алмаштириш билан шуғулланади. Олтиннинг ҳаммасини йиғиб, бир кемага солиб юртига келтиради-да, ўзи яна чоҳга кириб ётади. Шоҳнинг бир оғир касали бўлиб, уни Зайддан бошқа киши даволай олмаган. Шоҳнинг шу дарди тутиб қолади ва у Зайдни чақириб келтиришга буюради. Бироқ Зайд «менинг душманларимни жазолайсан, фаранг мамлакатига қўшин тортиб олтин бутларни келтириб халққа тарқатасан, бутпарастларни мусулмон қиласан» деган шартлар қўяди. Шоҳ кўнади. Шунда Зайд чиқиб табиблик қилади. Шоҳ тузалгач, унинг мақсадлари бажо келтирилади.

Навоийда ҳикоя сюжети қисқача ана шундай. «Шоҳ Баҳром ва Дилором» достонида эса буни бир оз бошқача тарзда кўриш мумкин. Ҳикоянинг икки-уч жойида эпизодлар ўзгариб кетган. Бу ҳол, аввало, тўти алмаштириш воқеаси тасвиридан сезилади. Ғарибийда келтирилишича: «Зайднинг икки рақиби тўтиларни тутиб ўргатадилар, сўнг бири (дадилроғи) шоҳнинг олдига тўтилар билан кириб, унга дуову сано айтгач, тўтиларни мақтаб шоҳга топширади ва эвазига инъом олади. Тўтилар шоҳ олдида ўргатилган гапни айта бошлайдилар». Бунда ҳасадчилар тимсоли анча батафсилроқ тасвирланганини кўрамиз. Бироқ у воқеалар мантиқига қанчалик тўғри келади – бу бошқа масала. Навоийда ҳасадчилар тўтиларни шунинг учун ҳам шоҳдан яширин алмаштирадиларки, улар шоҳнинг Зайдга нисбатан ишончи баландлигини билиб, унинг ғазабидан қўрқадилар.

Ғарибийда гарчи улардаги журъат кучайтирилган бўлса ҳам, лекин асл мақсадга мувофиқ эмас. Ғарибийнинг нега шундай қилганлиги навбатдаги ўзгаришлар характери билан англашилади. У Зайднинг фаранг элидаги фаолиятини анча батафсил тасвирлаб (умумий мақсадга зид ҳолда), зиндонга келиб ётганини баён этади. Шундан сўнг у шоҳ фармони билан чоҳдан чиқмайди, рад этади, подшо фарёд чекиб йиғлаб ўзи келиб кечирим сўрайди, уни ёрим-биродарим деб сийлагач, чоҳдан чиқади. Шундан сўнг ҳалиги шартлар айтилади. Лекин асарда бошқачароқ изоҳланади. Фаранг мамлакати мулкига Зайднинг ўзи лашкарбоши бўлиб боради ва беҳисоб олтин келтириб хазинани тўлдиради. Бу орада у шоҳдан

мени душманларимнинг сўзига кириб жазоладинг, шуми ёрлик шарти, мана олтин керак бўлса ол, дея гина-тазарру ҳам қилади. Бу ҳол фақат тимсол талқинига эмас, балки сюжет ривожига ҳам ўзгариш киритган (шоҳнинг зиндонга келиши, Зайднинг лашкар тортиши).

Маълум бўладики, Ғарибий Зайд тимсолига алоҳида эътибор билан қараб, унинг инсон сифатидаги обрўси, фаоллигини оширади. Ҳатто унинг обрўйини шоҳдан устун қўяди, унинг рақибларини нафрат билан қоралайди. Шу мақсадда ҳикоя вазнини анча кенг режада тасвирлашдан ҳам қайтмайди. Ҳолбуки, Навоий унинг санъаткорлиги, уддабуронлигини кўрсатса ҳам, лекин унинг ҳийлакорлиги, қаллоблигини хаспўшламайди, оқламайди, балки рўй-рост тасвирлаб келтиради.

Ғарибий Зайд тимсолига алоҳида эътибор билан қарагани учун ҳам ҳикоя сўнгини унга ўгит (мурожаат) билан якунлайди:

Аё заргари ҳушмандон эшит,
Яна ким насиҳатни чандон эшит.
Хиёнат агар қилмасанг шоҳ сен,
Чароким ҳама шоҳға дилхоҳсен.
Хиёнат қилиб тушти зиндон аро,
Ёғиб бошига неча ранг можаро.
Хиёнат ани бутпараст айлади,
Ки бутхона ичра нишаст айлади.
Хиёнат била бўлди иззатнамо,
Бу янглиғ қилиб они нафси ҳаво.
Ўтубдур жаҳондин зарофат била.
Бу маҳшарда юргай хижолат била.
Чароким киши ҳаққи бўлса насиб,
Бу оламда шоҳ охиратда ғариб.
Ўзингни киши ҳаққидин соф қил,
Киши ҳаққини олма инсоф қил[341].

Бу байтлар мазмуни Ғарибийнинг ҳикоя тўғрисидаги тушунчаси, қилган ўзгартиришларининг моҳиятини ойдинлаштириши билан бирга унинг дунёқарашини, аҳлоққа оид фикрларини ифодалайди.

Бошқа ҳикоятлар сюжетида ҳам у ёки бу даражада турли тарздаги ўзгартиришларни мушоҳада қилиш мумкин. Ўрни келганда шуни ҳам қайд қилиш керакки, ички ҳикоятларнинг якунловчи қисмига Ғарибий ҳозир келтирганимиздай, ўзидан янги байтлар қўшиб, уларда асар воқеаларига нисбатан ўз муносабатини билдирмоқчи бўлган. Маълумки, «Сабъаи сайёр»да ҳар бир ҳикоядан сўнг Баҳром қиссахондан ватани қаер эканлигини ва ўзи ким эканлигини сўрайди, у эса ўзи айтган ҳикоя қаҳрамоннинг авлодидан ёки яқин дўстларидан эканлигини айтади. Кейин Баҳромнинг қаноат ҳосил қилгани ва мусофирни тақдирлаб уйқуга кетганлиги баён этилади. Бундан мақсад Баҳромнинг ҳикоя мазмунига муносабатини кўрсатиш, ҳикоя унга ижобий таъсир этганлигини таъкидлашдир. Ғарибий эса бундай савол-жавобни фақат биринчи ҳикояда сақлаган. Шунда ҳам бу диалогдан сўнг:

[341] Ўша қўлёзма, 13-варақ.

Кел, эй соқиё, жомидин айла шод,
Дилимни жаҳон кайфидин қил кушод.

Мани қил диёнат аро мустаҳим,
Бўлай шоҳ базмиға хосу надим[342] –

деган байтларни келтириб, ҳикоя қаҳрамони Ахий хислатини улуғлайди.

Бундан кейинги ҳикояларда эса Баҳром билан қиссахон орасидаги савол-жавоблар келтирилмасдан дафъатан соқийга мурожаат қилиниб, шоирнинг ўз фикрлари, ҳикоядан чиқарган хулосалари билдирилади. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, бу якунловчи парчаларнинг ҳаммаси ҳам ўзидан олдин келган ҳикоя мазмунига мос келмайди. Масалан, учинчи ҳикоятдан кейин Ғарибий дейди:

Эшитким будур даҳри дун одати,
Фалак золиға бор бу хосияти,
Ниҳон айлабон бирни ер қўйниға,
Бирини мусаллат қилиб ўрниға.
Бирини фано даштиға еткуруб,
Бирини жаҳон тахтиға келтуруб,
Бирин этиб тахтаға ётқуруб,
Бирин тахт узра чорзону қуруб,
Бириға бериб тож ила зарру сим,
Бирини қилиб хору-зору ятим.
Кел эй соқиё манга тутғилки жом,
Ичиб бодани маст ўлай субҳу шом,
Чиқиб ўзлугумдин бато сориға,
Солай ўзни шоҳи саҳобориға,
Қилай Тангри олдида пажмурда дил,
Дей олинда хожам манго етса тил,
Карам айлабон дастима берса тиғ,
Кесай ўзлугум шохини бедариғ.[343]

Ваҳоланки, ҳикоя мазмунидан бундай ғамгин ва тушкун хулоса чиқмайди. Ҳикоя ошиқнинг қанчадан-қанча машаққатлар чекиб, тўсқинларни мардонавор бартараф қилиб, маъшуқаси билан қовушгани, муроду мақсадига етгани билан тугаган. Ғарибийнинг бу фикрлари гарчи дунёнинг бевафолиги, ҳаётдаги тенгсизлик ҳақида тўғри тасаввур берса ҳам, аммо асар руҳига монанд эмас.

«Шоҳ Баҳром ва Дилором» достонининг тили «Сабъаи сайёр» тилига қараганда анча содда. Унда кетма-кет келадиган баланд шеърий санъатлар, чуқур маъноли мажоз ва истиоралар йўқ ҳисоби. Навоий достони бошдан-оёқ мажозий тимсоллар билан тўла. Унда сайёралар, уларнинг хосияти, қаср ранги – ҳафта кунининг хосияти, ҳикоя эпизоди, манзара деталлари – қаҳрамон хусусиятларини ўзаро ташбеҳлаб, бир-бири билан боғлаб тасвирланганки, бу сифат Ғарибий томонидан жуда бўшаштириб юборилган, баъзи ўринларда ҳатто бузилган ҳам. Чунки Навоий биринчи ҳикояни қора қасрда, Ҳиндистон (қоралик рамзи)дан келган қора либосли мусофир тилидан айттириши билан бирга ҳикоя қаҳрамонларининг

[342] Ўша қўлёзма, 8-»а» варақ.
[343] Ўша қўлёзма, 16-»а» варақ.

қора кийиб олишлари сабабини ҳам келтиради. Ғарибий персонажларнинг қора кийимлари ўрнига зарбофт (сариқ) тўн кийиб ўтиради, деб келтиради.

Шоир Ғарибий достонни ўз тили ва услуби билан куйлашга ҳаракат қилган ва бунга эришган ҳам. Унинг байтлари равон ва мазмунли, пухта. Достонда вазн сохталиги ёки қофия камчилиги кўринмайди. Муаллиф ўз фикрларини кўпроқ ўзбекча сўзлар ишлатиш асосида арабча-форсча лексикадан тийилишга интилган. У гарчи персонажлар руҳий кечинмаларига бағишланган тасвирларни қисқартирган, таъриф-тавсифли ўринларни Навоийда ўқи, деб тавсия этган бўлса ҳам, бундан унинг асари нуқул сюжет баёнидан иборат экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак, албатта. Ғарибий достонида ҳам қаҳрамон ҳиссиётини ифодоловчи, ўқувчига таъсир этувчи байтлар мавжуд. Масалан, шоир Дилоромни дастлаб кўрган Баҳром тилидан мана бу мисраларни келтиради:

Кириб кўрди маҳвашни ул беқарор,
Кетиб ҳушидан шоҳ беихтиёр.
Йўлоб ҳур филхон анинг бошини,
Кўзин очтию тўкти қон ёшини.
Деди: моҳ меҳри рахшонмусан,
Кўнгул авжида моҳи тобонмусан.
Сочинг жон қушига камандемудур.
Жунун аҳлиға пайвандемудур.
Эрур кирфикинг ўқ, қошинг ёймудур,
Кўнгул заҳм этарга муҳайёмудур.
Кўзунг ишқ элиға балоемудур.
Лабинг жон берурға балоемудур.
Бу янглиғ деди ширини сухан,
Эшитти бу сўзларни сийминбадан.[344]

Аммо бундай тасвир Навоийдаги сингари мунтазам давом эттирилмаган, достоннинг асосий хусусиятига айланмаган.

Ғарибий Баҳром Гўр ҳақидаги бу асарни қайта яратишни мақсад қилиб, ўз тилида оригинал иборалар, тимсоллар яратган.

Бироқ унинг асари Навоий лексикаси таъсиридан холи эмас. Унда «Сабъаи сайёр»даги иборалар, сўз ишлатиш, сўз танлаш ўхшашлигини сезасан киши. Баъзи ўринларда Навоий байтлари озгина ўзгариш билан келтирилган. Масалан, Навоий:

Муъбадеким варақҳа чекти рақам,
Ки не навъ ўттилар мулуки Ажам.[345]

Ғарибийда:

Сўзеким бу янглиғ чекибтур рақам,
На навъ ўттиларким мулуки Ажам.[346]

Навоийда:

Ҳосилчан шоҳ топти чун комин,
Демагил комким Дилоромин…

[344] Ўша қўлёзма, 2=б варақ.
[345] Хамса, 485-бет.
[346] Ўша қўлёзма, 2б ва 3а варақ.

Не де ўзга, не қилди пинҳоний,
Ки топар улки, фикр этар они.[347]

Ғарибийда:

Не дей ўзга ишни ки пинҳон эрур,
Хирадманд аҳлиға аъён эрур...
Шаҳаншоҳ топтики ўз комини,
На ўз комини, бал Дилоромини.[348]

Навоийда:

Ани салтанат ғайрати зўр этиб,
Ул ойға мулаттаф кўзин кўр этиб...
Улус кўнглини кокили қилди сайд,
Ўзун бўйиға оқибат қилди қайд.[349]

Ғарибийда:

Улар ҳусн аҳлиға фойиқ эди.
Ки Баҳром аҳдиға лойиқ эди...
Ҳаким аҳли амр этти бўсу канор,
Вале ўзга ишдин қилингиз фирор...[350] –

ва ҳоказо. Бу мисралар ўз нисбатида Ғарибий асарларининг тил жиҳатдан ҳам «Сабъаи сайёр»га яқин эканлигини кўрсатиб туради.

«Шоҳ Баҳром ва Дилором» достонини биз «Сабъаи сайёр» билан қиёслаб ўз мулоҳазаларимизни айтар эканмиз, мақсад уни камситиш, аҳамиятини пасайтириш эмас. Таҳлил Ғарибий асарининг Навоий достони билан яқин-узоқлиги даражасини, унинг ўзига хос хусусиятларини, сюжет ва тимсолларда қилган ўзгаришларини яққолроқ ўрганишга ёрдам беради. Ғарибий асари «Сабъаи сайёр» даражасида турувчи достон эмас. Буни муаллифнинг ўзи ҳам сезган ва алоҳида қайд этганини юқорида кўрдик. Ғарибий мақсади Навоий билан беллашиб, куч синашиб «Сабъаи сайёр» савиясида асар ижод этишга қаратилмаганини ҳам таъкидлаган эди. Унинг достони «Сабъаи сайёр»нинг мазмунини бир оз содда тил билан, айрим ўринларни ўз тушунчалари андозаси асосида қайта ишлаган ҳолда талқин қилинган уринишдир.

Алалхусус, «Шоҳ Баҳром ва Дилором» асарининг аҳамияти ҳам шу билан белгиланади.

Туғри, Ғарибийнинг ихчамлаштириши оқибатида асосий қаҳрамонлар (хусусан, Баҳром) нинг руҳий кечинмалари чуқур очилмаган, характерларнинг шахсий хислатлари аниқ намоён бўлмаган. Анча жойда тасвир ўрнини баён эгаллаган. Бунинг натижасида Баҳром, Зайд каби тимсолларнинг талқинида ўзгариш пайдо бўлган. Албатта келтирилган нуқсонлар Ғарибий асарига Навоий санъаткорлиги чўққисидан ташланган назар оқибатида мушоҳада қилингандир. Ғарибий ўзига яраша, ўз мавқеида истеъдодли шоирдир ва унинг достони китобхонни қизиқтирадиган, унга завқ берадиган, эргаштирадиган (ҳатто анча инжиқ ва завқи баланд китобхонни ҳам) яхши сифатлар, бадиий санъатлардан холи эмас. У «Сабъаи сайёр»даги асосий ғоялар – ишқ-муҳаббат учун кураш, дўстлик, ростгўйлик, билимдонлик, адолат ва тадбиркорлик ғоялари дурустгина шоирона байтларда тараннум этган, тимсолларнинг хатти-ҳаракати, саргузаштлари ихчам ва равон ифода этган. Уларнинг

---

347 Ҳ Хамса, 493-б.
348 Ўша қўлёзма, 2=б ва 3=а варақ.
349 Ўша қўлёзма, 3-б варақ.
350 Ўша қўлёзма, 5=а ва б варақ.

ҳар бирига хос хулқ-атвор, характерга мос қилмишларига монанд сўз, ифода ишлатишга эришган, уни ўқувчи кўз олдида гавдалантирган.

Ғарибийнинг «Шоҳ Баҳром ва Дилором» асари гарчи Баҳром Гўр сюжетида ёзилган янги, оригинал асар ҳисобланмаса ҳам, лекин мазкур сюжетни ривожлантириш йўлидаги янги босқич, янги поғона сифатида қаралиши лозим. Чунки Ғарибийнинг киритган ўзгартиришлари, қисқартириш ва ихчамлашлари, эпизодлардаги янгича талқин (кўриб ўтганимиз ов эпизоди, Баҳромнинг Дилором истиқболига чиқиши, Зайд ҳикояси ва бошқалар) сюжет характерига ҳам таъсир этиб, ундаги ички мазмунни маълум даражада ўзгартирган. Демак, Ғарибий асарнинг фақат тилини эмас, балки сюжет ва композицион қурилишини ҳам соддалаштирган, уни XIX аср китобхонлари талабига мослаштирилган.

Ғарибий наздида Баҳром гарчи ошиқ бўлса ҳам, лекин у биринчи навбатда ҳукмрон, шунинг учун унинг иродасига бўйсуниш, айтганини қилиш лозим. Ғарибий Навоийдаги кескинликни юмшатиб, Баҳромни бўрттириб танқид қилувчи жойларни ўзгартиради. Масалан, Навоий асарида Дилором ҳушига келиб, тузалгач, Баҳром олдига қайтаман деганда, хожаси шоҳнинг ноҳақ ва ножўя ҳаракатини қаттиқ қоралайди. Навоий буни умумлаштириб, ҳамма шоҳларга хос шундай жиззакилик, ғазабкорликни танқид қилган.

Ғарибий буни қолдириб кетади. Бу билан у ўз ҳукмдорларининг талабларини амалга оширган бўлса керак. Чунки шоҳларни қоралаш, уларнинг ноҳақ қилиқларини фош этиш, камчиликларини кўрсатиш XIX аср уйғур хонларига маъқул тушмас, улар ўзларини адолатли, доно ва тадбиркор ҳукмдорлар ҳисоблар эдилар. Ички ҳикоятлардаги айрим ўзгартиришлар ҳам ана шу тарзда шоир яшаган замон талаби билан содир бўлган. Ғарибий асар руҳини бир қадар даврига мослаштириб, унга ўзининг қарашларини сингдирган.

«Шоҳ Баҳром ва Дилором» шу хусусиятлари билан уйғур ва ўзбек адабиётлари тарихида муҳим ўринни эгаллаган ва Навоий анъаналарини ёйиш, уни ривожлантириш борасида алоҳида ҳисса бўлиб қўшилган.

4. «Сабъаи сайёр»нинг насрий варианти

XIX асрнинг охирлари ва XX аср бошларида Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўлган тошбосма матбаалар (Тошкент, Самарқанд, Когон, Хива шаҳарларида) янги яратилган асарлар билан бирга кўпгина адабий мерос намуналарини кўп нусхада чоп этиб, уларнинг халқ орасига тез ва кенг ёйилишида катта аҳамият касб этди. Матбааларнинг хўжайинлари ва китоб савдогарлари китобхонлар талабини қондиришга интилиб оммафаҳм, қизиқарли сюжетга эга асарларни кўплаб нашр эттирадилар. Шунинг натижасида бир қанча халқ китоблари, саргузашт характеридаги қиссалар, достонлар, ҳикоялар тўплами, латифалар, «Калила ва Димна», «Тўтинома» каби дидактик асарлар, «Минг бир кеча»га ўхшаш фантастик–эртак сюжетли йирик насрий асарлар босилиб чиқади.

Насрий асарларга бўлган қизиқиш халқ орасида тез орта борганлигини ҳисобга олган ноширлар фақат мавжуд насрий китобларни чоп этиш билан чекланмасдан, балки насрлаштирилган катта-катта машҳур шеърий асарларни ҳам чоп этганлар. Бунда шуни қайд қилиш лозимки, халқнинг насрий асарларга қизиқиши кучлилиги ҳали тошбосмалар пайдо бўлишидан анча муқаддам адабиёт аҳли томонидан пайқаб олинган эди. Бунинг исботи Фирдавсий «Шоҳнома»сининг икки марта (Хомуший XVIII аср, Бухорий XIX аср) ва «Ҳафт пайкар», «Ҳашт беҳишт» (Огаҳий) томонидан насрий йўл билан таржима қилинга-

нидир.

Кўриниб турибдики, насрлаштириш асарни оммалаштиришнинг бир усулидир. Насрлаштиришнинг икки хил тури мавжуд. Биринчиси шундан иборатки, шеърий асар бошдан-оёқ насрга туширилади, яъни ундаги воқеалар бир бошдан насрий жумлалар билан баён этилиб кетилаверади, шеър иштирок этмайди. Иккинчи хилида шеърий парчалар ҳам учраб туради. Насрлаштирувчи сюжетни баён этиб бориб, баъзи-баъзи ўринда асарнинг энг характерли жойларида қаҳрамонларнинг кечинмалари, ҳис-ҳаяжонини ифода этиш керак бўлиб қолганда шеърий парчалар келтирилади. Бундай насрлаштирилган асарлар ўз услуби билан халқ достонларига бир қадар яқин туради. Шеърий асарларни насрлаштиришга жазм этган ва бу борада малака оширган адиблар асар тилини имкон борича соддалаштиришга, уни ўзлари яшаётган давр китобхонлари тушунчасига мослаштиришга, изоҳ ва шарҳталаб иборалардан ҳоли қилишга ҳаракат қилганлар. Шубҳасиз, бундай китоблар ўзларининг асл ҳолатидан кўра халқ ичига кўпроқ кириб борган ва таъсирчанроқ шаклга эга бўлган. Насрий асарларнинг китобхонлар орасида қизиқиш уйғотишига сабаб яна шуки, у вақтда саводхонлардан кўра саводсиз кишилар кўпроқ бўлган, улар китобларни бошқаларга ўқитиб эшитганлар. Бундай кишилар учун саргузашт характеридаги, воқеалари оддий тил билан баён этилувчи асарлар афзал бўлган, албатта. Ана шундай насрлаштириб чоп этилган шеърий асарлар орасида Алишер Навоийнинг «Хамса»си ҳам бор. Навоий ижодининг мухлислари, тарғиботчилари унинг ўлмас меросини оммалаштириш учун ана шу насрлаштириш йўлидан ҳам фойдаланганлар.

Навоий «Хамса»сининг насрий нашри (унда тўрт достон – «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искадарий») мавжуд бўлиб («Ҳайратул аброр» фалсафий достон бўлгани учун қолдирилган (1906 йил), «Дилоромки ошиқи шоҳ Баҳром» жумласини нашр тарих санаси қилиб келтирган. Буни сонга айлантирсак, 1326 ҳижрий йили келиб чиқади.[351] Китоб «Ғуломия» (Ғ.Орифжонов) матбаасида босилган. У «Насри хамсаи беназир» деб номланади.

«Насри хамсаи беназир»нинг бир неча литографик нусхаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланмоқда. Достонларнинг тартиби ўзгартирилган, аввал «Садди Искандарий», ундан кейин «Сабъаи сайёр», сўнг «Лайли ва Мажнун» ва «Фарҳод ва Ширин» достонлари жойлаштирилган. Достонларнинг қизиқ-қизиқ эпизодлари учун суратлар ҳам чизилган.

«Хамса»нинг насрлаштирилган бу варианти ким томонидан амалга оширилганлиги китобнинг бирор ерида аниқ кўрсатилмаган. Бироқ Навоийнинг достонларидан «Лайли ва Мажнун» (1910) ва «Фаҳод ва Ширин» (1912) насрлаштирилган ҳолда алоҳида-алоҳида чоп этилгани маълум. «Китоби Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин бо тасвири туркий» деган номлар билан чиқарилган, бу китобларнинг насрлаштирувчиси хоразмлик адиб Умар Боқий эканлиги кўрсатилган. Умар Боқийнинг номи «Хамсаи насрий ҳам айрим ўринларида учрайди. Бизнингча, Навоийнинг тўртала достонини ҳам шу адиб насрлаштирган. Буни достонлар тилидаги услуб яқинлиги ҳам кўрсатиб туради. «Насри Хамсаи беназир» китобининг саҳифалари бошдан-оёқ рақамланган эмас. Ҳар бир достон учун алоҳида жой ажратилган ва у алоҳида рақамланган. Чунончи, «Сабъаи сайёр» (бу достон мазкур нашрда

[351] Проф. А.А.Семёнов нашр йилини 1900 йил деб тахмин қилади (қаранг: А.А.Семёнов, материалы к библиографическому указателю, печатних произведении Алишра Навои и литература о нём, Тошкент, 1940, 10-б)

«Қиссаи ҳафт манзари Баҳром» деб номланган) саҳифалари рақамидан бошлаб рақамланган ва 80 саҳифани эгаллаган.

Шеърий асар насрга айлантирилгач, унинг кўпгина хусусиятлари ўзгариб кетиши ўз-ўзидан маълум. Вазн, ритм, радиф сингари шеърга хос белгиларнинг бўлмаслигидан ташқари ифода, иборалар, бадиий усулларнинг бир қисми ҳам бошқача тус олади, уларнинг вазифаси, ифодавий хусусиятлари янгича услубга кўчади. Шеърий асар насрлаштирилганда унинг қалбга таъсир этиш кучи сусаяди, ундаги ҳис-ҳаяжон қўзғатувчи бадиий руҳ, муаллифнинг муносабатини ифодаловчи лирик чекинишлар, китобхонни тўлқинлантирувчи юксак даражада завқбахш тасвирлар, қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, руҳий ҳолатини чуқур очиб берувчи оташин жарангли мисралар ўрнини оддий баёнчилик эгаллайди, воқеаларни қайд қилиб кетишга зўр берилади. Шунинг учун ҳам биз «Сабъаи сайёр»нинг насрлаштирилган вариантини ўқиб чиқар эканмиз, гарчи унда воқеалар нисбатан содда тилда баён этилган, арабча-форсча сўзлар ўрнини кўпроқ соф ўзбекча сўзлар эгаллаган бўлса-да, бироқ характерларнинг Навоийдагидай тўлақонли ифодасини кўрамиз. Асар қаҳрамонлари, улар билан боғлиқ бўлган ҳикоялар, воқеа-эпизодларнинг барчаси сақланган; тасвирлар ҳам, гарчи насрий тилда бўлсада, батафсил берилган. Лекин шунга қарамай, уларнинг куйиниши, изтироблари, қувонч дамларидаги шавқ-завқи достондагидай эмас, қисқаси, улуғ шоир Навоийнинг қалби тепиб турмайди, унинг ижодига хос ҳарорат ва жозиба қудратини бу насрий қиссадан топиш қийин.

Бу фикр гарчи оддий ҳақиқат бўлса ҳам, бироқ баъзи бир мисоллар келтириб, уни ойдинлаштирсак, фойдадан холи бўлмас деб ўйлаймиз.

Чунончи, Навоийда:

Дебки, “Ёраб, не ҳолат эркин бу!
Не туганмас малолат эркин бу!
Менмудурменки, чунки қилдим зўр,
Аждаҳо савлатимдин ўлди мўр!
Эмди ишқ аждаҳоси зўр этти
Аждаҳокуш танимни мўр этти.
Менмудурменки, зоҳир эпкач кин,
Ожизим бўлди икки шери арин!
Дард ила ҳажр қилғоч арслонлиқ,
Муш ўлубмен, вале ярим жонлиқ,
Менмудурменки, разм чун туздум,
Чин сипоҳини ёлғузун буздум,
Ишқ чун рамзу кин шиор этти,
Хайли сабримни торумор этти;
Менда бор эрди ақл ҳам, дин ҳам,
Ғамда тоқат, балода тамкин ҳам,
Не бало ишқ бошима солди,
Ким саросар бу хайл қўзғолди.
Оҳ ўтидин тутуннимуу айтай!
Йўқса бу тийра тунниму айтай!
Ким кўрубтур кеча бу янглиғ узун,
Ғам кунидин қаролиғ ичра фузун;
Ҳам қаро, ҳам узуну, ҳам дилбанд,

Маҳвашим сочидин келиб монанд.
Мунда мен, анда нотавон кўнглум,
Мунда мен зору анда қон кўнглум.
Мен дағи гарчи қонда бўлғай эдим,
Кош кўнглумдек онда бўлғай эдим!
Мени бу кеча музтар айлабдур,
Зор кўнглумни абтар айлабдур.
Гўрдек тун эрур қоронғу манга,
Бўлса не эрди сўнгғи уйқу манга.
Чарх қатлимға тиғи кин олди,
Гўр ичига тириклай-ўқ солди.
Кош, тиғин бошимға сўрса эди,
Бошни тандин уриб тушурса эди.
Қавму хайлики бандам эрдинглар,
Не десам сарфигандам эрдинглар.
Борчаға неъматим ҳақи бордур,
Бу сифат юз ҳақим тақи бордур.
Хизматим ичра лоф урар эрдингиз,
Лофи разму масоф урар эрдингиз!
Қиличингиз ушолдиму охир!
Илгингиз тошқа қолдиму охир!
Мени юз минг бало аро кўрманг,
Ҳар замон ўлмагим раво кўрманг;
Тиғ ила кўкрагимни чок айланг,
Бир-ики зарб ила ҳалок айланг.
Қутқоринг жони нотавонимни,
Биҳил эттим бориға қонимни;
Демайинким биҳил дурур қоним,
Музд бергаймен ўлса юз жоним;
Ёрлиқ қайда кетти, ёронлар!
Йўқ мусулмонлиқ, эй мусулмонлар!”[352]

Дилоромдан айрилиб, ҳижрон изтиробида қийналаётган Баҳромнинг нидоси, оҳу фиғони ана шундай ҳароратли, ўтли мисралар билан баён этилган. Қани кўрайлик-чи бу парча насрлаштирилганда қандай чиққан экан:

«...Кундан-кунга ишқи зиёда бўлуб, зору низор бўлуб, **ағриқға** тушди. Аждаҳони ўлдурғон қуввати ва шердек бадани заифу ожиз бўлди, икки шерни бир-бирига урғон тани чумоли судрагудек наҳиф бўлди.

Ўзиға ўзи айтур эрдики: «Эй дареғо, аждаҳоларни ўлдурғон қувватим қаён кетти ва ёлғуз хоқони Чиннинг лашкарини синдирғон шижоатим қаён кетти? Оҳ-оҳ, ишқ бошимға на балолар солди! Тирик турғузуб жудолик куйиға солди» – деб эрди. Бас, акобиру ашрофлари, уламову ҳукамоларини жамъ қилиб айдики: «Эй акобирлар, ҳамиша хидматимни қилмоқға лоф урор эрдингизлар, алҳол мушкил иш бошимға тушти. Мани бу бало ичида бўлмоқни раво кўрманг, бир илож қилиб жонимни бу балодан қутқаринглар» – деб зорлиғ

[352] Алишер Навоий. Хамса. Порсо Шамсиев нашрга тайёрлаган. Тошкент, “Фан” 1960. 503-бет.

қилди...».[353]

Кўриниб турибдики, насрий матнда Навоий ифодалаган мазмун, тасвир тўла акс этмаган. Баҳром дардини китобхонга таъсирчан қилиб етказувчи санъатларга бой байтлардан фақат бир неча ташбеҳ қолдирган (аждаҳо, чумоли, шер, Чин лашкари). Насрий матн муаллифи бунинг устига ўринсиз такрорий сўзлар ишлатиб, ўзидан иборалар қўшиб, жумланинг тиниқлигига путур етказган.

Насрий вариантда қаҳрамонлар психологияси ва лирик чекинишларни тасвирловчи эпизодлар келтирилган мисолимизда қисқартирилиб берилган (айрим ҳолларда батамом қолдирилган). Бундай хусусиятни биз Ғарибийнинг «Шоҳ Баҳром ва Дилором» достонида ҳам кўрган эдик. «Сабъаи сайёр»нинг кириш бағишлов ва хотима қисмлари ҳам Ғарибийда бўлганидек насрий вариантда йўқ. Гарчи ана шундай ўринларни қисқартириш тенденцияси ҳар икки асарда мавжуд бўлса ҳам, лекин улар орасида фарқ ҳам бор, қисқартиришлар характер жиҳатидан бир хил эмас.

Ғарибий иложи борича сюжетга бевосита алоқаси бўлмаган парчаларни тушириб қолдиришга ҳаракат қилиш билан бир қаторда Баҳром ва Дилором характери билан боғлиқ анчагина тафсилий эпизодларни ҳам четлаб ўтади. Насрий вариантда эса қисқартиш у даражада эмас. Сюжет ривожини таъминловчи воқеалар, эпизодлар тасвири кичик-кичик деталларига қадар сақланган. Ҳатто баъзан улар анча батафсилроқ, чўзиқроқ қилиб ҳам баён этилади. Масалан, Баҳромнинг Дилором ишқига гирифтор бўлиб, мамлакат ва давлат ишидан ғофил бўлгани, юрти харобага айлангани ва у бундан хабар топиб икки ўт орасида қийналгани қўйидагича тасвирланган:

«Алқисса, подшоҳ мақсудиға етти, кеча-кундуз Дилоромга нағма қилдуруб ўлтурар эрди. Ҳар вақтеки Дилором чангни қўлиға олиб нағма қилса, ҳамма эшитганлар беҳуш бўлур эрдилар, гўёки анинг сурати эрди. Ҳар бир қилларидан бўлак ранг овозлар чиқиб оламга ўт ёқур эрди. Дилором чангни қўлиға олмоғи, товус била қақнус қўшилмоғи ажойиб жилвалар қилур эрди, булбулдек сайрар эрди, Дилором ғазал ўқуса ва чангни чолса, қафас ила булбул бир бўлғондек, шоҳ Баҳром Дилоромсиз орому қарори йўқ эрди. Ҳамиша Баҳромнинг юзи Дилоромнинг юзида ва қулоқи ани навосида эрди. Дилоромсиз ўлуклардек бўлур эрди. Дилоромни кўргач, ўлган киши жон тофғондек бўлур эрди. Май ичганда ҳам ғарази Дилоромни навоси эрди, жонини зиёда қиладурган жилваси эрди, Баҳром гоҳи бўстонда ва гоҳи қасрда – айвонда мажлис қилур эрди. Баъзида биёбону саҳрода шикор қилиб юруб мажлис қилор эрди, Дилоромни бир дам ўзидан йироқ қилмас эрди. На учунки, Дилором Хўтан саҳросида, лолаву сабзаворликда макон тутғон эрди. Подшоҳ ҳам шикорға майллиқ эрди. Ҳар икавланни табъи сабзазор саҳрони дўст тутғонга Дилоромни ҳам саҳроға олиб юрур эрди. Шоҳ Баҳром Дилоромдин жом тилаб май ичар эрди. Кундан-кунга ишқи зиёда бўлур эрди. Уч-тўрт йил шундоғ била айш-ишрат қилдилар. Шаҳар подшолиғи билан унча иши қолмади. Раия ва сипоҳлар бир-бирига шикоят қилур эрди. Ғараз улки, мулк, подшоҳлик ёдидан чиқди, ҳар куни иши Дилором била бир мақом ва мажлисда май ичмак эрди, шикор қилмоқ эрди. Шаҳар халқи, ҳамма улуғлар ўз бошича бўлуб, раияларига зулм, бедодлиқ қилишга тутти. Битикчилар қаламларини зулмга қарор этти. Ҳар тарафдин қароқчилар пайдо бўлди. Майпарастларнинг овози баланд бўлди, имому муаззиннинг овози паст бўлди, бўрилар қўйларни эмас, балки қўйчиларни еди ва золимлар бечора элға бўри чопғондек зулм қила бошлади. Бир неча маҳрамлари подшоҳга хилватда арз қилдилар ва

[353] Насри Хамсаи беназир. Қиссаи Ҳафт манзари Баҳром. Литография. «Ғуломия» матбааси. 1906. 10-11-бб.

халойиқ орасидаги гуфту гўйни айдилар. Баҳром дуру дароз андешага тушипти, лекин ишқ илгида бечора бўлди. Ҳар чанд хоҳладики, ул ой юзлукни ташлаб, раияпарварлик қилғай ҳаргиз бўлмади. Билдики мулки хароб бўлмиш, ҳамма халқлари бечора бўлмишлар. Кўнглида хаёл қилур эрдики, нечук чора қилиб ўз ишига тағйир бергай. Подшоҳлиғ била ошиқлиғ, бу икки ишни бирда бирини тарк қилмоқ керак. Бу ишлар ниҳоят мушкил. Ошиқликни тарк қилмоқ ҳайҳот-ҳайҳот! Яна хаёл қилур эрдики, агар подшоҳлик бўлса, бундоғ ой юзлук тофилур. Бу ой юзлукнинг тафмоқликнинг сабаби подшоҳлигим эрди, агар подшоҳ бўлмасам, муни тофмоқ маҳол эди. Агар подшоҳу ошиқликнинг бирла қилай десам, музни шийша қилиб шам ёндурадурман дегонга ўхшаш. Бу худ маҳол. Кўнгли мулкини хароблиғи борса ғам андиша бирла ишқни тарк қилғоли қасд қилур эрди. Алқисса, подшоҳ ғам била ишрат қилиб май ичар эрди...»[354]

Бу мисол Баҳромнинг ошиқлиги, маъшуқа ишқи билан банд бўлиб, юрт, мамлакат ишларидан батамом хабарсиз қолиши баён этилиши билан бирга Баҳромдаги руҳий кечинмалар, кўнглидаги иккиланишлар ҳам батафсил кўрсатилган. Шоҳ мулкининг хароб бўлаётганлиги, зулм кучайиб бораётганлигини билса-да, ишқдин юз ўгиролмайди, Дилоромдан кўнгил узолмайди. Иккинчи томондан унинг кўнглида подшоликни қўлга олиш, маъшуқани тарк этиш керак, деган фикр ҳам кечиб туради. Натижада у маишатни давом эттирса ҳам кўнгли ғаш, қалби ғамда. Бундай тасвир билан Навоий Дилоромнинг навбатдаги овда ноҳақ жабрланиб, чўлга улоқтирилиш воқеасини асосламоқчи бўлганини ишимизнинг аввалги қисмларида айтиб ўтган эдик. Насрий вариантда ҳам бу занжирбандлик, мотивлаштириш, асослаш тўла сақланади. Бу билан насрий вариант муаллифи (асарнинг бошқа жойларида ҳам) Навоийнинг ишқ ва ошиқлик, мулк ва подшолик, адолат, инсонпарварлик тўғрисидаги, сахийлик, одамийлик, поклик, ростгўйлик, олижанобликка давъат этувчи фикрларини китобхонга етказа олган. Бу жиҳатдан «Қиссаи ҳафт манзари Баҳром» Ғарибийнинг «Шоҳ Баҳром ва Дилором» достонига қараганда «Сабъаи сайёр»га анча яқин бўлиб, ундан устун туради.

Достоннинг сюжети ва композицияси ҳақида гап кетганда шуни айтишимиз керакки, насрий вариантда ҳам Ғарибий достонида бўлганидек, Навоийнинг ҳамд-наътлари ва бошқа муқадимма бағишлов боблари акс этмаган. Лекин китоб «Сабъаи сайёр» қандай бошланган бўлса, шундай бошланган:

Эй сифатинг демакда эл тили лол,
Элга тил сандин ўлди тилға мақол.

Шундан сўнг Баҳромнинг отаси Яздигурд, унинг золимлиги, ўғли Баҳромнинг адолатли, паҳлавон, тадбиркор саркарда бўлиб етишганлиги, отаси ўрнига тахтга чиққач мулкини обод, халқини шод этганлиги баён этилади. Баҳромнинг Яманда Нуъмоншоҳ қўлида тарбияланган ҳам келтирилган. (Бу эпизод Ғарибийда йўқ).

Баҳромнинг Монийни учратиб Дилором хабарини топиши, уни келтириб ишрат, ишқбозлик билан банд бўлиши, овга чиқиб қизни чўлга улоқтириши, ҳижрон азобида қийналишлари, қасрлар қуриш каби бутун эпизодлар «Сабъаи сайёр»дан ҳеч фарқ қилмайди. Навоий достонидаги ҳамма воқеалар насрий йўл билан бир бошдан баён қилиб чиқилган. Воқеалар тизими, занжирбандлигини бузмаслик учун муаллиф лавҳаларни бир-бири билан узвий боғлаб боради, ҳар бир унсурга, ҳар бир тасвирга эътибор бериб, уларни воқеалар ичига едириб боради. Воқеабандликни кучайтириш, китобхонни чалғитмаслик мақса-

[354] Насри Хамсаи беназир. Ўша нашр. 7-8-бетлар.

дида бир қанча ўринларда қўшимча жумлалар киритилган, сўзлар такрорига йўл қўйилган.

Шундай қилиб, насрий вариантда достон воқеалари батамом сақланган, уларнинг ривожи, давом этиши тўла акс этган. Сюжетнинг ривожи (экспозиция, тугун, воқеа ривожи, кульминация, ечим, ички сюжетлар яхлитлиги) сақланган бўлса ҳам, бироқ бу унинг Навоий асарига айнан мос келиши деган сўз эмас. Бу икки асар орасидаги асосий фарқ уларнинг тасвир тарзи, яъни бирининг шеърий, иккинчисининг насрий эканлигидан келиб чиқади. Насрий асар билан шеърий асар сюжети, гарчи улар бир асосга қурилган бўлса ҳам ўзаро фарқланиб туради. Бу фарқ нимада кўринади? Буни биз даставвал, воқеаларнинг тасвирланиши тарзида, услубда, характерларнинг ишланишида кўрамиз. Шеърий асарда, гарчи у эпик турда ёзилган бўлса ҳам, лириканинг иштироки сезиларли даражада бўлади. Лирика ҳар қандай шеърий асарнинг жони, уни руҳлантириб, жилолантириб турадиган қудратли восита, асар билан унинг муаллифини боғлаб турувчи занжир, китобхонни ўйлантириб, воқеалар мағзига олиб кирувчи кучдир. Ҳатто «Шоҳнома»дай «соф» эпик эпопеяда ҳам лирик мисралар гавҳардай жило бериб туради. Ваҳоланки, Навоий кучли лирик шоир сифатида ўз достонларини бу ҳаётбахш шеърий байтлар билан бойитиб, юрак ҳарорати, қалб қўрини сингдириб борган.

Лирикада ифодаланган маънони насрий йўл билан ифода этиб бўлмайди. Уни фақат шарҳлаш мумкин. Аммо бирор-бир шарҳ, бирор бир тўлиқ изоҳ шеърий байтнинг ўрнини боса олмайди.

Шунинг учун ҳам «Сабъаи сайёр»даги лиризм насрийлаштирилганда ўз-ўзидан чиппакка чиққани учун характерларнинг Навоий тасвирлаган даражадаги тўлиқлиги қўлга киритилмай қолган. Фақат бугина эмас. Воқеаларни шеър билан тасвирлашнинг ўзи ҳам бошқача маромга, хусусиятга эга. Бу ўзига хослик ҳатто сюжетнинг давом этишида ҳам қандайдир из қолдиради. Шеърий асарда воқеаларни бир-бири билан улаш, уларнинг аниқ тасвир баёни ва таъкиди эҳтиросли жўшқинлик касб этади. Насрлаштирувчининг айрим ўринларни қисқартириши, баъзи жойлардаги тафсилотларни кенгайтириши, қисқа-қисқа иловалар киритганлиги унинг сюжет ичидаги воқеаларнинг насрий тасвир хусусиятини таъминлашга, мувофиқлаштиришга интилишидир.

Насрий вариантнинг «Сабъаи сайёр»дан композиция жиҳатидан фарқланадиган жойи шуки, унда баъзи боблар бир-бирига қўшиб (ташлаб кетилган эмас) сарлавҳалар ихчамлаштирилиб берилган. Масалан, агар «Сабъаи сайёр»да ҳар бир қиссани бошлашдан аввал Баҳромнинг қасрлардан бирида малика билан май ичиб маишат қилгани, шом бўлгач, қиз парда ичига кириб, шоҳ қисса эшитишга маътал бўлгани ва мусофир ҳикоя бошлаганлиги айтилади. Чунончи:

«Чаҳоршанба куни Баҳромнинг мовий кисват била гунбадий нилуфарийга майл қилиб, хуршеди асмоний либос била жоми фирўзагун аро кабудон майидек бода солиб нўш қилғони ва нўшо-нўш унинг тоқи нилуфардин оширғони» деган сарлавҳа остида Баҳромнинг кўк рангли қасрда кўк либос кийган малика билан бодахўрлик қилганини баён қилиб келтириб, қуёш ботгандан сўнг маҳваш бошқа уйга кириб кетгани ва Баҳром ёлғиз қолгани айтилганидан сўнг:

«Бешинчи иқлим йўлидан келган мусофирнинг достонсозлиғи» деган сарлавҳа билан ҳикоя бошланади.

Насрий вариантда бу икки сарлавҳа қўшиб келтирилган, ҳикоя қасрдаги базм давоми сингари тасвирланган:

«Чаҳоршанба куни шоҳ Баҳром нилуфар ранг либос кийиб гунбади нилуфарийга бориб

фирўза жомда май ичгани, бешинчи иқлимдан келтурган мусофир афсона айткани».

Бундан ташқари насрлаштирувчи Навоий алоҳида боб қилиб ажратган Баҳромнинг Дилором хабарини топгандан сўнгги аҳволи ва Хоразмга одам юбориб севгилисини келтириш воқеаларини ҳам еттинчи ҳикоятнинг охирига қўшиб юборган. Насрий вариантда достон хотимасидаги Навоийнинг Баҳромнинг туш кўриш эпизоди ҳам сақланган. Ундаги мазмунда Баҳромнинг Ҳусайн Бойқарога ўхшатилиши ўз аксини топган.

Шу билан бирга насрий вариантни нашр эттирувчи асар охирига анчагина ҳикоятларни илова қилган. Ҳикоятларни келтирувчи қандай мақсадни кўзлаганини у қуйидагича баён этади.

«...ушбу қиссадан Искандар бирла Баҳромшоҳ қиссалари юқорида баён қилиндики («Садди Искандарий» «Сабъаи сайёр»дан олдин) ушбулар балки бошқа подшоҳи оламгирларни ҳикоялари офоқга машҳурдир. Ҳаммаси адл қилмоқ ва шариатни риоя қилмоқ ва авф қилмоқлари бирла мартабалари баланд бўлди. Маълумдирки дигар одамлар ҳам ушбу сифатларга мувассаф бўлса, халойиқ ичра иззату ҳурмат кўргусидир. Бас, камина нашр қилувчига бир оз қадимгиларни қилғон авфу ва карам ва адлларидан баён қилмоқ лозим ўлди...».[355] Бу сўзлардан қуйидаги хулосалар келиб чиқади: 1) ношир Навоий асарларининг ўз давридаги тарбиявий аҳамиятини яхши тушунган. Буни у ҳукмдорларни адлу инсофга, сахийликка чақириш деб билади. Шунинг учун Искандар ва Баҳромни адолатпарвар, халқпарвар подшоҳлар намунаси деб кўрсатади; 2) унингча адолатли, инсофли ҳукмдорлар халқ орасида обрўга эга, халқ уларни қувватлайди; 3) адолат ва инсонпарварлик хислатлари фақат шоҳларга керак бўлиб қолмасдан, балки ҳамма одамлар учун лозимдир; 4) адолатпарварликка, халқпарварликка даъват этувчи асарларни халқ орасига кўплаб тарқатиш лозим. Шунинг учун келтириладиган ҳикоялар «Сабъаи сайёр» ва «Садди Искандарий»даги ғояларни қувватлайди, тўлдиради. Келтирилган ҳикоялар кичик-кичик ҳажмда бўлиб, ношир уларни олдин тасниф этилган турли китоблардан олган ёки бевосита халқ орасида машҳур бўлган талқинидан фойдаланган.

Ҳикояларнинг ора-ораларида алоҳида байтлардан иборат шеърлар ҳам мавжуд.

Насрлаштирувчи «Сабъаи сайёр»ни байтма-байт насрга кўчирган, ундаги ҳар бир ибора, бадиий восита, санъатларни насрий тилда ифодалаган деб бўлмайди. Муаллиф асосий эътиборни сюжет асосини ташкил этувчи воқеаларни баён қилишга қаратгани учун жумлалар, эпизодлар мазмунини беришга ҳаракат қилган. Шунга қарамай, у асар тилини батамом яланғоч ҳолга келтирмаган. Имкон доирасида ташбеҳ ва истиоралар ҳамда бошқа бадиий воситалардан маълум қисмини сақлаган ва уни насрий асар тили талабаларига мослаштирган. Буни ҳам икки асардан мисоллар келтириб кўрсатсак, фикр яна ойдинлашади. Чунончи, Алишер Навоий севикли қаҳрамони Дилором ҳуснини таърифлар экан, ўхшатиш, мураккаб ташбеҳ, истиора, тарсеъ, китобат, мажоз санъатларидан усталик билан фойдаланади. Шоир энг яхши, гўзалликни бўрттириб ифодаловчи сўзларни териб, уларни тизиб ташлаган. Қизнинг жамоли, назокати, кийиниши яхлит сувратда китобхон кўз олдида гавдаланади. Бу тасвирий парча насрий вариантда мана бундай кўринишга эга:

«... сарви озоддек қадди, офтобдек юзи, қошида уфор сочилади эгма-эгма ерга етибдур. Кўзлари Хўтан кийики кўзларидек, лаблари лаъл, рухлори қизил гул, оғзи писта, тишлари дур, оғиз суйи оби ҳаётдек, қулоқларини сузуклигидин қулоқига солғон дур юлдуздек кўринур ёки ой қошида улки юлдуз била тургондек кўринур, зарбафт дебодин кийибдур,

[355] Насри Хамсаи беназир. Ўша нашр, 81-бет.

лаълу жавоҳирлар олибдур».[356]

Кўринадики, бунда Навоийдаги баландпарвоз таъриф-тавсифлар, узундан-узоқ тафсилотли қатор ташбеҳлар йўқ. Насрлаштирувчи бир икки жумла характерли ўхшатишлар билан ихчамгина қилиб қиз жамолини чизиб беради. У Навоий қўллаган бадиий воситалардан айримларини сақлаган (Хўтан оҳуси, сарв лаъл, қизил гул ва бошқалар) ва ўзидан матнга мувофиқ ташбеҳлар ҳам ишлатган. Лекин унинг бундай «эркинлиги» асарининг ҳамма жойида ҳам шу даражада кўзга ташланмайди. Аксарият ўринларида у гарчанд қисқароқ бўлса-да, Навоий ташбеҳларини сақлайди.

Бу парчадан яна шу нарса ойдинлашадики, насрий вариантда жумлаларнинг тузилиши халқ китобларига, фольклорга ўхшаб кетади (лаблари лаъл, рухлари гул, оғзи писта, тишлари дур...) Буни биз муаллиф ишлатган «зор-зор йиғлади», «зор-зор чун абри навбаҳор», «зор-зор йиғлаб айдики...» (10, 12, 15-бетлар), «Ул ердин шамол ҳам ўткирмас, қуш учса қанотини куйдирур, жин учса ҳаётини йўқотур» (35-бет) каби асосан халқ ижодига хос иборалардан ҳам билиб оламиз. Ҳар бир жумла «алқисса» сўзи билан бошланган. Бу ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Шундай қилиб, «Хамсаи насрий»нинг Навоий достони билан алоқаси, ўзига хос хусусиятларини қуйидагича хулосалаб кўрсатиш мумкин:

Насрий вариант бир қанча жиҳатлари билан «Сабъаи сайёр»га яқин туради. Булар тубандагилар:

а) асосий идея, ғоявий мазмун бир хил. Навоий илгари сурган адолатпаварлик, халқпарварлик ғоялари, соф муҳаббат, ишқу садоқат тўғрисидаги эзгу фикрлар сақланган. Ички ҳикоятларда тасвирланган турли хил маърифатпарвар ғоялар, кўтарилган масалалар, инсонпарвар фикрлар ҳам насрий талқинда яхши акс эттирилган;

б) сюжет қурилиши, композиция ва достоннинг шу каби бошқа умумий схематик томонлари ҳам сақланган; воқеаларнинг ривожи Навоийдаги эпизодлар, тасвир, деталларнинг деярли барчаси насрий достонда аниқ ифода этилган;

в) энг муҳими, насрий талқинда Навоий тимсолларининг характери, уларнинг ўзига хос хусусиятлари сақланган; улардаги шахсий хислатлар, ички руҳий кечинмалар (Баҳромнинг қийналиш-изтироблари, иккиланишлари, психик ҳолатлари), пейзаж, ташқи тасвирлар ҳам, характерларни тўлдиришга хизмат қиладиган воқеа-ҳодисалар тасвири ҳам содда, лекин жозибали қилиб келтирилган;

г) асарда Навоий қаламига хос тасвир услубини, бадиий санъаткорликни, матал ва бошқа санъаткорлардан фойдаланишни ҳам кўриш мумкин. Бу ҳол асар тилида ҳам акс этган. Насрлаштирувчи наср имкониятлари доирасида достон байтларининг тимсолли ифодалари, ширали ташбеҳотлар, истиораларни келтириб ўтади.

Шу билан бирга насрий вариант бир қанча ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Чунончи:

а) даставвал кўзга ташланадиган фарқ – бу насрнинг талабларидан келиб чиқадиган фарқлардир. «Сабъаи сайёр» – шеърий асар. Унда эпик воқеалар лирик туйғулар, шеърий жозиба билан омухта қилиб берилган. Воқеаларнинг баёни, тасвир шеърий асарда ўзига хос бўлади, уни насрда тўлиқ бериб бўлмайди. Шеърий асарни насрлаштириш – уни содда тил билан шарҳлаш демак;

б) шундан келиб чиқиб характерларнинг ишланишида ҳам фарқ ҳосил бўлади. Насрий вариантда гарчи тимсолларнинг асосий хусусиятларини сақлашга ҳаракат қилинган бўлса ҳам, бироқ уларнинг ишланиши Навоий даражасида эмас, тимсолларнинг лирик мазмуни,

[356] Насри Хамсаи беназир. Ўша нашр, 7-бет.

Навоий қалбининг ҳарорати сингган ўринлари тушиб қолган, албатта;

в) насрлаштирувчи насрий асар талабларидан келиб чиқиб, достоннинг айрим бобларини бир-бирига қўшиб юборган, яъни бир сарлавҳа остига жамлаган (муқаддима бобларни қисқартиришдан ташқари);

г) насрий талқин муаллифи лирик кечинмалар ўрнини тўдириш ва эпизодларни бир-бирига боғлаш учун баъзан жумла ва тимсоллар ҳам қўшган. Бундан ташқари, у асар охирида Навоий достонига муносабат билдириб («Сабъаи сайёр» ва «Садди Искандарий»да адолатли подшоҳлар тимсоли яратилганлиги ҳақидаги фикрлари), унинг аҳамиятини алоҳида такидлайди ва Навоий ғояларига ҳамоҳанг бир неча ҳикояни келтириб ўтади;

д) насрий талқин тилида Навоий достонининг таъсири бўлиш билан бирга XIX аср ўзбек халқ китоблари тилига хос хусусиятлар ҳам ўз ифодасини топган, шу билан бирга унда давр адабий тилининг талаблари, хусусиятини ҳам сезамиз. Бундан ташқари айрим ўринларда муаллиф ўз даврида анъанага айланган иборалар, ифодаларни ҳам қўллаган. Буларнинг ҳаммаси насрий вариантнинг ўзига хослиги, аҳамиятини кўрсатиб туради.

«Сабъаи сайёр»нинг насрий варианти худди «Лайли ва Мажнун» ёки «Фарҳод ва Ширин»нинг насрий талқинлари каби Навоий анъаналарини давом эттириш, унинг ғояларини халқ орасига кенгроқ сингдиришдан ташқари XIX аср адабий ҳаёти, бу давр адабиётининг тараққиёти учун ҳам ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилган, достонлар ривожи учун алоҳида аҳамият касб этган.

5. «Ҳафт пайкар» Огаҳий таржимасида

Ўзбек китобхонлари орасида Низомий Ганжавий ва Алишер Навоийнинг «Хамса»лари юксак қадрланиб келган. Халқдан етишиб чиққан саводхон кишилар бу икки буюк сўз санъаткори яратган асарлардан бевосита баҳраманд бўлиб, улар тараннум этган эзгу ғояларни омма орасига ёйганлар, қизиқиш уйғотиб келганлар. Низомий Ганжавий «Хамса»сидаги достонларни таржима қилиб, ўзбек халқини унинг дурдоналаридан баҳраманд этиш иши Навоийдан анча илгари бошланган эди. XIV асрда яшаган Ҳайдар Хоразмий шоирнинг «Махзанул асрор» фалсафий достонини ўзбекчалаштирган бўлса, унинг замондоши Қутб Хоразмий «Хусрав ва Ширин» достонини таржима этган. Ҳар икки таржимон ҳам етук талантли шоир бўлганлари учун Низомий достонларига ижодий ёндошиб, асосий мазмун-маънони ажойиб ўзбекча байтлар билан берганлар. Қутб ва Ҳайдар Хоразмий амалга оширган таржималар ўзбек адабиётининг ривожида катта ўрин тутди, достончилик анъаналарининг мустаҳкамланишига асос бўлди.

Низомий асарларига бўлган қизиқиш таъкидлаганимиз каби, Навоий «Хамса»си пайдо бўлгандан сўнг ҳам давом этиб келган. Буни шоир асарларининг бир неча марта қайта-қайта кўчирилгани, Марказий Осиё шаҳарларида матбаалар пайдо бўлгач, Низомий «Хамса»сининг усма-уст чоп этилиши, шарҳлар, изоҳлар билан безатилишида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярмида йирик шоир ва улуғ таржимон Муҳаммад Ризо Огаҳий томонидан «Ҳафт пайкар» достонининг ўзбек тилига ўгирилиши ўзбек халқининг хамсанавислик анъанаси асосчиси Низомий асарларига нақадар зўр ҳурмат билан қараганлигининг ёрқин ифодасидир.

Огаҳий «Ҳафт пайкар»дан бошқа яна «Гулистон» (Саъдий), «Қобуснома» (Кайковус), «Ҳашт беҳишт» (Хусрав Деҳлавий), «Юсуф ва Зулайҳо», «Саломон ва Абсол» (Жомий), «Шоҳу Гадо» (Ҳилолий) каби адабий ва бир нечта тарихий, фалсафий-дидактик асарларни ҳам

таржима қилган. Огаҳийнинг таржималари тўғрисида С.Долимов, Р.Мажидий, В.Раҳмонлар ўз тадқиқотларида маълумот бериб ўтганлар, унинг таржимонлик маҳорати адабиётшунос Н.Комиловнинг тадқиқотларида атрофлича таҳлил қилинган.

Айтиш жоизки, Огаҳий тажималарининг бир қанчаси ҳали топилгани йўқ (Огаҳий ўз таржималарининг рўйхатини «Таъвизул-ошиқин», («Ошиқлар тумори») китобининг дебочасида келтирган). Жумладан, «Ҳашт беҳишт» асари таржимаси ҳам бизга номаълум бўлиб келмоқда. Низомий Ганжавийнинг «Ҳафт пайкар» достонини Огаҳий Муҳаммад Раҳимхони Соний (Феруз) топшириғи билан насрий йўлда, қисқартириб ўгирган. Унинг ўзи бу ҳақда ёзади:

«... Ҳазрати Шайх Низомий алайҳир-раҳманинг «Ҳафт пайкар» отлиқ китобин Баҳром шоҳнинг ҳолоти воқеоти қиссаси маолин наср ва ижмол тариқаси бирла таржима қилиб турки лафзиға киргузмакк хизматни буюрдилар» (Шоир Муҳаммад Раҳим II ни назарда тутади – М.М).

Бундан қуйидаги хулосалар чиқади: 1) Огаҳий асарни Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон топшириғи билан таржима қилишга киришган; 2) достонни таҳтул-лафз (подстрочник) усулида насрлаштирмасдан, балки ихчамлаштириб (ижмол) эркин таржима қилган. Бунда Баҳром тимсоли билан боғлиқ воқеалар тасвирига кўпроқ эътибор берган, яъни асарнинг сюжетини, воқеалар тизмасини баён қилишни мақсад қилиб олган.

«Ҳафт пайкар» таржимасининг Мулло Қурбонниёз Ёқчи 1336 (1917) йили кўчирган бир нусхаси Ўзбекистон Фанлари Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда. (Инвентар рақами – 7695). Қўлёзманинг биринчи варағида китобнинг номи «Ҳафт пайкари Баҳром шоҳ» деб қайд этилган. У анъанага кўра ҳамд-наътлар билан бошланиб, ундан кейин Саид Муҳаммадраҳим Баҳодирхоннинг мадҳияси ёзилган. Огаҳий, шунингдек, ўзи ва асар муаллифи ҳақида, таржиманинг сабаби, характери тўғрисида ҳам маълумот беради ва сўнгра достон воқеаларини бир бошдан ҳикоя қилишга киришади. Таржима оқ, дағал қоғозга унча чиройли бўлмаган настаълиқ хатида йирик-йирик ҳарфлар билан ёзилган. Кўчирувчи асарнинг ўзини қора туш билан битиб, сарлавҳаларни қизил туш билан ажратиб кўрсатган. Қўлёзманинг «Ҳафт пайкар»га тегишли қисми 162 варақдан иборат.

Огаҳий достоннинг қайси қисмларини қисқартирган? Бу ҳолни биз даставвал худди «Насри Хамсаи беназир»да бўлганидай кириш, бағишлов бобларида кўрамиз. Низомий асарларидаги худо ва пайғамбарларга бағишланган 3 бобдан иборат ҳамду наътлар қисқагина қилиб берилган бўлса-да, китоб ёзилишининг сабаби, Қизил Арслон дуоси, сўз фазилати ҳақида, ўғлининг насиҳати каби бобларни тамоман қолдирган. Бундан ташқари, достон ўрталаридан ҳам насиҳат характеридаги ёки шоир ўз фикрларини баён қилишга бағишланган бир қанча боблар қолдирилган. Шунингдек, сюжетга бевосита алоқадор боблар таркибидаги кўпгина тафсилотли тасвирлар, қаҳрамонлар характерини кенг очиб беришга хизмат қилувчи қисмлар, эпизодлар ҳам таржимада ўз аксини топмаган. Зотан, таржимоннинг мақсади, юқорида кўрганимиздай, асардаги бутун тасвирларни шарҳлашдан иборат бўлмай, балки унда сюжет воқеаларини баён қилиб, ҳикоя қилиб беришдир. Шунинг учун ҳам қисқартиришлардан қатъий назар, достондаги воқеалар асл композициясида бўлганидек бир-бирига зич боғлиқ ҳолда таржимада ифодасини топган. Чунончи, буни асарнинг таржимадаги мазмунини қисқача келтириб қаноат ҳосил қилиш ҳам мумкин. Эронда сосонийлар сулоласидан Яздигурд подшоҳ эди, фарзанди турмас эди. Баҳром туғилгач, уни Яманга Нуъмоншоҳ тарбиясига берадилар. Баҳром тўрт ёшга киргач, Нуъмон унинг дилкушолиги

учун Хаварнақ қасрини бино қилади. Қасрни румлик меъмор Симнор бино қилади. Нуъмон уни бошқа ерда бундан зебороқ қаср қурмасин деб ўлдиртиради.

Хаварнақ қасри Фурот дарёсининг қирғоғида қад кўтаради. Унинг овозаси жаҳонни тутади. Нуъмон Баҳромга дунёни айшу ишрат била ўтказиш керак деб насиҳат қилади. Лекин унинг вазири дунёнинг ўткинчи эканлиги, ҳақиқий ҳаёт у дунёда эканлигини айтиб, бу дунёдан воз кечишга даъват этади. Нуъмон бу гапга кириб подшоҳликни ташлаб бедарак йўқолади. Ўрнига Мунзир подшо бўлади ва Баҳром тарбиясини давом эттиради. У адлу инсоф билан юрт бошқаради. Баҳром мактабда таълим олади, спорт, ҳарбий машқлар билан шуғулланади. Мерганлик, овга меҳр қўйиб ўсади. У уч-тўрт марта овга чиқиб, қулонни шер чангалидан қутқаради, ғор оғзидаги аждаҳони ўлдириб, хазина топади ва уни Мунзирга топширади, бу қаҳрамонликлари суратга солиниб кўшк деворига нақш этилади, қаср хоналаридан бирида етти пайкарни кўради. Шундан сўнг Яздигурд вафот этади унинг ўрнига Кисрони подшо қилиб кўтарадилар. Баҳром майдонга бориб, икки шер орасидан тожни олиб тахтни эгаллайди, адолат билан мулк бошқаради, унинг халқи ниҳоят фаровон яшайди ва худони эсдан чиқаради. Худо уларга қаҳатчилик юборади. Баҳром омбору хазиналарни очиб, тўрт йил раиятни боқади. Яна ободончилик бошланади. Баҳром ов қилиш ва канизаклар билан ишратни давом эттиради. Канизак Фитна билан овга чиқиб, ҳунар кўрсатади лекин таҳсин эшитмайди. Қизни ўлимга буюради. Қиз ўзини ўлдиришга олиб бораётган аскарни кўндириб, ўлимдан қутулиб қолади ва унинг кўшкида яшаб, бир бузоқни 60 зинадан кўтариб-тушириб машқ қилади, сўнгра Сарҳанг (лашкар сардорларидан, генерал) орқали Баҳромни меҳмонга чақиртириб ўз ҳунарини намойиш этади. Баҳром канизагини таниб уни ўзи билан бирга олиб кетади ва айшини давом этади.

Чин хоқонининг ҳужуми. Баҳром аввалига чекиниб, кейин тўсатдан бостириб, чин лашкарини яксон қилади. У етти қасрда ҳафтанинг ҳар бир куни битта қиз билан кечани ўтказиб, майхўрлик ва қиссахонлик қилади. Чин хоқони яна лашкар тортиб келади. Баҳром маишатдан қўл тортиб раият ва мулк тақдирини ўйлай бошлайди. Хароблик сабаблари ҳақида ўй суриб, ташвиш билан овга чиққанида итни жазолаётган чўпон ҳикоясини эшитади. Баҳром саройга келиб вазирни жазога тортади. Жабрланганлардан етти кишини (етти табақа вакили) сўроқлаб, зулм нақадар авж олганлигини билиб олади. Адолат ва тадбиркорлик билан мамлакатни яна обод этади. Хоқон воқеани эшитиб, узр сўрайди. Баҳром тожу тахтнинг бебақолигини англаб қасрларни ибодатхонага айлантиради ва ўзи дунё ишларидан чекинади. Лекин у овдан кўнгил узолмайди. Кийик кетидан қувиб ғорга кириб йўқолади.

Ана шу тарзда сюжет ичидаги ички ҳикояларнинг ҳам мазмуни аниқ ва равон қилиб таржимада баён этилган.

Кўринадики, Огаҳий достони сюжетига бирор ўзгариш киритмаган, ундаги ҳикоя, воқеаларнинг деярли ҳаммаси таржимада мавжуд. Бунда фарқ фақат воқеаларнинг қисқа, ихчам баён этилишидадир. Бу эса асосий фарқдан келиб чиқади. Асосий фарқ эса шеър билан наср орасидаги фарқдирки, буни биз «Насри Хамсаи беназир» асари таҳлилида батафсил кўрсатиб ўтдик. Худди шу жиҳатлари билан бу икки асар бир-бирига монанддир. Ҳар иккаласи ҳам шеърий достонларнинг насрий варианти. Бироқ орада тафовут ҳам бор. «Насри Хамсаи беназир» гарчи насрий интерпретация бўлса-да, лекин ҳар ҳолда у Навоий достонига анча яқин. Унда Навоий тимсоллари, деталларининг бир қисми ўз ифодасини топган. Огаҳий таржимаси эса анча эркин таржима бўлиб, у тил нуқтаи назаридан ҳам, бадиий воситалар нуқтаи назаридан ҳам Низомий достонини аксарият ўринларда такрорламайди. Умуман, таржимада бадиий восита ва усуллар, санъатлар ниҳоят кам ифодаланган.

Мисол келтирамиз:

Сифати аждаҳо куштани
Баҳром ва ганж ёфтани ӯ
Рӯзе аз равзаи биҳиштии хеш,
Кард бар май равона киштии хеш.
Бодае чанд хӯрд сардастӣ,
Сӯйи саҳро шуд аз сари мастӣ.
Ба шикорафканӣ кушод каманд,
Аз паи гӯр канд гӯре чанд.
Аз басе гӯр, кӯ-ба зӯр гирифт,
Ҳама дашт устухони гӯр гирифт.
Охир ул амр модиёнгӯре,
Омад, афганд дар ҷаҳон шӯре.
Пайкаре чун хаёли руҳонӣ,
Тозарӯе кушода пешонӣ.

Пуштмолидае чу шӯшаи зар,
Шикамандудае ба ширу шакар.
Хатти мушкин кашида сар то дум,
Хол бар холаш аз сурин то сум.
Дар кашида ба ҷои зунноре,
Бурқаъ аз паранди гулнорӣ.
Гӯӣ бурда зи ҳамтакон талалаш,
Бурда гӯӣ аз ҳама танаш кафалаш.
Синае фориғ аз гареваи дӯш,
Гардане эмин аз канорае гӯш.
Соқ чун пири ғозиён ба қиёс,
Гӯши ханҷар кашида чун алмос.
Сайрами пушташ аз адими сиёҳ,
Монда з-ин кӯҳаро миёнаи ду роҳ.
Атфи кемухташ аз саводи адим
Ёфт он-ч аз савод ёбад сим.
Паҳлӯ аз пиху гардан аз хун пур,
Ин ба ранж аз ақиқу он аз дур.
Кафале бо думаш ба дамсозӣ,
Гардане бо сумаш ба сар бозӣ.
Гӯр Баҳром диду ҷаст ба зӯр
Рафт Баҳроми гӯр аз пайи гӯр.[357]

Бу боб вақеаларини Огаҳий таржимасида бундай ўқиймиз:

[357] Низомий, Хамса, Китоби Баҳром ва Ҳафт пайкар, литография, Теҳрон, 1300 (1882) йил 296-бет.

Баҳромнинг аждарҳони ўлдириб ганж топғони

«Баҳром бир кун Ҳаварнақ қасридан чиқиб, отиға миниб Яман сипоҳи бирла шикоргоҳға бориб беҳисоб қулонларни сайд қилди.

Охир бир урғочи қулонким, бир-бирига хуб сурат ва хушандом эрди, Баҳромнинг олдидан пайдо бўлуб дилкаш рафтор бирла хиром кўргузди. Баҳром ани кўриб отиға қамчи уруб то кучи урмоғича они қувдилар».[358]

Низомийдаги тасвир, тимсолли ифодалар тизмаси бу таржимада йўқ. Лекин сюжет мазмуни, воқеалар маъноси тўла-тўкис акс этган.

Аммо Огаҳий асарни тамоман бадиий либосдан ҳоли қилиб, яланғоч, схематик тимсоллар ҳосил қилган деб ҳам бўлмайди. Унда кўпгина эпизодлар қизиқарли, равон қилиб келтирилган. Айниқса, ички ҳикоятлар тасвирида таржимон анча аниқликка интилиб, воқеаларни деталлаштиришга, улардаги қизиқ-қизиқ ўринларни ўқувчига осон бориб етадиган ва завқ берадиган даражада дуруст ағдаради. Умуман, Огаҳийнинг бу насрий таржимаси ҳам «Сабъаи сайёр»нинг насрий варианти каби мумтоз достонларни кенг халқ оммаси орасига ёйиш анъанаси оқибатида юзага келган асар бўлиб, у ўзбек адабиётида Баҳром Гўр сюжети асосида яратилган асарлар орасида ўзига хос ўрин эгаллайди.

Бу нарса шунда кўринадики, Навоийдан кейин ўзбек адабиётида Баҳром Гўр ҳақидаги сюжет асосида яратилган асарлар «Саъбаи сайёр» усулига асосланган эди, уни у ёки бу даражада давом эттирганлар. (Агар Ғарибий назм йўли билан ихчамлаб қайта ишлаган бўлса, насрий вариантда у ўзгартирилмасдан баён этилган). Бу ҳол ўзбек халқи орасида Навоий асарлари таъсирининг мислсизлигидан келиб чиққан.

«Ҳафт пайкар»нинг Огаҳий таржимаси орқали энди Низомий «Хамса»сидаги Баҳром Гўр воқеаси ўзбек тилида янгича тасвир тарзи билан юзага келдики, бу эса мазкур сюжетда яратилган асарларнинг ранг-баранг бўлишига олиб келди, Низомий ғояларининг ўзбек халқи орасига оммалашишига хизмат қилди. Огаҳий таржимасининг аҳамият ҳам унинг адабиётимиз тарихида тутган ўрни ҳам шундан иборат.

6. «Баҳром ва Дилором» сюжетининг ўзбек адабиётидаги тадрижий такомили ҳақида умумий мулоҳазалар

Алишер Навоий «Хамса»сининг тўртинчи достони бўлган «Сабъаи сайёр» сюжети хусусиятлари ва унинг «Ҳафт пайкар» ва «Ҳашт беҳишт» билан алоқалари тўғрисида айтилган фикрларни жамлаб, баъзи бир хулосалар чиқаришга ҳаракат қиламиз.

Навоий «Хамса»даги бошқа достонларда бўлганидай «Сабъаи сайёр»ни яратишда ҳам адабий анъанага амал қилган, у мавжуд мавзу ва сюжетларда тенг кучли асар ижод қилишга бел боғлаб Низомий, Хусрав билан мусобақалашган. Анъанага содиқ қолиш учун салафлари фойдаланган ҳикоятларга мурожаат қилган. У «Ҳафт пайкар»дан ҳам, «Ҳашт биҳишт»дан ҳам ижодий таъсирланган, Низомий ва Хусрав каби буюк санъаткорларнинг ноёб асарлари унга илҳом бағишлаган. Ҳар икки шоир асаридаги ўз мақсадига мувофиқ келадиган томонларни қабул қилган. Бироқ Навоий салафлар таланти қаршисида лол бўлиб қолмайди,

[358] Ҳафт пайкари Баҳром шоҳ, Муҳаммадризо Огаҳий таржимаси, ЎзФА қўлёзмалар фонди, инв. № 7695, 10-11-варақ.

улар ижодининг асирига айланмайди, тарихда биринчи марта туркий тилда йирик достон яратишга киришар экан, у форс тилида яратилиб, бутун адабий ҳаётнинг гулдастаси ҳисобланган ва суханшунослар наздида энг етук намуна ҳисобланган асарларни оддий такрорлаш, монанд асар яратишни, туркий «Ҳафт пайкар» ёки «Ҳашт беҳишт» яратишни ният қилган эмас эди. Навоийнинг мақсади туркий тилида «Хамса» яратиш билан бир қаторда салафларга тенг маҳоратини намойиш этиш, ўз мустақиллигини кўрсатиш эди. Бироқ Навоийнинг мақсади фақат оригинал, илгаригилардан фарқ қиладиган асар яратиш бўлмасдан, балки ўз замонаси талабига ҳар томонлама жавоб берадиган, муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларни ифодалайдиган, шоирнинг жамиятга, ҳаётга, адабиётга оид қарашларни акс эттирадиган асар яратиш ҳам эди. Бундай асарни яратиш учун Навоий энг аввало салафларга ўз муносабатини билдиради, улар билан ўзи орасидаги фарқларни кўрсатади ва асарида ифодалаши керак бўлган бош масалаларни таъкидлаб ўтади. Бу масалалар қуйидагилардан иборат:

а) Низомий ва Хусрав асарларидаги воқеалар тарқоқлигини такрорламаслик (улар гавҳарни тартибсиз тизганлар, сараламаганлар); б) асарнинг асосий ғояси қилиб ишқ-муҳаббатни олиш ва ошиқ-маъшуқлар тимсолини яратиш (уларда асосий ғоя шоҳлик масалалари бўлиб, ишратпараст шоҳ тимсолини кўрсатишга эътибор берилган); в) асарнинг эпизодлари, воқеалари, деталларини мантиқий мотивлар асосида, ҳаққоний ва мунтазам қилиб тасвирлаш (уларда тасодифий, ҳаёт ҳақиқатига мос келмайдиган тасвирлар бор); г) ички ҳикоятларни бош сюжет билан алоқадорлигини ошириш ва уларда муҳим ижтимоий ғояларни тасвирлаб бериш. Бу ўзгаришлар охир-оқибатда достоннинг бутун тўқимаси ва бисотини ўзгартиришга олиб келарди.

Ана шу ўзгаришларнинг асосийларидан бири унинг ташқи қурилмаси – воқеаларнинг давом этиши – сюжетга тааллуқли эди. Сюжет ўзгариши асар бадиий хусусиятининг асосий унсуридан бири бўлгани учун у достоннинг бутун қурилиши, ғоявий-мазмун ўзгаришидан келиб чиқар эди. Алишер Навоийнинг Баҳром Гўр сюжетини ривожлантиришдаги маҳорати, композицияни мукаммаллаштиришдаги усули (гавҳар доналарини тартибли териш, воқеаларни мантиқий, бир-бирига боғлиқ қилиб тасвирлаш) икки йўл билан амалга оширилган. Биринчидан «Ҳафт пайкар»да тасвирланган Баҳром саргузашти Хусравга эргашилиб, ниҳоят даражада қисқартирилган. Баҳромнинг тож кийишга қадар бўлган саргузашти қисқа-қисқа қайд қилинган бўлса ҳам, лекин унинг Чин хоқонига қарши курашлари, хоин вазир билан муносабати, жабрланганларни сўроқ этиши, чўпон насиҳати каби кўп эпизодлари ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Навоий фақат Баҳром ва канизак ҳикоясини олади. Қолганлари тарихга оид, у тарихни такрорлаш эса бадиий асар вазифасига кирмайди деб тушунтиради. Шундай қилиб, Баҳром Гўр саргузаштининг бир қисмини олиш билан асар композицияси ихчамлашган. Иккинчидан, Навоий фақат бу билан чекланиб қолмади, (агар у бундай қилганда Хусравни такрорлаган бўларди), бу ишқий ҳикояни кенгайтиради, унга янги тимсоллар қўшади, янги эпизодлар, янги талқинлар киритиб, охирини ички ҳикояларга улайди ва шундай қилиб уни қолипловчи сюжетга айлантиради. Бу сюжет айни пайтда ички ҳикояларни бош сюжетга улайди.

Шундай қилиб, Баҳром Гўр сюжети Навоий ижодида ишқий–романтик асарнинг етук, баркамол намунасига айланган. У китобхонга завқ берувчи, уни эргаштирувчи хусусиятларга эга. Натижада шоирнинг илғор ғоялари тўла ифодаланган, Баҳром тимсоли янгича жило, мазмун «Сабъаи сайёр» ўзининг ғоявий ва бадиий хусусиятлари билан «Хамса»даги «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби шоҳ асарлар қаторига кўтарилди.

* * *

«Сабъаи сайёр» буюк Навоий қаламидан чиққандан кейин у Баҳром ҳақидаги янги етук асар сифатида халқ орасига кенг тарқалди. У «Хамса» таркибида ҳамда ўзи алоҳида қайта-қайта кўчирилди, унга эргашиб қиссалар, янгича «Баҳромнома»лар яратилди, халқ бахшилари бу сюжет асосида достонлар айтдилар. XIX аср иккинчи ярмига келиб, тошбосмалар вужудга келганидан кейин Навоийнинг бошқа ишқий достонлар қатори «Сабъаи сайёр» ҳам бир неча марта нашр этилди. Бундан ташқари, Навоий достонлари бошқа туркий халқлар адабиётига ҳам кучли таъсир кўрсатди.

Ўзбек адабиётида Баҳром Гўр ҳақида Навоийнинг «Сабъаи сайёр» асари билан бир қаторда Низомий ва Фирдавсий асарлари ҳам кенг тарқалган эди. Хоразмлик истеъдодли шоир Муҳаммадризо Огаҳийнинг «Ҳафт пайкар» ва «Ҳашт беҳишт» каби асарларни таржима қилиши бунинг ёрқин мисолидир. Баҳром Гўр сюжетининг ўзбек мумтоз адабиётида ривожланиши ҳақида гапирар эканмиз, унинг Навоийдан кейинги версиялари тўғрисида ҳам тўхтаб ўтишни лозим топдик. Бундай асарлардан энг эътиборлилари сифатида қашқарлик Ғарибийнинг «Шоҳ Баҳром ва Дилором» асари, «Сабъаи сайёр»нинг насрий варианти ва «Ҳафт пайкар»нинг Огаҳий қилган таржимасини олдик. Баҳром Гўр сюжетида ўзбек адабиётида Навоийдан кейин яратилган бу асарларнинг бир умумий хусусияти бор. Бу «Хамса»даги достончилик анъаналарини давом эттириш, уни бузмаган ҳолда ундаги ғояларни китобхон диди, талабига мослаштириб баён этиш, турли усуллар билан уни тарғиб этишдир. Достонларни насрлаштириш ҳам, ихчамлаб, содда қилиб ишлаб чиқиш ҳам, насрий эркин таржима ҳам XIX аср адабий ҳаракатчилигининг эҳтиёжларидан келиб чиққан воқеалар эди.

Аммо бу асарларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар адабиёт тарихида муайян мавқе бўлдилар, буни биз таҳлилларимизда кўриб ўтдик. Яна бир муҳим жиҳат шуки, мазкур асарлар фақат сюжет такомили, унинг ишланиши нуқтаи назардангина эмас, балки ғоявий-эстетик нуқтаи назардан ҳам алоҳида-алоҳида ўринни эгалайдилар. Ғарибий достони ва насрий вариантда Навоийнинг инсонпарвар ғоялари, ижтимоий-сиёсий қарашлари давом эттирилди, уларнинг ҳар бири ўзига хос йўл билан (биз буни аниқ мисоллар билан кўриб ўтдик) акс эттирилди. Муаллиф Навоийдан илҳомланиб, бу асарлардаги илғор ғояларни халққа етказишга интилган. Бу асарлардаги адолат, халқпарварликка даъват этувчи ғоялар ўз даври учун муҳим аҳамиятга эга бўлди, китобхонларни эзгу ғоялар руҳида тарбиялади.

Огаҳий томонидан наср йўли билан ўзбекчалаштирилган «Ҳафт пайкар» Низомий ғоялари, қарашларини ўзбек халқи орасида тарғиб этиш билан бирга адабиётимиз тарихидаги насрнинг ривожида алоҳида ҳисса бўлиб қўшилди. Умуман, бу достонларнинг ҳар бири XIX аср адабий ҳаётида ўзбек эпик достончилигида, ўзбек насрийни тараққий эттиришда халқимизнинг бадиий-эстетик эҳтиёжини қондиришга хизмат қилиб келди.

II БОБ

«БАҲРОМ ВА ГУЛАНДОМ» СЮЖЕТИ ВА УНИНГ ВЕРСИЯЛАРИ

1. «Баҳром Гўр» сюжети билан «Баҳром ва Гуландом» сюжетининг ўзаро алоқаси

Ўзбек адабиётида Баҳром Гўр номи билан боғлиқ бўлган, яъни Баҳром ва канизак (Фирдавсийда Баҳром ва Озода, Низомийда Баҳром ва Фитна, Хусрав Деҳлавий ва Навоийда Баҳром ва Дилором) сюжетидан ташқари яна Баҳром ва Гуландом сюжети ҳам кенг тарқалган. Баҳром ва канизак сюжети «Хамса»ларда ишланиб, мумтоз адабиётда кенг ўрин олган ва шу аснода халқ орасида тарқалган бўлса, Баҳром ва Гуландом аввал халқ оғзаки ижодида шуҳрат қозониб кейин ёзма адабиётга ўтган ва ундан яна фольклорга ўтган. Ўзбек адабиётида Баҳром ва Гуландом сюжетида ёзилган асарларнинг асосан халқ вариантлари кўпроқ учрайди. Бу сюжет шарқ халқлари фольклорида илгари пайдо бўлган бўлса ҳам лекин бизнинг адабиётимизда дастлаб ёзма адабиёт намунаси сифатида Собир Сайқалийнинг «Баҳром ва Гуландом» достони орқали XIII асрда кириб келган. Китобнинг биринчи бобида кўриб ўтганимиз «Хамса»ларда кўчиб юрган Баҳром Гўр сюжети билан Баҳром ва Гуландом орасида катта фарқ бор. Гарчи ҳар икки сюжет ҳам Баҳром номи билан боғлиқ бўлса-да, лекин Баҳром ва Гуландом сюжети Баҳром Гўр сюжетининг бевосита давоми эмас. Бу икки сюжет орасида яқин жиҳатлардан кўра, фарқ қиладиган томонлар кўпроқ. Бу фарқ биринчи навбатда «Баҳром ва Гуландом» сюжетининг халқ оғзаки ижодида пайдо бўлганлиги ва ўзига кўпгина фольклор хусусиятларини ифодалаганлигида кўринади. Тўғри, Баҳром Гўр сюжетининг юзага келишига тарихий вақеалар билан бирга фольклор белгилари ҳам иштирок этган. Аммо у асрлар давомида буюк кишилар томонидан ишланиб, ёзма адабиётнинг талабларига мослаштирилди, шарқ мумтоз достончилигининг қонуниятларига қатъий бўйсундирилди. Бу ҳол, айниқса, Навоий ижодида беқиёс такомилига эришди.

«Баҳром ва Гуландом» номи билан машҳур қиссаларнинг сюжети айрим элементлари, эпизодлари ёки баъзи бир персонажларнинг хусусиятлари билангина эмас, балки яхлит тузилиши билан Яқин ва Ўрта Шарқда тарқалган халқ китоблари – қисса, достонларнинг сюжети характерига ўхшашдир. Ундаги эртакларга хос саргузашт, романтик руҳдаги воқеалар, ғайри табиий кучларнинг иштироки (афсонавийлик), қаҳрамонларнинг чексиз қудрат ва имкониятларга эга эканлиги, воқеалар ривожининг ҳар доим ижобий кучлар фойдасига ҳал бўлиши (бунинг устига анча жўн ва осонлик билан), сюжет воқеалари ва асосий ғояларни ягона бош қаҳрамон характери, унинг интилиши, фаолиятига боғлаб тасвирлаш ва бошқа шу сингари белгилар бу сюжетни халқ китоблари деб аталмиш, омма орасига кенг тарқалган ишқий–романтик, қаҳрамонлик–саргузашт мазмунидаги сюжетлар қаторига киритишга ҳуқуқ беради.

Бироқ шу нарса ҳам маълумки, гарчи сюжет халқ китоблари типидаги сюжетга монанд бўлса-да, бироқ унда мумтоз адабиётнинг таъсири ва белгилари ҳам кўринади. Буни биз хусусан Собир Сайқалийнинг достонида яққол сезамиз. Бу албатта, ёзма адабиёт билан оғзаки ижод орасидаги алоқа ва муносабатларни ўзида ифодалайди.

Бу масалаларни кейинроқ батафсил кўриб чиқамиз. Ҳозир эса «Баҳром ва Гуландом» сюжети билан «Баҳром Гўр» сюжети орасидаги алоқа ва фарқларни кўздан кечирайлик. Бунинг учун эса, аввалambор, «Баҳром ва Гуландом» номи билан тарқалган асарларнинг барчаси учун асос бўлган сюжет воқеасини бу ерда келтирамиз. (Биз ҳозир келтирадиган

воқеа умумий характерга эга, у ҳар бир асарда айрим ўзгаришларга учраганлиги табиий, бу ўзгаришлар ҳақида ўша асарлар таҳлил қилинганда айтиб ўтилади.)

Рум шоҳи оқил ва адолатли бир подшоҳ бўлиб, унинг молу мулки беҳисоб экан, лекин анча ёшга борган бўлса ҳам фарзанди йўқ экан. Ниҳоят, анча вақтлардан кейин бир ўғил кўриб, отини Баҳром қўяди. Баҳром олдин доя қўлида сўнгра мактабда тарбияланиб, 16 ёшгача барча илму ҳунарларни эгаллайди, паҳлавон ва моҳир овчи бўлиб етишади. Шоҳ ўғлидан хурсанд бўлиб, уни қошига чақириб, расмий равишда унинг бошига тож кийгизади ва лашкаридан бир қисм ажратиб унга инъом этади. Кейин унга шоҳ бўлсанг вилоятга яхшилик қил, адолатли, саховатли, тадбирли бўл деб насиҳат қилади. Баҳром отасининг сўзларини қабул қилиб, ундан овга чиқишга рухсат олади. Биринчи кунги овда бир шер билан олишиб уни ўлдиради. Ҳамма офарин дейди. Иккинчи куни овга чиққанда бир кийикни учратиб қолади ва унинг кетидан қувиб лашкаридан ажралади. Адашиб қолган Баҳром бир тоққа чиқиб унда бир кўшкни ва чолни учратади. Чолнинг уйида бир соҳибжамол қизнинг сурати ҳам бор эди. Бу суратда Рум подшосининг қизи Гуландом тасвирланган эди. Шаҳзода суратга ошиқ бўлиб қолади ва чолдан қизнинг юртини сўраб йўлга тушади. Йўлда девлар мамлакатига йўлиқади. Сайфур, Шаммос, Қаммос деган девлар билан олишиб, уларни енгиб, ўлдирмоқчи бўлганида девларнинг синглиси Сарвосо чиқиб, Баҳромдан авф этишни илтимос қилади. Баҳром девларни қўйиб юборади ва улар шаҳзода билан дўстлашиб қоладилар. Баҳром девларнинг азиз меҳмони бўлади, зиёфат уюштирилади, сўнгра у ғорда ётган Ақраб девни ўлдириб (Сайфурнинг илтимоси билан), Сайфурнинг қайлиғи Руҳафзони озод этади ва катта хазинани қўлга киритади. Шундан кейин Баҳром Сайфур билан хайрлашиб Гуландомни излаб яна йўлни давом этади. Савдогарлар кемасига тушиб денгизда кетаётганида кемага наҳанг (акула) ҳужум қилади. Кема аҳли жонидан умид узган бир пайтда шаҳзода моҳирлик билан ўқ отиб, наҳангнинг икки кўзини кўр қилади ва қайиққа тушиб, уни қилич билан бурдалайди. Эсон-омон Рум шаҳрига етгач, бир карвонсаройга жойлашади ва саройбондан шаҳардаги аҳволни билиб олади. Маълум бўлишича, Гуландомни зўрлик билан олиш учун Беҳзоди Булғорий Румга лашкар тортиб келган ва шаҳарни қамал қилиб турибди. Шаҳзода тонг пайти кийимларини саройбон кийимлари билан алмаштириб шаҳарни айланади. Беҳзоднинг лашкарларини кўради. Кеч тушгач, ўз кийимларини кийиб Шаммоснинг тукини тутатади, у келгандан кейин Сайфурдан лашкар олиб келишни илтимос қилади. Сайфур лашкари билан етиб келади. Улар Баҳром бошчилигида Беҳзоднинг қўшинига тўсатдан ташланадилар («Шабохун»). Катта қирғин бўлади. Баҳром Беҳзоднинг бошини найза учига санчиб шаҳар дарвозасига қўяди ва остида Беҳзод беадаблик қилиб Гуландом васлини тилаб келган эди, уни Баҳром шу аҳволга солди, кимки Беҳзоднинг хунини истаб келса, Баҳромдан истасин, деган хат ёзиб қолдиради. ўзи эса парилар лашкарига жавоб бериб, жандасини (намат кийим) кийиб, Гуландом қасри олдидаги майдонга бориб ётиб олади. Эрталаб шаҳар аҳли бу воқеани билиб ҳайрон қоладилар. Фағфуршоҳ найза остидаги хатни ўқиб ҳайрати ошади. Шунда вазир: Гуландом ҳуснининг овозаси тўққиз фалакка етган, ажаб эмаски, осмондаги Баҳром (сайёранинг номи: чақмоқ худоси) унга ошиқ бўлган бўлса ва у Беҳзоднинг ишини кўриб, ўзи фаришталар билан кўкдан тушиб, лашкарини қирган бўлса, дейди. Бу гап ҳаммага маъқул тушади. Шоҳ найза билан хатни хазинага топширади.

Шаҳзода Баҳром эса Гуландом қасри остонасида оҳу афғон чекиб ётар эди. Гуландом одати бўйича ора-сира қасрдан чиқиб, ўз жамолини одамларга кўрсатар экан. Шундай кунларнинг бирида Баҳром ҳам томошани кўради. У маъшуқасининг жамолини кўриб, ҳушини

йўқотади, ўзига келсаки, одамлар тарқалган, кеч бўлиб қолган. Шаҳзода қаср томига чиқиб туйнукнинг шишасини кўтариб, ичкарига қарайди ва тонг отгунча Гуландом жамолини томоша қилади. Гуландомнинг яна бир одати шу эдики, у ҳар наврўз куни ўз канизакларини қасрдан чиқариб, кўз тегишиниг олдини олиш деган ирим билан одамлардан ҳадя йиғар эди. Шу маросимдан фойдаланган Баҳром ўзининг қимматбаҳо узугини товоққа солиб юборади. Гуландом узукни кўриб йигитни шоҳнинг ўғли эканини билиб олади. Навбатдаги юз кўрсатиш маросими етиб келганда қиз Баҳромга алоҳида эътибор беради, нигоҳлар тўқнашади, Гуландом қалбида ишқ пайдо бўлади. У Давлат номли канизакка Баҳром аҳволидан хабар олиб келишни буюради. Давлат келиб Баҳромдан кимсан, қаерликсан деб сўраганда у ўз ишқини изҳор этиб, Гуландомга нома юборади. Шундай қилиб, икки орада ошиқнома алмашинади. Достонда ҳаммаси бўлиб ўнта нома келтирилган. Улар икки қисмдан иборат: биринчи қисмда маснавий йўли билан ошиқона сўзлар келтирилса, иккинчи қисмда хат мазмунига мувофиқ кичик ҳикоя берилади ва ундан хулоса чиқарилади. Дастлабки номаларда Баҳромнинг чин ошиқ сифатидаги оҳу нолалари, садоқати ва Гуландомнинг рад жавоблари (сен менинг тенгим эмассан, бир гадосан, кимлигинг аён эмас, мен учун ҳеч нарса қилганинг йўқ ва ҳ.к.) келтирилган. Кейинги номаларда Баҳром ўзининг шаҳзода эканлигини билдиргач, қиз унга сабр қил, оҳу фиғонни кўпайтириб, ошиқлигимизни эл-юртга овоза қилма, деб насиҳат беради. Шундай қилиб Баҳром Гуландомнинг севгисига сазовор бўлади. Йигит ва қиз бир-бирларига чин юракдан муҳаббат қўйишади. Шу тариқа достоннинг биринчи қисмига якун ясалади.

Асар сюжетининг иккинчи қисмини унинг ечими ва хотимаси десак хато бўлмайди. Бунда Баҳромнинг отаси ўғлини сўроқлаб ҳар томонга одам юборгани, тоғдаги пири Равшанзамирдан (Гуландом суратини Баҳромга кўрсатган чол) шаҳзоданинг хабари топилиши ва Дастур вазир бошчилигида Рум қайсари элчиларининг Чин мамлакатига келиши, улар найзадаги хатни ўқиб Баҳромни топиб олганликлари тасвирланган. Баҳром зиёфат пайтида Сайфурнинг жин–парилардан иборат лашкарини чақириб, Фағфурга намойиш қилади ва Беҳзод лашкарини қандай қирганлигини тушунтиради. Шу пайт Беҳзоднинг қасдини олиш учун Навшод лашкар тортиб келади. Баҳром Чин шоҳининг ва Сайфурнинг қўшини билан жангга кириб, ёвни енгади. Бундан кейинги воқеалар совчилик ва унаштиришлар баёнидан иборат. Гуландом Баҳромга, Сайфурнинг синглиси Сарвосо Фағфурга турмушга чиқади. Тўйдан сўнг Баҳром Чин шоҳи билан хайрлашиб, Румга қараб йўл олади. Қисса ҳамма ҳам муроду мақсадига етсин, деган анъанавий оптимистик жумла билан якунланади.

Асар сюжетини шунча батафсил баён қилишимиздан мақсад, биринчидан, унинг Баҳром Гўр сюжети билан ўхшаш ва фарқ қилувчи жиҳатларини тўлароқ тасаввур қилиш бўлса, иккинчидан, бу сюжетда ёзилган ўзбекча достонларнинг умумий ва жузъий томонларини ўрганишни қулайроқ қилиш, ортиқча такрорлардан қочиш кўзда тутилган.

Энди Баҳром қаҳрамони бўлган бу икки туркумдаги сюжетни (ёзма ва оғзаки адабиётлардаги сюжетларни) ўзаро солиштириб чиқамиз. Аввало сюжетларнинг бир-бирига ўхшаш томонлари ҳақида сўз юритамиз.

«Баҳром ва Гуландом» сюжетининг илк эпизодларини ўз ичига олувчи экспозицияси Фирдавсий, Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Навоий асарларида тасвирланган воқеаларга анча монанддир. Чунончи, Баҳромнинг оиладаги якка фарзанд эканлиги, анча тадбирли, худо йўлида қилинган дуо ва қурбонликлардан кейин туғилганлиги, тарбияси, ёшлигидан доно ва жасур бўлиб ўсиши, овга ўчлиги «Шоҳнома» ва «Ҳафт пайкар»да мавжуд. Бу воқеалар лўнда тарзда «Ҳашт беҳишт» ва «Сабъаи сайёр»да ҳам келтириб ўтилади. Бироқ «Шоҳ-

нома» ва «Ҳафт пайкар»да Баҳромнинг тарбияси ва овдаги маҳоратига анча кенг тўхтанилганлиги маълум. «Баҳром ва Гуландом»да эса бу воқеалар жуда қисқа баён этилган. Агар шер ови тасвирини эътибордан соқит қилсак, бу эксспозиция Ҳусрав Деҳлавий ва Навоий асарлари экспозициясига ҳар жиҳатдан яқин эканлигини кўрамиз. Лекин шер ови воқеаси асарни Низомий ва Фирдавсий достонлари билан ҳам алоқадор қилиб қўяди. Бу эпизоддаги шаҳзоданинг шер билан курашиш усули ҳам ўша достонлардаги тасвирни эсга солади («Шоҳнома» ва «Ҳафт пайкар»да бўлгани каби «Баҳром ва Гуландом»да ҳам шаҳзода шер ҳамласига чап бериб кейинг унинг икки орқа оёғидан тутиб, боши узра айлантириб ерга уриб ўлдиради). Экспозициянинг кейинги эпизодлари – Баҳромнинг кийик кетидан қувиши ва адашиб қолиб Гуландом суратини кўриб қолиши Фирдавсий ва Низомийдан кўра кўпроқ Навоий ва Хусрав Деҳлавийга яқин. Тўғри, Низомийда ҳам Баҳром қизлар суратини кўриб ошиқ бўлади (Хаварнақ қасридаги етти манзара), аммо унда Баҳром суратлардан бирортасига ошиқ бўлиб, унинг эгасини кўриш учун ошиқмайди. Низомий бу суратлар орқали кейинги етти қаср ва етти маликанинг Баҳромга насиб бўлишини олдиндан рамзий ишора сифатида тасвирлаган. «Баҳром ва Гуландом»да эса сурат бевосита кейинги бўладиган воқеаларни ривожлантиришга хизмат қилади, яъни у достон сюжетининг тугунидир. «Сабъаи сайёр»да ҳам Моний томонидан Дилором суратининг Баҳромга кўрсатилиши асар тугуни вазифасини ўтаганлигини биринчи бобда таъкидлаган эдик. Кийик кетидан қувиш воқеалари «Хамса»лардаги достонларнинг сўнгида келтирилган. Баҳромнинг кийик кетидан қувиб ғорга кириб кетиши воқеасидан олинган. Қиссанинг бундан кейинги воқеалари Баҳром Гўр сюжетидан жиддий фарқ қилади. Фақат «Шоҳонома»да тасвирланган Баҳромнинг ўз қиёфасини ўзгартириб, элчи сифатида Ҳиндистонга бориши ва қаҳрамонликлар кўрсатиб ҳинд рожасининг қизини олишга муваффақ бўлиши воқеалари «Баҳром ва Гуландом»даги шаҳзоданинг Чин шоҳига ўзини танитмай қаҳрамонликлар кўрсатиб, малика билан яқинлашиш эпизодлари тасвирга умумий йўналиш жиҳатидангина бир қадар ўхшайди холос. «Баҳром ва Гуландом» қиссаси сюжетининг асосий воқеалари (девлар билан жанг қилиш, уларни енгиб, биродар тутуниш, денгиздаги жанг, Хитойдаги маъшуқа учун қилинган қирғинлар) сюжет чизиғининг хусусиятлари жиҳатидан Баҳром Гўр сюжетидан кўра «Хамса»нинг бошқа асарларига ўхшаб кетади. Масалан, «Фарҳод ва Ширин»ни олайлик. Фарҳоднинг ягона фарзандлиги (отаси олдин бефарзанд бўлади), жасур ва доно бўлиб етишиши, отасининг тахтни топшириш учун мажлис чорлаши, Фарҳоднинг Ширин расмини кўриб ошиқ бўлиши, ёрини излаб азоб-уқубатлар билан Арманистонга етиб келиши (денгиздаги фалокат) Ширин васлига зўрлик билан етишиш учун қўшин тортиб келган Хусрав (Гуландомни тортиб олиш учун лашкар бошлаб келиб шаҳарни қамал қилган Беҳзод каби) билан олишиш эпизодлари шаҳзода Баҳромнинг саргузаштлари билан анча ўхшашдир. Аммо «Фарҳод ва Ширин» муайян ғоявий–эстетик мақсадни кўзда тутиб ёзилган асар бўлганлиги боис охири фожиа билан тугайди. Бизнинг қиссада эса Баҳром ўз ёрига қўшилиб мурод-мақсадига етади. Мазкур сюжет бу жиҳати билан «Сабъаи сайёр»даги ички ҳикояларга, хусусан Саъд ҳикоясига яқин туради. Саъд ҳам қизга ғойибона ошиқ бўлиб, афсонавий қаҳрамонликлар, шунингдек, доно қариянинг ёрдами билан малика васлига мушарраф бўлади.

Шундай қилиб, «Баҳром ва Гуландом» сюжети баъзи қисм ва жиҳатлари билан «Хамса»ларда кезиб юрган Баҳром Гўр сюжетига алоқадор бўлса-да, аммо асосий эпизодлари билан ундан фарқланади. Сюжетнинг ривожи, кульминацияси, ечим ва хотимасини ташкил этувчи воқеалар мазмуни, мавзуи, тасвирлаш усули жиҳатидан ҳам тамоман бошқа

характердаги воқеалардир, бу ҳол асарнинг мустақил сюжетга эга бўлган янги шаклдаги қисса эканлигини кўрсатади.

Сюжет бошқа бўлгач, асарнинг ғоявий мазмуни, тимсоллар тизими, уларнинг характери, шаклланиш ва ривожланиш тарзи ҳам бошқача кўриниш олади. Даставвал шуни айтиш керакки, «Баҳром ва Гуландом» қиссаси билан Баҳром Гўр сюжетида ёзилган асарлар мавзу эътибори билан ажралиб туради. Баҳром Гўр сюжетида ёзилган асарнинг асосий мавзуи: «Шоҳнома»да – қаҳрамонлик ва одиллик (шоҳлик иккинчи режада), «Ҳафт пайкар»да ҳукмдорлик ва муҳаббат (қаҳрамонлик иккинчи режада), «Ҳашт биҳишт»да муҳаббат ва маишатпарастлик (қаҳрамонлик сезилмас даражада) – ов эпизоди, ҳукмдорлик, мамлакатни идора этиш масаласи қолдирилган, «Сабъаи сайёр»да – муҳаббат ва шоҳлик (ҳукмдорлик) масаласи (қаҳрамонлик йўқ даражада).

«Баҳром ва Гуландом» қиссасида асосий мавзу – муҳаббат мавзуи. Тўғри, қаҳрамонлик ҳам қиссада кўп ўринни эгаллайди, лекин у марказий масала эмас. Сюжетнинг асосини муҳаббат мавзуи ташкил этади, қаҳрамонлик шунга бўйсундирилади. Бироқ гарчи мавзу яқиндек кўринса ҳам, унинг бадиий ҳал этилиш усули ва услуби бутунлай ўхшамайди.

«Хамса»лардаги Баҳром Гўр достонида Баҳром етти иқлимнинг забардаст подшоҳи, мағрур ва шуҳратпараст шахс сифатида гавдаланади. У қудрати ва қобилиятига ҳаддан зиёд бино қўйган одам. Ҳамманинг ўзига итоат этиши, айтганини муҳайё қилишларини истайди, умрини базму ишратда ўтказишга мойил. У гўзал канизакка кўнгил боғлайди, лекин у содиқ ва ҳақиқий ошиқмас (Навоийда гарчи у асар охирига келиб, анча ўзгарса ва Дилоромни чин қалбдан севса ҳам, барибир ўз йўлидан қайтмайди ва овда ҳалок бўлади). Ундаги шоҳлик ғурури ва манманлик ошиқлигига путур етказади. Шу сабабли у канизакни ҳақ сўзларига чидай олмай, уни чўлга улоқтиради. Бу эса ҳақиқий ошиқликка хилоф. Баҳром Гўр сюжетида ёзилган асарлар орасида бош қаҳрамон тимсоли Навоий достонида анча мураккаб ишланганини кўрдик. Унда ошиқлик билан шоҳлик, ишқ билан тахтга муҳаббат орасида кураш яхши тасвирланган. Баҳром ақлини банд этган Дилором сотиб олинган чўри, у ҳар қанча гўзал бўлса ҳам одамийлик ҳуқуқларидан маҳрум. Шоҳ Дилоромни жондан севгани билан унга ўзи тенги одам сифатида эмас, балки ҳиссиёт ва завқни қондирадиган соҳибжамол махлуқ сифатида муносабатда бўлади. Дилором – фақат муҳаббат воситаси, қуроли холос.

«Баҳром ва Гуландом»даги Баҳром жасур ва қаҳрамон ошиқ, одамларнинг мушкулини осон қиладиган, қора кунларда ёрдам қўлини чўзадиган мард ва тадбиркор баҳодир. У шаҳзода бўлишига қарамай (бунинг устига Гуландомнинг ватанига бостириб кирган душманларни тор-мор этган баҳодир бўлса-да) севгилиси олдида манманлик қилмайди, уни зўрлик билан тортиб олишга интилмайди (Баҳром Гўр Дилоромни пул ва куч билан олиб келтиради). Шаҳзода ёрининг қасри эшигида дарвешсифат ойлаб ётиб, оташин номаларда ўз муҳаббати ва садоқатини сабр-чидам билан ошкор этади, охири қизнинг қалбига йўл топиб мақсадига эришади. Натижада муҳаббат икки томоннинг розилиги ва тенглиги асосида пайдо бўлади. Баҳром муҳаббатни курашиб, қаҳрамонликлар кўрсатиб қўлга киритади, у фақат ёр васлига эришиш учун интилади, барча фаолияти ҳам шунга қаратилган.

Гуландом – ақлли, соҳибжамол ва зукко қиз. У Баҳромни шаҳзода бўлганлиги учун эмас, мардлиги ва баҳодирлиги, ишқда собит ва содиқ бўлганлиги учун севади. Ёр танлашда қизнинг эрки ўз қўлида. Отаси бу борада ҳукмини ўтказмайди, унинг раъйига қарайди. «Баҳром ва Гуландом»даги бошқа тимсоллар мустақил ҳаракат қилувчи тимсоллардир. Улар «Сабъаи сайёр»да бўлгандаги каби фақат Баҳром иродасига бўйсунадиган шахслар эмас. Улар

шаҳзодага кўмаклашганда ҳам унинг ҳукмини ижро этиш учун эмас, балки дўстлик ва биродарликдан келиб чиқиб ёрдам берадилар (Сайфур ва бошқалар). Шаҳзода Баҳром ботир, енгилмас одам бўлиши билан бирга шафқатли, раҳмдил, адолат ва ҳақиқатни ёқловчи шахс, у кишиларга яхшилик қилишга, тинчлик ва осойишталик ўрнатишга интилади.

«Баҳром ва Гуландом» сюжетининг характерли хусусиятларидан яна бири – унда воқеаларнинг охири «Хамса»дагидек фожиали эмас, балки оптимистик руҳда тугалланади. Дарвоқе, «Хамса»лардаги Баҳромнинг Гўр деган лақаб олиши ҳам унинг ана шу фожиали, сирли йўқолишига ишорадир. Айтганлардан шундай хулоса чиқадики, «Баҳром ва Гуландом» сюжети гарчи мумтоз ёзма адабиёт таъсирида пайдо бўлган бўлса-да (бу сюжетнинг келиб чиқиш сабаблари ва тарқалиши ҳақида келгуси саҳифаларда тўхтаймиз), аммо у айрим жиҳатлари билангина «Хамса»да кезиб юрган Баҳром Гўр сюжетига алоқадор бўлиб, асосий қисми тамоман бошқа характерга эга. Достон ўзининг тимсоллар мажмуаси, композицион қурилиши, усули ва услуби билан ҳам улардан ажралиб туради. Бизнингча, Баҳром Гўр ҳақидаги қисса ўзининг тарихий заминидан аста-секин узоқлашиб Навоий ижодида роман характеридаги анча тугал ишқий достон ҳолига келгач, ўз тараққиётининг сўнгги нуқтасига етган эди.

Баҳром номи билан боғлиқ «Баҳром ва Гуландом» сюжети бу тараққиётнинг иккинчи йўналишини ташкил этиб, у халқ орасида пайдо бўлган ҳамда халқ афсона ва эртаклари хусусиятларини касб этган, ундаги тимсолларнинг хислати, сюжетининг эртаксимонлиги, унда ғайритабиий кучларнинг иштирок этиши, халқ достонларида мавжуд бўлган услуб ва тасвир тарзининг ҳукмронлиги бу фикрга гувоҳдир.

Кези келганда шуни ҳам қайд қилиш лозимки, Сайқалийнинг «Баҳром ва Гуландом» асари устида тадқиқот олиб борган Р.Алиев,[359] А.А.Семеновнинг достон сюжетини Баҳром Гўр туркумидаги асарлардан тубдан фарқ қилади,[360] деб кўрсатган фикрига қўшилган ҳолда уни Фирдавсий, Низомий ва Навоий асарларидаги сюжетнинг давоми сифатида баҳолайди.[361] У достондаги Баҳром тимсолини Баҳром Гўрга қиёслаб, унинг асосий фарқи «эркин шаҳзода» эканлигида деб кўрсатади.[362] Унингча, Сайқалийдаги Баҳром «ҳар қандай ёмон хислатлардан халос идеал қаҳрамон».

Тўғри, «Баҳром ва Гуландом»да халқ тафаккури акс этган. Баҳром афсонавий куч-қудратга эга, олижаноб шахс сифатида тасвирланган. «Баҳром ва Гуландом» – саргузашт асар, халқ достони. Унинг бутун хусусиятлари шундан келиб чиқади. Бундай асарларда қарама-қарши кучларнинг кескин тўқнашуви, икки томоннинг кураши эмас, балки бош қаҳрамоннинг фаолияти, унинг қаҳрамонликлари, муддаосига эришиш йўлидаги ғалабалари асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун бу ердан «кескин зиддият»ни талаб қилиб чиқиш – мантиққа хилоф. Аммо ҳар қандай бадиий асарда ҳам зиддият бор. Лекин унинг характери турлича бўлади. Жумладан, бу сюжетнинг ҳам зиддияти мавжуд. Зиддият бу ерда Баҳром ишқи ва унга эришиш қийинчиликлари орасидадир. Баҳром суратни кўриб Гуландомга ошиқ бўлади (асарнинг тугуни), лекин Гуландомга қандай етишиш керак, қиз уни севадими, унинг васлига эришиш учун нима қилиш керак? Шунга ўхшаш саволлар бош қаҳрамон кўнглини

---

[359] Алиев Р. Сайқалий ва унинг «Баҳром ва Гуландом» достони. Номзодлик диссертацияси. Т., 1964. инв. Р.Д. 943.

[360] Қаранг: Собрание восточных рукописей. Фан. Т., II том. с.233.

[361] Алиев Р. Сайқалий ҳамда унинг «Баҳром ва Гуландом» асари ҳақида. Фан. Т.1960. 12-бет.

[362] Р.Алиев. Сайқалийнинг «Баҳром ва Гуландом» достони ҳақида. // «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали. 1960 йил. 1-сон. 93-бет.

банд этган. Бошқа барча воқеалар, Баҳромнинг ҳамма ишлари шу нарсани амалга ошириш учун бажарилган ишларидир. Достоннинг кульминацияси Баҳром билан Гуландомнинг нома олишувидир. Худди шу ерда йигит қизнинг муҳаббатига сазовор бўлади – мақсадига эришиш йўлини топади. Асар композицияси, воқеаларнинг жойлашиши ҳам жуда ўринли. Баҳром тимсоли ўсиб бормайди, балки ундаги хусусиятлар воқеалар давомида очила боради. Динамик тимсол кескин зиддиятли асарларда бўлади. «Баҳром ва Гуландом» типидаги саргузашт асарларнинг тимсоллари характер жиҳатдан шаклланган тайёр тимсоллар ҳисобланади.

Шундай қилиб, «Баҳром ва Гуландом» сюжети асос эътибори билан халқ оғзаки ижодига хос хусусиятига эга сюжетдир. Бунда ёзилган асарлар «типик халқ достонлари»[363] бўлиб, уларда «рицарча (жавонмардлик) фидойиликка хос романтик–қаҳрамонлик элементи ва афсонавий саргузаштлар»[364] устунлик қилади, шу хусусиятлари билан у кенг психологик тасвирга эга ёзма адабиётдан ажралиб туради.

2. «Баҳром ва Гуландом» сюжетининг шарқ халқлари адабиётидаги версиялари ва ўзбекча вариантлари

Ўзбек адабиётида «Баҳром ва Гуландом» номи билан бир қанча асарлар мавжуд. Бироқ уларнинг ўзаро алоқалари, ҳар бирига хос хусусиятларигина эмас, балки бу асарларнинг барчасига хос бўлган ягона сюжетнинг қаерда ва қачон пайдо бўлганлиги, унинг манбалари ҳам етарли ва атрофлича ўрганилган эмас.

Бу мавзуга дастлаб қўл урган Р.Алиев ўзининг тадқиқотида[365] Собир Сайқалий томонидан яратилган «Баҳром ва Гуландом» достони воқеаларининг форсча «Шаҳзода Баҳром ва Маликаи Гуландом» насрий қиссаси ва Фозил Йўлдош ўғлининг «Баҳром ва Гуландом» достонлари мазмуни билан ўхшашлигини таъкидлаб ўтади. Аммо бу асарлар сюжетининг ўзи асли қаердан келиб чиққанлиги ҳақида тўхталмаган, шунингдек, достонлар сюжетининг фарқли томонлари ҳам ёркин очиб берилган, деб бўлмайди.

Шарқшунос олим К.Г.Корогли ўзининг бир мақоласида Сайқалий достонининг манбаъи халқ орасида кенг тарқалган ва бир неча марта литография қилинган форсча насрий қисса (мақола муаллифи негадир бу асарни «достон»[366] деб келтиради) деб кўрсатган ва бу икки асар сюжетини солиштириб ўхшаш томонларини аниқлаган. Муаллиф шу билан бирга Сайқалий услубига хос жиҳатларни ҳам қайд қилиб ўтади. Бироқ Х.Г.Корогли ҳам насрий қиссанинг қаердан олинганлиги билан қизиқмайди.

Адабиётшунос А.А.Гвахариянинг «Баҳром ва Гуландом»нинг форсча ва грузинча версиялари тўғрисида»[367] номли мақоласида қиссанинг насрий вариантидан ташқари форсча шеърий варианти ҳам борлиги, унинг муаллифи Муҳаммад Амин деган киши эканлиги

---

[363] А.А. Гвахария. «О персидских и грузинских версиях «Бахрам и Гуландам»// Журнал народов Азии и Африки. 1967. №2. с.114.

[364] В.И.Жирмунский, Х.Зарифов. Узбекский народный героический эпос. М. 1947. с.50-51.

[365] Алиев Р. Сайқалий ва унинг «Баҳром ва Гуландом» достони. Номзодлик диссертацияси. Т., 1964. инв. Р.Д. 943.

[366] Х.Г. Корогли. Дастан «Бахрам и Гуландам» Сайкали и его источник//Журнал народов Азии и Африки. №2. 1967. с.107.

[367] А.А.Гвахария. О персидских и грузинских версиях «Бахрам ва Гуландам»// Журнал народов Азии и Африки. 1967. №2, стр. 114.

ҳақида маълумот беради. Унинг кўрсатишича, бу достоннинг нусхалари Душанбе ва Тбилиси қўлёзма фондларида сақланади. Шунингдек, Рьё ва Эте каталогларида Муҳаммад Амин достони тўғрисида хабар берилганлиги айтилади. А.А.Гвахария шу билан бирга сюжетнинг манбалари ҳақида гапириб, эрон адабиётшуноси Муҳаммад Жаъфар Маҳжубнинг «Баҳром ва Гуландом» номли қиссалар»идан Низомий «Ҳафт пайкар»ининг қайта ишланган варианти деган фикрини ҳам келтиради.

«Баҳром ва Гуландом»нинг курдча версияси устида тадқиқот олиб борган Қодир Фаттоҳий Қози, курдча достонни таржима ва таҳлил қилиб, уни форсчаси билан солиштириб чиқар экан, асарнинг пайдо бўлган даври ва манбалари ҳақида аниқ маълумот бермаса ҳам, таниқли адабиётшунос Саид Нафисийнинг: «X асрдан бошлаб бир қанча китоблари бизга етиб келганки, уларнинг муҳимроқлари «Искандарнома» («Ривояти Рум»), «Хамса жангномаси», «Қирқ тўти», «Чаҳор дарвеш», «Баҳром ва Гуландом», «Ҳотами Той», «Достони Амир Арслон»дир ва бошқа жузъий китоблар мавжуд»,[368] деган фикрни келтириш билан «Баҳром ва Гуландом»нинг манбаъи («сарчашмаси») халқ оғзаки ижоди эканлиги, бу афсона «Амир Арслон» каби достонлар қандай пайдо бўлган бўлса, шундай юзага келганлигини таъкидлаш билан бирга, унинг баъзи жиҳатлари «Вис Ромин» (Фахриддин Гургоний – XI аср) достонига ўхшашлигини, лекин кейинги асрларда ўзгаришларга учраганлигини қайд этади.[369]

Саид Нафисий, Қодир Фаттоҳи Қозий ва Манучеҳр Марвазийларнинг фикридан қуйидаги хулосалар чиқади: 1. «Баҳром ва Гуландом» сюжетининг пайдо бўлиш даври X–XI асрларга бориб тақалади. 2. Бу достон бошқа фольклор намуналари сингари халқ фантазияси асосида дунёга келган. Бу фикрга биз ҳам асосан қўшиламиз. Достон пайдо бўлганлигининг XIII асрдан олдин эканлигини форсча вариантининг бошланишида келтирилган «аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор дар «Жомеъ-ул ҳикоёт» овардаанд, ки…» деган маълумот ҳам бир даража тасдиқлаб туради. Чунки бу ерда «Жомеъ-ул ҳикоёт» (халқ орасида кезиб юрган турли афсона ва ҳикоятлар тўплами) XIII асрда ёзилганлиги аниқ. Шуни ҳам айтиш лозимки, фольклор намунаси сифатида пайдо бўлган достонларнинг бир қисми ёзма адабиёт таъсири билан ҳам вужудга келади. «Баҳром ва Гуландом» шундай қиссалардандир ва у бу жиҳати билан «Чор дарвеш», «Амир Арслон»дан ажралиб туради.

Юқоридаги фикрлардан шу нарса ҳам аниқ бўлдики, мазкур достон асли форсча бўлиб, у Яқин шарқ халқлари орасида кенг тарқалган экан (ўзбекча, грузинча, курдча ва ҳ.к.). Лекин бу сюжет ҳамма ерда ҳам бир хил эмас. Масалан, курдча версиясининг сюжети форсча ва ўзбекчасига нисбатан анча фарқ қилади, янги тимсоллар, янги воқеалар киритилган, эпизодлар бошқача таҳлил этилган. «Баҳром ва Гуландом»нинг ўзбекча вариантлари ҳам хилма-хилдир. Ҳозиргача ўзбек тилида «Баҳром ва Гуландом» номи билан уч достон (Сайқалий ва Фозил Йўлдош ўғли асарлари ва Сидқий Хондайлиқийнинг насрий таржимаси) маълум эди. Аммо текширишлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 719 инвентар рақами остида яна бир ўзбекча «Баҳром ва Гуландом» достони мавжуд. Бу достоннинг муаллифи (ёки айтувчиси) номаълум. У ўз тузилиши билан наср–назм аралаш ёзилган бўлиб Фозил Йўлдош ўғлининг «Баҳром ва Гуландом»ига яқин туради. Асар эҳтимол XIX асрнинг охирларида бирор бахши томонидан айтилган бўлса керак, чунки кўчирилган йили (1814-

[368] Қодир Фаттоҳий Қози “Баҳром ва Гуландом”,Табриз-1968.2-б.
[369] Ўша асар, 2-3-бетлар.

1896) шундан далолат беради.

Бундан ташқари Н.П.Остроумовнинг «Народные сказки сартов»[370] номли ишида ҳам «Шаҳзода Баҳром» (царевич шахзаде Бахрам) ҳақида, унинг ҳикояси халқ орасида оғиздан-оғизга кўчиб юриши ҳақида маълумот келтирилган ва достоннинг сюжети баён қилинган. Сюжетдан маълум бўлишича, у «Шаҳзода Баҳром ва Маликаи Гуландом»нинг оғзаки вариантидир. Ўзбек адабиётида мавжуд бўлган «Баҳром ва Гуландом» номли асарлар воқеаларининг ривожи, сюжет чизиғи жиҳатидан кўпгина умумийликларга эга бўлиши билан бир қаторда уларнинг талайгина фарқланувчи жиҳатлари, ўзига хосликлари мавжуд. Бу фарқлар достонларнинг ғоявий мазмуни ва тимсоллар моҳиятига ўз таъсирини ўтказмай қолмаган. Ҳамма достонларда воқеаларнинг бошланиши – экспозиция ва тугунини юзага келтирувчи деталлар бир хил. Баҳром саргузаштлари, кўрсатган қаҳрамонликларини ифодаловчи эпизодлар, хотима ва ечим ҳамда персонажларнинг асосий воқеа ривожидаги иштироки мазкур асарларда бир-бирига ўхшаса-да, аммо сюжет ривожидаги тафсилотлар, воқеаларнинг асосланиши, персонажларнинг ҳатти-ҳаракати ва нутқларида, характерларнинг шаклланиш ва конкретлашувида, тимсолларнинг ички дунёсини очиб беришда, адабий усуллардан фойдаланишда, тасвир услубида бу достонлар ўзаро ажралиб туради. Шу сабабли уларнинг ҳар бири алоҳида эстетик қиймат ва таъсир этиш кучига эга бўлиб, махсус қараб чиқишни тақозо этади.

3. Собир Сайқалийнинг «Баҳром ва Гуландом» достони ҳақида

Собир Сайқалий Ҳисорий ўзбек адабиёти тарихида алоҳида из қолдирган истеъдодли шоирдир. Унинг қаламига мансуб етти баркамол достон («Қиссаи Иброҳим Муҳаммад», «Қиссаи шаҳзода Баҳром ва Маликаи Гуландом», «Қиссаи Ҳамро ва Ҳурлиқо», «Равзатуш шуҳадо», «Ахтамнома», «Вайсул қаран», «Зайнул араб») бунга гувоҳлик беради.

Тадқиқотчиларнинг хулосаларига қараганда, шоир XVIII асрнинг иккинчи ярмида яшаган.[371] Сайқалий моддий ва маънавий қийинчиликлар билан умр кечирганлиги, замонасининг бир зиндон каби нобоплиги, ғам-аламдан боши чиқмаганлиги тўғрисида изтироб билан ёзади:

Аламдин бағри куйган зордурман,
Ситамдин сийнаси афгордурман.
Қазойи қисматимни мубталоси,
Фалак урғон ғарибу мубталоси…
Ажаб толеъ сияҳ, бахти қароман,
Мағоқ дардида қолғон мубталоман
Суворим – ғам, либосим кулфатимдур,
На ерда меҳнатим ҳам улфатимдур…[372]

Раҳим Алиев шоирнинг «Баҳром ва Гуландом» достонини текшириш объекти қилиб олган ва асарни нашрга тайёрлаб яхши иш қилинган. Бироқ бу ишда шоир ижодининг бутун

[370] Этнографические материалы. Выпуск П. Ташкент. 1893. с. 8.

[371] Р.Алиев. Сайқалий ҳамда унинг «Баҳром ва Гуландом» асари ҳақида. Сайқалий. Баҳром ва Гуландом. Фан. Т. 1960. 6-бет. Х.Г.Корогли. Дастан «Бахрам и Гуландам» Сайкали и его источник.// Журнал народов Азии и Африки. 1967. №2.

[372] Сайқалий. Баҳром ва Гуландом. Фан. Т. 1960. 212-213-бетлар.

хусусиятлари очиб берилган деб бўлмайди. Сайқалийнинг таржимаи ҳоли, қатор достонларини ўрганиш ҳали адабиётшунослар диққатидан четда қолиб келмоқда. Шунингдек, «Баҳром ва Гуландом» достони ҳам ҳар жиҳатдан батафсил таҳлилдан ўтган эмас. Шундай бўлса ҳам, биз бу асарни кенг ва чуқур ўрганиш имкониятига эга эмасмиз. Балки ишимиз тақозо этган масалалар атрофида, яъни Сайқалий достонининг сюжети, унинг бошқа шу номли асарлар сюжети билан алоқаси, фарқлари тўғрисида, шоирнинг бу борадаги маҳорати ҳақида мулоҳаза юритмоқчимиз. Сайқалий достони ўзидан кейин яратилган шу турдаги асарларга анча таъсир кўрсатган. Шу сабабли унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш кейинги достонларнинг тадқиқоти учун ҳам аҳамиятлидир. Бунинг учун биз Раҳим Алиев нашр эттирган нусха билан бир қаторда бевосита достон қўлёзмаларига ҳам мурожаат этдик. Чунки насрий нусханинг камчиликлари жуда кўп. Унда асарнинг бир боби (Баҳромнинг Руҳафзони қутқаришини баён этувчи боб) ва бошқа кўп аҳамиятга молик бўлган бутун-бутун парчалар тушиб қолганлигидан ташқари, жуда кўп имловий ва услубий нуқсонлар мавжуд. Бобларнинг сарлавҳалари бутунлай хато кўчирилган.

«Баҳром ва Гуландом» достонини Сайқалий ўзи гувоҳлик беришига қараганда, 1201 ҳижрий (1786 мелодий) йилда ёзиб тугатган.[373] Шоир ўз асарини ёзишда эски бир достонга («Достони кўҳан») суянганлигини, уни янги андоза билан тоза қилганлигини (қайта ратганлигини) қуйидагича ифода этган:

Манам ўз ҳолима андоза қилдим,
Бу достони кўҳанни тоза қилдим.

Лекин бу қанақа «достон», у қайси тилда битилган, ким томонидан яратилган? Бу ҳақда муаллиф маълумот бермаган. Бу саволга биз фақат асарда тасвирланган воқеаларни ўрганиб чиқиб жавоб топа олмиз.

Сайқалийнинг «Қиссаи шаҳзода Баҳром ва Маликаи Гуландом» достонини таҳлил қилар эканмиз, шу нарса аниқланадики, шоир назарда тутган «кўҳна достон» – бу форс-тожик тилида мавжуд бўлган «Қиссаи шаҳзода Баҳром ва Маликаи Гуландом»дир. Бу асар асосан наср билан яратилган бўлиб, ора-орада бир қанча шеърий байтлар ҳам бор. Қисса халқ орасида кенг тарқалган ва кейинги асрларда бир неча бор Эрон, Ҳиндистон, Покистон ва Марказий Осиё шаҳарларида тошбосмада чоп этилган.

Сайқалий достони ўз ичига олган эпизодлари, воқеаларнинг ривожи, кўпгина деталлари, мазмун олға сурилган ғояси, асосий хулосалари билан шу насрий матнга тўғри келади. Қаҳрамонларнинг номи, воқеаларнинг содир бўладиган жойлари, қисса композицияси ҳам ўзгартирилмаган. Ҳатто бир қанча байтларнинг маъно-мазмуни ҳам насрий матнга айнан ўхшаб кетади. Чунончи:

«Дар мулки Рум подшоҳе буд оқилу доно ва моли бисёру хазинаи бешумори азҳад афзун дошт...» дейилса, Сайқалийда

Бор эди подшоҳе кишвари Рум,
Ажаб оқилу доно хуш такаллум,
Кўп эрди молу ашёси жаҳонда,
Хазиналар қўйиб эрди ниҳонда.

(21-бет)

Ёки:

Эй фарзанд, асли подшоҳи раиятпарвари аст ва барандохтани бунёди зулм...

[373] Паямбар тарихидин минг икки юз бир, Ўтиб эрди тамом ўлди бу таҳрир.

Сайқалийда:

Адолатлиқ раиятпарвар ўлғил,
Ки то халқи жаҳонға сарвар ўлғил.
Ки мискинларни арзин англағил боз,
Асирларни яна қилғил сарафроз.
Тараҳҳум қил етимлар ҳолиға сен,
Амал қил яхшилар аъмолиға сен.
Мурувват бирла бахшишни шиор эт,
Ҳамиша яхшилиқни ихтиёр эт.
Ки ақл-тадбир бирлан айлағил кор,
Буларни бил, булар ҳар вақтда даркор.

(24-бет).

Шу каби форсча вариантдаги шеърий байтлар ҳам ибораларигача тўғри келади:

Ало эй офтоби бурҷи шоҳий,
Руҳат маҷмуаи лутфи илоҳий.
Шудам ҳайрони рухсори чу моҳат,
Дилам ошуфтаи зулфи сиёҳат.
Зи ҳичронат дили пурдард дорам,
Лаби хушку ҷабини зард дорам.

Сайқалийда:

Аё эй офтоби бурҷи шоҳий
Юзунг маҷмуаи лутфи илоҳий.
Бўлубмен ҳайрати рухсори моҳинг
Кўнгул ошуфтаи зулфи сиёҳинг.
Ки ҳажрингдан эрур сийнамга юз дард,
Зулолингдан лабим хушку рухум зард.

(93-бет).

Аммо шундай бўлишига қарамай, Сайқалий асари кўпгина ўзгача хислатларга эга. У форсча қиссани янгича тараннум этган, ўзи эътироф қилганидек, эски достонни янгилаган («тоза қилдим»). Достон гарчи сюжет йўналиши, композицияси, воқеалари билан «Қиссаи шаҳзода Баҳром ва Маликаи Гуландом»га мос келса-да, лекин Х.Г.Корогли айтганидай «барча эпизод ва деталларигача»[374] ўхшаш эмас, шеърий муқаддима (ҳамд наът), соқийга мурожаат этиш, ғазал-мухаммаслар қўйиш, янги ташбеҳотлар ишлатиш, ихчам сарлавҳалар қўйиш билангина белгилаб қўя қолиш ҳам истеъдодли шоир ижодига етарли баҳо бермаслик бўлади.

Аввало шуни айтиш керакки, Собир Сайқалий кичкина бир насрий қисса асосида йирик ва тугал шеърий достон яратган, унинг асари ўзининг бадиий-эстетик қиймати, аҳамияти билан форсча қиссадан ўн чандон юқори туради. Шоир сюжет воқеаларига ўз қалбининг ҳиссиётини, ишқ-муҳаббат тўғрисидаги қарашларини сингдирган тимсолларнинг баркамоллигини таъминлаган, унда персонажлар характери анча жонли, мантиқий асосли, руҳан бой ва фаолдир. Сайқалий асарга бадиий жило бериб, унинг тилини янада сайқаллаштирган, гўзаллаштириб, сюжетни қайта ишлаб ёзма адабиётга олиб кирган. Сайқалийнинг «Қиссаи шаҳзода Баҳром ва Гуландом» достони ўз хусусиятлари билан халқ китобла-

[374] Х.Г.Корогли. Дастан «Бахрам ва Гуландом» Сайкали и его источник. //Журнал народов Азии и Африки. 1967г. №2. 107-стр.

ри сирасига кирса ҳам, лекин у ёзма адабиёт ва фольклор орасида туриб, уларнинг ўзаро алоқасини намойиш этувчи кўприк вазифасини ҳам бажаради. Бундан ташқари, шуни ҳам қайд этиш лозимки, Сайқалий достонининг сюжети билан насрий қисса сюжети айнан тенг эмас. Сайқалий асарида сюжет анча мураккаблашган. Воқеаларнинг бир-бирига боғланиши, асосланиши ниҳоясига етказилган. Бунинг мисоли сифатида Баҳром ва Гуландомнинг нома алмашиш воқеаларини олиб қарайлик.

Насрий вариантда Баҳром намадпўш бўлиб, бориб Гуландом қасри майдонида ётиб олиб, оҳу фиғон қилгани тасвиридан кейин маликанинг юз кўрсатиш маросими тасвири келтирилади. Сўнгра Баҳром кечаси туйнукнинг ойначасини кўтариб қизнинг жамолини томоша қилганлиги, Наврўз байрами куни Давлат «кушойиш» йиғишга чиққанда шаҳзода узугини бериб юборганлиги, кейин узукдан Баҳромнинг шоҳ ўғли эканлигини англаган Гуландом яна юз кўрсатиш маросимига чиққанда унга алоҳида диққат билан қараб табассум ҳадя этганлиги ва кўшкига қайтгач, Давлатни Баҳром олдига юборгани баён этилган. Сайқалий достонида Гуландомнинг иккинчи марта юз кўрсатиш маросими келтирилмаган. Бунинг ўрнига бошқа воқеа тасвирланади. Узукни кўрган Гуландом йигитнинг ошиқ эканлигини билиб, тахтдан тушиб келиб деразадан Баҳромга қарайди:

Туруб тахт устидан ул дам Гуландом,
Даричадан боқарди сўйи Баҳром.

Қизнинг кўзи Баҳром кўзлари билан тўқнашади, бир-бирларини кўриб, диллари пайвандлашади:

Кўриб анда Гуландом рўйи Баҳром.
Зиёда бўлди савдойи Гуландом.
Бўлуб шаҳзоданинг ҳусниға банда,
Ўзин бир соате кўргузди анда.

Сўнгра Гуландом бу қилиқни ўзига эп кўрмай қайтиб тахтига бориб ўтиради ва канизак қизларга аламини тўкиб уларни уйдан ҳайдаб чиқаради-да, пинҳоний кўз ёши тўкади. Шаҳзодага ошиқ бўлган қиз:

Ани ҳар дам муяссар бўлса кўрсам,
Юзин ҳар лаҳза юз кўрсам эрур кам -

деб нола қилади. Шундан сўнг Давлатни чақириб, бориб бу намадпўш йигитдан хабар олгин, унинг ким, қаерлик эканини сўра деб буюради ва

Эй ёри алам кўрган, қайдин келасан, айғил,
Кўп жабру ситам кўрган, қайдин келасан, айғил -

деган байт билан бошланувчи ғазал ёзилган нома бериб юборади. Шундай қилиб, биринчи номани Гуландом йўллайди. Кейинги номаларнинг аксарияти (2-8-номалар) мазмун жиҳатдан форсча вариантга яқин: Баҳром ошиғи беқарорлигини изҳор қилиб нола-афғон билан ёзса, Гуландом уни «синаш» учун нозу қарашма билан рад жавобини беради, йигитга кет, сен паст, гадосан, тенгим эмассан, деб таъналар қилади. Давлат уларнинг хатларини ташиб туради. Сайқалийда форсчадаги мазмундан ташқари ҳар бир номага бир ғазал илова қилинган. Бироқ охирги 9,10,11-номалар мазмуни анча ўзгартирилган, воқеаларнинг тасвирида аниқлик кучайган. Форсчада ҳам бир неча номада Баҳромнинг кимлиги сўралади, охирги номалардан бирида Баҳром ўзининг шаҳзодалигини билдиргач, Гуландом кўнгли тўлиб, унга сабр қилиш кераклигини маслаҳат беради ва нома ёзиш шу билан тугалланиб, Рум шаҳрида бўлаётган воқеалар баёнига кўчилади. Сайқалийнинг асарида, 9-номада Гуландом Баҳромнинг кимлигини қатъий қилиб сўрайди, кимлигингни айтмасанг – тамом,

бошқа хат ёзма дейди:

Отинг кимдур, диёринг қайсидур, бас,
Бу сўзларни деюрсан айламай тарс!
Ки сан дарвеш – дарвешвор бўлғин,
Ўзунгни тенгларингға ёр бўлғил!
Агар Баҳромсан билдир ўзингни,
Ки нафъи йўқтурур унга сўзингни.
Ки бу дафъа юборганда хатингни,
Отингни айт, отингни айт, отингни!
Отингни айтмасанг юбормағил хат,
Арода чарчади бечора Давлат.

(111-бет).

Баҳром отини айтмайди, лекин шоҳ ўғли эканлигини изҳор этади. Номасининг охирида Гуландомни боғ сайрига чиқишга – учрашувга таклиф этади. Гуландом кўнгли жойига тушиб, охирги номани ёзади. Унда қиз ишқларини элга овоза қилмаслик учун сабр қилиш, кўп оҳу фиғон этмаслик ҳақида гапиради. Бунда қизиқ жойи шуки, форсчасида Гуландом Баҳром агар шоҳ ўғли бўлмаганда, рози бўлмас эди, унинг шаҳзодалигини билиб охирги мактуби билан розлик берди, қабилидаги маъно акс эттирилган. Сайқалий эса қизнинг йигитни севганлигини бошида очиқ айтгани учун унинг ҳадеб Баҳромнинг кимлигини сўраши сабабини қуйидагичи изоҳлайди:

Кўнгил бўлди санинг ишқингга мойил,
Вале бордур орода неча ҳойил.
Бири бўлким ўшал Баҳром бўлсанг,
Ва ё бир шоҳи боанжом бўлсанг,
Қабул эткойди андин сўнгра отам,
Будур ҳойил, аё соҳиби хотам.
Агар чанди қабул этсам сани ман,
Қабул этмас отам фикр айлағил сан.

(117-бет)

Демак, у йигитни шундай ҳам севади, шоҳлик уни қизиқтирмайди, бироқ биладики, куёв шаҳзода бўлмаса, отаси уни бермайди. Шу сабабли Баҳромнинг шаҳзода бўлганлиги севгисининг яшнаши учун ғов бўладиган нарсаларни бартараф қилади.

Охирги номани Давлат келтириб бергандан кейин Баҳром ундан Гуландомнинг бир марта учрашувга чиқишини илтимос қилади:

Дегил борсанг, ўша ширин каломим,
Ўзи келсун, алик олсун саломим.
Баён айлай анга рози ниҳоним,
Йўқ армон сўнгра тандин чиқса жоним.

(121-бет)

Давлат ҳам ўз маликасини бунга рози бўлишга даъват этади:
Эй гулим, кел, ул йигитга ваъдайи хомингни қўй,
Сарфароз айлаб анинг сориға сан гомингни қўй.

(122-бет)

Гуландом рози бўлади ва баҳору чаман сайрига чиқиш баҳонаси билан қизларни эргаштириб боққа чиқади. Сайқалий бу эпизодни тўлқинланиб, ажойиб мисралар орқали

тасвирлаган. Канизаклар ўйнаб-ўйнаб Баҳром олдидан чиқади ва у қизларга қараб ғазал ўқийди. Қизлар буни бориб Гуландомга айтадилар. Гуландом ҳам шу баҳона билан, қани мен ҳам бир кўрай деб, Баҳром қошига келади ва икки орада қизиқ савол-жавоб бошланади. Бу айтишув лапар шаклида бўлиб, унда 10 та мактубда зикр этилган мазмун қайтарилган. Лекин шеърларнинг юмористик оҳангда эканлиги, халқ тилига хос содда ва равон баён этилганлиги билан достонга алоҳида тароват бағишлаган. Бир неча байт келтирамиз:

Айди Гуландом: Аё, жўлида аҳволим, гапур,
Эй, фалак урғон, аламлик малбуси шолим, гапур.
Не сабабдин сан бу расволикда бўлдинг мубтало?
Эмди изҳор айла ич дардингни абдолим, гапур.
Айди шаҳзода: – Мени арзимни эй моҳим, эшит,
Ҳолима эрмас тонуқлик, нолау оҳим эшит,
Сандин ўзга ҳеч киши ҳолимни сўрғон йўқ эди,
Айтайин дардимни кам-кам, духтари шоҳим эшит.

* * *

Айди шаҳзода: – Биҳишти жовидоним сан манинг,
Ҳавз кавсардин хабар айтур лаби қирмизларинг.
Ўлсам армоним йўқ эрди, эй гўзаллар сарвари,
Қўлтуғум таҳтиға бўлса бўйла болин тизларинг.
Айди Гуландом: – Аё, эй эси кетган булҳавас,
Бас бу ҳолинг бирла кўнглунг анча-мунча истамас.
Ҳар киши ўз ҳолини билиб гап урса яхшидур,
Хўб ярошур қўлтуғунгни остиға бир даста хас.

(131-132-бетлар)

Айтишувдан кейин Гуландом қизлари билан жавоб олиб қасрга кириб кетади. Баҳром яна айриликда фиғон чекиб қолади. Шундан сўнг шоир Баҳромнинг отасидан сўз бошлайди.

Сайқалий томонидан киритилган бу эпизодлар достон сюжети ва композициясига сезиларли таъсир кўрсатган. Бу орқали муаллиф воқеаларнинг изчиллиги, муайян тизимга эга бўлиши ва эпизодларнинг бир-бирига боғланишдаги мантиқийлик табиийликни вужудга келтириб, қаҳрамонлар характерига жонлилик, тўлақонлилик бахш этган, тасвирнинг ҳаққонийлигини кучайтирган. Форсий вариантда Гуландомнинг Баҳромга муҳаббат қўйиши, уни севиши тимсоли бироз қоронғу туюлади, унинг далиллари ва жавоблари асосланмагандай. Шу сабабли бўлса керак, гўё у Баҳромга уни севгани учун эмас, балки шаҳзода бўлганлиги ва Беҳзодни енгганлиги учун турмушга чиққандай кўринади. Бундан ташқари, қиз тимсоли ҳам анча абстракт чиққан ва унда ўзига бино қўйиш, манманлик хислатлари устун туради. Сайқалий достонида келтирилган Гуландомнинг дарчадан боқиши, йигитни кўриб маҳлиё бўлиши, қизларни ҳайдаб чиқариб, яширин йиғлаб олиши, биринчи бўлиб мактуб йўллаши, сўнгги номадаги сўзлари, ниҳоят боғ сайрига чиқиб, Баҳром билан лапар айтиши – буларнинг ҳаммаси воқеаларга жонлилик, ҳаётийлик киритган, малика характерининг хусусий томонларини намоён этган, уни китобхон кўзи олдида соф севгиси бор қиз сифатида гавдалантирган. Гуландомнинг ҳатти-ҳаракати, эҳтиёткорлиги, сўзлашув манзараси, назокати, пичинг ва қочириқларигача, бизнинг назаримизда, қандайдир афсонавий малика эмас, балки тўрт девор ичида сақланган ўзбек қизи сифатида намоён бўлади.

Хуллас, Сайқалий Гуландомни ўз ҳуснига учган маъшуқа эмас, балки Баҳром муҳаббатига муҳаббат билан жавоб берадиган маъшуқа – ошиқ сифатида тасвирлайди. Унинг тасвирида Баҳром ҳам мукаммаллашган. Сайқалий достонида бундан бошқа ҳам иловалар мавжуд. Улар ҳам асарнинг бадиий пишиқлиги, сюжетнинг ривожи учун хизмат қилган. Сайқалий достонини лиро-эпик асар деса ҳам бўлади. Чунки унда лирик ўринлар жуда сероб. Шоир ошиқ-маъшуқаларни, ота-ўғилни, дўст ва биродарларни ҳам ҳаяжонли, тўлқинли қилиб гапиртиради. Бунинг учун у мумтоз шеърий жанрлар – ғазал, мухаммас, мусаддасдан унумли фойдаланади. Бу орқали у қаҳрамонларнинг ички дунёсини, юрак тепишини, ҳис-туғусини очиб беради, уларни куйлатади. Ҳамма ғазал ва мухаммасларга шоир ўз тахаллусини қўйиб уларнинг таъсирчанлиги, муаллиф қалби билан вобасталигини таъкидлаган. Бу лирик шеърларнинг ҳар бири бетакрор, мукаммал асар бўлиб ҳисобланади, агар уларнинг барчаси тўпланиб, бир девон ташкил этилса, у энг мазмунли ва севимли тўпламлардан бўлиб қолишига ҳеч бир шубҳа йўқ. Сайқалийнинг шеърлари ўз услуби ва тил хусусиятлари билан соф ўзбек халқ қиссаларига хос хусусиятни, Машраб сингари забардаст шоирларнинг халқчил шеъриятини эслатади, ўшалар билан оҳангдошлик қилиб, қон-қони билан халқ шеърияти уммонига бориб қўшилади.

Эй маҳим, сарв сиҳим, боғим, баҳорим бир болам,
Вэй амирим, сафдарим, эл эътиборим бир болам,
Эй азизим, тавсани давлат сурорим бир болам,
Вэй шаҳи Рустам иноним, тождорим бир болам,
Қолмади сансиз мани бир дам қарорим бир болам.
Ман нетай сансиз бу жони бевафони дунёда,
Ман нетай сансиз бу умри бебаҳони дунёда,
Ман нетай сансиз чароғи безиёни дунёда,
Ман нетай сансиз дуру қиммат баҳони дунёда,
Йўқ соғинмоқдин дигар ҳеч ихтиёрим бир Олам…

Боласидан айрилган отанинг фиғон-ноласини шоир ана шундай содда, равон ва таъсирли этиб ифода эта олган.

Собир Сайқалийнинг бу достонини халқ орасида машҳур қилган хусусиятлардан бири ҳам ана шу. Бу достон шу ажойиб хусусиятлари билан ўзидан кейинги адабий ҳаётга таъсир этган.

4. Муаллифи номаълум достон ҳақида

Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланаётган 719 инвентарь рақамли қўлёзма ҳаммаси бўлиб 67 варақдан иборат, хати настаълиқ, ёзуви хунукроқ, қоғози ялтироқ оқ-сариқ.

Қўлёзманинг боши йўқ. У:
…буни давлати бўлғай зиёда,

Подшоҳлардан дуо олган йигитнинг.

… сиз бўлмас дунёнинг кори,
Йиғдурдинг бир ера элатнинг бори.
Ёмон ҳамроҳ бўлур тингла маҳшари,
Элатнинг қудратини билан йигитнинг –

деган байтлар билан бошланади. Шундан сўнг биринчи варақда Юсуфбек, Аҳмадбек, Ойхон, Эралилар ҳақида гап кетади. Бу номлар эса Гўрўғли туркумидаги достонлардан бизга маълум. Кўринишича, қўлёзмада бир нечта (камида иккита) достон бўлган, лекин китобнинг бош варақлари йўқолиб кетган. «Баҳром ва Гуландом» достонининг ҳам бошланишидан бир қисми тушиб қолган. Бу асар бошланадиган иккинчи варақнинг ярмида ёзув йўқ. Достон Кишвар шоҳ билан Дастур вазирнинг диалоги билан бошланади:

Дардини айтайин манга қулоқ сол,
Бир сабабдан оҳу афғон айладим.
Дастур вазир:
Ёки кўнгул бердинг бир паризода,
Ақлингни олдириб қолибсан дода,
Сабр этсанг етарсан шоҳим мурода,
Мунча нега оҳу нолон этарсан!
Кишвар шоҳ:
Сан эшитгил, доду бедод айларам,
Фарзанд деб худога.....
Ўзумга нишона деб фарёд айларам,

Бундан кейинги варақ йиртилган. Шунингдек, учинчи варақнинг ярми ва тўртинчи варақнинг а-бетидаги бир қисми йўқ. Бироқ шунга қарамай, бу ярим-ёрти байтлардан маълум бўлишича, Кишвар шоҳ (фақат шу достонда Рум шаҳрининг шоҳи шундай номланган) фарзандсизликдан шикоят қилади, Дастур вазир уни юпатиб, чора-тадбир кўради ва тез орада Баҳром туғилади, у шижоатли ва доно, ҳар ишда моҳир бўлиб ўсади, отаси яхшилик, адолат тўғрисида унга насиҳатлар қилади ва кўнглини хушлаб овга рухсат беради. Бу воқеалар шу «Баҳром ва Гуландом» сюжетида битилган асарларнинг бошланишига (экспозиция) тўғри келади. Орада яна бир неча варақ йўқ. Қўлёзмадаги асосий қисм Баҳромнинг овга чиққани, кийик орқасидан қувиб, ўз гуруҳидан ажралиб қолиши ва чўлда жойлашган гумбаздаги суратни кўриб ҳайрон бўлишини тасвирлашдан бошланади:[375]

... Ғариблик ерларда бўлмишам ҳайрон,
Неча ҳамдамлардан жудо айлади.
Бул чорбоғни кўруб бу чўл арода,
Кириб кўрдим бўлуб отдан пиёда.

Бул суратни кўрдум ҳурдан зиёда,
Ақлим олиб мени шайдо айлади.
Арқомда бор эди анжом сипоҳим,
Ғариблик ерлара солди худойим.
Қодир мавлон ўзи бўлғай паноҳим,
Фалак мани бўйла расво айлади.
Бу боғни эгаси бўлурми пайдо,
Бу суратга қилсам бу жоним фидо.
Ўзунг тўғри йўла солғил худоё,
Ишқ йўлида мани расво айлади.
Баҳром айтур энди қаён кетайин,

[375] Насрий вариантда чолнинг макони тоғ деб тасвирланган.

Жон борича ёрни сўроқ этайин.
Танҳо қолдим кимга дардим айтайин,
Мунинг ишқи мани гадо айлади.
(4-б-варақ).

Асарнинг охири «ва ҳар ким ошиқи содиқ бўлсалар, шоҳ Баҳромдай мурод-мақсадларига ета оладилар» (67 варақ) деб тамомланади. Юқорида айтганимиздек, қўлёзма сўнгида ҳижрий 1314 (1896) деган тарих қўйилган. Бизнингча, бу асарнинг ёзилган йилини эмас, балки кўчирилган йилини кўрсатса керак. Китобнинг номи ҳам, қаерда кўчирилганлиги ҳам маълум эмас. 719-қўлёзмада битилган муаллифи номаълум аноним достон (бундан буён биз қисқача қилиб «аноним асар» деб юритамиз) «Баҳром ва Гуландом» номли асарлар орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Достон ўзининг мазмуни билан ҳам, бадиий хусусиятлари (композицион тузилиши, сюжети, шеърий тили ва ҳоказо) билан ҳам кишининг диққатини ўзига жалб қилади. Достонда наср ва назм аралашиб келади. Бироқ шеърий қисм насрни босиб кетади. Бунда қаҳрамонлар нутқи, диалоглар эмас (персонажларни сўзлатиш, уларнинг ички дунёсини ифодалашга бу асарда кенг ўрин берилган, улар нуқул шеър билан битилган), балки кўпгина воқеалар ҳам шеърий йўл билан тасвирланган. Ҳар бир жумла ёки эпизод «Алқисса» сўзи билан бошланиб, бўладиган воқеанинг мазмуни насрий йўл билан қисқа жумлаларда айтилади, сўнгра «бир сўз деди», «бир ғазал ўқиди», «айтган сўзи бу турур» деган иборалардан кейин шеър келтирилади. Достон шунга ўхшаш бир қанча хусусиятлари билан (шеърлари аксарияти бармоқ вазнида эканлиги, ўйноқи ва содда тузилганлиги, эпизодларга халқ урф-одатларининг сингдирилиши, воқеалар тасвиридаги ритм ва оҳангнинг хоссалари ва бошқалар) XX асрнинг бошларида халқ бахшиларидан ёзиб олинган достонларга (айниқса, Гўрўғли туркумидаги достонларга) анча яқин туради.

Аммо сюжет нуқтаи назаридан мазкур асар кўпроқ Собир Сайқалий достонига ҳамоҳанг (унинг бу борада ҳам фарқлари бор, бу ҳақда кейинроқ яна тўхтаб ўтамиз). Буни биз асар воқеаларининг кўпгина жойларида пайқаб оламиз. У девлар билан жанг лавҳасида ҳам, дарёдаги ҳодиса тасвирида ҳам, кейинги воқеаларнинг давом этишида ҳам кўзга ташланади. Аноним достон сюжетининг форсча вариантидан фарқи ва Сайқалий асарига яқинлиги, энг аввало, воқеалар тасвирининг кенглиги, асосий лавҳалардаги тафсилийлик, аниқлик, хусусий ва умумий томонларнинг мутаносиб қўшилишида намоён бўлган. Чунончи, яна ўша ошиқ-маъшуқнинг нома орқали танишиши ва муҳаббат боғлаш воқеалари тасвирини кўздан кечирайлик. Худди Сайқалийда бўлганидек, аноним достонда ҳам Гуландом Баҳром берган узукни олгандан кейин унга майл қўйиб «жон дилидан ошиқ бўлиб» дарчадан боқади, биринчи бўлиб мактуб ёзади. Бу хатни муаллиф «аз жиҳати озмойиш» (синаш учун деб таъкидлайди). Давлат орада хатларни етказиб туради. Номаларнинг бир қисми мазмун жиҳатидан форсча насрий матнга ва Сайқалий достонига яқин туради. Чунончи:

Эй жафокаш санга ҳам юрту вилоят бормуди!
Ким асоси тождори жойи нусрат бормуди?
Бормуди ота-онанг, хешу табору ёру дўст,
Навкари сардор ила ҳам шоҳу шавкат бормуди?
Бормуди яхши акобирлар санга ҳамроз, улан,
Иззату икром ила иззу фароғат бормуди?
Яхши тўн, яхши от, аслаҳа билан яхши яроғ,
Боғу зоға гулшану киштузироат бормуди?
Базм арода дилраболар санга ҳаммажлис бўлан,

Сиймтан нозикбадан, аҳли зарофат бормуди?
Янгидан бўлдунгму мунда ёр учун мажруҳсан,
Ёки мундин бурна ҳам баҳринг жароҳат бормуди?
(28-варақ)

Бу ғазални Сайқалийда ҳам ўқиймиз:
Эй жафокаш санга ҳам юрту вилоят бормуди?
Юртинг узра подшоҳи номдоринг бормуди?
Бормуди ота-она, хешу табору ёру дўст,
Навкару сардор ила шоҳу жалолат бормуди?
Бормуди яхши акобирлар санга ҳамроҳ ўлон,
Санга ҳам шоду аламда ҳамдам-улфат бормуди?
Бормуди тенгтўш талошиб ўсган тўралар,
Иззату икром ила иззу фароғат бормуди?
Базм аро хўб дилраболар мажлисингго ўлтуриб,
Сиймтан, гулпироҳан, аҳли зарофат бормуди?
Янгидан бўлдингму мунда Сайқалий ранжурсан
Ёки мундин бурун ҳам бағринг жароҳат бормуди?[376]

Охирги номалардан бирида Баҳром Гуландомни боғ сайрига чиқишга таклиф қилади ва Давлатдан уни кўндиришни илтимос қилади. Давлат ҳам:

Эй гулум, кел, ул йигитга ваъдайи хомингни қўй,
Сарфароз айлаб анинг бўйи сари гомингни қўй –

дея Гуландомни кўндиради. Гуландом боғ сайри баҳонаси билан қизларни эргаштириб қасрдан чиқади, қизлар ўйнаб-ўйнаб Баҳромга дуч келадилар. Давлат (ўзини йигитни биринчи кўргандай қилиб кўрсатиб) Баҳромнинг кимлигини сўрайди, Баҳром ғазал ўқийди. Йигитнинг сўзлари қизларга маъқул тушади, улар бориб Гуландомга хабар берадилар. Малика, уни мен ҳам бир кўрай деб, келиб Баҳромга рўбарў ўтиради ва айтишув (лапар) бошлайди. Бу диалогдан бир банд келтириб ўтамиз:

Гуландом:

Баён айла йигитларнинг султони,
Не сабабдан бу жойларга келибсан?
Бу ерга келганнинг тўкилур қони,
Не сабабдан бу ерларга келибсан?

Баҳром:

Мани сўрсанг, ёрим, Румнинг шаҳридан
Ошиқлик шарбатин ичтиму келдим,
Розилиқ олмайин ота-онамдан
Саримдан, жонимдан кечтиму келдим. (32-а)

Баҳром ва Гуландом айтишувидан кейин қизлар хурсанд бўлиб куладилар, улар орасидан Ларзон деган қиз Баҳромдан: «Бизларга атаб ҳам бир ғазал ўқинг», – деб илтмос қилади. Баҳром қизлар таърифида мухаммас ўқийди. Мухаммас аруз вазнининг рамал баҳрида. Бироқ у Сайқалийда кўринмайди. Ажаб эмаски, номаълум шоирнинг ўз ижоди бўлса:

Эй парилар, нўш этиб бир жоми даврон иккимиз,
Ишрат уйига кириб ҳар шом меҳмон иккимиз,

[376] Сайқалий, «Баҳром ва Гуландом». ЎзР ФА нашриёти. Т. 1960. 112-бет.

Даҳри дун ичра қилиб бир аҳду паймон иккимиз,
Қўл тутушиб боғаро сайри гулистон иккимиз,
Шул сифат даврон суруб ўлсак беармон иккимиз. (33-а).

Ларзон қиз ва унинг илтимоси билан айтилган шеър Сайқалийда ҳам, форсча вариантида ҳам йўқ. Бу мухаммасдан кейин қизлар Гуландом билан қасрга кириб кетадилар ва Баҳром тилидан яна бир шеър айттириб, муаллиф: энди булар (Баҳром билан Гуландом) шу ерда турсин, гапни Рум шаҳридан эшитинг, деб воқеанинг иккинчи қисми тасвирига киришади.

Собир Сайқалий достонининг бевосита таъсири, номаълум муаллифнинг ундан фойдаланган фақат асарнинг сюжет-композицион тузилишида эмас, балки бошқа жиҳатларида ҳам сезилиб туради. Сайқалий асаридан илҳомланган, ундан ижодий озиқланган шоир, баъзи жойларда унинг шеърларини ўзгартирмасдан (ёки озгина ўзгартириш билан) ўз достонига киритиб борган. Буни биз, ҳозиргина келтирган мисолларимизда ҳам кўрдик. Лекин бу ўхшашлик фақат номалар эпизодида эмас, балки достоннинг бошқа ўринларида ҳам учрайди. Фикримизнинг исботи учун яна бир-икки мисол келтирамиз. Масалан, Сайқалийда Баҳром Беҳзоднинг лашкарини қириб, ўзини ўлдиргандан кейин жангдан кетиб (намадпўш) Гуландом кўшки олдига бориб ётар экан, бундай ғазал ўқийди:

Ёраб, ул жонимни олғон жонажон ўлғай насиб,
Бўстони умрима сарви равон бўлғай насиб. (75-бет)

719-қўлёзмада ҳам бу ғазал худди шу ўринда, шу мазмунда келтирилган:

Ёраб ул жонимни олғон жонажон бўлғай насиб,
Қотили бемарҳабо, абру камон ўлғай насиб. (21-а варақ)

Ёки Сайқалийда:

Эй пари, ҳолим будур, сўзларда дармон манда йўқ,
Тожу тахту салтанат, шавкатли айвон манда йўқ.
Бир фалак урғон аламкашман умидим сан учун,
Дилраболар базмида соқий даврон манда йўқ. (88-бет)

719-қўлёзмада:

Эй пари, ҳолим будур, сўзларга дармон манда йўқ,
Тожу тахти салтанат, шавкатли айвон манда йўқ.
Бир фалак урғон аламкашман, асири ғам,
Дилраболар базмида соқийи даврон манда йўқ.

Айрим шеърлар эса анча ўзгаришга учраган, қайта ишланган. Афтидан, аноним достон муаллифи Сайқалийдаги шеърларнинг кўпини ёд билиб, бир қисмини ўзича келтирса, бир хилларининг шаклини сақлаган ҳолда ибора ва жумлаларни бошқача қилиб (мазмун гарчи мос келса-да) ўзлаштириб келтирган. Чунончи, Кишвар шоҳнинг тилидан келтирилган мухаммас Сайқалийда:

Ким сиримни ёзғувчи сирдошим эрдинг сан мани,
Баски ҳар хилватда кенгашбошим эрдинг сан мани.
Ҳам хатарлик йўллара йўлдошим эрдинг сан мани,
Қуввати жону дилим, қўлдошим эрдинг сан мани.
Эй сурурим сарварим, жоним мадорим бир болам.

* * *

Ман нетай сансиз бу кўшки хушнамони, жон қўзум,
Ман нетай сансиз душман зилли ҳумони, жон қўзум,
Ман нетай сансиз асоси олий жони, жон қўзум,
Ман нетай сансиз бу тахти равонни, жон қўзум,
Чун хароба бўлди сансиз бу диёрим, бир болам.

(137–138-бетлар)

Аноним достонда:

Неча кунлар ҳамдами сирдошим эрдинг, жон болам,
Жону дилни роҳати, қўлдошим эрдинг, жон болам,
Элу халқу қавм ила қардошим эрдинг, жон болам,
Бул ҳаётим борида йўлдошим эрдинг, жон болам,
Бош олиб кетдинг қаён эй меҳрибоним жон болам.

* * *

Ман нетай сансиз бу кўшки хушнамони жон қўзум,
Ман нетай сансиз дурри қимматбаҳони, жон қўзум,
Тожу тахт бошима қўшса жафони, жон қўзум,
Ман нетай сансиз бу умри бебақони, жон қўзум,
Изласам, энди сани қайдин топарман, жон болам.

(34-варақ)

Номаълум шоирнинг ўзи ижод этган бир мусаддаснинг сўнгги банди эса бундай тугайди:

Манам неча севарлардан жудо афкор Сайқалман,
Бало новакларидан сийнаси афкор Сайқалман.
Фалак кажрав дўқидан диллари зангор Сайқалман,
Тириклик лаззатидан дунёда бекор Сайқалман.
Кўзумни равшани шамъи шабистонимдан айрилдим,
Давосиз дарда қолдим, марҳами жонимдан айрилдим.

(39-бет).

Бу мусаддас агар Сайқалийники бўлганда ёки номаълум шоирнинг ғазалига мусаддас боғлаганда тахаллус охирги мисраларда ҳам бўлиши лозим эди. Иккинчидан, Сайқалий ўз тахаллусини «Баҳром ва Гуландом» достонида ҳамма ерда тўлиқ – «Сайқалий» деб келтиради. Агар бу номаълум шоирнинг ўз тахаллуси бўлганида, унда уни бошқа шеърларига ҳам илова қиларди, ҳолбуки, буни биз фақат бир шеъридагина учратдик. Бизнингча, номаълум муаллиф мазкур мусаддасни ўзи ижод қилиб, Сайқалийга ҳурматини изҳор этиш маъносида унинг номини тилга олиб ўтган.

Кези келганда шуни айтиш керакки, 719-қўлёзмадаги «Баҳром ва Гуландом» достонида Сайқалийдан олинган шеърларда ҳам унинг тахаллуси қолдирилган, гуё шоир асарни «ўзиники» қилиб олган номаълум шоир ҳар бир шеърга унинг айтувчисининг номини тахаллус қилиб келтиради. Чунончи, шеър Баҳром томонидан айтилса, «Баҳром», Гуландом тилидан келтирилса, «Гуландом» деб тахаллус қўйилган ва ҳ.к. Бу билан у нутқнинг персонажга алоқадорлигини янада мустаҳкамлаган ва таъсирчанлигини оширган.

Биз номаълум муаллиф асарининг ўзига хос хусусиятларини, унинг Сайқалий достонидан ва форсча насрий матндан фарқларини таърифлашга эришдик. Дарҳақиқат, бу достон жуда кўп ўзига хосликларга молик, унда шоирнинг ўз истеъдоди, достончилик соҳасидаги

баркамол маҳорати яққол сезилиб туради. Гарчи, юқорида кўриб ўтганимиздек, асар сюжети, тимсоллар мажмуаси, ғоявий мазмуни ва айрим шеърлари билан Сайқалий достонига яқин турса-да, шоир ўз салафининг ижодидан бараманд бўлган бўлса-да, лекин у воқеалар тасвиридаги интонацияда бир қанча эпизодларнинг ўзгартирилиши, композициядаги фарқлар, шеърий бисоти, қаҳрамонлар характеридаги шахсий хусусиятлари билан сезиларли равишда фарқланади. Номаълум шоир халқ бахшиси бўлган ва бу қўлёзма унинг репертуаридан ёзиб олинган бўлиши керак. Лекин унинг достони шуни тасдиқлайдики, шоир ёзма адабиётдан анча хабардор, аруз вазнида ҳам Сайқалий даражасида шеър ёза оладиган киши бўлган. Шундай қилиб, бизнинг шоиримиз мумтоз адабиёт услуби билан халқ достончилиги услубини бирлаштирган, ўз ижодида ҳар икки булоқдан баҳраманд ижодкор сифатида умргузаронлик қилган. Шу сабабли у ўзининг «Баҳром ва Гуландом» достонида ҳам ўз услуби, ўз овози билан ўзига хослик касб этиб, муваффақиятларга эришган.

Достоннинг ўзига хос хусусиятлари хусусида гап бошлар эканмиз, аввало, унинг сюжети, муаллифнинг сюжетни ривожлантириш борасидаги маҳорати ҳақида тўхтаб ўтамиз. Бу ҳол асарнинг бошланишидаёқ кўзга ташланади.

Қўлёзма ҳақида сўз юритганда кўрганимиздек, достоннинг бошланиши аввалги асарларда бўлгандай Рум мамлакатида бир бефарзанд шоҳ бор эди. Худога ёлворгандан сўнг ўғил кўрди, деган оддий баён ўрнига Кишвар шоҳнинг (бу номи Сайқалий асарида ва насрий вариантда йўқ, улар Рум шаҳрининг подшоҳи деб юритган) фарзандсизликдан ноласи, Дастур вазирнинг уни юпатиши эпизоди тасвир этилган. Бу, биринчидан, воқеани асарнинг бошидан бошлаб таъсирчан чиқишига олиб келса, иккинчидан, шоҳнинг «беқарор ошиқ шоҳлар»дан эмаслигини, одил ва ақллигини, вазирнинг тадбиркорлигини ўқувчига таништирган. Бу тасвир ўз навбатида Баҳром шахсининг келажакда қандай сифатларга эга бўлиши учун ҳам олдиндан шароит яратади. Негаки, шундай оила, шундай муҳитда туғилиб тарбия топган бола отаси каби одил, ақлли ва тадбиркор, халқпарвар бўлиши мантиқан тўғри бўлиб чиқади. Баҳромнинг девлар маконига боргани тасвирида ҳам тафовут мавжуд. Номаълум шоир асарида йигитнинг чорбоққа тушиши, овқатланиши ва Сайфурнинг синглиси Сарвосо билан учрашиб, савол-жавоб қилиши батафсилроқ берилгани ҳолда девлар билан жанг қилиши аксинча қисқа берилган. Бошқа вариантларда учрайдиган яккама-якка жангларнинг кенг баёни йўқ. Бу асарда Сарвосо оғолари келишдан олдин қасрдан чиқиб, Баҳром билан учрашади, унга одоб ва тавозеъ билан муомала қилади, ҳатто севиб қолади. Лекин Баҳром ўз севгилиси Гуландом борлигини айтади.Шунда ҳам пари уни рашк қилмайди, лекин акалари ёмонлигини айтиб, тезроқ жўнашини сўрайди. Баҳром парво қилмайди, аввалги асарлардан фарқли ўлароқ бу жойда Сарвосо билан Баҳромнинг юзма-юз учрашуви, бир-бирини танигани каби воқеаларни тасвирлаш навбатдаги воқеаларга замин ҳозирлайди. Яъни Баҳромнинг девларни енгиб, дарахтга боғлаб ўлдиришига замин ҳозирлайди. Баҳром девларни енгиб, дарахтга боғлаб ўлдиришга шайланганида, қиз ундан акаларининг гуноҳини кечишини сўрайди ва Баҳромга отасининг яхшилик, афв этишга чорловчи насиҳатини эсига солади. Баҳром меҳмондорчиликнинг, тузнинг ҳақи деб, уларни озод қилади.

719-қўлёзмадаги достон сюжетидаги муҳим фарқларидан яна бири Баҳромнинг Беҳзод ва унинг паҳлавони Шерафкан билан жанг қилиш эпизодидир. Сайқалий асарида Шерафкан Беҳзод билан эмас, балки Беҳзод хунини тилаб келган Навшод лашкари билан келади ва Сайфур билан олишиб ўлади. Яъни у асар охирида келтирилган эди. Бунда эса биринчи жангда (достоннинг ўртасида) келтирилган Баҳром саройга тушгач, кундузи лашкарларни

кўриб келиб, кечаси ухламай чиқади, тонг саҳарда Гуландом кўшки атрофини бир айланиб чиқиб ёрим макони шул бўлмағай? – деб шеър ўқийди (бошқа достонларда йўқ). Шундан кейин жанг аслаҳаларини созлаб, Фағфур лашкари томонидан туриб жангга киради. Аввал Шерафканни енгади, кейин Беҳзод билан кечгача олишиб, шом бўлгач ажралишади. Кейин аввалги асарларда тасвирланганидек Шаммосни чақириб, Сайфур лашкарини келтиради ва ярим тунда қирғин уюштиради. Баҳромнинг ўзини яккама-яка жангга солиб, муаллиф шаҳзоданинг кучини, мард ва баҳодирлигини яна бир карра кўрсатишга ният қилган. У дафъатан жинлар ёрдамига суянмасдан, балки ўз кучи етмаганидан кейин уларни чақиради. Баҳромнинг яккама-якка олишувини Фағфур ҳам кузатиб, унга қойил қолади, ҳатто уни топтириб тожу тахтни бағишламоқчи бўлади. Буларнинг ҳаммаси кульминацияга қараб ривожланиб бораётган сюжетни воқеаларга бойитади, унинг ўсишини тафсилий бўлиб чиқишга, бош қаҳрамон характерининг хусусиятларини ёрқинроқ очишга ёрдам берган.

Баҳром ва Гуландом орқали мактуб – муомаласи эпизодида ҳам Сайқалий достони билан яқинлик (буни кўриб ўтдик) мавжудлиги билан бирга айрим тавофутлар ҳам акс этади. Дастлаб шуни айтиш керакки, бу достонда юз кўрсатиш маросими билан Наврўзда бўладиган «кушойиш» (пул йиғиш) маросими воқеаси бирга қўшиб келтирилган, шишани кўтариб, туйнукдан боқишни Баҳром бу маросимлардан олдин амалга оширади. Гуландом узукни олиб, Баҳромга дарчадан қараганда, Сайқалийда бўлганидек, Баҳром билан кўз уриштирмайди, шунингдек, қизларни ҳайдаб чиқариб, пинҳоний йиғлаши ҳам айтилмайди. Фақат қиз Баҳромни дарчадан кузатиб, ишқи тушгач, Давлатни чақириб, нома бериб юборгани баён қилинади.

Хатларнинг мазмуни ва ифодалари усулида ҳам ўзгачалик бор. Биринчи хатда Гуландом Сайқалий асарида муҳаббат изҳор қилиб ёзса, бунда Баҳромни «синаш» учун дабдурустдан:

Кўшк остида ётғон гадо,
Йўқолғил, турмағин мунда.
Мусофир экансан ҳало,
Йўқолғил, турмоғил мунда.
Мунда турсанг ўлдураман,
Тириклайин суйдураман,
Ўтға солиб куйдираман.
Йўқолғил, турмағил мунда. (24-а)

– деб таҳдид қилинади.

Баҳромнинг жавоб хати ҳам Сайқалийдан фарқли ўлароқ, мазмунан Гуландом мактубига мосдир:

Арзи ҳолим айтай сенга,
Ўлдирсанг кетмаман мундин.
Ватан бўлди бу ер манга,
Сўйдирсанг кетмаман мундин. (24-б).

Ўз мактубларига Гуландом ўз номини тахаллус қилса, Баҳром «намадпўш» деб қўшиб қўйган. Бу асарда ҳам мактубларда Баҳром томонидан изҳори муҳаббат, Гуландом томонидан йигитнинг кимлиги, юрти сўралиб, баъзан «таҳқирланиб» турса-да, лекин хатларнинг аксарияти маъно-мазмуни билан фарқланиб туради. Уларда сўз ишлатиш анча эркин, достонларга хос «сергаплик» кутилмаган иборалар қўллаб юбориш, содда ва «хонаки» сўзлар билан гапириш билиниб туради. Масалан, Гуландом бир мактубида дейди:

Ман сўрайин сандин эмди азизим,
Қайси ердан келдинг, айлагил изҳор.
Ҳам отинг айт манга, соҳиб тамизим,
Қайси жойдан келдинг, айлагил изҳор.
Магар келдинг Кошғар бирла Ямандин,
Чурчутдин, Қалмоқдин, Хитой, Хўтандин,
Тожикдин, Ўзбекдин ва ё Ҳўқанддин,
Қайси жойдан келдинг, айлагил изҳор.
Самарқанд юртидин, билмам Бухордин,
Миёнкон элидин, Қарши, Ғузордин,
Шаҳрисабз юртидин, Занги, Ҳисордин,
Қайси жойдан келдинг, айлагил изҳор.
Бадахшон юртидин, билмам қаёндир,
Ҳиндистон, Қобулдин ё Қандаҳордин,
Шибирғон, Ақчадин, Балхи баҳордин,
Қайси жойдин келдинг, айлагил изҳор.
Фаранг, румийсан, ё шаҳри Боғдод,
Машҳаддин, Теҳрондин, эй аҳли ношод,
Одамзод аҳлидин сенсан, қаю зод,
Қайси ердан келдинг, айлагил изҳор.

(27-бет).

Номаълум шоир асаридаги номаларнинг яна бир хусусияти шуки, унда форсча вариантда ва Сайқалийда келтирилган ҳар бир хат охирида илова қилинадиган тамсилий – ҳикоятча йўқ. Бунда ҳам муаллиф ихчамлашга борганлиги сезилади. 719-қўлёзмадаги асарда қайси воқеаларга кирадиган Шабрангнинг Баҳром дарагини топиши, Чин шаҳрига йўлга тайёрланиши, Баҳромни излаб топиши, Гуландомга совчилик, тўйдан кейин қиз ва йигитнинг муносабатлари тасвирига кенг ўрин берилган. Бу кўпроқ қаҳрамонлар нутқининг чўзилиши, ички ҳиссиётларни баён этишдаги тафсилийлик билан юзага келган. Бунинг эвазига шоир шу ўринларда Навшод жанги, базм, жинларни чақириш эпизодларини қисқартириб баён этади. Маълум бўладики, номаълум шоир асосий қаҳрамонлар билан боғлиқ бўлган ва улар тимсолини тўлдирадиган воқеалар тасвирига асосий эътибор бериб, иккинчи даражали эпизодларни қисқача айтиб ўтишни мувофиқ кўрган. Бу асарда бошқа қаҳрамонлар Баҳром ва Гуландомдан ташқари Кишваршоҳ, Дастур, Фағфур тимсоллари ҳам анча мукаммаллашган. Достонда Сайқалий асарида кўринмайдиган хусусиятлардан бири унда мусулмонликнинг тарғиб қилиниши кучлироқ эканлигидадир. Баҳром ислом дини ҳимоячиси сифатида кўринади (девларни енгиб, мусулмон қилиши, Беҳзод ва Навшодларни кофирлар деб сўкиши, Дастурдан юртни сўраганда аълам, муфти, қориларнинг эсон-омонлигини сўраши).

Композиция жиҳатидан Сайқалий асаридан фарқланадиган яна бир номаълум шоир достонида сарлавҳаларнинг йўқлигидир. Унда воқеалар ҳеч қандай ровий ёки соқийга мурожаат қилинмасдан, тўғридан-тўғри бир-бирига уланиб кетаверилган.

Достон тимсоллари пухта ва жонли чиққан. Баҳром асар бошидан бошлаб эзгуликка интилувчи шахс сифатида кўринади. У оддий ошиқ эмас, балки кишиларга қўлидан келганча яхшилик қилувчи, мардлик ва баҳодирлик билан мушкул ишларни ҳал этувчи, муҳаббатда эса содиқ, вафодор, фидойи одамдир. Тимсол эпизоддан-эпизодга ўсиб, очилиб борган.

Муаллиф ўз қаҳрамонини қийинчиликларга тайёрлайди, характеридаги хусусиятлари, ҳатти-ҳаракатлари билан ишончли далил ва деталлар тасвири билан асослаб кўрсатади. Баҳром ҳар доим халқ тарафдори, ҳақиқат ва адолат тарафдори. Шаҳзода ёрга эришиш осон йўл билан бўлади, деб ўйламайди, ўзини афсонавий ошиқлар қаторига қўяди.

Мажнундайин Лайли учун ўртаниб,
Фарҳод каби Ширин учун ёлвориб,
Вомиқдайин Узро учун жон бериб,
Подшо бошим эмди гадо айларам. *(6-а)*

Баҳром тимсолида халқнинг мардлик, баҳодирлик, муҳаббатда тенглик бўлиши, ишқ-севги, қаҳрамонлик ва мардлик, софлик ва ҳалоллик билан, садоқат билан эгизак деган ғояси мужассамлаштирилган: шоҳлар-шаҳзодалар ҳам ана шундай олижаноб, оқил бўлишини орзу қилган. Достон сюжетининг умумий йўналиши ва ундаги воқеалар романтик характерга эга бўлса ҳам, лекин ундаги халқчил ғоялар, аниқ тасвирлар шоир яшаган замон руҳини ифодаловчи ҳаққоний асосга эга. Севгида тенглик, садоқатни куйлаш, қизнинг ёр танлаш, севги ҳуқуқини ёқлаб чиқиш, уни асарнинг асосий тимсоллардан бири қаторида оқила, зукко қилиб тасвирлаш, XIX аср ҳаёти учун муҳим маърифатпарвар ғояларни илгари суриш демакдир. Шоир Гуландом тимсолини яратиш билан мазлума хотин-қизларнинг орзу-истагини ифодалаган эди. Бундан ташқари, достонда ифодаланган мардлик, ҳалоллик, сахийлик, адолат, тинчлик ғоялари ҳам ўша давр учун ижобий аҳамият касб этар эди. Номаълум шоир жанг эпизодлари, шоҳлар орасидаги арзимаган нарса учун олишиб беҳисоб қон тўкишларини қоралайди, тадбиркорлик, адолатли, раиятпарвар шоирлар, вазирларни улуғлайди. Бундай фикрлар халқнинг адолатли подшо тўғрисидаги тушунчаси билан мос келар эди.

Бу сингари ғоялар биргина «Баҳром ва Гуландом»да эмас, ижод этилган бошқа асарларда, бахшиларнинг репертуарида куйланиб келаётган достонларда мавжуд эди.

Адабиётда бир томондан халқ ҳаётида юз бераётган воқеаларни тасвирлаш, маърифатпарварлик ғояларини илгари суриш (Фурқат, Комил Хоразмий каби) кучайган, иккинчи томондан халққа зулм қилувчи, унинг ҳисобига бойишга интилувчи айрим золим ҳоким табақа вакилларини қаттиқ ҳажв остига олиш, уларни фош қилиб ташлаш авж олган бўлса (Махмур, Муқимий, Завқий, Аваз каби), учинчи томондан, одил ҳукмдор ҳақидаги тушунчаларни тарғиб қилувчи, уни янгича мазмунда ифодаловчи турли жанрдаги асарлар ҳам кўп яратилар эди. Кейинги гуруҳга кўпроқ ана шу халқ китоблари киради. Уларда халқнинг асрлар давомида сақланиб келаётган жамият тўғрисидаги тасаввурлари кўпроқ акс этади. Бу асарлар ўзининг халқчил мазмуни билан умуман тараққийпарвар адабиёт таркибий қисмига киради ва улар шу нуқтаи назардан ўрганилиши мақсадга мувофиқдир.

Номаълум шоирнинг «Баҳром ва Гуландом» достони бадиий пишиқ асар. Бу фақат композицион тузилиш, тасвир такомиллигида эмас, балки бадиий тилнинг ширадорлиги, содда ва самимийлигида ҳам яққол сезилади. Айниқса, асарнинг шеърий бисоти жуда бой ва ранг-баранг. Асарни ўқиган киши муаллифнинг бадиий кенг мушоҳадаси, шоирона идроки, воқеларни тасвирлашдаги ўзига хос ўйноқи ва табиийлигини кўриб қойил қолади. Шеър асарнинг асосий қисмини ташкил этади. Ҳар бир шеърий парча ўз мазмуни ва шакли билан қаҳрамоннинг аниқ руҳий ҳолати, кайфиятига мос келади. Шеърлар турли жанрда, турли хил ўлчов ва тузилишга, қофияланиш усулига эга. Жарангдорлик, ички қофия қарийб ҳамма шеърларда бор. Шунингдек, кўпгина шеърларда достонларга хос такрорланиб турувчи нақорат ҳам тез-тез учраб туради. Бир мисол:

Тахт устида турган эй гўзал дилбар,
Жоним олди ширин сўзларинг санинг.
Хизматингда бўлғон неча канизлар,
Ақлим олди қаро кўзларинг санинг.
Рум шаҳрида эрдим давронлар суруб,
Ишқингда гадоман чўлларда юруб.
Маст бўлуб йиқилдим жамолинг кўруб,
Жонимни оладур юзларинг санинг.
Химчадек буралиб тахтга чиққанинг,
Жоним олур ҳар дам қиё боққонинг.
Кўнглума жамолинг ўтин ёққонинг,
Гадолар айлади бозларинг санинг.
Бу кўргон туш эрур ё хобу хаёл,
Ақлим бошдин кетиб бўлди тилим лол.
Гуландом паризод, кўрсатинг жамол,
Қоним тўкди қадду камолинг санинг. (22-а бет).

Бу мисол ўзбек халқи достонларида қўлланадиган шеърий услубнинг ёрқин намунасидир. Шоир туркий халқлар тилига хос бармоқ вазни имкониятларидан жуда яхши фойдаланган. Шеърларнинг оҳанг, маромини ранг-баранг қилиш учун у туроқларни турлича тузган. Кўп ўринларда шеърий туроқларга ажратиб ёзилган. Чунончи:

Раҳминг келмас севар ёрим, доғ устига доғинг надур,
Аё шўхи дилозорим, бул ситам қилмоғинг надур.
Шоҳ эдим ман, гадо қилдинг диёримдин жудо қилдинг,
Ғарибу бенаво қилдинг бераҳм бўлмоғинг надур.
(33^{б}-34^{а}-бетлар)

Шоир аҳён-аҳёнда:
Оғзи писта, кўзи бодом,
Ширин-ширин тиллари бор.
Баҳром айтур: ғариб бўлдум,
Бир тоза гул эдим – сўлдим.
Ёрим истаб мунда келдим,
Юрагимда доғлари бор. (7^{а}-бет).

каби қолип ташбеҳларни қаторида, асарнинг деярли ҳар бир шеъри муайян эпизод тасвири ёки қаҳрамон ҳолатига мувофиқ бўлиб, худди шу воқеани тасвирловчи, уни бадиийлаштирувчи оригинал, янги тимсолли ифодалар топиб ишлатилган. Шунинг учун унда ошиқни изтироб изҳорини ифодаловчи шеърларни ҳам, фироқ ва айрилиқ куйларини ҳам, висол дамларидаги шўх, тантанали қўшиқларни ҳам, енгил юмор, ҳазил ва қочириққа бой мисолларни ҳам учратамиз. Масалан, Баҳром тўйдан кейин ҳам нозу истиғно қилиб юрган Гуландомга қараб деди:

Кел, эй ҳурим, паридурсан,
Биргина боқ жиги-жиги.
Жаҳоннинг бир гулидурсан,
Биргина боқ, жиги-жиги.
Менинг ҳолим хароб этма,
Жигар-бағрим кабоб этма,

Бу жонимға жафо этма,
Биргина боқ, жиги-жиги.
Бергил ҳуснингни божини,
Букун қилай хирожини.
Бахш этсам тахту тожини,
Биргина боқ, жиги-жиги.

Номаълум шоир аруз вазнида ижод этишда ҳам уста бўлган, унинг ғазал, мухаммас ва мусаддасларидаги бадиий етуклик бундан далолат беради.

Шоир шеъриятнинг кучи, мафтункор сеҳри билан достонга янгича руҳ бахш этган, уни завқли, ўқимишли қилган.

Номаълум шоир достонининг бу қисқа таҳлилидан шу нарса аниқланадики, асар муаллифи ўзбек мумтоз достончилигининг яхши анъаналари ва битмас хазина – халқ оғзаки ижодиётидан баҳра олиб, талант ва истеъдод билан битилган бетакрор адабий мерос қолдирган. Унинг достони фольклор ва ёзма адабиёт белгиларини ўзида мужассамлаштирган асар ҳисобланади. Достон фольклор тарихи нуқтаи назаридан ҳам, мумтоз адабиёт нуқтаи назаридан ҳам кенг ва чуқур ўрганишга лойиқ адабий ёдгорликдир.

5. «Қиссаи шаҳзода Баҳром ва маликаи Гуландом».

Форсчадан Сирожиддин Сидқий Хондайлиқий таржимаси

Сирожиддин Сидқий Хондайлиқий (1882–1934) ўзининг кўп қиррали ижодий фаолияти, хилма-хил жанрларда яратган шеърлари, наққош ва рассомлиги, ҳуснихати билан XIX аср охири – XX аср бошларидаги ўзбек адабий ҳаракатчилигида, маданий тараққиётга муносиб ҳисса қўшган истеъдод эгасидир. У ўзининг амалдорлар, қози ва муфтиларни, кўзбўямачилик, халқ молига хиёнат қилиш билан шуғулланадиган шахсларни ҳажв қилувчи шеърлари, маърифатпарварлик ғояларини тарғиб этувчи асарлари билан ўзбек адабиётини ривожлантирган бўлса, ўз умрининг охирида ёзган асарларида озодлик ва ҳурликни, тенглик ва бахтни куйлади, маърифатпарварлик ғояларини янада баландроқ тараннум этди. Шоирнинг «Ўн қўрғон қозиси ҳақида ҳажв», «Чимбой қишлоқлик тўра ҳикояти», «Тошкентлик Носирхон эшон ҳикояти», «Судратма Чопон банги эшон қози ҳикояти» каби ҳажвий шеърлари, «Тоза ҳуррият» сингари йирик маснавийлари ўз даврининг аҳволи, содир бўлган воқеаларни аниқ акс эттирган муҳим аҳамиятга эга асарлардир. Сидқий Хондайлиқий Туркистондаги ўзбек тилида чиқиб турган вақтли матбуотга фаол иштирок этган. «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона», «Тараққий», «Туркистон вилоятининг газети», «Шуҳрат» каби газеталари ва бир қанча журналларда унинг мақола, таржима ва шеърлари тез-тез босилиб турган. Сидқий Хондайлиқий Фурқат, Муқимий, Камий каби замонасининг илғор, халқпарвар шоирлари билан маслакдошлик, ҳамкорлик қилган, уларнинг ғазалларига мухаммаслар боғлаган.

Сидқий Хонайлиқий араб ва форс тилини пухта эгаллаган истеъдодли таржимон сифатида ҳам шуҳрат қозониб, «Минг бир кеча», «Бўстон», «Гулистон» (Саъдий асарлари), «Баҳром ва Гуландом» каби китоблар унинг таржимасида халқ орасида кенг тарқалган. Бундан ташқари, у ўзбек адабиётида катта салмоққа эга нодир асарларни кўчириб ёзган,

уларни тошбосмага тайёрлаган, кўпларини ўзи расмлар билан безаган, унинг ҳуснихати фақат Марказий Осиёда эмас, Қошғар ва Эронда ҳам машҳур бўлган.

«Қиссаи шаҳзода Баҳром ва Маликаи Гуландом» китобини Сидқий Хондайлиқий ҳижрий 1329 (мелодий 1911 й.) йилда таржима қилиб. Тошкентда «Ғуломия» (Орифжонов) матбаасида бостирган. Шоирнинг сўзбошида айтишича, бу ишни у дўсти Мирзо Аҳмад илтимоси билан бажаради. Таржима Андижон шаҳрида амалга оширилган.

Таржимага худо васфи ва «Сабаби таржима» деган шеърий муқаддималар илова қилган, асарнинг котиби ва наққоши ҳам ўзи бўлган, Достон сюжетининг характерли воқеаларига мос равишда ҳар ер – ҳар ерида суратлар чизилган ва уларга «Рақами камтарин Сирожиддин Маҳдум» деган имзо қўйилган.

Сидқий достонни қайси нусхадан таржима қилганлиги ҳақида гапирмаган, у фақат:

Манго Мирзо Аҳмад айлаб дуо,
Бу янглиғ адо айла деди муддао:
«Муни турк лафзиға келтурғосен,
Доғи борча байтини турк этғосен,
Ки жумла халойиқ олур манфаат,
Худодин тилар ҳаққинга маърифат.

деган сўзларини келтириб, кейин бу ишни мамнуният билан қабул қилганлигини изҳор этади. Бироқ таржимани ўқиб чиққандан кейин муаллиф достоннинг қайси вариантидан фойдаланган аниқ бўлиб қолади: «Баҳром ва Гуландом»нинг ўз даврида тошбосмада босилган (Эрон, Ҳиндистон шаҳарларида) нусхасига асосланган. Мазкур форсча асарнинг кўпгина нусхалари Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Уларнинг аксарияти қиссанинг қайта нашр этилган нусхаларидир. Бу нусхалар орасидан биз 1901 (1319 ҳижрий) йилда Лакновда Навлакшўр матбаасида босилган нашрини танладик. Чунки бу нусха бошқаларига қараганда анча тўлиқ бўлиб, сифатли чоп этилган. Мазкур форсча асл нусха ҳам Сидқий таржимаси каби «Қиссаи шоҳ Баҳром ва маликаи Гуландом» деб номланган. Қисса фақат сюжет йўналиши билангина эмас, балки иборалари, тасвирлари билан ҳам таржимага мувофиқ келади. Айтиш мумкинки, таржимон асарнинг бутун воқеаларини деталларига қадар ўзбекчалаштирган, тимсолли ифодалар ташбеҳ ва ибораларни аниқ ўгирган.

Масалан: «Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор ва тўтиёни ширинсухани шакаргуфтор дар «Ҷомеъул ҳикоёт» овардаанд, ки дар мамлакти Рум подшоҳе буд оқил ва ориф ва комил бо хидам ва ҳашами бисъёр ва зару моли бешумор ва аз ҳеч чизе бар хотири худ хутуре надошт, магар он, ки ба ҷиҳати як фарзанди дилбанд орзу дошт. Баъд аз чиҳил сол худованд фарзанди аржуманде ба ў каромат фармуд, ки дар зери чархи кабуд мислу монанд надошт. Чун ин мужда ба шоҳ расид, моли бисёр ва зару жавоҳири бешумор ба фақирон ва мискинон марҳамат фармуд ва он писарро Баҳром ном ниҳоданд…».

Сидқий таржимаси: «Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор «Жомеъул ҳикоёт» китобида андоғ ривоят қилибдурларки, Рум шаҳрида бир подшоҳ бор эди, оқилу доно эрди ва кўп молу хазинаси бешумор ва ҳаддин зиёда лашкари бор эрди. Худойи таборак ва таоло анга ҳама нимарсаларни берган эрди, магар фарзандки асло фарзанди йўқ эрди, ҳақ субҳона таоло қирқ ёшида бир фарзанд берди офтоби Ховар янглиғ. Вақтеки бу хабар Қайсари румға етти – кўп молни фуқаро ва камбағалларга улошти ва фарзандининг отини Баҳром қўйди…» (3-бет).

Таржимон қиссадаги шеърий парчаларни қисқартириш ва баъзи ўринларда ташлаб кетишдан бошқа ўзгартириш киритмаган. Асарнинг форсча асли гарчи асосан насрий бўлса ҳам, лекин ора-орада Баҳром ва Гуландом тилидан шеърий байтлар келтирилган. Хусусан, ошиқ-маъшуқнинг бир-бирига йўллаган мактублари шеър билан битилган. Бу нарса асарга бадиий руҳ бағишлайди, қаҳрамонлар ҳиссиётини чуқурроқ ифодалашга хизмат қилади. Иккинчи томондан, шеърий мактубларнинг бутун байтлари фикрлар занжиридан иборат бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради, сюжет ривожининг муайян ҳалқасини ташкил этади. Мактуб алмашинувида Баҳром ва Гуландомнинг бир-бирига муносабати, уларнинг шахсий хусусиятлари очила боради, икки севишган юракнинг яқинлашиш жараёни юз беради. Сидқий Хондайлиқий форсча достон шеърларини батамом ташлаб кетмаган ёки уларни батафсил насрлаштириб ҳам келтирмаган. У бу мактублардаги байтларни имкон доирасида қисқартирган. Масалан, аслида Гуландомнинг биринчи номаси 12 байтдан иборат. Унда Гуландом Баҳромга ўзингни фидокор ошиқлар сафига қўшма, васлимга етолмасдан парвона каби ўлиб кетасан, дейди. Таржимада бу номанинг 2 байтигина мавжуд, шамъ – парвона тасвирига 1 байт бағишланган. Қолган байтларнинг мазмуни бир қисм номаларда насрий қилиб баён этилса, бир қисм номалардан қолдирилган. Умуман, номалар таржимасида Сидқий Хондайлиқий қуйидаги усулни қўллаган:

1) номанинг бошланишидан бир ёки икки байт шеър билан таржима этиш; 2) қолган байтлар мазмунини насрда бериш; 3) тимсолий ҳикоятчаларни ҳам насрлаштириб баён этиш; 4) нома охиридан бирор байтни шеър билан таржима этиш. Бир мисол келтирамиз. Баҳромнинг Гуландомга йўллаган биринчи номаси:

Ало эй офтоби буржи шоҳий,
Рухат маҷмўаи лутфи илоҳий.
Шудаи ҳайрон ба рухсори чу моҳат,
Дилам ошуфтаи зулфи сиёҳат.
Зи ҳичронат дили пурдард дорам,
Лаби хушку ҷабини зард дорам.
Барорам ҳар замон аз фурқатат оҳ,
Сияҳ дорад зи оҳам чеҳраи моҳ.
Зи ишқи рўйи ту девона гаштам,
Зи хешу ошно бегона гаштам.
Чу зулфи тобдорат беқарорам,
Чу чашмони мастат пурхуморам.
Зи ишқи моҳи рухсорат харобам,
Дили пуроташу чашми пуробам.
Чу абрўят қади борик дорам,
Чу гесўят шаби торик дорам.
Ғарибу бекасу зору низорам,
Ба ҷуз гиря набошад ҳеч корам.
Чи созам, чун кунам, ғам бо ки гўям?
Давои дарди ҳичрон аз ки чўям?
Ҳадиси ман бувад монанди булбул,
Ки ҷон ашбохт баҳри фурқати гул.
Ту ҳар соле намой чеҳра чун гул,

Шавам мадҳуши васлат ҳамчу булбул.
Бар ойи манзарат чун булбули маст,
Бихоҳад рафт жонам як шаб аз даст.
Ба фарру ҷоҳу нозу комронӣ,
Ҳозорон сол бодат зиндагонӣ.
Парешонам чу зулфат – ҳолам инаст!
Бигуфтам мӯ – баму, аҳволам инаст! (22-бет)
Таржимаси:
Аё эй офтоби буржи шоҳий,
Юзунг мажмуаи лутфи илоҳий.
Кўзум ҳайронаи рухсори моҳинг,
Кўнгул девонаи зулфи сиёҳинг.

Эй зуҳра жабини моҳ талъат ва эй фариштаи хушсурат, санинг фироқингда на кундуз қарор ва на кеча оромим бор. Эй нозанин, санинг ишқингда монанди булбулдурман. Булбул бечора бир йилғача интизорлик чекадур, қачонки гул васлиға етушса, мастликдин ўз вужудини фаромуш қиладир. Боз ўзиға келур бўлса, яна ғунча гул васлини кўролмайдур. Эмди, эй дилбар, сан ҳам гулдек неча муддатдан сўнг манга дийдорингни кўрсатғайсан, зероки қўрқорменки, фироқингда ширин жоним кетгай.

Юзунгни кўрсатурсан йилда чун гул,
Бўлурмен маст васлингда чу булбул.
Сани бу манзоринг остида эй ёр,
Кетар ўхшар қўлимдин жон ночор. (17-бет)

Таржимон қисқартиришлари айрим ўринларда мактубларнинг мазмунан боғланиши, фикрларнинг асосланишига зиён етказган.

Насрий матн ҳамма жойда тўлиқ ва аниқ таржима қилинган, таржимон аслиятнинг мазмунини ўзбек тилида қайта яратишга муваффақ бўлган.

Сидқий Хондайлиқий ўз даврининг таъсири ўлароқ, таржимада форсча, арабча сўз ва иборалардан фойдаланган бўлса ҳам, шунга қарамай, унинг тили равон, ширали, услуби жозибалидир. Таржимон асл нусхадаги услубдан, насрий баён тарзидан четга чиқмасликка ҳаракат қилиб, асарнинг ўзига хослигини, руҳини сақлаб қолган. Фикримизнинг далили, исботи учун яна бир парча таржимасини келтирамиз.

Асли: «Офтоб ба завол расида буд, ки ба боғе расид ва қасре дид дар он ҷо ва дар миёни он тахте буд баста ва ҳавзи обе буд. Бар даври он ҳавзе дарахтҳои бисёр буд ва аз он боғ об берун меомад ва дар он ҳавз мерехт ва аз он ҳавз бар он чаман мерафта то камар сабзаву марғзор буд ва гулҳои ранго-ранг шукуфта буд ва шаҳзодаро аз он манзил хуш омада, аз мориёни маркаб зер омада ва лажом аз сари маркаб бардошта ва маркабро дар он сабза раҳо кард ва ҳази буроқи кашола дасту рўро саро дода ва сипар дар зери сар гузашт ва хобид…».

Таржимаси: «Офтоб баланд бўлиб кўтарилиб эрдики, бир чорбоғга етти ва ул чорбоғнинг ичида бир қаср кўрди ва ул қасрнинг ўрта ерида бир тахт ва суфанинг оралиғида бир ҳовуз ва ул суфада кўб дарахтлар ва ул боғдин сув чиқиб ул ҳовузга қўйилур эрди ва ул ҳавздин чаманларға борур эрди ва рангоранг гуллар очилғон бир сабзавор эрди. Шаҳзодаға ул манзил хуш келди, отидин пиёда ва бўшотти ва ҳавзнинг лабиға келди ва қўлини ювди. Андин сўнгра бошининг остига қалқонини қўйуб уйқуга муқайяд бўлди…» (6-бет).

Китобнинг хотимаси бизда бўлган форсча нусхадан сал бошқачароқ мазмунда тугайди:

«…қайсар хутба ва синнани шаҳзода Баҳром отиға қилди ва они тахти шоҳонаға ўл-

турғузди ва ўзи ибодатхонада ибодатға машғул бўлди ва шаҳзода Баҳром подшолиқға ўлтириб, адолат бирла фуқаропарварлик қилиб, рўзғор ўткорур эрди. Сайфур ва Фағфурға ҳадялар юборур эрди ва алар ҳам бу тартибда шаҳзодаға пешкашлар юборурлар эрди ва бу ҳикоят олардин ёдгор қолди (Бу жумлалар аслиятда йўқ). «Илоҳи ҳамма жувонмардларни мақсудиға еткургил».

(34-бет).

Таржимон китоб охирида ўз номи, тахаллуси, куниясини келтиради ва таржиманинг қаерда бажарилганлигини айтади. Сирожиддин Маҳдум Сидқий Хондайлиқий томонидан таржима қилинган бу қисса чоп этилгандан кейин китобхонлар орасига кенг тарқалди ва ўзбекча «Баҳром ва Гуландом»лар қаторидан муносиб ўрин эгаллади.

6. Фозил Йўлдош ўғлининг «Баҳром ва Гуландом» достони

Халқ оқини Фозил Йўлдош ўғлидан бизга бир қанча ажойиб достонлар, термалар мерос бўлиб қолган. Унинг «Алпомиш», «Ёдгор», «Рустам», «Муродхон», «Ширин билан Шакар», «Маликаи айёр», «Балогардон», «Интизор» сингари достонлари нашр эттирилиб, халқимиз орасида кенг тарқалди. Бу асарларда халқнинг асрлар бўйи ардоқлаб келган орзулари, эзгу ғоялари куйланади. Қаҳрамонлик, мардлик, адолат ва садоқат, соф севги ва енгилмас ҳақиқат тараннум этилади. Улардаги ижобий кучлар ёвуз ниятли кишилар устидан ғалаба қиладилар, қатор қийинчиликлар, қийновларни бартараф этиб, ҳақиқатни барқарор этадилар, юртни, элни саодатга, ёруғ кунга олиб чиқадилар.

Фозил Йўлдош ўғли репертуаридан ёзиб олинган достонлардан бири «Баҳром ва Гуландом» бўлиб – 1964 йилда фольклорчи Малик Муродов томонидан нашр эттирилган[377]. Малик Муродов китобга кичкина сўзбоши ҳам илова қилган. Унда муаллиф достоннинг аҳамияти, асосий ғоялари, тимсоллари ҳақида фикр юритган, ёзиб олинган қўлёзма ҳақида маълумот берган.

Фозил Йўлдош шоирнинг бу асари ўзбек тилидаги шу номли достонлар орасида сюжет нуқтаи назаридан сезиларли даражада фарқ қиладиган асар ҳисобланади. Шоир сюжетни ўз услуби ва ғоявий эстетик қарашлари асосида қайта ишлаган, унинг кўпгина лавҳаларини ташлаб кетиб, ўзи янги эпизодлар, воқеалар қўшган ёки мавжуд лавҳаларни кенгайтирган. Натижада асарнинг тимсоллари ҳам (гарчи уларнинг номлари сақланган, мақсад-муддаолари ҳам ўша бўлса-да) кўп жиҳатдан ўзгаришга учраган, бош қаҳрамонлар характери янгича хусусият касб этган. Бу достонда ҳам асосий мавзу муҳаббат деб қаралади ва сюжетнинг негизини Баҳромнинг Гуландом юртига бориб, уни олиб келиши воқеаси ташкил этади. Аммо бунда фарқ шундаки, форсча насрий нусха, Собир Сайқалий ва 719-қўлёзмадаги номаълум шоир асарларида худди шу мавзу – муҳаббат мавзуи биринчи ўринда қўйиб тасвирланади, сюжетнинг ривожи, воқеалар жумласи шунга бўйсундирилади, қаҳрамонларни хатти-ҳаракати, характерлари ана шу бош масалани ҳал қилиш заминида очилади. Хусусан, Собир Сайқалий ва номаълум шоир достонларида ошиқ-маъшуқлик тасвирига, соф муҳаббатни куйлашга кенг ўрин ажратилганини, уларга алоҳида эътибор берилганини юқорида кўриб ўтган эдик. Сюжетнинг бундай ишланиши асарни ишқий саргузашт харак-

[377] Баҳром ва Гуландом. Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли. Нашрга тайёрловчи: Малик Муродов. Масъул муҳаррир: Ходи Зариф. «Фан» нашриёти, Тошкент, 1964.

терида бўлишга, қаҳрамонларнинг содиқ ошиқлар, ишқ-муҳаббат йўлида курашувчилар бўлиб гавдаланишига олиб келади. Бу хусусиятлар Фозил Йўлдош достонида бир мунча сусайтирилган. Бунда шоир ишқ-муҳаббат тараннумини асарнинг марказий масаласи тарзида тасвирлашни эмас, балки Баҳром қаҳрамонликларини, унинг ботирлиги, полвонлигини куйлашни асосий мақсад қилиб, шаҳзоданинг ёр васлига эришиш борасидаги ҳаракатлари ўрнига унинг овдаги, жангдаги тенгсиз қаҳрамонликларини тасвирлашни асарнинг марказига кўчирган, шунга боғлиқ эпизодларни кенгайтирган, баъзи жиҳатларни кучайтирган. Бунинг натижасида муҳаббат масаласи асарда иккинчи даражага тушиб, Дилором васлига муяссар бўлиш Баҳром қаҳрамонликларининг меваси сифатида талқин қилинган.

Айтилган фикрларни тасдиқлаш учун Фозил Йўлдош ўғли достони сюжети бошланишини қисқача келтирамиз.

Рум шаҳрининг подшоси Хусрав (Кишвар шоҳ эмас) бефарзандликдан шикоят қилади, кунларнинг бирида хотини ўғил туғади, отини Баҳром қўяди, у тез ўсади (бир ёшида беш яшар боланинг қуввати, ақлига эга бўлади), мактабда ўқийди, мерганлик, тирандозлик машқлари билан шуғулланади. 15 ёшга етгач, отасидан рухсат олмай қуролланиб овга чиқади ва ўлжалар келтиради, яна овга чиқиб йўлбарс билан олишади, яна овни давом эттиради, бир қанча кийикни отади. Шундан кейин у отасидан узоқ тоққа овга боришга рухсат сўрайди, шоҳ Дастур вазир билан маслаҳатлашиб (мажлис қуриш, қўшин ажратиш йўқ) ўғлига рухсат беради ва боқувида ётган тулпорни унга ҳадя қилади. Шоҳ Баҳромдан овдан тезроқ қайтишни сўрайди. Баҳром хавотир олманг, ов муддати бўлмайди деб ота кўнглини овутади (келажак воқеаларга замин ҳозирлаш). Баҳром бу овда йигитлари билан бир тоғдан ошиб дарадан ўтиб, чўлни кезиб яна бир тоққа чиқади, бўлинишиб яна дараларга тарқалишади, Баҳром бир ўзи юрганида олдидан кийик чиқади, ортидан қувиб кетади. Кейин йўлга қочиб ундан яна тоққа чиқади. Қоронғу тушгач кийикни йўқотиб, ётиб қолади, афсуслар чекади, кўнгли ғаш бўлади, эрталаб кийикни яна кўриб қувиб кетади. Яна чўлу биёбондан, тоғлардан ўтади, бир тоққа етгач кийик ғойиб бўлади, гумбаз кўринади. Гумбаздан чол чиқади ва Баҳром ундан кимлигини сўрайди, унинг оти Кўҳан чол 750 га кирган экан. Кийик чолники бўлиб чиқади. Чол Гуландом ҳақида хабар беради. Баҳром кечаси дам олиш баҳонаси билан Гуландом суратини кўради ва ошиқ бўлиб йўлга чиқади.

Шуни айтиш керакки, шоир бу воқеаларни кенг ва батафсил тасвирлайди, бунда насрий қисм жуда кам бўлганда ҳам жумлалар ички қофия (сажъ) билан тузилган. Қаҳрамонларнинг нутқи ҳам, от чоптириб юриши, ов қилиш жараёни ва ҳ.к.лар шеърий йўл билан дабдабали, баландпарвоз ва ҳатто анча муболағали қилиб тасвирланади. Муаллиф ўз шеърларида Баҳромнинг ишларини фақат баён қилиб қўймай, балки уни кўкка кўтариб мақтайди, куч-қудрати, полвонлигини таърифлашда сўзни аямайди. Масалан:

Бундайин эр бу дунёга келмаган,
Ҳеч кимда бундайин қувват бўлмаган.
Неча паҳлавонлар ўтти дунёдан,
Улар ҳам бундайин ишни қилмаган...
Ҳеч ким бунга тенг келмас,
Баҳром ишин ҳеч ким қилмас.
Сиз-бизнинг хонимиз Баҳром,
Қаҳрамон жонимиз Баҳром.
Элга султонимиз Баҳром,
Йўлбарс бунга дучор келган.

Куни битиб дучор бўлган,
Шундайин ҳайбатли Баҳром.
Йўлбарсга ваҳшатли Баҳром,
Ваҳшийлар ичида қувватли.
Йўлбарсдан ҳам сиёсатли,
Ким қилган бундайин ишни.
Йўлбарс билан бу суришни,
Искандар дунёдан кечди.
Нечовларнинг тайи кўчди,
Йўлбарс Баҳромга дуч бўлиб.
Бу ҳам ажал майин ичди. *(20-21-бетлар)*

Шоир севган қаҳрамоннинг фақат ўзини эмас, унинг оти, отининг анжомлари, қурол-аслаҳаларини ҳам муносиб қилиб таъриф-тавсиф қилади (Фозил Йўлдошнинг бошқа достонларида ҳам бу усул бор). Мана Баҳромнинг оти: «...Сағрин **тошиб** ёли қулоғидан **ошиб**, учадиган **қушдай,** қулоқлари **қамишдай**, юлдузни кўзлаб, парвоз қилиб, оғзини очиб тезлаб, турибди. Шунда кўнглини **хушлаб**, отнинг жиловини **ушлаб**, баданларини қашлаб, ҳамма ерини супуриб **ташлаб**, эгарлай деб турган жойи...» (25-бет). Бунда биз Фозил шоирнинг аксарият асарларида учрайдиган:

Ушбу дамдан ўзга дамни дам деманг,
Мана йўлбарс дебон сира ғам еманг.
Бу Баҳромни йўлбарслардан кам деманг,
Душман бўлса кесиб бағрин тузлайман.
Аслим шерман ўзим йўлбарс излайман –

сингари ўзи ёган ажойиб байтларини ҳам, қаҳрамон ботирлигини бўрттириб кўрсатиш учун ишлатиладиган, қарама-қарши қўйиш, муболаға усулларини ҳам учратамиз.

Достон мана шу усул, шу оҳанг билан давом этади. Баҳром қирқ кун отдан тушмай, овқат емай (бошқа достонларда у ов қилиб, дам олиб, ётиб-туриб боради) девлар шаҳри Гулистонга етади. Бу ерда дам олиш учун қўнганида уни олдин канизлар меҳмон қилиб, кейин Сарвосо билан бирга йигитни огоҳлантирадилар, у парво қилмасдан ўтиради, девлар билан жанг эпизоди келганда, шуни айтиш керакки, бунда Шаммс ва бошқа биродарларини Баҳром жуда осонлик билан енгади, фақат Сайфур билан анча олишади (олдин қурол билан, кейин от устида беллашиб, кейин отдан тушиб беллашади – бу форсчада ҳам бор). Девларни қутқариш учун Сарвосо эмас, балки Сайфур йиғлаб, авф сўрайди, тавба қилади. Дев, парилар зиёфати ҳам бошқа достонларнинг акси ўлароқ қисқача айтиб ўтилган, бунинг ўрнига Ақрат дев билан олишиш воқеаси кенг тасвирланган (яна Баҳром полвонлигини кўрсатиш учун), шу каби наҳанг билан бўлган жанг ҳам батафсил баён этилади.

Баҳром Сайфурлар билан хайрлашаётганда уларнинг барчаси бирга боришни таклиф қиладилар, шунда у дейди: «Мен Баҳром, баҳодирлик номим бор. Бир ўзи юргани қўрқиб, бир талай чопарни ияртиб юрибди демасин халқ» (68-бет).

Шаҳзода Чин шаҳрига кема аҳли билан кириб, бирга саройга тушадилар. Кечаси у шаҳар айланади, Гуландом кўшкини излаб тополмайди. Қайтаётганида шаҳарга Беҳзод Булғорий лашкар тортиб келганини эшитади. Фозил Йўлдошнинг достонида Беҳзод олдин Фағфурга элчи юбориб, агар Гуландомни берса, уруш қилмасдан қайтиб кетишини, бермаса, шаҳарни яксон қилиб, қизни олишини айтади. Фағфур рад жавобини бериб, қўшин тузади. Бунда келтирилган бир қизиқ эпизод шуки, халқнинг урушлардан безорлиги, шоҳлар, маликалар

учун одамларнинг қирилиб кетиши халқнинг ўз тилидан келтирилади: «Ҳамманинг оғзида шу гап: мана бу ёв лашкар тортиб Гуландом учун келибди. Шоҳнинг сулув қизи халқнинг бошига етди. Ким ўлади, ким қолади. Бола-чақа изиллаб қандай иш бўлади деб гуруҳ-гуруҳ, тўп-тўп бўлиб юрибди» (85-бет).

Баҳром бу асарда номаълум шоир достонида бўлганидай, ўзи якка Беҳзодга қарши жангга кирмасдан (Шерафкан эпизоди Фозил Йўлдошда умуман йўқ), Собир Сайқалий ва форсча нусхадагидай кечаси жинлар лашкарини чақириб, қирғин уюштиради. Жинлар лашкарига Шаммос бош бўлиб келади.

«Баҳром ва Гуландом» сюжетининг асосий қисми бўлган қиз ва йигитнинг ўзаро хат олишув эпизоди Фозил Йўлдошда ўта қисқартирилиб берилган (илгариги достонларнинг акси ўлароқ). Бунда Баҳромнинг қасрни айланиб шеър айтиши, Гуландомнинг юз кўрсатишлари, Баҳромнинг туйнукдан боқиши, тупроққа ағанаб ғазал айтиши, ишқий шеърлар тўқиши каби воқеалар йўқ. Фақат «кушойиш» (пул йиғиш) маросими берилган. Давлат Баҳром узугини олиб боргач Гуландом уни кўриб эгасига ошиқ бўлади ва кўшк айвонига чиқиб халойиққа юз кўрсатади. Гуландом юзига парда тортгач, одамлар кетади. Лекин Баҳромнинг намадпўш бўлиб ётганини кўргач, бунга овқат олиб боринглар, кетсин, нечалар менинг куйимда ўлди, бу ҳам нобуд бўлмасин, дейди. Давлат дастурхон элтиб Баҳромни овқатлантиргач, маликанинг сўзини айтади. Баҳром мен овқат егани келганим йўқ, ошиқман, Гуландомни кўрмоқчиман, дейди:

Менинг мақсадларим бошқа,
Биз гаплашиб турсак кўшкка.
Хаста кўнглимни хушласам,
Олмаларидан ушласам.
Кўкрагидан жой олиб,
Олти ой туриб қишласам.

(90-бет).

Давлат бу гапларни Гуландомга етазгач, у «Қўлтиғингнинг тагига яралур бир дасти хас» (Собир Сайқалийда мавжуд ибора) деб, хат ёзади, унга Баҳром хат билан жавоб беради. Гуландомнинг хати битта насрий жумла, Баҳромники эса, номаълум шоир достонида учрайдиган қуйидаги мисралардан ташкил топган:

Ўлиб эдим тирилтирди,
Сенинг ширин сўзларинг.
Ақлимни олди кўзларинг,
Ишқингда мен ўлиб кетсам.
Кўма кетсин қизларинг.
Қўлтиғимнинг тагига қўб яратди.
Лўла болишдай тизларинг,
Ёғдайин эритти мени сўзларинг.
Ёзиб бердим, олиб борар қизларинг.

Гуландом хатни ўқиб, бошқалардан бу доно ким, булар ишқимда ўлиб кетар деб кулади. Сўнгра қисқача: «Орадан неча кун, неча ой ўтди. Баҳромни ишқ савдоси ҳоритди, қўшиқнинг остида тиклади ётди», деган ахборот берилгандан кейин баён Рум шаҳрида содир бўлаётган воқеаларга кўчади.

Насрий нусхада икки томондан 10 та, Собир Сайқалийда 11 та, 719-қўлёзмада 13 та нома келтирилган, кейинги икки достонда хат олишувдан кейин ошиқ-маъшуқлар учрашуви

ташкил этилиб, лапар, ғазалхонлик берилса, асарнинг ана шу ўринда шеърий тасвир кучайтирилиб, эпизоднинг эстетик таъсир қуввати оширилган бўлса, Фозил Йўлдош ўғли достонида хатлар иккитага келтирилиб, қолган воқеалар тасвири тушириб қолдирилган ва шу қисқарган эпизод ҳам насрий йўл билан баён қилинган холос. Шоир Баҳромнинг қаҳрамонликлари – олишув ва жангларни, ов воқеаларини кенг тарзда, шеърий мисраларни равон тизиб тасвирлайди, аммо ишқий муносабатларни кўрсатадиган эпизодлар, базм, тўй воқеаларини насрда қисқа баён этади. Кейинги воқеалар тасвири ҳам шу руҳда, Баҳром шахси билан боғлиқ: уни топиш, ҳаммомга элтиш, Навшод билан жанг (Навшод билан олдин Сайфур олишади, лекин кучи етмайди, шунда Баҳромнинг ўзи уни қиличи билан нимталайди, унинг лашкарини ҳам Баҳром билан Сайфурнинг ўзлари бартараф қиладилар), Румга қайтиш, совчилик воқеаси батафсилроқ баён этилган. Булғор лашкарининг бир қисми қирилиб, қолганлари таслим бўлиб, авф сўраганда Баҳром шундай дейди:

Булар ҳам юрган хизматкор,
Булар нега уруш излар.
Урушни излаган шоҳлар,
Буларнинг кетмоғи даркор.
Қон тўкиб юрмоқ не даркор. *(110-бет).*

Шундай қилиб, Фозил Йўлдош ўғли достонида асосий эътибор бош қаҳрамон – шаҳзода Баҳромнинг ботирлиги, қаҳрамонлиги, енгилмас полвонлигини тасвирлаб кўрсатишга қаратилган, ишқ-севги саргузаштлари тасвири иккинчи даражага туширилган. Бунинг учун шоир сюжетдаги Баҳром баҳодирлигини ифодаловчи воқеаларни кенгайтириб, батафсилроқ қилиб беришдан ташқари ўзидан ҳам айрим жойларга мувофиқ эпизодлар қўшиб баён этган (уч марта овга чиқиш, узоқ тоққа овга бориш, Беҳзоднинг элчилари ва ҳ.к.) Бу нарса Баҳром тимсолидаги романтикликни, афсонавийликни авж олдирган, уни Фирдавсий достонидаги Баҳром Гўр характерига ва бир даража Низомий асаридаги Баҳромга (Баҳром ёшлигининг тарбияси, кетма-кет овга чиқиши) ҳам яқинлаштирган. Асар бу ерда ишқий-саргузаштликдан хусусият касб этиш томон силжиган.

Демак, сюжет характерининг ўзгариши тимсоллар характерининг ўзгаришига олиб келган, асарнинг мазмунини бошқа йўлга солиб юборган. Фозил Йўлдош ўғли достонида ишқий муносабатларга оид эпизодлар қисқартирилгани учун Гуландом тимсоли индивидуал хусусиятлари билан рўёбга чиқмаган, унинг Баҳромни севиши, ошиқлиги асосланмай қолган. Баҳромни ҳам биз фидойи ошиқ сифатида эмас, балки енгилмас паҳлавон сифатида кўрамиз.

Гуландом унга шу сифатлари учун эрга чиққандай кўринади, яъни энг гўзал қизни энг зўр ва кучли йигит олиши лозим, деган ғоя илгари сурилган.

Достонда Фозил Йўлдош услубига хос муболағасозлик, жанглар тасвирини ваҳимали, жонли қилиб бериш, паҳлавон ҳаракати, юришларини турли вазнли шеърда мос оҳанг билан жонли қилиб баён этиш яққол сезилади. Масалан, Баҳромнинг Булғор лашкарларини қириши шундай тасвирланади.

Ботирлар майдонда тошиб,
Бу майдонда қиличлашиб,
Қўрқоқларнинг ақли шошиб,
Ота боладан адашиб,
Ҳар ким юрар ўз бошига,
Кирган бундай савашига,

Одамнинг кўзи қамашар,
Кесилган одам бошига.
От остида калла қолди,
Қирқ тиллали салла қолди.
Бир аросат уруш бўлди,
Икки лашкар аралашди. *(117-бет).*

Полвонларнинг олишувидан олдин шеър билан лоф уриб майдонга кириш ҳам олдин ўтган достонларимизда Фозил Йўлдошда бўлгандай кучли эмас. Фозил Йўлдош тили номаълум шоир достонининг тилига қараганда яна содда, яна халқонароқ. Унинг шеърлари ҳам қатъий вазн ва шаклга эга эмас. Фозил Йўлдош бир нутқда бир шеърий шаклдан фойдаланади, мисралар вазнининг ўзгариб ёки бузилиб кетиши ҳам эътибор бермайди, қофиялар ҳам тўлақонли эмас. Бироқ асарнинг насрий қисми оҳангдорликка, қофияга бой. Номаълум шоирнинг достонида ҳар бир нутқ ёки тасвир шеър билан белгиланганда муайян вазнга қатъий амал қилинган, равонлик ва қонунийлик сақланган, қофиялар ҳам тўлиқ, ҳатто шеърларнинг туроқлари ҳам тўлиқ тузилган. Аммо унда наср ички қофияли, ифодали эмас, қисқа-қисқа оддий баёний жумлалардан иборат.

Шундай қилиб, асарнинг тузилиши, композицияси, тили Фозил Йўлдош ижодида фольклорга яна яқинлашади, унинг мумтоз ёзма адабиёт билан алоқаси яна камаяди. Сюжет фольклордан ёзма адабиётга ўтиб, ишланиб, ундан яна фольклорга қайтган, бироқ энди у ўзгариб, анча бошқачароқ характерга эга бўлиб қайтган эди.

Фозил Йўлдош ўғлининг «Баҳром ва Гуландом» достони ўзининг халқчил ғоялари, мардлик, баҳодирликни куйлаши, кўтаринки қаҳрамонлик руҳи билан ўзбек халқ оғзаки ижодининг яхши намуналари қаторидан муносиб жой олади.

* * *

Шундай қилиб, биз «Баҳром ва Гуландом» номи билан ўзбек тилида яратилган тўртта асарни кўздан кечирдик. Булардан учтаси бетакрор достонлар бўлиб, биттаси форсчадан қилинган таржимадир.

Мавжуд материалларни ва улар тўғрисида айтилган фикрларни ўрганиб чиқиш жараёнида қуйидаги тўрт жиҳатга алоҳида этибор берилди;

1) сюжетнинг манбаи, келиб чиқиши ва унинг ўзбек адабиётида тарқалиши;

2) шу сюжетда яратилган достонларнинг ўзаро алоқаси, ўхшаш жиҳатлари ва фарқлари;

3) ҳар бир асарнинг ўзига хос хусусиятлари муаллиф услуби, маҳорати ва бошқаларга нисбатан чекинишлари ёки ривожлантириши;

4) достонларнинг ғоявий – эстетик йўналиши, ўз даври адабий ҳаётидаги аҳамияти, илгари сурган ғояси масалалари.

«Баҳром ва Гуландом» номи билан Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиётида неча асрлардан бери кезиб юрган сюжет асли форс-тожик адабиётида (фольклорида) пайдо бўлган ва кичкина саргузашт қисса сифатида оғиздан-оғизга кўчиб юрган. Ўзбек адабиётига бу сюжетни шоир Собир Сайқалий олиб кирган. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Сайқалий фақат шу сюжетнигина эмас, балки бошқа яна бир неча янги сюжетни ўзбек адабиётига олиб кирган ҳисобланади. Унинг «Ҳамроҳ ва Ҳурлиқо», «Иброҳим Адҳам», «Зайнул араб», «Аҳтамнома» номли достонлари ҳам ўзбек адабиётида унгача йўқ эди. Бу асарлар форс адабиётида насрий қиссалар шаклида мавжуд эди. Сайқалий бу насрий қиссаларни шундайгина оддий қиссалар каби ўзбек тилида тиклаган эмас, у буларнинг ҳар бирини алоҳида шеъ-

рий достон қилиб, ёзма адабиётнинг ажралмас қисми қилиб яратди, уларга янги халқчил ғояларни сингдирди, шеъриятнинг ҳаётбахш руҳи билан уларга янги ҳаёт бағишлади. Шоирнинг ўзига «Сайқалий» (безатувчи) деб тахаллус танлаши ҳам шу боисдан бўлса керак. Дарҳақиқат, у эски афсоналарга сайқал бериб, уларни бошқатдан ишлаб адабиётимизни бойитди, ривожлантирди.

Собир Сайқалий қиссага фақат шеърий шакл бериш билан чекланмай, балки унинг сюжетини ҳам оригинал жиҳатлар, эпизодлар қўшиб мавжуд эпизодларни кенгайтириб, воқеалар тасвирига ҳаққонийлик, аниқлик бағишлаб уларни ишонарли қилиб, тизимга, занжирий изчилликка (композицион бутунлик) солиб тасвирлайди. Шоир асосий эътиборини ишқ ва садоқатни, ошиқлик, тенглик асосига қурилган соф муҳаббатни тараннум этишга, ошиқ-маъшуқлар тимсолини тўлақонли қилиб ишлашга, асарни ишқий–роматик достонга айлантиришга қаратган ва унинг достони худди шу хусусиятлари билан халқ орасида кенг шуҳрат қозонган эди. Сюжетдаги қаҳрамонлик эпизодлари Сайқалийда ишқий муносабатлар лавҳасига нисбатан иккинчи даражага туширилган ва бош масала – муҳаббат, зўрлик ва полвонлик эвазига бериладиган мукофот эмас, у икки томоннинг бир-бирини кўриб, синаб, садоқат кўрсатиб кўнгил қўйиши орқали дунёга келади, паҳлавонлик, қаҳрамонлик уни безаши, унга хизмат қилиши, уни қўриқлаши лозим деган ғояга бўйсиндирилган. Сюжетга киритилган ўзгаришлар шу мақсадга хизмат қилган. Натижада шоир, бир томондан ўзининг ғоявий эстетик қарашларига мос достон ижод қилган бўлса, иккинчи томондан, фольклордаги сюжетни ривожлантиради, уни ёзма адабиёт талаблари асосида ишлаб чиқади, мукаммалик ва тугаллик бағишлайди.

Шоир Сайқалийнинг достони ўзидан кейин яратилган номаълум шоир (719-қўлёзма) ва Фозил Йўлдош ўғли (оз бўлса-да) асарига ижобий таъсир курсатади. Бу ворислик, анъанани ижодий давом эттириш яхши натижалар берган. Хусусан, муаллифи номаълум достон ўз сюжет йўналиши ва композицион қурилиши билан Сайқалий достонига яқин. Муаллиф Сайқалий анъанасини давом эттириб, унинг ижодий услубига амал қилиб иш тутган. Бироқ у Сайқалий ишлаган сюжетни фақат такрорлаб қолмаган, уни шу йўналишда яна ривожлантирган (номалар сонини кўпайтирган, қиз ва йигит муносабатларини янада деталлаштиришга ҳаракат қилган, севги саргузаштларини кенгайтириб, тўйдан кейинги муносабатлар тасвирини ҳам киритган, Баҳромни Беҳзод билан яккама-якка жанг қилдириб, асар кульминациясида воқеалар теранлигини кучайтирган – зиддиятларни бир нуқтага бирлаштирган). Бундан ташқари шоир, Сайқалийнинг шеърий бисотидан ҳам фойдаланади. Шунга қарамай у асар тили композицион тузилишини халқ ижоди томон буриб, унга фольклор тусини берган. Демак, гарчи сюжет Сайқалий услубида бўлиб, ёзма адабиёт сюжетлари характерига бир қадар муштарак бўлса ҳам (аммо уни мумтоз адабиёт талабларига бутунлай жавоб берадиган сюжет деб ҳисоблаш тўғри эмас. Сайқалий уни қайта ишлаб ёзма адабиётга олиб кирган, лекин у бир қанча жиҳатлари билан ўзининг фольклорга хос хусусиятларини сақлаган), аммо тасвир бадиий тил, интонация жиҳатидан халқ достонлари руҳидадир. Бу ерда номаълум шоир ўз услубини сақлаб қолган.

Фозил Йўлдош ижодида сюжетнинг ишқий-саргузашт тарзидан кўра қаҳрамонлик-саргузашт характери устунлик қилади. Баҳромнинг баҳодирлигига бағишланган эпизодлар кенгайтирилади, нома олишув воқеалари, учрашув лавҳалари олиб ташланади. Сюжет энди асл форсчадан ҳам, Сайқалийдан ҳам фарқ қила бошлайди. Бунда муҳаббат, баҳодирлик, қаҳрамонлик билан қўлга киради, деган ғоя илгари сурилади. Шундай қилиб, сюжет яна халқ оғзаки ижоди характерини (бу сафар соф ўзбек халқ оғзаки ижоди характерини)

олади, бироқ бунда у қайтиб аслига бормасдан, балки бошқа йўналишда кириб келади. Бу асарларнинг таҳлили бир сюжетнинг турли шоир ижодида турли хилда ишланиши, ривожлантирилиши, сюжетнинг ўзгариши асарлари мазмунини, ундаги ғоя тимсолларига, характерига сезиларли таъсир этишини, у ўз навбатида муаллифнинг дунёқарашини, ғоявий-эстетик қарашлари билан мустаҳкам боғлиқ эканлигини намойиш этади.

Чунончи, биз агар форсча нусхада оддийгина ишқий қиссани ўқиб, ундаги Баҳромнинг саргузаштлари билан танишсак, Сайқалийда сюжет катта ишқий достонга айлантирилганлигининг, янги ғоялар, фикрлар сингдирилганлигининг гувоҳи бўламиз. Шоир тимсолларини пухта ишлаб, ишқ-муҳаббат, севги-садоқат тўғрисидаги ўз ғояларини асарга сингдиради, Баҳром ва Гуландомдаги ҳаққоний хусусиятларни кучайтиради, улар орасидаги муносабатларга аниқлик киритади. Сайқалийда, шунингдек, Баҳромнинг отаси, унинг доно вазири Дастур, Фағфур тимсоллари ҳам чуқурроқ ишланган, янгича талқинга эга бўлган. Улар ижобий шахслар сифатида эзгу ишларини амалга оширадилар, адолатпарвар, халқпарвар, тинчликсевар кишилар бўлиб майдонга чиқадилар. Буларнинг ҳаммаси Сайқалийнинг жамият тўғрисидаги илғор фикрлари инъикосидир.

Сайқалийдан кейин номаълум шоир ўз яратган достонида ундан озиқланган бўлса-да, лекин асарни халқ оғзаки ижоди руҳига яқинлаштиради, ундаги романтик руҳни кучайтиради. Бунда биз энди XVIII аср талабидан келиб чиққан ғояларгина эмас, балки XIX аср кишиларини қизиқтирган ғояларни ҳам учратамиз. Бу Марказий Осиё шаҳарлари тасвирида, Баҳром ва Гуландом муносабатлари тасвирининг кенгайишида ўз аксини топган.

Фозил Йўлдош ўғли асаридаги қаҳрамонлик руҳини кучайтириб, халқнинг баҳодирлик, енгилмаслик ҳақидаги идеалларини, ҳалоллик, вафодорлик тўғрисидаги тушунчаларини сингдиради. Уларни бўрттириб тасвирлаб, сюжетни узил-кесил фольклорга олиб киради.

ХУЛОСА

Бош қаҳрамони Баҳром бўлган асарлар Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари, айниқса, форс, тожик, афғон, туркман, грузин, курд, ўзбек, озарбайжон халқлари орасида кенг тарқалиб келган. Бундай асарлар достон, қисса, афсона шаклида элдан-элга, оғиздан-оғизга кўчиб юрган. Бунинг натижасида сюжет ва у қамраб олган воқеалар, тимсоллар ҳам ҳар бир халқ фикрига, тушунчаларига қараб, ҳар бир давр талаби ва муайян даврда яшаган ижодкор истаклари асосида ўзгариб, мослашиб борган. Ҳар бир халқ бу достонларда ўз орзулари ифодасини, унинг қаҳрамонлари тимсолида ўзи тасаввуридаги кишиларнинг турмуш шароити яратган ғояларини кўрган. Баҳром номи билан боғлиқ сюжет асосида бутун Шарқ адабиётида яратилган асарларни батафсил ўрганиш, уларни қиёсий тадқиқ этиш махсус текширишни талаб қилади.

Ушбу рисолада ана шу сюжетда яратилган ўзбекча асарлар бир мунча кўздан кечирилди. Биз бу ерда асосий эътиборни муқаддимада таъкидлаганимиздек, Баҳром ҳақидаги асарлар сюжетининг такомили, унинг ҳар бир асардаги кўриниши, ўзгаришлари ва бунинг адабий асар характерларига таъсирини аниқлашга қаратдик. Бадиий асар шакл ва мазмун бирлигидан иборат яхлитликдир. Модомики, шоир бирор бир маълум сюжетни бир мунча ўзгартириб келтирар экан, демак у буни муайян ният билан, муайян ғояни, фикр-маънони ифодалаш мақсадида қилади. Буни аксинча қилиб айтиш ҳам мумкин. Ижодкор тайёр сюжет асосига янги мазмун киритиб, бирор бир янгилик, янги гап айтиш мақсади билан асар яратишга кириш жараёнида, ўз сюжети, бадиий воситалари, тасвир тарзи, композиция ва тимсоллари билан мавжуд асарлардан фарқ қилишини истайди. Бундай пайтда шоирнинг фақат дунёқараши, идеаллари, ғоясигина эмас, балки адабий тамойиллари, ижодий услуби ҳам яққол акс этади.

Гарчи сюжетнинг бутун Шарқ халқлари адабиётидаги кўринишларини қараб чиқиш мақсад қилиб олинган бўлса ҳам, бироқ тадқиқот мантиқига кўра, айниқса, «Сабъаи сайёр»нинг ўзига хос хусусиятларини тўлароқ очиш ниятида «Шоҳнома», «Ҳафт пайкар», «Ҳашт беҳишт» асарларида Баҳром Гўр сюжетининг ишланиши қиёсий аспектда назардан ўтказилди.

Кўриб ўтган асарларимиз турли даврларда дунёга келган. Уларнинг тарихий хронологияси минг йилдан ортиқ даврни ўз ичига олади. Ўзбек адабиётида эса у беш юз йилдан бери мавжуд (Навоий давридан бошлаб). Шунча давр мобайнида мазкур сюжетнинг давом этиб келиши бир жиҳатдан яшовчанлиги, халқчиллигини кўрсатса, иккинчи жиҳатдан унинг даврлар оша ўзгариб, ҳар бир замонга мослашиб борганлигини ҳам ифода этади. Чунки ҳар бир давр, ҳар бир адабий муҳит адабиётга ўз эҳтиёжлари нуқтаи назаридан талаб қўйган, ўз эстетик тамойилларини майдонга ташлаган. Бу ҳол ишимизда келтирилган далиллар таҳлилида ҳам кўзга ташланиб туради. Қиёсий таҳлил давомида қайд этилган фарқлар, ўзгаришларни биз бирор-бир шоирнинг нуқсони, камчилиги ёки бошқасига нисбатан устунлиги эмас, балки худди мана шу давр талаби нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳодиса сифатида баҳолашга интилдик. Чунончи, Фирдавсий «Шоҳнома»сида Баҳромнинг енгилмас ботир, тенгсиз мерган, шу билан бирга булҳавас ошиқ, қаҳр-ғазаби қаттиқ инсон сифатида тасвирланиши шоирнинг идеалларидан, «Шоҳнома»дан кутган мақсадидан, ундаги тимсоллар галереясининг умумий руҳидан келиб чиққанлиги аниқ. «Ҳафт пайкар»да қаҳрамонлик эпизодларини камайтириб, сарой фитналари, Баҳромнинг шоҳ сифатидаги фаолияти тасвирланганлиги, нуқсонлар танқид қилинганлиги XII асрда яшаган Низомийнинг жами-

ятга бўлган қарашлари, ғояларини акс эттиргани билан боғлиқдирки, унга алоҳида-алоҳида муносабат билдирилиб ўтилди. Ҳусрав Деҳлавий ва Навоий асарларидаги ўзгаришларга келганда ҳам шу фикрларни айтиш мумкин, бу сюжет шоирлар яшаган замон воқеалари, улуғ ижодкорларнинг ғоявий-эстетик қарашлари, мақсад-муддаоларини ифода этади. Улуғ Навоий эса, Баҳром Гўр сюжетининг бутун қурилишини ўзгартириб, уни мукаммал зиддиятли, мунтазамликка эга асарга айлантириб, тимсолларга янгича талқин бериб, уларда ўзининг илғор ижтимоий ғояларини акс эттириш билан чекланиб қолмасдан, шу билан бирга уни замонасига бевосита боғлайди, Ҳусайн Бойқарони Баҳром прототипига айлантиради, алоҳида боб киритиб шоҳнинг Баҳромга монанд эканлигини, унинг фожиасидан ўрнак олиш лозимлигини таъкидлайди. Бу билан Навоий фақат сюжетни ривожлантириб, унинг мукаммаллашувини охирги нуқтага кўтариш билан бирга асарнинг замонавийлиги, тарбиявий аҳамиятини ҳам юқори нуқтага кўтарган эди.

Сюжет такомили анъана ва новаторлик масалалари билан, анъана ва жавобия масалалари билан ҳам узвий алоқадордир. Фирдавсийдан Навоийгача, ундан кейин Ғарибий, Огаҳий ижодларида Баҳром Гўр сюжети ўзгаришлар, тўлдиришларни бошидан кечирар экан, биз буни батафсил назардан ўтказар эканмиз бир томондан ворисийлик, анъанага содиқлик (Баҳромнинг мерганлиги, ошиқ шоҳ сифатида кўриниши, гўзал канизакка муносабати, қасрлар қуриш, ҳикоя эшитишга рағбат, майпарастлик), иккинчи томондан шу меросни, анъанани қайта ишлаш, унинг ташқи, шаклий кўринишини сақлаган ҳолда мазмунига янги ғоялар фикрларни сингдириш, янги масалаларни кўтариб чиқиш ёки илгари айтилган гапларни янгича ҳал этиш, эпизодлар тасвир, тимсоллар характерига ўз услуби, тарзини киритиб юбориш ҳодисаларининг шоҳиди бўламиз. Буларнинг барчасига адабий ҳаракат тараққиётининг маҳсули, замон, даврлар талабининг тараққиёти тақозо этган ҳодиса сифатида қаралиши лозим.

* * *

Ўзбек адабиётида тарқалган Баҳром номи билан боғлиқ асарлар сюжетининг қиёсий таҳлилидан келиб чиққан мулоҳазаларни жамлаб, қуйидаги хулосаларни билдириш мумкин:

1. Бош қаҳрамони Баҳром бўлган асарлар ўзбек мумтоз адабиётида, ўзбек фольклорида бир неча кўриниш, вариантларда мавжуд, уларнинг умумий сюжетининг келиб чиқиши, характери ва мазмунига қараб иккига бўлиш тўғри бўлади:

а) Баҳром Гўр воқеаларини ўз ичига оладиган сюжет;

б) “Баҳром ва Гуландом” номи билан тарқалган сюжет. Бу икки сюжет, бош қисмидаги айрим жиҳатларнинг мувофиқлигини ҳисобга олмаганда, бир-биридан жиддий фарқланувчи сюжетлардир. Баҳром Гўр сюжети бир томондан, тарихий шахс – сосонийлар сулоласининг вакили Варахран. У ҳаёт билан боғланган воқеаларни ўз ичига олса, иккинчи томондан, Эрон ва Кавказ халқлари мифологиясини ўзида акс эттирган, Фирдавсий томонидан ёзма адабиётга киритилган ва асрлар давомида мазмунан ўзгариб, “Хамса”чилик анъаналари асосида кўпгина шоирлар томонидан қаламга олинган. Бу сюжет, Шарқ мумтоз адабиётининг кезиб юрувчи фабулаларидан бирига айланиб, форс-тожик, ўзбек ва бошқа тилларда кўпгина қимматбаҳо достонларнинг яратилишига асос бўлди, ёзма адабиёт сюжети сифатида, унинг талаблари, қоидаларига мослаштирилди ва шу аснода шуҳрат топди. “Баҳром ва Гуландом” халқ оғзаки ижодида пайдо бўлиб, кўпдан-кўп қаҳрамонлик қиссалари, достонлари қаторида оғиздан-оғизга кўчиб юрган, унинг дастлабки намуналари форс-тожик

тилида яратилиб, соф ва наср–назм шаклига эга бўлган. Ўзбек адабиётига эса у Собир Сайқалий томонидан жорий этилган. Истеъдодли шоир насрий қиссага қайтадан ҳаёт бағишлаб, уни етук шеърий достонга айлантиради, сюжетни мукаммаллаштиради, уни ёзма адабиётга яқинлаштиради. Ундан кейин яна бир неча шоирлар бу сюжетда асар яратганлар ва ўз лаёқатлари доирасида янгича асарлар ижод қилганлар. Баҳром номи билан юритилувчи мазкур сюжетнинг бу икки йўналиши фақат келиб чиқиши билангина эмас (ваҳоланки, ишда қайд қилганимиздек, "Баҳром ва Гуландом" сюжетининг пайдо бўлишига Баҳром Гўр сюжетида яратилган асарларнинг талқинлари таъсир этган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас, чунки воқеаларнинг дастлабки баёни, биринчи эпизодлар бир-бирига бир қадар монанд), балки воқеаларнинг мазмуни ғоя, тимсолларнинг талқини қўйилган масалаларнинг характери билан ҳам ажралиб туради.

Баҳром Гўр сюжетида яратилган асарларнинг барчасида бош қаҳрамон тахт учун курашиб, уни қўлга киритган, етти иқлим ҳукмрони, айтгани-айтган, дегани-деган, инжиқ, ғазабкор, май ва овга ўч подшодир. Барча воқеалар ана шу шахс характерини кўрсатишга хизмат қилади. Бу достонларда Баҳром саройидаги воқеалар, унинг аъёнлари фаолияти, Баҳромнинг истакларини бажаришга хизмат қилувчи кишилар асосий қаҳрамонлар ҳисобланади. Бу сюжетда қалам тебратган шоирларнинг бир қисми ундаги қаҳрамонлик ва баҳодирликни мақтаб, маишатпарастлиги ва ғазабкорлигини кечириб юборган бўлсалар, бир қисми ундаги ошиқлик, адолатпарварликни тараннум этиб, салбий хусусиятларни қоралаганлар. Барча шоирларда бир масала бош мавзу бўлиб келтирилган: бу адолатпарварлик ва давлатни бошқара олиш, ошиқлик ва шоҳлик масаласидир. Бироқ бу масалалар ҳар бир ижодкорда турлича талқинга эга бўлган.

"Баҳром ва Гуландом"да бош қаҳрамон шижоатли, доно ва эзгу ниятларга бой шахс, ёрига содиқ, чин маънодаги ошиқдир. Бу ерда асосий масала ишқ ва вафо масаласи ҳисобланади. Баҳромнинг қаҳрамонликлари ҳам шунга буйсундирилган. "Баҳром ва Гуландом"даги воқеалар ўз характери билан халқ эртаклари, достонларидаги қаҳрамонларнинг севган ёрига эришиш йўлида бошидан ўтган саргузаштларига жуда мос келади.

Иккала сюжетдаги фарқлар уларда яратилган асарларнинг хилма-хиллигини таъминлаган.

2. Баҳром Гўр сюжети тадрижий такомили ва асар композицияси масаласи "Шоҳнома"дан "Сабъаи сайёр"га қадар бир қанча ўзгаришларни ўз бошидан кечиради, ўзгаришлар унинг турли томонлари, ҳар хил жиҳатларини қамраб олган, аммо булар орасидан икки асосий жиҳатни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. Биринчи жиҳат – Баҳром билан канизак ҳикоясининг ўсиб ривожланиб асосий сюжетга айланиш жараёни бўлса, иккинчи жиҳат – Баҳром билан боғлиқ бошқа ҳикоятлар, воқеалар тасвиридаги тадрижий такомил, уларнинг канизак ҳикоясига муносабати ва ўзгариб бориши масаласидир. Биринчи жиҳатдан шундай хулоса чиқадики, Баҳром билан канизак ҳикояси "Шоҳнома"да Баҳром билан ўтказган кўпдан-кўп оддий воқеалар қатори баён қилиб ўтилган. Шоир уни бош қаҳрамон характерининг бир томони – унинг шафқатсизлигини, раҳмсизлигини кўрсатиш учун мисол тариқасида келтириб ўтган. Ҳикоянинг қаҳрамони бўлган канизак тақдири Фирдавсийни қизиқтирмайди. "Ҳафт пайкар" муаллифи бу ҳикояни анча кенгайтириб, қизиқарли сюжетлардан бирига айлантиради, канизак (Фитна) тимсолини кенг ишлаб, уни ҳунарманд, уддабурон аёл сифатида кўрсатади. Бироқ ҳали бу ҳикоя Низомийда бош фабула даражасига кўтарилмаган. Низомий уни Баҳром бошидан ўтказган саргузаштларнинг бири сифатида келтиради ва бу билан "Шоҳнома" анъанасига содиқ қолади. Лекин фарқ шуки, Низомий

ҳикояни кенгайтириб, яхлит сюжетга айлантириб келтиргандан кейин, бир томондан Баҳромнинг ғазаби тезлиги, шафқатсизлигини кўрсатиш билан бирга, унинг ошиқлиги, севгини қадрлашини ҳам ифодаламоқчи бўлади, иккинчи томондан, қизнинг характерини яратиб, ундаги вафодорликни тасвирлайди. Шундай қилиб, Низомий гарчи канизак ҳикояси асарининг тугал ҳикоялари қаторига кўтарилган бўлса-да, бироқ асосий сюжет чизиғи Баҳром саргузаштлари бўлиб қолаверган.

Амир Хусрав Деҳлавий Низомийга қараганда анча илгари кетади. У Баҳром қаҳрамонликлари билан боғлиқ ҳикояларнинг бир қанчасини қисқартиради, канизак ҳикоясини яна равожлантиради. У канизакнинг ўтмиши тасвирини бериб, уни янгича талқин билан бойитади. Аммо барибир бу ҳикоя Хусравда ҳам асосий сюжет даражасига кўтарилмаган. Негаки ҳиндостонлик шоир ҳикояни янада кенгайтирган, янги тимсоллар, эпизодлар киритган бўлса ҳам, уни қолипловчи, асарнинг бошқа ҳикояларини ўз ичига олувчи ҳикоя даражасига кўтармасдан, балки қолган етти ҳикоя қаторига қўйган. Натижада асар саккиз ҳикоянинг йиғиндисига айланиб қолган. Асарнинг номи “Ҳашт беҳишт” (“Саккиз жаннат”) ҳам шундан келиб чиқади.

Канизак ва Баҳром ҳикояси ана шундай асардан-асарга кўчиб, ўзгариб (ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан), ўзининг тараққиёти, такмилининг юқори нуқтасини Навоий ижодида топди. “Сабъаи сайёр”да Баҳром билан канизак ҳикояси нафақат кенгайтирилиб, янгидан ишланиб қолмасдан, шу билан бирга достоннинг қолипловчи асосий сюжетига айлантирилган. Баҳром билан боғлиқ қолган воқеалар, жумладан, ички олти ҳикоят ҳам шу сюжет ичига олинди. Бундан ташқари, Навоий канизак ҳикоясининг охирини еттинчи ҳикоя сифатида келтириб, уни бу жиҳатдан ҳам бошқа воқеалар билан боғлаган. Сюжетнинг бундай тузилиши достонга композицион яхлитлик, бутунлик бахш этиб, Низомий ва айниқса, Хусравдаги тарқоқликка барҳам берди, сюжет яхлитлиги асар воқеаларининг ягона зиддият атрофига тўпланишига, тимсоллар ҳаракатининг фаоллашишига, достоннинг қизиқарли бўлишига олиб келди. Натижада бадиий адабиётга қаҳрамонлик саргузаштлари сифатида кириб келган Баҳром Гўр сюжети Навоий ижодига келиб инсоний муҳаббат ва олижаноб ғояларни таранnум этувчи бадиий асарга айланди.

Энди Баҳром саргузаштлари билан боғлиқ бошқа ҳикоятлар масаласига келганда шуни айтиш керакки, бу ҳикоя аввало миқдор жиҳатидан ўзгариб борган. Низомий Фирдавсийдан фақат Баҳромнинг тахтга чиқишига қадар бўлган ҳикояларни сақлаб, бошқаларини ташлаб, улар ўрнига ўзи еттита янги ҳикоялар киритади. Унинг ҳикоялари ишқий – афсонавий характерга эга. Хусрав эса Низомий ва Фирдавсийдан етиб келган ҳикояларни ҳам қолдириб кетади. У “Ҳафт пайкар”даги етти ҳикоя ўрнига ўзи янги мазмундаги етти ҳикояни келтиради.

Алишер Навоий ҳам Хусравга эргашиб Баҳромнинг ёшлиги билан боғлиқ воқеалар тасвиридан воз кечади. Лекин ўзининг тамоман янги мазмунга эга олтита ҳикоясини бош ҳикоя қилиб келтирган Дилором ҳикоясига моҳирона улайди. Буни у фақат шаклий, композицион жиҳатдангина эмас, балки мазмун ва йўналиш нуқтаи назаридан ҳам амалга оширган. Шундай қилиб, Фирдавсийдан Навоийга қадар Баҳромнинг қаҳрамонлиги, баҳодирлиги, мерганлиги ҳақида ҳикоя қилувчи эпизодлардан фақат кийикни отиб тушовлаш эпизоди сақланади холос. Барча достонларда сақланиб келган эпизодлардан яна бири қаср қуриш эпизодидир. Бу эпизод ҳам шоирларнинг ғоя ва мақсадларига қараб, ҳар бир асарда турлича изоҳланган.

Низомий киритган Баҳромнинг ғорга кириб йўқолиш эпизоди ҳам Навоийда ягона талқинга эга бўлиб, асосий сюжетга зич боғланган. Сюжетнинг бундай тараққиёти бош қаҳрамон Баҳром тимсолини тубдан ўзгаришига олиб келган: у Фирдавсийда чексиз қувватга эга, шафқатсиз, маишатпараст, аммо адолатли подшо, Низомийда маишатпарастлик оқибатида подшоликни унутиб, халқ ва давлатни хавф остида қолдирган, кейин тушуниб, адолат ўрнатган киши бўлса, Навоийда ишқ ва шоҳликни бирлаштиролмай қийноқда қолган, охир салбий хислатлари таъсири билан аркони давлати билан фожеали ҳалок бўлган ҳукмдордир. Мазкур асарларда фақат Баҳром эмас, бошқа тимсоллар ҳам ўзгариб, янги мазмун касб этиб борган, шоирлар янги-янги тимсоллар қўшиб, янги ғояларни илгари сурганлар. Шундай қилиб, Баҳром Гўр сюжети ўз тараққиётининг юқори чўққисини “Сабъаи сайёр”да топган. Навоий уни мукаммал шаклга келтирган. Навоийдан кейинги ўзбекча асарларда эса сюжет деярли ўзгармади. Навоий анъанаси сақланди.

3. Собир Сайқалий ўзбек адабиётига олиб кирган “Баҳром ва Гуландом” сюжети бирмунча бошқача характердаги тараққиётга эга. Агар Сайқалий уни фольклордан ёзма адабиётга яқинлаштириб, эпизодларга аниқлик, тасвирга ҳаққонийлик бахш этган, воқеалар ривожини мантиқий, воситали қилиб тузган бўлса, номаълум шоир ҳам Сайқалий йўлидан бориб, асарнинг ишқ-муҳаббат воқеаларига бағишланган эпизодларини янада кенгайтирган, мактублар сонини кўпайтириб, Баҳром билан Гуландом учрашувлари тасвирини кучайтирган, Фозил Йўлдош ўғли эса бу тавсифларни ўта даражада камайтириб, Баҳромнинг қаҳрамонлик, мерганлик каби хусусиятларини бўрттириб тасвирлаш мақсадида, ана шунга мос воқеалар қўшиб, сюжетни ўзгартирган. Оқибатда Собир Сайқалий ва номаълум шоир асарлари ишқий – романтик достонлар бўлса, Фозил шоирники қаҳрамонлик достони бўлиб чиққан.

Бу қиссанинг Сидқий Хондайлиқий томонидан қилинган таржимаси ҳам ўзбек китобхонларига манзур бўлган асарлардан ҳисобланади, Таржимон қиссани содда тил билан аниқ ўзбекчалаштириб, сюжет қурилишига дахл қилмаган.

4. “Баҳром Гўр” ва “Баҳром ва Гуландом” сюжетлари тадрижий тараққиёти ўзбек адабиёти тарихидаги муҳим ҳодисаларни ўзида акс эттиради. Бу орқали биз адабий алоқалар тарихини, анъана ва новаторлик масалаларини, достончилигимиз тараққиётининг масалаларини даврдан даврга ўтган сари адабий–эстетик талабнинг ўзгариб туришини мушоҳада қилишимиз мумкин. Аммо бу масалалар келгусида қилинадиган алоҳида ишлар сирасига киради. Ҳозир шуни қайд қиламизки, биз кўриб ўтган сюжет асосида яратилган достонларнинг ҳар бири адабиётимиз тарихида муҳим мавқеъга, аҳамиятга эгадир, уларнинг ҳар бири ўз даври адабий ҳаётини ривожлантиришга, китобхонларнинг завқини, эстетик эҳтиёжини қондиришга хизмат қилиб келди. Бу асарларнинг аксарияти ноёб ижод маҳсуллари бўлиб (таржималар ва насрий вариантдан ташқари), уларда даврнинг талаби, шоирнинг ғояси, услуби ўз аксини топган. Бу асарлар адабий меросимизнинг улкан бир қисми, адабиётимиз тараққиётини кўрсатувчи ажойиб далилдир.

* * *

Маълумки, Алишер Навоий асарларини халқ орасига ёйиш, унинг илғор, тараққийпарвар ғояларини тарғиб этиш мустақиллигимиз шарофати туфайли юксак поғонага кўтарилди. Унинг шеърлари, достонлари кўплаб нусхада қайта-қайта нашр эттирилди, қўпгина халқлар тилларига таржима қилинди. Шу билан бирга Навоийнинг ўлмас асарларини

саҳналаштириш, бу асар асосида замонавий спектакллар яратиш иши ҳам республикамизда кенг йўлга қўйилди.

Шубҳасиз, Алишер Навоийнинг илғор анъаналарига, ғояларига ворислик ва уларни ижодий давом эттириш бугунги ўзбек адабий жараёнида ҳам акс этаверади.

Биз сўз юритган “Баҳром Гўр” сюжети ўзбек адабиёти тарихида Алишер Навоий ижодида ўзининг бадиий такомилига етказилган. Кейинги даврларда эса у ёки бу қаламкаш мазкур сюжет қурилиши, характерлар яратилиши ёки қаҳрамонлар психологияси тасвири каби маҳорат масалаларига ўз хоҳишларича шахсий нуқтаи назарлари асосида ёндашганлар ва мақсадга эришганлар. Қолаверса, бу сюжет асосида яратилган туркум асарлар жаҳон маданияти ганжинасидан халқимизнинг бебаҳо ҳиссаси сифатида муносиб ўрин олди. Ўзбек мумтоз адабиёти қудратининг тарихий-тадрижий намойиши сифатида эътироф топди.

УЧИНЧИ ҚИСМ. ҲАЙРАТ УЧҚУНЛАРИ

Ҳамдлардаги ҳикматлар[378]

Гар Навоий йиғласа ишқинг мажозийдур дема,
Ким, назар пок айлагач, айни ҳақиқатдур мажоз.

Ҳозирги айёмларда она юртимиз Ўзбекистон ва ундан хорижда бўлган айрим жойларда таваллудининг 570 йиллик маъракалари ўтказилаётган Низомиддин Амир Алишер Навоийнинг илм-фан ва маданият тарихи осмонида қуёшдек нур таратиб туриши тасодифий ҳодиса бўлмай, балки у ўзининг қонуний асосларига эгадир. Алишер Навоий Шарқда, хусусан Хуросон ва Мовароуннаҳрда уйғониш маърифий жараёнининг ғоятда буюк ютуқларини қўлга киритиб, камол топган бир даврда Шарқда илм-фаннинг, бадиий тафаккур ва ҳунарнинг қарийб барча соҳалари тараққий этиб фалсафа ва илоҳиёт, ҳадисшунослик ва луғатшунослик, мусиқа, қонуншунослик ва ҳуқуқ илми, илми аруз каби кўплаб тармоқлари бўйича кўплаб кашфиётлар юзага келтирилган эди. Бадиий ижод соҳасида эса жаҳон адабиётининг шарқлик буюк намояндалари бирин-кетин қад ростлаб, кўзга улуғворлик билан ташланиб турар эдилар.

Тарих, ҳарбий илм, жуғрофия соҳаларида ҳам мислсиз илмий тадқиқотлар юзага келтирилган эди. Алишер Навоий ҳукмдор саройига яқин бўлган маърифатли оилада туғилганлиги туфайли ёшликдан яхши илм олиш имкониятига эга бўлди. Унинг отаси, тоғалари замонасининг энг илғор маърифатли кишилари эдилар. Бу ҳол эса унга ўз замонасининг илғор фикрлари билан жуда ёшликдан танишишга имкон беради.

Алишер Навоий шаҳзода Ҳусайн Бойқаро билан бир мактабда, бир муаллимнинг қўлида тарбия олади. Сарой муҳити билан яхши танишади. Кейинчалик у Мавлоно Лутфий, Абдураҳмон Жомий, Сайид Ҳасан Ардашер, Камол Турбатий, Шарофиддин Али Яздий, Фазлуллоҳ Абулайсий, Носириддин Убайдуллоҳ – Хожа Аҳрори Валий ва бошқалар каби ўз даврининг ғоятда етук кишилари билан мулоқотда бўлди, уларнинг кўпларидан бевосита таълим олди. Шу тариқа у Шарқ уйғониш даври жараёнида етишиб чиққан ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Фирдавсий, Низомий, Хусрав Деҳлавий, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Мавлоно Лутфий, Улуғбек кабилар қаторидан фахрли ўрин эгаллашга муваффақ бўлди.

Навоий фақат шоир ва олим сифатида эмас, балки илм-фан, адабиёт ва санъат аҳлларининг пушт-паноҳи, уларнинг ҳомийси сифатида ҳам донг таратди.

Алишер Навоий XV аср шароитида талабаларга ва мударрисларга ойлик нафақа жорий қилиб, таълим-тарбия соҳасидаги юмушларни тартибга солиши; шифохона ва қорилар уйини ташкил этиши ва бошқа хайрли ишларга қўл уриши кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳодисалар эди. Агар Навоий амалга оширган бу каби ишларга ўхшаш нарсаларни ундан икки юз йиллар кейин яшаган Оврупа файласуфлари Сен-Симон, Шарл Фурье, Оуэн кабилар ҳам такрорлаганликларини ҳисобга олсак, буюк Алишернинг ўз даврига нисбатан қанчалик илгарилаб кетганини қиёс қилса бўлади.

Алишер Навоий етук жамиятшунос олим ва тадбирли давлат арбоби бўлибгина қолмай, у Хожа Аҳрор Вали, Абдураҳмон Жомий каби йирик мутасаввуфлар назарига тушган ва

[378] А. Асроров. билан ҳаммуаллифликда ёзилган.

уларнинг эътиборларини қозона олган файласуф ижодкор ҳам эди. У сўфийлик тариқатининг назарий асоси бўлган вужудуюн фалсафасини чуқур ўзлаштиргач, уни ўз салафларига нисбатан ҳаётий эҳтиёжларга янада яқинлаштирди, қўшимча талқинлар билан бойитди. Лекин Шарқ вужудиюн фалсафий таълимотини, Шарқ уйғониш жараёни ва унинг тарихини, жумладан, Алишер Навоий ижодиётининг ана шу томонларини ўрганишда Оврупа ренессанси ва пантеизм қолипларини айнан қўллаш илмий усулдан узоқ бўлган уринишдир. Чунки, Оврупо ренессанси унинг ўзига хос эҳтиёжлари туфайли келиб чиқди, тараққий этди. Унинг оқибати ҳам феодализм ижтимоий-иқтисодий тузуми ўрнига капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг жорий этилиши билан якунланди.

Шарқда эса, ижтимоий-иқтисодий тузумни янгилаш учун эҳтиёж йўқ эди. Жуғрофий ва табиий шароит ернинг етарли эканлиги, табиий бойликларнинг ўта фаровонлиги бу нарсага имкон берар эди. Демак, колониялар қидириш, кемасозлик, қурол яроғнинг яхши намуналарини яратишга уриниш Хуросон ва Мовароуннаҳр уйғониш даври учун унчалик хос нарсалар эмас эди. Шунинг учун ҳам Шарқ вужудуюн фалсафасида жамиятни яхшилаш учун унинг аъзоларини ахлоқий поклаш, дарвешваш феълли ҳукмдорни ташвиқ ва тарғиб этиш бош масала этиб қўйилади. Алишер Навоий ижодида эса ана шу масалаларга доир ибратли далиллар мавжуддир.

Ўрни келганда яна шу мулоҳазани ҳам айтиш лозимки, Алишер Навоий бир томондан Шарқ уйғониш жараёнининг жуда бой меросидан баҳраманд бўлиб камол топган бўлса, иккинчи томондан, унинг аччиқ таназзул азобларини бошидан кечира бошлашнинг ҳам шоҳиди бўлди. Бу ҳодиса ҳам унинг ижоди ва фаолиятига таъсир кўрсатмай қолмади. Буни Навоий ижодининг уммондек кенг кўзгусида жуда аён кўрса бўлади.

Ривоят қилинишича, баҳру уммонларда тўфон кўтарилиб, дунёни сув босган экан. Шунда ҳазрати Нуҳ пайғамбар ҳайвонот ва наботот намуналаридан бир жуфт-бир жуфт олиб кемага солиб, уларни келажак учун тўфондан асраб қолган экан. Алишер Навоийнинг ижодий ва ижтимоий фаолияти Нуҳ пайғамбарни хотирга солади. Фарқ шундаки, Алишер Навоий Шарқ уйғониш жараёнида юзага келган энг илғор ижтимоий-фалсафий ҳамда бадиий тафаккур ютуқларини ўз асарларидан кема ясаб, уларга жойлаштириб, асрларнинг даҳшатли пўртаналаридан омон сақлаб, бизнинг давримизга эсон-омон етказиб берди. Шукрлар бўлсинки, муборак истиқлолимиз Алишер Навоий ижодини том маънода холис илмий талқин этиш имконини берди.

«Шарқ юлдузи» ойномасида босилган таниқли адабиётшунос Султонмурод Олимнинг мақоласида қуйидагича мулоҳаза кўзга ташланади: «Ўзбек навоийшунослиги «Лисон ут-тайр»ни асл матни – байти, мисраси, ўзидан, уларнинг туб-тубига яширинган маънолардан келиб чиқиб талқин этиш йўлидан юрмади, ҳисоб. Аксарият воқеалар кетидан қувилди, достон тасаввуф адабиётига мос бўлмаган қолипларга солинди, унга баъзан бўй-бастига мослаб бичилмаган тўнлар кийдирилди. Ҳолбуки, ҳар қандай асар матн имкон берган талқиннигина кўтаради[379].

Биз мақола муаллифининг фикрига қўшилган ҳолда бундай азобга Алишер Навоийнинг «Хамса»сининг ҳам дучор бўлганлигини айтишни истар эдик. Маълумки, Навоий лирик ва эпик адабий меросининг назарий заминида тасаввуф назарияси ётади. Биз ана шуларни ҳисобга олиб, мазкур тадқиқотимизда «Хамса» таркибидаги ҳамдларда Навоий дарж этган

[379] Султонмурод Олим. «Мунда фоний бўлмас, иш ўлмас тамом». «Шарқ юлдузи» ойномаси, №2/1991. – 164 б.

фалсафий мушоҳадаларни, ҳикматларни баҳоли қудрат шарҳлашга ҳаракат қилдик. Шояд, ушбу тавсиянома ҳазрати Навоий ижоди билан қизиқадиган тадқиқотчилар ва энг муҳими талабаларимизга бирор фойда етказар.

«Ҳайрат ул-аброр» достонидаги ҳамд ва наътлар талқини

Алишер Навоий адабиётнинг башарият ҳаётида тутган ўрнини тўғри ва чуқур тушунган. Жумладан, у ўзининг муқобилсиз «Хамса»сида шахснинг комил инсон бўлиб етишиши учун нималардан ўзини тийиши, ҳазар қилиши, аксинча, қандай хулқ-атворга, хислат ва фазилатларга рағбат кўрсатиши лозимлигини юксак маҳорат билан тасвирлаб беради. Шоирнинг инсон ҳақидаги фикрлари «Хамса»нинг «бисмиллоҳ»идан бошланади, яъни унингча, «бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм» шундайин бир бебаҳо маржондир-ки:

Ҳар дур анга жавҳари жондин фузун,
Қиймат аро икки жаҳондин фузун[380].

Ана шундай дурлар тизилган маржоннинг ипи эса «жаҳону жон» риштасидур. Агар буларни биз маржоннинг хусусияти деб қабул қилсак, унинг фазилати бошқа ҳолатда намоён бўлади. Кимки, шу маржонни тасбиҳ этиб, кўнгил билан Ҳақ йўлига иштиғол (ҳаракат) қилса, ганжи бақони (абадийлик хазинасини) қўлга киритади. Бунинг учун эса, у «махзани ваҳдатга (худонинг танҳолиги сири томон) йўл» ҳам олиши мумкин. Бу йўл жуда оғир ва хавфлидир. Алишер Навоийнинг нуқтаи назарида кишилар худди ана шу ерда иккига ажраладилар:

Қилғучи бу бодия (чўл) қатъиға майл,
Аҳли қабулу рад эрур икки хайл. (15-б.)

Аҳли рад – мададкордан мадад олмай йўлга тушувчидир. Улар ганжи илоҳийга ета олмайдилар. Юқорида айтганимиз тасбиҳ аждаҳо бўлиб уларнинг йўлини тўсади. Аҳли қабул учун эса йўл очади. Шундан сўнг шоир махлуқотни яратган Холиқ ҳамдига қалам тебратади. Чунки, Холиқ ўз қалами билан махлуқот (бу ўринда инсон) тасвирига чеҳра кушолик қилган, унинг кўнглига ишқ ўтини солган.

Аввалги (биринчи) муножотда тасаввуф нуқтаи назаридан Тангри тавсифи берилади: Яъни:

Не бўлуб аввалда бидоят санга,
Не келиб охирда ниҳоят санга.
Аввал Ўзунг, охиру мобайн ўзунг,
Барчаға холиқ, бориға айн ўзунг. (18-б)

У пайтда борлиқда Оллоҳдан бошқа зот йўқ эди. Унинг тенгсиз жамоли фақат Унгагина жилваланар эди:

Сен эдингу бас яна мавжуд йўқ,
Жилва қилиб ўзунгга ўз ҳуснунг ўқ. (18-б.)

Бу гўёки ғойибни кўрадиган кўзгуга кўрингандек бир гап қабилида эди:

Мазҳар ўлуб ҳуснунгга миръоти ғайб,
Жилва қилиб анда хаёлоти ғайб. (18-б.)

---

[380] Алишер Навоий. Хамса. Танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. Т: «Фан», 1960й. – 15б. Бундан кейинги саҳифаларда ҳам шу манбадан фойдаланилгани сабаб саҳифа рақами иқтибоснинг ўзида қўйилади.

Холиқнинг жамоли ҳадсиз бўлганлиги туфайли у ўзига беадад кўзгуни ҳам тақозо этар эди. Ана шу мақсадда Оллоҳ оламни яратадики, унинг ҳар бир унсурида яратувчининг жамоли зуҳур этиб туради:

Жилваи ҳуснунгға чу йўқ эрди ҳад,
Кўзгу керак бўлди анга беадад.
Очти бу гулшанники рангин эрур,
Ҳар гул анга ойинайи Чин эрур.
Жилваи ҳусн ўлғали зоҳир анга,
Бўлди бу миръот мазоҳир анга. (19-б.)

Беқиёс қудратга эга бўлган холиқ барча оламларни яратар экан, унинг мақсади борлиқни ташкил этган барча нарсалардан аълороқ ва шарафлироқ бўлган махлуққа ўз жамолини жилвалантириш эди. Бу махлуқ эса инсон номи билан аталган бир мавжудотдир:

Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек боридин ғараз инсон эди. (19-б.)

Нега инсон бунчалик шарафга лойиқ ва эъзозли? Чунки, у ўзга махлуқотлардан фарқ қилиб, Оллоҳнинг камолига комил: бундан ташқари, у яратганнинг яширин (ҳали ошкор этилмаган) сирларини ўзида ташувчи, гўё Оллоҳ ҳикматлар хазинасининг бир бўлаги бўлган махлуқдир:

Турфа камолингға доғи комил ул,
Сирри ниҳонингға доғи ҳомил ул.
Кўнглига қилдинг чу яқин ганжи қисм,
Жисмини ул ганжга қилдинг тилсим. (19-б.)

Шунинг учун ҳам инсон шаънига: «Каррамно – бошқа махлуқлардан мукаррам қилдик». «Аҳсани тақвим – энг чиройли яратилган», деган мақтовлар ёзилган. Бунинг устига инсон худонинг маърифатини (Яъни унинг таниш илмини) билишга қодир доно махлуқдир:

Маърифатинг ким қила олмай сифат,
Қилдинг ани орифи ул маърифат. (19-б.)

Демак инсон, Алишер Навоий талқинига кўра, Тангри таоло томонидан ожиз, ҳикмат ва фазилатлардан холи сифатида яратилмаган. У – Оллоҳнинг мўъжизалари хазинаси. Шу билан бирга инсон комил ақл ва фаҳмга эга бўлган ориф махлуқдир. Бу ҳолат инсонни ўта ожиз, деб хурофий талқин этишдан фарқ қилади.

Учинчи муножотда мутафаккир Алишер Навоий яна бир муҳим масалани олға суради: аввало унингча, инсон махлуқотлар орасида энг шарафлиси бўлгани билан бошқа яратилган нарсалар ҳам беқадр эмас, балки саминқадр (қимматбаҳо) жавоҳирлардир:

Конию ҳайвони, агар худ набот,
Ҳар бири бир гавҳари олий сифат. (21-б)

Бу масаланинг бир томони. Унинг иккинчи томони шундаки, борлиқни ташкил этувчи нарсалар (жумладан, инсон ҳам) бир-бирига боғлиқ, бир-бирига дахлдордир. Демак, инсон алоҳида, табиатдан, умуман борлиқдан узилган бир мавжудот бўлмасдан, балки у табиатнинг бир ҳалқаси, унинг аъзосидир:

Қатрағача қулзуми заҳҳордин,
Заррағача шамсаи заркордин.
Уни мунга, муни анга банд этиб,
Бир-бирга борчани пайванд этиб.
Воситалар бўлди аён тў-батў,

Бир-бирига боғланибон мў-бамў.
То тикилиб ушбу бийик боргоҳ,
Бўлди муҳайё бу улуғ коргоҳ. (21-б)

Шундай мулоҳазалардан сўнг (тўртинчи мақолатда) шоир Оллоҳнинг карами хусусида гапиради. Унингча, кишилар жаннат умидида хайр ишлар қилишга бурчлидирлар. Бироқ бу юмушни ҳамманинг ҳам имкони тақозо қилавермайди. Шу туфайли кўпчилик «номаси-ёҳ» (гуноҳкор) бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам улуғ шоир Оллоҳдан ана шу тоифани (дин ва шариат талабларини бажара олмаган тоифа) ҳам авф этишни сўрайди:

Ҳар киши осию гунаҳкорроқ,
Авф ила раҳматқа сазоворроқ...
Хон анга ёйғилки эрур муштаҳи,
Тўқ емас, ар еса бўлур мумтали...
Ансаб анга луқмаки ул оч эрур,
Авли анга тўнки яланғоч эрур. (23-б.)

«Ҳайрат-ул аброр»да тасвирланишича, Тангри таоло башариятнинг илк ота-онаси – Одам ва Ҳавони яратган чоғиданоқ уларни мўътабар этган эди: биринчидан, Оллоҳнинг исмларидан бири, унинг ягоналигига ишорат бўлган «Аҳмад» сўзидаги уч ҳарф (алиф, дол, мим) «одам» сўзида ҳам бор. «Аҳмад»даги «ҳо» ҳарфи эса муҳаббатни ифодалайди. Чунки, Оллоҳ биринчи инсонга меҳр қўйиб уни ҳабибим – дўстим деб атаган:

«Ҳо»и муҳаббат анга – ўқдур насиб,
Ким ани Ҳақ деди ўзига Ҳабиб.

Энг муҳими шундаки, Худода (унинг даргоҳида) неки яширин бўлса, ҳабибининг юзида ўша нарсалар зуҳур этар экан:

Ҳар неки Ҳақ важҳи аро мубҳам ул,
Зоҳир этиб юзда ҳабиби ҳам ул.
Шоҳид этиб чеҳра бу кўзгу анга,
Ул не қилиб кўргузубон бу анга.
Айлади чун одами хокий зуҳур,
Солди анга партавин ул пок нур. (24-б.)

Худо оламни алоҳида шарафлаб, унинг бошига улуғлик тожини кийдиради, пайғамбарлик тахтига ўтқазади. Уни фаришталар хайлига паноҳ қилади, Ҳавонинг чеҳраси ҳам Оллоҳ нури партавидин бенасиб эмас эди:

Истади Ҳавво била чун иттисол,
Айлади Ҳаввоға бу нур интиқол. (24-б.)

Шундай қилиб, Алишер Навоий тасвирида инсон яратилишиданоқ, мушарраф ва табаррук бўлган.

Агар эътибор берилса, достоннинг кириш бобларини ташкил этган ҳамд ва наътларда борлиқни тасаввуфона тушунишнинг анча мукаммал тавсифи бадиий ифода этилгандир. Киришнинг композицион бўлаклари бир-бири билан мустаҳкам алоқада бўлиб, улар Алишер Навоийнинг мутасаввуф шоирга хос қарашларини тўлдириб боради. Масалан, Меърож кечаси таърифига бағишланган бешинчи наътни олиб кўрайлик. Унда ҳам сўфий учун асосий сифат ҳисобланган фақру фано хусусида гап боради. Яъни сўфий мақсадга эришиш учун ўзлигидан кечиши лозим бўлганидек, ҳазрати Расулуллоҳ ҳам Оллоҳнинг дийдорига мушарраф бўлиш учун фанонинг асосий қоидасини амалга оширган эдилар:

Олти жиҳат қайдидин ихрож ўлуб,
Тўрт гуҳар тарки анга тож ўлуб...
Ўзлигидин нақшу намудор йўқ,
Нақшу намудоридин осор йўқ.
Чўн ўзини айлаб ўзидин халос,
Пардаи иззатда қилиб ўзни хос.
Анда етиб гум бўлубон ўтруси,
Ҳар неча кўз солса, бақо кўзгуси.
Чун бўлуб ул кўзгуда сурат намо,
Кўзгусидин ташқари қолғон фано. (29-б)

Достоннинг кўнгил таърифидаги бўлими шоирнинг сўфийлик сирлари ҳақидаги мулоҳазаларининг давоми бўлиб, унда ёзилишича, «деҳқони сунъ» ўз маҳорати билан тупроқдан ясалган одамни «гулистони сунъ»га айлантиради. Ҳамда бу гулистон сари ўз насимини юборади. Бу насимдан тан гулшанига жон киради. Ундаги сунбуле сарв, гулу райҳон қийғос очилади. Лекин бундан яратувчининг мақсади гулга шайдолик эмас, балки кўнгул эди:

Эрмас эди анда ғараз ҳеч гул,
Ғайри кўнгулким, ғараз эрди кўнгул. (39-б)

Шундан сўнгра шоир олдига: «Сен бу кўнгулни не гумон айладинг? – деб савол қўядида икки хил кўнгил ҳақида фикр юритади. Улардан бири ғунча шаклидаги, барча жонворда бўладиган юрак. Иккинчи тури эса, аҳли дил ҳисобланган кишиларда бўладиган юракдир. Бу хилдаги кўнгуллар қандай хусусият ва фазилатларга эга? Улар – сирлар бўстонининг булбули. Ундан жаннати аълонинг ҳиди келади. Обидлар уни арши муалло деб, сўфийлар эса олами кубро – буюклик олами деб атайдилар, унинг қаршисида Каъбанинг ҳам қадри йўқдир. Чунки:

Ким бу халойиққа эрур саждагоҳ,
Ул бири холиққа эрур жилвагоҳ. (39-б)

Бу кўнгул сирлари хазинаси кашф эттилгунча кўп сарсон-саргардонликни бошидан кечиради; гоҳ Каъбадан, гоҳ даҳрийдан ўрин топади. Хуллас:

Водие қолмай ул анга етмаган,
Қатъида такмили сулук этмаган.
Ориз ўлуб жумлаи ҳолот анга,
То бўлубон касби камолот анга... (40-б.)

Ана шундай кўнгулга эга бўлган кишиларнинг, Алишер Навоийнинг таъбирича, сўфий соҳибдил деб атайдилар.

«Ҳайрат-ул аброр»нинг шундан кейинги бобларида – аввалги иккинчи ва учинчи ҳайрат сарлавҳаси остида берилган бўлимларда ҳам шоирнинг тасаввуфга оид мулоҳазалари ўта бадиий бир тарзда ифодасини топгандир[381]. Жумладан, «Аввалги ҳайрат»да кўнглумнинг малак (фаришталар) оламига саёҳат қилиб, уларнинг абадий ҳақиқат (қайёми ҳақиқат) тасбиҳи билан машғул эканлигидан ҳайратга тушгани ҳақида гап боради. Бироқ кўнгул:

[381] Бобларнинг ҳайрат деб аталиши, бизнингча, шоир тариқат йўлида камолот сари интилаётган кишининг ахлоқу авсофи, иймону эътиқодини назарда тутиб, асарга «Аброрлар ҳайрати» деб ном қўйган. Аброр – валийлик зинапоясида иккинчи босқични эгаллаган киши, соф одам. Ана шу илоҳиёт ошиғининг маърифат оламидан ҳайратланиши эътиборга олинган.

Топмади сарриштани чун фикрати,
Ҳайрат уза қилди ғулу ҳайрати.

Чунки:

Ким бу гулистонким эрур бу жаҳон,
Балки жаҳоне гул ичинда ниҳон.
Бутмак ўзи худ эмас имкон анга,
Гар бу эмас, ким эса деҳқон анга. (42-б.)

Кўнгул ана шундай бир ҳолатга тушган бир пайтда қулоғига Жаброилнинг овози келади:

Сирри ҳақиқатдин ўлуб баҳравар,
Айла басират кўзи бирла назар.

Кўнгул ҳидоят нури билан кўз очиб қараса:

Фохтадин қумрию булбулгача,
Балки шажар яфроғидин гулгача,
Барчаси қайюмиға зокир эди,
Ҳар бир анинг шукриға шокир эди. (42-б)

Демак, булардан англашиладики, хожа кўнгул ўзининг кундузги сафари оқибатида жаҳоннинг бирор тасодифи туфайли юзага келмасдан, балки у яратилган эканлигини англайди. Жаҳонни идрок кўзи билан англаш эса дил соҳиби бўлган сўфийнинг фазилатидир.

Иккинчи ҳайратда тасвирланишича, кеч киргач кўнгул «малак олами гулистонидин малакот олами қабристониға ҳаво» қилади. У коинот жисмларни кўриб ҳайратга тушар экан , яна уларнинг:

Борчасида зикру сужуд англади,
Маърифатуллоҳға шуҳуд англади. (45-б.)

«Учинчи ҳайрат» эса ўз мазмуни ва олға сурилган ғоялари билан аввалги икки ҳайратдан ажралиб туради. Мазкур ҳайратда кўнгулнинг «бадан мулки шаҳристониға нузул (қўнмоғи) ва ул кишвар аҳлининг ҳам… қодири мутлақ ёди била эрканин билиб… вужуди кул бўлиб, фано элига билкул совурилмоқ билан иккинчи фано мақомин ҳосил этиб, андин сўнг ҳақдин бақойи комилий этиб, хожанинг ул мулкда хилофат тахтиға қарор тутқони» ҳақида сўз юритилади.

Кўнгил ҳайрат майидин маст бўлиб, ўз ватанига қайтишни ихтиёр этади. Унинг манзили (бадан) ҳайратомуз хусусиятга эга бўлган бир шаҳар эди. Икки устун устига қурилган бу қўрғон тўрт жавоҳир (ўт, ел, сув, тупроқ)дан ташкил топган эди. Яъни унинг таркибини ташкил этган унсурлар бошқа махлуқотларда учровчи оддий унсурлар бўлмай, балки яратувчининг иродаси билан табарруклантирилган унсурлар эди:

Ўтиға Мусо ўти янглиғ зиё,
Эди Масиҳо дамидек жонфизо.
Суйи латофатда зилоли биҳишт,
Тупроғи гул, нафҳаси акбар сиришт. (46-б.)

Мазкур унсурларнинг иккитаси «улвий нажот» – олий, илоҳийликка мансуб бўлиб, иккитаси тубанлик табиатига эга эди. Бу кишварнинг қалбида – марказида кўнгил учун тахтгоҳ ясалган эди. Қасрнинг устида гумбаз бўлиб, унда:

Ҳарне рақам гунбади гардун аро,
Борчаси бу гунбади мавзун аро. (46-б.)

Яъни коинотда нимаики бор бўлса, бу гумбазда – инсон бошида у бор эди. Кўнгул ўз вазири – ақл воситасида давлатни бошқарар эди. Файласуф шоирнинг тасвирича, бешта сезги органи ҳам вазирнинг маконида жойлашган:

Бири назар илмини идрок этиб,
Айни сафодин назарин пок этиб.
Бирига иш буки эшитгач самоъ,
Қилғай ани диққат ила истимоъ. (47-б.)

Ана шулар тўплаган маълумотларни беш амин хазиначига – ақлга келтириб берадилар. У буларни шоҳга етказади:

Шаҳ бу хазойинға чу ҳозир бўлуб,
Диққат ила борчаға нозир бўлуб.
Рад қилибон ҳар неки мардуд эрур,
Ойириб ул туҳфаки мақсуд эрур...
Хожаки кўрди яна мундоқ жаҳон,
Заррада кавн, қатрада дарё ниҳон. (48-б.)

Бундан ҳайратга тушган кўнгул:

Мулк ўзию тахт ўзию шоҳ ўзи,
Борча ўзи, борчадин огоҳ ўзи – эканлигини англаб етади.

Юқоридаги мулоҳазалардан шу нарса англашиладики, Алишер Навоий «Ҳайрат-ул аброр»нинг ҳозирги кунларгача «расмий боблар» деб назардан қолдириб келинган кириш бобларида ҳам чуқур фалсафий нуқтаи назарларни баён этган. Унингча, инсон табиат ва коинот билан уйғундир. Шу билан бирга у табиатни ташкил этувчи бошқа жисмлардан ўз руҳининг, ақлининг аълолиги билангина эмас, балки танасининг илоҳийлиги билан фарқ қилади. Шу туфайли ҳам инсон шахсиятига менсимай қараш ўринли эмасдир. Унинг мўътабарлигини тан олиб, унинг маънавий камолоти йўлида хизмат қилиш керак. «Ҳайрат-ул аброр»нинг бундан кейинги бобларида, яна «Хамса»нинг кейинги достонларида ҳам ана шу эътиқод ва вазифалар ҳақида у ёки бу тарзда мулоҳазалар баён этилади.

Навоийгача бўлган хамсанависларда (бундан Амир Хусрав мустасно) инсоннинг тасаввуфга бўлган муносабатини бунчалик чуқур ва изчил баён этиш кўзга ташланмайди. Энг муҳими шундаки, Алишер Навоий сўфийликни инсон маънавий камолоти заминида туриб талқин қилади. Бу мазкур масалани ёритишда инсонни қиёмат азоблари билан қўрқитиш йўлидан бормайди. Ана шунинг ўзи ҳам Алишер Навоий тавсифлаган тасаввур халқчил фалсафий тариқат эканлигидан далолат беради.

«Ҳайрат-ул аброр»нинг кириш бобларида биргина шу достон учун эмас, балки бутун «Хамса», қолаверса шоирнинг бутун ижодининг асосий моҳиятини илмий тушуниш ва тушунтириш учун калит мавжуддир. Бу ўринда яна шуни ҳам қўшимча қилиш керакки, «Ҳайрат-ул аброр»нинг кириш қисмларида баён этилган фалсафий-назарий фикр-мулоҳазалар «Хамса»ни ташкил этувчи бошқа достонларнинг ҳамд ва наътларга ажратилган бобларида янада бойитилади, қўшимча тавсиялар билан янада тўлдирилади.

Сўфийлик биргина истилоҳ билан номланиб келинаётган бўлса-да, у бир неча йўналишларни (тариқатларни) ўз ичига қамраб олган ғоятда кенг ва чуқур фалсафий мулоҳазалар уммонидир. Алишер Навоий тариқатлар орасидан нақшбандлик тариқатини танлайди, унга камоли эҳтиромини изҳор этади. Нега шундай? Бизнинг назаримизда, Боҳовуддин Нақшбанд тариқатига хос бўлган «Дил ба ёру даст ба кор» шиори ўз ҳаётий мазмуни билан, амалий аҳамиятга моликлиги билан XIV–XV асрлардаёқ кўпчиликнинг юрагидан жой олган

эди. Тасодиф эмасдирки, шоир ўз «Хамса»сининг биринчи достонидаёқ нақшбандийлик тариқатининг асосчисига ва бу тариқатнинг йирик намояндаси Носириддин Убайдуллоҳ Хожа Аҳрор шаънига ўтли мисралар бағишлайди.

Шоирнинг тасвирича, Хожа Баҳовуддин «муршиди офоқ»дир. Унинг шахсиятига хос хусусиятлар достонда қуйидагича акс эттирилган:

...Хизматидин ҳар киши огоҳ ўлуб,
Гарчи гадо маъни ила шоҳ ўлуб.
Неча тушуб эгнига қилсанг қиёс,
Хозини ирфон кафидин юз либос.
Завқ ила тағйири либос этмайин,
Тафриқаи хаззу палос этмайин.
Суҳбатида ҳар неча бешакку райб,
Жилва қилиб шоҳиди раънойи ғайб,
Гўшаи хилват аро тутмай қарор,
Ўзини қилмай яшурун ошкор.
Атласи гардун била минг зебу фар,
Тўрқа тўни остида кўк астар.
Лек ўшул тўрқаси ҳар тор ила,
Фақрда юз муршид учун силсила.
Мулки жаҳон мазраи деҳқони ул,
Балки жаҳон мулки нигаҳбони ул. (49-б.)

Келтирилган бу иқтибосда Хожанинг чуқур илм ва маърифат соҳиби эканлиги, хоксорлиги баён этилар экан, шоир унинг гўшанишин эмаслигини алоҳида таъкидлаб тасвирлайди. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, Навоий Хожа шахсиятидаги ҳаётга фаол иштирок этиш хусусиятини ёқтирган. Чунки бундай хусусият узлатнишин қарама-қарши ўлароқ дунё – дўстликка яхшироқдир. Ўз лирикасида ҳаёт меҳрини иштиёқ билан куйлаган шоир учун бу нарса муҳим аҳамиятга эга эди.

Алишер Навоий Хожа Убайдуллоҳ Валига ҳам катта ҳурмат билан қарайди. Хожа Убайдуллоҳ, Навоийнинг таърифича, Хожа Баҳовуддин Нақшбандга «халафи мутлақ, балки халифаи барҳақдур». У ҳам Хожа Баҳовуддин каби тийра назарларга нур улашади. Халқни ахлоқий-ғоявий жиҳатдан тарбиялашда катта мавқени эгаллайди.

Булардан англашиладики, Алишер Навоий ўз ҳаётида тасаввуфга рағбат кўрсатган, унинг йирик вакилларини ҳурмат қилиб, асарларида эҳтиром билан тилга олган.

Алишер Навоий ижодининг бой фалсафий мазмун билан бадиий нафосат уйғунлашиб кетганлиги учун ҳам шоир жаҳонда бадиий тафаккурнинг улуғ намояндалари қаторидан ўрин олади. Алишер Навоийнинг тасаввуф таълимотига хайрихоҳлиги, сўфийларга мансублиги унинг ижодий фаолиятида катта ютуқ эди.

Демак, Алишер Навоийнинг оламнинг моҳиятини тушуниши тангри таолони – ҳақиқатни тушуниш билан уйғун бир тарзда тасвирлашда катта бир ҳикмат бор. Оллоҳни таниш эса инсоннинг ўз-ўзни покланишидан, ахлоқий мукаммалликка интилишидан ғайри башарий хусусиятлардан фориғ бўлишидан бошланар экан, бундай дунёқараш ғоятда беқиёс, ижтимоий ва сиёсий аҳамият касб этади.

Мазкур тезис бутун «Хамса» бўйлаб, қалин рангдор чизиқ бўлиб ўтади. Бу ҳолни биз «Хамса»ни ташкил этган достонларнинг кириш бобларидагина эмас, тимсоллар талқинида, лирик чекинишларда ҳам кузата оламиз.

Алишер Навоий «Хамса» достонларининг ҳамд ва наътга бағишланган бобларида вужудуюн фалсафий қарашларининг бирор бир жиҳатини бадиий тавсифлаб беради. Ёки унинг бирор бир жиҳати аввал айтиб қўйилган бўлса, уни янги далиллар, тасвирлар билан бойитади, такомиллаштиради.

«Фарҳод ва Ширин» достони эътиқодига кўра, коинот ва Оллоҳнинг моҳиятини англаш маънолар оламига юз ўгириш, унинг ичига киришдан бошланади:

Биҳамдик фатҳу аббобил – маоний,
Насиб эт кўнглума фатҳ ўлмоғ они[382]*. (149-б.)*

Шоир достонни келтирилган байтдагидек, «маънолар эшигини очиш Сенинг ҳамдинг билан муяссар бўлур» мазмунидаги мисралар билан бошлар экан, ўзига хос халқчилликнинг ажойиб бир қиррасини намойиш этади: Навоийнинг эстетик принципига кўра, адабиёт (кенг маънода санъат) элнинг эҳтиёжларига, уни маърифатлантиришга хизмат қилиши керак.

Шундан келиб чиқиб, буюк ижодкор Тангри таолога шундай мурожаат қилади:

Кўзумга ул эшик қуфлин падид эт,
Анинг фатҳиға килкимни калид эт.
Очиб ул ганж қуфлин бу калидим,
Насибим айла неки бор умидим…
Бу махзан бирла кўнглумға ғино сол,
Нечаким сочсам илгимга яно сол…
Буюрсанг сочмоғин мен бенавоға,
Чиқор юз бенаво илгин ҳавоға,
Айирғоч базл ила бу бенаводин,
Навосизларға қормотқил ҳаводин.
Гадоларға доғи андин ато бер,
Ғаниларға доғи они тўто бер.
Шаҳ олса доғи қилсун тожи торак,
Қул олса ҳам анга бўлсун муборак.
Анга ишқ аҳлини қил орзуманд,
Анинг бирла аларни ҳам баруманд…
Такаллум аҳлиға сармоя айла,
Не дур назм этсалар пироя айла.
Замона дуржини андин тўла қил,
Фалак жавфини андин имтило қил. (150-б.)

Алишер Навоий лирик шеърларидан бирида ижод қилишдан мақсади ғафлат уйқуси босган халқни уйғотиш эканлигини очиқ баён этган эди:

Бахтим уйғонмас бу нафҳи сурдек фарёд ила,
Менки марг уйқуси босқонларни дермен уйғотай. (150-бет)

«Фарҳод ва Ширин»нинг ҳамд қисмидан келтирилган парчадан ҳам англашиладики, Навоий ўзи кашф этган маоний дурларидан жамиятнинг барча табақалари бирдек баҳраманд бўлишларини хоҳиш этади. Бу эса Алишер Навоийга хос улуғликнинг, дарёдилликнинг ажойиб бир тарзда жилоланишидир.

Достоннинг кириш қисмида юқорида келтирганларимиз мулоҳазалар баён этилган, та-

[382] Алишер Навоий. Хамса. Танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. «Фарҳод ва Ширин» достони. Т: ЎзФА нашриёти, 1960. – 149 б. Бундан кейинги саҳифаларда ҳам шу манбадан фойдаланилган ўринларда саҳифа рақами иқтибоснинг ўзида қўйилади.

саввуфнинг инсон вужудига доир ақидаларининг бадиий тасвири берилади. Шоирнинг тасвирига кўра, инсоннинг кўнгли ишқ гулшани, унинг суюклиси эса ишқ хазинасидир:

Ки инсон кўнглин этти гулшани ишқ,
Бу гулшаннинг ҳаримин махзани ишқ. (150-б.)

Тангри инсон юрагига ишқни жойлагач, ҳусн ўтини оловлантириб оламни ёритади. У порлоқ қуёшдек кўркини намойиш этиб, йўқлик шоми ўрнида абадийлик шамъидек порлади. Шундан сўнг унинг нури кучли ёғду таратади ва натижада барча зарротлар зуҳур этадилар. Шу тариқа қуёш маъшуқ, унинг зарраларидан яралган ҳамма нарса унга ошиқ бўлиб қолади:

Ва лекин ҳусн ўтин айлаб жаҳонсўз,
Буларни андин этти оламафрўз...
Тулуъ этти чу ул рахшанда хуршед,
Адам шомиға бўлди шамъи жовид.
Анинг нури чу партав қилди зоҳир,
Бори заррот бўлдилар мазоҳир.
Қуёш маъшуқу ҳар зот ўлди ошиқ,
Дема ҳар зот, заррот ўлди ошиқ. (150-б.)

Бироқ бу маъшуқанинг бир фазилати борки, у юз хил суратда зоҳир бўлади. Чунки унинг: «Ўзи нақшу ўзи манқушу наққош»дир[383]. Сўнгра маъшуқани фикр билангина топиш мумкиндир. Унга бошқа моддий нарсаларга эришгандек эришиб бўлмайди. Чунки унинг:

Нишони бенишонлиқдин йироқроқ,
Макони бемаконлиқдин қироқроқ.
Азалдин беҳад ошиб ибтидоси,
Абаддин асру тошиб интиҳоси. (151-б)

Ана шундай маъшуқанинг феъли ҳам ўзгача: баъзан унинг қаҳри ўти ёлқинланса, гоҳида илм дарёси мавж уриб оқади; у шундай ҳашаматга эгаки, юзлаб Фарҳоду Ширинларни бир жойга тўпласалар, унинг шабистонига бир шамъу парвона каби мавқени эгаллай олади:

Ўкуш Фарҳоду Ширин айласанг жамъ,
Шабистонида бир парвонау шамъ. (151-б)

Хуллас:

Агар мавжуду маъдум ўлса олам,
Анга ижоду эъдоми мусаллам. (151-б)

Алишер Навоий достонда берилган муножотда тақдир тўғрисида фикр юритиб, инсон пешонасига ёзилган ишни амалга оширар экан, гуноҳ ишлар учун унинг жазоланиши тўғрими деган андешага боради:

Не дерсен бас бу жамъи бенавоға?
Гуноҳи қилмайин қолғон балоға! (153-б)

Бу саволни Алишер Навоий жавобсиз қолдирган. Аниқроғи қалтис саволни ўртага ташлагани учун тангридан узр тилаган.

«Лайли ва Мажнун» достонининг ҳамд ва наътлар қисмида оламнинг моҳиятини англашнинг, Оллоҳ номини дилга жо қилиб покланишнинг аввалги достонларда тилга олинмаган бошқа бир жиҳатининг бадиий тавсифини беради. Яъни у дунёни ташкил этувчи «ҳайвонию (жондорлар дунёси) конию наботий» нарсаларнинг яратилиши, уларинг хусусиятла-

[383] Ўша асар, 150-б.

ри, улар ўртасидаги ўзаро (диалектик) бирлик каби масалалар ҳақида фикр юритади.

Файласуф шоирнинг эътиқодига кўра, олам ва коинотда ҳақиқий мавжуд нарса бу Оллоҳ. Бошқа нарсалар эса, аслида, йўқ нарсалар ёки фоний мавжудотлардир:

Эй илмингға ғайб сирри маълум,
Мавжудсен, ўзга борча маъдум. (339-б.)

Ўз ҳуснини дилпазир қилган Тангри таоло барча махлуқотни ўзига ошиқ қилиб яратади. Кишиларинг кўзига дунёвий бўлиб кўринган гўзаллар аслида Худо жамоли зуҳур этган нарсалардир. Демак, ошиқлар қалбида улар уйғотган ишқ мажозийдек кўринса-да, аслида ҳақиқий ишқ йўлидаги бир гузаргоҳдир:

Эй кимники айлабон париваш,
Мажнун анга юз асири ғамкаш…

Эй ҳар сориким қилиб тажалли,
Ул мазҳар ўлуб жаҳонда Лайли.
Эй оники Лайли айлаб отин,
Мажнун қилмоқ қилиб сифотин…
Кўк ер киби пасту муртафиъсен,
Балким еру кўкка мухтариъсен. (339-340-бет)

Еру кўкнинг ихтирочиси бўлган тангри Ер ва Кўкдаги барча нарсаларни, уларнинг айримлари бир-бирига зид хусусиятларга эга бўлишларига қарамай, уларни бир-бирларига мувофиқ ва уйғун қилиб яратган:

Сунъунг била тўрт зид (тупроқ, ҳаво, сув, олов) мувофиқ,
Ҳукмунг била етти кўк мутобиқ. (340-б.)

Бу ўринда яна шуни қайд этиш керакки, коинот ва оламдаги барча нарсалар Худо жамолининг зуҳуридан иборат бўлсалар-да, улар айнан Худонинг ўзи эмас. Шунинг учун ҳам худони топиш ғоят мушкулдир:

Бордур талабингға борча мойил,
Лекин сени топмоқ асру мушкил.
Ҳар негаки деса ўхшамассен,
Сендин дурур ул сен ул эмассен.
Ҳарне сени деса ройи сойиб,
Ул Сендину Сен арода ғойиб. (340-б)

Ана шундай фазилатларга эга бўлган Тангри оламнинг яратувчисидир. У оламни ташкил этган барча мавжудотни диалектик бирликда яратган:

… Қиш меҳрини чун итикрок эттинг,
Қорнинг садафин арусак эттинг.
Ёз ёмғури етгач айладинг бот,
Ер чакманини яшил сақарлот…
Гул ёфроғин ҳавоға сочтинг ,
Ғунча карамин сабодин очтинг.
Гулга берибон зумуррадий тахт,
Ғунча киби айладинг жавонбахт.
Кеча анга бўлмасун дебон бийм,
Бердинг наргисга машъали сийм.
Чун кўкни хусуфзод қилдинг,

Ойнинг кумушин савод қилдинг. (340-б)

Алишер Навоий фақат ердаги нарсалар эмас, балки самовий жисмлар ҳам тўрт унсурдан яралган деб ҳисоблайди:

Унсурни тузук сарой қилдинг,
Деворини чордой қилдинг.
Кийдирдинг зийнат айламақдин,
Тўқуз хилъат анга фалакдин.
Кўк атласу бори зарҳал этган,
Анжум дуридин мукаллал этган.
Жайби аро тугма тийру Ноҳид,
Эгнида тирози Ою Хуршед.
Йўқ, йўққи, бу етти жирми мовий,
Анда етти чобуки самовий.
Ким борчаларини фоил эттинг,
Сайру ҳаракатга шоғил эттинг.
Обу чу буларға от бўлди,
Ул тўрт ҳам уммаҳот бўлди.
Айлаб бу ато, аноға пайванд,
Уч қилдинг ароларида фарзанд. (340-б)

Тангри оламни ташкил этувчи нарсаларни яратиб бўлгач, уларга қазо ва тақдир ато қилади:

Ҳар майлға тоқдинг, икки занжир,
Қилдинг лақабин қазову тақдир. (341-б) –

Ҳамда оламларни бир ўзи бошқара бошлайди. Бироқ худди шу ўринда кишини ўйлатиб қўядиган баъзи ишлар юз бераётганини кўрамиз:

Бас жоҳил эрурки беғаму ранж,
Тўктунг этагига махзану ганж.
Бу ишта не билсун эл камоҳий,
Не эркани ҳикмати илоҳий. (341–б.)

Лекин худо берганига қаноат қилганлар энг яхши кишилардир. Оллоҳнинг карамини фақат инсонлар эмас, балки жамики жонсиз ва жонли махлуқот умид этадилар:

Дойим қилибон савол варзиш,
Хони карамингдин офариниш.
Кундуз Санга бир гадойи руси,
Хуршеддин эгнида кадуси.
Тун даргаҳингга тиланчи занги,
Эгнида терисидур паланги.
Дарё санга толиби навола,
Кишти кафида йиғоч пиёла. (341-б)

Шу тариқа агар икки олам икки боғ бўлса, ана шу иккала боғнинг ягона султони Оллоҳдир:

Мулкунг ики боғи икки олам,
Султонлиғ эрур санга мусаллам. (241-бет)

«Сабъаи сайёр» достонининг ҳамд ва наът бўлими ҳам ўзининг чуқур мазмуни, бадиият

ва нафосат жиҳатидан баркамоллиги билан киши ақлини лол этади. Аввало, мазкур достоннинг ҳамд бўлимида ҳам муаллифнинг Тангри борлиқнинг ижодкори эканлигини янги ранглар билан яна бир бор таъкидлаб ўтганлигини кўрсатиб ўтишимиз лозим. Чунончи:

...Сен чекиб муртафиъ ети афлок,
Мунҳат айлаб бу тийра маркази хок...
Арз жирмин қилиб ети тақсим,
Айладинг ҳар бирини бир иқлим...
Йўқ эди одамики бор эттинг,
Кишилик бирла эътибор эттинг[384].

Бироқ ана шу халқ этилган нарсалар фонийдир. Улар Оллоҳнинг иродаси билан у истаган пайтда барбод ҳам этилиши мумкин. Ана шу нарса шоирни ҳайратга солади. Дарвоқе, жами нарсаларни йўқдан бор этиб, яна уларни йўқ қилишда нима ҳикмат бор? Бунга инсоннинг ақли етмайди:

Адам эрканда айламак мавжуд,
Бўлса мавжуд қилмоғинг нобуд.
Не учун эрканин киши билмас,
Киши ҳар неки ҳақ иши билмас. (460-б)

Ваҳоланки, борлиқ беқиёс ва бебадал этиб яратилган эди. Лекин гап шундаки, гарчи Оллоҳ, чунончи, гулнинг ҳусну жамолига тоб бериб, унга булбулни ошиқ қилиб яратган бўлса-да, бу бир мажозий (фоний) ошиқ-маъшуқликдир. Ҳақиқий ошиқлик Худонинг васлига шефта бўлишдадир:

Булбулу гул баҳонадур бориси,
Балки Сендин фасонадур бориси...
Ишқ Сен-Сен доғию ошиқ Сен,
Яна маъшуқлуққа лойиқсен. (461-б)

Бу ўринда шу нарса ғоятда эътиборлики, Тангрининг жамоли бир хил кўринишда зуҳур этиб, ўша ҳолатича қолиб кетавермайди. У турли-туман суратларда жилоланиб туради. Унинг турли ҳолатдаги кўринишларини акс эттириш учун эса оламда янги мазоҳирлар пайдо бўлиб туради. Бошқача қилиб айтганда, олам, коинот, дунё ва улардаги нарсалар муттасил ўзгаришларни бошидан кечириб, такомиллашиш ёки йўқ бўлиш жараёнига учраб туради. Борлиқда ҳаракат ҳукмронлик қилади. Буни ҳаракатга келтирувчи бош сабаб ҳам, муаллифнинг эътиқодига кўра, Тангри таолодир:

Айни маъшуқлукда жилваи зот,
Ўзини кўргали тилаб миръот.
Ҳуснунга ҳар дам ўзга сурат ўлуб,
Кўзгу такрори ҳам зарурат ўлуб. (461-б)

Хуллас, оламнинг, борлиқнинг асосий моҳиятини Оллоҳ ташкил этади ва У азалию абадийдир. Бошқа нарсалар эса фонийликка маҳкумдир:

Сен-сену сендин ўзга худ нима йўқ,
Гар кўрунса Сен ўлғунг ул нима йўқ.
Ҳеч нима йўқ Сен эдинг мавжуд,
Ҳам Сен ўлғунг бори бўлуб нобуд. (461-б)

Достонда ушбу мулоҳазалар акс эттирилган бобдан кейин берилган муножотда муаллиф нозик, ҳатто ўз даври учун анча қалтис ҳисобланган масалаларни қаламга олади. Унингча

[384] Хамса. Танқидий матн, 459-460-бетлар. (мақолада келтирилган иқтибосларга шу асар саҳифаси қўйилган).

кимдир бутга, кимдир қуёшга, кимдир ўтга муҳаббат билан ихлос қўяр экан, ўша нарсаларда Оллоҳнинг ҳусни зуҳур этганлиги сабаб бўлади; агар гулда ёки шамъ ўтида Худо зуҳур этмаганида булбул ва парвона уларга бунчалик шайдо бўлмас эди, деб мулоҳаза юритади:

Даҳр халқиға сен келиб халлоқ,
Халқ аро холиқи алал-итлоқ.
Кимниким бут қошида паст айлаб,
Сажда қилмоққа бутпараст айлаб.
Бериб ўз ҳуснунга бут ичра зуҳур,
Айлаб ул ҳусн ила ани мағрур.
Ҳар кишиким қуёшқа обид ўлуб,
Анга ҳар субҳу шом сожид ўлуб.
Ҳам сенинг талъатинг зиёсинда,
Заррадек чарх уруб ҳавосинда.
Шуълаларға солиб юзунг чу укус,
Куйдуруб ўзни ўт қошинда мажус.
Мазҳари ҳусн чун қилиб гулни,
Ўртабон шуъласига булбулни.
Шамъ ўтиға куярда парвона,
Ҳам сенинг ишқинг ичра девона...
Ҳар сувар ичра жилвагар ҳам сен,
Жилвагар демайин сувар ҳам сен. (462-б)

Шоирнинг бундай мулоҳазалари асрлар давомида Шарқда фалсафий тафаккурнинг тараққиётигагина эмас, балки ижтимоий тушунчаларнинг равнақига ҳам катта таъсир кўрсатганлиги шубҳасиздир.

Муножот давомида муаллиф яна инсон ва тақдир масаласини қаламга олади. Унинг тасвирига кўра, инсоннинг кўнгли нимжон пашшага ўхшаса, унга душман нафс пили дамондир. Ана шу пили дамон Худонинг иродаси билан ожиз пашшани оёқ остида топмайди. Яъни уни енгади. Инсон эса унга жиддийроқ қаршилик кўрсатишдан ожиз. Чунки:

Мени гар ожиз этти феъли табаҳ,
Хостинг бу эди манга не гунаҳ,
Нафси аммораға гар ўлдум асир,
Мен нетай гар будур санга тақдир. (462-б)

Шу тариқа шоир тасвирида инсон тақдир қаршисида қўлидан бирор тадбир келмайдиган махлуққа айланади:

Менинг эгрилигим эса Санга хост,
Мен не янглиғ ўзумни айлай рост.
Не гузар яхшилиққа бор манга,
Не ёмонликда ихтиёр манга.
Сен ёмон айласанг мени не ҳад,
Айламак Сендин ўлғон амрни рад. (462-б)

Ана шунинг учун лирик қаҳрамон нажотни фақат Тангри таолодан кутади:

Яхшилиқ қилки, нотавонинг мен,
Ёмон ўлсам сенинг ёмонинг мен.(462-б)

Достон муаллифи ислом динига бўлган муқаддас эътиқоди туфайли ўрта асрчилик шароитида тақдир хусусида бундан бошқачароқ фикр билдириши мумкин эмас эди. Бундан

Алишер Навоий тақдир масаласида сўз юритар экан, инсонни бечора бир аҳволда тасвир этган, деган бир ёқлама мулоҳаза чиқариш тўғри эмас. Унинг ижодига бор бўйича назар солсак, инсонни ўз тафаккури ва тажрибасига суяниб иш қилувчи жасоратли ва кучли махлуқ сифатида тасвирлаганига шоҳид бўламиз. Масалан, у бир шеърида инсонни нафсга қарши фаол курашга чақиради:

Бўлуб нафсингға тобиъ, банд этарсен тушса душманни,
Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банд.

«Сабъаи сайёр» достонининг ўзида тасвирланган Дилором-чи? У тақдирга қарши курашмайдими? Агар у тақдирга қарши курашмаганида, балким, Хоразмда қолиб кетган бўлар эди. Севимли ёри Баҳром билан қайта дийдор кўришиш шарафига эришолмас эди. Булардан англашиладики, Алишер Навоийнинг тақдир ҳақидаги қарашлари унинг асарларидаги ҳамдлардан кўра, шеърларидаги лирик қаҳрамон тимсолида, достонларидаги бадиий тимсоллар талқинида эркинроқ ва жозибалироқ акс эттирилгандир.

Дарвоқе, Алишер Навоийнинг ўзи ҳам ўз поэтик асарларида, улардаги бадиий образлар талқинида сўфиёна қарашлари акс эттирилганлигини нозик рамзлар билан кўп марта қайд қилиб ўтгандир. Жумладан, «Сабъаи сайёр»даги қуйидаги байтлар даъвомизга етарли исбот бўла олади:

Етти кох ичра етти фарзона,
Дегали ҳикматингдин афсона. (459-б)

«Садди Искандарий» достонида берилган ҳамдда ҳам Алишер Навоий коинот ва оламнинг илоҳий тарзда вужудга келтирилиши хусусида фикр юритади. Аммо бу ҳамдда муаллиф кўпроқ фазовий жисмлар, фаришталар олами ва бошқалар ҳақида сўзлайди. Унинг тасвирига кўра азалдан шундай вақтлар ҳам бўлганки, у даврларда кавнайн (икки олам) ҳам мавжуд бўлмаган. Мазкур оламлар йўқлик тагнойида пинҳон бўлган. Қуёш ҳам, кеча-кундуз ҳам, фалаклар ҳам -ҳеч нарса бўлмаган:

Замонеки кавнайн маъдум эди,
Адам тагнойида мактум эди.
Не кун оразидин бор эрди нишон,
Не тун туррраси анда анбар фишон…
Не афлоку не муттасил анда давр,
Не эл, не анинг давридин элга жавр.
Не олам диёридин осор ҳам,
Не пайдо диёр ичра дайёр ҳам. (619-б)
Сен ул навъ мавжуд эдинг, бал вужуд,
Ки будунгға йўқ эрди нанги набуд. (619-б)

Бироқ Оллоҳда мавжуд бўлган ўша гўзаллик хафо (махфийлик) пардаси ичра яширинган эди. Аммо Худо ўз-ўзида бўлиб қололмайди. Ундаги гўзаллик ва хўбликлар Оллоҳнинг маҳбуб сифатида ошкоро бўлишини тақозо этиб қолади:

Жамолингки меҳри жаҳонтоб ўлуб,
Хафо пардаси ичра ноёб ўлуб.
Жамолингға чунким зуҳур истадинг,
Қуёшингға ифшойи нур истадинг.
Бу навъ иқтизо айлади хўблуғ,
Ки қилғайсен изҳори маҳбублуғ. (619-620-б).

Ўз-ўзидан маълумки, маҳбуб бўлиш учун ошиқнинг ҳам мавжуд бўлиши тақозо этилади. Бу икки тушунча мантиқий уйғунликни ташкил этади. Ана шундай ички эҳтиёждан ке-

либ чиқиб, Тангри таоло борлиқни вужудга келтиради. Бошқача қилиб айтганда, Тангрида шунчалик ички қувват мавжуд эдики, уни мавжлантирмасдан имкон йўқ эди. Яъни Худо ўз-ўзида доим қола олмас эди. У беқиёс қудратини намойиш этиши керак эди.

Шу тариқа Худо коинот ва оламни яратиб, ундаги нарсаларда зуҳур этти. Моддий олам сифатида ҳам янада камол топди, янада дилтортар бўлди.

Оллоҳ коинотни вужудга келтиргач, бошқа суратларга ҳам шакл бера бошлади. Чунончи, у виқор ҳариминнинг кабутарлари – малак (фаришта) аҳлини яратди. Улар ором оладиган жой сифатида фалак қасрининг томини ясади. Унинг тўққиз гумбазини жавоҳир (юлдузлар ва ҳ.к.)лар билан безатди. Сайёраларга сурат ва ҳаракат ато қилди. Осмонни ой жамоли билан безади. Ана шундан сўнг Оллоҳ тўрт унсурни яратади ва уларнинг хусусиятларини белгилайди:

Бирининг мижозини тез айладинг,
Анинг таъбини шуълахез айладинг.
Бирига бериб лутфи табъи ҳаёт,
Ҳаёт аҳлиға бердинг андин нажот.
Бирин сойир эттинг нечукким, само,
Сафо ичра миръоти гетинамо.
Ясадинг касофат бирининг ишин,
Ким ул бўлди бу ишдин асфалнишин. (621-622-б)

Мазкур унсурлардан сон-саноқсиз нарсалар яратилган. Айниқса, уларнинг таркибидан инсонни вужудга келиши буюк ҳодиса бўлди. Чунки уни яратишда Холиқ танасига шарафдан кийим кийгизган, бошини тожга сазовор қилган, кўнглини сирлар хазинаси, юзини эса зот ойинаси этиб вужудга келтирган эди. Инсоннинг юзида Худо ҳуснининг нури зуҳур этади. Шунинг учун ҳам инсон чеҳраси малойик учун саждагоҳдир:

Таниға шарафдин дувож айладинг,
Бошин ҳам сазовори тож айладинг.
Қилиб кўнглини роз ганжинаси,
Юзин айладинг зот ойинаси.
Анга айлагач нури ҳуснунг зуҳур,
Ўқубон малак хайли аллоҳ нур.
Чу бу навъ мавжуд килдинг ани,
Малойикка масжуд қилдинг ани. (622-б)

Тангри инсонга ана шундай рутба ато қилгач, унинг кўнглига ўз ишқини солади:

Чу бердинг анга рутба мундоқ баланд,
Қилиб кўнглини севмагинг аржуманд.
Чу ишқинг ўти солди кўнглига тоб,
Қуёшинг юзидин кеторди саҳоб... (622-б)

Энди инсон ҳақиқий ошиқ сифатида қай сари назар солса, Худонинг жамолига дуч келади:

Сени кўрди ҳар ёнки солди кўзин,
Чу бори Сен ўлдунг итурди ўзин. (622-б)

Дарвоқе, Тангри таолонинг оламни яратишдан мақсади ҳам одам яратиш эди:

Карам бирла халқ айлагай оламе,
Бу оламда мақсуд анга одами.

Ғараз одами анга олам туфайл,
Неким ғайри оламдур ул ҳам туфайл. (622-б)

Тангри инсонни ўзига ошиқ қилиб яратган бўлса, уни ўзи ошиқ бўлиб севади ҳам:

Киши кўрмамиш ҳаргиз андоқ киши,
Ки ошиққа ошиқлик ўлғай иши. (622-б)

Ҳазрат Алишер Навоийнинг Худо ҳамди йўлида айтилган бўлимни бундай мисралар билан якунлашларида олам-олам маъно бордир.

Достон матнида ҳамддан кейин берилган муножот карам масаласига бағишланган. Унда тасвирланишича, Тангри таоло энг юксак карам соҳибидир. Чунки у ўзини карим ҳисобловчи кишиларни, аввало, ўз карами билан тўйинтиради:

Карам аҳли гар соҳиби тож эрур,
Ки хони наволингға муҳтож эрур…
Бас ул филҳақиқат карамкеш эмас,
Ўзунг мукрим, ул бир сабаб беш эмас. (622-623-б)

Шоирнинг тасвирича, олий карам эгаси бўлган тангри таоло ўз бандаларининг кўпгина гуноҳларини ўтиб юборади. Лекин бандалар (гап кечиримга бориб етгунча), яъни:

Мунга тегру андинки, ўзни билиб,
Залолат аро умр зойиъ қилиб. (624-б.) – юрмасалар яхши иш қилган бўлар эдилар. Алишер Навоийнинг бундай фикрлари ҳозирги кунда ҳам катта тарбиявий аҳамиятга моликдир.

Низомиддин Амир Алишер Навоийнинг «Хамса»сида, уни ташкил этувчи достонлар таркибида берилган ҳамдларнинг қисқача мазмун ва моҳияти юқорида айтилганлардан иборатдир. Агар барча достонлардаги ҳамдларни олдинма-кетин кўчириб, битта жилдда муқоваланса, шоирнинг худо шаънига беш вазнда айтган мадҳномалари туркумини юзага келтириш мумкин. Албатта, гап бу ерда Навоий яратган ҳамдларни туркум ҳолида назарга келтиришда эмас. Умуман, достонлардаги кириш қисмлар буюк Алишер Навоий санъаткорлик маҳоратини ўрганиш нуқтаи назаридан ҳам кераклидир. Бироқ бу алоҳида тадқиқотга доир бир мавзуки, у ҳам ўз тадқиқотчиларини кутмоқда…

КОМИЛ ИНСОН ТИМСОЛИ

Маълумки, жаҳон адабиёти тарихида нодир ҳодиса ҳисобланган хамсанавислик анъанаси тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган эмас. Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий достонлари алоҳида-алоҳида ҳолда ҳам, қиёсий-типологик йўналишда ҳам ўрганилиб, анъана ва навбунёдкорлик масаласининг турли қирралари ёритилган. Аммо бу улуғ ижодкорларнинг асарлари Шарқ шеърияти, фалсафий-бадиий тафаккурининг битмас-туганмас хазинаси бўлиб, улардаги теран маъноларни кашф этиш, юксак бадиият ва ибратли ғояларини таҳлил этиб, янги-янги илмий муаммоларни тадқиқ қилиш чексиз давом этадиган бир жараёндир. Алалхусус, истибдод тузуми мафкурасидан қутулганимиз ва муборак истиқлолга эришганимиз туфайли тарихимиз маънавий қадриятларимизга бўлган муносабат ўзгарди, буюк боболаримиз излаган, сиғинган ва эътиқод қилган ҳақиқатларни рўйи-рост айтиш имкониятига эга бўлдик.

Туркий адабиётнинг нурли чўққиси ҳисобланган Алишер Навоийнинг дунёқараши, ғоялар оламига чуқурроқ кириб бориш, унинг инсон зоти хилқати ҳақидаги ҳикматона

фикрлари, бадиий талқинларини кўздан кечириш муҳим аҳамият касб этади. Аммо бутун ижодида инсон қалби, инсон камолотини куйлаб келган, инсонни унинг ўзи банд бўлган нуқсонлар кишанидан озод этиш учун курашган инсонпарварликнинг бутун бир концепциясини яратган Навоийнинг дунёқараши бўш бир жойда вужудга келган эмас. Навоий ижодида Шарқ адабиётининг энг илғор анъаналарининг, ғоялари мужассамлангани каби, инсон ҳақидаги қарашларида ҳам ўз салафлари асаридан ижодий таъсирланиш бор.

Алишер Навоий ижодида инсон концепциясини ўрганишга киришар эканмиз, унинг салафлариижодиниҳамтадқиқотгажалбэтишвабуишни«Махзан-уласрор»,«Матлаъ-уланвор», «Туҳфат-ул аҳрор» ҳамда «Ҳайрат-ул аброр» достонларининг қиёсий таҳлили орқали амалга оширган маъқул. Чунки биринчидан, мазкур достонларда улуғ шоирларнинг инсон зоти ҳақидаги фикрлари ёрқин акс этган. Иккинчидан, бу асарларда инсон турли томондан олиб қаралади, яъни инсон ҳам илоҳий хилқат, ҳам мураккаб табиий мавжудот ва ҳам ижтимоий ҳодиса сифатида бадиий таҳлил қилинади. Инсон руҳи, инсон вужуди, инсон кўнгли, инсон ақли каби фалсафий тушунчалар айнан шу асарларда муҳокамага олинган. Учинчидан, инсон камолоти масаласи комил инсон фазилатлари ва бунинг исломий-тасаввуфий тарафини ҳам шу ерда кўрамиз. Шу билан бирга, инсонни кишанбанд қилган нуқсонлар ва улардан қутулиш йўллари баён этилган.

Тарихдан маълумки, башарият мутафаккирлари қадим-қадимдан одам ҳақида ўйга толиб, уни ўрганиб муҳим хулосаларни баён этганлар. Инсон қалбига эзгулик уруғини экиш, оқил ва фозил кишиларни тарбиялаш жамиятларнинг долзарб масаласи бўлиб келган. Шу каби исломнинг ҳам инсон ҳақидаги ўз қарашлари борки, бу қарашларнинг манбаи Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардир. Хамсанавислар инсонга таъриф берганда, аввало, ана шу исломий сарчашмаларга таянадилар.

«Ҳайрат-ул аброр»да инсон таърифида дейилади:

«Каррамно» – келди маноқиб анга,
«Ахсани тақвим» – муносиб анга[385].

«Каррамно» сўзи «Валақад» каррамнамо бани Одама (Одам авлодини мукаррам қилиб яратдик) оятига ишора бўлса, «аҳсани тақвим» «лақад халақнал инсона фи аҳсани тақвим» (Инсонни гўзал суратда яратдик) оятига ишорадир. Инсон Худонинг Ердаги халифаси, мавжудотнинг гултожи Инсон қалби тангри таоло муҳаббатининг хазинаси. Тангрининг дунёни яратишдан мақсади ҳам инсон эди, деган улуғ инсонпарварлик ғоя асарда куйланган.

Исломий манбаларда инсон камолотига ҳам эътибор катта. Аммо комил инсон сўфиёна адабиётнинг асосий қаҳрамонига айланган эди. Жумладан, «Хамса» сўфиёна ғояларни ифодалаган асар бўлиб, уларда инсон талқини шу нуқтаи назардан ёритилади. Айниқса, Амир Хусрав ва Навоийда бу майл аниқ сезилади. Уларда комил инсон шариат ва тариқатга бирдай риоя этувчи дунёвий ва илоҳий илмларни мукаммал эгаллаган пуркаромат ориф киши сифатида кўрсатилади.

Инсоннинг камолоти унинг ўз-ўзини англаши инсон руҳининг покланиши, ўз асли Мутлақият томон интилиши билан амалга оширилади. Амир Хусрав ёзади:

[385] Ўша асар, 19-б.

Эй зи гавҳари пок омада,
Гавҳари ту зевари хок омада[386].
(Эй азалдан гавҳари пок бўлган инсон,
Сенинг гавҳаринг тупроқнинг зийнати бўлди).

Яъни азалдан пок яратилган инсон руҳи яна моддийликдан покланиб, камол топиши керак. Аммо бу умумий сўфиёна ғоя ҳар бир шоирда конкрет йўсинда турлича ифодаланган. Низомийда моддийлик ва руҳонийлик орасидаги зиддиятларни кўрсатишга эътироф қилинса, Амир Хусравда инсоннинг улуғворлиги таъкидланиб, шунга муносиб бўлиш уқтирилган. Жомий ва Навоийда эса ўз-ўзини таниб, қалбдаги илоҳий хазинани кашф этишга даъват асосий ўринни эгаллайди.

Хамсанавис шоирлар комил инсоннинг энг ёрқин намунаси ҳазрати Пайғамбаримизни тилга оладилар. Шу боис пайғамбарга бағишланган қатор наътларда унинг муборак сиймоси тасвирланади. Амир Хусравда ҳам, Навоийда ҳам Пайғамбарнинг исломни жорий этиш йўлидаги фаолиятига тўхталган бўлиб, нури Муҳаммадия тушунчаси батафсил ёритилган. Яъни Парвардигор аввал Муҳаммад нурини яратиб, сўнгра олам ва одамни яратди. Пайғамбар сиймосида жисмоний ва руҳий асос, илоҳий ва инсоний қудрат, Тангрининг жамолу камоли тўлиқ акс этган. Айниқса, меърожномаларда шоирларнинг қайноқ муҳаббати, санъаткорлиги равшан намоён бўлган. Зеро, Меърож сўфийнинг илоҳ васлига интилиш фано ва бақо ҳолатларига ўхшашдир. Алишер Навоийда меърож кечаси ажойиб ҳаяжонли, бахтли кеча сифатида тасвиланади. Пайғамбарнинг беором бўлиши, жони ичига сиғмай қувониши жонли манзараларда кўрсатилади:

Чунки наби муждаи жонон топиб,
Муждаи жонон чу топиб, жон топиб[387].

Бу тасвир маъшуқа васлига етган ошиқ ҳолатини эслатади. Пайғамбарнинг замон ва маконни унутиб, бехудлик ҳолатида Тангри ҳузурида туриши ҳам сўфиёна достонлардаги тасвирларга яқиндир.

Ҳамд ва наътлар достонларнинг таркибий ажралмас қисми, ўзига хос тил, услуб ва поэтик тасвир тарзига эга қисмлардир. Бу боблар гарчи анъанавий бўлса-да, лекин уларсиз шоирлар дунёқарашини тўлиқ тасаввур қилиб бўлмайди. Шу сабаб биз мазкур достонларнинг барча бобларини яхлит ҳолда олиб қарашни маъқул ва мақбул йўл деб ҳисоблаймиз. Достонлардаги йигирмата мақолот мазмуни ҳамд ва наътларнинг мазмунидан ўсиб чиқади. Бошқача айтганда, агар бир достонни бир иморат деб билсак, ҳамд ва наътлар унинг пойдеворидир. Чунки шоирлар назарида дунё муайян мунтазамликка эга. Аввал Тангри, кейин у яратган олам, олам саркори пайғамбар, сўнгра қолган инсонлар…

Инсон камолоти ана шундай даража ва мартабалар ичида олиб қаралади ва бу нарса кўнгил тимсоли тасвирида ёрқинроқ кўзга ташланади. Кўнгил – инсонийлик моҳияти, яъни Тангридан ажралиб, инсон вужудига кирган ва яна Тангри сари талпинувчи руҳ. Шунинг учун Кўнгил илоҳ хазинаси. Инсон кўнгилни таниб ўзини танийди. Низомийда Кўнгил маърифат макони, вужуд султони. Аммо Амир Хусрав бунга аниқ сўфиёна тус бериб, сўфийнинг хилватдаги ҳолатларини тасвирлайди. Навоийда бўлса, Кўнгил оламидан вужуд оламига келиб, Аллоҳ қудратидан ҳайратланишлари тасвирланади. Шу ўринда достонларнинг номланиш сабаби ҳам маълум бўлади, яъни «Матлаъ-ул анвор» деганда, Кўнгил илоҳий нур

[386] Амир Хусрав Деҳлавий. Матлаъ-ул анвар, Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед-оглы Магеррамова. Вступительная статья. Г.Ю.Алиева. «Наука», М: 1975 г. 83 стр.
[387] Ўша асар, – 28 б.

порлайдиган жой эканлиги «Ҳайрат-ул аброр» деганда, сафардаги солик кўнглининг ҳайратини англашимиз керак.

Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, Амир Хусрав, Навоий асарларида тасаввуф ғоялари кенг ўрин эгаллайди. Хусрав билан Навоий сўфий ахлоқи ҳақида қатор фикрлар баён этишдан ташқари, Низомиддин Авлиё ва Баҳовуддин Нақшбанд сиймоларини чизганлар ва валий инсон қандай бўлишини кўрсатганлар. Булар эзгулик тимсоли, комилликка эришган зотлар. Аммо Алишер Навоий ўзининг бевосита устози, пири Жомийни ҳам шундай зотлар қаторига қўйиб таърифлайди, уни реал ҳаётий комил инсон деб билади. Амир Хусрав ва Алишер Навоий ҳаётга муносабатда ҳам тасаввуф таълимотидан келиб чиқадилар. Чин сўфийнинг ахлоқи – намуна. Одамлар ундан ибрат олиши керак. Инсоний нуқсон ва камчиликлар кишиларни илоҳдан ва одамийликдан узоқлаштиради. Киши қанча илоҳга яқин бўлса, у шунча инсонийдир, шунча буюкдир.

Шунинг учун достонларнинг «мақолот»ларида тасвирланган ҳикоятлар, вафо ва садоқат, карам ва саховат, илм ва қаноат, ростлик ва муҳаббат ҳақидаги ғоялар ҳам комил инсон муаммоси билан боғликдир. Бу бобларда шоирларнинг ҳаётий кузатишлари, ҳар бир даврнинг ўз даври аниқроқ кўзга ташланса-да, инсон ва ижтимоий муҳит масаласи кўтарилса-да, бироқ инсонга ва унинг ахлоқий камолотига баҳо бериш исломий-тасаввуфий руҳда давом этган. Чунки комил инсон бир идеал, лекин унинг сифатлари, фазилатлари эса конкретдир.

Агар кузатишларимизни қисқача якунламоқчи бўлсак, қуйидаги хулосалар келиб чиқади: Низомийдан бошланган хамсачилик анъанаси кейинги асрларда давом этган достонларнинг тузилиши, оҳанг ва услубда ҳам, ғоявий мундарижада ҳам ўхшаш умумийлик мавжуд. Жумладан, инсон талқинида ҳам ўхшаш жиҳатлар анча.

Умуман, Навоий бу асарида Амир Хусравга кўпроқ яқин туради. Буни ҳар икки шоирда танқидий руҳнинг устунлиги, пир ва устозларга ҳурматнинг баландлиги, Пайғамбар сиймоси тасвирининг романтик бўёқларда чиқишида кўрамиз.

Аммо Навоийда ижтимоий қарашлар устун. Навоий инсонга биринчи навбатда ҳаётдаги кирдикорларига қараб баҳо беради. Инсон жамиятга келтирган фойдаси билан қадрли. Бошқаларга зиён етказадиган, жамият осойишталигини бузадиган, сийрати суратига тўғри келмайдиган кишилар чин инсон эмас. Навоий шунинг учун «Ҳайрат-ул аброр»да адолат ва зулм тушунчаларини кенг қиёслаб, одил подшо тимсолини яратади.

Алишер Навоий ва унинг салафлари яратган инсонпарварлик концепциясининг моҳияти ана шунда. Шунинг учун уларнинг асарлари ўлмасдир.

ЕТТИ ИҚЛИМ ЭЛИГА ТУҲФА

Алишер Навоий асарларининг русча ўн жилдлик нашри атоқли таржимонлар ва шарқшунос олимларнинг кўп йиллик ижодий меҳнати самарасидир. Мажмуага улуғ шоирнинг қарийб барча асосий асарлари киритилган. Илгариги таржималар ёнига «Мажолис ун-нафоис», «Маҳбуб ул-қулуб», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Ҳолати Паҳлавон Муҳаммад», «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер» каби илмий-бадиий асарлар таржимаси ҳам қўшилган. Бу – шоир даҳосининг яна бир муҳим фазилати унинг олим ва ёзувчи сифатидаги фаолиятини анча кенг кўламда кўрсатишга ёрдам беради. Алишер Навоий асарларининг русча ўн томлигини тайёрлашда таржимонларнинг катта гуруҳи иштирок этган. Масалан, биргина «Хазойин-ул маоний» шеърларини таржима қилган йигирма тўрт шоир орасида тажрибали ижодкорлар ҳам, Навоий мероси бўйича ихтисослашаётган ёш шарқшунослар ҳам бор. Мазкур нашр ҳақида матбуотимизда бир қанча фикрлар билдирилди. Аммо бизнингча, Навоий асарлари таржимасининг ҳар бири тўғрисида алоҳида текшириш олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилинса, таржимонлар маҳорати, ўзига хос услуби тўлиқ ўрганилади ва буюк мутафаккир мероснинг китобхонларга қай даражада тақдим этилаётгани танқидий назардан ўтказилади. Зотан, Навоий асарларининг таржимаси, унинг тарихи ва эволюцияси йирик тадқиқотларга мавзу бўла олади. Биз бу ўринда «Сабъаи сайёр» таржимаси хусусидаги фикр-мулоҳазаларимизни ўртоқлашмоқчимиз.

«Сабъаи сайёр» сюжетининг мураккаблиги, мажоз, истиораларга бойлиги, образларнинг ўзига хослиги билан «Хамса»нинг бошқа достонларидан ажралиб туради. Алишер Навоий, Фирдавсий, Низомий ва Хусрав Деҳлавий ижодида турли даражада ишланган Баҳром Гўр сюжети асосида бутунлай янги асар яратди. У «Баҳром ва Дилором» сюжет чизиғини асосий қолипловчи ҳикояга айлантириб, тугал ҳолга келтирди, инсоний ишқ муҳаббатни марказий мавзу қилиб олди. Баҳром Навоийда дардли, ҳижронзада ошиқ сифатида тасвирланади. Достонда чин муҳаббат дарди ва шоҳлик ғурури орасидаги зиддият кўрсатилади, маишатпарастлик қораланади. Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, гуманистик ғоялари асарда яққол ифода этилган. Шоир турли табақага мансуб шахслар образларини яратиб, реал ҳаётий мотивларни куйлаган эди.

«Сабъаи сайёр»нинг русчага таржимаси Семён Липкин томонидан 1948 йилда амалга оширилган. Таржима ўн жилдликка киритилишидан олдин жиддий қайта ишлаб чиқилган, бир неча боблари янгидан таржима қилинган. Таржиманинг 1948 йилги нусхасида асар мазмунини сўзма-сўз, мисрама-мисра беришга интилиш сезиларди. Бу ҳол кўп сўзлилик ғализликни юзага келтирган эди. Кейингиси эса бадиий жиҳатдан анча етук, таржимон русча байтларнинг жарангдор, равон ва таъсирчан бўлишига эришган.

Умуман, Фирдавсий, Низомий, Ҳофиз, Жомий, Бобур каби шарқ классиклари меросидан китобхонларни баҳраманд этишда бу моҳир таржимоннинг хизмати улкан. Алишер Навоий ижодига нисбатан эса С.Липкиннинг алоҳида муҳаббати бор. Ўзбек шоири ижоди билан у 1939 йили «Лайли ва Мажнун» достонини таржима қилиш жараёнида танишган эди. Шундан бери Навоий асарлари таржимаси устида мунтазам шуғулланиб келди. Навоийга хос санъаткорлик, шоирнинг бадиий тафаккур дунёси, шеърий санъати, ижоди руҳини чуқур ҳис этгани учун ҳам у аслига яқин, етук таржималар ярата олди. С.Липкин Навоий даври адабиётини, ўзбек классик шеъриятининг қадимий анъаналарни кўп йиллар давомида қунт билан ўрганди, энг кичик жанрлардан йирик бадиий обидаларгача барча ёдгорликларнинг нозик томонларини, балоғат ва фасоҳатини қалбига жо этди. Бу эса улуғ шоирлар

«кўнгил дафтарлари» – ажойиб асарларини рус тилида қайта бунёд этишда таржимон-шоирга мустаҳкам замин бўлиб хизмат килди. Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони таржимаси бунинг ёрқин мисолидир.

«Сабъаи сайёр» таржимасида достоннинг кўпгина бадиий-тасвирий фазилатлари, ғоявий мазмуни, образларнинг ўзига хослиги, сюжет пишиқлиги яхши акс этган. Таржимон ўзбек классик шеърий формасини, Шарқ достонининг ишқий-романтик мазмунини рус тили, рус шеърий вазни орқали хўб бера олган. Натижада ҳайратомуз бир шеърий ҳодиса рўй берган: ҳам Навоий овозини ва ҳам рус назминнг оҳангини ҳис этади ўқувчи:

Предстал очам Бахрама караван,
И доложили люди, что хакан.
Исполнил слова шаха, что казна
На этот раз торговцу вручена,
Что радости лучи для них зажглись,
Что с ними-белогрудый кипарис,
Что пери прибыла в его жилье,
Что сотни солнц хотят купить ее,
Что розу обжег пустынный зной,
Не утомил тяжелый путь степной...[388]

Бу парча достоннинг Дилоромни Чиндан Баҳром ҳарамига олиб келиш бобидан олинган. Қизнинг суратини кўрибоқ, унга ошиқи беқарор бўлган шоҳ Хитойга одам юбориб, бир йиллик хирож эвазига уни сотиб олиб келишни буюради. Мулозимлар Дилоромни Баҳром саройига етказиб, унга хабар берадилар:

Еттилар ул гуруҳким бори,
Азм этиб эрдилар Хитой сори.
Келибон бахтдин кушод била,
Кўрдилар шоҳни мурод била.
Қилдилар арз хон мақолотин,
Ҳар нечук туҳфа бирла савғотин.
Они ҳамким хирож қилди қабул;
То суманбар баҳоси топти вусул.
Они ҳамким, париваши гулчеҳр,
Байъиға муштари анинг юз меҳр.
Келди бўлмай сафардин озурда,
Гули исиқ ҳавода пажмурда...[389]

С.Липкин таржимаси бир байт кам: дастлабки уч байт рус тилига икки байт бўлиб кўчган ва:

Они ҳамким хирож қилди қабул,
То суманбар баҳоси топти вусул[390].
Что радости лучи для них зажглись
Что с ним-белогрудый кипарис -[391]

Шунингдек:

---

[388] Алишер Навоий. Соченения в десяти томах, том IV. Семь планет. Изд. «Фан», Т: 1968, 48 стр.
[389] Алишер Навоий. Хамса танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. Тошкен: «Фан», 1960, 491-б.
[390] Шу асар 491-бет.
[391] Алишер Навоий. Соченения в десяти томах, том IV. Семь планет. Изд. «Фан», Т:, 1968, стр. 48.

Что пери прибыла в его жилье[392]

мисраси ҳам Навоийда айнан учрамайди. Буни мутаржим жумладаги гаплар талаби-фикр оқимига қараб «ўзидан» қўшган. Бундан кейинги мисралар ўзбекча байтларнинг айнан таржимаси С.Липкин байтларни ўз ичига олган бутун манзара тасвирининг синтактик яхлитлиги ва ундан келиб чиқадиган баён услубини сақлаш учун русча мисраларнинг ҳар бирини бир эргаш гап тарзида тузиб, уларни бош гапга «что» боғловчиси билан алоқага киритган ва уни мисралар бошида келтирган, «Что» Навоийдаги «ҳамким» боғловчисининг функциясини бажаради.

С.Липкин Алишер Навоий образларининг руҳий тасвири «кишилар»нинг кечинмалари, ички дунёсини очишдаги санъаткорлиги ўзига хос тили, қаҳрамонлар портрети, хатти-ҳаракатини анча муваффақият билан қайта яратган. Мана Баҳромнинг Дилоромга мактубидан бир лавҳа:

« ...Я без тебя ничтожным стал, как раб,
Увы, я так беспомощен и слаб.
Что воду я не в силах пить: я пью
Не воду, мнится мне, а кровь свою.
Я пленник, -будь мне госпожой: приди!
Я болен телом и душой: приди!
Я мёртв, -ты смерть сумеешь побороть,
Ты жизнь вдохнешь в безжизненную плоть.
Приди ко мне, как солнце поутру,
Приди: промедлишь ты – и я умру»[393].

Ёр фироқида адойи тамом бўлган ошиқнинг ички дарди – Навоий қаламига хос ўтли, ҳаяжонли тасвирни рус китобхони бемалол ҳис қила олади. Шарқ шеърияти намуналари таржимаси борасида сўз кетар экан, ундаги ҳар бир жанр муайян хусусиятларга эга эканини назарда тутиш лозим. Жумладан, классик достонлар ва маснавийлар таржимасининг ўз талаблари бор. Ғазал, қитъа, рубоий сингари лирик жанрларда ҳар бир байтнинг конкрет маъносини айнан бериш, яъни байтма-байт таржима қонуниятига амал қилиш шарт. Маснавийда таржимон ўзини бир қадар эркинроқ ҳис эта олади. Маснавийдаги бир байтнинг мазмунини икки байтда бериш ёки икки байтни таржимада бир байтга «сингдириш» мумкин. Бу эпик асарнинг ҳикоячилик тарзига зиён етказмайди. Аммо бу усулни зарур ўринларда, шароитга қараб қўллаган маъқул, албатта.

С.Липкин маснавий жанрининг ана шу имкониятидан жуда меъёрида, усталик билан фойдаланади. Бир неча байтни ичига олган жумланинг синтактик яхлитлиги ва ундан келиб чиқадиган ҳикоячилик оҳанги баён услубини сақлаш мақсадида русча мисраларнинг ҳар қайсисини бир эргаш гап тарзида тузиб, уларни бош гапга «что» боғловчи билан алоқага киритади ва бу боғловчини мисралар бошида келтиради.

Таржимоннинг услуби аниқ, асосий эътибор достон мазмунини очиб бериш, улуғ шоир фикрини тўлароқ акс эттириш, унинг тасвир тарзини сақлашга, қаратилган. Бу аниқликка, тўғрироғи, бадиий эстетик аниқликка эришиш йўлидаги ижодий эркинликдир. Айрим байт ва эпизодларда таржимон асардан бирмунча узоқлашгандек туюлса-да, лекин мазмуни бузилмайди, аксинча бу достон эстетик маъносини рус тилида тўла ҳамда мукаммалроқ

[392] Алишер Навоий. Соченения в десяти томах, том IV. Семь планет. Изд. «Фан», Т: 1968, стр. 48.
[393] Шу асар стр. 292.

чиқариш учун бўлган «узоқлашиш»дир. Бинобарин, Навоий даҳоси, шеърий иқтидори таржимада ҳам сезилиб туради. Достондаги шарқона оҳанг, ишқий-романтик услуб рус тили, рус шеърий вазни орқали анча муваффақият билан қайта яратилган. Натижада, Навоий овозини ҳам, рус назми интонациясини ҳам ҳис этасан киши. Бу таржимоннинг катта ижодий ютуғидир. Таржимада достон қаҳрамонларнинг руҳий кечинмалари тасвири, Навоийнинг қаҳрамонлар портрети уларнинг хатти-ҳаракатларини чизиш, дардли, ўтли ва ҳаяжонли тавсифларга бой манзаралар яратиш маҳорати бўртиб кўринади.

С.Липкин таржимасида асарнинг рамзий, мажозий хусусиятлари, кўпдан кўп сўз ўйинлари, анъанавий бадиий санъатлар ҳам ўз ифодасини топа олганини қониқиш билан қайд этиш керак, чунки «Сабъаи сайёр»да мажозий тасвир катта ўрин эгаллайди. Навоий Шарқ мифологияси, қадимги тушунчалардан фойдаланиб, хилма-хил сўз ўйинлари яратган. Сайёралар, юлдузлар фалак буржлари билан достон қаҳрамонларининг номлари (Баҳром – Миррих, уруш, қаҳру ғазаб тимсоли; Дилором – Зуҳро созанда, санъат маъбудаси...) ҳамда етти қаср, етти гўзал ва етти мусофир ҳикоялари орасидаги рамзий ташбеҳлар; қаҳрамонлар хулқ-атвори, кийиниши билан ранглар, кунлар, сонлардаги мажозий хусусиятлар мутаносиблиги – булар барчаси достоннинг бутун тўқимасида сезилиб туради. Чунончи, Навоий ҳар бир ҳикоятни бошлашдан олдин Баҳром ўтирадиган қаср, ундаги ашёлар, либослар ранглар билан қаҳрамон кайфияти орасидаги мутаносибликни тасвирлаб боради; ҳафтанинг етти куни етти хил рангли қасрда ўтади: қора, сариқ, яшил қизил, зангори, сандал ранг, оқ. Бу ранглар бежиз танланмаган, уларнинг ҳар бири муайян кайфиятга ишорадир. Масалан, қора – мотам кайфиятини, сариқ – куз, сўлғинликни, яшил – руҳий бардамликка интилишни, қизил – қайғу-ҳасратни, зангори – кўнгилнинг равшанлаша боришини, оқ ранг эса шодлик, висол севинчини билдиради. Бу билан буюк шоир ёридан ажралган Баҳромнинг ҳижрон кунларини ва висол дамларини ёрқинроқ ифодалашга муваффақ бўлади. Ички ҳикоятларнинг мазмуни, персонажлар портрети, пейзаж ва тасвирий воситалар ҳам шунга мувофиқдир:

Чун душанба сипеҳри зангори,
Зангдин қилди кўзгусин ори.
Қилди юз реву ранг ила гардун,
Субҳ чодиршабин зумуррад гун...[394]

Таржимаси:

Вот солнце понедельника взошло,
Небес желто-зеленое стекло.
От ржавчиный отмыло: засверкал
Небесный свод сверканием зеркал
И пожелал, исполненный причуд,
Чтоб вспыхнула заря, как изумруд...[395]

Ёки: бешинчи мусофир ҳикоятидаги Меҳр ва Сухайл саргузашти кўкиш – зангори ранг фонида тасвир этилгани сабабли бутун ташбеҳлар шу рангни эслатадиган ашёлардан танланган.

Семён Липкиннинг санъаткорлиги ҳақида К.Чуковский самимий гаплар айтган, унинг таржималаридаги оҳанг равонлигига, мисраларнинг тиниқ, таъсирчанлигига алоҳида эъ-

[394] Алишер Навоий. Хамса танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. Тошкент: «Фан», 1960, 533-б.
[395] Алишер Навоий. Соченения в десяти томах, том IV. Семь планет. Изд. «Фан», 1968 г. стр. 140.

тиборни тортган эди.

«Навоий шоирни заргарга ўхшатади, – дейди К.Чуковский, – Липкин менинг назаримда ана шундай қимматбаҳо мисралар шодасини яратган заргар, «жавоҳир пардозловчи» бўлиб гавдаланади. Шарқ эпосининг кашфиётчиси Липкин ўзи мафтун бўлган нафосатдан бизни ҳам баҳраманд қилмоқда. Шеъриятга заррача меҳри тушган ҳар қандай одам С.Липкин таржимасидаги «Сабъаи сайёр» ни қўлга олар экан, ўқиб тугатмагунча ундан ажралмайди.

Таржимоннинг санъаткорлиги, муваффақиятлари таҳсинга лойиқ. Шу билан бирга айрим ўринларда Навоийдаги кучли мажозлар унчалик ёрқин чиқмаганини ҳам айтиб ўтиш керак. Масалан, Баҳромнинг узоқ айриликдан сўнг Дилором билан учрашиш эпизодида Алишер Навоий ўзининг ишқ салтанатдан кучли деган ғояси тантанасини намойиш этиш учун меҳр, офтоб, спеҳр, зилли илоҳ иборалари орқали зўр мажозий тасвир яратиб, сипеҳр –Баҳром қуёш – Дилором олдида таслим бўлди, дейди. Бу маъно таржимада тўла рўёбга чиқмаган. Таржимада рамзийликни сақлаш борасида сўз кетганда достон номининг таржимаси хусусида ҳам тўхташ лозим. «Сабъаи сайёр» етти сайёра ва етти сайёр – мусофир маъноларини англатади. Таржимон бу сўзнинг биринчи маъносини назарда тутиб, достонга «Семь планет» деб ном берган. Бизнингча, гарчи асар номида, бир неча маъно мужассамланган бўлса-да (етти сайёр ва мусофирдан ташқри, етти қаср, етти фалак, етти иқлим, етти гўзал маҳбуба, ҳафтанинг етти куни, етти ҳикоят), Алишер Навоий кўпроқ етти мусофир ва улар айтган ҳикоятларни назарда тутган. Достон шу ҳикоятлар асосига қурилгандир. Шоирнинг:

Лутф бу назм аро бағоятдур,
Ғараз аммо ети ҳикоятдур, –[396]

деган фикрини эсда тутишимиз лозим. Шунга кўра, асар номи русчада «Семь странников» деб аталса ва «Сабъаи сайёр» иборасининг бошқа маънолари ҳам борлиги изоҳ билан тушунтирилса маъқул бўлар эди.

Яна айтиш керакки, Навоий тушунчасидаги сайёра ҳозир қўллаётганимиз «планета» сўзи маъносига мос келмайди. «Етти сайёранинг ҳаммаси ҳам «планета» эмаслиги фанда аллақачон исботланган. Бу ҳам «Семь планет» деган номнинг номувофиқ эканлигини тасдиқлайди.

«Сабъаи сайёр»нинг русча нашридаги катта қусурлардан бири шундаки, таржимон достоннинг бир неча бобларини қолдириб кетган. Балки, мустабид давр мафкураси талаби билан оммавий нашрлар учун достоннинг ҳамду наътлар, шоҳу шаҳзодаларга бағишланган бобларини қисқартириш лозим бўлгандир. (Умуман, олганда, бундай ўринлар ҳам шоир шахси ва дунёсини бутун мураккаблиги билан тушунишга ёрдам беради). Навоийнинг Жомийга бағишлов боби ва асар охиридаги туш кўриш боби каби муҳим ўринларининг ҳам таржима қилинмаганлиги узрсиз. Зеро, Навоий Низомий ва Ҳусрав ижодидан таъсирланганини (бу боблар таржимада бор) баён этиш билан бирга, Жомийга ўз муносабатини билдирган. Жомий ўзбек шоирининг замондоши, дўсти ва маслаҳатгўйи, пири эди. Бу икки зотнинг ўзаро бағишловлари XV аср адабий ҳаракатининг муҳим масалаларини қамраб олади, икки халқ дўстлигини ифодалайди.

«Сабъаи сайёр» достони охирида Навоий туш кўриш бобини келтириб, (Баҳром Навоий тушига киради), Баҳром тилидан Ҳусайн Бойқарога насиҳат қилади. Бунда улуғ шоирнинг сиёсий қарашлари, адолатли доно тадбиркор шоҳ ҳақидаги ғоялари ифодаланган. Хусайн Бойқаро тўғридан-тўғри Баҳромга ўхшатилади. Агар султон маишатпарастликдан, бехуд-

[396] Алишер Навоий. Хамса танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. Тошкент: «Фан», 1960, 614-б.

ликдан воз кечмаса, тақдири Баҳром сингари аянчли фожиа билан тугаши мумкинлиги рўй-рост айтилада. Шунинг учун ҳам асар замонавийлиги, реаллигини таъминлашга хизмат этадиган бобларни таржима қилиш зарур эди. Умуман, Навоий каби буюк сўз санъаткорларининг асарларини яхлит ҳолда, қисқартирмасдан, илмий-аниқ таржималар ҳолида нашр этиш пайти келди, деб ўйлаймиз. Ўзбек китобхонлари эмас, балки барча китобхонлар халқлари ҳам шоирнинг бор бисотидан баҳраманд бўлиши айни муддаодир,

Алишер Навоий «Сабъаи сайёр»нинг сўнгида:

Деганимни улусқа марғуб эт!
Ёзғонимни кўнгулга маҳбуб эт!...
Етти афлокни анга ёр эт!
Етти иқлим элин харидор эт![397]

Таржимаси:

Мой труд! Начни в родной стране свой путь,
Народу моему желанным будь...
Да будет их друзьями полон свет,
А покупателями – семь планет[398] –

деган. Бугунги кунда унинг асарлари русча ва бошқа тиллардаги таржималар орқали хорижий мамлакатлардаги бошқа халқлар қалбидан жой олмоқда. Бу шоир эзгу орзусининг амалий ифодасидир.

ТАФАККУР ВА БАДИИЙ ТАЛҚИНДА МУНОСИБ ИЗДОШ

Ғафур Ғулом «Шарқ назми осмонининг икки порлоқ қуёши» сарлавҳали мақоласида: «Мен – Шарқнинг шоириман. Шу туфайли Шарқ назмининг ҳамма классиклари менинг қардошларим – ақраболарим, десам хато бўлмайди... Мени ана шулар яратган мерос тарбиялаган»[399], – деб ёзади.

Бу эътирофдан очиқ кўринадики, Ғ.Ғулом ижодида Шарқ шеърияти анъаналари хусусида баҳс очиш умуман ўтмишдаги Шарқ илғор адабиётига шоирнинг муносабат масаласини кўтариб чиқиш деган гапдир. Бу ғоятда мураккаб, бир томони шоирнинг эстетик идеалларига бориб тақаладиган масаладир. Аммо Ғ.Ғулом ижодида алоҳида олинган бир доҳий санъаткор таъсирининг айрим кўринишлари хусусида сўз юритиш эса ҳарҳолда қаламни зўриқтирмаса керак.

Ғ.Ғулом бадиий-ижодий анъананинг ранго-ранг иплари билан ўз салафларидан, дастлаб, улуғ Алишер Навоий ижодига энг кўп боғлангандир. У Алишер Навоий ижодининг ғоялари, образлари ва фалсафий мазмуни билан изчил равишда таниша борди. Бу танишиш, айниқса, «Фарҳод ва Ширин» байтларини насрда изоҳлаш машғулотлари жараёнида устоз ижодининг ғоявий-бадиий принципларини ижодий ўзлаштириш ва ривожлантириш даражасида ўсиб чиқди.

Бадиий таъсир ғоятда кўп қирралидир. У ғоявий уйғунлик, шакллар яқинлиги кўринишларига эга бўлиши мумкин. Шунинг билан бирга, у бадиий восита ва образлардан фойда-

---

[397] Алишер Навоий. Хамса танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. Тошкент: «Фан», 1960, 614-615-бетлар.

[398] А.Навоий. Сочинения в десяти томах. VI том. Ташкент, издательсто «Фан». стр. 312-313.

[399] Ғ.Ғулом, Асарлар, 10 томлик, II том, Т:, 1972, 158-бет.

ланишдаги яқинликда ҳам кўзга ташланади. Масалан, буюк Алишер Навоий «шеър ... ўйинчоқ ва эрмак бўлиб қолган, адабиёт ўлаётган»[400] бир шароитда, адабиётнинг аҳамияти учун жон куйдириб, ўз асарларининг (жумладан, «Фарҳод ва Ширин» нинг) «Навосизларга» ҳам, «гадо ва ғаниларга» ҳам, «қул ва шоҳларга» ҳам керакли нарса бўлишини истаб, ҳаяжонли сатрлар битади:

... Буюрсанг сочмоғин мен бенавога,
Чиқор юз бенаво илгин ҳавога,
Айиргоч базл ила бу бенаводин,
Навосизларга қормотқил ҳаводин.
Гадоларга доғи андин ато бер,
Ғаниларга доғи они туто бер.
Шаҳ олса доғи қилсун тожи торак,
Қул олса ҳам анга бўлсун муборак[401].

Ғ.Ғулом ҳам бирон бир тамаъ илинжида шеър ёзишдан бегона, у ўз асарларининг деҳқон ўлка дарёсидек ватан тупроғига сингиб, элга маънавий қут етказишини орзу қилади:

Уфқим доирасидан достонча гуллар териб,
Қачондир ушбу шеърим Сирдарёдек оқолса.
Ватаним тупроғининг мағзи-мағзида эриб,
Қатра-қатраларидан халқимиз гул тақолса[402].

Алишер Навоий ўзбек адабиётига воқеликни фалсафий идрок этиш ва муайян фалсафий қарашлар асосида уни таҳлил қилиш анъанасини олиб кирди. Агар анъанани фақат шаклий омиллардан эмас, балки моҳиятдан қидирадиган бўлсак, Алишер Навоийнинг Ғ.Ғулом поэзиясидаги анъаналари, энг аввало, ижтимоий ҳодисаларни чуқур мушоҳада ва таҳлил қилиб, уларга фалсафий-бадиий характеристика беришда кўринади.

Навоий наздида оламда энг мўътабар зот – инсондир. Шунинг учун ҳам башариятнинг ҳар бир алоҳида аъзоси ўз жинсдошларининг нафъи учун жон куйдириши лозим:

Одамий эрсанг демагил одами
Оники, йўқ халқ ғамидин ғами[403].

Алишер Навоий нуқтаи назарида эл нафъига хизмат қилиш башар авлоди учун лозим ва фарз бир бурчдир. Ана шу бурчни ҳалол адо этиш орқали инсон ўзининг шахсий орзуларига ҳам эришади. Чунки элга нафъ етказган ҳар бир шахс бемукофот қолмайди:

Нафъинг агар халққа бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзунга кўпракдурур[404].

Буюк мутафаккирнинг эпик асарларидаги кўпгина бадиий тимсолларнинг олижаноб фазилатга эга қилиб тасвирланишида ҳам катта маъно бордир. Ушбу мулоҳаза тақозоси билан шоирнинг «Фарҳод ва Ширин»идан шундай эпизодни келтирайлик: Хусрав томонидан Салосил қўрғонида ҳибс этилган Фарҳодни озод қилиб юбориш фикрида бўлган соқчилар унга:

Қаёнким хотиранг истар қадам ур,
Бу маҳзун хайлни Тенгрига топшур.
Нечаким етса Хусравдин ғаромат,

---

[400] Е.Э.Бертельс, Навоий, М- Л. 1948, стр -51.
[401] Алишер Навоий. Хамса танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. Т: «Фан», 1960, 267-б.
[402] Ғ.Ғулом. Асарлар, III т., 278-б.
[403] Алишер Навоий. Хамса танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. Т: «Фан», 1960, 531-б.
[404] Шу асар 178-бет.

Не бўлсоқ биз бўлиб, сен бўл саломат[405]*, – дейдилар.*

Лекин Фарҳод уларнинг гапларига кўнмайди. Фарҳоддаги юксак инсонпарварлик, софлик соқчиларни Хусрав қийноқларига йўлиқтирмаслик ҳисси унинг «ихтиёрий» равишда асирликда қолишига сабаб бўлади. Ваҳоланки, Фарҳод соқчиларнинг кўмагисиз ҳам асирликдан қутилиш имконига эга эди. Бу масалада унга Суқротдан ўрганган билимларининг ўзи кифоя эди. Аммо у «коми ҳавога рағбат айлаб, неча маҳзунни балоға солмоқ, вафо аҳли учун нораводир»,[406] деб ҳисоблайди.

Алишер Навоийнинг шеърларидаги лирик қаҳрамон учун ҳам худбинлик кайфияти мутлақо ётдир.

Шиква қилмон гар жафодин бошима ёғдурса тош,
Тоқатим йўқ элга қилса барг гул урмоқ ҳавас.

У элга хизмат қилишни тангрига хизмат қилишдай шарафли деб билади:

Мендек қул ўлгай элга, қўйиб Тенгри қуллигин,
Мингдан бир эмас эмгагим онинг сазосидин[407]*.*

Албатта, Навоийнинг лирик қаҳрамони табиатидаги бу хусусият эътиборга лойиқдир.

Ғ.Ғулом поэзиясида ҳам инсонни тасвирлаш биринчи режада туради. Ҳатто шоир ўзига хос – ғофурона муболаға билан инсонни улуғлаган шеърларни рангин мисраларда мадҳ этади:

Одамзод улуғлиги ёзилган ҳар варақнинг
Сўзлари бриллиантдан, нуқталари жавоҳир[408]*.*

Лекин Ғафур Ғулом поэзиясида улуғланган инсон Навоий куйлаган «умуман инсон» эмас, балки муайян замин ва замоннинг фарзанди, аниқроғи яратувчи, меҳнаткаш инсондир.

Бутун китобларимни варағ-варағ ахтаринг,
Ҳамиша улуғ инсон Ғафурнинг темасида.
Инсоннинг қатра қони менга оламча мазмун,
Фақат ўзинг буюксан Қуёш системасида[409]*.*

Элнинг тилакларини амалга ошириш йўлида фидойилик қилиб, дунёда эзгу ном қолдиришга интилиш Ғафур Ғулом поэзиясида ҳам ўзининг кўпдан-кўп қирралари билан кенг ёритилади. Аммо унинг бундай шеърларида мавзу ва мазмун жиҳатидан Алишер Навоий шеърларига бирмунча яқинлик бўлса-да, улар жиддий фарқлар, новаторлик хусусиятларидан ҳам холи эмас. Бу нарса, биринчи навбатда, янги бир иқтисодий-ижтимоий жамиятда яшаган Ғафур Ғулом шеърларида элга хизмат қилишнинг муайян соҳалари хусусида фалсафий мушоҳадалар юритиб, конкрет илмий хулосалар чиқаришда кўринади. Масалан, унинг «Кулол ва заргар» сарлавҳали шеърида элга хизмат қилишнинг камтарона кўриниши бўлган кулол меҳнатининг моҳияти теран фалсафий мушоҳадалар воситасида қуйидагича ёритиб берилган:

Отанг ясар эди сопол пиёла,
Халқ учун хизмат бас,
на шуҳрат,
на ном.

---

[405] Шу асар 531-бет.
[406] Алишер Навоий. «Хазойин-ул маоний». II т., Т: 1959 й., 235-б.
[407] Алишер Навоий. «Хазойин-ул маоний». IV том, Ўз АН наш., Т: 1960 йил, 507-бет.
[408] Ғ.Ғулом. Асарлар. II том. 171-бет.
[409] Шу асар, 178-бет.

У ясаб бермаган қон ёшга тўла
Искандар, Доролар учун олтин жом.
Отанг ўз чархида дўндирган товоқ
Минг-минг кишиларни сувга қондирган.
Ачитма гўжалар, қимиз, ширқовоқ
Чарчоқни енггану куч уйғонтирган...
Бирор археолог қазилмалардан
Топиб ола қолса бир синиқ сопол,
Шунда иероглиф чизилмалардан
Минг йиллик тарихни ўқир бемалол.
Бу тепа қаеру бу қайси қўрғон
Бу ерда ким яшаб, ким обод қилган,
Халқи кимлар эди ва қандай замон
Қай умид ўртаган, не ижод қилган?
Чуқур ўйлар ичра толиқар олим,
Ўртада гангайди минг шубҳа, савол.
Шунда жавоб берар гўё аллаким,
Сопол товоқ тутган бир кекса кулол[410].

Ғафур Ғуломнинг «Шофёр», «Ақл ва қалам», «Қуёш теварагида» каби жуда кўп шеърларида ҳам эл ва юрт юмушида фидокорлик кўрсатишнинг конкрет соҳалари хусусида фикр юритилиб, унинг чуқур ижтимоий моҳияти очиб берилади.

Алишер Навоийнинг ижодий даҳосидан новаторларча баҳраманд бўлиш ҳамма ҳолларда ҳам шоирни маълум мавзу атрофидаги мулоҳазалардан фавқулодда қувватли бўлган фалсафий хулосалар чиқариш сари етаклайди. Бу жиҳатдан унинг «Ғолиблар» шеърида қуйидаги сатрлар ибратли бўлиб, уларда бир томондан, Алишер Навоийнинг «Одамий эрсанг»..., – деб бошланувчи машҳур байти мазмунига ҳамоҳанг фикрлар ифодаланган бўлса, бошқа бир томондан, текинхўрларча ҳаёт кечириш касби ва нияти бўлган кимсаларнинг шаънига нисбатан таъриз-кесатиқ ҳам мавжуддир:

Инсоният ҳуқуқи, ростини айтсам,
Ҳамма одамларга муяссар эмас.
Малъун бўлиб яшашни афзал кўрганлар,
Бўлолмас одамзод билан ҳамнафас.
Одамнинг муқаддас, улуғ меҳнати,
Неъмат оламига ёзур дастурхон.
Бир тўда ҳаромхўр қуртдан чиримас,
Коинотга нисбатан олмадай жаҳон[411].

Бир мавзуда яратилган шеърлар мисолида Алишер Навоий ва Ғафур Ғулом поэзиясидаги фалсафий-поэтик фикрлар муштараклигини, ёхуд улардаги айрим муҳим тафовутларни аниқ белгилашда ҳар иккала шоир ижодида хотин тушунчасидаги мазмун ва моҳиятнинг очилишини қараб чиқиш ҳам юқорида баён этилган мулоҳазаларни янада тўлдиради. Алишер Навоий ўз достонларида оқила, заковатли, давлат арбоби, санъаткор, ҳатто жангчи бўлган хотин-қизлар (Ширин, Меҳрибону, Лайли, Дилором, Нозмеҳр ва кўплаб бошқа) тим-

[410] Ғ.Ғулом. Асарлар, 5-томлик, II том, 352–3535-бетлар.
[411] Шу асар I том, 197–бет.

солини яратади. Лирикада эса ўзининг аёллар ҳақидаги фалсафий-поэтик фикрларини оташин инсонпарвар, донишманд сифатида зўр ҳаяжон билан ифодалади.

Алишер Навоий ўзига хос ижтимоий-фалсафий ва сиёсий дунёқараши принципларидан келиб чиқиб, хотин-қизларни ҳам икки гуруҳга – яхши ва ёмонга ажратади, ҳамда яхши хотинларни эркаклар билан бир сафда қўйиб (ҳатто уларни айрим эркаклардан устун қўйиб ҳам) улар шаънига мақтовлар ёғдиради:

Яхши хотунлар сафоий зуҳдидин
Одам ичра гар ёруғлик бўлса фош
Йўқ ажаб, чунким араб алфозида
Истилоҳ ичра муаннасдур қуёш[412].

Ёки:

Юз туман нопок эрдин яхшироқ
Пок хотунлар аёғининг изи . . .[413].

Шоирнинг талқинича, хотин, биринчи навбатда, чексиз меҳр-эҳтиромга лойиқ онадирки, ҳатто «ано ўрнин ато тутмас ўғилға»[414]. Сўнгра у турли жафолар остида қолган ошиқ билан бирликда «ғам дейишиб»[415], унинг дардига тенг шерик бўлувчи вафодор, мунис маҳбубадир. Шу туфайли ҳам «аниси ҳарам бўлган завжа – (хотин)нинг муҳтарам тутилмоғи лозимдур[416]. Ёр тушунчасини кенг ва тор маънода англаганда ҳам унингсиз ҳаёт зиндондан фарқ қилмайди, чунки:

Ҳар кишига етса фалакдин ғаме,
Бўлмаса ҳамдарди, анинг ҳамдами,
Ғоз лабин тиккон ипин сўкмаса,
Ҳар неки кўнглида эрур тўкмаса,
Дард ёқиб шуълаи нобудини.
Чархдин ўткаргай анинг дудини ...
Бас кишига умр хуши ёр эмиш,
Умр деган ёри вафодор эмиш[417].

Ғафур Ғулом ҳам мазкур мавзу талқинида Навоий фикрларига ҳамоҳанг мулоҳазалар баён этади:

Астойдил ҳар эркак – йўлдош демаса,
Инсоф маҳкамаси судга беради.

Икки дўст қийинни енга олмаса,
Ҳаётнинг чиппакка чиқар омади[418].

Поэзияда хотин мавзусини ёритишда Ғ.Ғулом ижодида шундай бўртиб турган навоийона хусусият хоски, у ўзбек адабиётининг Ҳамид Олимжон, Уйғун, Зулфия, Собир Абдулла каби вакилларидан фарқли ўлароқ, бу мавзуни аксарият ҳолларда фалсафий-поэтик умумлашмаларга эга фикрлар воситасида тасвирлайди. Аниқ бадиий қиёфага кирган образлар

---

[412] «Хазойин-ул маоний», III том, ЎзФА наш., Т:, 1960 й. 695-бет.
[413] Шу асар II том, 695-бет.
[414] Шу асар III том, 694-бет.
[415] Шу асар I том, 695-бет.
[416] Алишер Навоий. Хамса танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. Т: «Фан», 1960, 120-б.
[417] Шу асар 135-бет.
[418] Ғ.Ғулом. Асарлар, 5 жилдлик. I том, 1964 йил, 187-бет.

воситасида хотин мавзусини ёритиш Ғафур Ғулом поэзиясида кўзга кам чалинади. Масалан, бу хусусиятни шоирнинг «Машъалларимиз» сарлавҳали шеъридаги шундай бандлар мисолида яққол кўриш мумкин:

Барча ишда теппа-тенг,
Ёндош, меҳрибонимиз.
Она, опа-синглимиз,
Шафқатли ёримизсиз.
Сиз ёқа-ю, бизлар енг,
Биз жисму сиз жонимиз.
Қувонади кўнглимиз
Биз танбур, торимиз – сиз[419].

Алишер Навоий ва Ғафур Ғулом шеъриятида мазкур мавзуни ишлашдаги ҳамоҳанглик:

Керакмас май, агар худ жон бағишлар,
Манга, соқий, агар жонона бўлмас[420].

(Алишер Навоий)

Сенсиз нашъа бермас гулшанда ранглар,
Заҳмдир бутун соз, бутун зилу бам[421].

(Ғафур Ғулом)

каби кўплаб бандлар муқоясасида ҳам кўзга ташланади.

Ғафур Ғуломнинг ўрта аср шарқи фалсафасига, хусусан, Алишер Навоий адабий-фалсафий меросига муносабати ва новаторлигини белгилашда унинг вақт тушунчасига поэтик-фалсафий таъриф берилган шеърлари алоҳида ўрин тутади. Маълумки:

Хуш гулшан эрур даҳр, будур айбки, онда,
Пайваста хазон елидин озурдадур ашжор[422] –

деб тушунган Навоий табиатда борнинг йўқ бўлиши, янги нарсаларнинг пайдо бўлиб туриши қонуний бир ҳодиса эканлигини ўз асарларида қайта-қайта таъкидлаб ўтган:

Оташин гул била булбулдай ўлуб кетса, не тонг,
Бўйла кўп ўт била кул ёд билур бу бўстон[423].

Ана шу сингари қарашлардан келиб чиқиб, шоир мавжуд ҳаётда умрни хуш ўтказишга, жамиятнинг ўзига ҳамфикр аъзолари билан тотув баҳамжиҳат яшашга чақиради:

Соқиё, тут жом, солма тонглага май ваъдасин,
Тонгла чун маълум эмас, бори ғаниматдур букун[424].

---

[419] Ғ.Ғулом. Асарлар, 5 томлик, II том, 326-бет.
[420] Алишер Навоий. «Хазойин-ул маоний», III том. 241-бет.
[421] Ғ.Ғулом. Асарлар, 5 томлик, I том, 187-бет.
[422] Алишер Навоий. «Хазойин-ул маоний», I том, 200-бет.
[423] Шу асар II том, 447-бет.
[424] Шу асар IV том, 444-бет.

Ёки:

Бу дамни тут ғаниматким, келур дамдин асар йўқтур,
Не дамким ўтти худ андин киши топмас. нишон ҳаргиз[425].

Яна:

Сабуҳи айш бо ёрон қадаҳ хўр, нест чун маълум
Ки ёбандат шаби оянда ёрон ё ту ёронро[426].

(Тонгги айшда дўстлар билан қадаҳ ич, чунки эртанги тунда дўстлар сени ёки дўстларни сен топишинг маълум эмас).

Алишер Навоий сингари Ғафур Ғулом ҳам умрнинг тез ўтиб кетишини таъкидлайди, умрдан ўтган ҳар бир оннинг яна қайтмаслигини уқтиради:

Ўтган ҳар бир дақиқа гўёки отилган ўқ,
Ҳаттоки тик назар ҳам орқага қайрилмайди...

Чаман дебочасининг лавҳасига кўз солиб,
Сайр этиб улгурмайсан, рангин баҳор ўтади[427].

Лекин шоир вақт тушунчасини поэтик-фалсафий суратлантирар экан, унинг ҳар бир лаҳзаси олам-олам воқеаларнинг содир бўлиши учун етарли вақт эканлигини ҳам қайд этади. Ана шунинг учун ҳам у кишиларни «Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун, Қудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал» деб яратувчиликка даъват этади, лаҳзаларнинг қадрига етишга чақиради:

Меҳнатда ҳар минут нон каби азиз,
Ям-яшил қирларда олам яширин.
Кўк гумбаз – чимилдиқ умридай лазиз,
Далада ҳар нафас ўпичдай ширин[428].

Ғ.Ғулом поэзиясида Навоий ижодида кўринган илм-ҳунарни эгаллашга интилишнинг аҳамияти, илм-ҳунарни эл нафъига хизмат эттириш, ундан худбинлик руҳидаги манфаатларга фойдаланмаслик, ҳар қандай илм ва ҳунар соҳанинг устоз-мураббий олдидаги бурчи каби фикрлар ўзининг ғоявий-бадиий такомилига эришади.

Чунончи, Алишер Навоий «Маҳбуб-ул қулуб» асарида илм эгаллашнинг фазилати ҳақида мулоҳаза юритиб:

«Билмаганни сўраб ўрганган олим ва орланиб ўрамаган ўзига золим, ... ўрганурдин қочғон лаванд... Эмгак тортиб илм ўрганган хирадманд...»

Илмдин орий улуснинг жоҳили худкомаси,

Ўрганурга жидду жаҳд этган жаҳон алломаси»[429], – тарзида фикр юритган бўлса, бу мавзу Ғ.Ғулом ижодида қуйидагича ёритилади:

Кишилик ўз-ўзин, атроф оламни,
Англамоқ шарафи билан гўзалдир.
Қидириб-тополиш, тинтиб-ўрганиш,
Сўроғлаб-етолиш ғоят афзалдир[430].

---

[425] Шу асар, I том: 227-бет.
[426] Алишер Навоий «Девони Фоний», I китоб, 42-бет.
[427] Ғ.Ғулом. Асарлар, 5 томлик, 2-том, 366-бет.
[428] Шу асар 331–бет.
[429] Алишер Навоий. Асарлар, 15 томлик, 13-том. Бадиий адабиёт нашри. 1966 йил, 74-бет.
[430] Ғ.Ғулом. Асарлар, II том, 162-бет.

Худди шунингдек, Алишер Навоийнинг:

Ҳақ йўлида, ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас анинг ҳаққин адо юз ганж ила[431], – байти билан Ғафур Ғуломнинг:

Маънавий ва руҳий камолот учун,
Ота-онамиздан муҳтарам устод –
Алифбе ўргатган ўқитувчининг,
Ҳурматин сақлагум абад-умрбод[432], – байтларида ифодаланган мазмун орасида ҳам анъана ва новаторликни белгиловчи жиддий ғоявий фарқ кўзга чалиниб туради. Чунки Навоийдан келтирилган байтда мураббийнинг шогирд олдидаги хизмати «Ҳақ йўлида» қилинган бир яхшилик сифатида талқин этилса, Ғ.Ғулом сатрларида у инсоннинг «маънавий ва руҳий камолоти учун» чекилган ижтимоий меҳнат тарзида баҳоланади.

Мазкур мавзу устида гап кетар экан, иккала шоир шу мавзуни ишлашда бир нарсага катта эътибор билан қараганларини гапирмай ўтиб бўлмайди. Бу илм ёки ҳунар эгаси бўлатуриб, уни эл нафъига ишлатмаслик, ёхуд ундан шуҳрат, мансаб, бойлик орттириш йўлида фойдаланишга уриниш масаласидир.

Алишер Навоий «Маҳбуб-ул қулуб»да «илм ўқиб амал қилмағон» олимни ерни шудгор қилиб «тухум солмоғон» ёки «тухум солиб, маҳсулидан баҳра олмоғон» деҳқонга ўхшатади:

Илм ўқиб қилмоғон амал мақбул,
Дона сочиб, кўтармади маҳсул[433].

«Хайрат-ул аброр» да эса:

Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзинию халқини гумроҳ этар[434], – каби байтлари орқали худбин олимларни қаттиқ қоралайди.

Бу масалада ҳам Ғ.Ғулом Навоий билан бир фикрдан чиқади. Унингча:

Илм амал билан шарофатлидир,
Ўз-ўзига билимдон, бу билим ҳулол.

Ҳатто шоир бу мавзуда махсус шеър ёзиб («Олим дўстимга») беамал олимларни ўткир қиёслар воситасида фош қилади:

Тарихда кўркамликдан ўзга вазифаси йўқ
Машҳад минораси ҳам қўққайганча турибди:
«Мулла кишиман, – дейсан, – ялакатдай мағзим тўқ»,
Яхши. Билганларингнинг баҳрасин ким кўрибди?
Куя еган китоблар сақланган сандиқмисан,
Бир варақ мазмунидан қалбларга оқмайин нур?
Ўзинг ўз оламингда гўё мудаққиқдурсан,
Ҳавончада сув янчган эмчилар каби мағрур.

Шеърнинг давомида ҳар кимнинг ўз билимини халқ хизмати йўлида сарф этиш муқаддас бурч эканлиги, олимлик шуҳрати ҳам эл билан бирга бўлишда эканлиги қайд этилади:

---

[431] Алишер Навоий. “Маҳбуб-ул қулуб», Т: 1939 йил, 31-бет.
[432] Ғ.Ғулом. Асарлар, 2-том, 162-бет.
[433] Алишер Навоий. Асарлар, 15 том, 18-том, 69-бет.
[434] Алишер Навоий. Хамса танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. Т: «Фан», 1960, 166-б.

Ватаннинг олти буржи қадам-қадам муқаддас,
Бир чигитча билганинг шу тупроққа тушса хуш.
Бу йўлда якка отнинг чанги ҳам донги чиқмас,
Илмингни халқ қомусин жилдига келтириб қўш[435],

Алишер Навоий бадиий ижодда камолотга эришишнинг муҳим калити деб санъаткорнинг ўз билимини ошириш устида ишлашини тушуниши, унинг, ҳеч бўлмаганда, «Мажолис-ун нафоис»да шоир Осафий, Мавлоно Қанбарий, Мавлоно Зайний, Шоҳқули Уйғур, Соқий ва бошқалар ижоди хусусидаги мулоҳазаларидан маълумдир. Унинг ўз ижодий тажрибаларида бу принципга мустаҳкам турганлиги эса ғоятда кўп ва хилма-хил адабий фактлар билан тасдиқланади. Зеро, Алишер Навоий табиат ва жамият ҳодиса-воқеаларига фақат шоир кўзи билангина эмас, балки файласуф олим кўзи билан қараганлиги учун ҳам мутафаккир санъаткор даражасига кўтарилади. У ўз ижодий тажрибаларида астрономия, математика, муҳандислик илми, кимё, тиб илми, география, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига оид билимлар ютуқларини моҳирона қўллайди, бу нарса унинг асарларига алоҳида ғоявий-бадиий теранлик бахш этади[436].

Ғафур Ғулом поэзиясида Навоий ижодий анъаналарининг аниқ излари, бизнингча, ана шу хусусиятда жуда бўртиб кўринади ҳамда унинг новатор санъаткор эканлиги ёркинроқ намоён бўлади. Масалан, унинг «Шарқ» сарлавҳали шеърида илм-фаннинг юксак ютуқлари қўлланилган ҳолда мамлакат ободонлиги ва халқ ҳаёти фаровонлиги йўлида беқиёс ғалабалар қўлга киритилганлиги ғулув ва ташхис орқали шундай тасвирланади:

Бу ернинг шамоли, наҳри, ирмоғи,
Шу халқлар бахтига текин мардикор.
Ҳаттоки еримиз тортиш қувватин
Ишга солай деган инженерлар бор[437].

Алишер Навоий ва Ғафур Ғулом поэзиясида фикрни бадиий ифодалашда поэтик шаклга тааллуқли соҳаларда ҳам жуда кўп ўхшашликлар кўзга ташланади. Бу жиҳатдан иккала шоирнинг ҳам бирор бир фикрни поэтик ифодалашда мукаммал бадиий лавҳалардан иборат ўхшатишлардан фойдаланишлари диқатга сазовордир. Масалан, Алишер Навоийнинг бир қитъасида лирик қаҳрамоннинг ёр латофатига ғоятда берилганлиги, лекин севимли дилбар унинг оҳу фиғонларига парво қилмаслиги, ошиқ сал узоқлашиши билан ҳатто уни кўнглидан бутунлай чиқариб юбориши туфайли ошиқнинг ўкиниши тасвирланади. Шундан сўнг ошиқнинг маъшуқа феълига ажабланиши ҳамда у ҳолатдан хабардор хираднинг унга: «Ёр назаридан четлашишинг билан сени кўнглидан чиқариб юборишга сабаб бўладиган нозик бир ишора сирдан хабардор этай – сенинг кумуш танли ёринг гўзалликда поклик кўзгудир. Билгилки, кўзгунинг олдида турсанггина унинг юрагига кирасан, унда аксланасан, узоқлашдингми, унда сендан асар ҳам қолмайди», – мазмунидаги гапларни баён этади:

Мунда рамзедур дақиқ, аммо қилай равшан сенга,
Ким, латофатда сафо кўзгусидур ул сиймбар.
Англаким, то кўзгунинг олдида сен – Кўнглида сен,

[435] Ғ.Ғулом. Асарлар, 3-том, 340-341-бетлар.

[436] Алишер Навоий ижодининг худди шу хусусиятига доир проф. Абдуқодир Ҳайитметовнинг махсус илмий иши эълон қилинганлиги учун биз бу масалада Навоий ижодига мурожаат этишни лозим кўрмаймиз.

[437] Ғ.Ғулом. Асарлар, 2-том, 12-бет.

(Чунки бординг олдидин, сен – Кўнглида сен,)
Чунки бординг олдидин, йўқ кўнглида сендан асар[438]*.*

Кўриниб турибдики, байтларнинг дилрабо куйдек таъсирчанлигини улардаги гўзалнинг танини кумушга, ҳуснини кўзгуга ташбиҳ қилишдан иборат анъанавий метафоралар эмас, биринчи навбатда, ана шу метафоралар воситасида чизилган бадиий лавҳа орқали мазмунни баён этиш таъминлаб турибди.

Бу эса оддий бир фикрни, ҳолатни поэтик мулоҳазалар орқали бадиий лавҳаларда бериш санъатидан иборат Алишер Навоий поэзиясига хос муҳим белгиларидан биридир.

Поэтик тасвирнинг бундай усулларидан Ғ.Ғулом ҳам унумли ва муваффақиятли фойдаланади. Унинг қатор шеърларида навоийона бу усул ижтимоий тузум воқеликларини ўта таъсирчан мисраларда ёритишга жуда мос имконият бўлиб хизмат қилади. Чунончи, қуйидаги бандда худди ана шу ижодий усул муваффақиятли қўлланилган:

Қайроқ чўлда ташна қолган бола жайрон оқибат,
Ваҳму умид ўрталиғин саргардон кеза-кеза.
Яшил воҳа, зилол сувли булоқ топса ниҳоят, –
Ҳар япроқ ўт, ҳар бир қатра умид каби покиза.

Ғафур Ғулом поэзиясида анъана ва новаторлик масалаларини ёритишда шоир шеъриятида қўлланилган мумтоз бадииятга хос бўлган ирсоли масал, талмеҳ, китобат, ийҳом ва ҳоказо санъатларни атрофлича ўрганиш, шубҳасиз, катта аҳамиятга эга. Худди шунингдек, Алишер Навоийнинг:

Расадким боғламиш зеби жаҳондир,
Жаҳон ичра яна бир осмондир[439]*.*

ҳамда:

Ҳар сари бир тил ўлмиш, ишқим иқрорига, вой.
Ким инонгай эмди юз тил бирла инкор айласам[440]*,* – байтларидаги бадиий-тасвирий омилларнинг Ғ.Ғулом поэзиясида янгича мақсад ва вазифаларда:

... Ҳар бир мўйи ёвга қадалган тикан,
Арслон каби ботирланар бус-бутун[441]*,* – тарзида новаторларча қўлланилганлигини синчиклаб текшириш ҳам шоир ижодининг Алишер Навоий ижодига муносабат ва унинг оригиналлигини илмий ёритишда муҳим адабий далил бўлиб хизмат қилади.

Масалан, икки буюк шоир ижодида ҳам бола образидан бадиий тасвирий восита сифатида фойдаланиш катта ўринни ишғол этади. Лекин бу воситадан иккала шоир ҳам ўз ижодий эстетик принциплари, ғоявий мақсадлари йўлида фойдаланадилар. Чунончи, Алишер Навоий ўз ҳаётида фожиавий воқеалар содир бўлаётган бир даврда (йигитлик даврида) ёзган шеърларида «ёш-бола» образидан ижтимоий-сиёсий фикрларни бадиий акс эттириш учун фойдаланади. Шартли равишда бўлса-да, йигитлик чоғларида ёзилган шеърлардан иборат деб тан олинган, унинг «Наводир-уш шабоб» девонидаги қуйидаги байтга эътибор берайлик:

---

[438] А.Навоий. Танланган асарлар. I Т: «Девон», «Ўздавнашр», 1948 й. 82-бет
[439] Алишер Навоий. Хамса танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. Т: «Фан», 1960, 630-б.
[440] А.Навоий. "Хазойин-ул маоний», 2 том, 409-бет
[441] Ғ.Ғулом. Асарлар, 5 томлик, 3-том, 210-бет.

Эй Навоий, уддек ҳар дам кўрарсен гўшмол,
Гўйиё сен тифли раҳ, чархи мухолифдур адиб[442].

Эътибор беринг-а: «Навоий, сен уд (чолғу асбоби)дек қулоғингдан тортилиб, шапати ейсан, гўё сен оёқ остидаги бола-ю, кинаваш (душман) чарх эса, адаб берувчидир». Шоир тоғаларининг қатл этилиши, ота мулкининг мусодара қилиниши, ўзининг эса Машҳаду Самарқандда ғарибона кезишларини кўз олдингизга келтирсангиз, бу ташбеҳни шоир қанчалик ҳаётий ҳиссиётлар таъсири остида жуда ўринли қўлланганлигига қойил қоласиз. Шунда у тасвирий восита шеърнинг формал безаги эмас, балки мазмунни чуқур очишга қаратилган ҳаётий картина эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Алишер Навоийнинг мазкур девонидан яна бир байт келтирайлик:

Кўзимнинг мардуми одамдурур гўё қаро бўлгон,
Бу ёшларки бўлур зоянда андин барчаси фарзанд[443].

Байтда талмеҳ ва ийҳом санъатлари қўлланилганлиги учун унинг мазмунини икки марта баён этишга тўғри келади. Биринчи мазмуни: «Кўзимнинг қорачиғи айби туфайли гўё жаннатдан қувилган, номи қора бўлган Одам атодир, кўз ёшларим эса унинг фарзанди».

Иккинчи мазмуни: «Кўз қорачиғим номи ёмонга чиққан, қораланган одамдир – инсондир, ғам-алам ифодаси бўлган кўз ёшларим эса, табиийки унинг фарзандларидир». Ҳам, ғамга йўлиққан инсон кўзларигина аламли ёшлар туғади» – тўкади! Мана, улуғ шоирнинг «бола» образидан тасвирий восита сифатида фойдаланишдаги маҳорати!

Алишер Навоийнинг бошқа девонларида ҳам бу образ хилма-хил лирик ҳолатларни образли гавдалантиришга хизмат эттирилади.

Масалан, «Наводир-уш шабоб» да:

Югурар ҳар кипригимга ортилиб бир қатра ёш,
Шўх ёшлардекки, ўйнарлар чубуқ маркаб қилиб[444].
Хадангинг захми ичиндин балоларни ювон ёшим,
Эрур тифлики, олгай қуш балосин ошён кўргач[445].

«Бадойи-ул васат»да:

Бошим қуш ошёни, тан жунун торожидин урён,
Не тонг ёшлар югурмак ҳар тарафдинким, томошодур[446].

Яна:

Ҳазл этар кўнглум била ул шўх, кўнглум тортар оҳ,
Тифлдекким, дуд этар ўт бирла ҳам дам ўйнабон[447].

«Фавойид-ул кибар»да:

Бир югурук тифл эрур киприкларим ичинда ёш,
Ким йиқилиб сончилибтур ҳар тарафдин хор анго[448].

---

[442] Алишер Навоий: “Ҳазойин-ул маоний», II т., 55-бет.
[443] Шу асар 119-бет.
[444] Алишер Навоий. «Хазойин-ул маоний», I том, 75-бет.
[445] Шу асар 114-бет.
[446] Шу асар 3-том, 200-бет.
[447] Шу асар 456-бет.
[448] Шу асар IV-том, 15-бет.

Яна:

Ҳар замон кўздин ёшим эмгаклаган бир ёшдек,
Майл этар туфроққа, ваҳ, ўлтургуси бу эмгаким[449].

Алишер Навоийнинг девонларидан «бола» образи тасвирий восита бўлиб хизмат қилган бундай байтларни истаганча келтириш мумкин. Аммо олдимизга қўйилган вазифа нуқтаи назаридан даврмизнинг алломаю шоири Ғафур Ғулом поэзиясида таҳлил этилаётган поэтик тасвирий воситадан қандай фойдаланганлигини кўздан кечирайлик:

Улуғ Ватан уруши йилларида гитлерчи – фашистларнинг кирдикори фронт орқасида кўпчиликни ташкил этган хотин-қизларимизнинг руҳига қандай оғир таъсир этганлигини ҳатто ҳозирги ёшлар ҳам чуқур ҳис эта оладилар. Ғафур Ғулом эса уруш йиллари умрининг эрта ёзини кечираётган бўлиб, ҳар кун, ҳар соатда кўнглининг бир томони бўш меҳнаткаш аёлларимизга дуч келар эди. Уларнинг кўнглига манзур бўлувчи қандайдир ҳаққоний сўзни айтмоқчи бўлар эди. Унинг бу нияти ўша пайтларда яратилган кўплаб наср ва назмда ёзилган асарларида ўз аксини топгандир. Лекин шоирнинг кўзда тутилаётган нияти унинг «Хотин» шеърида алоҳида жаранглайди. Худди шу шеърида шоир Алишер Навоий кўп қўлланган «бола» образини янгича шароитда, унга янгича поэтик мазмун юклаган ҳолда оригинал ишлатишга муяссар бўлади:

Ватан озод бўлур, серҳаракат бўл,
Арафа кунлари қувонган ёшдек,
Зулматда меҳнатдир очилгувчи қўл,
Кеча ёқасини йиртган қуёшдек[450].

Шоирнинг «Чин арафа» шеърида эса кўзда тутилаётган тасвирий образ миллий урф-одат, анъаналар фонида янада янги вазифаларда қўлланилади:

Шодлик қўшини босди саодат кўчасини,
Гўдаклар жаранглатар ҳайитлик тангасини,
Келинчаклар ахтарар пардоз қутичасини,
Қирқ кокил бўлсин, дейди, қистайди янгасини,
Букун чин арафадир[451].

Ғафур Ғулом ўзининг кўпгина шеърларида бу тасвирий воситани қўллар экан, агар мунаққид унга эътиборсизроқ қараса, шоир бир тасвирий воситани қатор шеърларида такрор қўллабди, деб асоссиз хулоса чиқариб қўйиши мумкин. Аслида ундай эмас. Кўзда тутилаётган воситани шоир турли шеърларида ишлатар экан, унга янги-янги вазифалар юклайди, уни янги-янги қурилишга эга жумлалар орқали суратлантиради. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун мазкур тасвирий образ ишлатилган шоирнинг турли шеърларидан парчалар мисол келтирамиз.

«Самад Вурғунга» шеъридан:

Шарафлар бу ўлканинг кўкида юлдуз каби,
Озорлик гўзалларнинг чеҳрасида кўз каби,
Болалар дудоғида энг аввалги сўз каби,
Ҳалол меҳнат ошида пок-покиза туз каби,
Сен ёзган шеърларнинг ҳурмати ғоятда кенг[452].

---

[449] Шу асар 412-бет.
[450] Ғ.Ғулом. Асарлар, 2-том, 41-бет.
[451] Шу асар 71-бет.
[452] Шу асар 45-бет.

«Онахонларга» шеъридан:

Кўзим тўйда адашган болалардай гангийди,
Олам – жаҳон халойиқ бири биридан афзал[453].

«Халқ қувончи» шеъридан:

Қувониб ёзаяпман, тўкиниб ёзаяпман,
Ўрик, олма пишганда болалар қўшиғидек[454].

Алишер Навоий ва Ғафур Ғулом поэзиясида юқорида кўриб ўтканимиз поэтик образ каби муштарак, аммо иккала шоир ҳам оригинал қўллаган тасвирий воситалар жуда кўп. Чунончи, қуёш ва юлдузлар, кирпи, ўргимчак ва ҳоказо образлар ана шундай тасвирий воситалар сирасига кира олади. Аммо «бола» образидан тасвирий восита сифатида фойдаланишда икки шоир кўрсатган маҳорат хусусида анча кенг тўхталганимиз туфайли энди масаланинг бошқа томонига кўчамиз.

Алишер Навоий айрим шеърларида қамиш ва унга ўхшаш кўкатларнинг танаси бўғинлик бўлишини ўзбек эркакларининг белларига белбоғ боғлашларига қиёс этади. Айни замонда бел боғламоқ хизмат қилишга тайёргарликни ҳам англатади. Шунингдек, у камтарлик, жонфидолик рамзи ҳамдир. Шоир ана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, қамиш образидан фавқулодда санъаткорлик билан фойдаланадики, натижада шеърнинг мазмуни чуқур бадиийлик инкишоф этиши қаторида, бу образ шеърга чуқур миллийлик руҳини ҳам сингдириб туради. Масалан:

Куҳи ғам тортарга хасдек жисм ила бел боғладим,
Остига қолмишмен, андоғким самон девор аро[455].

Бу байт Алишер Навоийнинг:

«Икки бармоқ бирла тутдим лаълим ул рухсор аро,
Ўйлаким булбул тутар гул яфроғин минқор аро» – матлаъли, ҳар бир байтида классик бадииятга хос бир санъат ишлатилган шеъридан олинган. Шеърнинг таркибида «жамият золим, хиёнаткор бўлганлиги туфайли: ана шундай хусусиятларга эга шахслар унда тўладир мазмунидаги:

Гулшан ичра чун бутар гул, шўра ердин шўразор,
Ғайри ғадр аҳли не бўлгай олами ғаддор аро, – каби мисралар ҳам мавжуддир. Шунинг учун ҳам Навоийнинг келтирганимиз байтнинг мазмунини соф ишқий воқеа сифатида изоҳлашга уриниш хатога олиб боради. Ана шу нуқтаи назардан кўзга тутилаётган байтнинг мағзини чақсак, у шундай маъно беради:

Ғаддор жамият ва унинг хиёнатчи аъзоларининг жабрини торта-торта лирик қаҳрамон ҳолдан тойган, хасдек заиф бўлиб қолган;

Лекин у енгилишни истамайди. Жабр чекса-да, мақсадга эришиш учун интилади. Бел боғлаб курашга отланади.

Аммо у (ёлғиз ва заиф эди) таянадиган кучли асоси йўқ эди, шу туфайли андаваланган девордаги сомондек ғам, адолатсиз лойи остига парч бўлиб қолади!

Қаранг, сомон-хас образи воситасида таносиб санъатини юзага келтириш билан шоир ўз даврига нисбатан ғоятда аччиқ ҳақиқатни не чоғлик маҳорат билан ифода эта олган. Ахир, шу осмон қисматида Алишер Навоий яшаган даврдаги ва минглаб меҳнаткашлар-

[453] Шу асар 75-бет.
[454] Шу асар 3-том, 127-бет.
[455] Алишер Навоий. «Хазойин-ул маоний», I том, 42-бет.

нинг қисмати ётади-ку!

Қамиш, хас ва ҳоказо шу каби поэтик образлар Ғафур Ғулом поэзиясида ҳам фаровондир. Лекин асримизнинг бу буюк шоири Навоийнинг бадиий даҳосидан баҳраманд бўлгани ҳолда Навоий қўллаган поэтик образларни янги ижтимоий вазифаларда ишлатади. Уларга қайта ҳаёт, яъни чинакам оригиналлик бахш этади.

Масалан шоирнинг «Аввал ўқи» шеърига назар ташлайлик:

Марҳамат! Бу уйнинг тўри сизники,
Тўйга келгувчилар мингдан кам эмас,
Биз учун ҳаваснинг умри қариган,
Қамишдек бел боғлаб хизмат қилсак бас[456].

Қаранг, бу бандда «қамишдек бел боғлаб» хизматга чоғланмоқлик Алишер Навоий қўллаган маънодаги бадиий ифодага тамоман қарама-қаршидир.

Агар Ғафур Ғулом поэзиясини синчиклаб қараб чиқилса, Алишер Навоий тасвирий усулига хос бўлган жуда нозик белгиларни топса бўлади. Чунончи, бир байтда китобат санъати (ҳарфлар воситасида фикрни образли ифодалашга эришиш) орқали Алишер Навоий шундай поэтик мазмунни баён этади:

Қўйидин кетмаку ўлмак менга тенг бўлса, не тонг,
Ким жало ҳарфларидурки, ажал топти лақаб[457].

Қаранг бу банда «қамишдек бел боғлаб» хизматга чоғланмоқлик Алишер Навоий қўллаган маънодаги бадиий ифодага тамоман қарама-қаршидир.

Яъни: «ёрнинг кўчасини тарк этмоқ билан ўлмоқ мен учун тенгдур, чунки «жало» – кетиш сўзини ясаган ҳарфлардан «ажал» сўзи ҳам ясалади».

Алишер Навоий қўллаган ана шу хилдаги тасвирий усулни Ғафур Ғулом ҳам ўз шеърларида ўта санъаткорлик билан ишлатади. Масалан, бу усулни шоир 1956 йилда ёзилган «Икки миллион» шеърида қуйидагича қўллаган:

Ҳамма теримчи қизлар пахтани бахт дейишар,
(«Пахта» сўзи «бахт» билан бир ҳарфда ёзилур.)
Ўргилай чакангдаги биттагина чаноқдан,
Кўзакда келиним бўл... Офтоб чеҳранг билан –
Шунчалик қувонтирки, Тўй келгандек Тошкентга[458].

Дарҳақиқат, арабча графикада «пахта» ва «бахт» сўзлари бир хил шаклда ёзилади. Лекин гап бу сўзларнинг шакли яқинлигида эмас, гап шундаки, шоир пахта ўзбек халқининг миллий ифтихори, бахти эканлигини навоийона усул воситасида такрорланмас санъаткорлик билан бадиий ифодаланганлигидадир.

Ёки карнай (миллий чолғу асбоби)ни бадиий тасвирий восита сифатида ишлатишда икки буюк шоир кўрсатган маҳоратни қараб чиқайлик.

Алишер Навоий ўзининг «Наводир-уш шабоб» девонидаги бир шеърида лирик қаҳрамонининг ўз маҳбубаси («султони ҳусн»)нинг висол онларига барҳам бериб, йўлга туша бошлаганига чеккан фарёдини карнайнинг овозига ўхшатади. Табиийки, чолғу асбоблари ичида овози энг баланд ҳисобланган карнай навоси ошиқнинг ҳижрон олдидан чеккан фарёдининг қанчалик кучли эканлигини кўрсатиш учун жуда мос бадиий тасвирий воситадир. Сўнгра шоир ошиқнинг бунчалик қаттиқ фарёд этишига ширин бир киноя орқали далил ҳам келтиради.

---

[456] Ғ.Ғулом. Асарлар, 2-том, 70-бет.

[457] Алишер Навоий: «Хазойин-ул маоний», 4-том, 51-бет.

[458] Ғ.Ғулом. Асарлар, 3-том, 86-бет.

Яъни: лирик қаҳрамоннинг дилбари оддий гўзал бўлмай, балки ҳусн султонидир. Шундай экан, шоҳлар йўлга тушганларида карнайлар чалинганидек, ёр жўнаши билан ошиқ карнайдек ун чекса нима бўлибди:

Нола тортармен қачон отланса ул султони ҳусн,
Йўқ ажаб чекмак нафар ўлгонда рокиб шоҳлар[459].

Тўғрисини айтганда, ўзбек адабиётида карнай сўзини ишлатмаган бирор бир йирик шоир топилмайди. Лекин ана шулар силсиласида бу сўздан поэтик образ яратишда Ғафур Ғуломга тенг келадиган бирор шоир бор деб айта олмаймиз. Чунки, Ғафур Ғуломгина карнай иборасидан навоийона санъаткорлик билан фойдалана олгувчи сеҳргар қалам эгасидир. Шу нуқтаи назардан шоирнинг «Куз келди» шеъридаги бир ўринга эътибор берайлик. Шеърнинг жуда кўп бандлари Ўзбекистон кузи ҳар қандай буюк рассом мўйқалами чиза олмайдиган бир тарзда бадиий тасвирланади. Лекин шеър ёзилган 1945 йиллар шароитида пахтани нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ҳаммани ташвишга солиб турар эди. Ваҳоланки, Ватанни пахта билан таъминлаш ўзбек халқининг миллий бурчи ҳисобланиб «сунбула сувидай тиниқ манглай тери» тўкиб юзага келтирилган бойлик, чин маънода ҳар бир чигит инжу, марваридларга тенг хомашё эди. Кўпчилик қаторида йиғим-теримга бепарволик қилаётган айрим кишиларга қарата огоҳлантирувчи мисралар битади. Чунончи, классик поэтикада мусалсал ташбеҳ (занжирли ўхшатиш, кетма-кет ўхшатиш) деб аталувчи санъат қўлланилган қуйидаги бандда карнай сўзидан ҳам поэтик образ яратиш йўлида санъаткорона фойдаланади:

Инжу доналаринг бўлмасин увол,
Чўнтаги тешилган мудроқ заргардек;
Қишнинг гулдуросин кутиб аграйма,
Карнай овозига ишқибоз кардек[460].

Алишер Навоий ва Ғафур Ғулом поэзиясида анъана ва новаторликка мисол бўла олувчи юзлаб бундай мисоллар келтириш мумкин.

Шу нарса характерлики, Ғафур Ғулом, Алишер Навоий ишлатган ўхшатишни айрим шеърларида айнан – Навоий қўллаган мазмунда қўллайди. Лекин шундай ҳолларда ҳам Ғафур Ғуломнинг XX аср шоири эканлиги, оригинал қаламининг қудрати намоён бўлиб туради. Масалан, Навоийда:

Муғ дайрида маст ўлса Навоийни кўрунгким,
Бир олма киби гумбази мину била ўйнар[461].

Ғафур Ғуломда:

Одамнинг муқаддас, улуғ-меҳнати
Неъмат оламига ёзур дастурхон.
Бир тўда ҳаромхўр қуртдан чиримас,
Коинотга нисбатан олмадай жаҳон[462].

Сўнгра Ғафур Ғулом мисраларни навоийона жумла конструкцияси усулда тузиш билан ҳам унинг анъаналарини давом эттиради. Маълумки Алишер Навоийнинг поэтик усули учун:

Деди шайх: «Гар будур кўнгул ҳоли,
Не Хито моликим, жаҳон моли,

---

[459] Алишер Навоий, «Хазойин-ул маоний», 2-том, 153-бет.
[460] Шу асар 3-том, 170-бет.
[461] Ғ.Ғулом. Асарлар, 2-том, 54-бет.
[462] Ғ.Ғулом. Асарлар, 2-том, 54-бет.

Бергамен қиймат ўлса жононга,
Миннатин доғи қўйгамен жонга»[463], – каби ва шу типдаги жумлалар тузиш хосдир. Шоир бу усул воситасида фикрни кучайтириб тасвирлашга эришади.

Ғафур Ғулом ҳам худди шу мақсадда қуйидагича сатрлар яратган:

Тўйингда бир сават ширмон кўтариб,
Тошкентдан келибман, ушат қадрдон.
Нон эмас кафтимга бир жон кўтариб,
Шеърлар ёзаман, кўнглим чароғон[464].

Алишер Навоий «Ҳайрат-ул аброр»да маъно биринчи аҳамиятга эга эканлигини қайд этиш билан бирга бадиий шаклнинг ҳам зўр қимматга эга эканлигини таъкидлайди:

Назмда ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур...
Назмки ҳам сурат эрур хуш анга,
Зимнида маъни доғи дилкаш анга[465].

Бу фикр у ёки бу шаклда Алишер Навоийнинг кўпгина асарларида учрайди. Н.А.Добролюбов ўзининг А.В.Кольцов ҳақидаги асарида «ҳақиқий юксак поэзия ... гўзаллик, эзгулик ва оқилоналикнинг тўла мужассамлашувида таркиб топади»[466], – деб ёзган эди.

Ана шундай «ҳақиқий юксак поэзия» яратиш учун буюк сўз санъаткорлари барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Шарқда эса ана шундай имкониятлардан бири илми бадеъ – бадиийлик илми аталмиш фанга мансуб бўлган санъатлар – бадиий-тасвирий усуллардан фойдаланиш ҳисобланади.

Туркий ва форсий тилдаги поэзиянинг ўткир билимдони бўлган Ғафур Ғулом ўз шеърларига илми бадеъга тааллуқли жуда кўп санъатлардан фойдаланадики, биз уни, аввало, шоирнинг Алишер Навоий поэзиясини чуқур ўзлаштирганидан деб ҳисоблаймиз. Чунончи, ўзбек мумтоз шоирларидан энг яхши намуналарини яратиш фақат буюк Навоийгагина насиб бўлган саҳли мумтанеъ (кўринишда жуда оддий-ю, юзага келтириш ғоятда қийин бўлган) санъати Ғафур Ғулом поэзиясида қуйидагича қўланилади:

Бизда катта сўз айтса, «Вой-баёв!» – дейилади,
«Вой-баёв!» – деган ҳосил бу йил бўлди муяссар[467].

ёки:

Тол чивиқлар япроғин товушсиз қарсагига
Ўйнамоққа қўймайди андишаю риоя.
Қўшиқни ёшлар айтсин, улар чалган чертмакка –
Сер бўлиб, бош ирғитиб қўя қолиш кифоя.

Ғафур Ғулом ўз шеърларининг поэтик шаклига шунчалик эътибор берадики, унинг айрим бандларида классик поэтиканинг икки-уч санъати бирваракайига ишлатиб юборилади. Чунончи, қуйидаги бандда талмеҳ, иғроқ, мусалсал ташбеҳ санъатлари ишлатилгандир:

Нуҳ тўфони энди оддий кулгудир,
Халқим бошлаган бу юриш олдида.
Ёки яланг саҳрода туёқ изида

---

[463] Алишер Навоий. Хамса, 944-бет.
[464] Ғ.Ғулом. Асарлар, 3-том, 82-бет.
[465] Алишер Навоий. Хамса танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. Т: «Фан», 1960, 44-б.
[466] И.А.Добролюбов: Адабий-танқидий мақолалар, Т:, 1959 й. 8-бет.
[467] Ғ.Ғулом. Асарлар, 3-том, 75-76 бетлар.

Тўпланган бир ҳовуч бемаза сувдир[468].

Қуйидаги бандда эса радд-ул-ажузи ил-ас-садр санъати қўлланилган:

Йигитлик умрининг бир кўкламига
Бир бутун замонни алишсанг арзир.
Арзир ўз йигитинг қадами учун
Замонлар, кўкламлар бўлса мунтазир[469].

Мазкур бандларда эса жамъ ва тафриқу тақсим санъати қўлланилган бўлиб, бу санъатга кўра шоир аввал байт ёки бандда икки ва ундан ортиқ тушунчаларни бирор маъно остида жамъ этади; сўнгра эса уларни ажратиб, алоҳида-алоҳида изоҳ беради, шарҳ этади. Чунончи:

Саодат карвонининг бахт юкини жамғариб,
Бизлар кетаётибмиз қардош Қозоғистонга.
Ака-укалик қалби ўхшаб кетади қарийб,
Субҳидамга, осмонга, заминга ҳам замонга.

Ғафур Ғулом поэзиясида Алишер Навоий ижодини пухта эгаллаш натижасида юзага келган санъатсозлик хусусида, шоирнинг классик поэтик санъатлардан камоли маҳорат билан оригинал фойдаланиш хусусида истаганча гапириш мумкин. Лекин биз бу соҳадаги мулоҳазаларни шу ерда тўхтатиб, Шоирнинг Алишер Навоий ғазалига боғланган мухаммаси ҳақида бир оз мулоҳаза юритишни лозим кўрамиз.

Ғафур Ғуломнинг ўзбек ғазалчилиги гулшанида энг хушовоз булбул бўлганлиги ҳаммага аён. Унинг «Бу Ватан мақтовларин ҳар қанча ёзсанг, оз эрур», «Дилдаги севги жилосини жамолидан сўранг» каби ғазаллари поэзиямизнинг шу жанрда яратилган энг аъло намуналаридир. Шоирнинг «Алишер Навоий қабри устида» мухаммаси эса татаббуъ ёзиш ҳамда тазмин этишнинг ҳар қандай шоир ўрганса арзийдиган порлоқ намунасидир. Лекин Ғафур Ғулом Алишер Навоий ғазали асосида яратилган «Тун билан тонг» мухаммаси ўзбек адабиётида Навоий ғазалларига қилинган мухаммаслар орасида энг аълоси десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Кўзда тутилаётган мухаммасда, аввало, шоирнинг мухаммас боғлаш учун ғазал танлашдаги синчковлиги кўзга ташланиб туради. Нега деганда, Алишер Навоий XV асрнинг вакили сифатида ўша давр дунёқарашини ифодалар эди. Шунинг учун ҳам унинг ғазалини мухаммас этишга бел боғлаган янги жамият шоири танланган ғазалнинг бирор бир байтидаги фикр замона руҳига мос келмай қолишини ҳисобга олиш шарт эди. Акс ҳолда, мухаммаснавислик ўзга шоир байтларидаги фикрни тўлдиришни, кучайтиришни талаб этар экан, у жиддий нуқсонга йўл қўйган бўлур эди. Ғафур Ғулом эса бу ишни қойил қилиб ўринлатган. У шоирнинг соф ҳаётий ишқ мавзусидаги энг яхши ғазалини танлаб тополган. Бунинг устига ғазал ўта санъаткорлик билан ёзилган.

Ғазал танлангандан кейин Ғафур Ғулом олдида ғоятда қийин вазифа турар эди: биринчидан, Алишер Навоий фикрларига уйғун равишда, уларни тўлдира, кучайтира олувчи фикрлар айта билиш; иккинчидан эса, навоийона бадиий тасвирий омиллар билан у фикрларни музайян этиш. Навоий ғазалининг ўта санъаткорлик билан ёзилганлигини эса қайд этиб ўтдик.

Матлаъни Навоий тазод санъати асосида қўриб, ёрнинг висолини тонгга, ўзининг чека-

[468] Шу асар 2-том, 21-бет.
[469] Шу асар 79-бет.

ётган фироқини эса тунга ташбеҳ этган. Яна бу хил тун билан тонг даҳрда йўқ деб тасвирни кучайтирувчи фикр ҳам айтган.

Ғафур Ғулом ғазалга мухаммас боғлар экан, матлаъдаги мазмунни эмас, балки ундаги санъатни ҳам янада камолот даражасига кўтаришга мушарраф бўлади. У ошиқнинг «қароғи» ва ёрнинг «камоли», ошиқнинг «заволи» ва ёрнинг «камоли», ошиқнинг «қуюқ ойи» ва ёрнинг «ҳилоли» орасида фавқулодда маҳорат билан зидлик – тазод топиб, юксак бадиийликни юзага келтиради:

Менинг қароғиму онинг жамоли тун билан тонг,
Менинг заволиму онинг камоли тун била тонг.
Менинг қуюқ маҳим, онинг ҳилоли тун била тонг,
Менинг фироқиму онинг висоли тун билан тонг,
Бу навъ даҳрда йўқ эҳтимоли тун била тонг[470].

Навбатдаги бандларда ҳам Ғафур Ғулом қаламининг мухаммасчиликдаги буюк қудрати равшан кўриниб туради:

Қачонки, зулмату нур ўринни олмошодур,
Қаро бошимдаги савдо дилимга тирмошодур.
Қоним куярда танимнинг алангаси ошодур,
Тонгим ёруғи тунум тийрадурки, чирмошодур,
Кўнгул аро зулфунг хаёли тун била тонг.
Дилингнинг кўзгусидан умрга кетсун-ғаш,
Ичар чоғингда шаробинггадур ҳаёт аралаш;
Кечанг чароғию кундуз куюшдек дилкаш,
Тунинг хўжаста, тонгинг қутлуғ ўлсун, эй маҳваж,
Ки икки банди сенга бўлди ҳоли тун била тонг...
Қилолмадим қаро тун, нурли тонг заволин кашф,
Нафас-нафас ўтаётган умринг уволин кашф,
Сиёҳ ҳаққи, бу Мирзо кағоз жамолин кашф,
Навоий этмади зулфу юзинг ҳаёдин кашф,
Ва лек эрур ғаминнинг иттисоли тун била тонг.

Ғафур Ғулом ижодида Алишер Навоий анъаналари мавзуи катта бир монографик тадқиқотни талаб этувчи мавзудир. Сўзимизнинг интиҳосида ана шундай асарлар юзага келтириш йўлида ғайратли тадқиқотчиларимизга омад тилаб қоламиз.

[470] Бу мухаммас Ғ.Ғулом асарлари. 10 томлик, 3-том, 359-360 бетларида. Мисоллар шу жойда.

ДЎСТЛИК ДАРАХТИ[471]

Қардош халқлар ҳаётида маданиятлар ва адабиётларнииг ўзаро яқинлашуви, уларнинг интернационал руҳ касб этиши, бир-биридан баҳраманд бўлиши, маънавий ютуқларни баҳам кўриши қонуний ҳодисага айланиб қолди. Бу жараён тобора кучаймоқда ва ҳар бир миллий маданиятнинг ўзига хос йўсинда, ҳаётбахш анъаналар заминида бойиб, тараққий этишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса, шубҳасиз, халқларимиз орасидаги дўстлик ва қардошлик ипларини янада мустаққамлашга хизмат қилиб, ўзаро самимий ҳурмат, адабиёти кишилари учун муштарак бўлган маънавий бойликларнинг кўпайишидан фахрланиш туйғусини тарбиялайди, янги-янги ижодий кашфиётларга руҳлантиради. Адабий-маданий алоқаларнинг ажойиб натижаларга олиб келишини Ўрта Осиёнинг икки қадимий халқи — ўзбек ва тожиклар тарихи яққол исботлаб турибди.

Тожик ва ўзбек халқлари қалин биродар, яқин ва яхши қўшнидирлар. Халқларимизни тақдир ва қисмати қадимдан бир-бирига пайвастадир. Дўстлик ва биродарлик иплари уларни неча асрлар давомида ўзаро боғлаб келмоқда, бу дўстликнинг илдизи узоқ-узоқларга бориб тақалади. Бу халқлар минг йиллар давомида бир музофотда яшаб, бирга моддий ва маънавий бойликлар яратиб, бир-бирининг таъби, тарихи ва тафаккурини баҳам кўриб, икки тилда ўхшаш адабиёт, ўхшаш санъат бунёд этиб, умр ўтказган қадрдон қўшнилардир. Ўтмишимизнииг қайси бир ёдгорлигини варақламайлик, бу яқинлик ва дўстликка гувоҳ бўладиган олам-жаҳон маълумотлар топамиз, кўп асрлик меросимиз саҳифаларида улар муҳрланиб қолган. Ўзбек ва тожик шоир ёзувчилари сомонийлар ва қорахонийлар даврида, XV аср Самарқанд ва Ҳирот адабий муҳитида, XVI–XIX асрларда ташкил топган Бухоро, Қўқон, Ҳисор, Самарқанд, Шаҳрисабз, Хўжанд, адабий марказларида бир-бирига шогирд, бир-бирига устоз ҳижод этганлар, Абдураҳмон Жомий билан Алишер Навоий орасидаги ҳамнафаслик икки халқ яқинлигининг рамзи бўлиб яшамоқда.

Адабий алоқалар кучайган жойда таржиманинг ҳам авж олиши турган гап. «Авесто» гимнлари, Моний ҳикматларининг VI асрдаёқ туркий тилга ўгирилгани бу жараённииг нақадар узоқдан бошланганини кўрсатади. Минг йилдан ортиқ давр ичида форс-тожик тилидан ўзбек тилига жуда кўп бадиий адабиёт таржима қилинган. Фирдавсий, Саъдий, Низомий, Аттор, Жомий, Восифий асарлари бир неча мартадан ўгирилди, кўп нусхада эл орасига ёйилди. Ўзбекларнинг севимли китоблари бўлиб қолган «Минг бир кеча», «Калила ва Димна» каби асарлар ҳам форсий тилдан таржима этилган. Бу обидалар Навоий ва Бобур, Лутфий ва Огаҳий, Машраб ва Муқимий ижодлари қатори қадрланган, халқимизнинг маънавий дунёсини бойитган, завқини оширган, дидини камол топтирган.

Ўз навбатида, тожик халқи хам ўзбек адибларининг ижодидан доимий равишда баҳраманд бўлиб келган. Навоий, Бобур, Машраб, Амирий, Нодира, Муқимий асарлари тожиклар орасида кенг тарқалгани маълум. Тожик шоирлари уларнинг ғазалларига татаббуълар, мухаммаслар боғлаганлар. Ширу шакар усулида шеър ёзиш расм бўлган. «Мажолис ун-нафоис», «Бобурнома» каби асарларнинг бир неча марталаб форс тилига таржима қилингани шу қизиқиш ва эътибордан гувоҳлик беради.

Адабий-маданий алоқалар турлари кўпайди ва янги мазмун касб этди. Ўзбек ва тожик адабиёти адабиётининг асосчилари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва Садриддин Айний икки

[471] Комилов Н., Муҳиддинов М. Дўстлик дарахти. Адабиёт ва санъат (Адабий-танқидий мақолалар, ўйлар, мунозаралар). Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1987 й. —Б.158-170

тилда ижод қилиб, қадимги анъанани янги замонга олиб кирдилар. С.Айний ўзининг кўп асарларини ҳар икки тилда ёзди. Умуман, устоз адибнинг асарлари 1924 йилдан бошлаб мунтазам равишда ўзбек тилида босилиб турибди.

Шу йилларда асарлари ўзбек китобхонлари орасида ҳам машҳур бўлган адиблардан яна бири Абулқосим Лоҳутий эди. У Тошкентни ўзининг азиз шаҳри ҳисоблаб, кўп марта бу ерга ташриф буюради, меҳнатсевар ўзбек халқининг оламшумул ғалабаларидан руҳланиб, бир қанча унутилмас шеърлар ёзади. Унинг «Ўзбекистон», «Зафар», «Ўзбек қизи куйлайди» номли асарлари ўлкамиз кишиларининг мардлиги, истеъдоди шаънига айтилган қасидадай янграйди. Йигирманчи йилларнинг ўрталаридан бошлаб, форс-тожик классик адабиёти, жумладан, Умар Хайём, Мирзо Бедил, Шайх Саъдий асарларидан намуналар таржима қилинган ва бу иш кейинги йилларда мунтазам давом этди.

Умуман, тожик адабиётидан таржималар миқдор жиҳатидан бизда рус адабиётидан қилинган таржималардан кейии иккинчи ўринни эгаллайди. Бунинг кўп қисми катта адабиёт ҳисобланган форс-тожик классикаси намуналаридир. 50-йилларнинг охирларидан бошлаб бу адабиётдан таржима тез кўпайиб борди. Абу Абдулло Рўдакийнинг «Танланган асарлар»и (Ғ.Ғулом ва М.Муинзода таржимаси), Хўжа Ҳофизнинг ғазаллар девони (Хуршид ва Чустий таржимаси), Шайх Саъдийнинг «Гулистон» (Ғ.Ғулом, Ш.Шомухамедов, Р.Комилов таржимаси) ва «Бўстон» (Чустий гаржимаси), Умар Хайём рубоийлари (Ш.Шомухамедов таржимаси), Камол Хўжандий девони (М.Васфий тарижимаси), Жомий ғазаллари (Ғ.Ғулом, Васфий, Муинзода ва бошқалар таржимасида), Амир Хусрав Деҳлавий асарларидан намуналар (Васфий, Чустий, Ш. Шомуҳамедов, Муродий, Назармат таржималари), Бедил рубоийлари, (Ш.Шомухамедов таржимаси) нашр этилди. Бундан ташқари Ш.Шомухамедов Абдураҳмон Жомийнинг «Искандар ақлномаси», «Баҳористон» асарларини, Хусрав Деҳлавийнинг ҳикматларини, Саъдий Шерозий шеърларидан намуналар ва «Бўстон» асарини таржима қилди. Огаҳий ўзбекчалаштирган Кайковуснинг «Қобуснома», Муҳаммад Авфийнинг «Жомеъул ҳикоят», Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъул вақоеъ» (Н.Норқулов таржимаси) асарлари ҳам китобхонлар томонидан қизиқиш билан кутиб олинди. Ва ниҳоят, жаҳон адабиёти дурдоналаридан бири – 120 минг мисралик буюк «Шоҳнома»нинг учдан бир қисми уч китоб ҳолида ўзбек тилида босилиб чиқди (таржимонлар: Шоислом Шомуҳамедов, Ҳамид Ғулом, Жумаиёз Жабборов ва Назармат).

Кўриниб турибдики, форсий тилдаги кўп классик асарлар ўзбекчалаштирилган, бу соҳанинг мутахассис таржимонлари, жонкуяр ташвиқотчилари бор. Булар орасида атоқли шоир Ғафур Ғуломнинг номи алоҳида кўзга ташланиб туради. Қардошлик ва биродарликнинг оташин куйчиси, Шарқ адабиётининг зукко билимдони академик Ғ.Ғулом форс-тожик классик адабиётидан энг яхши таржималарнинг муаллифидир. У С.Айний, А.Лоҳутий, М.Турсунзода, Р.Жалил, М.Раҳимий билан умрининг охиригача яхши дўстлик алоқаларида бўлди, икки халқнинг қадимий қардошлигини тўлқинланиб тараннум этди, тожик адабиётидан амалга ошириладиган таржималарга раҳнамолик қилиб, бу ишнинг жонланишига ҳар жиҳатдан кўмаклашди.

Шарқшунос олим Ш.Шомуҳамедов, К.Қаххорова, Ж.Қувноқовлар ҳам таржима ишида фаол қатнашиб икки халқ адабиётини тарғиб этишда куч сарфламоқдалар.

Мумтоз адабиёт билан бирга замонавий тожик адабиётидан таржима қилиш ҳам давом этмоқда. С.Айнийнинг деярли ҳамма асарлари ўзбек тилида босилиб чиқди. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1965-1967 йиллар ичида ёзувчининг саккиз томлик асарларини босмадан чиқарди Адибнинг 100 йиллик юбилейи муносабати билан адабий

ва илмий меросидан яна иккита тўплам нашр этилди. Бу ишда айнийшунос олим М.Ҳасановнинг, шунингдек таржимонлардан Н.Раҳим, Р.Комилов ва С.Раҳимнинг катта хизмати бор. Тожик адабиётининг атоқли намояндаларидан А.Лоҳутийнинг девони, М.Турсунзоданинг «Озод Шарқданман», «Ҳиндистон» қиссаси, «Табрик оқими», «Чаманзор» номли шеър ва достонлар тўпламлари Ғ.Ғулом, Аширмат, М.Тўлқин, Назармат таржимасида босилиб чиққан. Ж.Икромийнинг «Бухоронинг ўн икки дарвозаси» трилогияси (С.Раҳим, Н.Лутфуллаев, М.Васфий таржимаси), Р.Жалилнинг «Пўлод ва Гулрў» романи (Р. Комилов таржимаси), П.Толиснинг «Саратон» қиссаси (П.Қодиров таржимаси), С.Улуғзоданинг «Ёшлигимиз тонги» повести (Т.Жалолов ва Р.Комилов таржимаси) ва «Восеъ» романи (Т.Жалолов таржимаси), Ҳ.Назаровнинг «Карим девонани излаб...» қиссаси (С.Исмоилзода таржимаси), Ф. Ниёзийнинг икки қисмдан иборат «Вафо» романи (Б.Бойқобилов ва С.Раҳим таржимаси), «Дўстлик кутубхонаси» сериясидан Давлат мукофотининг лауреати Мўмин Қаноатнинг шеър ва достонлари (Н.Нарзуллаев ва М.Ғаффорова таржимаси), Ю.Акобировнинг «Тегирмон тўхтаганда» қиссаси С.Кароматов таржимаси), Ҳ.Ирфоннинг «Косиблар кулбасида» романи (С.Раҳим ва А.Ахмедов таржимаси), Лойиқ Шералининг «Муҳаббатим» шеърлар тўплами (Э.Воҳидов таржимаси), Саттор Турсуннинг «Рустам камони» (Э.Аъзамов таржимаси) чоп этилган. Ёш шоир Жонибек Қувноқов талантли тожик адибалари Г.Сулаймонова ва М.Хакимованинг шеърларини таржима қилди. У М.Турсунзода, А.Қаҳҳорий шеърларини ўзбек тилига ўгирди. Шунингдек, Ж.Кувноқ ўзбек адибларининг асарларини тожикчага таржима этишда ҳам фаол қатнашмоқда. Драматурглардан С.Улуғзода, А.Сидқий ва Ҳ.Содиқ асарлари ўзбек театрлари саҳналаридан муносиб ўрин олган.

Шу фактларнинг ўзи ҳам тожик ёзувчилари асарларининг ўзбек халқи орасида қанчалик севилиб ўқилишидан, ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиб келаётганидан дарак беради. Тожик адабиётида кўзга кўринган асар ўзбек тилига таржима қилинмоқда, десак янглишмаймиз. Айтиш керакки, бу алоқа бирёқлама эмас, Тожикистон адиблари ҳам ўзбек адабиётининг кўпгина ажойиб намуналарини она тилига таржима қилиб, китобхонларига туҳфа этдилар. Ҳамза ва Фитрат асарлари, А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари, Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи, А.Қаҳҳор ҳикоялари, «Синчалак» ва «Ўтмишдан эртаклар» повестлари, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, Уйғун, Зулфия, А.Орипов, Э.Воҳидовнинг шеърий китоблари, С.Аҳмад, Ў.Ҳошимов. Э.Аъзамов ҳикоялари тожик тилида қайта-қайта чоп этилмоқда.

Айниқса, тожик театрининг ривожида ўзбек драматургларининг таъсири баракали бўлди. Атоқли адиб Сотим Улуғзода бундай ёзади: «Биз шуни хушнудлик билан қайд этамизки, тожик адабиёти ва санъати инкишофида, хусусан унинг биринчи даврларида ўзбек санъати ва адабиёти устодларининг самарали таъсири бўлган. Чунончи, драманавислик ва замонавий тожик театри, айтиш мумкинки, ўзбек театри санъати ва драматургиясидан бошланди ва шундан илҳом олди. Тожикистоннинг А.Лоҳутий номидаги академик театри саҳнасига қўйилган дастлабки пьесалар ўзбекчадан таржима қилинган асарлар эди»[472].

Тожикистон театрларининг саҳналарида Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», «Туҳматчининг жазоси», «Майсаранинг иши» драмалари, К.Яшиннинг «Гулсара», «Нурхон» асарлари, Уйғун ва И.Султоннинг «Алишер Навоий», А.Қаҳҳорнинг «Аяжонларим», «Шоҳи сўзана» комедиялари, Ғ.Зафарийнинг «Ҳалима» пьесаси ҳозир ҳам муваффақиятли намойиш этилмоқда. Бу асарлар С.Улуғзода, К.Қаҳҳорова, А.Баҳорийлар томонидан тожикчага таржима қилинган.

[472] Таронаи дўсти Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1968, 45-бет.

Адабиёт ва санъат кунлари, декадалар, ҳар ҳил учрашувлар икки республикада яхши анъанага айланиб қолди. 1968 йили аввал Ўзбекистонда, кейин Тожикистонда бўлиб ўтган адабиёт ва санъат ўн кунлиги, 1981 йил май ойида Ўзбекистонда ўтказилган тожик адабиёти ва санъати кунлари, сентябрь ойида эса Тожикистонда ўтган ўзбек адабиёти ва санъати кунлари ҳар икки республика халқлари учун ҳақиқий дўстлик байрамларига айланди. Қардошлигимиз, меҳр-муҳаббатимиз илдизлари қанчалик мустаҳкам эканлиги намойиш этилди. Дил сўзлари изҳор қилинган мақолалар, ширу шакар байтлар, жўровоз асарларнинг пайдо булиши ҳам шу руҳнинг руқнинг барқарорлигидандир. «Дўстлик таронаси» (1968) ва «Дўстимиз, биродаримиз» (1981) китобларида жамланган бу материаллар икки халқ биродарлигининг ёрқин ҳужжатларидир.

Адабиёт ва санъат кунларининг яна бир шарофати бор: бундай пайтларда таржимага эътибор кучаяди. Негаки, таржима дўстлик дастурхонига қўйиладиган энг танқис неъматдир. Тожик адабиёти ва санъати ўн кунлиги муносабати билан 1968 йили нашриётларимиз тожикистонлик адибларнинг 15 китобини чоп этган. Улар орасида М.Турсунзоданинг шеър ва поэмалари, Давлат мукофоти лауреати Миршакарнинг «Тоғ қизининг ишқи» асари (Р.Бобожон таржимаси), Ф.Муҳаммадиевнинг «У дунёда» (А.Аҳмедов таржимаси) ва “Қариялар» (Ҳ.Ҳомидий таржимаси) повестлари, А. Лоҳутий, Шукуҳий, А. Қаҳҳорнинг шеър ва достонлари бор. 1981 йилги тожик адабиёти кунлари олдидан хам анча янги таржималар босилиб чиқди. Чунончи, «Хушхабар» тўпламидаи ҳозирги тожик шеъриятининг намуналари ўрин олган. Бу асарларни шоирларимиз меҳр билан таржима қилганлар.

Ўзбек ва тожик адабий алоқалари ривожида ҳар икки республикадаги вақтли матбуот катта ишларни амалга оширмоқда. Бу жиҳатдан «Шарқ юлдузи» ва «Садои Шарқ» журналларининг тажрибаси ибратли. «Шарқ юлдузи» 1978 йилги ўнинчи сонини Тожикистон адиблари ижодига, «Садои Шарқ» шу сонини Ўзбекистон адиблари ижодига бағишлади. «Гулистон» журналининг 1981 йилдаги бешинчи сони ҳам тожик адабиёти ва санъатига бағишланди. Хуллас, адабий алоқаларимиз кучайиб, таржима асарларимизнинг сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Аммо бу миқдорий ўсишнинг таржималар савиясига таъсири қандай? Таржима санъатига мисол бўла оладиган, талабчан китобхонларнинг баланд завқи, таъбига мувофиқ келадиган таржималаримиз кўпми? Обзор баҳонасида тожик адабиётидан қилинган таржималарни кўздан кечираётганда туғилган айрим мулоҳазаларни айтмоқчимиз.

Тожик адабиёти катта таржима адабиётимизнинг умумий ютуқ ва камчиликларини ўзида акс эттиради, адабиёти таржима мактаби хусусиятлари, қарор топиши ва бу соҳадаги қийинчиликлар, қонуният ва заруратларни текширишга материал беради. Айни вақтда тожик адабиётидан таржиманинг ўзига хос жиҳатлари, тараққиёт йўли ва талаблари ҳам бор. Кўзга ташланиб турадиган ижобий хусусиятлардан бири таржимонларнинг қарийб барчаси тожик тилини яхши биладилар ва бевосита асл нусхадан ўгирадилар. Бевосита таржима асарнинг ғоявий-бадиий фазилатларини сақлаб қолишга имкон беради. Шунинг учун бўлса керак, тожикчадан таржималарда асар руҳини ўзгартирадиган эркинликлар, адаптация, авторлаштириш ҳодисаларини учратмаймиз. Ўзбек ва тожик адабиётидан ўзаро таржима қилишда қулайлик туғдирадиган яна бир омил бор. Бу адабий анъаналарнинг яқинлигидир. Лекин шуниси борки, тожик ва ўзбек тили ўз қурилишига кўра бошқа-бошқа оилаларга мансуб. Синтактик ва морфологик қоидалар нуқтаи назаридан улар орасида фарқ катта. Бироқ бу икки тилнинг сўз ва луғат бойлигида яқинлик мавжуд, ҳар икки тилдаги 50-55 фоиз сўз ўхшаш маъноларга эга. Айниқса, классик адабий тилда бу умумийлик яна

ҳам кўпроқ. Аммо таржимонлар қўлидаги имконият фақат бу эмас. Тожик ва ўзбек халқлар узоқ тарихий давр мобайнида бирга яшаб, мунтазам ва интенсив маданий робиталарда бўлганликлари сабабли миллий хусусиятларда, урф-одатлар ва кишилар характерида жуда кўп умумий белгилар шаклланиб қолган. Шу сабабли уларни икки тилли бир тип одамлар, тўю томошаси, завқу сурури ўхшаш кишилар деб таърифлайдилар. Бу ҳол адабиётда чуқур из қолдириб, бадиий-эстетик анъаналар ўхшашлиги миллий анъаналар ўхшашлиги билан қўшилиб кетган. Шундай қилиб, бу ерда кўп адабиётлардан таржима масаласи пайдо бўлади. Албатта, яқин адабиётлар тушунчаси нисбий маънога эга. Чунки гуманизмни, инсоннинг олий орзу-армонларини ифодалаган теран маъноли асарларнинг ҳаммаси ҳам, улар қайси мамлакатда, қайси тилда яратилганидан қатъи назар, мазмунан ва руҳан ўзаро яқин ва қариндошдирлар. Лекин бу ғояларнинг суратланиш тарзи, усул ва услублар, дунёни идрок қилиш ва бадаий унсурлар орқали акс эттириш йўллари ер куррасининг турли бурчакларида ҳар хил: ҳар бир халқ ёки бир неча қўшни халқлар муайян анъаналар руҳида тарбияланиб, шунга одатланадилар. Адабиётда ифодаланган бу ҳодисани ҳозирги илмда типология усули орқали ўрганмоқдалар, бу эса яхши самара бермоқда. Мазкур тадқиқот усулининг натижалари таржима назарияси масалаларини ҳал этишга кўмаклашади. Чунончи, бир регионда таркиб топган Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиётларидан ўзаро таржима билан турли регионда шаклланган адабиётлардан таржима орасида катта фарқ бор.

Таржимонларимиз адабий анъаналар яқинлигидан усталик билан фойдаланганлар. Форс-тожик классик адабиётининг бир қанча асарлари ўз вазни, қофияланиш тарзи, гўзал санъатлари сақланган ҳолда моҳирлик билан қайта яратилган. Қутб Хоразмий, Сайфи Саройи, Огаҳий таржималарини ўқиганда уларни ўзбек адибларининг оригинал асарларидан ажратолмаймиз. Анъана яқинлигидан келиб чиққан имконият адабиёти даврида ҳам аҳамиятини йўқотмади. Устод Айний Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган монографиясида улуғ ўзбек шоири асарларидан бир қанча парчаларни тожикчага таржима қилиб келтиради. «Навоийдан олган иқтибосларимни улардаги форсча-тожикча ва арабча сўзларни жойида қолдириб, фақат ўзбекча сўз ва ифодаларни таржима қилдим»,— деб камтарлик билан изоҳ берган бўлсада, аслида у Навоий шеърларини баркамол тожикча байтлар орқали чин маъносида намунали таржима қилиб кўрсатган эди. Буюк Алишер гўё буларни ўзи тожик тилида ёзгандек:

Намо назме, ки тарҳат тоза бошад,
Ба мардум майли беандоза бошад.
Ва гарна ҳар чиро гуфта халойиқ,
Муқаррар карданаш аз ту чи лойиқ!

«Фарҳод ва Ширин»дан олган бу байтларнинг асли:

Ани назм этки тарҳи тоза бўлгай,
Улусға майли беандоза бўлғай.
Йўқ эрса назм қилғонни халойиқ,
Мукаррар айламак сендин не лойиқ!

Шу зайлда «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий»дан олинган парчалар ўз вазни, таровати билан тожикчага ўгирилган. С.Айний изидан борган М.Аминзода «Фарҳод ва Ширин» достонини таржима қилиб Алишер Навоийнинг нозик, мураккаб санъатлари, латиф оҳангини мукаммал қайта яратган.

Абу Абдулло Рўдакий мероси билан биз асосан М. Муинзода таржималари орқали таниш-

ганмиз. Саҳли мумтанеъ, яъни содда-мукаммал, сермаъно шеърият устаси бўлган Рўдакий асарларининг бир қисми ўзбек тилига астойдил меҳнат сарфланиб, пухта, аник ўгирилганини кўриш мумкин. Муинзода таржимасидаги анча байтлар эл оғзига тушиб кетди.

Рўдакийнинг «Бўи ҷўйи Мўлиён ...» деб бошланувчи рамали мусаддаси мақсур баҳрида ёзган шеъри бор. Маълумотларга қараганда, шоир уни дўстлари илтимосига кўра қўшиқ тарзида бадеҳатан айтган ва қайсар амир Ибн Насрни сарпойчан отга миниб Бухорога қайтишга мажбур этган. Муинзода мазкур шеърни бундай таржима қилади:

Мўлиённинг ҳиди бу ёнга келур,
Ёр ёдида дил фиғонга келур.

Ёмон таржима эмас, лекин Рўдакий куйига тушмайди. Ёш шоир С.Раҳмон мазкур шеърни аруз вазнида ўз баҳри билан мана бундай таржима қилади:

Мўлиён бўйи бу ён келмоқдадур,
Ёдга ёри меҳрибон келмоқдадур...

Бизнингча, бу аслига анча яқин.

ХХ асрда ижод этган тожик шоирлари ҳам арузни яхши ривожлантирдилар. Улар арузни замон руҳига, даврнинг шиддатли ритмига мослаштирдилар, бу вазннинг ҳали кўринмаган имкониятларини кашф этдилар. Маълумки, адабиёти даври ўзбек ва тожик поэзияси вазн анъанаси нуқтаи назаридан ўзаро фарқланади. Чунки янги ўзбек шеъриятининг етакчи вазни — бармоқ. Шу сабабли таржимонларимиз форс-тожик адабиётининг бир қисмини ва ҳозирги тожик шоирларининг асарларини кўпинча бармоқ билан таржима қилмоқдалар. Лекин ўзбек поэзиясида ҳам аруз давом этмоқда. Шунинг учун классик шеъриятни арузда таржима қилиш тўғри, бу билан қадимий асарларнинг жозибасини сақлаб қоламиз. Юқорида келтирилган мисолларимиз бунга далил бўла олади. Тожик адабиёти шоирлари асарларини эса уларнинг мароми, оҳангига қараб, арузда хам, бармоқда ҳам ўзбекчалаштириш мумкин. Негаки, ҳозирги тожик шеърияти гарчи арузда ёзилсада, мавзу эътибори билан, ритмик-интонацион хусусиятлари билан бармоқда ёзилган ўзбек шеъриятига яқин келадиган жиҳатлари кўп. Кейин шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, бу ўринда таржимоннинг маҳоратига кўп нарса боғлиқ. Ғафур Ғулом Мирзо Турсунзоданинг «Тара Чандри» шеърини арузда мувофиқ оҳанг билан таржима қилган бўлса, «Осиё овози» туркумидаги шеърларини бармоқ вазнида моҳирона ўзбекчалаштирган.

Қўшиқ сингари равон, гўзал ва серҳаяжон мисраларни бошқа тил, бошқа шеърий системага кўчириш мушкул вазифа. Мисол учун:

Жони ширин ин қадар жангам макун,
Ин қадар беҳуда дил тангам макун,—

байти билан бошланадиган лирик, достонни олинг. Бу tof дарёси каби шиддатли ва майин куйлар оқимидан ташкил топган симфония. Лекин айнан шу байтларни ўзбекча бутунликда ўқиганимда, рости, қувониб кетдик ва таржима мўъжизасига ишондик:

Жонгинам бағримни эзма бунча ҳам,
Кўнглимни беҳуда бузма бунча ҳам.

Барот Бойқобилов Турсунзоданинг лирик публицистик оҳангини шу тақлид акс эттиради. «Оташ посбони» тўпламига кирган бошқа асарлар ҳам ёмон таржима қилинмаган.

«Кукан батрак», «Василий Тёркин» каби енгил юмор билан ёзилган чуқур ижтимоий мазмунли «Ҳасан аравакаш» достони (Аширмат таржимаси) анча яхши чиққан эди. Маҳмуд Тўлқин, Назармат таржималарида эса мазмун акс этгани билан Турсунзоданинг эҳтирослари, жўшқин поэтик тили етарли сақланмаган. Шунинг учун бу таржималар киши юрагига

жиз этиб тегмайди, атоқли шоир гоҳо оддий назмчи бўлиб туюлади. Ўрни келганда шуни эътироф қилиш керакки, бу фақат тожик адабиётидан ўгирилган таржималарга хос камчилик эмас. Нашр этилган шеърий китобларнинг аксариятида бу нохуш аҳвол учраб туради. Қуруқ, ҳиссиз сатрлар кўп, улар бир нави қофияланган сўзма-сўз таржимага ўхшаб кетади. Бадиий оҳордан, шоирнинг қалб ҳароратидан маҳрум қилинган шеър ҳар қанча «мазмунли», «аниқ» бўлса ҳам, у китобхонга таъсир этмайди. Албатта, тилни билиш таржиманинг дастлабки шартларидан ҳисобланади. Бироқ шеърий таржимада шоирлик иқтидори ҳал қилувчи омилдир. Асл нусха тилини билиш, муайян адабиёт бўйича ихтисослашиб, асарнинг нозик маънолари, услубиятини идрок этиш таржимонга кўп нарса беради, уни муаллиф дунёси ичига олиб киради. Аммо бу билим чинакам истеъдод билан қўшилгандагина самара бериши мумкин.

Тожик насридан таржима қилувчилар орасида Тўхтасин Жалолов, Сами Раҳим сингари сўзга моҳир, қалами равон таржимонларимиз бор. Улар асарнинг бадиий фазилатларини асраб қолишга уста, ўзбек тили бойлигидан яхши фойдаланиб, китобхонни жалб эта оладилар. Лекин насрий таржималарнинг бари ҳам ана шундай хислатга эга деб бўлмайди. Худди шеърий таржимада бўлганидек, насрда ҳам тил қашшоқлиги сезилиб туради. Жонли, таъсирли тасвирлар оддий баёнга айланиб қолган ўринлар бор. Ж.Икромийнинг «Олов қизи» романи, Ҳ.Назаровнинг «Карим девонани излаб...» қиссаси таржималари бунга мисолдир. Буларда баъзан тожикча жумла қурилиши таъсири ҳам сезилиб туради. Насрий асар таржимасида автор услуби, персонаж нутқи, ички, ботиний ритм, характер яратиш санъати — ҳамма-хаммаси тил воситасида амалга оширилади. Асарни ўқиганда киши роҳатланса, ҳар бир сўз ёки иборанинг маъно, образли олам, кайфият ҳосил қилиш кучидан завқланса, қалб торлари тебранса, таржима шундагина ҳам муаллиф санъатидан, ҳам таржимон санъатидан дарак бериб, маълум қимматга эга бўлади. Адабиёт сўз санъати эканлигини, бу эса она тилининг бор қудрати ва гўзаллигини намойиш этишдан бошланишини ёддан чиқармаслигимиз керак. Таржимонлар тилимизнинг келажаги, равнақи учун ёзувчилар билан баб-баравар жавобгардирлар.

Таржимадан мақсад миллий адабиётни энг яхши асарлар билан бойитишдир. Шундай бўлгач, Шарқ халқлари адабиётларида пайдо бўлаётган энг сара, ўз халқи томонидан севиб ўқилаётган асарларни танлаб таржима қилишимиз шарт.

Хуллас, маданий хамкорлик соҳасида, ўзаро таржимачиликда ютуқларимиз кўп, тажрибалар анча. Ўзбек китобхонлари тожик ёзувчиларининг асарларини севиб ўқийдилар, бу албатта таржимонлар меҳнатининг натижасидир. Хўжа Ҳофиз деган эди:

Дарахти дўсти биншон, ки номи дил ба бор орад.
Ниҳоли душмани баркан, ки ранжи бешумор орад.

Мазмуни:

Дўстлик дарахтини ўтқазким ҳосили қалбнинг мақсади бўлғай,
Душманлик ниҳолини юлиб ташла чунки у бениҳоя кўп ранж келтиради.

Таржима ана шу дарахтнинг илдизларига оби ҳаёт бериб, гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

САМАРҚАНД НАВОИЙШУНОСЛИК МАКТАБИ

Она халқимиз шуҳратини оламга ёйган қайси улуғ аждодимизнинг ҳаёт йўлига назар ташламайлик, Самарқанд шаҳри, Самарқанд муҳити, Самарқанд мактаби бу зотларнинг умр йўлларида муайян мақомга эга эканлигига гувоҳ бўламиз. Одамушшуаро Рудакий ва Имом Бухорийдан бошлаб, Соҳибқирон Амир Темур ва Мирзо Улуғбеккача, Мавлоно Абдураҳмон Жомий ва Хожа Аҳрор Валийдан тортиб, Мир Алишер Навоий ҳамда Мирзо Бобургача ўз қисматларини Самарқанд тақдири билан муштарак, деб билганлар, илм-фан, дину диёнат, маданият ва санъатнинг бешиги бўлган бу муқаддас маконга ҳамиша ўз эҳтиромларини изҳор этиб турганлар. Ўз навбатида, Самарқанд аҳли ва Самарқанд мактаби намояндалари бу улуғ зотларнинг шуҳратини оламга ёйишга баҳоли қудрат ҳисса қўшганлар.

Жумладан, миллий маънавиятимизнинг яловбардори, ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда самарқандлик олимларнинг ҳиссаси беқиёс. Алишер Навоийнинг сиёсий фаолиятини ёритувчи илк тарихий манба Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн" асари бўлса, унинг ижодий фаолияти ва шоирлик салоҳияти ҳақида қимматли маълумот берувчи илк манба муаллифи бошқа бир самарқандлик шоир ва олим – Давлатшоҳнинг "Тазкират уш-шуаро" тазкирасидир. Самарқандлик бу икки олим ҳали Мир Алишер ҳаётлиги пайтидаёқ навоийшуносликни бошлаб берганлар ва ушбу анъана асрлар давомида бошқа олимлар томонидан изчил давом этиб келмоқда.

XX асрнинг биринчи чорагидан бошлаб, навоийшунослик фаннинг алоҳида тармоғи сифатида шакллана бошлади. Камоли қониқиш билан қайд қилиш лозимки, Алишер Навоий ҳақидаги дастлабки мақола ва тадқиқотлар айнан Самарқанд илмий ва адабий мактаби намояндалари томонидан яратилди.

Айтиб ўтиш керакки, Навоийга муносабат, Навоий шахсига эҳтиром шўролар замонида бирданига ижобий тус олган эмас. Айрим олимлар: *"Навоий каби сарой шоирларининг услублари асримиз завқига ҳам, эҳтиёжига ҳам тамомила яроқсиздир",* – деган фикрда бўлган пайтда Абдурауф Фитрат ва Вадуд Маҳмуд каби миллат фидоийлари Навоийни *"ўзбек шоирларининг бобоси"*, Навоий яшаган даврни эса адабиётимизнинг *"биринчи олтин даври"* деб ҳаққоний баҳо беришга журъат қилганлар.

Кейинчалик бу жараёнга Садриддин Айний, Абдураҳмон Саъдий, Воҳид Абдуллаевлар қўшилиб, Самарқандда том маънодаги навоийшунослар мактабига асос солдилар. Садриддин Айний тожик тилида *"Алишер Навоий"* монографиясини яратиш баробарида "Хамса"нинг қисқартирилган нашрини тайёрлаган бўлса, Абдураҳмон Саъдий Навоий ижодининг умумфалсафий ва бадиий маҳорати масалаларини ўз докторлик диссертатсиясида асослаб беришга ҳаракат қилган.

Айниқса, аллома Воҳид Абдуллаевнинг "Навоий Самарқандда" номидаги тадқиқоти ўз даврида воқелик ҳисобланиб, бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Воҳид Абдуллаев тадқиқотида Алишер Навоийнинг Самарқандда тўрт йил яшаганлиги, Самарқанд ва Мовароуннаҳрнинг қатор шоирлари ва олимлари билан ижодий алоқада бўлгани, Самарқанддан олган баҳрамандликлари кейинги бутун ижодига самарали таъсир қилиб, гўзал шеърлари ва достонларига материал сифатида хизмат қилгани илмий далиллар асосида исботлаб берилган. Академик В.В.Бартолд ва бошқа шарқшунослар, *бу даврда Самарқандда илм-фан, маданият инқирозга юз тутган, Ҳиротда эса, аксинча, ривожланган,* деган фикрни илгари суришган. В. Абдуллаев ўз тадқиқотида аниқ факт ва далиллар асо-

сида XV асрнинг 50–60-йилларида Самарқандда маданий-адабий анча жонлангани, аксинча, Абусаид Мирзо давридаги Ҳирот зиддиятлар ўчоғига айланиб қолгани, шу боис, илм ва адабиёт намояндалари Ҳиротдан Самарқандга интилганларини исботлаб берган.

Бу устозларнинг давомчилари – Содиқ Мирзаев, Ботирхон Валихўжаев, Раҳмонқул Орзибеков ва бошқаларнинг тадқиқотларида ҳам Навоийнинг шахсияти, ижоди ва дунёқарашининг турли қирралари тадқиқ этилди. Содиқ Мирзаев ўз номзодлик диссертатсиясида Навоий арузи ҳақида тадқиқот олиб бориб, аруз вазнининг замони ўтгани, шоирлар энди аруз вазнидан эскилик сарқити сифатида тезроқ қутулишлари лозим, маъносидаги “башорат” ва “кўрсатма”лар берилаётган даврда Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асари ҳамда лирик меросининг куллиётини тадқиқ этди. Навоийнинг хизматлари натижаси ўлароқ туркий тилни аруз вазнига тўлиқ мослаштириш назарияси ва амалиёти яратилгани, бу вазн тизими ўзбек тилининг фонетик ва фонологик таркиби ўзгармасдан келишида муҳим рол ўйнаганини илмий жиҳатдан асослаб берди. Айниқса, “Навоий лирикасига вазн кўрсатгичи” деб номланган диссертатсия иловаси 147 бетдан иборат бўлиб, унда адабиётшуносликда биринчи марта Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” куллиётига кирувчи тўрт девоннинг ҳар биридаги лирик жанрнинг вазн хусусиятлари ўрганилган. Ушбу кўрсаткичлар кейинчалик “Хазойин ул-маоний”нинг академик нашри учун асос қилиб олинди.

Академик Ботирхон Валихўжаев ижодининг ўқ томирини Навоий мавзуси ташкил этади, десак, янглишмаган бўламиз. Адабиётшуносликни мумтозлик даражасига кўтарган заҳматкаш устозимиз деярли барча тадқиқотларида Навоийнинг шахсияти, ҳаёти ва фаолиятига муносабат билдириб келганлар. Бу хулоса, кузатув ва умумлашмалар кейинчалик икки жилдлик “Ўзбек адабиёти тарихи” ўқув қўлланмаси (2002), Хожа Аҳрор Валий ҳақида ёзилган “Буюк маънавий муршид”, шунингдек, “Мумтоз сиймолар” китобида ўз аксини топди. Б. Валихўжаев учун Навоий номи – Самарқанддек азиз ва табаррук. Бу икки муқаддас тушунчани боғловчи ҳар қандай далил, ҳар қандай кичик чизги (детал) олимнинг диққат марказидан четда қолмади.

“Мулоқот” журналида эълон қилинган “Алишер Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари” мақоласида Навоийнинг Самарқандда таълим олган мадрасалар ҳақида маълумот берган бўлса, “Ўзбек адабиёти тарихи” китобида Навоий ва Самарқанд адабий муҳити масаласини янги фактик материаллар ва хулосалар билан бойитди.

Раҳмонқул Орзибеков ўз тадқиқотларида Навоийнинг бой ва бетакрор бадиий-эстетик олами, бу муаззам ижоднинг кейинги давр адабий жараёнга кўрсатган ижобий таъсири, Навоийдан илҳомланган шоир ва адибларнинг ижодий мероси тадқиқига эътибор қаратди. Бу тадқиқотлар Самарқанд илмий муҳитидаги қиёсий адабиётшуносликнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатди.

Тарихий манбалардан маълумки, Алишер Навоий улкан мутасаввиф шоир Фаридуддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достонини олти ёшлигида ёд олиб, умр бўйи унинг таъсирида юрган ва олтмиш ёшларида, яъни умрининг охирида “Лисон ут-тайр” асарини ёзиб, устозга чуқур эҳтиром кўрсатган.

Худди шунга ўхшаш ҳолатни биз Самарқанд давлат университетининг мактабида таълим олган йирик олим Нажмиддин Комилов ҳаёт ва ижод йўлида ҳам мушоҳада қилишимиз мумкин. Албатта, биз бу ўринда Нажмиддин Комилов илму ижодини улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий даҳосига қиёслаш фикридан мутлақо йироқмиз. Гап шундаки, Н. Комиловнинг илк илмий-ижодий тадқиқоти – Самарқанд давлат университетининг талабаси сифатида 1965-йилда ёзган “Форс-тожик адабиётида Алишер Навоийга издошлик та-

рихидан” мавзусидаги диплом иши ҳам, энг сўнгги, ўзи варақлашга улгурмаган “Маънолар оламига сафар (*Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар*)” (2012) китоби ҳам Алишер Навоий ҳазратларининг ижодига бағишланган. Олимнинг ўз таърифи билан айтганда, у бир умр *“Навоий мулкининг нигоҳбони”* бўлиб яшаган.

“Маънолар оламига сафар (*Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар*)” асари олимнинг бу борадаги охирги, айни чоғда, энг сара тадқиқотларидан бири бўлиб қолди. Атоқли олим ўз китобида Алишер Навоий қаламига мансуб элликта ғазални атрофлича шарҳлар экан, бу этук назм жавоҳирларининг ҳар бир байти, ҳар битта мисраси замиридаги чуқур фалсафага, нозик ташбеҳ ва тимсолларга ақл ва қалб кўзи орқали нигоҳ ташлаган. Навоий ишлатган ҳар бир сўздаги ҳикматга, бадиий сайқалу маъно жилоларига китобхонни ошно этишга интилган.

Шарҳ, шарҳлаш – бу қадимий адабий анъана. Ибн Сино, Бурҳониддин Марғиноний, Ибн Арабий, Жалолиддин Румий, Хожа Ҳофиз, Мирзо Бедил каби улуғ аждодларимизнинг мураккаб адабий ва илмий-ирфоний асарлари турли даврларда шарҳ этилиб, уларнинг маъно-мазмуни, ибора ва истилоҳлари тушунтириб келинганини яхши биламиз. Н.Комилов таъкидлаганидек: *“...Бу, биринчидан, машҳур асарлар ғоялари, маъносини соддароқ тарзда кенг ўқувчиларга тақдим этишга кўмаклашса, иккинчидан, шу баҳонада янги-янги асарларнинг яратилиши, ўлмас инсоний туйғулар, тафаккур ва ақлий-ижодий кашфиётларнинг ривожи, тўлишиб боришига сабаб бўлган”.*

Алишер Навоий асарлари ҳам неча юз йиллар давомида турли даражада, турфа тилларда изоҳланиб, шарҳланиб келган. Бадиий асарларни шарҳлашнинг ўз талаблари борлигига эътибор қаратган ҳолда Навоий ғазалларини шарҳлашдаги Н.Комиловнинг ўзига хос ёндашуви ғазалларнинг қийин ибораларини ва кўп маъноли мураккаб ўринларини имкон қадар содда тилда тушунтириб берилгани билан ажралиб туради.

Эътиборли жиҳати шундаки, олим бу борадаги адабий анъанани ижодий ўрганиб ва синтез қилиб, Навоий ғазалларини қуйидаги уч усулга таяниб шарҳлайди: биринчидан, асар тилидаги ҳозирги китобхонга тушунилиши қийин сўзлар луғатини беради; иккинчидан, байтларнинг насрий баёнини тақдим этади; учинчидан, ғазалнинг умумий мазмун-маъноси, бадиий хусусиятлари устида мулоҳаза юритади. Бу анча қулай усул бўлиб, амалий аҳамияти ҳам кўп эканига ушбу шарҳларни мутолаа қилиш жараёнида яққол ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Нажмиддин Комиловнинг “Тасаввуф” деб номланган, икки китобдан иборат, “Комил инсон ахлоқи” деб номланган биринчи китоби 1996-ҳамда “Тавҳид асрори” деб номланган иккинчи китоби 1999-йили чиққан, кейин бир муқовада иккинчи бор 2009-йили чоп этилган илмий асари ҳам, 2005-йили нашр юзини кўрган “Хизр чашмаси” китоби ҳам Алишер Навоий ижодини таҳлил қилиш асосига қурилган. Бу асарларида олим буюк шоир ижодини тамоман янги, яъни тасаввуфий нуқтаи назардан атрофлича таҳлил қилиб беради.

Университетимизда камол касб этиб, кейинчалик мумтоз адабиётимизнинг йирик билимдонлари сафидан муносиб ўрин эгаллаган олимларимиздан яна бири сифатида, албатта, филология фанлари доктори, профессор Ҳасан Қудратуллаевни алоҳида таъкидлаш жойиз. У “Навоийнинг адабий-эстетик олами” асарида буюк шоир ва мутафаккир Навоийнинг бадиий ижод ҳақидаги мулоҳазалари, шакл ва мазмун, бадиий адабиётнинг ижтимоий вазифаси борасида илгари сурган эстетик қарашларини атрофлича тадқиқ ва таҳлил қилган. Китобда берилишича, Навоийнинг бадиият, гўзалликка муносабати, нафосат сирларини заковат билан ифодалаган пурмаъно фикрлари ўлмас меросининг ажралмас қисми

ҳисобланади. Хусусан, Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари бадиий асарларида, “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Насойим ул-муҳаббат” каби илмий асарларида ҳам ўз ифодасини топган.

Навоий Аҳмад Тарозийдан кейинги биринчи ўзбек адабиётшунос олими, шунингдек, ўзбек тилида асар ёзган илк муаррих ва тазкиранавис ҳам. У адабиёт ва санъатнинг туб назарий асосларини таҳлил қилиб, замондошларини қизиқтирган муаммоларга жавоб қидиради, адабиётнинг ижтимоий вазифасини энг муҳим масалалардан бири сифатида таъкидлайди. Бадиий маҳорат масаласи Навоий қарашларида асосий ўринни эгалласа-да, Навоийнинг эстетик олами – кенг ва ранг-баранг. Унда анъанавий жанрлар, бадиий санъатлар, вазн ва қофия хусусида қизиқарли, ибратомуз фикрлар – талай.

Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашларини ўзбек ва рус олимлари ҳам ўрганган. Бироқ шоирнинг эстетик олами, бадиий ижоди янглиғ, чексиз ва бепоёндир. Биз унинг гўзаллик, ижод жараёни, илҳом ва нафосат ҳақидаги қарашларини кўздан кечирганимизда ҳали қатор масалалар ёритилмагани, улуғ мутафаккирнинг салоҳият ва тафаккур қудратини белгилаб берувчи хизматлари этарли баҳо олмаганини кўрамиз.

Мазкур рисола – шу ва шунга яқин масалалар хусусида сўз юритилгани билан алоҳида қимматга эга.

Алишер Навоий асарларининг тил хусусиятларини ўрганиш масаласи ҳам самарқандлик олимларнинг доимий диққат марказида бўлган. Улуғ Турсунов – Самарқандда тилшунослик мактабига асос солган олим. Зеро у ўтган асрнинг 30-йилларидаёқ республикамизнинг таниқли олимлари қаторидан ўрин олган. 1936-йилдан эса ЎзДУ (ҳозирги СамДУ)да ўз фаолиятини бошлаб, то умрининг охиригача Ўзбекистонда тилшунослик тараққиётининг фидоийси бўлди. Унинг кўп илмий асарлари тил тарихини тадқиқ этиш, ўтмиш аждодларимизнинг асарлари тили ва услубини ўрганиш, унинг ҳозирги ўзбек тилига муносабати ҳамда тараққиётидаги ўрнини белгилаш каби муҳим масалаларни ёритишга бағишланди. Шу жиҳатдан устознинг тил тарихи масалаларига доир ишларини икки катта гуруҳга ажратиб қараш мумкин:

1. Ўзбек тили тарихини ўрганиш;
2. Алишер Навоий асарлари тили ва услубини тадқиқ этиш.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Улуғ Турсунов раҳнамолигидаги тилшунослик мактабида этишиб чиққан самарқандлик олимлар орасида устознинг таъсирида Алишер Навоий ижодий меросини тилшунослик нуқтайи назардан ўрганиш билан шуғулланмагани кам топилади. Х.Дониёров, А.Мухторов, Н.Ражабов, Р.Қўнғиров, Б.Ўринбоев, Ж.Ҳамдамов, У.Санақулов каби республикамизнинг етакчи тилшунослари илмий фаолиятида навоийшунослик соҳаси алоҳида ўрин эгаллади. Масалан, таниқли тилшунос Х.Дониёров ижодида “Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили” (Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972), “Алишер Навоий – ўзбек адабий тилининг асосчиси” (Самарқанд: СамДУ, 1985), “Алишер Навоий – тилшунос олим” (Т.: 1991, У. Санақулов билан ҳаммуаллифликда) каби асарлари – шулар жумласидан.

Шунингдек, навоийшуносликнинг илк даврлари бўйича Қутбиддин Муҳиддинов XV – XVI асрларда Алишер Навоий асарларининг тилини тадқиқ этиш, махсус луғатлар тузиш ишлари бошланганлигини муҳим илмий тадқиқот ишларида ёритиб берди. Айниқса, унинг 1971-1973-йиллар давомида Навоий асарлари бўйича тузилган “Абушқа”, “Санглоҳ”, “Мабоне ул-луғат” каби луғатлар бўйича амалга оширган илмий тадқиқотлари навоийшуносликда ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди.

Профессор Назар Ражабовнинг ҳам “Алишер Навоий – олим ва мураббий” (Самарқанд: 1971, 1989), “Навоий – она тили тақдири учун курашчи” (1990), “Алишер Навоий ва она тилимиз” (Т.: 1992), “Алишер Навоий мероси – туганмас бойлигимиз” (1994) каби асарларида Алишер Навоийнинг педагогик қарашлари, моҳир сўз санъаткори эканлиги, юксак бадиий маҳорати, унинг она тилини бирдан-бир, ягона асосчиси ва ҳимоячиси бўлганлиги ҳамда мутафаккирнинг фаол ҳаракати ва ташаббуси билан темурийлар (Ҳусайн Бойқаро) даврида она тилимиз юксак мақомга эга бўлганлиги талқин этилади.

Профессор Абдужаббор Мухторов ҳам ўзбек тили тарихи соҳасидаги ишларида Алишер Навоий асарларининг лингвистик хусусиятлари бўйича махсус боблар ажратган. Масалан, Усмон Санақулов билан ҳамкорликда “Ўқитувчи” нашриётида чоп эттирган “Ўзбек адабий тили тарихи” (1995) ўқув қўлланмасининг сўнгги бобида “Алишер Навоий – она тили учун кураш байроқдори”, “Алишер Навоий адабий тил ҳақида”, “Навоий асарларида адабий тил ва жонли сўзлашув тили хусусиятларининг акс этиши”, “Алишер Навоий ва адабий тил услублари”, “Навоий асарларининг тили ва услуби”, “Навоий асарларида бошқа тилларнинг унсурлари”, “Навоийнинг тил ҳақида қарашлари”, “Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг илмий-тарихий аҳамияти”, “Ўзбек адабий тили тарихида Навоийнинг ўрни” каби қатор мавзулар таҳлил этилган.

Профессор Бозорбой Ўринбоев, устози – Улуғ Турсунов қўлёзмалари асосида (ҳаммуаллифликда) чоп эттирган ишларидан ташқари, яна Навоий асарларининг лисоний хусусиятлари бўйича бир қатор тадқиқотларни амалга оширди. Жумладан, “Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили” (1968), “Алишер Навоий асарлари тилида лексик ва грамматик нормаларнинг белгиланиши” (1971), “Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили тарихи” (1982), “Навоий асарларининг изоҳли луғати”, “Навоий ижодининг чўққиси” (1985), “Алишер Навоий асарларида тасвирий воситалар” (1991) каби ишлари фикримизга далил бўла олади.

Усмон Санақулов Алишер Навоийнинг сўздан фойдаланиш маҳорати, тил билимига, умуман, тилшуносликка доир қарашлари хусусида қатор илмий рисола ва ўқув-услубий қўлланмалар яратишга киришди. Жумладан, унинг “Алишер Навоийнинг сўздан фойдаланиш маҳорати ва қофия” (1988), “Алишер Навоий – тилшунос олим” (1991), “Алломалар мероси – ҳаётимиз зиёси” (1996), “Навоийнинг сўз қўллаш маҳорати” (2004), хусусан, “Ўқитувчи” ва Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётларида чоп эттирган “Ўзбек адабий тили тарихи” (1995), “Ўзбек адабий тилининг илк даврлари” (2004) ўқув қўлланмаларида “Навоий даври ўзбек адабий тили” ва “Ўзбек адабий тилининг асосланишида Алишер Навоийнинг ўрни” номи билан махсус боблар ажратиб, уларда буюк сиймонинг асарлари ва унинг ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва тараққиёти соҳасидаги хизматлари холисона талқин этилган, юксак баҳоланган.

Қ.Муҳиддинов, Х.Дониёров, У.Санақулов, И.Носиров, З.Ҳамидов каби тилшунос олимлар Навоий асарларининг лексик-семантик хусусиятларини тадқиқ этишда ўз ҳиссаларини қўшдилар. Хусусан, Худойберди Дониёров ўтган аср 60-йилларининг охирида навоийшуносликнинг энг муҳим қисмларидан бири бўлган Алишер Навоий асарларининг тили ва услуби масалаларини кенг кўламда тадқиқ этишни бошлаб берди. 1968 йили чиққан “Навоий тилининг диалектал асосларини ўрганиш масаласига доир” мақоласида олим Алишер Навоий асарларининг қайси туркий лаҳжа ва шеваларга асослангани масаласини батафсил таҳлил этади. Навоий ўз асарларида тез-тез қайд қилганидек, унинг асарлари “Хитодин то Хуросон”га қадар тарқалган туркий эл, уруғ ва халқларнинг барчаси учун умумий бўлган адабий тилда ёзилган, шу сабабли, олимнинг фикрича, бу адабий тилнинг диалектал ман-

балари ўлароқ Марказий Осиё ҳудудларида тарқалган қарлуқ, ўғуз ва қипчоқ лаҳжалари бирдай хизмат қилган.

Х.Дониёровнинг "Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили" номли илмий рисоласида Марказий Осиё жўғрофиясида XI асрда шаклланган адабий тилнинг XV асрда улуғ шоир ва мутафаккир томонидан дунёнинг энг ривожланган ва нафис адабий тиллари даражасига олиб чиқилгани, шу боис эски ўзбек адабий тили то XIX асрнинг иккинчи яримига қадар нафақат ўзбек этноси, балки, бошқа қардош туркий халқлар учун ҳам муштарак адабий тил вазифасини бажариб келгани хусусидаги қарашлар олға сурилади.

Алишер Навоийнинг тилшунослик ва услубшунослик борасидаги қарашлари Х.Дониёровнинг "Эски ўзбек тили ва қипчоқ диалектлари" китобида теран таҳлил қилиб берилган. Бу таҳлиллар якунида олим: *"Алишер Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн" номли машҳур асари унинг умр давомида қилган илмий-ижодий меҳнатининг самараси, тилшуносликка оид илмий-назарий фикрларининг якуни ва натижасидир. Бу асар тилшунослигимиз учун катта бир маданий мерос ва туганмас хазинадир",* – деган чуқур мантиқий-илмий хулосани чиқаради.

Худойберди Дониёров бошлаб берган Навоий асарлари тили ва услубини ўрганиш ишини СамДУ профессорлари У.Санақулов ва С.Каримовлар давом эттирдилар. Профессор И. Мирзаев эса Э.Э.Бертелс, В.В.Бартолд каби буюк шарқшуносларнинг Навоий ҳақидаги асарларини ўзбек адабий тилига таржима қилган ҳолда кенг илмий жамоатчиликни бу ноёб ва теран илмий асарлар билан таништирмоқда.

Самарқанд навоийшунослик мактабида камол касб этиб, аммо Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги илмий марказларда фаолият олиб борган ва олиб бораётган олимлар ҳақида ҳам кўп ва хўб гапириш мумкин. Уларнинг бу соҳадаги изланиш ва тадқиқотларини алоҳида эътироф этган ҳолда, бемалол айтиш мумкинки, мустақилликдан кейин ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кузатилгани каби, Самарқанд навоийшунослик мактаби ҳам ривожланишнинг янги палласига қадам қўйди. Бу олимлар томонидан Навоий ҳаёти ва ижоди бўйича учта докторлик (М.Муҳиддинов, Ш.Сирожиддинов, Д.Салоҳий) ва бир нечта номзодлик диссертатсиялари ҳимоя қилинди, ўнлаб китоб ва монографиялар, ўқув қўлланма ва дарсликлар нашр этилди. Бу шаҳарда республика миқёсида навоийшуносликнинг долзарб масалаларига бағишланган турли илмий-амалий конференсиялар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Самарқанд давлат университети филология факултетида "Темурийлар даврида яратилган "Хамса"ларнинг компаративистик тадқиқи" мавзусида фундаментал тадқиқот олиб борилмоқда.

Аммо Самарқанд олимларининг салоҳиятини ҳисобга олганда, булар – кам. Самарқанд илмий мактаби навоийшунослик фанининг янада ривожланиши учун қуйидаги вазифаларни ҳал қилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

– Алишер Навоий асарларини матншунослик ва манбашунослик мезонлари бўйича ўрганиш, янги манбаларни излаб топиш ва амалиётга жорий этиш, Навоий асарларининг турли нашрлари(илмий-танқидий, йиғма-қиёсий, академик, факсимел, оммабоп ва ҳоказолар)ни тайёрлаш ва чоп этишни изчил давом эттириш;

– Алишер Навоий даври, ҳаёти ва фаолиятига доир адабий, тарихий манбаларни танқидий ўрганиб, таҳлил қилиш ва илмий асосланган хулосалар асосида унинг тўлиқ таржимайи ҳолини тиклаш;

– Алишер Навоий ва Самарқанд илмий-адабий муҳити масаласини янада чуқурроқ ўрганиш, XV – XIX асрларда Самарқандда яратилган илмий ва адабий манбаларда Навоийнинг шахси ва ижодига берилган баҳони қиёсий-типологик таҳлил қилиш;

– Алишер Навоий асарлари тилини лингвистик ва лингвопоетик мезонлар асосида тадқиқ этиш ва шу орқали ўзбек адабий тилининг тарихий тадрижи ҳақида аниқ хулосалар бериш;

– Алишер Навоий асарлари мисолида ўзбек мумтоз адабиётининг назарий масалаларини ўрганишни давом эттириш;

– мусулмон Шарқи минтақасида бақамти ривожланиб келган араб ва форс-тожик адабиётининг анъаналарини ижодий ўзлаштириб, янги мазмун ва моҳият билан бойитган Алишер Навоий ижоди туфайли учинчи кучли адабий жараён – туркий халқлар адабиётининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тамойилларини илмий ўрганиш ҳамда бу эврилишларда улуғ шоир ва мутафаккир ижодининг ўрни, мавқеи ва аҳамиятини кўрсатиш;

– таржимашунослик мезон ва меъёрлари асосида Алишер Навоий асарларининг жаҳондаги турли тилларга қилинган таржималарини ўрганиш, шоир асарларининг янги таржималарини амалга ошириш;

– Алишер Навоий ижоди бўйича хорижий олимларнинг қилган тадқиқотларини ўзбек тилига таржима қилиш, уларни холис ўрганиш;

– ўзбек тасаввуф шеъриятида Алишер Навоий асарларининг ўрни, мавқеи ва аҳамиятини комплекс равишда ўрганиш, шеърияти ва насрий асарларида илоҳиёт ва диний маърифат масалаларини тадқиқ этиш;

– Алишер Навоий ва адабий алоқалар, анъана ва таждид (новаторлик) масалаларини йирик йўналишда (Навоийгача бўлган давр, Навоий даври ва Навоийдан кейинги даврга бўлиб) таҳлил этиш;

– Алишер Навоий достонларининг шарҳли насрий баёнларини яратиш, лирик асарларига шарҳ ёзиш, насрий асарларини ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрларига мувофиқлаштириб қайта баён этиш каби усул ва воситалар орқали улуғ шоир ва мутафаккирнинг ижод оламига яқинлашиш ва ёш авлоднинг маънавий оламини бойитишнинг самарали йўлларини излаб топиш, шу тариқа унинг ғояларини тарғиб ва ташвиқ этиш;

– зуллисонайн шоирнинг “Девони Фоний” ҳамда бошқа форсий меросини таржима ва тадқиқ қилиш, унинг форс-тожик мумтоз шеърияти ривожига кўрсатган таъсирини ўрганиш, анъана ва таждид, татаббуъ, тавр ва мухтараъ ғазаллар ўртасидаги муштараклик ва тафовутларни аниқлаш.

Бу вазифалар самарқандлик олимлардан янада кўпроқ заҳмат чекиш, илмий холислик мезонлари асосида янги-янги тадқиқотларни амалга оширишга ундайди, шунингдек, Самарқандни том маънода жаҳон навоийшунослигининг асосий марказларидан бирига айлантиришни тақозо этади.

Мундарижа

Асллик 7
Муқаддима 11
«Хамса»ларнинг биринчи достонларида. Комил инсон талқини 18
Ҳазрати пайғамбар сиймоси тасвири 33
Достонларда кўнгил тимсоли 43
Валийлар ва сўфийлар сиймоси 52
Инсон талқинида анъанавийлик ва ижодий ўзига хослик. Инсон ахлоқи тасвири 71
Инсон ва ижтимоий муҳит 87
Ҳаёт ва инсон камолоти учун кураш 99
Одамийлик таърифи ва ноодамийлик мазаммати 118

Ўзбек мумтоз адабиётида «Баҳром ва Дилором» ва «Баҳром ва Гуландом» туркумидаги достонларнинг қиёсий таҳлили

I. Шарқ адабиётида Навоийгача Баҳром гўр тимсоли 144
2. Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони 147
3. Ғарибийнинг «шоҳ Баҳром ва Дилором» достони 170
4. «Сабъаи сайёр»нинг насрий варианти 184
5. «Ҳафт пайкар» огаҳий таржимасида 193
Баҳромнинг аждарҳони ўлдириб ганж топғони 197
6. «Баҳром ва Дилором» сюжетининг ўзбек адабиётидаги тадрижий такомили ҳақида умумий мулоҳазалар 197

«Баҳром ва Гуландом» сюжети ва унинг версиялари

1. «Баҳром гўр» сюжети билан «баҳром ва гуландом» сюжетининг ўзаро алоқаси 200
2. «Баҳром ва Гуландом» сюжетининг шарқ халқлари адабиётидаги версиялари ва ўзбекча вариантлари 206
3. Собир сайқалийнинг «Баҳром ва Гуландом» достони ҳақида 208
4. Муаллифи номаълум достон ҳақида 214
5. «Қиссаи шаҳзода Баҳром ва маликаи Гуландом» 225
6. Фозил Йўлдош ўғлининг «Баҳром ва Гуландом» достони 229
Ҳайрат учқунлари 243
«Ҳайрат ул-аброр» достонидаги ҳамд ва наътлар талқини 245
Комил инсон тимсоли 260
Етти иқлим элига туҳфа 264
Тафаккур ва бадиий талқинда муносиб издош 269
Дўстлик дарахти 287
Самарқанд навоийшунослик мактаби 294

УЎК 821.512.133.06(091)
КБК 83.3(5Ў)
И 28

Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги: 30 жилдлик / Алишер Навоий; Муслиҳиддин Муҳиддинов: Кўнгил ҳайратлари; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2021. 304 бет.

Ж.9: Кўнгил ҳайратлари. 304 бет.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгашлари томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978 9943 5123–5

© Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, 2021

Илмий нашр

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК
Тўққизинчи жилд

Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ
КЎНГИЛ ҲАЙРАТЛАРИ

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*
Муҳаррир: *Одил Икром*
Мусаҳҳиҳ: *Шоҳрўз Мўминзода*
Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*
Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

“TAMADDUN” нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами AI №247.
2013.02.10. да берилган.
2021.17.11.да босишга рухсат этилди Бичими 84*108 $^{1}/_{16}$.
Cambria гарнитураси. 19 босма табоқ. Адади 1 000 нусха.